

# ЎЗБЕК АДАБИЕТИ МАЖМУА

(XV асрнинг иккинчи ярми —  
XIX аср)

10-СИНФ УЧУН

ИККИНЧИ НАШРИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1997

Тузувчилар:

ВЕГАЛИ ҚОСИМОВ, НУСРАТУЛЛО ЖУМАЕВ,  
СУЛТОНМУРОД ОЛИМ

Мажмуадаги Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ (Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ) асарларини Султонмурод Олим, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуфбек Бағий, Муҳаммад Амин Муқийий, Фазлудлоҳ Аллоқий, Зоқиржон Фурқат асарлари, шунингдек, «Чоризм истилоси»ни Беғам Қосимов, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Хўжавазар Хўжаев, Махтумқули, Шермуҳаммад Мунис, Жаҳон отин Увайсий, Нодир Муҳаммадризо Оғахий асарларини Нусратулло Жумаев танлаган ва нашрга тайёрлаган.

У 16

Ўзбек адабиёти: Мажмуа. 10- синф. Тузувчилар  
Б. Қосимов, С. Олим.—2- нашр.—Т.: Уқитувчи  
1997.— 400 б.

1. Қосимов Б. ва бошқ.

ББК 83.3Узя721

4306020200 — 189

К. \_\_\_\_\_ буюрт. нарағи — 97

353(04)—96

ISBN 5-645-02988-7

© «Уқитувчи» нашрийт, 1997

## ТУЗУВЧИЛАРДАН

**Эй азиз фарзанд!**

Ўрган ўқув йили Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Сайф Саройи, Мавлоно Лутфий каби шоирлар ижоди билан танишган эдингиз. Бу йил буюк Навоий ва Бобур, Машраб ва Огаҳий, Муқимий ва Фурқат сингари адибларимиз асарларидан ўқийсиз. Уларнинг айрим шеърларини кўн санифларда мутолаа қилгансиз. Энди эса бу шоирларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишасиз, уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот оласиз.

Сиз бир ўқув йили мобайнида салкам беш асрлик адабиёт тарихини кўздан кечирасиз. Бу — жуда бой ва қизғин бир тарих. Шу давр мобайнида юзлаб истеъдод эгалари яшаб, ўз асарларини бизга мерос қилиб қолдирган. Сизга шулардан ўн уч қалам соҳибини тақдим этяпмиз. Жумладан, Навоий ва Бобур асарлари ер юзидаги турли тилларга таржима қилинган. Улар аллақачон умумжаҳон, умумбашар мулкига айланган.

Тарих — ота-боболаримиз ҳаёти. Шоирлару олимлар — уларни бизга етказувчилар. Демак, уларни ўрганмоқ — тарихни билмоқ, оталарни танимоқ деган сўз. Оталарни танимоқ эса фарзанднинг фарзандлик бурчи!

Лекин ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганмоқ ва англамоқ уларнинг номлари билан ифтихор этишдан кўра қийинроқ. Турли сабабларга кўра, тарих бизга чала ўргатилди, тилимиз бузилди. Биз эски тил, эски сўз санъатидан тобора узоқлашиб бордик ва бугун Навоийни ўқиб тушунолмайдиган даражага тушиб қолдик. Буни тузатмоқ керак.

**Азиз ўқувчилар!**

Сиз алоҳида дафтар тутиб, биринчи дарсдан бошлаб маъноси номаълум ҳар бир сўзни ёзиб бориб, уларни ёд олишингиз зарур. Фақат сўз эмас, айрим тушунча, ибора, атамалар борки, уларнинг маъносидан ҳам бохабар бўлмоқ лозим. Бадиий асардаги барча сўз, иборалар Сизга маълум бўлгандагина унинг тилсими очилади. Ушбу мажмуа, аввало, неча минг йиллик тарихга эга бой мумтоз адабиётимизни кенгроқ ўрганишга қаратилди. Унда нисбатан кўпроқ шоиру адиб ижоди билан танишиш имконига эгасиз. Қолаверса, асарлардан парча олиш, уларни ўқув-

чига тушунарлироқ тарзда етказиш учун ҳаракат қилинди. Масалан, биринчи навбатда, ижодкорларнинг энг муҳим асарлари ёки йирик асарларининг энг зарур нуқталари олинди, иккинчидан, имкон қадар бирор сўз ҳам ўқувчи учун тушунарсиз қолдирилмади. Мақсад — қандай қилиб бўлса ҳам, ёшларимизни мумтоз адабиётимиз дурдоналари билан теранроқ таништириш. Алишер Навоий «Ҳамса»сига кирган иккинчи дoston — «Фарҳоду Ширин»га кўпроқ ўрин ажратилди. Ундаги қисқартирилган ҳар бир парча мазмуни содда ва тушунарли тилда баён қилиб берилди.

*Кичик бир изоҳ.* Илгари замонларда шеърга сарлавҳа қўйиш расм эмас эди. Ўқиш-ўрганиш қулай бўлсин учун шартли равишда, ғазалларга сарлавҳа қўйиб, уларни қавс ичига олдик.

Т у з у в ч и л а р мажмуани синчиклаб ўқиб, қимматли фикр-мулоҳаза ва маслаҳатлари билан ёрдам берганлари учун филология фанлари доктори, профессор **ҲАМИДЖОН ҲОМИДОВГА** миннатдорлик билдирадилар.

## XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XVI АСР АДАБИЁТИ

**Алишер  
Навоий**  
(1441—1501)



Турк назмида чу мен тортиб алам<sup>1</sup>,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Тўрт девон бирла назми панж ганж<sup>2</sup>,  
Даст берди<sup>3</sup> чекмайин андуху ранж.

Назму насрим котиби тахминшунос  
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс.

(«Лисон ут-тайр»<sup>б</sup>ан)

\* \* \*

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа<sup>4</sup>,

Чекиб Хусрав<sup>5</sup> дағи тиғи забони,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,

Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса кўси<sup>6</sup> шавкат,

<sup>1</sup> Алам тортмоқ — байрок (туғ) кўтармоқ. <sup>2</sup> Панж ганж — беш ганж; Низомийнинг «Хамса»си ҳам «Панж ганж» номи билан машҳур бўлган, шунинг учун Навоий бу ерда ўз «Хамса»сини «Панж ганж» деб тилга олган. <sup>3</sup> Даст бермоқ — қўлга кирмоқ. <sup>4</sup> Ранжа — ранжиган, қийналган; ранжа қилмоқ — ранжитмоқ. <sup>5</sup> Хусрав — Хусрав Дехлавий, Ҳиндистонда яшаган форсигўй турк шоири. <sup>6</sup> Кўс — катта ноғора.

Агар бир қавм, гар юз, йўкса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз  
Ки, қилмишдур найи килким<sup>1</sup> шакаррез<sup>2</sup>

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,  
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон йибордим.

Бу девон тутти ул кишварни андоқ  
Ки, девон тузмагай дафтарни андоқ.

(«Фарҳоду\* Ширин»дан)

\* \* \*

Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.

(«Садди Искандарий»дан)

...Йигитлигим замони ва шабоб<sup>3</sup> айёми авонида<sup>4</sup> кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз<sup>5</sup> шуаронини<sup>6</sup> ширин ашъори<sup>7</sup> ва рангин абётидин<sup>8</sup> эллик мингдан ортуқ ёд тутупмен ва алар завку хушҳоллигини ўзумни овутупмен ва салоҳу<sup>9</sup> фасодларига<sup>10</sup> фикр айтибмен ва махфий дақойиқиға<sup>11</sup> тааммулу<sup>12</sup> тафаккурлар била етибмен ва форсий алфоз<sup>13</sup> айбу<sup>14</sup> хунари мулоҳазаси идрокида табъим ўзин солмайду, балки ул водий қатъида<sup>15</sup> килким равандаси<sup>16</sup> тезгомлиг<sup>17</sup> била қадам урмаган ер қолмайду.

<sup>1</sup> Килк — қамиш қалам. <sup>2</sup> Шакаррез — шакар тўқувчи.

\* Эски тилимизда «ва» боғловчиси олдинги сўзга улаб ҳам ўқилган. Шунинг учун биз ҳам «Фарҳоду Ширин» деб ёздик.

<sup>3</sup> Шабоб — ёшлик, йигитлик. <sup>4</sup> Авон — вақт, пайт, замон. <sup>5</sup> Фусунпардоз — афсунчи, сеҳргар. <sup>6</sup> Шуаро — шоирлар. <sup>7</sup> Ашъор — шеърлар. <sup>8</sup> Абёт — байтлар. <sup>9</sup> Салоҳ — яхшилик, бир ишнинг кўнгилдагидек бажарилиши. <sup>10</sup> Фасод — камчилик, тартибсизлик, бузилиш. <sup>11</sup> Дақойиқ — нозик, яширин маънолар. <sup>12</sup> Тааммул — чуқур ўйлаш, диққат билан фикр-мулоҳаза юритиш. <sup>13</sup> Алфоз — лафзлар, сўзлар. <sup>14</sup> Айб — шеърини ва насрий ифодадаги хатою камчиликлар, нуқсонлар. <sup>15</sup> Катъ — босиб ўтиш, кезиш. <sup>16</sup> Раванда — юрувчи, кезувчи. <sup>17</sup> Тезгом — тез юрувчи, қадами чаққон.

...Мунча қавий<sup>1</sup> далойил ва азим шавоҳид<sup>2</sup> била бу фақирнинг<sup>3</sup> вуқуфи<sup>4</sup>, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собиту<sup>5</sup> равшан бўлди, агар бирни яна бирга таржиҳ қилсам<sup>6</sup>, керакки, бу тойифадин ҳеч кишига мусаллам тутуп<sup>7</sup>, саддақа<sup>8</sup> демакдин ўзга мақолу мажол бўлмағай.

...Умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмағай ва бу тартибим кавкабаси<sup>9</sup> аъло даражадин ўзга ерни беганмағай<sup>10</sup>.

(«Муҳокамат ул-луғатайн»дан)

Бу қаламга<sup>11</sup> фалақдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни<sup>12</sup> ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хусрав<sup>13</sup> ким бўлди?!

Абдураҳмон Жомий

Анинг<sup>14</sup> назми васфида тил қосир<sup>15</sup> ва баён ожизтурур.

Хусайн Бойқаро

Алишербек назир иўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб<sup>16</sup> айтқан эмас.

...Аҳли фазл<sup>17</sup> ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий<sup>18</sup> маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.

...Мунча бинойи хайрким<sup>19</sup>, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

<sup>1</sup>Қавий — кучли, қувватли. <sup>2</sup>Шавоҳид — гувоҳлар, шоҳидлар, ҳужжатлар. <sup>3</sup>Фақир — бу ерда «мен» маъносиди. <sup>4</sup>Вуқуф — воқифлик, хабардорлик, билишлик. <sup>5</sup>Собит — исботланган, ҳужжатланган. <sup>6</sup>Таржиҳ қилмоқ — устун бўлмоқ; бир нарсани иккинчи бир нарсдан устун кўриш (бу ерда шоир ўзининг форсий ва туркий ижодини кўзда тутган). <sup>7</sup>Мусаллам тутмоқ — баҳслашиб, қаршилик қилиб ўтирмай маъқулланиш. <sup>8</sup>Саддақа — рост, тўғри. <sup>9</sup>Кавкаба — юлдуз; порлоқлик. <sup>10</sup>Беганмак — ёқтирмак, мақбул топмоқ; беганмағай — маъқул кўрмайди, ёқтирмайди. <sup>11</sup>Навойи қалами кўзда тутилган. <sup>12</sup>Нақш — бу сўзда Навойи «Хамса»си кўзда тутилган. <sup>13</sup>Хусрав — Хусрав Деҳлавий. <sup>14</sup>«Анинг» деганда Навойи кўзда тутилган. <sup>15</sup>Қосир — қисқа, қалта; кучсиз, ожиз. <sup>16</sup>Хўб — яқши. <sup>17</sup>Фазл — илм, фан, ҳунар, истеъдод; фазл аҳли — билимдонлар, элимлар. <sup>18</sup>Муқаввий — куч берувчи, қувват берувчи, мадад берадиган. <sup>19</sup>Бинойи хайр — хайрия иморатлар, ўз ҳисобидан бинолар барпо этиш.

...Бу улуғ амир<sup>1</sup> дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир.

Давлатшоҳ Самарқандий

## Ҳ А З А Л Л А Р

(Ўн сакиз минг олам ошуби...)

Ўн сакиз минг олам ошуби<sup>2</sup> агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим<sup>3</sup> ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошқиндадур.

Ўн сакиз йил, дема, юз саксон йил ўлса<sup>4</sup>, улдуруп  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этман<sup>5</sup> ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид<sup>6</sup> таоло сунъ<sup>7</sup> наққошиндадур.

Тан анга сийм-у<sup>8</sup>, ичинда тош музмар<sup>9</sup> кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки<sup>10</sup>, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ<sup>11</sup>,  
Бульжабларким, бу эски дайр<sup>12</sup> хуффошиндадур<sup>13</sup>.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк<sup>14</sup>,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

«Бадоеъ ул-васат», 156-ғазал.

\* \* \*

(Шўх икки ғазолингни...)

Шўх икки ғазолингни<sup>15</sup> ноз уйқусидин уйғат,  
То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнат.

<sup>1</sup>Амир — Алишер Навоий кўзда тутилган, чунки у Ҳусайн Бойқаро давлатининг амири эди. <sup>2</sup>Ошуб — ғавғо, тўполон. <sup>3</sup>Сарвиноз — мажозан: ғўзал. <sup>4</sup>Ўлса — бўлса. <sup>5</sup>Этман — этмайман. <sup>6</sup>Эзид — худо. <sup>7</sup>Сунъ — ясаш, яратиш; қудрат. <sup>8</sup>Сийм — кумуш, мажозан: оқ. <sup>9</sup>Музмар — яширин, беркитилган. <sup>10</sup>Муғ — оташпараст; бу ерда майфуруш маъносиди. <sup>11</sup>Масиҳ — Исо пайғамбарнинг лақаби. <sup>12</sup>Дайр — бутхона, бу ерда мажозан: майхона маъносиди. <sup>13</sup>Хуффош — кўршапалак. <sup>14</sup>Баҳри ашк — кўз ёши денгизи. <sup>15</sup>Ғизол — кийик, оху, бу ерда ёрнинг кўзлари икки оху дейиляпти.



Тишлабки. сочинг, ўрдунг, очқанди паришон қил<sup>1</sup>,  
Офоқ<sup>2</sup> саводинда<sup>3</sup> жон ройихасин<sup>4</sup> бутрат<sup>5</sup>.

Кулбамга хай афшон<sup>6</sup> кел, зулфунг қилиб ошуфта<sup>7</sup>,  
Анжум сипаҳин<sup>8</sup> синдур, офоқ улусин<sup>9</sup> кўзғат.

Ораз куёшин<sup>10</sup> очиб, ашки қуруған кўзни  
Кўп хажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлат.

Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,  
Фарход ила Мажнунга ошиқлик ишин ўргат.

Хоро<sup>11</sup> тубига ётқунг, йўқ суд<sup>12</sup> агар юз йил,  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнат.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй сокий,  
Хуш элтқучи дору жомига анинг чайқат.

«Наводир уш-шабоб», 75-ғазал.

\* \* \*

(Кўнглунг истар ёрлар...)

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,  
Мендину кимдинки, кўнглунг истамас, озсд бўл.

Гарчи сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мени,  
Дойимо, ё рабки, хуснунг мулкидек<sup>13</sup> обод бўл.

Мен чекиб андуҳ<sup>14</sup> ўлай, эл жони бўлсун ул Масих<sup>15</sup>,  
Соврул, эй чархи нигун<sup>16</sup>, в-эй даҳри дун<sup>17</sup>, барбод бўл.

Бевафолар зулму бедодиға эрмассен ҳариф<sup>18</sup>,  
Эй синуқ кўнглум, агар худ<sup>19</sup> шиша, гар пўлод бўл.

---

<sup>1</sup>Паришон қил — ёй, соч, тарқат. <sup>2</sup>Офоқ — уфқлар, дунё. <sup>3</sup>Савод — коронғилик. <sup>4</sup>Ройиха — ёқимли ҳид. <sup>5</sup>Бутратмоқ — тарқатмоқ. <sup>6</sup>Хай афшон — тарки одат қилиб, яъни сочларингни ёйиб дейилмоқчи. <sup>7</sup>Ошуфта — тарқок, тўзғиган. <sup>8</sup>Анжум сипаҳи — юлдузлар лашқари. <sup>9</sup>Офоқ улуси — уфқлар эли, яъни осмон жисмлари. <sup>10</sup>Ораз куёши — чехра куёши, яъни юз. <sup>11</sup>Хоро — ипақдан тўкиладиган қимматбаҳо, ялтираб турадиган мато, газлама; қаттиқ тош — гранит ҳам хоро дейилади; шоир сўзнинг ана шу иккала маъносига ҳам ишора қилиб кетган. <sup>12</sup>Суд — фойда. <sup>13</sup>Мулк — мамлакат. <sup>14</sup>Андуҳ — ғам, қайғу. <sup>15</sup>Масих — Исо, бу ерда унинг ўз нафаси билан ўликларни тирилтиришига ишора қилиниб, ёр «Масих» дейилган. <sup>16</sup>Нигун — тесқари, эгилган. <sup>17</sup>Даҳри дун — пасткаш дунё. <sup>18</sup>Ҳариф — ўрток, улфат. <sup>19</sup>Худ — ёки маъносиди.

Туттум ўлмакдин тирилмак ҳажрида тенгдур манга,  
Эмди гар бергил зилоли Ҳизр<sup>1</sup>, агар жаллод бўл.

Чекма бошким, эмин<sup>2</sup> эрмассен хазон яғмосидин<sup>3</sup>,  
Бу чаман ичра агар савсан<sup>4</sup>, агар шамшод<sup>5</sup> бўл.

Эй Навоий, олам аҳлига чу йўқ эрмиш вафо,  
Кел-у, мундин нари бекаслик била мўътод<sup>6</sup> бўл.

«Ғаройиб ус-сиғар», 384-ғазал.

\* \* \*

(Кеча келгумдур, дебон...)

Кеча келгумдур, дебон, ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтим-у, чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимға-ву, ул шўхи бадхў<sup>7</sup> келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек<sup>8</sup> ҳам ўлғанда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким, йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ<sup>9</sup> топилмас, йўқсаким кўйди қадам  
Йўлгаким, аввалқадам маъшуқи ўтру<sup>10</sup> келмади.

Эй Навоий, бода<sup>11</sup> бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

«Бадоеъ ул-васат», 608-ғазал.

---

<sup>1</sup>Зилоли Ҳизр — Ҳизр алайҳи-с-салом суви, яъни тириклик суви.  
<sup>2</sup>Эмин — омон, тинч, хотиржам. <sup>3</sup>Яғмо — талон-горов, бузғунлик. <sup>4</sup>Савсан — гули сапсар, кўгагул. <sup>5</sup>Шамшод — тик ўсадиган чиройли дарахт, барглари тола-тола бўлганидан ёрнинг сочини ҳам унга қиёс қиладилар.  
<sup>6</sup>Мўътод — одатланган, мўътод бўл — ўрган, одатлан. <sup>7</sup>Бадхў — бадфетиҳ, хунук қилиқ киши. <sup>8</sup>Рўзгор — турмуш, кун кечириш, ҳаёт. <sup>9</sup>Толибъ содиқ — садоқатли талабгор, ёр излаб, ишқ йўлига кирганлар кўзда тутилган <sup>10</sup>Ўтру — қарши, рўпара; ўтру келмади — қарши олишга келмади, пешвоз чиқмади. <sup>11</sup>Бода — ичкиликнинг бир тури, май.

(Кўргали хуснунгни зору...)

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балоллиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим: вафо қилғил манга — зулм айладинг,  
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга — бўлдум санга.

Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг — бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насихат айладим аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам<sup>1</sup> бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ<sup>2</sup> айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ<sup>3</sup> аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

*«Ғаройиб ус-сиғар», 16-ғазал.*

(Жонга чун дермен...)

Жонга чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти?»  
Дерки: «Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати».

Жисмдин сўрсамки: «Бу заъфингга<sup>4</sup> не эрди сабаб?»  
Дер: «Анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати».<sup>5</sup>

Чун бағирдин сўрдум, айтур: «Андин ўт тушти манга  
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи<sup>6</sup> офати».

---

<sup>1</sup>Жоми Жам — эрамиздан аввал ўтган афсонавий Эрон подшоҳи — Жамшид ясагирган жом. У иккита тилсимли жом ясагирган. Жоми ширатфизойдаги май ичган билан тугамас, тўнкарган билан тўкилмас экан. Жоми гетинамойдан май ичган кишига эса дунёда юз бераётган ҳоҷисалар кўринар экан. Шунинг учун бу жомни жоми жаҳонбин (жаҳонни кўрадиган жом), жоми жаҳоннамо (жаҳонни кўрсатадиган жом) ҳам деганлар. <sup>2</sup>Жоҳ — мансаб, амал, мартаба. <sup>3</sup>Ушшоқ — ошиқлар. <sup>4</sup>Заъф — ҳолсизлик, касаллик. <sup>5</sup>Ҳирқат — куйиш, ёниш. <sup>6</sup>Барқ — чақмоқ, яшин.

Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки: «Кўздиндур гунаҳ.  
Қўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати».

Кўзга чун дерменки: «Эй, тардомани<sup>1</sup> юзи қаро,  
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати».

Йиғлаб айтур кўзки: «Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр  
Ки, кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати<sup>2</sup>».

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй  
Ким, санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

«Фавоийд ул-кибар», 597-ғазал.

\* \* \*

(Хилъатин то айламиш...)

Хилъатин<sup>3</sup> то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми<sup>4</sup> оҳдин  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,  
Тобдоннинг<sup>5</sup> аксидек алвон<sup>6</sup> қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг<sup>7</sup> хаёлидин эрур  
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада<sup>8</sup>  
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр<sup>9</sup> аро беранглиқ душвор<sup>10</sup> эрур беҳад, валек  
Хирқада<sup>11</sup> тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

---

<sup>1</sup>Тардоман — этаги ҳўл. <sup>2</sup>Талъат — юз, чеҳра. <sup>3</sup>Хилъат — тўн, қимматбаҳо кийим. <sup>4</sup>Самум — гармсел, таппот. <sup>5</sup>Тобдон — уйга ёрур тушсин учун эшикнинг тепасида бўладиган тўйнуқ, кўпинча унга рангли шиша (ойна) қўйилган, чунки иссиқ ўлкада ўша рангли шиша иссиқни ҳам тўсишга хизмат қилган. <sup>6</sup>Алвон — ранглар. <sup>7</sup>Хатг — ёзув, чизик; бу ерда мажозан ёр лабидаги бир чизикдек терилган туклар, мўйлов. <sup>8</sup>Сабза — кўклам, янги ўсган майсалар. <sup>9</sup>Фақр — камбағаллик, бу ерда тасаввуфий маънода фақру фано йўлига кирганлар ҳам кўзда тутилган. <sup>10</sup>Душвор — кийин, мушкул. <sup>11</sup>Хирқа — суфийлар киядиган махсус уст кийим, жанда.

Эй Навоий, олтину шингарфу<sup>1</sup> зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил<sup>2</sup>.

«Фавойид ул-кибар», 388-ғазал.

## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Гурбатда<sup>3</sup> ғариб<sup>4</sup> шодмон бўлмас эмиш,  
✓ Эл анга шафику<sup>5</sup> меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

«Ғаройиб ус-сиғар», 55-рубойй.

\* \* \*

Зоҳид<sup>6</sup>, сенга — хур<sup>7</sup>, манга — жонона керак,  
Жаннат — санга бўлсун, манга — майхона керак.  
Майхона аро соқию паймона<sup>8</sup> керак,  
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

«Ғаройиб ус-сиғар», 79-рубойй.

\* \* \*

Жондин сени кўп севармен, эй умри<sup>9</sup> азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

«Ғаройиб ус-сиғар», 47-рубойй.

\* \* \*

Ким кўрди экин жаҳонда оё<sup>10</sup> хушлуқ,  
То бир киши айлағай таманно<sup>11</sup> хушлуқ.

---

<sup>1</sup>Шингарф — қизил бўёк, қизил ранг. <sup>2</sup>Бу байтда илгари замонларда девонлар варақларини ҳар хил рангларга бўяш одати кўзда тутилган. <sup>3</sup>Гурбат — ғариблик, мусофирлик. <sup>4</sup>Ғариб — бечора, мусофир. <sup>5</sup>Шафиқ — шафқатли, марҳаматли. <sup>6</sup>Зоҳид — зуҳд, яъни ибодат билан машғул бўлиш орқали жаннатга тушишни истаган киши. <sup>7</sup>Хур — жаннатдаги гўзал қизлар. <sup>8</sup>Паймона — қадах. <sup>9</sup>Умр — ҳаёт, бу ерда бирор киши умри маъносида эмас. <sup>10</sup>Оё — сўроқ ё таажжубни англатиб, «ёки», «балки», «эхти-молки», «-микан» маъноларини билдириб келадиган кўмакчи сўз. <sup>11</sup>Таманно — тилак, истак, ният, мурод, орзу.

Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,  
Омодадурур<sup>1</sup> ёнида юз нохушлуқ.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 75- рубойй.

\* \* \*

«Жон»имдаги «жим» икки долингга фидо<sup>2</sup>,  
Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингга<sup>3</sup> фидо,  
«Нун»и доғи анбарин<sup>4</sup> ҳилолингга<sup>5</sup> фидо,  
Қолган икки нуқта икки холингга фидо<sup>6</sup>.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 5- рубойй.

\* \* \*

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни<sup>7</sup> унут,  
Яхшию ямон ишда тахаллуфни<sup>8</sup> унут.  
Ўткан гар эрур ямон — таассуфни<sup>9</sup> унут,  
Келган гар эрур яхши — тасарруфни<sup>10</sup> унут.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 19- рубойй.

\* \* \*

Элдин қочиб улки, тутса тоғ ичра қарор,  
Совуғда ери бу тоғнинг жавфида<sup>11</sup> ғор,  
Иссиғда макони андаким, ётмиш қор,  
Олам элининг шахдигидин бор анга ор.

«*Ғаройиб ус-сиғар*» 42- рубойй.

\* \* \*

Аҳбоб<sup>12</sup>, денгизки, хону мондин<sup>13</sup> тамаъ уз,  
Не хону не мон, кавну макондин<sup>14</sup> тамаъ уз,  
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,  
Лекин демангиз муники, ондин<sup>15</sup> тамаъ уз.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 46-рубойй.

<sup>1</sup>Омода — тайёр. <sup>2</sup>Бу мисрада «жон» сўзидаги арабча «жим» («ож») ҳарфидаги икки қийшиқ, «дол»га ўхшаган қисм ёрнинг икки гажжлагга қайслаяпти. <sup>3</sup>«Тоза ниҳол» деганда ёрнинг қомати кўзда тутилган. <sup>4</sup>Анбар — хуш исли нарсалар аралашмаси бўлмиш қора модда. <sup>5</sup>Ҳилол — ярим ой, бу ерда ёрнинг қоши кўзда тутилган. <sup>6</sup>«Жон» сўзининг арабий ёзувида иккита нуқтали ҳарф яншироқ этади, икки нуқта ана шу ёрнинг икки холига ўқинатилган. <sup>7</sup>Такаллуф — ҳашамат, безак. <sup>8</sup>Тахаллуф — қаршилик қилиш. <sup>9</sup>Таассуф — афсусланиш. <sup>10</sup>Тасарруф — ўз қарамонига, икитёрига олиш, эгаллик қилиш. <sup>11</sup>Жавф — бўшлиқ, қавак. <sup>12</sup>Аҳбоб — дўстлар. <sup>13</sup>Хону мон — уй-жой, уй жиҳозлари. <sup>14</sup>Кавну макон — борлик, дунё, коинот. <sup>15</sup>Ондин — ундан; бу ерда ёр кўзда тутилган.

\* \* \*

Ўлсам, ясаманг мунда мазоримни менинг,  
Юклаб элитинг жисми фиғоримни<sup>1</sup> менинг.  
Ўтру<sup>2</sup> чиқариб аҳди диёримни менинг,  
Кўйида<sup>3</sup> кўюнг тани низоримни<sup>4</sup> менинг.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 81- рубойи.

\* \* \*

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,  
Осойиши<sup>5</sup> жони нотавон бўлди яна.  
Ҳар харфи анинг танимда жон бўлди яна,  
Ҳар лафзи<sup>6</sup> ҳаёти жовидон<sup>7</sup> бўлди яна.

«*Ғаройиб ус-сиғар*», 111-рубойи.

## Қ И Т Ў А Л А Р

Амир ул-мўъминин Алл, каррамаллоху ваҷҳаҳу,  
сўзига таржимаким — унзур лимоқола лотанзур  
лиманқола<sup>8</sup>

Чун ғараз<sup>9</sup> сўздин эрур маъни анга,  
Нокил<sup>10</sup> ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи<sup>11</sup> ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,  
Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер.

«*Бадоеъ ул-васат*», 5- китъа.

\* \* \*

Фалокатдин аёғига кафш<sup>12</sup> бўлмаганга чун кафш учун аёғи  
бор шукур вожибдур<sup>13</sup>

Улки, ифлосдин аёғинда  
Кафш йўли азми чоғи йўқтур онинг,

<sup>1</sup>Фигор — жароҳатли, яралн. <sup>2</sup>Ўтру — қарши, рўпара. <sup>3</sup>Кўй — кўча.  
<sup>4</sup>Низор — кучсиз, озгин. <sup>5</sup>Осойиш — тинчлик, ором, фароғат, роҳат.  
<sup>6</sup>Лафз — сўз. <sup>7</sup>Жовидон — абадий, мангу. <sup>8</sup>Мўъминлар амири Алининг,  
унинг юзини саховатли қилсин, (нима) деяётганига қара, ким айтаёт-  
ганига қарама, деган сўзи таржимаси. <sup>9</sup>Ғараз — ният, мақсад, мурад.  
<sup>10</sup>Нокил — нақл қилувчи, сўзловчи. <sup>11</sup>Сўзчи — сўзловчи. <sup>12</sup>Кафш —  
кавуш. <sup>13</sup>Маъноси: Ифлос нарсалар устидан ўтаётганда оёғида кавуши  
бўлмаган киши юриш учун оёғи борлигига шукур қилиши лозим.

Шукр қилдик<sup>1</sup> боқиб бирав сори  
Ки, юрурға аёғи йўқтур онинг.

«Бадоеъ ул-васот», 41-қитъа.

Нокас киши бўлмаслиқда ва ножинс киши жинси  
бўлмаслиқда<sup>2</sup>

Нокасу<sup>3</sup> ножинс<sup>4</sup> авлодин киши бўлсун дебон,  
Чекма мехнатким, латиф<sup>5</sup> ўлмас касофат<sup>6</sup> олами

Ким, кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

«Наводир уш-шабоб», 43-қитъа.

\* \* \*

Махлуқ мулозаматидин танфиру ғайри ҳақ мулозаматидин  
таҳзир<sup>7</sup>

Кимки махлуқ<sup>8</sup> хизматиға камар  
Чуст<sup>9</sup> этар, яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштиргуча бу авлодур  
Ки, анинг чиқса эғни, синса али<sup>10</sup>.

Чун хушомад демакни бошласа, кош  
Ким, тутулса дами<sup>11</sup>, кесилса тили.

«Ғаройиб ус-сигар», 9-қитъа.

\* \* \*

Юқори ўлтурмоқ талашкучиларким, ҳиндуйи дидбон<sup>12</sup>  
алардин юқорирокдурур, учар қўнғуз илгарирок

<sup>1</sup>Қилдик -- қилсин, «қилдик» маъноси эса «қилдук» тарзида ифода-ланади. <sup>2</sup>Сарлавҳанинг мазмуни: Нокас (пасткаш) кишининг одам бўлмаслиги ва ножинс (ёмон) кишининг одамга жинс (шерик, дардқаш, дўст) бўлмаслиги ҳақида. <sup>3</sup>Нокас — сўзма-сўз: одам эмас; пасткаш. <sup>4</sup>Ножинс — сўзма-сўз: жинс эмас; ёмон, паст. <sup>5</sup>Латиф — юмшоқ, мулойим; гўзал, келишга, ёқимли. <sup>6</sup>Касофат — ифлослик. <sup>7</sup>Маъноси: Яратилган нарсаларга хизмат қилишдан нафратланиш ва худодан бошқа нарсаларга хизмат қилишдан ҳазар қилиш. <sup>8</sup>Махлуқ — халқ қилинган, яъни яратилган. <sup>9</sup>Чуст — маҳкам. <sup>10</sup>Али — қўл. <sup>11</sup>Дам — нафас. <sup>12</sup>Дидбон — қоровул, пойлоқчи, соқчи.



Юқори ўлтурурни ким тиласа,  
Кишилиқдин ани йироқ билгил.

✓ Ўлтурур сафда юқориликдин,  
Ўлтурур сафда<sup>1</sup> яхшироқ билгил.

«Наводир уш-шабоб», 41- қитъа.

\* \* \*

Ўз исёнининг шиддат ва қасратин дер ва ҳақ қарами  
оллинда ани авф қилмоқнинг суҳулатин<sup>2</sup>

Қилибмен онча исёнким<sup>3</sup>, агар дўзах аро кирсам,  
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар<sup>4</sup> тўлғай.

Худоё, афв осонроқдурур, йўкса ғзаб қилсанг,  
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

«Бадоеъ ул-васат», 57- қитъа.

## Т У Ю Қ Л А Р

Ё раб, ул шахду<sup>5</sup> шакар ё лабдурур<sup>6</sup>,  
Ё магар<sup>7</sup> шахду шакар ёлабдурур<sup>6</sup>.

✓ Жонима пайваста<sup>9</sup> новак<sup>10</sup> отқали  
Ғамза ўқин<sup>11</sup> қошиға ёлабдурур<sup>12</sup>.

«Бадоеъ ул-васат», 1- туюк.

\* \* \*

Ё қошингдин неча бир ўқ кўз тутай<sup>13</sup>,  
Отки, ўтрусиға онинг кўз тутай<sup>14</sup>.

Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин,  
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай<sup>15</sup>.

«Бадоеъ ул-васат», 3- туюк.

<sup>1</sup>Сафда — кўпчилик ичйда. <sup>2</sup>Ўз исёни, яъни қилган гуноҳларининг шиддати ва қўплигини ҳамда худо қарами олдида уни кечирининг осонлигини айтиш. <sup>3</sup>Исён — бу ерда диний қондаларни бажаришдаги айрим хатою камчиликлар маъносида. <sup>4</sup>Сарбасар — бошдан охири, бошдан оёқ. <sup>5</sup>Шахд — асал. <sup>6</sup>Ё лабдурур — ёки лабдир. <sup>7</sup>Магар — «-мика» маъносида. <sup>8</sup>Ёлабдурур — ялабдумикан. <sup>9</sup>Пайваста — туташ. <sup>10</sup>Новак — камоннинг ўқи; бу ерда у ёр киприкларини истиоравий тарзда англатиб келган. <sup>11</sup>Ғамза ўқин — ёрнинг нигоҳи пайтида киприкларнинг қош остидан тиклиши камон ёнига қўйилган ўқларга киёслашган. <sup>12</sup>Ёлабдурур — ёйлабди. <sup>13</sup>Кўз тутай — кутай. <sup>14</sup>Кўз тутай — кўзимни тутай. <sup>15</sup>Кўз тутай — кўзимни қўлимни қошим устига қўйиб тутай.

\* \* \*

Тиғи ишқинг ёрасидур<sup>1</sup> бутмаган<sup>2</sup>,  
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган<sup>3</sup>.  
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин  
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган<sup>4</sup>

«Бадоеъ ул-васат», 8- туюқ.

\* \* \*

Неча дедим ул санамға: бормоғин<sup>5</sup>,  
Қилмади ул тарк охир бормоғин<sup>6</sup>.  
Мунчаким худройлик кўргузди ул,  
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормоғин<sup>8</sup>

«Бадоеъ ул-васат», 13- туюқ.

### Ф А Р Д Л А Р

Мурувват — барча бермақдур, емак йўқ,  
Футувват<sup>9</sup> — барча қилмақдур, демак йўқ.

\* \* \*

Ранжқаш<sup>10</sup> бўлқим, чу тортар чуғз<sup>11</sup> вайрон<sup>12</sup> ичра ранж,  
Аждаҳодин бийми<sup>13</sup> йўқ, аммо эрур уммиди ганж<sup>14</sup>.

\* \* \*

Элни хор айлаган тамаъ билғил,  
Дойимо азза манқанаъ<sup>15</sup> билғил.

\* \* \*

Дунёву уқбо<sup>16</sup> иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ<sup>17</sup>,  
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғарик.

\* \* \*

Улки, санға элдин эрур айбғу<sup>18</sup>,  
Элга доғи<sup>19</sup> сендин ўлур айбжў<sup>20</sup>.

<sup>1</sup>Ера — яра. <sup>2</sup>Бутмаган — битмаган, яхши бўлмаган. <sup>3</sup>Бутмаган — тутатмаган. <sup>4</sup>Бутмаган — унмаган, битмаган. <sup>5</sup>Бормоғин — бормағин. <sup>6</sup>Бормоғин — бормағини, боришини. <sup>7</sup>Худройлик — ўжарлик, қайсарлик. <sup>8</sup>Бормоғин — бармоғини. <sup>9</sup>Футувват — 1) йигитлик, мардлик, олижаноблик; 2) қарам, саховат, жўмардлик. <sup>10</sup>Ранжқаш — ранж тортувчи, меҳнатқаш, захматқаш. <sup>11</sup>Чуғз — бойқуш, бойўғли. <sup>12</sup>Вайрон — вайрона иморат, бузилган уй. <sup>13</sup>Бийм — кўрқин, хавф, кўрқув. <sup>14</sup>Ганж — бойлик, олтин. Шарқда ганжини аждаҳо кўриқлайди, деган ақида бор. <sup>15</sup>Азза манқанаъ — кимки қаноат қилса, азиз бўлади. <sup>16</sup>Уқбо — оқибат; бу ерда у дунё манносида. <sup>17</sup>Рафиқ — ўртоқ, биродар. <sup>18</sup>Айбғу — айб айтувчи. <sup>19</sup>Доғи — тағин, яна. <sup>20</sup>Айбжў — айб изловчи.

\* \* \*

Киши айбинг деса, дам урмагилки<sup>1</sup>, ул эрур кўзгу,  
Бу кўзгу тийра<sup>2</sup> бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!<sup>3</sup>

\* \* \*

Чу сен ёр-у, жаҳон бир душманимдур,  
Менинг учун жаҳон турғунча сен тур<sup>4</sup>.

\* \* \*

Ҳам мени ул тоза нахли нозпарвард<sup>5</sup> ўлтурур<sup>6</sup>,  
Ҳам буким, йўқ дардини айтурга ҳамдард ўлтурур.

\* \* \*

Белу огзидин, дедиларким, дегил афсонае,  
Бошладим филҳолким<sup>7</sup>: «Бир бор эди, бир йўқ эди...»<sup>8</sup>

«Фавоийд ул-кибар» дан.

## ДОСТОНЛАР

### ҲАМСА

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

(Парчалар)

Сўз таърифида

Сўз гуҳариға<sup>9</sup> эрур онча шараф  
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф<sup>10</sup>.

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи<sup>11</sup> ул,  
Етти фалак ахтарининг<sup>12</sup> буржи<sup>13</sup> ул.

<sup>1</sup>Дам урмагил — нафас урмагин, яъни индамай кўя қол. <sup>2</sup>Тийра — хира. <sup>3</sup>Зоҳир айламоқ — кўрсатмоқ, юзага чиқармоқ. <sup>4</sup>«Жаҳон турғунча сен тур» сўзларининг икки маъноси бор: а) жаҳон турғунча (яъни унинг ўрнига) сен тур; б) жаҳон турганича (яъни абадий) сен (ҳам) тур. Шоир сўзми бир ўринда икки маъно билан ишлата олиш маҳоратини намойиш этган. <sup>5</sup>Тоза нахли нозпарвард — янги незанин дарахт (яъни ёш, хуш-қомат ёр). <sup>6</sup>Ўлтурур — ўлдиради. <sup>7</sup>Филҳол — дарҳол. <sup>8</sup>Бу ерда шоир ўзбек халқ эртакларининг «Бир бор эди, бир йўқ эди...» деб бошланишидан усталмик билан фойдаланиб, ёр бели ва огзининг бир кўриниб, бир кўринмай қоладиган даражада ингичка ва ё кичиклигини ифодалаган. <sup>9</sup>Гуҳар — гавҳар. <sup>10</sup>Садаф — денгиз шиллиғи, унинг ичида марварид ёмилади. <sup>11</sup>Дурж — қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича; мажозан: оғиз; кўнил. <sup>12</sup>Ахтар — юлдуз. <sup>13</sup>Бурж — қадимги Шарқ нуҷумиётида (астрономиясида) куёшнинг йиллик доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири.

Боғчайи даҳрки, юз тоза гул,  
Топти қаёнким назар этти кўнгул.

...Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби  
Ким, танида руҳ — анинг толиби<sup>1</sup>.

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар<sup>2</sup> ул,  
Борча оғиз ҳуққасида<sup>3</sup> гавҳар ул.

...Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,  
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

...Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз<sup>4</sup>,  
Сўз била хавф ондин анга имтиёз.

...Донаву дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида<sup>5</sup> дурдона<sup>6</sup> бил.

### Кўнгул таърифиди

...Кўнгул эрур булбули бўстони роз,  
Кудс<sup>7</sup> ҳаримида<sup>8</sup> бўлуб жилвасоз<sup>9</sup>

Ройихайи<sup>10</sup> жаннати аъло ҳам ул,  
Партави<sup>11</sup> мисбоҳи<sup>12</sup> тажалло<sup>13</sup> ҳам ул.

Солик<sup>14</sup> ани «арши муалло»<sup>15</sup> деди,  
Суфий<sup>16</sup> ани «олами кубро»<sup>17</sup> деди.

...Каъбаки<sup>18</sup> оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоққи, кўнгул каъбаси

---

<sup>1</sup>Толиб — талаб қилувчи, изловчи, майл этувчи, хоҳловчи, ахтарувчи. <sup>2</sup>Жавҳар — гавҳар, яъни инжу, дур, ёқут, олмос каби қимматбаҳо тош. <sup>3</sup>Ҳуққа — қимматбаҳо тошлар солинадиган идиш, қутича. <sup>4</sup>Роз — сир. <sup>5</sup>Баҳр — дарё, катта дарё, денгиз. <sup>6</sup>Дурдона — дурнинг донаси. <sup>7</sup>Кудс — поклик, тозалик, муқаддаслик. <sup>8</sup>Ҳарим — ҳарам, яъни ҳос жой, номаҳрамлар киритилмайдиган хона, ичкари ҳовли. <sup>9</sup>Жилвасоз — жилва қилувчи, ялтираб кўринувчи. <sup>10</sup>Ройиҳа — ҳил, хушбўйлик. <sup>11</sup>Партав — ёруғлик тушиши, нур, шуъла, порлоқлик. <sup>12</sup>Мисбоҳ — чироғ, машъал. <sup>13</sup>Тажалло — кўриниш, жилваланиш. <sup>14</sup>Солик — сулук йўлига кирганлар, тасаввуф йўлини тутганлар. <sup>15</sup>Арши муалло — энг баланд юксаклик, худо макон тутган баландлик. <sup>16</sup>Суфий — тасаввуф йўлини тутган киши, солик. <sup>17</sup>Олами кубро — энг катта олам. <sup>18</sup>Каъба — Макка шаҳридаги муқаддас хона, зиёратгоҳ, Байт ул-ҳарам.

Ким, бу<sup>1</sup> халойикқа эрур саждагоҳ,  
Ул бири<sup>2</sup> холикқа<sup>3</sup> эрур жилвагоҳ.

...Кимга бу олам<sup>4</sup> сари очилса йўд,  
Олам аро аҳли дил ул бўлди, ул.

Улки, етиб махзани раъфат<sup>5</sup> анга,  
Бўлди бу оламда хилофат<sup>6</sup> анга.

Тахти сафо<sup>7</sup> бўлди анинг маскани,  
Суфийи соҳибдил ани бил, ани.

### Карам (саховат) васфида

...Жуду<sup>8</sup> саховат чоғи бухл<sup>9</sup> этмагил,  
Шукр замони доғи бухл этмагил.

Бухл эрур борча сифатдин хасис,  
Лек сахо жавҳари асру<sup>10</sup> нафис.

Гарчи саховат санга ойин<sup>11</sup> эрур,  
Бошинга бу дур била тазйин<sup>12</sup> эрур.

Бу дури серобни<sup>13</sup> хор айлама,  
Бухл ҳисобида шумор<sup>14</sup> айлама.

Неча сахо ашрафи<sup>15</sup> авсофдур<sup>16</sup>,  
Муфрит<sup>17</sup> агар айласанг исрофдур.

Ақлки таъриф этар авсофни,  
Бухл била тенг тутар исрофни.

...Они доғи дема сахоким, киши —  
Нечаки исроф эмасдур иши.

---

<sup>1</sup>«Бу» деганда Маккадаги Каъба кўзда тутилган. <sup>2</sup>«Ул бири» деганда кўнгил кўзда тутилган. <sup>3</sup>Ходиқ — халқ қилувчи, яратувчи (яъни, худо). <sup>4</sup>«Бу олам» деганда кўнгил кўзда тутилган. <sup>5</sup>Махзани раъфат — меҳрибонлик хазинаси. <sup>6</sup>Хилофат — халифалик, ўринбосарлик. <sup>7</sup>Сафо — ёруғлик, рақшанлик. <sup>8</sup>Жуд — саховат, ҳиммат, эҳсон. <sup>9</sup>Бухл — бахиллик. <sup>10</sup>Асру — гоят, бениҳоя. <sup>11</sup>Ойин — одат, расм, қилиқ. <sup>12</sup>Тазйин — зийнатлаш, безаш. <sup>13</sup>Сероб — ялтироқ, порлаб турган. <sup>14</sup>Шумор — санаш; «шумор айлама» — санама, ҳисоблама маъносида. <sup>15</sup>Ашраф — шарафли, энг шарофатли, улуғ. <sup>16</sup>Авсоф — «васф»нинг қўпчилиги: сифатлар, таърифлар, мақтовлар. <sup>17</sup>Муфрит — ҳаддан ташқари.

Бермагида маръи<sup>1</sup> эрур эътидол<sup>2</sup>,  
Лек эмас мавқеъида базли<sup>3</sup> мол.

Еяр анга сунраки, ул оч эмас,  
Берур анга тўнки — яланғоч эмас.

От анга тортарки — юз илкиси бор,  
Сийм<sup>4</sup> анга берурки — юз илғиси<sup>5</sup> бор.

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари<sup>6</sup>,  
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари<sup>7</sup>.

Хизрга етгач, тутар оби ҳаёт,  
Миср шакаррезинга<sup>8</sup> хабби<sup>9</sup> набот.

Шамъни кундуз ёрутур беадад,  
Меҳр<sup>10</sup> зиёсиға берай деб мадад.

Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг<sup>11</sup>  
Тун сочиға бермак учун бўю ранг<sup>12</sup>.

Муштаҳий<sup>13</sup> эл юз эса нон бергали,  
Луқма тотурмас<sup>14</sup> тилабон мумтали<sup>15</sup>.

Уйла булутдекки, қуруқ боғ уза,  
Ёғмай ўтуб, сунни тўкар тоғ уза.

Журъа учун жон берибон дурднўш<sup>16</sup>,  
Жом тубин кўпга қуяр майфуруш.

Аҳли вабо тортиб ажал соғари<sup>17</sup>,  
Кон аро ёқут кўюб жавҳари.

---

<sup>1</sup>Маръи — риюя қилинган. <sup>2</sup>Эътидол — мўътадил, ўртача. <sup>3</sup>Базл — инъом эҳсон. <sup>4</sup>Сийм — қулуш. <sup>5</sup>Илғи — йилғи, зирак. <sup>6</sup>Бадахшондан чиқадиган лаъл Шарқда ниҳоятда м ашқур бўлган, шунга ишора қилинган. <sup>7</sup>Кирмоннинг зираси машҳур бўлган. <sup>8</sup>Шакаррез — шакар тўқувчи; бу ерда шакар ишлаб чиқарувчи шираторчи кўзда тутилган, Миср шакари бизан машҳур бўлган. <sup>9</sup>Хабб — дона, бу ерда новвот доналари кўзда тутилган. <sup>10</sup>Меҳр — қуёш. <sup>11</sup>Бедаранг — тўхтовсиз. <sup>12</sup>Бўю ранг — ҳам ҳид, ҳам ранг. <sup>13</sup>Муштаҳий — иштаҳали, яъни оч маъносида. <sup>14</sup>Тотурмас — тоттирмайди, яъни едирмайди. <sup>15</sup>Мумтали — бўқмак, роса тўйган одам. <sup>16</sup>Дурднўш — майнинг лойқаси — дурдасини ичувчи, яъни майни охиригача ичган одам маъносида. <sup>17</sup>Соғар — қадаҳ, май қуйиладиган идмш.

Бу ики бир навъ саховат эрур,  
Ўртасида сахл<sup>1</sup> тафовут эрур.

Они доғи қилма сахо доҳили<sup>2</sup>  
Ким, кишини томиайи<sup>3</sup> комиле.

Халқ жиҳотиға<sup>4</sup> талабгор этар,  
Ҳарнеки кўрди — тамаъ изҳор этар.

...Коми<sup>5</sup> улус молини олмоқ эрур,  
Гар олур, аммо яна бирга берур.

Ҳам чочари муҳмалу<sup>6</sup> ҳам термаги,  
Ҳам олури ҳазраву<sup>7</sup> ҳам бермаги.

...Олмоғидин ғайри зиён буд<sup>8</sup> йўқ,  
Турфа буким, бермагидин суд<sup>9</sup> йўқ.

Они доғи дема сахийким, киши —  
То тиламас, бермак эмасдур иши.

...Они сахий англагил, эй хушманд<sup>10</sup>  
Ким, ани давлат қилибон сарбаланд.

Ҳоли агар яхши дурур, гар табоҳ<sup>11</sup>,  
Кимсадин этмас тамаъийи молу жоҳ<sup>12</sup>.

Ҳарнеки ҳақ берса, қаноат қилур,  
Ҳам неки амр этмиш — итоат қилур.

Илгидагидин<sup>13</sup> неки малҳуз<sup>14</sup> этар,  
Бир илиги қисқани маҳзуз<sup>15</sup> этар.

Баҳрга етса, тиламас шабнаме,  
Захмни<sup>16</sup> кўрса аямас марҳаме.

---

<sup>1</sup>Саҳл — осон, енгил, қулай; арзимас, яъни сал. <sup>2</sup>Доҳил — даҳлдор, кирувчи, кирган. <sup>3</sup>Томиа — тамаъгир. <sup>4</sup>Жиҳот — нарсалар, мол-мулк. <sup>5</sup>Ком — ният, мақсад, мурод. <sup>6</sup>Муҳмал — маъносиз, кераксиз. <sup>7</sup>Ҳазра — беҳуда, бемаъни. <sup>8</sup>Буд — борлик, мавжудлик. <sup>9</sup>Суд — фойда. <sup>10</sup>Хушманд — қушёр, ақли. <sup>11</sup>Табоҳ — хароб. <sup>12</sup>Жоҳ — мансаб. <sup>13</sup>Илиг — қўл. <sup>14</sup>Малҳуз — мулоҳаза қилинган, фикр этилган. <sup>15</sup>Маҳзуз — лаззатланган, хурсанд бўлган. <sup>16</sup>Захм — яра.

...Боши яланг бўлсун, агар аҳли тож<sup>1</sup>,  
Макрумат<sup>2</sup> айлар чу кўрар эҳтиёж.

...Улча кўрар илгида ҳақ молини,  
Англагач ошуфта биров ҳолини,

Сарф қилур суд ила сармойсин<sup>3</sup>,  
Токи қилур ҳосил анинг воясин<sup>4</sup>.

Бокмайин ўз лутф ила эҳсонига,  
Миннатини ҳам қўяр ўз жониға.

...Тарки тамаъ қилки, саҳо ул эмиш,  
Базлда сарф этки, ато ул эмиш.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,  
Бермак учун олмаганинг яхшироқ.

...Анда карамдурки, талаб билмагай,  
Кимда дирам билса — тамаъ қилмагай.

**Нуширвоннинг ҳаё боғида нарғис кўзидин кўзининг нар-  
гиси уёлиб, нарғис кўзлук гулруҳидин канор истамай, ка-  
нора истагани<sup>5</sup>**

Шоҳ эмас эрканда Ануширвон<sup>6</sup>  
Бўлди биров ишқи била нотавон.

Гунча киби кўнгли тўла қон эди,  
Лек ғами хурдаси<sup>7</sup> пинҳон эди.

Етти ғаму меҳнати бемар<sup>8</sup> анга.  
Токи висол ўлди муяссар анга.

Бир чаман ичра тузубон хилвате,  
Гулруҳ ила қилди аён суҳбате.

---

<sup>1</sup>Аҳли тож — тож аҳли, подшоҳлар. <sup>2</sup>Макрумат — ҳурмат, шараф; саҳийлик, улуглик. <sup>3</sup>Сармойя — асосий мой, манбаъ; бу ерда бойлик (капитал) маъносида. <sup>4</sup>Воя — истак, тилак, эҳтиёж. <sup>5</sup>Маъноси: «Нуширвоннинг ҳаё боғида нарғис (гули) кўзидан кўзининг нарғиси (яъни ўзининг кўзи) уялиб, нарғис кўзли гулрозли ёри билан кучоклашишни истамай, четлашишни истагани. <sup>6</sup>Ануширвон — Сосонийлар сулодасидан бўлган Эрон шоҳларидан бири, Шарқда одиллиги билан машҳур подшоҳ. <sup>7</sup>Хурда — гулнинг зарралари, чанглари; сўз бу ерда истиора бўлиб келган ва «сир» маъносини англатади. <sup>8</sup>Бемар — ҳисобсиз, чексиз.



Комға майл айлади чун комгор<sup>1</sup>,  
Айлади таслим ўзин гулузор.

Сунғач<sup>2</sup> илик дилбари мунис сари,  
Тушти кўзи бир бута наргис сари.

Илгини чекти мутағайир<sup>3</sup> бўлуб,  
Деди суманбар<sup>4</sup> мутағайир<sup>5</sup> бўлуб

Ким: «Бу не қўл сунмоғу чекмак<sup>6</sup> эди?!»  
Посухини<sup>7</sup> шоҳи муаддаб<sup>8</sup> деди

Ким: «Бу висол ичраки воқеъдурур —  
Наргиси шахло кўзи монёдурур».

Айни ҳаё бирла футувват<sup>9</sup> анга,  
Бермади ул амрда қувват анга.

Наргисини<sup>10</sup> тўлдурубон ёшидин,  
Қўпти<sup>11</sup> доғи кечти ул иш бошидин.

То ани охир бу ариғ<sup>12</sup> нияти,  
Бўйла ҳаё шеваси хосияти

Жумлайи олам аро шоҳ айлади,  
Аддини<sup>13</sup> оламга паноҳ айлади.

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,  
Лек адаб бирла ҳаё х(в)ашдурур.

Соқий, адаб шартини омода тут<sup>14</sup>,  
Олима тўққуз юкунуб бода тут,

То, ани ич, деб сенга мен юз тутай,  
Томса тўқуз, оқса худ ўттуз тутай.

---

<sup>1</sup>Комгор — бахтли, бахтдан бахраманд. <sup>2</sup>Сунғач — узатгач. <sup>3</sup>Мутағайир — ўзгарган, ўзгарувчи. <sup>4</sup>Суманбар — оқбадан, гўзал ёр. <sup>5</sup>Мутағайир — ҳайратда қолган, ҳайрон бўлган. <sup>6</sup>Чекмак — тортиб олмоқ. <sup>7</sup>Посух — жавоб. <sup>8</sup>Муаддаб — одобли. <sup>9</sup>Футувват — мардлик, йигитлик, жўмардлик. <sup>10</sup>Наргис — бир хил гул, аммо бу ерда у истиhora сифатида Ануширвоннинг кўзини англатиб келган. <sup>11</sup>Қўлмоқ — турмоқ. <sup>12</sup>Ариғ — пок, тоза. <sup>13</sup>Адл — адолат, инсоф. <sup>14</sup>Омода тутмоқ — тайёр ҳолда тутмоқ, тўлдирмоқ, ўрнига қўймоқ.

## ФАРҲОДУ ШИРИН

Навоий дostonни Аллоҳга мурожаат билан бошлайди:

Биҳамдика фатҳу абвобил — маоний<sup>1</sup>,  
Насиб эт кўнглума фатҳ<sup>2</sup> ўлмоғ они.

Кўзумға ул эшик қуфлин падида эт<sup>3</sup>,  
Анинг фатҳиға килкимни<sup>4</sup> калид эт.

Шоир яратгандан куч-қувват, илҳом тилайди, ёзганларининг бекадр бўлишига йўл қўймаслигини илтижо қилади:

Бу дурларким<sup>5</sup>, кўзумни андин очтинг,  
Менинг илгим била оламға сочтинг,

Таманносин<sup>6</sup> ҳазин кўнглумдин олма,  
Сочилган бирла туфроғ ичра солма.

...Шаҳ олса, доғи қилсун тожи торақ<sup>7</sup>,  
Қул олса ҳам, анга бўлсун муборақ.

Анга ишқ аҳлини<sup>8</sup> қил орзуманд,  
Анинг бирла аларни ҳам баруманд<sup>9</sup>.

Ёзган асарларини дурга ўхшатган шоир уни синдирганларнинг қўлини синдир, яхши қабул қилганларга яхшилик қил, деб тангридан сўраш билан тугаллайди биринчи бобни:

Ани синдурган элни қил шикаста<sup>10</sup>,  
Хужаста<sup>11</sup> кўрган элга тут хужаста.

Дostonнинг иккинчи боби: «Бу шавқ дostonининг «алиф»лари сарвқадлар бўйидек санавбарваиш<sup>12</sup> ва «лом»лари бинафша зулфлар<sup>13</sup> турраси<sup>14</sup> янглиғ дилкаш эрканига бойис феҳрастида<sup>15</sup> ҳақ отидин туғро<sup>16</sup> ва дебوحаси

<sup>1</sup>Мисраънинг маъноси: «Маънолар эшигини очиб сенинг ҳамдинг (мақтовинг) билан (бўлур)». Бу худога айтиляпти. <sup>2</sup>Фатҳ — очиб, очилиш. <sup>3</sup>Падида этмоқ — равшан бўлмоқ, кўринмоқ, зоҳир бўлмоқ. <sup>4</sup>Килк — қамиш қалам. <sup>5</sup>«Дур» истиораси бу ерда шоирнинг асарларини билдириб келган. <sup>6</sup>Таманно — тилак, истак, орзу. <sup>7</sup>Тожи торақ — бош устига кўйилган тож. <sup>8</sup>Ишқ аҳли деганда шоир кенг маънода тасаввуфна ошиқларни кўзда тутяпти. <sup>9</sup>Баруманд — баҳраманд. <sup>10</sup>Шикаста — синган. <sup>11</sup>Хужаста — қутлуғ, муборақ, бахтли. <sup>12</sup>Санавбарваиш — санавбар дарахтидек тик қоматли. <sup>13</sup>Зулф — соч, кокил. <sup>14</sup>Турра — кокил, ўрилган соч, сөчнинг жингалаклагани. <sup>15</sup>Феҳраст — мундарижа, муқаддима. <sup>16</sup>Ҳақ; — худо. <sup>17</sup>Туғро — давлат нишонаси (герб, муҳр).

қайюми мутлақ<sup>1</sup> сифоти била мутарро<sup>2</sup> эрканининг баёни» деб номланади. Шоир достонининг муқаддимаси мазмуни бевосита ҳақ оти билан безалганини айтади. Шу тариха тангри инсон кўнглини ишқнинг гулшани қилиб яратгани, бу кўнгил хазинасида бутун дунёни, ўзини ҳам жойлагани ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Ки инсон кўнглин этти гулшани ишқ,  
Бу гулшаннинг ҳаримин махзани<sup>3</sup> ишқ.

Не маҳзан, ҳар дури шамъи фароғе<sup>4</sup>,  
Не дур, не шамъ, дурри шабчароғе<sup>5</sup>.

Ва лекин ҳусн ўтин айлаб жаҳонсўз<sup>6</sup>,  
Буларни андин этти оламафрўз<sup>7</sup>.

Демай ўт ониким, барқи дурахшон<sup>8</sup>.  
Демай барқи дурахшон, меҳри рахшон<sup>9</sup>.

Тулӯ этти<sup>10</sup> чу ўл рахшанда хуршид<sup>11</sup>,  
Адам<sup>12</sup> шомига бўлди шамъи жовид<sup>13</sup>.

Анинг нури чу партав<sup>14</sup> қилди зоҳир<sup>15</sup>  
Бори заррот<sup>16</sup> бўлдилар мазоҳир<sup>17</sup>,

Кӯеш маъшук-у, ҳар зот ўлди ошиқ,  
Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ.

Чу<sup>18</sup> пайдо бўлди бу аҳбобу<sup>19</sup> маҳбуб<sup>20</sup>,  
Жаҳон бозори ичра тушти ошуб.

---

<sup>1</sup>Қайюми мутлақ — мутлақ барқарор турувчи, яъни худо. <sup>2</sup>Мутарро — безалган. <sup>3</sup>Махзан — хазина. <sup>4</sup>Фароғ — роҳат, фароғат. <sup>5</sup>Шабчароғ — кечаси чироқ каби равшанлик берувчи. <sup>6</sup>Жаҳонсўз — жаҳонни куйдирувчи. <sup>7</sup>Оламафрўз — оламни ёритувчи. <sup>8</sup>Дурахшон — порлоқ, нурли, ялт-ялт этиб тобланувчи. <sup>9</sup>Рахшон — ялтирок. <sup>10</sup>Тулӯ этмоқ — чиқмоқ, кўринмоқ (кӯеш ё ой ҳақида). <sup>11</sup>Хуршид — кӯеш. <sup>12</sup>Адам — йўқ, йўқлик. <sup>13</sup>Жовид — абадий. <sup>14</sup>Партав — нур, шуъла. <sup>15</sup>Зоҳир — равшан, порлоқ. <sup>16</sup>Заррот — зарралар. <sup>17</sup>Мазоҳир — кўринадиган жой. Бу мисраъда шоир дунёдаги барча зарраларда, яъни ҳамма нарсада худо ўзини акс эттирди, улар худо кўринадиган жойга айланди, деяётибди. <sup>18</sup>Чу (чун) — каби, ўхшаш, масалли; чунки, модомики, вақтеки, қачонки; чунончи. <sup>19</sup>Аҳбоб — «ҳабиб»нинг кўпчилиги: дўстлар. <sup>20</sup>Маҳбуб — севилган, севгили, маъшук, дўст.

Булар борини пайдо айлаган ишқ,  
Бирин ул бирга шайдо айлаган ишқ.

Недин ошиқни ўртар шайни<sup>1</sup> маъшук,  
Чу ошиқ мунда келди айни маъшук.

Икиси балки айни ишқ: фафхам!<sup>2</sup>  
Туганди борча сўз: валлоху аълам!<sup>3</sup>

Ажаб суратки, бир наққоши<sup>4</sup> моҳир,  
Бўлур юз навъ сурат бирла зоҳир<sup>5</sup>.

Ўзи нақшу ўзи манқушу<sup>6</sup> наққош,  
Киши бу сирни мендск қилмади фош.

Мазкур боб дунёдаги жамики нарсаларнинг пайдо бўлиши ҳам, барҳам топиши ҳам бевосита яратганнинг иши экани айтилган байт билан тугайди:

Агар мавжуду маъдум<sup>7</sup> ўлса олам,  
Анга ижоду иъдоми<sup>8</sup> мусаллам<sup>9</sup>.

Кейинги боб — муножот. Навоий йўқ жойдан ўзига жисм ва руҳ берган илоҳни мадҳ этади, ундан ишига ривож илтижо қилади, хато қилган бўлсам, кечир, дейди, сўзларининг баланд овоза бўлишини, қаламини шакар тўқувчи, яъни ширинсўз айлашини тангридан сўрайди. Шоир бу бобларнинг бевосита дoston мазмуни билан, унда баён этилган воқеалардан кўзланган мақсадлар билан боғлиқлиги борлигига ишоралар қилади.

Асарнинг навбатдаги икки бобида пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳи-с-салом васфи келади. У кишининг икки машҳур каромати — кўрсаткич бармоқ ишорати билан ойни иккига бўлганлари ҳамда меърож, яъни Буроқ отида Қуддус шаҳрига қилган тунги саёҳатларидан сўнг Жабройил кўмагида еттинчи осмонга — Аллоҳ хузурига парвозлари талқин этилади. Шундан кейин махсус бобда қалам васф қилинади ва шу баҳонада «Хамса»лари билан машҳур бўлган салафлар — Низомий Ганжавий ҳамда Хусрав Деҳлавий таърифланади, «Хамса» битишнинг нақадар улкан

<sup>1</sup>Шайн — камчилик, нуқсон. <sup>2</sup>Фафхам — тушун, англа, диққат қил.  
<sup>3</sup>Валлоху аълам — худо билимдондир. <sup>4</sup>Наққош — нақш солувчи, суратчи. <sup>5</sup>Зоҳир — кўриниб турган, юзадаги, ташки. <sup>6</sup>Манқуш — наққилланган.  
<sup>7</sup>Маъдум — мавжуд эмас, йўқ. <sup>8</sup>Иъдом — йўқ қилиш, ўлдириш. <sup>9</sup>Мусаллам — таслим бўлиш, топширилиш.

вазифа эканини айтиб, Навоий Низомийни шерга, Дехлавийни паланг, яъни қоплонга қиёсан мана бу мисраъларни битади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасиға панжа урмоқ.

Тутайким, қилди ўз чангини<sup>1</sup> ранжа<sup>2</sup>  
Неким урди анинг чангига панжа.

Керак шер оллида ҳам шери жанги<sup>3</sup>,  
Агар шер ўлмаса, боре<sup>4</sup> паланге.

Йўқ эрса, жамъ бўлса барсдек<sup>5</sup> юз<sup>6</sup>,  
Алардин ҳосиле йўқ ғайри пуф юз<sup>7</sup>.

Навоий бу олтинчи бобни:

Кел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш<sup>8</sup>,  
Кетур бу икки<sup>9</sup> ёди бирла бир кўш.

Алар ишкида нўш айлаб<sup>10</sup> ики жом,  
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом,—

деб тугаллаб, устози ва пири — «ҳазрати шайх ул-исломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий» мадҳига ўтади. У буюк шоирни Навоий, жумладан, мана бундай таърифлайди:

Ики пил ўлса Хусрав ё Низомий,  
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий.

Мухаббат жоми<sup>11</sup> дурд<sup>12</sup> ошоми<sup>13</sup> улдур,  
Ҳамано Зинда пили Жомий<sup>14</sup> улдур.

...Ўзин худ бир жаҳони бегарон<sup>15</sup> бил,  
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.

<sup>1</sup>Чанг — чангал, қўлнинг панжалари. <sup>2</sup>Ранжа — шикастланиш, азобланиш. <sup>3</sup>Жанги — урушқок. <sup>4</sup>Боре — ҳеч бўлмаса. <sup>5</sup>Барс — қоплон. <sup>6</sup>Юз — юзта. <sup>7</sup>Пуф юз — юз пуф. <sup>8</sup>Жўш — айнаи кайнаш; бу ерда гулгула, ғавғо, жунбиш. <sup>9</sup>Бу икки — Низомий ва Дехлавий. <sup>10</sup>Нўш айламоқ — ичмок. <sup>11</sup>Араб ёзувида «жоми» ва «Жомий» сўзлари бир хил битилади, шоир шундан усталик билан фойдаланган. <sup>12</sup>Дурд — қуйқа, дурда (бу ерда майнинг қуйқасига ишора). <sup>13</sup>Ошом — ейиш, ичиш. <sup>14</sup>Зинда пили Аҳмади Жом деган машҳур шайх бўлган. Бу ерда Абдурахмон Жомийни «тирих фил» деяётгани, чунки Низомий, Дехлавий оламдан ўтган бўлса, «Фарҳоду Ширин» ёзилаётганда Жомий ҳаёт эди. <sup>15</sup>Бегарон — чексиз, чегарасиз, кирғоқсиз, ҳадсиз, баҳосиз.

Жаҳон ичра жаҳон ким топти макнат,  
Солиб икки жаҳон аҳлига ҳайрат

Жаҳон йўк, олами кубро<sup>2</sup> де они,  
Жаҳонда мақсади ақсо<sup>3</sup> де они

Ки, ҳарне олами суғрода<sup>4</sup> мавжуд,  
Бори бу олами куброда мавжуд.

Кейинги — саккизинчи боб ҳам бевосита Жомий билан боғланади. Бу боб, маълум маънода, асарнинг, шартли равишда айтадиган бўлсак, «кириш» қисми билан «асосий» қисмини боғловчи восита вазифасини ўтайди. Унда шоир ҳар бир ишга бирор бойис, яъни сабаб бўлишини айтиб, «Фарҳоду Ширин»ни ёзишга ундаган сабаб тарзида шуларни битади:

Мангаким бу таманно<sup>5</sup> бўлди пайдо  
Ки, шавқи айлади кўнглумни шайдо.

...Қалам баргу гули насринга<sup>6</sup> сурмак,  
Рақам<sup>7</sup> Фарҳод ила Ширинга сурмак.

Мунга доғи зарур эрди тааққул<sup>8</sup>,  
Чикормоқ бир тикандин юз туман<sup>9</sup> гул.

Навснй мазкур дostonни битишга иккинчи сабаб сифатида «биров ишқи» жонига ғам солгани, ўша ёр унга зулм ўтказаетгани, бу париваш бутун оламини безовта қилаётгани, ҳатто Фарангу (Франция ёки умуман Европа) Хитою Чин аҳлига ҳам унинг жабри ўтгани, шафақгун май томон қўл узатганда сиқимлаб, қуёш жомини ҳам синдириб ташлагани, у шамолдек чопқир отига минганида фалак варақларини шамол ҳар тарафга тарқатиб юборишини ёзади. На унинг васлига эришади, на ҳажрида ёнишдан бир лаҳза тўхтади. Афсуски, ўша жонон адолатсиз:

---

<sup>1</sup>Макнат — кучлик, иқтидорлик. <sup>2</sup>Кубро — энг улуг; олами кубро — улуг олам, бутун борлик, койнот. <sup>3</sup>Ақсо — энг узоқ қирғоқ; бирор ўлка шаҳарнинг узоқ бурчиги; бу ерда энг улуг мақсад, сўнги мақсад кўзда тутилади. <sup>4</sup>Суғро — энг кичик. <sup>5</sup>Таманно — тилақ, истак, орзу. <sup>6</sup>Насрий — оқ очиладиган бир туп гул. <sup>7</sup>Рақам сурмак — змоқ, битмоқ. <sup>8</sup>Тааққул — ақлга келтириш, ақл юргизиш. <sup>9</sup>Туман — ўн минг; юз туман — миллион.

Вафосиз, табъсиз<sup>1</sup> ноаҳл анга хуш,  
Вафо аҳли била биттабъ<sup>2</sup> нохуш.

Ана шу ёр бир ойдан бери, демакки, «Хайрат ул-аброр» битилганидан кейин ўтган бир ой давомида Навоийга тинчлик бермайди. У шоир кўнглига дард солиб қўйган-у, ўзи эса жаҳон кезиб, ҳар кеча ҳар жойда тунаб юрибди. Бу — рамзан шоирнинг «Фарҳоду Ширин»ни битиш орзуси бўлса-да, аслида — худо, тасаввуфдаги олий мақсад — ёр. Шундай бегоҳат кунларида шоирга ғойибдан бир садо келиб, ранж чекиб, «Хайрат ул-аброр»ни ёздинг, кўргилки, қандай ганж топдинг, шунинг учун ҳозир ҳам жаҳлни йиғиштириб қўйиб, яна бир ганж сари қўл чўз, яъни «Фарҳоду Ширин» достонини ёзишга бошла, дейди. Яна таъкидлайдики:

Агар Фарҳод ўлди кўп чекиб ранж,  
Санга ҳақ<sup>3</sup> бергай ўлмасдин бурун ганж.

Наво төпиб бу янглиғ ганждин ҳам,  
Халос ўлғайсен андоқ ранждин ҳам. ]

Достоннинг 9-бобида муаллифнинг бу асарни битишдаги ижодий йўли, қатъиятлари (принциплари) баён этилган. Ҳ, жумладан, ёзади:

Ки, чун бу уйда<sup>4</sup> қилгунг нақш дебо<sup>5</sup>,  
Керак уй тарҳи<sup>6</sup> доғи бўлса зебо.

Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ<sup>7</sup>,  
Анинг афсонаси<sup>8</sup> ҳам бўлса матбуъ<sup>9</sup>.

Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих,  
Борида иста бу фархунда<sup>10</sup> таърих.

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,  
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

<sup>1</sup> Табъсиз — заковатсиз, дидсиз, истеъдодсиз. <sup>2</sup> Биттабъ — ўз хоҳиши билан; табиийки. <sup>3</sup> Ҳақ — худо. <sup>4</sup> Бу уйда — истиора тарзида «бу мавзуда» деган маънода келган. <sup>5</sup> Дебо — нақшлар солиб тўқилган нозик ва нафис мато, бу ерда уй деворларига нозик нақш солиш кўзда тутилган. <sup>6</sup> Тарҳ — уйнинг режаси, лойиҳаси. <sup>7</sup> Масмуъ — эшитилган. <sup>8</sup> Афсонаси деганда асар воқеаси кўзда тутилган. <sup>9</sup> Матбуъ — таъбага ёқадиган, маъкул. <sup>10</sup> Фархунда — қутлуг, саодатли, қувончли.

Ани назм этки, тархинг, тоза бўлгай.  
Улусқа майли беандоза<sup>1</sup> бўлгай.

Йўқ эрса, назм қилганни халойик  
Мукаррар айламак<sup>2</sup> сендин на лойик?!)

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш<sup>3</sup> сурмак,  
Йўлеким, эл югурмиштур — югурмак.

Биравким, бир чаманда сойир<sup>4</sup> эрди,  
Нечаким гул очилган кўрди — терди.

Ҳамул<sup>5</sup> ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Мазкур афсона асосида дoston битганлар ҳақида Навоий шундай дейди:

Вале чекканлар ушбу жомдин<sup>6</sup> роҳ<sup>7</sup>,  
Саросар бўлдилар, Хусравға маддох.

Илгари шу мавзуда битилган дostonларда Хусрав мақ-талгангина эмас, унинг турли маъшуқаларга ишқи ҳам қуйлангани, Фарҳод ҳақида эса озгина ҳикоя қилингани айтилади:

Топиб гаҳ Марям оғушида ором,  
Шакар<sup>8</sup> халвосидин гоҳи олиб ком,

Бўлуб Ширинға ошиқ подшаҳвор  
Ки, ул маҳбуб ўлуб, гоҳи парастор<sup>9</sup>.

...Арода тек бир-икки дoston ҳам,  
Деб-у, Фарходдин айтиб нишон ҳам.

Шунинг учун Навоий янгича талқиндаги, охорий (ори-гинал) бир асар битишни ният қилади.

---

<sup>1</sup>Беандоза — чексиз, чегарасиз. <sup>2</sup>Мукаррар айламак — такрорламак.  
<sup>3</sup>Рахш — югурик от. <sup>4</sup>Сойир — сайр этувчи, кезувчи. <sup>5</sup>Ҳамул — ўша, худди ўша. <sup>6</sup>Жом истиора тарзида шу дoston мавзуси тушунчасини англатиб келган. <sup>7</sup>Роҳ — май, кўкимтир ва хуш исли май. Навоий асарларида зикр этилган маънода ва «шодлик» маъносидан учрайдиган бу арабча сўзни форсий «роҳ» билан алмаштириб юбормаслик керак. <sup>8</sup>Шакар — Хусравнинг хотинларидан бири; бу ерда бу сўз ҳам киши исми ва ҳам «шакар» маъносидан келган. <sup>9</sup>Парастор — сезувчи.



Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,  
Бу меҳнатномани<sup>1</sup> қилғумдурур шарҳ.

Дехлавий-ку Низомий достонига пайравлик қилиб, Хусрав билан Ширин ишқини ёзди, мен Фарҳод билан Ширин ишқини қаламга оламан, дейди шоир:

Низомий деди, Хусрав<sup>2</sup> бўлди пайрав,  
Агар ул шоҳ эди, бу эрди хусрав<sup>3</sup>.

Таносуб топиб ул икки ягона,  
Дедилар борча Хусравдин фасона<sup>4</sup>.

Мени маҳзунғаким, ишқ этти бедод,  
Солиб ғам тоғида андоқки Фарҳод.

Муносибдур агар тортиб навони,  
Десам Фарҳоди маҳзун достони.

Ёзиб жон мусҳафидин<sup>5</sup> икки оят,  
Дебон Фарҳоду Шириндин ҳикоят.

Низомий «Хусраву Ширин»ига назира тарзида Хусрав Дехлавий, Ашраф ва яна бир номи номаълум шоир дoston битгани, лекин уларнинг барида Фарҳод ишқи иккинчи даражали масала тарзида ёритилгани, Низомийдан фарқли ўларок, Дехлавий Фарҳодни Чин хоқонининг ўғли — шаҳзода қилиб тасвирлагани, ундан ташқари, бу тўрт дoston орасида фақат Дехлавий асарида «сўз аввалидан ҳам нишона» дейилгани, яъни воқеани ибтидосидан интиҳосигача тасвирлагани айтилади ва мен ҳам ана шу Хусрав Дехлавий йўлидан юрдим, дейди шоир.

Фарҳоднинг шаҳзода экани ҳақидаги боб тугагандан кейин ҳам шоҳ — Хусайн Бойқаро ва ҳам унинг ўғли — шаҳзода Бадиъуззамон Баҳодир мадҳи келади. Бу билан Навоий дoston воқеаларидан замонасининг шоҳи ва шаҳзодаси хулоса чиқариб олишидан ҳам зимдан умидвор бўлгани кўринади.

Шундан кейин асарнинг асосий воқеаси бошланади.

---

<sup>1</sup> Шоир «меҳнатнома» деганда «Фарҳоду Ширин» достонини кўзда тутлади. Лекин «меҳнат» сўзини ҳозирги маъносида эмас, «машаққат», «азоб-уқубат» маъносида тушуниш керак, «меҳнатнома»ни «ғамнома» тарзида талқин этган маъкул. <sup>2</sup> Хусрав Дехлавий кўзда тutilган. <sup>3</sup> Хусрав — шоҳ дегани. <sup>4</sup> Фасона — афсона. <sup>5</sup> Мусҳаф — саҳифалар; «Куръон»ни ҳам «Мусҳаф» дейиш бор.

Чин мамлакатининг доврўғи оламни тутган ҳокони бор эди. Дунёнинг не-не хонлари унга қул янглиғ эди. Молу дунёсию сипоҳу лашкарининг чеку чагараси йўқ эди. Бироқ, афсуски, тожини дур безаб тургани билан, унинг бошқа бир дурга эҳтиёжи бор эди, муроди боғи юз гулдан баҳраманд бўлса ҳам, унинг ўзи бўлак бир гулга орзуманд эди. Чунки унинг фарзанди йўқ эди. Инсон минг йил подшоҳлик қилса ҳам, бу дунёдан ўтар пайтда умрнинг бир нафасликкина эканини фаҳмлайди. Бу дунёдан бир ёдгор қолдирмай ўтиш эса нақадар даҳшатли. Ҳокон фарзандсизлик, ўғилсизликда кўп ғаму алам чекди. Мақсадига етиш учун кўп назрлар қилди, талай дирамлар сочди. Ўғилсизларнинг кўнглини олди, отасизларга оталик қилди. Охири, илтижолари худога етиб, ҳокон оиласида ўғил дунёга келди:

Шабистонида<sup>1</sup> туғди<sup>2</sup> бир янги ой<sup>3</sup>,  
Янги ой йўқки, меҳри оламорой<sup>4</sup>.

Очилди боғида бир оташин вард<sup>5</sup>,  
Демайким вард, балким шуълайи дард.

Кижурди илгига даврон нигине<sup>6</sup>  
Нигин ўрнида лаъли оташине.

Юзинда ишқ асрори<sup>7</sup> ёзилган,  
Ичинда дард таъвизи<sup>8</sup> қозилган.

Нигину лаъл йўқ, дурри шабафрўз<sup>9</sup>,  
Дема дур, гавҳаре, лекин жаҳонсўз<sup>10</sup>

Эшилган риштаси<sup>11</sup> тоби вафодин,  
Тешилган бағри ҳақкоки қазодин<sup>12</sup>.

Кўзида ашк<sup>13</sup> селидин асарлар,  
Дамида<sup>14</sup> оҳ дудидин хабарлар.

<sup>1</sup> Шаб — кеча, шабистон — кечаси деган маънога тўғри келади. Бу ерда ҳокон умрининг ғамли даври кўзда тутиляпти. <sup>2</sup> Туғди — туғилди. <sup>3</sup> Янги ой — истизоровий йўл билан Фарҳодни билдиради, унинг туғилши қоронғу кечада янги ойнинг пайдо бўлишига қиёсланган. <sup>4</sup> Меҳри оламорой — оламни ёритувчи қуёш. <sup>5</sup> Вард — атиргул. <sup>6</sup> Нигин — узук, узукнинг кўзи, муҳр. <sup>7</sup> Асрор — сирлар. <sup>8</sup> Таъвиз — тумор, дур ёзилган варақа. <sup>9</sup> Шабафрўз — кечасини ёритувчи. <sup>10</sup> Жаҳонсўз — жаҳонни қуйдирувчи. <sup>11</sup> Ришта — ип. <sup>12</sup> Ҳақкоки қазо — алдиндан ёзилган, тақдирда битилган. <sup>13</sup> Ашк — кўз ёши. <sup>14</sup> Дам — нафас.

Муҳаббат нури оллинда ҳувайдо<sup>1</sup>,  
Жамолида вафо тугроси<sup>2</sup> пайдо.

Фалак деб дард элининг шоҳи они,  
Малак<sup>3</sup> деб дард ўти огоҳи они.

Тушуб ишқ аҳли ичра ҳар тараф жўш,  
Чу тугди ўтда сайр айлар Сиёвуш<sup>4</sup>.

Вафо хайлида ғавғо шодлиғдин,  
Бири бирга муборакбодлиғдин.

Ҳокон ўғиллик бўлгани хурсандчилигини халқ билан баҳам кўради. Шундай буйруқ бўладики, бутун Чин мамлакати деворлари нақшинкор, қимматбаҳо матолару гиламлар билан безатилади, мамлакатда катта тўй бошлаб юборилади, элу улусга эрк берилади, уч йиллик хирождан ҳам воз кечилади:

Халойиқ ҳарне қилса тергамак йўқ,  
Не қилганни ямон қилдинг демак йўқ.

... Олиб кишвар элининг эҳтиёжин,  
Бағишлаб элга уч йиллик хирожин.

Фарҳод онадан ишқ билан туғилди. Унинг исми ҳам, Қуръони Каримда: «Ал-асмоу танзилу мин-ас-само», яъни «Исмлар осмондан тушади», дейилганидек, ишқ осмонидан тушган. Унга ном қўйиш мана бундай қаламга олинади:

Жамолидин кўрунғач фарри шоҳий<sup>5</sup>.  
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> *Ҳувайдо* — аён, равшан. <sup>2</sup> *Тугро* — давлат рамзи (герб), нишона. <sup>3</sup> *Малак* — фаришта. <sup>4</sup> *Сиёвуш* — қадим Эрон подшоҳларидан бўлган Кайковуснинг ўғли, ўғай онаси Судоба ун яхши кўриб қолади, шунда у Эрондан қочиб, Туронга келади. Турон шоҳи — Афросиёбнинг қизига ўланади. Судоба Сиёвушга тухмат қилганида ўзининг гуноҳсизлигини исботлаш учун кенг майдонда ёқилган катта ўт ичига киради. Сиёвуш беғуноҳ бўлгани учун шунда бу ўт гулзорга айланади. Мисраъда ана шу афсонага ишора қилинапти. <sup>5</sup> *Фарри шоҳий* — шоҳлик нури. <sup>6</sup> *Маҳ то ба моҳи* — ойдаи балиқча. Афсонага кўра, ерни ҳўкиз, ҳўкизни балиқ кўтариб туради, бу ерда ўша балиқ кўзда тutilган. Иборанинг маъноси шуки, эмг баланддаги нарса билан эмг наstdаги нарсагача, яъни еру осмон, бутун дунё.

Кўюб юз ҳиммату иқболу давлат,  
Ҳамул фар соясидин топди зийнат<sup>1</sup>.

Бу жавҳарларга<sup>2</sup> чун иснод топди<sup>3</sup>,  
Мураккаб айлагач<sup>4</sup>, «Фарҳод» топти.

Бу фарни ҳодийи<sup>5</sup> бахт этгач иршод<sup>6</sup>,  
Равон шаҳзода отин қўйди «Фарҳод».

Ҳариру<sup>7</sup> хулла<sup>8</sup> ичра боғлабон чуст<sup>9</sup>,  
Мурассаъ<sup>10</sup> маҳд<sup>11</sup> ичинда тонгдилар<sup>12</sup> руст<sup>13</sup>.

Бу навъ эрмас, ато қўймоди отин  
Ки, кўргач ишқ анинг покиза зотин,

Анга фарзона<sup>14</sup> Фарҳод исм қўйди,  
Ҳуруфи<sup>15</sup> маъҳазин<sup>16</sup> беш қисм қўйди:

Фироқу рашку ҳажру ох ила дард,  
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард<sup>17</sup>.

Борин устоди ишқ этгач мураккаб,  
Тараккубдин<sup>18</sup> бу исм ўлди мураттаб<sup>19</sup>.

Фарҳод бешиқда ўсаётган пайтларда «аруси чарх», яъни чарх келини доя янглиғ ҳамиша ундан хабардор бўлиб турди. Айтилмоқчики, Фарҳодни худонинг ўзи паноҳига олди. Ишқ дояси (яъни худо) унга ичирган ҳар бир томчи сут ишқ сармоясига айланди. Гарчи бола бир чумолидан ҳам кам сут ичса ҳам, худди арслон боласидек тез ўсиб кетаверди. Чунки овқати ишқдан бўлган одам сут ичса, дур

---

<sup>1</sup> «Ҳиммат»дан «х», «иқбол»дан «алиф» (уни «и» деб ҳам, «о» деб ҳам, «а» деб ҳам ишлатиш мумкин), «давлат»дан «д»ни олиб, қўшсак, «— ҳод» пайдо бўлади, буни «фар»нинг «соясини», яъни кейинига олсак, «Фарҳод» сўзи ҳосил бўлади. <sup>2</sup> *Жавҳар* — гавҳар. <sup>3</sup> *Иснод топмоқ* — тааллуқли бўлмоқ, тегишли бўлмоқ. <sup>4</sup> *Мураккаб айламак* — қўшиш, бирлаштириш. <sup>5</sup> *Ҳоди* — тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи, етакчи. <sup>6</sup> *Иршод* — тўғри йўл кўрсатиш. <sup>7</sup> *Ҳарир* — юпка ва нозик мато. <sup>8</sup> *Хулла* — безакли, нозик ва нафис (юпка) кийим. <sup>9</sup> *Чуст* — маҳкам. <sup>10</sup> *Мурассаъ* — қимматбаҳо тошлар боғланган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. <sup>11</sup> *Маҳд* — бешиқ, кажава. <sup>12</sup> *Тонгмоқ* — боғламоқ, беламоқ. <sup>13</sup> *Руст* — маҳкам, қаттиқ. <sup>14</sup> *Фарзона* — оқил, доно. <sup>15</sup> *Ҳуруф* — ҳарфлар. <sup>16</sup> *Маъҳаз* — бирор нарсанинг олинган жойи; манбаъ. <sup>17</sup> *Фард* — якка, ёлғиз; ажралган, алоҳида. <sup>18</sup> *Тараккуб* — бир нарсанинг бошқа бир нарса билан бирикиши, таркиблашиши. <sup>19</sup> *Мураттаб* — тартиб берилган, тартибланган, тизилган.

бўлади, қон ичса — ёқут, Фарҳод ҳам туғилишидан ишқ билан дунёга келгани учун бир ёшидаёқ бешикни тарк этиб, юриб кетди. Уч ёшида эса бийрон-бийрон сўзлар, унинг сўзлари ҳам ишқ билан йўғрилган эди. Уч ёшида уни кўрган одам ўн яшар деб ўйларди.

Отаси боласининг бундай фавқулудда камол топаётганини кўриб, уч ёшидаёқ илм ўрганиши учун муаллимга берди. Муаллим эса дунёдаги жамики илмларни эгаллаган, ҳатто Юнондаги машҳур аллома — Арасту ҳам унинг бир шогирди эди. Фарҳод туғма ишқ кишиси бўлгани учун муаллим алифбени ўргата бошлаши билан «алам» сўзидан «алиф»ни, «бало» сўзидан «бе»ни ажрата бошлади, Фарҳоднинг зеҳни шунчалар ўткир эдики, дастлабки уч ойдаёқ буткул савод чиқарди, таълимнинг биринчи йилидаёқ «Қуръон»ни бошдан-охир ёд олди. У бир кўрганини сира эсдан чиқармас, хусусан, ишқ ва ошиқлик ҳақидаги китобларни ўқиганда, ўша ошиқлар каби нолаю фиғон чекар эди:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,  
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.

Не сўзниким, ўқуб кўнглига ёзиб,  
Дема кўнглики, жон лавҳига<sup>1</sup> қозиб.

Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,  
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.

Кўруб чун ишқу ошиқлик мақолин,  
Тоғиб ошuftта маҳзун кўнгли ҳолин.

Анинг шарҳини такрор айлабон кўп,  
Ўқурда нолайи зор айлабон кўп.

Бўлуб ошиқ ғами шарҳида ғамнок,  
Яқо чокин ўқуб, айлаб яқо чок.

Ким этса дарддин оз-оз ривоят,  
Қилиб ул дард анга кўп-кўп сироят<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Лавҳ — ёйиқ нарсa, тахта; ёзув тахтаси. Сўз бу ерда истиора бўлиб, кўчма маънода келган. <sup>2</sup>Сироят — таъсир, ичига ўтиш, юкиш.

Киши кўнглин билиб, афгор йиглаб,  
Не кўзда ашк кўргач, зор йиглаб.

Фарҳодга таълим бераётган олим ундаги бу маҳзунликни кўриб ҳайрон қолади. Ота-онаси ҳам ҳайратга тушадилар. Лекин улар бунинг сабаби нимада эканлигини билмас эдилар. Фарҳод ўн ёшигача дунёдаги жамики илмларни ўрганиб чиқди:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқини<sup>1</sup> касб этмаган илм.

Бўлуб ўн ёшда умрининг мурури<sup>2</sup>  
Йигирми ёшча қадду жисму зўри.

Улум<sup>3</sup> авроқи<sup>4</sup> чун бир-бир ёпилди,  
Диловарлиқ силоҳи<sup>5</sup> майли қилди.

...Ҳамул илми баландовоза бирла,  
Бу янглиғ зўри беандоза<sup>6</sup> бирла.

Ўзин абжад<sup>7</sup> ўқур элдин тутуб кам,  
Дема донишки<sup>8</sup>, зўри даст<sup>9</sup> ила ҳам,

Бўлуб шаҳлар эшигининг гадойи,  
Ва лекин ул гадолар хокипойи.

Анга тенг подшолиғ ё гадолиғ,  
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.

Деманким, кўнгли пок-у, ҳам кўзи пок,  
Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок.

Мунунгдек тийнати покига лойиқ.  
Дуосин айтибон поки халойиқ.

---

<sup>1</sup>Таҳқиқ — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш. <sup>2</sup>Мурур — ўтиш, юриш. <sup>3</sup>Улум — илмлар. <sup>4</sup>Авроқ — варақлар. <sup>5</sup>Силоҳ — қурол-яроқ. <sup>6</sup>Беандоза — чексиз, чегарасиз. <sup>7</sup>Абжад — қадимги араб алифбосида бирдан ўнгача бўлган бирлик, ўндан юзгача бўлган ўнлик ва юздан минггача бўлган юзлик рақамлар тартибини билдирадиган (бунда ҳар бир ҳарф муайян рақамни англатиб келади) ҳарфлар мажмуъини билдирадиган саккиз ясама сўзнинг биринчиси ҳамда ана шу ҳисоб тизимининг умумий номи. «Абжад ўқур эл» деганда эса энди мактабга борганлар кўзда тутилган, чунки бошланғич мактабнинг биринчи йилида ҳарф таниш учун дастлаб абжад ўргатилган. <sup>8</sup>Дониш — билиш, билим. <sup>9</sup>Даст — қўл.

Анинг сори совуғ ел эсса ногох,  
Чекиб Чин мулкинийг халқи совуғ ох.

Қилиб эл хонумон онинг фидоси.  
Не хонумонки, жон онинг фидоси.

Ато юзланмасун деб дарду ранже,  
Этиб ҳар кун бошиға садқа ганже.

Вале бир зарра дард ўлғач паидор<sup>1</sup>,  
Бўлуб ул ганжлар бирла харидор.

Асири дард ичию тоши онинг  
Ки, то ўн тўрт бўлди ёши онинг.

Фарҳод йигит ёшига етди. Лекин айни ўйнаб-куладиган, кунларини шўх-шанг ўтказадиган пайтида у, аксинча, ғамгин, тушкун бўлиб қолди. Унинг учун хурсандчилик айёми ҳам ғам, алам ва дард билан кўмилган эди. Дилочар базмларда одамларни шод этадиган куй-қўшиқлар ҳам буни бадтар эзар эди. Бироқ ошиқлик ва ё ишқ ҳақида қўшиқ янграса, икки кўзидан ёшлар дарё бўлиб оқар эди.

Бундан хоқон қаттиқ ташвишга тушди. Ўглининг кўнглини шод қилиш учун турли-туман томошалар, базмлар уюштирди, фойда бўлмади. Охири Фарҳод учун йилнинг тўрт фаслига мослаб тўрт олий қаср бунёд этиш фикрига келди. Зора, ана шу қасрларда уюштирилажак базми жамшидларда ўғли кўнгидаги ғамгинлик кетса!

Хоқон бу фикрини, хилватга чорлаб, Мулкорога айтди. Мулкоро Фарҳодга атобек, яъни тарбиячи — устод эди, Фарҳод ҳам уни отадек билар эди. Мулкоро ана шу тўрт қасрни қуриб битказиш ишига маъмур қилиб тайинланди.

Мамлакатнинг ман-ман деган муҳандислари йиғилиб, Чин юртининг тўрт энг баҳаво жойини ана шу қасрларни бино этиш учун танладилар. Хитой мамлакатада бири биридан машҳур Боний ва Моний деган икки устод бор эди. Боний меъморлиги, Моний наққошлиги билан эл орасида бағоят шуҳрат топганди. Боний иморатни шундай қураар эдики, у бунёд этган қаср фалак қасридек йиқилиш нима-лигини билмасди. Моний шундай нақш содар эдики,

<sup>1</sup> *Паидор* — пайдо бўлган, кўринган.

гўё чарх ҳам нақшни шундан ўргангандек. Қоран деган яна бир тошйўнар уста ҳам бор эдики, унинг метини қаттиқ тошларни ҳам осонгина кесиб ташлайверар эди. Тўрт қаср иморатини бунёд этишда буларга ўхшаган яна қанча ўз соҳасида устои фанлар иш кўрсатди. Ҳар бир иш бошида юз ишбилармон меҳнат қилди, уларнинг ҳар бири қошида яна минг ишчи ҳам тер тўкди. Тўрт жаннат мисоли қаср бунёд этилганининг овозаси оламни тутди.

Шундан кейин қасрлар қурилишини кўриш истаги билан Фарҳод ҳам отига миниб, қурилишлар бошига келди. Усталарнинг ишини томоша қилиб, ҳайратга тушди, чунки усталарнинг тешалари қаттиқ тошларни ҳам гўё пичоқ сариёғни кесаётгандек кесар эди, айримларининг қўлида тош худди бир мумдек нарса эди. Наққошлару мусаввирлар санъати шаҳзодани тамом лол этди. Шаҳзодага кўзлари тушган усталар дарҳол харсанг тошдан бир тахт ясаб, уни ўтиришга таклиф этдилар. Тахтга ўтириб, шаҳзода тошйўнар Қоран билан савол-жавоб бошлади:

Саодат бирла тутқач анда таскин<sup>1</sup>,  
Деди: — «Эй кордони<sup>2</sup> санъатойин!

Дегил бу санъатингдин бизга фасле  
Ки, андин зоҳир ўлсун фаръу<sup>3</sup> асле.

Отинг айт-у, они ҳамким бу пеша  
Ки, йўнғай мумдек хорони<sup>4</sup> теша.

Нединдур кўрмадук бу навъе ҳаргиз  
Ки, бўлмиш фаҳм идрокида ожиз?

Йиғочеким қатикрок бўлса зарра  
Пичоқ етгач, бўлур андоққи арра.

Не су(в) бирла берибсен тешанга зеб  
Ки, топмас хора йўнмоқ бирла осеб<sup>5</sup>?

Ҳамул хоранги<sup>6</sup>, айлар хора танқир,  
Анинг кайфиятин ҳам айла тақрир<sup>7</sup>

---

<sup>1</sup> Таскин — ўтириш (ҳаракатсизланиш) маъносида. <sup>2</sup> Кордон — иш лармон, иш устаси, иш билимдони. <sup>3</sup> Фаръ — дарахтнинг шохи. <sup>4</sup> Хоро — қаттиқ тош (гранит). <sup>5</sup> Осеб — зиён, зарар. <sup>6</sup> Хора — хоро. <sup>7</sup> Тақрир — англатиш, айтиш.



Ер ўпди кордони нақшпардоз,  
Сўзин қилди дуо бирла сароғоз<sup>1</sup>

Ки: — «То бўлғай ҳаводис<sup>2</sup> Кўҳи Қофи<sup>3</sup>,  
Чиқилғай илдиirim<sup>4</sup> хоро шигофи<sup>5</sup>.

Ҳаводис тошидин осуда бошинг,  
Ушотсун дарду ғам бошини тошинг.

Қатик хасминг<sup>6</sup> насиби хора бўлсун,  
Машаққат тоғида овора бўлсун.

Чу сўрдунг аввал отим шухратини —  
В-у<sup>7</sup> сўнгра санъатим кайфиятини.

Отим Қоран, ишим худ ошкоро,  
Кўлумда тешаву оллимда хоро.

Буким сўрдунгки, метин бирла теша,  
Нечук синмай йўнар хоро ҳамеша?

Анинг су(в) бермагида ҳолате бор  
Ки, андин айламасбиз элга ихбор<sup>8</sup>.

Су берса уйла афзориға<sup>9</sup> устод,  
Юз ил<sup>10</sup> хоро демайким, йўнса пўлод —

Синардин тешавар осуда бўлғай,  
Тугангай баски ишдин суда бўлғай<sup>11</sup>.

Хито аҳли бу санъат айлабон соз,  
Бўлуб олам элидин ишта мумтоз.

Бу эл ҳам улча мен билганни билмай,  
Далилим буки, мен қилганни қилмай».

---

<sup>1</sup> Сароғоз — бошланма, бошлаш. <sup>2</sup> Ҳаводис — ходясалар. <sup>3</sup> Кўҳи Қоф — Қоф тоғи, бутун ер юзини ўраб олган деб ҳаёл қилинадиган афсонавий тоғ. <sup>4</sup> Илдиirim — яшиқ, чакмоқ. <sup>5</sup> Шигоф — ёрик, дарз кетиш, синиш. <sup>6</sup> Хасм — душман, рақиб, мухолиф. <sup>7</sup> В-у — «ва» ҳамда «у» сўзлари шерьий матнда, вазн тақозосига кўра, баъзан шундай кўшиб ишлатилган. <sup>8</sup> Ихбор — хабар бериш, билдириш. <sup>9</sup> Афзор — иш қуроли, асбоб-ускуна. <sup>10</sup> Ил — йил. <sup>11</sup> Суда бўлмоқ — ейилиб кетмоқ, эзилмоқ, майдаланмоқ.

Чу доно сурди мундоқ нуктайи<sup>1</sup> пок,  
Бўлуб шаҳзода билмакка ҳаваснок.

Деди: — «Оллимда бўл шуглунгга<sup>2</sup> машғул  
Ки, бу санъат эрур кўнглумда мақбул.

Гаҳи йўнғил, гаҳи нақш айла хора,  
Мен айлай ўлтуруб бир-бир назора.

Хоқон тўрт қасрни Фарҳод учун махсус қурдираётган эди. Лекин Фарҳодди бу жаннатмакон қосоналарнинг ўзи учун барпо этилаётгани эмас, моҳир усталарнинг иши қизиқтиради. Ҳеч иккиланмай, шаҳзода бўла туриб, ана шу қордонлар маҳоратини ўзлаштиришга киришиб кетади. Қоран унинг учун ясалган теша билан метинга сув беради. Фарҳод устозидан тош йўнишни тезда ўрганиб олиб, шундай иш кўрсатадики, ҳатто Қоран каби юз устоз ҳам унга шогирд тушса арзийди. Баъзан элдан яширинча бир дамда шунчалар кўп тош йўнар эдики, буни бошқалар бир ойда зўрга эплар эди. Тўрт қаср қуриб битказилгунча ўтган тўрт йил мобайнида Фарҳод бу ишларга машғул бўлди. Монийдан наққошлик ҳунарини жуда оз фурсатда ўрганиб олиб, устози билан ёнма-ён нақш ҳам солди. Хуллас, Фарҳод: «Ҳам ўлди хорабур, ҳам бўлди наққош».

Баҳор, ёз, куз ва қиш фаслига мослаб қурилган бу қасрлар битгач, хоқон ўз мулозимлари билан уларни кўришга келди. Унинг ўнг ёнида Фарҳод ҳам хурсанд борарди. Хоқон усталарга истаганларидан ҳам ортиқ инъомлар бердирди. Мулкорога хоқон энди бир йиллик базм тадоригини кўришни буюрди. Ҳар бир қасрда уч ойдан базм қуриб, ҳар куни юз оту минг кўй сўйиб, хурсандчиликлар қилиш мўлжалланди. Базмлар ҳамал ойининг биринчи кунидан — Наврўздан бошланди. Аввал баҳорий қасрнинг ҳамма ёғи ғунчаю гул рангидаги хоналарида гулранг қадаҳлар ичилди, сўнг яшилранг бўёқлар билан безатилган ёзги қасрда яшил тўн кийган сиймбарлар кўлидан яшил чинни пиёлалар нўш этилди. Ундан кейин эса куз тасвирига мос безатилган қаҳрабон қасрда базм қурилди. Бу қасрда эса:

Уй олгун, фарши олгун, томи олгун,  
Май олгун, зарфи олгун, жоми олгун.

---

<sup>1</sup>Нукта — возик маъноли, чиройли сўз. <sup>2</sup>Шугл — киришчи, шугулланиш, иш.

Йилнинг охирги уч ойини қишки қасрда оқ-оппоқ тасвирлар бағрида ўтказдилар.

Булардан мақсад Фарҳод кўнглидаги ғамгинликни барта-  
раф этиш эди. Лекин, ахир, тақдир нақш айлаган нарсани қандай ўзгартириш мумкин?! Фарҳод яна ўша-ўша пурдард эди:

Биравким зор йиғлаб — йиғлаб ул зор,  
Тоғиб кўнгли эл озоридин озор.

Чиқориб сўзлар сўз<sup>1</sup> бошидин дуд,  
Совуғ оҳ айлаб, оҳин оташолуд<sup>2</sup>.

Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок.  
Яқо чокин кўруб, кўксин қилиб чок.

Биравким ишқдин қилса ривоят,  
Сўруб ҳардам муқаррар<sup>3</sup> ул ҳикоят.

Тафаҳхус айлаб<sup>4</sup> андин кўп нишоне,  
Нишонин кўнглида асраб ниҳоний.

Висол ичра замирин<sup>5</sup> шод тоғиб,  
Аламдин хотирин озод тоғиб.

Етишгач ҳажр шарҳи зор йиғлаб,  
Ики кўз айлабон хунбор<sup>6</sup> йиғлаб.

Фарҳоддаги бу ишққа мойиллик, ғамгусорликнинг шунча шоду хуррамликдан кейин ҳам йўқолмаганини кўриб, ҳоқон неки чора қилган бўлса, бекор кетганини англади. Боши қотди. Шундан кейин у Фарҳодга салтанатни топшириб, уни ўз ўрнига тахтга ўтказиш фикрига келди. Чунки, деб ўйлади ҳоқон, ўғлим ҳар тарафлама камолга етган. Чин мамлакатда ҳоқонликка ундан лойиқ одам йўқ, ўзи ҳам йиғию нолаю афғондан бўлак айбдан холи бир паҳлавон йигит. Ҳоқон арқони давлатини йиғиб, бир шоҳона байрам — жашн тузди. Ўғлини ёнига ўлтиргизди. Уни неча йиллар йиғлай-йиғлай, худодан тилаб олгани, Аллоҳ истаганидан

---

<sup>1</sup> «Сўзлар сўз» бирикмасини ҳам «ёниқ сўз», ҳам «сўзлар ёниқ» маъносига тушуниш мумкин, чунки ўзбекча «сўз», «калима» маъносини берса, тожикча «сўз» «хуйиш» маъносига келади. <sup>2</sup> *Оташолуд* — ёниқ, дурд, оташин. <sup>3</sup> *Муқаррар* — тақдор. <sup>4</sup> *Тафаҳхус айламак* — текшириш, суриштириш, тирак ўргатиш. <sup>5</sup> *Замир* — кўнгли. <sup>6</sup> *Хунбор* — қон йиғловчи.

зиёда бир ўғил бергани, унда шоҳга лойиқ жамики хислатлар мужассамлиги, ўзининг ёши ҳам олтмишга яқинлаб қолганини айтиб, шоҳликни қабул қилишини сўради. Фарҳод отасининг бу таклифига жуда одоб билан, мантиқан асослаб рад жавобини берди. Ўзини гиёҳ, отасини сарвга, ўзини бир пуштаю хоқонни Албурз тоғига қиёслади. Шунда ҳам кўнмагач, ер ўпиб, бир-икки йил давлатни бошқариш ишларини ўрганишни, кичикроқ бир вазифа таъйин этилишини сўради.

Ўғлининг бу оқилона жавобидан беҳад хурсанд бўлган хоқон шаҳзоданинг бошига дуру гавҳар сочиш учун уни хазинага олиб кирди. Хазинадаги сон-саноксиз бойликларни кўриб, ҳайратга тушиб, Фарҳод кулимсираб, гоҳи-гоҳи бош ирғатиб ҳам қўяр эди. Томошадан тўяр чоғида ногоҳ Фарҳоднинг кўзи тип-тиниқ биллурдан ясалган ғаройиб сандиққа тушди. Бу сандиқ одам боласи ясаган нарсага ўхшамас эди. Унинг ичида кўнглининг поклиги билиниб турган бир сурат намоён бўлгандек туюлди. Бироқ бу суратнинг сирини ошкор эмас, чунки сандиққа мустаҳкам кулф осиглиқ эди. Шаҳзода шу сандиқ сирини билишга тушди. Калитини олиб келиб, кулфини очишларини буюрди. Хоқон: «Бу сандиқ сирини ҳеч ким билмайди, унинг калити йўқ, кулфи очилмайди»,— деди. Фарҳод эса қаттиқ туриб олди:

Эшитгач шоҳ узрин шоҳзода,  
Ҳавас савдосини қилди зиёда:

Деди: — «Ҳар ишки қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра манга то бўлди мадҳал<sup>1</sup>  
Топилмас мушките мен қилмаган ҳал.

Мунунг ҳам билмагунча аслу будин<sup>2</sup>,  
Муайян қилмагунча тору пудин<sup>3</sup>,

Не имконким қарор ўлғай кўнгулга,  
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга».

---

<sup>1</sup>Мадҳал — кириш. <sup>2</sup>Буд — борлик, мавжудлик. Бу ерда: нималигини маъносида келган. <sup>3</sup>Тору пуд — ўриш-арқоқ. Бу ерда: сирру синоатини деган маънода келган.

Шоҳ, ноилож, калитни келтириб, сандиқни очишни буюрди. Сандиқни очдилар. Ичидан осмон сандиғидаги қуёш янглиғ бир кўзгу чикди. Буни Искандари Румий, яъни Александр Македонский ҳар бири Афлотундек доно тўрт юз олимга ясаттирган, улар бунинг учун бир неча йил меҳнат қилган эдилар. Ойна усталари бўлган ҳақимлар кўзгу орқасига унинг барча махфий сирларини ёзиб қўйган эдилар. Ўша ёзувда айтилишича, агар кимки ойнада яширин тилсимни очишга интилиб, ниятига ета олса, у кўзгуга боққанида ўзининг келажакда бошидан кечирадиган ҳаётини кўради, демак, ғайбнинг сири ошкор бўлади. Бироқ бу жуда мушкул иш. Уни очмоқчи бўлган одамнинг жисми куйиб, дили ранж тортиши шарт. Чунки бунинг учун аввал Юнонистондаги бир тоққа бориш керак. Лекин шу тоққа етгунча йўлда уч манзил бор. Биринчисида бир аждаҳо учрайди, иккинчисида Аҳраман деган дев. Учинчи манзилда эса бу иккисидан ҳам мушкулроқ бир ажойиб тилсим бор. Шулардан эсон-омон ўтгандан кейингина тўртинчи манзил—ўша тоғ келади. Тоғда эса бир ғор бор. Ғор ичида Сукрот деган бир хирадманд яшайди. Борилганда у тирик бўлса, у Ойнаин Искандарий тилсимини очиш йўлини айтади. Дунёдан ўтган бўлса, унинг руҳига илтижо қилинса, ниятга етиш мумкин.

Фарҳод бу ёзувни ўқиб, ана шу мушкулни очиш дардига тушди, еяр-ичарию ётар-турарини ҳам унутди, девона бўлиб қолаёзди. Охири, Мулқорони олдиға чорлаб, отасига тушунтириб, Юнон сафари учун ижозат олиб беришини сўради, тақдиримда нима бўлса, шуни кўраман, йўлимда аждаҳо учрайдим, девми — кўзни чирт юмиб, офатларга ўзимни ташлайман, деди. Хоқонни хилват топиб, Мулқоро Фарҳоднинг бу дардини айтганда, шоҳ кўксига уриб, ёқаларини йиртиб йиғлади. Аввал бир насиҳат қилиб кўрайлик, кўнмаса, на илож, унинг илтимосига биз кўнишга мажбур бўламиз, деди. Фарҳод бу гал ҳам фикридан қайтмади. Жаҳли чиққан шоҳ аввалига уни қамаб қўймоқчи ҳам бўлди. Аммо кейин ўйлаб кўриб, бутун Хитою Чин мамлакатидан черик йиғиб, ўғли билан бирга Юнон юртига сипаҳ чекишга аҳд қилди. Бир неча ой йўл юриб, Юнон мамлакатига етдилар. Юноннинг талай олимлари хоқон олдиға келдилар, шоҳ бу юртга мамлакат олиш ниятида эмас, тақдир тақозоси билан шу ўлкадаги бир тоғда яшайдиган Сукротни излаб келганини тушунтирди. Юнон ҳақимлари Сукрот тоғи йўлини ўзи ҳам Сукротга ўхшаб тоғдаги бир ғорда яшаётган, ёши беш юзларга борган Суҳайло деган бир олим

билади, дедилар. Кейин шоҳ билан шаҳзодани ўша ғор сари бошладилар. Улардан бири илгарироқ юриб, Суҳайлони келаётган меҳмонлардан хабардор қилди. Ота-ўғил Суҳайло олдига кирдилар, ҳақим шодон кулиб қарши олди. Шоҳ бу ерга келиш сабабини айтгач, ҳақим шаҳзодадан: «Отинг Фарҳодми?» — деб сўради. «Ҳа» жавобини олгач, туриб Фарҳоднинг пешонасидан ўпди-да, шундай деди:

Неча юз йилдурур ғор ичрадурман,  
Неча юз ранжу тимор<sup>1</sup> ичрадурман.

Манга Жомосбдин<sup>2</sup> эрди бу эълон<sup>3</sup>,  
Ўзидин сўнгки ёзмиш эрди аҳком<sup>4</sup>

Ки, мендин сўнгра гардуни сабукпай<sup>5</sup>,  
Чу минг йил айласа ер даврасин тай<sup>6</sup>,

Чикиб шаҳзодае Чин кишваридин,  
Келиб Юнонға давлат раҳбаридин.

Оти Фарҳод-у, ҳар донишда<sup>7</sup> моҳир,  
Саодат фарри рухсоринда зоҳир.

Тутуб ранжу аноға<sup>8</sup> жону жисмин,  
Очар Искандари Румий тилисмин.

Суҳайло ҳақим бу тилсимни очиб йўлида Фарҳодга икки манзил учраши, уларда аждаҳо билан Аҳраман дев йиғитга кўп балолар ёғдириши, лекин бу ишда унга Суҳайло ёрдам қилишини Жомосб ҳақим башорат тарзида ёзиб қолдиргани ҳақида гапирди. Ўша Жомосб башоратида яна айтилганки, Фарҳод аждарҳони ўлдиргандан кейин ганж, яъни катта бир бойликни, девни ўлдирганидан сўнг эса Сулаймон пайгамбарнинг сеҳрли узугини қўлга киритади. Учинчи манзилда тилсимни очганда эса Жамшид жомини қўлга киритади. Фарҳод бу бойликларнинг барини отасига топширсин. Чунки унга Суқрот ҳақимга етганию Ойинайи Искандарийга эришганининг ўзи бас. Чунки Суқрот-

---

<sup>1</sup> Тимор — ҳаракат, ғамхўрлик. <sup>2</sup> Жомосб — каёнйлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи — Гуштосб замонида яшаган машҳур донишманд ҳақим. <sup>3</sup> Эълон — эълон. <sup>4</sup> Аҳком — ҳукмлар, ҳуқосалар. <sup>5</sup> Сабукпай — тезювар, чакқон. <sup>6</sup> Тай — юриш, кезиш. <sup>7</sup> Дониш — билим, маълумот. <sup>8</sup> Ано — машаққат, азоб, укубат.

дан сирни билиб олганидан сўнг Чинга бориб, ўша сеҳрли кўзгуга назар ташласа, келажакда бошидан кечирадиган ҳаётини кўради.

Суҳайло ҳаким Жомосб ёзиб қолдирган башоратларни Фарҳодга уктириб бўлгач, унга бир идишда сеҳрли ёғ берди. Бу — Самандар деган (асли каламушга ўхшаш, лекин, афсонага кўра, ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида оловдан куймай яшайдиган) жонивор ёғи эди. Бунни кўп ўтларда куйиб, не азоблар билан йиққанини айтиб, уни аждарҳо билан олишаётганда баданга суртиб олишни таъйинлади, шунда аждарҳо сочган олов Фарҳоднинг баданини куйдирмас экан. Девни ўлдирганда унинг бўйнида осиглиқ бир кумуш тахтачада учинчи манзилдаги тилсимни очиш йўли битилган, ўша тилсимни очиб, Жамшид жомини топасан, деди Суҳайло. Ўша жоми Жамшид гирдидаги ёзувларни ўқисанг, ўша жом ичида Суқрот ҳаким дийдор кўрсатиб, сенга Ойнайи Искандарий тилсимининг сирини ўргатади.

Суҳайло бундан ортиқ сирни ошқор қилиш мумкин эмаслигини айтиб, Самандар ёғи солинган идишни Фарҳодга бериб, унга оқ йўл тилади-ю, жонини таслим этди. Уни ҳурмат билан кўмдилар.

Фарҳод тақдирида аввалдан ёзилгани бўйича Аждарҳо манзилига бориб, кураш билан уни ўлдирди. Аждарҳо ғорига кириб, қараса, тош устидаги бир тахтада Афридун (қадимий Эрон шоҳларидан бўлган Фаридун) ганжини топшиш йўли битилган экан. Унда айтилишича, ғор худди осмондек айлана экан, агар унинг энг марказ нуқтаси топилса, ўша ерда оғирлиги минг ботмонча келадиган бир қора тош бор, қилич билан атрофини очиб, қўлга олиш керак.

Фарҳод шу йўл билан тошни олиб, Фаридун яширган хум-хум бойликлар мажмуасига эришди. Хазинахонанинг тўрида бир айвон бор экан. Айвондаги тахт устида эса бир ўткир қилич ва бир қалқон турган экан. Қалқонда эса шундай ёзилган: «Агар кимки бу қиличу қалқонга эришса, бирини осиб, иккинчисини белига боғлаб олсин, қалқон қуббасида Сулаймон, худди узугига ёздиргандек, бир улуғ исм ёздирган, унинг хосияти шуки, бу қалқонни ёпинган киши олдида не-не макрга эга бўлган девлар ҳам маҳв бўлади. Қиличда шундай бир исм битилганки, унинг хосияти билан бу одамга ҳеч бир тиг ўтмагай, лекин бу тиг билан бир урса, шайтони лаъйин ҳам, Аҳраман дев ҳам икки бўлакка ажралади».

Қалқонни осиб, қилични белига боғлаб, Фарҳод Аҳраман

дев манзили сари от сурди. Дев қаттиқ ҳужумлар қилди. Фарҳодни сеҳрли қалқон асради. Қалқон қуббасида ёзиғлиқ исми аъзам Аҳраманнинг кучини олиб қўйди. У осмондан ерга қулади, тоғдан думалаб тушаётган тошлар остида қолиб, ўлар ҳолга келди. Фарҳод от суриб бориб, бир тиг билан унинг ишини ниҳоясига етказди.

Фарҳод отини девнинг қасри олдида боғлаб, қаср ичига кирди. Қараса, жаҳон ичра жаҳондек бир мухташам қаср. Ҳар тарафда эшикларга қулф осилган. Ўша хонада қандай хазина борлиги ёзиб қўйилган. Кейин жавоҳирлар билан безатилган бир эшикка кўзи тушди. Унга: «Бу эшикни очиш жуда кийин, яхшиси, уни очишдан қўрққан афзал!» — деб ёзиб қўйилган. Фарҳод эшикни синдириб, уйга кириб кўрдик, уйда бир ёқут қандил осилган, у хонани қуёшдек ёритиб турарди. Ўша қандилни тушириб, ичидан Сулаймон узугини топди. Қандилда шундай ёзув бор эди: «Кимки узукка эга бўлса, унда ёзилган исми ўқиб, Искандари Румий тилсимини очади».

Фарҳод қасрдан чиқиб, шоҳ билан қолган одамлари олдида борди. Хоқон билан Мулкорога Аҳраман қасридаги бойликларни топширди. Узук воқеасини айтиб берди.

Фарҳод ва у билан бирга келганлар яна йўлга равона бўлдилар. Олдиларидан бир ажойиб ўтлоқ чиқди. Ўртасида бир тиниқ чашма. Худди чашмаи ҳайвон, яъни ҳаёт чашмасидек. Қирғоғидаги кўкка бўй чўзган бир дарахт эса худди Хизр пайғамбардек эди. Фарҳод отини дарахтга боғлаб, ўша сувга тушиб, покланди, ғамларини ювгандек бўлди. Кейин мақсадига йўл тилаб, сажда учун ерга бош қўйди. Бошини кўтарса, олдида ям-яшил кийимдаги бир нуроний чол турибди (бу Хизр пайғамбар эди). Чол шундай деди:

Ки: — «Эй фарзанд, ғамдин баргарон бўл<sup>1</sup>  
Бу ишким коминг<sup>2</sup> ўлмиш, комрон бўл<sup>3</sup>».

Мени Хизр англаким, туттум йўлингни  
Ки, то бу йўлда тутқаймен кўлингни.

Сикандар бирла чун меҳнатга туштук,  
Тилаб ҳайвон суйин зулматга туштук.

Су(в) истаб ул кўп урди ҳар тараф гом<sup>4</sup>,  
Ва лекин етти ул су(в)дин манга ком.

<sup>1</sup>Баргарон бўлмоқ — қутулмоқ. <sup>2</sup>Ком — ният, мақсад, орзу. <sup>3</sup>Комрон бўлмоқ — мақсадга эришмоқ. <sup>4</sup>Гом — қадам.



Менинг жоним чу ул су(в) бирла қонди,  
Сикандар жон чекиб, лабташна ёнди<sup>1</sup>.

Ишин чун қилди чарх айлаб ҳасад банд,  
Чиқиб офоқ аро бўлди расадбанд<sup>2</sup>.

Анга иш боғламок, бўлди ҳамеша,  
Манга очмоқ анинг бандини пеша<sup>3</sup>.

Тилисме ҳамки боғлабдур замири<sup>4</sup>,  
Очарда мен мен элнинг дастгири<sup>5</sup>.

Тилисмединки банд ўлмиш бу води,  
Келибтурмен санга бўлмоққа ҳоди<sup>6</sup>.

Хизр пайғамбар сўзида давом этиб, айтадики, шу ердан санаб ўн икки минг қадам юрасан. Лекин ҳар бир қадамда юз пушаймонлик ҳам бор, чунки сўқмоқда ўткир-ўткир тошлар оёқни кесиб юборади. Чидам билан ўн бир минг қадам юргандан кейин катта тошдан бўлган бир тоғ туйнуги (дарбанд) чиқади. Олдида темир занжир билан боғланган бир шер бор. Киши ўшандан, бахти чопиб, ўтса, қўрғон эшигигача яна минг қадам қолади. Тўққиз юз қадам ташлагандан кейин бир тоштахтага дуч келинади. Одам ўшанинг устига чиқиб, бир қаттиқ тепса, қалъанинг дарвозаси очилади. Қалъада одамга ўхшаган бир темир жусса ҳайкалдек турибди. Кўлида темир камон. У камонига ҳар қандай тошни ҳам тешиб ўтадигандек кўринадиган ўқ қадаб олган. Лекин ўша жусса бошдан-оёқ темир совутга ўралиб турибди. Кўксиди бир ойна боғлиқ. Киши юз қадам жойдан туриб ўша ойнани ўқ билан нишонга олса, жусса йиқилади. Фақат унинг ўзи эмас, қалъа девори устидаги юз жусса ҳам йиқилади. Агар ойнани нишонга ололмаса, ўша жуссалар кўлидаги камонлардан унга қараб ўқлар ёғилади.

Шунинг учун, деб уқтирди Хизр пайғамбар, сен ўша исми аъзамни қанда қилмай такрорлаб боравер. Шер ҳамла қилгудек бўлса, Сулаймон узугини унинг оғзига от, шу

---

<sup>1</sup> *Ёнмоқ* — қайтмоқ, яъни ўтмоқ (бу дунёдан); бу ерда ҳам «ўтмоқ», ҳам «ёнмоқ» маъноси кўзда тутилган. <sup>2</sup> *Расадбанд* — мушоҳада қилувчи, кузатувчи (осмон jismlарини; «расадхона» сўзи ҳам шундан). <sup>3</sup> *Пеша* — касб, ҳунар. <sup>4</sup> *Замир*—қалб, юрак, дил. <sup>5</sup> *Дастгир* — мададкор, ёрдамчи. <sup>6</sup> *Ҳоди* — тўғри йўлни кўрсатувчи, пешво, раҳнамо, пир.

билан унинг иши тугайди. Кейин узукни олиб, ўша айтганим тош томон юр, ўк отаётганда исмни такрорлашни унутма.

Фарҳод бу топшириқларни худди устоз айтгандек амалга оширди. Искандар Фарбдан Шарққача бўлган етти кишварни олиб, улардан тўплаган бойлигини шу қалъага бекитган экан. Қалъа марказида ҳар тарафга нур сочиб, ял-ял ёниб турган бир иморат кўринди. Фарҳод бу иморат ичига кириб унинг тоқидаги жомни кўрди. Унинг ташқарисида ер юзи, ичида эса етти осмон кўриниб турар эди.

Фарҳод от суриб, ҳоқон олдига борди. Одамларни ўша унга Хизр насиҳат қилган булоқ олдида қолдириб, ҳоқон билан Мулқорони қалъага олиб келди, бойликларни уларга топширди.

Черик, яъни аскарларни ўша чашма олдида қолдириб, минг-икки мингча хос ходим билан ҳоқону Фарҳод Сукрот ғори жойлашган тоғ сари от сурдилар. Бу шундай бир буюк тоғ эканки, ер унинг олдида бир ҳовуч тупрокдек бўлиб қолди. Унда на ғорнинг боши бор, на охири. Ғорларнинг ичи шу қадар қоронғи эдики, ҳатто қуёш ҳам унинг олдида хира тортиб қолади. Водийларида юзлаб дарёлар оқади. Шунда Фарҳод жоми Жамни сўради. У орқали аввал осмонни тақсимлаб, етти иқлимни ажратиб олди. Кейин жом ичида Юнон мамлакатини топди. Сўнгра ундан ана шу ғор жойлашган ерни аниқлади. Тоғни кузатиб, жом орқали Сукрот яширинган ғорни топди. Жомни ёритқич қилиб, ғор сари йўл олди. Ҳоқону Фарҳоду мулозимлар бир ерга етганларида олдиларидан тошдан ясалган бир зинапоя чиқди. Шоҳ, вазир ва шаҳзода ўша зинага қадам қўйдилар. Тўрда бир эшик кўринди. Шоҳу Шаҳзода у ерда бир нафас дам олдилар. Шунда ичкаридан киришга чорловчи овоз келди. Кирсалар, ичкарида бир нур таратиб турган одам! У тоғдек бир ердан қимирламай, жаҳондан этак тортиб яшаяпти экан. Унинг кўнгли шу қадар кенг бир жаҳонга айланганки, унда аввалдан то охиргача бўлган давр жой бўлган. Юзи илоҳий нур таратади, илоҳ сирини англатади. Унинг таъби, яъни фикри фалакдек сайр айлайди, лекин жисми сокин, чунки у сайр қилмай туриб, фикран сафарга чиқади.

Сукрот секин сўз бошлаб, меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўради. Ҳоқонга қараб у: «Кўп ранж чекиб, бизнинг олдимизга келдинг. Йўлда икки катта бойлик — Сулаймон узугию Жамшид жомига, яна қанча дуру гавҳарга эга бўлдинг. Лекин биз яна иккита хушхабар айтамыз? Бири шундай хабарки, умринг жуда узок бўлади. Иккинчиси—мана бу

юмалоқ тошча. Агар уни оғзингга солсанг, ҳар қандай касал даф бўлади. Қариган чоғингда ҳам уни оғизга ташлаб, оғизда бир оз айлантириб, сувини ютсанг, қайта ёшарасан. Умринг узайиб, аждодларинг ичида сенчалик салтанат сурган одам бўлмайди», — деди. Кейин Мулкорога қараб ҳам башорат қилди. Шоҳ тирик экан, вазирлик Мулкорога насиб этаверишини айтди. Қариганда хоқон ўша юмалоқ тош билан сенинг ҳам умрингни узайтиради, деди. Лекин, деди Сукрот, олдиларингизда бир хатар бор. Бу тўрт унсурнинг иккитасидан келади. Хато қилмасам, ер билан сувдан бўлади бу хатар. Худо бу хавфдан ҳам, иншооллоҳ, сизларни омон сақлагай. Шундан ўтиб олсангизлар, худо хоҳласа, умрларингиз беш юз йилдан кам бўлмайди.

Ана шу яхши тилаклар билан хурсанд қилиб, хоқону Мулкорони чиқариб юборди. Шундан кейинги воқеани Навоий бундай тасвирлайди:

Деди шаҳзодани, келгил яқинроқ.  
Ўзига қилди ҳамрозу<sup>1</sup> қаринроқ.<sup>2</sup>

Кўзин очиб жамолин яхши кўрди.  
Басе дилжўйлуклар<sup>3</sup> бирла сўрди.

Кўпуб<sup>4</sup> оллинда чун ер ўпти Фарход,  
Ҳакими донишомуз<sup>5</sup> этти бунёд

Ки: — «Эй дарду алам бирла сириштинг<sup>6</sup>,  
Азалдин ишқ бўлган сарнавиштинг<sup>7</sup>

Сафо<sup>8</sup> келтурдунг-у, хуш келдинг, охир,  
Қаронғу уйни равшан қилдинг, охир.

Эрур минг йилки бўлуб кўҳсори<sup>9</sup>,  
Чекармен мақдамингнинг<sup>10</sup> интизори.

Юзунг кўрди кўзум, алҳамдулиллоҳ,  
Сени топти ўзум, алҳамдулиллоҳ.

---

<sup>1</sup>Ҳамроз — сирдош. <sup>2</sup>Қарин — яқин. <sup>3</sup>Дилжўйлук — кўнгиш овлан, кўнгиш сўраш. <sup>4</sup>Кўпуб — турмоқ. <sup>5</sup>Донишомуз — билим ургатувчи, устоз. <sup>6</sup>Сиришт — яратилиш, табиат, хулқ; тийнат. <sup>7</sup>Сарнавишт — пешонага ёзилган тақдир. <sup>8</sup>Сафо — ёруғлик, порлоқлик. <sup>9</sup>Кўҳсори — тоғлик. <sup>10</sup>Мақдам — кадам.

Эшит, бир неча сўзким вақт эрур танг  
Ки, айлармен бақо<sup>1</sup> кўйиға оҳанг.

Муни билким, жаҳон фонийдур<sup>2</sup> асру,  
Ҳақиқат аҳли<sup>3</sup> зиндонийдур асру.

Агар топса Сикандар мулки зотинг,  
Гар ўлса Нух<sup>4</sup> умрича ҳаётинг,

Чу кетмоқлик керактур бот<sup>5</sup>, агар кеч,  
Ҳамул давлат била бу умр эрур ҳеч.

Буким ҳақ айлади инсонни мавжуд,  
Анга мавжудлиқдин борча мақсуд.

Эрур ҳақ амриға маъмур бўлмоқ<sup>6</sup>.  
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.

Чу маҳбуби ҳақиқий<sup>7</sup> улдурур, ул,  
Анинг васли сори қатъ айламак<sup>8</sup> йўл.

Гар ул маҳбуб васли бўлди уммид,  
Будур иқболи сармад<sup>9</sup>, бахти жовид<sup>10</sup>.

Вале бу давлатедур асру олий,  
Эрур мушқил анга етмак ҳаёли.

Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,  
Узоқ тортар, вале икки қадамдур

Ким, ул икки қадамнинг қатъи минг йил,  
Киши урса қадам, мумкин эмас бил.

Бирини ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,  
Яна бир доғи топмоқ бўлди они<sup>11</sup>.

---

<sup>1</sup>Бақо — боқийлик, абадийлик. <sup>2</sup>Фоний — йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи, ўткинчи. <sup>3</sup>Ҳақиқат аҳли — тасаввуфда худога етишганлар. <sup>4</sup>Нух — Нух пайғамбар; у жуда узоқ умр кўрган, деган ривоятлар бор. <sup>5</sup>Бот — тез, дарров. <sup>6</sup>Маъмур бўлмоқ — бирор ишга амр этилган, буюрилган; байтда худонинг амридан бошқа нарсани йиғиштириб, худонинг айтганини қилиш ҳақида гап боради. <sup>7</sup>Маҳбуби ҳақиқий — ҳақиқий ёр, яъни худо. <sup>8</sup>Қатъ айламак — йўл босмоқ. <sup>9</sup>Сармад — абадий, давомли. <sup>10</sup>Жовид — абадий, мангу доимий. <sup>11</sup>Они деганда ҳақиқий ёр (худо) васли кўзда тутилган.

Киши ўзлукни қўймай, они топмас,  
Тенгиз кесмай<sup>1</sup> дури яқтони<sup>2</sup> топмас.

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий<sup>3</sup>.

Ангаким қолди ғам шомиға жовид,  
Бурун субҳ<sup>4</sup> ўлди толиъ<sup>5</sup>, сўнгра хуршид<sup>6</sup>.

Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар<sup>7</sup>,  
Ҳақиқий ишқ анга хуршиди Ховар<sup>8</sup>.

Қилиб ишқи мажозий зору ғамнок,  
Этар ошиқ танин андоққи хошок.

Ҳароратлар этиб ул хаска мойил,  
Қилур ўт етгач, ўртанмакка қобил.

Чоқилган барқи ишқи жовидоний<sup>9</sup>,  
Етишгач бир шарар<sup>10</sup> кул айлар они<sup>11</sup>.

Сенинг оллингдатур ишқи мажозий  
Ки, жисминг ўртабон сўзу гудози<sup>12</sup>.

Ҳам овозангни офоқ<sup>13</sup> ичра солғай,  
Ҳам овозинг куҳан тоқ<sup>14</sup> ичра солғай.

Қилиб ишқинг ўти оламини равшан,  
Не олам, нилгун торамни<sup>15</sup> равшан.

Тўла қилғай ғами ишқинг жаҳонни,  
Жаҳонни қўйки, тўққуз осмонни.

---

<sup>1</sup>Тенгиз кесмай деганда денгизга шўнғимай маъноси кўзда тутилган.  
<sup>2</sup>Якто — якка, тенгсиз, танҳо. <sup>3</sup>Ишқи мажозий — ҳақиқий бўлмаган муҳаббат; одамнинг одамга (худого эмас!) ишқи; қизнинг йигитга, йигитнинг қизга ишқи тасаввуфда мажозий ишқ деб аталган. <sup>4</sup>Субҳ — тонг пайти. <sup>5</sup>Толиъ ўлмоқ — кўринмоқ. <sup>6</sup>Хуршид — кўёш. <sup>7</sup>Субҳи анвар — ёруғ тонг. <sup>8</sup>Хуршиди Ховар — Шарқ кўёши. <sup>9</sup>Ишқи жовидоний — абадий ишқ. <sup>10</sup>Шарар — учқун, аланга, ёлқин. <sup>11</sup>Они деганда ошиқ кўзда тутилган. <sup>12</sup>Сўзу гудоз — ёниб эриш. <sup>13</sup>Офоқ — уфқлар, яъни дунё. <sup>14</sup>Куҳан тоқ — эски осмон, яъни кўҳна дунё. <sup>15</sup>Торам — кўк, осмон.

Қаёнким ишқ аро бир фард<sup>1</sup> бўлғай,  
Кўзи нури йўлунгдин гард бўлғай.

Етиб гўққуз фалак тоқиға хўюнг,  
Етиб кишварни тутқай гуфтугўюнг<sup>2</sup>.

Йиғилса ишқ эли хайлу сипоҳи,  
Сен ўлғайсен борининг подшоҳи.

Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,  
Бориб сайли фаноға<sup>3</sup> хонумонинг,

Ҳақиқий ишқдин эсгай насиме<sup>4</sup>,  
Етиб онинг насимидин шамиме<sup>5</sup>.

Бўлўб маъшуқи аслий<sup>6</sup> чорасозинг,  
Ҳақиқатқа бадал бўлғай мажозинг.

Етиб мазҳарға<sup>7</sup> беҳудлуқ қиёси,  
Келиб мазҳарға ишқинг интиҳоси.

Бақо мулжида топқунг қаҳрамонлиқ,  
Ҳақиқат тахтида соҳибқиронлиқ.

Атонгдек юз туман хоқону қайсар<sup>8</sup>,  
Унут бўлғай жаҳон аҳлиға яқсар<sup>9</sup>.

Сенинг қолғай жаҳон ичра сифотинг,  
Тариқи ишқ ичинда яхши отинг».

Буларни айтиб, ўргатти дуое  
Ки: «Келса олдинга банду балое,

Ўқурға бу дуо чун мойил ўлғунг,  
Бори банду балолардин қутулғунг.

Яна кўзгу ишиким — ҳодис ўлди,  
Санга буён келурға бойис ўлди.

---

<sup>1</sup>Фард — яқка, ёлғиз: бу ерда: ишқда яқкаю ёлғиз—зўр маъносида келган. <sup>2</sup>Гуфтугўй — сўзлашиш, суҳбатлашиш. <sup>3</sup>Сайли фано — йўқлик сели; бу ерда ўлим маъносида. <sup>4</sup>Насим — шабада. <sup>5</sup>Шамим — хуш ис, ёқимли хид. <sup>6</sup>Маъшуқи аслий — ҳақиқий ёр, яъни худо. <sup>7</sup>Мазҳар — зоҳир бўлиш (кўриниш) ўрни, яъни худо. <sup>8</sup>Қайсар — подшоҳ; Рум подшоҳи. <sup>9</sup>Яқсар — бир бошдан, бирварақай.

Сикандарнинг тилисминким — ушоттинг,  
Хадангеким<sup>1</sup> ул ўбчунлукка оттинг

Ким, ўқ тегди онинг ойинасиға,  
Ўтуб бўлди тарозу сийнасиға.

Бурунги кўзгуким, ашкингни сочти,  
Бу ўқ онинг тилисмин доғи очти.

Ёниб<sup>2</sup> мундинки, Чин шаҳриға еткунг,  
Ҳамул кўзгуни кўрмак майли эткунг.

Неким кейнида ёзмиш пайкароро,  
Санга юзинда бўлғай ошкоро.

Ани кўргач, етиб ишқ ибтилоси,  
Бўлуб ошиқлиғингнинг ибтидоси.

Яна ҳар неча боқсанг, кўрмагунг ҳеч,  
Ишинг сарриштасиға<sup>3</sup> тушқуси неч<sup>4</sup>.

Бўлуб ожиз ишингдин аҳли тadbир<sup>5</sup>,  
Бошингға келгусидур улки тақдир.

Нечаким бўлғуси ҳолинг табақи<sup>6</sup>,  
Фалакка етқуся кўнглунгнинг оҳи.

Вале тортиб сипаҳлар ишқи матлуб<sup>7</sup>,  
Анингдек қилғуси кўнглунгни мағлуб

Ки, ондин бир нафас гар бўлсанг огоҳ,  
Кўн ортуқроқки минг йил бўлғасен шоҳ.

Чу мен ҳам қилдим охир хайрбодинг<sup>8</sup>,  
Муродим буки, еткач ул муродинг,

Хужуми ишқ тугёнида гоҳи,  
Соғинғайсен<sup>9</sup> мени, ҳам тортиб оҳе».

<sup>1</sup>Ходанг — ўқ, камон ўқи. <sup>2</sup>Ёнимоқ — қайтмоқ. <sup>3</sup>Сарришта — ятнинг учи; мажбузан: яннинг боши. <sup>4</sup>Неч — ўралиш, бураланиш. <sup>5</sup>Аҳли тadbир — тadbирли кишилар; олимлар. <sup>6</sup>Табоқ — хароб, бузук, вайрон. <sup>7</sup>Ишқи мағлуб — талаб этилган ишқ, орзу қилинган ишқ. <sup>8</sup>Хайрбод — хайрлашиш, видолашиш. <sup>9</sup>Соғинмоқ — эсга олмақ, хотирламақ.

Чу доно чекти бу ғоятга<sup>1</sup> сўзни,  
Бас этти сўзни доғи юмди кўзни.

Сукрот ҳаким ҳам, Суҳайло ҳаким каби, Фарҳодни жуда-жуда узоқ йиллар кутган эди. Уни кўриб, жонини эгамга топширгач, Фарҳод йиғлаб, отаси билан Мул-корони чақирди. Улар ҳам эшикда Сукротнинг сўзларини тинглаб, ғамга ботиб ўтирган эдилар. Бир неча доно ки-шини чақириб, Сукротни кўмиш маросимини яхшилаб ўтказдилар. Кейин қабр учун қўлга кирган бойликлардан шунчалар вақф ажратдиларки, бу бойликка Сукрот яшаган тоғ ва ўша атрофларни шаҳарга айлантириш имкони бўлади. Шундан сўнг хитойликлар чашма ёнида қолган одамлари олдига йўл олдилар.

Шу билан Юнон сафари тугади. Тезда юртга қайтилди. Бора солиб, Фарҳод хазина сари югурди. Хазиначидан ка-литни олиб, сандиқни очди. Кўзгуни олиб, унга боққанида, унда кўм-кўк майсалару кип-қизил гулларга бурканган бир даштни кўрди. Бу водийнинг четида бир баланд тоғ. Тоғ ўртасида ғуж-ғуж одам. Ўртада худди ўзига ўхшаган бир йигит ариқ қазиш билан машғул. Шу пайт бир гуруҳ отлик қизлар—паричехралар пайдо бўлди. Ўша қизлар ичида гўё бир ойдек, йўқ-йўқ, дунёни ёритиб турган куёшдек моҳпай-кар бор эди. Шу пайт ўша ариқ қазиб турган йигит ана шу гўзал томон боқди. Боқди-ю, худди ўқ еган ов каби нола чекиб, беҳол бўлди-да, хушдан кетиб йиқилди. Фарҳод бу ҳолатни кўриб, ўша гўзал қизнинг жамолига яхшироқ ти-килмоқчи бўлди. Ойинани яқинроқ келтириб қараган эди, бу ҳам ўша ойинада кўринган тоғ қазаётган йигит каби хушдан кетиб, йиқилди. Ота-онаси, Мулқоро, сут эмишган дўсти Баҳром ва аъёнлар югуриб келдилар. Аҳволни кўриб, зор-зор йиғладилар. Шу аҳволда Фарҳод бир кеча-кундуз ўзига кел-май ётди. Хуши ўзига келганида, уялганидан яна қайтадан хушдан кетгудек бўлди. Ер ўпиб, узрлар сўради. Ота-онасию атрофдагилар бундан хурсанд бўлиб, тарқадилар. Фар-ҳоднинг эса фикри-ёди ойинада. Кўзгуни қўлга олиб, унга яна боқди. Аммо, афсус, энди унда ҳеч нарса намоён бўл-мади. Чунки бу ойинани ясаган ҳаким унинг тилсимини бир мартагина кўринадиган қилган эди.

Фарҳод тамоман ўша ойинада кўринган қиз хаёли билан банд бўлди-қолди. Бу дардига даво излаб, чора тополмади. Ўзимни ўлдирсам, бу билан муродим ҳосил

---

<sup>1</sup>Ғоят — чек, чегара, ниҳоя, сўнг; охир, ҳад.



бўлмаса, деб ўйларди у. Қочиб кетсам, отам бутун мамлакатга чопарлар юбориб, икки-уч кунда топадилар. Мени излаб борган аскарлар билан урушсам, бегуноҳ қанча одам ўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун дарров мени қўлга оладилар, топиб келадилар. Чунки менга Чин аҳли нима ёмонлик қилибдики, уларга қарши ҳужум қиламан?! Ёки тутиб келганларидан кейин отамнинг юзига қандай қарайман?! Барибир, мени девона бўлибди ҳисоблаб, оёқларимга кишан соладилар.

Фарҳод дардини ҳар қанча яширмоқчи бўлгани билан, ҳолатидан унинг аҳволи ёмонлашиб бораётганини сездилар. Фарҳод гўё оловни хашак билан ёпиб, беркитмоқчи бўлдида. Вазият шунгача бордики, Фарҳод савдойиёна гаплар айта бошлади. Хоқон табибларни йиғиб, ўғлини даволашларини сўради. Табиблар маслаҳатлашиб, Фарҳоднинг миждозига иссиқ таъсир қилган, деган қарорга келдилар. Чунки бу пайт жавзо ойининг охирилари эди, ҳаво куруқ ва ниҳоятда иссиқ эди. Табиблар Фарҳоднинг тузалиши учун ҳаво алмаштириш, денгиз бўйлаб бундан беш кунчалик йўл юриб, салқин ва совуқроқ иқлимдаги жойга бориб бир неча кун туриш керак, деган хулосага келдилар. Чунки ўша ердаги оролда бир баланд тоғ бор, тоғнинг ҳар ер-ҳар еридан эса муздек булоқлар оқади.

Хоқонга табибларнинг гапи маъқул тушди. Вазир сафар тарадудини кўрди. Ота ҳам сафарда ўғлига шериклик қиладиган бўлди.

Уч юз эллик кемаю яна минггача қайиқ билан йўлга тушилди. Икки кеча-кундуз юрилганидан кейин денгиз узра шундай қаттиқ шамол турдики, кексалар бундай балойи худо ҳар юз йилдагина бир содир бўлиши мумкинлигини айтдилар. Шамол бундан ҳам бадтар кучаймасдан бурун шоҳ билан шаҳзодани ташиш мақсадида уларни кемадан қайиққа ўтказиш маслаҳат кўрилди. Шаҳзода энди қайиққа ўтган ҳам эдики, шамол уни суриб кетди. Хоқон кемада дод солганча қолди.

Денгизда тўлқин шу қадар кучли мавжландики, кемаларнинг қўпи парча-парчага ажралди, одамларнинг ҳам талай қисми нобуд бўлди. Лекин хоқон билан Мулкоро бир катта кемада эдилар. Гарчи кема ичидаги одамлар ҳушдан кетиб қолган бўлсалар ҳам, қазо ҳукми билан улар Чин қирғоғига келиб қолган эдилар. Шоҳ ҳушига келиб, билдики, ўғли ёнида йўқ. Умид қилдики, уни ҳам қайиқ бирор қирғоққа олиб бориб ташлаган. Чунки, ахир, Сукрот дуоси бор-ку. Энди ҳар қанча йиғлаб-сиқтаган билан фойда йўқ.

**Шоҳ яна мамлакатни бошқариш ишлари билан банд бўлиб кетди...**

Денгиз чайқалганда кемадан ажралган Фарҳод қайиғи ҳам бўлак-бўлак бўлиб кетди. Фарҳод унинг бир тахтаси устига ёпишганча жон сақлади. Тўлқин тинчиганда у ўша тахта узра қушдан кетиб ётарди. Уни Яман мамлакатига бораётган савдогарлар кемасидагилар топиб олдилар. Кўрсалар — тирик. Оғзига шарбат томиздилар, ул-бул нарса едирдилар. Ҳушига келиб, аҳволни билди. Узини ҳам Ҳўтандан Яманга кетаётган савдогарлар гуруҳидан деб таништирди, юз берган фалокатни айтди. «Мени ўлимдан олиб қолдингизлар, энди минг йил яшасам ҳам, бу яхшиликларингизни қандай қайтараман!» — деди. Улар бундай хушмуомаласидан унга мафтун бўлдилар. Унга кўп мурувватлар қилиб, боқиб, тарбияладилар, Фарҳод кучга кириб кетди. Бир пайт денгиз узра қайиқлар пайдо бўлди. Кемадагилар тамом саросимага тушиб қолдилар. Улар бу қайиқлар қароқчиларники эканлигини, энди омон қолмасликлари аниқлигини билар эдилар. Аммо улар ўзларини эмас, Фарҳодни — фариштадек ана шу йигитни ўйлаб ғамга ботдилар. Фарҳод бу ғамгинлик сабабини сўради. Тушунтирдиларки, булар ичига нефть солинган шиша идишлар отиб, савдогарлар кемасини ёндириб, одамларини ўлдириб, мол-мулкни талаш билан кун кўрадиган қароқчилар. «Қайғу қилманглар, — деди Фарҳод, — менга ўқ ва ёйларингизни йиғиб келтиринглар». Қайиқлар яқинлашгач, улар ўша нефть солинган шишаларни отмоқчи бўлдилар. Фарҳод камон билан нишонга олиб, ўша шишани қайиқнинг устидаёқ ёндириб юборди. Иккинчи қайиқнинг аҳволи ҳам шундай бўлди. Қароқчилар қоча бошладилар. Улар то қочгунча, Фарҳод ўн-ўн беш кеманинг ишини тугатди. Кемадагиларнинг бари Фарҳоднинг қошига бош қўйиб, унга жону жаҳонларю молу жонларини нисор этдилар. Қирғоққа етилгач, катта базм қурилди. Фарҳоднинг ҳам боши майдан қизиди. Бекаслиги, ота-онадан узоқлашиб кетгани, ёрининг васлига етолмаётгани ёдига тушиб, бадтар ғамгин бўлиб қолди. Кемадагилар бу мотамсароликнинг сабабини билолмай, хуноб эдилар. Улар ичида бир саёқатчи бор эди. Дунё кезган бу одам уста рассом Шопур эди. У аввалига Фарҳоддаги ғамгинлик сабабини билолмади. Сўнг англадики, унинг кўнглини ишқ банд этган. Аввалига Фарҳод Шопур у билан сўзлашмоқчи бўлганда, унчалик рўйхуш бермади. Шопур секин-секин унга ишқдан гап бошлади. Шу тариха Фарҳод Шопурнинг суҳбатларисиз, муҳаббатдан

сўзлаган ҳикоятларисиз туролмайдиган бўлиб қолди. Дўстлик қалинлаша борган сари Шопур Фарҳоднинг кимлигини суриштира бошлади. Фарҳод ойнада кўргани мамлакату уни хушдан кеткизган моҳилиқони сўзлаб берди. Навбат ўша моҳилиқо ҳақида гапиришга келганида эса яна хушидан кетди. Шопур бу бечоранинг бошини кўксига олиб, саъй-ҳаракат билан хушига келтирди. «Сен умид қилган ганжнинг қулфига мендан калит етади. Сен тушингда кўрган жой — Арман диёри», — деди. Кўрдики, бу гапларига Фарҳод ишонмаяпти, қоғозу қаламини чиқариб, ўша ойнада кўринган ва Фарҳод Шопурга сўзлаган манзарани чизиб кўрсатди. Шундан кейин Фарҳод ишонди.

Шопур билан Фарҳод Арман диёри сари йўлга тушдилар. Бир куни тонгда Фарҳод уйқудан кўз очса, ўша Шопур чизган ўлкага келиб қолибдилар. Бундай қарасалар, тоғда ғуж-ғуж одам тош йўниш билан овора. Икки юзча устанинг қўлида теша, лекин улар қаттиқ тошларни бу тешалари билан ушатолмай азобда. Бу икки юз уста уч йил меҳнат-машаққат чекиб ҳам, бор-йўғи икки-уч юз қадам ҳам қаза олмабди. Ишбошилар эса уларга зулм қилиб, дағдағасини кўймайди. Фарҳод бу ғамгин кишилар олдига бориб, улардан ҳол-аҳвол сўради. Воқеанинг баёнини Навоий шундай битади:

Деди: «К-эй мен киби хайли балоқаш,  
Фалакдин кўнглунгиз мендек мушавваш<sup>1</sup>.

Бу меҳнатким<sup>2</sup> чекарсиз, розин<sup>3</sup> айтинг,  
Ҳамул анжом<sup>4</sup> ила оғозин<sup>5</sup> айтинг

Ки, невчундур бу ранжу ибтилонгиз<sup>6</sup>,  
Қачондиндур фалакдин бу балонгиз?

Кўруб сизни тутун бошимға ошти,  
Тутун неким, ичимга ўт тутошти».

Кўруб ул хайл анинг фаррух<sup>7</sup> жамолин,  
Эшитиб бўйла руҳафзо<sup>8</sup> мақолин.

---

<sup>1</sup>Мушавваш — бесаранжом, ташвишли. <sup>2</sup>Меҳнат — машаққат, азоб-укубат. <sup>3</sup>Роз — сир. <sup>4</sup>Анжом — тугаш, охир, тугалиш, натижа. <sup>5</sup>Оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо. <sup>6</sup>Ибтило — мубталолик, балога қолиш, гирифтор бўлиш. <sup>7</sup>Фаррух — нур юзли, юзидан нур таралиб турган. <sup>8</sup>Руҳафзо — руҳлантирувчи, жонлантирувчи.

Шукуҳидин бўлуб хайронлиқ элга,  
Мақолотида саргардонлиқ элга.

Ўпуб ер, дедилар ул хайли ғамнок  
Ки: «Эй руҳ ул-аминдек<sup>1</sup> гавҳаринг пок,

Яқин эрмас малаксен ё башарсен,  
Худо ёринги, бас, олий гуҳарсен,

Малак хорижда<sup>2</sup> гар кўрмайдуруп биз,  
Сенингдек худ башар кўрмайдуруп биз,

Вужудинг кўрмасун ғам ранжу тобе,  
Неким сўрдунг будур онинг жавоби

Ки, бу кишвардаким, рашки жинондур<sup>3</sup>,  
Бу кун исматпаноҳе<sup>4</sup> ҳукмрондур

Ки, Афридун<sup>5</sup> сори борур насабда,  
Эрур Жамшиддин<sup>6</sup> ортуқ ҳасабда<sup>7</sup>.

Агарчи соя солмас бошига тож,  
Ва лекин тожварлардин олур бож.

Белин гарчи камар топмай камоҳи<sup>8</sup>,  
Вале заррин камарлардур сипоҳи.

Бу янглиғдурки фаҳм эттинг сифотин,  
Меҳинбону дебон давр аҳли отин.

Бу кишвар ичра ўттуз-қирқ кўрғон,  
Бори кўк ҳиснидин<sup>9</sup> буржин<sup>10</sup> оширғон.

Анинг ҳукмидадур бемехнату ранж,  
Тўла ҳар ерда Қорун ганжидек ганж.

---

<sup>1</sup>Руҳ ул-амин — фаришта Жаброилнинг лақаби. <sup>2</sup>Хориж — ташқари; бу ерда жаннатдан ташқари, яъни ерда дейилмоқчи. <sup>3</sup>Жинон — жаннат. <sup>4</sup>Исматпаноҳе — бир ифбатли, номусли (аёл). <sup>5</sup>Афридун — қадимий Эрон шоҳларидан. <sup>6</sup>Жамшид — Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб шоҳларидан. <sup>7</sup>Ҳасаб — донг, шухрат, обрўй. <sup>8</sup>Камоҳи — аниқ, тўлиқ, айна; бу ерда камар белини тополмайди, бел шу қадар ингичка, деган маъно ифодаланган, аслан: «Меҳинбону аёл бўлса ҳам...» дейилмоқчи. <sup>9</sup>Ҳисн — кўрғон, қалъа. <sup>10</sup>Бурж — кўрғондаги деворларнинг чўққилари.

Тажаммул<sup>1</sup> хайлида имкондин ортук,  
Неча йил фикрат этса, ондин ортук.

Жаҳондин хотири озодаси бор  
Ки, бир гулчехра хоҳарзодаси бор.

Ҳарими иффат ичра шоҳ ул эрмиш,  
Сипехри исмат<sup>2</sup> узра моҳ ул эрмиш.

Ани ҳам васф этардин баҳрамиз йўк,  
Отин доғи тутарға захрамиз<sup>3</sup> йўк.

Юзин кўрмайдур онинг одамизод,  
Магар бир неча гулрух сарви озода<sup>4</sup>

Ким, они кўрса гашту сайр кўрмас,  
Ани кўрган кишини ғайр кўрмас.

Юзи гул киприги дерлар тикандур,  
Не бор андоқки ҳаргиз бор экандур.

Меҳинбону кўп айлаб эҳтиромин,  
Ясабтур жон уйи ичра мақомин.

Юзи бирла қилур базмини гулшан,  
Анинг бирла кўрар оламини равшан.

Бу тоғекимин анинг васфидадур тул<sup>5</sup>  
Ки, бордурбиз ани қозмоққа машғул.

Келибдур бир боши шарқи шамойил<sup>6</sup>,  
Яна бир боши ғарби сори мойил.

Оқар шарқисида бир чашма ҳоли<sup>7</sup>,  
Суйи ул навъким ҳайвон<sup>8</sup> зилоли.

Дибон «Айн ул-ҳаёт<sup>9</sup>» ул чашмани хайл  
Ки, ўлган ичса айлар жон сари майл.

---

<sup>1</sup>Тажаммул — безак, зийнат, пардоз. <sup>2</sup>Сипехри исмат — тиник осмон. <sup>3</sup>Заҳра — майл, ҳавас. <sup>4</sup>Мисраънинг маъноси: Бир неча сародек тик қоматли, гул юзли қизлардан бошқа. <sup>5</sup>Тул — узун, чўзилган. <sup>6</sup>Шамойил — кўриниш, тузилиш. <sup>7</sup>Ҳоли — тез. <sup>8</sup>Ҳайвон — тириклик, ҳаёт. <sup>9</sup>«Айн ул-ҳаёт» — ҳаёт булоғи; ҳаёт суви.

Гахи ул хур бу сори қўяр гом,  
Пари сарчашмада тутқондек ором.

Парилар бирла айлаб азми ишрат,  
Тузарлар анда гоҳи базми ишрат.

Эрур ғарбида ул маҳваш макони  
Ки, ҳоло Армания дерлар они.

Еридур назҳат ичра жаннатосо,  
Анинг ёнида тоғи чархфарсо<sup>1</sup>.

Эрур бу навъ ул маҳваш хаёли  
Ки, ул манзилда солғай қасри олий.

Муҳайё борча рангу бўйи онинг,  
Вале устида йўқтур суйи онинг.

Муҳандислар нечукким чархи сайёр,  
Югуртуб чашма суйи сори тайёр.

Топибким бир ариғ қозилса дилжў,  
Етар ул хур қасри олиға су(в).

Вале ул чашма то бу қасри офат,  
Топибдур ўн йиғоч<sup>2</sup> чоғлиқ масофат.

Бу жадвалким, чекибдурлар арода,  
Ариқ қозмоқ қилибдурлар ирода.

Буюрмишлар бу хайли нотавонға,  
Бало тоғида жамъи хаста жонға

Ки, айлаб чок метин бирла хоро<sup>3</sup>  
Ариқ қилғайлар андоқ ошкоро

Ким, ул ориққа ҳар ким су(в) кетургай,  
Су(в) ул айвонгача турмай югургай,

Бу хоро теша бирла бўлмас афғор,  
Нечукким теша, метин айламас кор.

---

<sup>1</sup>Чархфарсо — кўкка уланган, жуда юксак. <sup>2</sup>Йиғоч — тахминан 1200 метрга яқин масофа. <sup>3</sup>Хоро — қаттиқ тош.

Эрур уч йилки жон тортиб ҳамеша,  
Ушолмай қолмади метину теша.

Машаққатдин йигитни эл қари дер  
Ки, қозиямиш ики-уч юз қари ер.

Бу янглиғ бирла умри Нух топсақ,  
Баданда кўпрак ондин рух топсақ,

Чу меҳнатнинг ҳаду поёни йўқтур,  
Туганмаклик бу иш имкони йўқтур.

Гаҳи фарёду афғоне чекарбиз,  
Гаҳ иш қилмоқ учун жоне чекарбиз.

Эмас бу теша урмоқ ишга дарх(в)ард<sup>1</sup>,  
Кеча-кундуз қоқарбиз оҳани сард<sup>2</sup>.

Нечаким зоҳир этсак узр маъкул,  
Алар олинда эрмас узр мақбул.

Бу эрди ҳолимизким топти таъвил<sup>3</sup>,  
Бу ҳам ижмол<sup>4</sup> бирла йўқки тафсил<sup>5</sup>.

Чу кайфиятни маълум этти Фарҳод,  
Алар ҳолиға кўнгли бўлди ношод.

Деди: «Бу неча мазлуми ситамкаш,  
Фалак бедодидин бўлган аламкаш

Ки, вайронлиғ қарида юз халалдур,  
Агар қилсам мадад воқеъ маҳалдур.

Хунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб, туфроқкаму кеткумдур охир?!»

Фарҳод тамоман ўз мақсади учун бу мамлакатга келган эди. Лекин халқнинг чекаётган азобини кўриб, уларга ёрдам беришга киришиб кетди. Усталардан ўрганган хунаrlари шу ерда асқотди. Темирчидан дам билан кўра сўраб, одам-

---

<sup>1</sup> Дархурд (дархур, дарх(в) ард) — лойик, муносиб, яраша. <sup>2</sup> Оҳани сард — совуқ темир. <sup>3</sup> Таъвил — баён қилиш. <sup>4</sup> Ижмол — қисқалик, мухта-сар; нотўлиқ ифода.

ларнинг қўлидаги жамики тешаю метинларни оловга солди. Афзорлар, яъни иш курулларининг бир нечасини эритиб, бир улкан метин, яна қанчасини бирлаштириб эса бир каттакон теша ясади. Ҳузига гурзи билан асбобларни чархлайдиган тош — эгов ҳам ясаб олди. Бу афзорларини ясаётганда одамлардан яширинча Қорандан ўрганган хунарини ишга солиб, уларга сув берди. Кейин шундай бир куч билан ишга киришиб кетдики, ўша куннинг ўзида икки юз тошйўнар уч йилда ҳам амалга оширолмаган ишни бажарди. Фарход қаттиқ тошларни худди қумни қазигандек олиб ота бошлади. Одамлар тамом ҳайратга тушдилар. Ишбошилар Меҳинбону олдига югурдилар. Унга кўрганларини ҳайрат билан сўзладилар.

Меҳинбону Шириннинг хонасига кириб, бу хушxabарни унга еткарди. «Сен одамларга ариқ қазишни буюрган эдинг, лекин, аслида, бу қаттиқ тоғдан ариқ қазиш амалга ошмайдиган бир оғир иш эди,— деди у.— Аммо худо бу оғир ишингни енгиллатибди. Бир фаройиб йигит пайдо бўлиб, одамларнинг уч йиллик ишини бир кунда бажарибди». Буни эшитиб, Ширин томошага бориш ниятига тушди:

Деди: «Ул ён жанибат<sup>1</sup> сургулукдур,  
Бу иш гар воқеъ ўлса, кўргулукдур.

Фаниматдур ани кўрмак кишига,  
Тамошо айламак қилган ишига.

Эрур алҳақ<sup>2</sup> ажойиб меҳмоне  
Ки, тенгри бизга еткурмишдур они.

Бу қушким мубталойи дом ўлубтур,  
Бу гулшанда анга ором ўлубтур.

Бало ичра фароғи бирла келмиш,  
Тузоққа ўз аёғи бирла келмиш.

Заруратдур анга қилмоқ риоят  
Ким, ул бизга керакликдур бағоят.

Ариғким муздиға<sup>3</sup> юз ганж бердим,  
Суйи келмай илик ондин юб эрдим.

---

<sup>1</sup>Жанибат — биргалашиб отланиб бориш. <sup>2</sup>Алҳақ — ҳақиқатан, тўри-риси, чин. <sup>3</sup>Музд — иш ҳақи, хизмат ҳақи: тўлов.



Биҳамдиллаҳки, ҳақ еткурди комим  
Ки, мундоқ кимса бўлди сайди домим»<sup>1</sup>.

Ширин ҳамиша атрофидаги тўрт юз қиз билан бирга сафарга чиқар эди. Бу гал Фарҳод томошасига Меҳинбону ҳам бирга чикди. Ширин халқда Гулгун лақаби билан машхур бўлган отига миниб олди. Гулгунини шитоб билан ҳайдаб, Фарҳод ариқ қазиётган тоққа етиб борди. Ширин билан Фарҳоднинг учрашуви асарда мана бундай тасвирланади (Ширин сўз бошлайди):

Ки: «Эй нодир йигит офоқ ичинда,  
Ягона чархи нили тоқ ичинда!

Аён ҳолингда кўп, кўп булғажаблиқ,  
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ<sup>2</sup>.

Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,  
Не қилган ишинг ўхшар эл ишига.

Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,  
Бағоят кўнглумизни шод этибсен.

Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,  
Ҳунар эрмас, кўлунг кўргузди мўъжиз.

Агар юз қарн<sup>3</sup> узройин бўлоли,  
Негиб бир кунчилик узринг қўлоли.

Ишинг узрида юз биздек ўтангай,  
Не биздин, тенгридин олингга ёнғай».

Шундан кейин Ширин бир товоқ жавоҳир сўради, уни Фарҳоднинг бошига сочқи қилиб сочди. Фарҳод ҳам Ширинни кўриб, айниқса, унинг бу ширин сўзларини эшитиб, тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро деди:

Деди: «Жонпарвар анфосингдин<sup>4</sup> ўлдум,  
Унингдин, умр ранжидин қутулдум.

Не англайким, қаю маҳрў<sup>5</sup> экансен,  
Ичим қон айлаган сенму экансен?!

<sup>1</sup> Сайди дом — тузоққа тушган ов. <sup>2</sup> Тааблиқ — қийинчилик, машаққат. <sup>3</sup> Қарн — 30 йилни билдирадиган вақт ҳисоби; баъзан кенг маънода «аср» маъносини ҳам билдиради. <sup>4</sup> Анфос — нафаслар. <sup>5</sup> Маҳрў — ой юзли.

Мени гурбат аро бечора эткан,  
Диёру мулкдин овора эткан,

Чиқиб жоним унунгдин бўлгач огоҳ,  
Юзунгни кўрмай ўлдум оҳ, юз оҳ!»

Анингдек оҳ тўфонин чиқорди  
Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.

Кўрунганч ул жамоли оламооро,  
Анинг матлуби бўлди ошкоро.

Ҳамул эрдик, мафтун бўлмиш эрди,  
Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.

Бировким акс кўргач хуши кетса,  
Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.

Бировким бўлса майнинг зикридин маст,  
Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст.

Чу Фарход ул пари эрканни билди,  
Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди.

Ширин бу ҳолни кўриб, жони чиқди, деб ҳам ўйлади. Шопур йиғлаб, бошига келди, бошини қўйнига олди. Меҳинбону билан Ширин бу беҳушликнинг сирини сўрадилар. Шопур билганича айтиб берди. Фарходни бир шоҳона кажавага солиб, саройга олиб бордилар. Қасрдаги хоналардан бирида жой тўшаб, уни тахт узра ётқиздилар.

Фарход шу ҳолатда икки кеча-кундуз ётди. Учинчи кеча халқ уйқуда маҳал Фарход хушига келиб, қараса, тахт узра ётибди. Билдики, ўша моҳилиқо кизни кўриб, хушдан кетган, кейин киз уни, меҳрибонлик кўрсатиб, саройга олиб келган. Бундан ҳам севинди, ҳам уялди. Секин туриб, тоғ сари йўл олди. Завқ-шавқ билан ишга киришиб кетди.

Эрталаб қарасалар, Фарход жойида йўқ. Ширин ҳажр ўтида куйди. Меҳинбонуга ариқ қазиш иши битмай қолишини баҳона қилиб: «Бу ниятимга ўша йигитдан бошқа киши еткаролмайди, қандай бўлмасин, уни излатайлик, топайлик», — деди. Меҳинбону билдики, йигит Шириннинг кўнглини ром этибди. Излаб, Фарходни тоғдан топдилар.

Ширин пана-пана жойлардан туриб, Фарходни томоша қилар эди. Лекин Фарход буни кўрмасди. Кўргудек бўлса,

яна хушдан кетиши тайин. Меҳинбону тез-тез Фарҳод ҳолидан хабар олиб турар: «Қани энди, шундай пок йигит менга фарзанд бўлса эди!» — деб ўйлар эди ичида.

Тез фурсатда ариқнинг боши Ширин қаср қурдирмоқчи бўлган ерга етди. Фарҳод улкан бир қоятошни йўниб, унга ишлов бериб, бир ажойиб қаср бунёд этди. Қаср деворларига Шириннинг, атрофида турли қизларнинг расмини солди. Бир четда ўзининг ҳам беҳуш ҳолатини акс эттирди. Қаср олдида бир ҳовуз барпо этди. Сувни ана шу қаср атрофидан айланадиган қилиб ариқ қазди. Қасрни айланиб бўлган сув эса пастга — шаҳарга томон оқади. Шаҳарга борганча бу оби ҳаёт не-не боғу бўстонни обод қилади.

Иш битиб, Фарҳод ариққа сув очиш учун кетяпти, кетидан томошага чиққан халқ, ёнида Шопур. Фарҳоднинг хаёли эса Ширинда: у ҳам келармикин?!

Сув очилиши хабарини эшитган Ширин Бонуга киши юбориб, таъйинладик: «Мен етиб бормагунча ариққа сув очилмасин!»

Бону Фарҳодга меҳрибонликлар кўрсатди, шу тариқа Шириннинг келишини кутдилар. Ширин яқинлашганда Бону билдик, агар Фарҳод уни кўрса, яна хушини йўқотади. Шунинг учун Фарҳодга Ширинга қарамасдан, ариқни очишни таъйинлади. Сув ариққа шариллаб оқа бошлагач, халқ байрамни бошлаб юборди. Ариқнинг икки қирғоғида муғаннийлар куйлар чалдилар.

Сув бўйлаб қаср сари кетаётганларида бир жойга бориб, Ширин минган от тўхтаб қолди. Юришга қистаса, ўзи йиқилгудек. Югуриб бориб, Фарҳод Шириннинг отини елкасига кўтариб олди. Шу тариқа Ширинни оти билан то қаср олдигача кўтариб борди. Сув келиб қасрни айланди, ҳовузни тўлдирди. Халқ ариққа «Наҳр ул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга эса «Баҳр ун-нажот» («Нажот денгизи») деб от қўйди.

Фарҳод — у ёқда, Ширин — бу ёқда ишқ ўтида куйиб-ёнаётганини сезган Меҳинбону Фарҳод учун бир базм ташкил этди. Саройнинг Ширин атрофидаги қизларидан ўн нафари ўн фан соҳасида машҳур эдилар. Фарҳод майдан симириб, дадил бўлгач, уларни бир-бир саволга тутди. Унинг саволларидан қизлар лол қолдилар. Меҳинбону бу йигитнинг сўзларидан илоҳий сирлардан воқифлиги, жамелидан эса шоҳлик нури ёғилиб турганини пайқади. Билдик, бу — тождан бош тортган бир паҳзода бўлиши керак. Тахтдан тушиб, уни тахтга ўткиришга уқдади. Фарҳод кўнмагач, тахтни олдириб, ерга жой солдирди, аввал Фар-

ходни ўтиргизиб, кейин ўзи ўтирди. Бону парда ортида бу ҳолатларни томоша қилиб, яшириниб ўтирган Ширинни ҳам чақирди. У ҳам, Бонунинг кўрсатмаси билан, Фарҳодга яқин ерга келиб ўтирди. Майхўрлик қилдилар. Май кучи билан Шириннинг ҳаё пардалари бир оз кўтарилиб, Фарҳодга мана бу сўзларни айтди:

Ки: «Эй олам элидин фарду<sup>1</sup> нодир,  
Келиб зотинг бори қудратда қодир.

Хунарда зери дастинг борча олам,  
Хунар йўқким, камолу фазл аро ҳам.

Кишиким қилса таърифинг хаёли,  
Куюш равшан демактур, чарх олий.

Балодин асрасун даврон танингни,  
Не ёлгуз танки, жони пурфанингни.

Йўлунгда ганч агар солғайбиз охир,  
Қаю узринг қўла олғайбиз охир».

Ширин Фарҳодга: «Бу қадаҳни сенинг ишқинг учун ичамиз!» — деди. Кейин: «Энди менинг ишқим учун ҳам ич!» — деб айтди. Бу қадаҳларни ичиб, Фарҳод яна ҳушдан кетди. Боши Ширин кўлида қолди, буни кўриб Ширин ҳам беҳуш бўлди. Улар оғзига кўзгу тутдилар, нафас чикмаётгандек эди...

Фарҳод ҳушига келиб, яна тоғ сари йўл олди.

Шу пайтларда Ажам билан Арабда ҳукм сураётган Хусрав Парвиз деган шоҳ бор эди. Унинг бир ўғли бўлса-да, шоҳликка ярайдиган эмас эди. Шоҳ шунинг учун ҳам яна бир таг-туғли қизга уйланиб, ўғил кўриш орзусида эди. Шириннинг гўзаллигию Фарҳоднинг унга ошиқи беқарор бўлгани овозаси Хусравгача етиб борди. Хусравнинг Бузург Умид деган вазири маслаҳати билан Меҳинбонуға Ширинни сўратиб совчи юборилди. Меҳинбону давлатни ўйласа-ю, рози бўлса ҳам, Ширин кўнармикан? Фарҳоднинг ҳоли не кечади унда? Меҳинбону совчиларнинг фикрини Ширинга айтганда, у шундай деди:

Ки: «Эй наълайнинг<sup>2</sup> ўрни қиблагоҳим!  
Ҳарими назҳатинг<sup>3</sup> ғамдин паноҳим!

<sup>1</sup>Фард — якка, яккаю ёлғиз, ягона. <sup>2</sup>Наълайн — бир жуфт ковуш.  
<sup>3</sup>Назҳат — кўнгил очиш, ҳузур қилиш.

Неча етқай санга мендин малолат,  
Неча келгай манга ондин хижолат.

Бошимға тиғи ғам сурсанг не бўлғай,  
Бу сўз дегунча ўлтурсанг не бўлғай?!

Мени ҳиндудек оташғағга бошла,  
Узорим холидек ўт ичра ташла

Ки, жисмим бўлса ул ўт ичра нобуд,  
Сочимдек чиққай ондин чирманиб дуд.

Малолимдин бари олам қутулсин,  
Таним юз минг балодин ҳам қутулсин.

Манга Фарҳод ишқи тухмати бас  
Ки, чехра кўрмайин ул зору бекас

Йиқилмоқдур шиори оҳ тортиб,  
Кўнгулдин нолайи жонкоҳ тортиб,

Қулоғи мустамиъ бўлмай<sup>1</sup> сўзумга,  
Кўзи ойлар ўтуб тушмай юзумга.

Тоғ ичра сел янглиғ оқизиб ёш,  
Уруб тош узра ҳардам селдек бош.

Хаёлим бирла кўнглин қонеъ айлаб,  
Фироқим ичра умрин зоеъ айлаб.

Юзумдин дидаи гирёни<sup>2</sup> маҳрум,  
Висолимдин балокаш жони маҳрум.

Қолиб мен ҳам йироқ ул нотавондин,  
Нечукким мендин — ул, мен доғи — ондин.

Бу бизга ҳолу юз навъ элда шуҳрат,  
Не юз шуҳратки, юз минг навъ тухмат.

---

<sup>1</sup>Мустамиъ бўлмоқ — қулоқ солмоқ, эшитмоқ. <sup>2</sup>Дидаи гирён — йиғлоқки кўз, ёшланган кўз.

Манга не ёру не ошиқ хавасдур,  
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!

Агар Бону иложе билса, қилсун,  
Ўзумни ўлтурурмен йўкса, билсун!»

Меҳинбону совчиларни яхши зиёфатлар қилиб, совғасаломлар бериб, подшоҳга дуойи саломлар йўллаб, бир баҳона тўқиди. Айтдики, Шириннинг феъли ўғил болаларниқандай, ўқ отиб, ов қилиб юради. Унга турмуш қуриш ҳақида гапиришнинг ҳеч иложи йўқ, бу ҳақда гап бошлагудек бўлсангиз, ўзини ўзи нобуд қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хусрав совчи келтирган бу гапларга ишонмади, аввалгидан ҳам бир тундроқ совчи юборса, у ҳам шу жавоб билан қайтди. Бу бир неча бор такрорланди. Хусрав ғазаб отига минди. Достонда бу ҳолат мана бундай тасвирланади:

Деди<sup>1</sup>: «Ҳолим менинг ул ерга етти  
Ки, бу навъ эл сўзумдин нафрат этти.

Яқиндурким, бу бемаъни фасона,  
Эрур боштин-аёғ макру баҳона.

Манга бас эрмас эрди бу қадар нанг<sup>2</sup>  
Ки, қилгаймен аларға ўзни ҳамсанг<sup>3</sup>.

Эшитмаклик керак бу мижаро ҳам  
Ки, қилгайлар алар сўздин ибo ҳам.

Эрур ўз бахтига бермак нигунлук<sup>4</sup>,  
Забунларға аён қилмоқ забунлук.

Нега худ чиқмасун сунғур<sup>5</sup> жаҳондин,  
Кўруб шавкат садоси мокиёндин?

Ғазанфар<sup>6</sup> худ нетар чанголу ёлин,  
Чекар бўлса тиши уйнинг<sup>7</sup> маҳолин.

Агар умр ўлса ул айёраларға,  
Демай айёраким, маккораларға.

<sup>1</sup>«Деди» дейилганда Хусрав кўзда тугилган. <sup>2</sup>Нанг — ор, уят, номус. <sup>3</sup>Ҳамсанг — оғирликда баравар. <sup>4</sup>Нигунлук — эгиликлик, эгиклик. <sup>5</sup>Сунғур — лочин, шунқор (қуш). <sup>6</sup>Ғазанфар — шер, арслон. <sup>7</sup>Уй — хўкиз.

Ситамдин еткурай андоқ сазое,  
Солай кишварлари ичра балое

Ки, қайда бор эса бир ҳийла пайванд,  
Қиёматга декин бўлғай анга панд».

Бу сўзларни дебон азм айлади бот,  
Синаҳлар<sup>1</sup> тортибон ҳайҳот-ҳайҳот!

Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзга:  
«Ки, шаҳлик ўзгадур, ошиқлик ўзга».

Хусрав Армания мамлакатига аскар тортди. Шаҳар қалъасини қамал қилди. Фарҳод бир тоғ олиб, душманга қарши борадиганга пайваст»<sup>4</sup>.

уни Деди: — «Бу ишқдин инкор қилғил!»<sup>5</sup>

Деди: — «Бу сўздин истиғфор қилғил!»<sup>6</sup>

Деди: — «Ошиққа не иш кўп қилур зўр?»

Деди: — «Фурқат<sup>7</sup> кун ишқи балашўр»<sup>8</sup>.

Деди: — «Ишқ аҳлининг недур ҳаёти?»

Деди: — «Васл ичра жонон илтифоти».

Дедиким: — «Дилбарингнинг де сифотин!»

Деди: — «Тил ғайратидин тутман отин!»<sup>9</sup>

Дедиким: — «Ишқиға кўнглунг ўрундур?»

Деди: — «Кўнглумда жондек ёшурундур!»

Деди: — «Васлиға борсен орзуманд?»

Деди: — «Бормен хаёли бирла хурсанд».

Деди: — «Нўши лабидин<sup>10</sup> топқай эл баҳр?»

Деди: — «Ул нўшдин эл қисмидур захр».<sup>11</sup>

---

<sup>1</sup> Пеша — касб, ҳунар. <sup>2</sup> Мисраънинг маъноси: Бу иш билан касбу кор қилиб, тирикчилик ўтказиб бўлмайдими-ку! <sup>3</sup> Жоҳ аҳли — мансаб аҳли, подшоҳлар. <sup>4</sup> Бу мисраъда Фарҳод ишқнинг унда туғилмасидан бурув, яъни руҳ жонга боғланмаган пайтдаёқ пайдо бўлганини айтаяпти. <sup>5</sup> Инкор қилмоқ — қайтмоқ. <sup>6</sup> Истиғфор қилмоқ — тавба қилмоқ. <sup>7</sup> Фурқат — фироқ, айрилиқ, жудолик, ёрдан йироқлик. <sup>8</sup> Балашўр — бало келтирувчи. <sup>9</sup> Мисраънинг маъноси: Тилдан рашиқ қилиб, (ёримнинг) отини тутмайман. <sup>10</sup> Нўши лаб — лаб ширинлиги. <sup>11</sup> Мисраънинг маъноси: У ширинликдан элга фақат захаргина тегади.

ни айтсин» — деди. Меҳинбону совчига бор гапни очиқ айтди. Фарҳоднинг ғараздан пок, нур юзли йигит эканини, уятчанлигини, Ширинни кўрганда хушдан кетиб қолаверишини, Ширинга ҳам унинг васли мақсад эканини тушунтирди. Бу гапни эшитган Хусрав бадтар жаҳл отига миниб, яна кўрғон сари аскар солди, қальани қамал қилди. Аскарлар Фарҳоднинг тошидан кўрқиб, минг қадам нарида турдилар. Фарҳод-ку, аслида, пашшанинг қанотига ҳам озор бермайдиган йигит, биров ғам билан оҳ чекса, бу минг оҳ тортади, бировнинг оёғига тикан кирса, Фарҳод уни киприклари билан олишга ҳам тайёр. Лекин аскарларни кўрқитиш учун уларга мажбуран тош отар эди.

Охири, Хусрав макр билан Фарҳодни қўлга олди. Бир билан қайтди. Бу бир неча бор тақрир билан кўйлаб боротига минди. Достонда бу ҳолат мана бундай тасвирланади:

Деди<sup>1</sup>: «Ҳолим менинг ул ерга етти  
Ки, бу навъ эл сўзумдин нафрат этти.

Яқиндурким, бу бемаъни фасона,  
Эрур боштин-аёғ макру баҳона.

Манга бас эрмас эрди бу қадар нанг<sup>2</sup>  
Ки, қилғаймен аларға ўзни ҳамсанг<sup>3</sup>.

Эшитмаклик керак бу мижаро ҳам  
Ки, қилғайлар алар сўздин ибо ҳам.

Эрур ўз бахтига бермак нигунлук<sup>4</sup>,  
Забунларға аён қилмоқ забунлук.

Нега худ чиқмасун сунғур<sup>5</sup> жаҳондин,  
Кўруб шавкат садоси мокиёндин?

Ғазанфар<sup>6</sup> худ нетар чанголу ёлин,  
Чекар бўлса тиши уйнинг<sup>7</sup> маҳолин.

Агар умр ўлса ул айёраларға,  
Демай айёраким, маккораларға.

<sup>1</sup>«Деди» дейилганда Хусрав кўзда тутилган. <sup>2</sup>Нанг — ор, уят, номус. <sup>3</sup>Ҳамсанг — оғирликда баравар. <sup>4</sup>Нигунлук — эгилишлик, эгиклик. <sup>5</sup>Сунғур — лочин, шунқор (қуш). <sup>6</sup>Ғазанфар — шер, арслон. <sup>7</sup>Уй — хў-кўз.



Деди: — «Недур санга оламда пеша?»<sup>1</sup>  
Деди: — «Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша».

Деди: — «Бу ишдин ўлмас касб рўзи!»<sup>2</sup>  
Деди: — «Касб ўлса басдур ишқ сўзи».

Дедиким: — «Ишқ ўтидин де фасона!»  
Деди: — «Куймай киши топмас нишона».

Дедиким: — «Куймагингни айла маълум!»  
Деди: — «Андин эрур жоҳ аҳли<sup>3</sup> маҳрум!»

Деди: — «Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?»  
Деди: — «Рух эрмас эрди танға пайваст»<sup>4</sup>.

Деди: — «Бу ишқдин инкор қилғил!»<sup>5</sup>  
Деди: — «Бу сўздин истиғфор қилғил!»<sup>6</sup>

Деди: — «Ошиққа не иш кўп қилур зўр?»  
Деди: — «Фурқат<sup>7</sup> кун ишқи балашўр»<sup>8</sup>.

Деди: — «Ишқ аҳлининг недур ҳаёти?»  
Деди: — «Васл ичра жонон илтифоти».

Дедиким: — «Дилбарингнинг де сифотин!»  
Деди: — «Тил ғайратидин тутман отин!»<sup>9</sup>

Дедиким: — «Ишқиға кўнглунг ўрундур?»  
Деди: — «Кўнглумда жондек ёшурундур!»

Деди: — «Васлиға борсен орзуманд?»  
Деди: — «Бормен хаёли бирла хурсанд».

Деди: — «Нўши лабидин<sup>10</sup> топқай эл баҳр?»  
Деди: — «Ул нўшдин эл қисмидур захр».<sup>11</sup>

---

<sup>1</sup>Пеша — касб, хувар. <sup>2</sup>Мисраънинг маъноси: Бу иш билан касбу кор қилиб, тирикчилик ўтказиб бўлмайди-ку! <sup>3</sup>Жоҳ аҳли — мансаб аҳли, подшоҳлар. <sup>4</sup>Бу мисраъда Фарҳод ишқнинг унда туғилмасидан бурун, яъни руҳ жонга боғланмаган пайтдаёқ пайдо бўлганини айтяпти. <sup>5</sup>Инкор қилмоқ — қайтмоқ. <sup>6</sup>Истиғфор қилмоқ — тавба қилмоқ. <sup>7</sup>Фурқат — фироқ, айрилиқ, жудолик, ёрдан йироқлик. <sup>8</sup>Балашўр — бало келтирувчи. <sup>9</sup>Мисраънинг маъноси: Тилдан раишқ қилиб, (ёримнинг) отини тутмайман. <sup>10</sup>Нўши лаб — лаб ширивлиги. <sup>11</sup>Мисраънинг маъноси: У ширинликдан элга фақат захаргина тегади.

Деди: — «Жонингни олса лаъли<sup>1</sup> ёди?»

Дедиким: — «Ушбудур жоним муроди».

Деди: — «Кўксунгни гар чок этса бебок?»<sup>2</sup>

Деди: — «Кўнглум тутай ҳам айла деб чок!»

Деди: — «Кўнглунг фидо қилса жафоси?»

Деди: — «Жонимни ҳам айлай фидоси».

Дедиким: — «Ишқдин йўқ жуз зиён буд»<sup>3</sup>.

Деди: — «Бу келди савдо аҳлига<sup>4</sup> суд»<sup>5</sup>.

Деди: — «Бу ишқ тарки яхшироқдур!»

Деди: — «Бу шева<sup>6</sup> ошиқдин йироқдур!»

Деди: — «Ол ганж-у, кўй меҳриён ниҳоний!»

Деди: — «Туфроққа берман кимёни!»

Деди: — «Жонингга ҳижрон кинакашдур»<sup>7</sup>.

Деди: — «Чун бор васл уммиди х (в) ашдур».

Дедиким: — «Шаҳға бўлма ширкатандеш!»<sup>8</sup>

Деди: — «Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!»

Деди: — «Жонингга бу ишдин алам бор».

Деди: — «Ишқ ичра жондин кимга ҳам бор?»<sup>9</sup>

Деди: — «Кишвар<sup>9</sup> берай, кеч бу ҳавасдин».

Деди: — «Бечора, кеч бу мултамасдин!»<sup>10</sup>

Деди: — «Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!»

Деди: — «Ишқида мақсудумга етгум!»

Деди: — «Бу ишда йўқ сендин йироқ қатл».

Деди: — «Бу сўзларингдин яхшироқ қатл».

Хусравнинг бу жавоблардан жаҳли чиқиб буюрдики, кўрғон олдида бир дор ҳозирласинлар, Фарҳод бир неча

<sup>1</sup>Лаъли — қип-қизил тош; бу ерда сўз истиора тарзида ёрнинг лабини англатиб келган. <sup>2</sup>Бебок — бепарво. <sup>3</sup>Буд — борлик, мавжудлик. <sup>4</sup>Савдо аҳли — ишқ аҳли. <sup>5</sup>Суд — фойда. <sup>6</sup>Шева — одат, равиш, тарз. <sup>7</sup>Кинакаш — кек сақловчи, душманлик қилувчи, ўч олувчи. <sup>8</sup>Ширкатандеш — шериклик қилувчи, шерикликни фикр қилувчи. <sup>9</sup>Кишвар — мамлакат, вилоят, юрт. <sup>10</sup>Мултамас — илтимос.

кун осиглик турсин, халойик уни тошбўрон қилиб ўтсин,  
кейин ўликни гулханга ташлаб куйдирсинлар-у, кулини  
кўкка совурсинлар! Токи бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин!  
Бу гапларга Фарҳод кулиб жавоб берди:

Бўлуб Фарҳод ул сўздин тарабноқ<sup>1</sup>,  
Кулуб дедиким: — «Эй шоҳи ғазабноқ!

Тасаввур қилма коме тортадурсен,  
Адувдин<sup>2</sup> интиқома тортадурсен

Ки, не ҳукм айладинг — мақсудум улдур,  
Не келса ишқ аро беҳбудум<sup>3</sup> улдур.

Муродим ишқида ўлмаклик эрди,  
Бу кун мундоқ муродим тенгри берди.

Санга ҳар нечаким жойи ғазабдур,  
Манга бу ишда юз айшу тарабдур

Ки, бу ҳижронки ҳардам эрди ўлмак,  
Не ўлмак, банддин бандимни бўлмак.

Адам<sup>4</sup> йўлига гарчи бошқарурсен,  
Бир ўлмак бирла андин қутқарурсен.

Яна жонким, ҳаёт озори бўлмиш,  
Сўнгаклар чорчўби<sup>5</sup> дори бўлмиш.

Бийиклик етса ул дори<sup>6</sup> фанодин,  
Қутулғай жон бу бир дори анодин<sup>7</sup>.

Янаким ҳукм қилдинг тийри борон<sup>8</sup>,  
Санга ёғдурмамиш ўқ хайли ҳижрон.

Мангаким ҳажр аро юз ибтилодур,  
Ҳамиша тийри борони балодур.

Сенинг бу тийри боронингки етгай,  
Мени қутқарғай андин, ўзга нетгай?

---

<sup>1</sup>Тарабноқ — хурсандлик, шодлик. <sup>2</sup>Адув — душман, ёв. <sup>3</sup>Беҳбуд — фойда, нажот. <sup>4</sup>Адам — йўқлик. <sup>5</sup>Чорчўб — тўрт ёғочдан ясалган нарса (рамка, ром). <sup>6</sup>Дор — уй. <sup>7</sup>Ано — машаққат, азоб, укубат. <sup>8</sup>Тийри борон — ўқ ёғдириш.

Буким дедингки куйдурсунлар они,  
Кул айлаб кўкка совурсунлар они.

Фироқ ўтиға куймай сен ҳамоно,  
Бу ўт ичра кул ўлмайсен ҳамоно.

Мениким ҳажр ўтиға солди гардун  
Ки, бор учқунлари дўзахдин афзун<sup>1</sup>.

Бу дўзахдин халос эткунгдур охир,  
Тараб хулдиға<sup>2</sup> хос эткунгдур охир.

Халилосо<sup>3</sup> очиб ўтдин гулумни,  
Буким дебсен совурсунлар кулумни.

Бу ҳам хуштурки, жисми хокпайванд<sup>4</sup>  
Тараккуб<sup>5</sup> қайдига бўлгунча побанд<sup>6</sup>

Кул ўлмоғлиғ била бўлса фаноси,  
Совурса ёр ишқининг ҳавоси.

Бу кул мушкин булутдек топса поя<sup>7</sup>,  
Солиб дилдор боши узра соя.

Гаҳи ёғдурса ҳажр ашкин ёгиндек,  
Гаҳи чекса фироқ оҳин чоқиндек.

Ёгин ҳам кўйи туфроғини тутса,  
Чоқин ҳам мулкининг тоғин ёрутса.

Сиёсатларки айлар шоҳи жаббор<sup>8</sup>,  
Менинг сори дурур ҳар сирфким<sup>9</sup> бор.

Вале бу турфадурким нотавоне,  
Ғарибе, ошиқе, озурда жоне.

Ичинда ишқ ўтидин минг ошуб,  
Бошинда чархдин юз минг лагадкўб<sup>10</sup>.

---

<sup>1</sup>Афзун — ортик, зиёда, кўп. <sup>2</sup>Тараб хулди — шодлик жаннати. <sup>3</sup>Халилосо — дўста ўхшаб. <sup>4</sup>Хокпайванд — туфроққа аралашган. <sup>5</sup>Тараккуб — бирикш. <sup>6</sup>Побанд — оёқдан боғланган. <sup>7</sup>Поя — мартаба, баландлик. <sup>8</sup>Жаббор — жабрловчи. <sup>9</sup>Сирф — зулм, ҳақсизлик, жафо. <sup>10</sup>Лагадкўб — тепшиш, тепиб янчиш.

Жафо бирла сипехри тезрафтор,  
Ани бир ишқ ила айлаб гирифтор.

Эшитиб халқдин ишқи сўзини,  
Анга шоҳе рақиб этгай ўзини.

Бировга кўрмай ўзин ошиқ этгай,  
Бу ошиқлиғда отин содиқ этгай.

Йиғиб хайлу сипоҳе ваҳшатангез<sup>1</sup>,  
Чекиб гардунга юз минг тиғи хунрез<sup>2</sup>.

Анинг мулкига солғай қатлу торож,  
Бадандин бош тушургай, бошдин тож.

Бу ғавғойи баланд овоза бирла,  
Мунингдек хайли беандоза бирла,

Ҳамул гулчехранинг зору ғариби  
Ки, бу шаҳ қилмиш они ўз рақибни.

Қилиб қасд ул ғариби бенавоға,  
Туман минг меҳнат ичра мубталоға.

Не ром айлаб ани дархост бирла,  
Не айлаб қатл зарби рост бирла.

Ики тошидин ул янглиғ бўлуб паст  
Ки, юз минг хайл ила топмай анга даст.

Ҳам охир кўргузуб макри ниҳоний,  
Қилиб юз реву<sup>3</sup> беҳуш айлаб они.

Эси йўқликда айлаб макру тадбир,  
Аёғ бошиға солиб банду занжир.

Чу қўймай банд аро бир узвини бўш,  
Думоғиға кетургайлар ани хуш.

Бу ҳолат ичра кўргузмай тараҳҳум<sup>4</sup>,  
Итобомиз<sup>5</sup> қилғай шаҳ такаллум<sup>6</sup>.

<sup>1</sup>Ваҳшатангез — ҳайбатли, кўркинчли, кўркитувчи. <sup>2</sup>Хунрез — қон тўқувчи. <sup>3</sup>Рев — хийла. макр, алдов. <sup>4</sup>Тараҳҳум кўргузмоқ — раҳм қилмоқ. <sup>5</sup>Итобомиз — қаҳр билан, ғазаб аралаш. <sup>6</sup>Такаллум қилмоқ — сўзламоқ.

Савол эткай саросар<sup>1</sup> таънаомиз,  
Итиклик<sup>2</sup> нчра ҳар бир ханжари тез.

Жавоб ўлғач саволотиға вофи<sup>3</sup>,  
Анга бўлмай муважжаҳ нукта кофи<sup>4</sup>.

Ғариби хастаға қилғай сиёсат,  
Зиҳи<sup>5</sup> ойини арбоби раёсат!

Сиёсат йўқки, бир ўлтурмаку бас,  
Неча турлукки, шиддат андин ўтмас.

Бурунким қатл еткурмай малолат<sup>6</sup>,  
Мени ёқиндур ўлтургай хижолат

Ки, одил шаҳ қилиб макру фусун<sup>7</sup> ҳам,  
Бўлур эрмиш бу ғоятқа забун ҳам.

Адолат ушбу бўлғай, лавҳашаллоҳ<sup>8</sup>  
Шижоат мунча бўлғай, боракаллоҳ!

Дамеким эрмас эрдим ишқ асири,  
Ёрим эрди хирад<sup>9</sup> мулки сарири<sup>10</sup>.

Шуур анворидин<sup>11</sup> ҳолимға партав<sup>12</sup>,  
Манга ул кун йўлуқса эрди Хусрав,

Агар юз мунча бўлса эрди хайли,  
Борининг кину қон тўкмакка майли.

Борининг тори умрин узгай эрдим,  
Йиғитликни анга кўргузгай эрдим.

Ғурур ўти ичидин сўнгай эрди,  
Шижоат расмини ўргангай эрди.

Бу дам ҳамки зайифу нотавонмен,  
Ғарибу ошиқу бехонумонмен.

<sup>1</sup>Саросар — бошдан-оёк. <sup>2</sup>Итиклик — ўткирлик, тезлик. <sup>3</sup>Вофи — етарли, тугал. <sup>4</sup>Кофи — кифоя, етарли. <sup>5</sup>Зиҳи — яхши, жойида, гўзал. <sup>6</sup>Малолат — малоллик, оғирчилик. <sup>7</sup>Фусун — афсун, сеҳр, назранг, макр. <sup>8</sup>Лавҳашаллоҳ — оллоҳ йироқ этмасин, оллоҳ ваҳдатлик бермасин, одатда «офарин» ўрнида келади. <sup>9</sup>Хирад — ақл. <sup>10</sup>Сарири — тахт. <sup>11</sup>Анвор — нурлар. <sup>12</sup>Партав — ёруғлик асари, нур, шугъла, қорлоқлик.

Мени тутмоққа ул кунким қилиб майл,  
Сипоҳидин йиборди бир қалия хайл.

Ўзи билгайки ул тошеки урдум,  
Бошидин худининг милин учурдум.

Агар қилсам эди бошин нишона,  
Бор эрди бошига ҳукмим равона.

Кечиб ул қавму хайли қонидин ҳам,  
Аларнинг қони, онинг жонидин ҳам,

Омон чун топти мендин боши онинг,  
Бошим қасди эрур подоши<sup>1</sup> онинг.

Тириклик расми мендин худ йироқдур,  
Ўлум ҳижронда андин яхшироқдур.

Қилибмен марғни<sup>2</sup> ҳижронга таржих<sup>3</sup>,  
Бу сўзга ҳожат эрмас асру тавзих<sup>4</sup>.

Вале эсса Хито сори насиме,  
Бу ишдин анда еткурса шамиме<sup>5</sup>.

Топиб хоқон хабар оворасидин,  
Қаю овора, бағри порасидин

Ким, ул не навъ қолиб ғурбат ичра,  
Ҳамул ғурбатда юз минг шиддат ичра.

Не бедод айлаб ўлтурдилар они,  
Солиб ўт ичра куйдурдилар они.

Етишмай кимса фарёдиға онинг,  
Не ишлар келди Фарҳодиға онинг.

Ҳамоно тор ўлуб олам кўзига,  
Бу ғамдин бас кела олмай ўзига,

---

<sup>1</sup>Подош — эваз, мукофот, бадал. <sup>2</sup>Марғ — ўлим. <sup>3</sup>Таржих — бир нарса-ни иккинчи бир нарсадан ортиқ кўриш. <sup>4</sup>Тавзих — иёҳлаш, равшанлаштириш. <sup>5</sup>Шамим — хуш ис, ёқимли хид.

Чекиб бебок тиги хунфишонни<sup>1</sup>,  
Черик бирла қаро айлаб жаҳонни.

Олурға кина бирла интиқомин,  
Бу кишварларға кўргузгай хиромин<sup>2</sup>.

Чекиб мағрибда тиги кини бедод,  
Тирик мушкилки қўйгай одамизод.

Мадойин шаҳрин одамдин оритқай,  
Хито мулкиға туфроғин тошитқай.

Чу осорини маҳв этқай жаҳондин,  
Су қўйгай анда баҳри бегарондин<sup>3</sup>.

Равоку тоқ бўлғай анда ноёб,  
Аён бўлғай минор ўрнига гирдоб.

Тугангай одам авлоди ҳисоби,  
Киши ўрнига бўлғай шахс оби<sup>4</sup>.

Ўлуб мен бегунаҳ, Хусрав — гунаҳқор,  
Бу вайронлиққа ул бўлғай табаҳқор<sup>5</sup>.

Манга чарх этса юз минг кину бедод,  
Бу сўздин худ не навъ этгай эдим ёд.

Вале Парвезнинг нодонлиғидин,  
Бўлурға даҳрнинг вайронлиғидин,

Таҳаммулсиз<sup>6</sup> бўлуб топти сўзум тул<sup>7</sup>,  
Халойиқ қилмасун ваҳмимға маҳмул<sup>8</sup>.

Сўзумни ҳар не эрди кўтаҳ<sup>9</sup> эттим,  
Жаҳондин дўст ёди бирла кеттим».

Бу сўзларни дебон кўрғонга боқти,  
Ўпуб ер, ўт улус жонига ёқти.

---

<sup>1</sup>Хунфишон — қон тўқувчи. <sup>2</sup>Хиром — юриш, қадам. <sup>3</sup>Бегарон — чексиз, чегарасиз, ҳадсиз. <sup>4</sup>Шахс оби — сув одами, одам башарали сув ҳайвони. <sup>5</sup>Табаҳқор — вайрон қилувчи, хунук қилиқ. <sup>6</sup>Таҳаммул — тоқат, сабр, чидам. <sup>7</sup>Тул — узун. <sup>8</sup>Маҳмул — юкланган, отилган. <sup>9</sup>Кўтаҳ — қисқа, калта.



Деди: — «Эмди қилинг неким қилурсиз,  
Осарсиз, гар чопарсиз, сиз билурсиз!»

Фарҳод сўзини тугатгач, уни Хусрав олдидан судраб, ўтин жамлаб қўйилган дор олдига олиб бордилар. Бу хабар аллақачон қўрғонга етиб борган, аммо одамлар бу гапни Ширин билан Меҳинбонудан яшириб, пинҳона Фарҳод учун куяр эдилар. Бу ёқда Хусрав одамлари ҳам бу йигитнинг сиёсат қилишга лойиқ эмаслигини ўйлаб, унинг донолигига қойил қолиб, ачинар эдилар. Хусравнинг ўзи ҳам бу буйруғига пушаймон бўлган, аммо орияти гапидан қайтишга қўймас эди. Бузург Уммид Хусравни ёлғиз топиб, унга Фарҳодни ўлдирмаслик, уни зиндонга ташлаб, икки-уч ой сақлаш, атрофига икки-уч юз қоровул қўйиш маъқуллигини айтди. Шу атрофда дев пайдо қилган Салосил деган ғор бор эди. Фарҳодни ўша ғорга қамаб, оғзига беш юз қоровул қўйдилар. Ғор йўлига қочмасин деб, кум билан олмос ташлаб чиқдилар. Агар қочса, ниғаҳбонлардан баъзиларининг бўйинини олиб, айримларини қўрғондан ташлаб юбориш дағдағаси қилинди. Лекин ниғаҳбонлар Фарҳоднинг оху ноласини тинглаб, унга тамом мафтун бўлиб қолдилар.

Ғорда Фарҳод Сукрот ўргатган бир сеҳрли исмни айтиб, бари бандларини ечиб, шунча қоровул турганига қарамай, темир дарвозаларни ҳам очиб, бемалол чиқиб кетаверар эди. Кечалари тоғу дашт сайрига чиқар, яна қайтиб келиб, жойида ётар эди. У шундай иш тутар эдики, қоровуллар билмай қолардилар. Уларнинг билиб қолишидан шунинг учун кўрқар эдики, бу ҳодисадан хабар топсалар, гап Хусравга етса, қоровуллар жазоланиши таъйин. Фарҳод эса ҳеч кимнинг бегуноҳ жабр кўришини истамас эди. Шириннинг олдига қочиб кетмаслигига сабаб ҳам шу. Бундан қоровуллар хабар топдилар. Фарҳод-ку уларни аяган, шуларни ўйлаб, ўз манфаатини устун қўймаган эди. Ўз навбатида, қоровуллар ҳам Фарҳодга жон фидо қилдилар, қаёққа хоҳласанг, бор, дедилар. Не бўлсак, биз бўлайлик, сен эса саломат бўлсанг бас, дедилар. Шунда ҳам Фарҳод қочиб кетмади. Бандию қоровуллар дўст бўлиб кетдилар. Ҳар замон-ҳар замон Фарҳод тоғу дашт сайри қилиб, турли ҳайвонлар билан бўлар, уларнинг ҳар бирида ёрининг қай бир жиҳатини хаёлига келтириб, уларга дилини ёрар эди.

Фарҳод Хусравнинг макри билан қўлга тушганда, Шопур ноилож ўзини қўрғонга олган эди. Халқ орасида Фарҳод-

нинг Хусрав билан савоя-жавоби, бунда Фарҳоднинг дадил сўзлагани, унинг Хитюю Чин мамлакати шақсодаси экани ойдинлашгани маълум эди-ю, лекин унинг ҳозирги аҳволи аниқ эмас эди. Меҳинбону Фарҳоднинг асир тушганини Шириндан қаттиқ яширар эди. Эшитса, ўзини ўзи ўлдирмасин, деб кўрқар эди. Шириннинг кўнгли воқеани сезган, шунинг учун хонасига кириб олиб, ҳам чекар эди. Бир куни тоза ҳаво олиш учун сайрга чиққан эди, бир ҳамгин кўшиқ эшитиб қолди. Халқ Фарҳод ҳақида кўшиқлар тўкиб, куйлар эди. Ундан Фарҳод ҳақидаги бор ҳақиқатни эшитиб, зор-зор йиғлади, хушдан кетди. Атрофида Меҳинбоную бошқа сарой аъёнлари парвона. Шу пайт Шопур етиб келди. У Меҳинбонуга халқ куйлаётган кўшиқлардан Фарҳод ҳақида янги маълумот тоганини айтди. Унда Фарҳоднинг қоровулларга Хусрав жазо бермасин учун ўша ўзи қамалган ғордан узоқ кетмаётгани, тоғу даштларда юргани ҳақида сўзланар эди. Шопур Меҳинбону билан Ширинга Фарҳоднинг тирик экани хабарини тезроқ етказиш учун ошиққан эди. Ширинни хушига келтирганларида, кўз очиб, Шопурни кўрди-ю, яна Фарҳодини эслади. Бутун дардини Шопурга тўкиб солди:

Кт: — «Эй Шопур, қайдин бўйла етдинг?  
Келибсен фард<sup>1</sup>, Фарҳодингни нетдинг?»

Ҳамулким меҳр кўсин урмиш эрдим,  
Борур чоғда санга топшурмиш эрдим.

Рафиқу ёрлик мундоқ бўлурму?!  
Амонатдорлик мундоқ бўлурму?!

Манга ўз ғойибимдин бир нишон эт,  
Десагким, ҳажридин ўлмаи, равон эт.

Гар этсанг макс-у<sup>2</sup>, ногаҳ чиқса жоним,  
Яқин билким эрур бўйнингга қоним».

Шопур Ширинга Фарҳоднинг олдига энди боражаги, агар бир энлик мактуб ёзиб берса, элтажагини айтди. Фарҳодни Шопур тонг отар маҳали ваҳший ҳайвонлару қушлар даврасида беҳуш ҳолда топди. Фарҳоднинг бошини кўйнига олганда Шопурнинг кўз ёшлари унинг юзига томиб,

<sup>1</sup>Фард — якка, ёлғиз. <sup>2</sup>Макс — тўхталиш, тўхтаб қолиш.

шундан хушига келди. Кучоклашиб, йиглашиб кўришди-лар. Шопур Фарходга Ширяннинг хатини тутқазди. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор эди:

«...Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,  
Висолим давлатидин бенасибим?

Чекардин ғам тоғин ҳолинг нечукдур?  
Бу юкдин жисми чун нолинг<sup>1</sup> нечукдур?

Қатик гурбат<sup>2</sup> аро ҳолинг не эркин?  
Ачиқ фурқатда аҳволинг не эркин?

Фироқ ичра нечукдур жисми зоринг?  
Не янглиғ тўлғанур ўт ичра торинг?

Сочим фикрида тунлар айласанг печ,  
Қарорурму жаҳонинг тун киби ҳеч?

Қошим меҳробини ёд айлаган дам,  
Янги ойдек бўлурму қоматинг хам?

Кўзум фикри ичингга солса қайғу,  
Бало ҳар гўшадин туғён қилурму?

Чу мужгоним ғамидин чиқса хўюнг,  
Бўлурму бир тикон ҳар тора мўюнг?<sup>3</sup>

Қароғимни тахайюл айлаган чоғ,  
Хаёлинг шахси ўртарму янги доғ?

Энгим<sup>4</sup> гудбаргидин бўлганда маҳзун,  
Юзунг гул-гул қилурму ашки гулгун?

Қилиб ҳолим ғами кўнглунгга кинлар,  
Кўнарму ул яранг узра чибинлар?

Юзум ҳажрида тўкса кўзларинг су(в),  
Куёш рухсориға боққунг келурму?

---

<sup>1</sup>Нол — қамин калам ичидаги ингичка томир, қилтирик. <sup>2</sup>Гурбат — ғариблик, қимсасизлик, мусофирлик. <sup>3</sup>Мўй — соч. <sup>4</sup>Энг — ёмок.

Кўзунг лаълим ғамидин тўкса қон ёш,  
Бўлурму лаъл ул қон бирла ҳар тош?

Тилинг қилса ҳадисимдин ривоят,  
Ўзунг бирла қилурсенму ҳикоят?

Тишим ёдида кўнглунг чекса нола,  
Ёшингни совуқ оҳ айларму жола?<sup>1</sup>

Замиринг<sup>2</sup> қилса оғзимни таваҳҳум<sup>3</sup>,  
Адам йўлида айларму ўзин гум?

Занахдоним била зулфи гириҳгир<sup>4</sup>,  
Ҳазин кўнглунгга эркин чоҳу занжир?

Кулоғим дурри ашкинг қилса кавкаб<sup>5</sup>,  
Бўлурму кўзларинг дурдин лабо-лаб?

Қадим ҳижрони бўлса кинахоҳинг,  
Чиқарму сарв янглиғ дуди оҳинг?

Хаёл этсанг хиромимдин шамойил,  
Равонинг чиққали бўлурму мойил?

Белимдин заъф бўлса кўнглунга ҳол,  
Бўлурму мўядин<sup>6</sup> мў, ноладин нол?

Таним сийми ичингни қилса маҳзун,  
Бўлур эркан юзунг ул ғамдин олтун?

Мақоминг тоғ ё саҳрому эркин,  
Ёнингда бистаринг хорому эркин?

Хумойи ишратинг маъдум<sup>7</sup> экинму?  
Бошингга соя солған бум<sup>8</sup> экинму?

Кийик эркин юрурда раҳнамойинг?  
Кулон<sup>9</sup> эркин саманди<sup>10</sup> бодпойинг?<sup>11</sup>

---

<sup>1</sup>Жола — дўл. <sup>2</sup>Замир — ич, кўнги, юрак. <sup>3</sup>Таваҳҳум — ваҳимага тушиш, кўрқиш. <sup>4</sup>Гириҳгир — тугунли, чигалланган. <sup>5</sup>Кавкаб — юлдуз. <sup>6</sup>Мўя — йиғи, хўнграб йиғлаш. <sup>7</sup>Маъдум — мавжуд эмас, йўқ бўлган. <sup>8</sup>Бум — бойўғли, бойқуш. <sup>9</sup>Кулон — ёввойи эшак. <sup>10</sup>Саманд — тезюрар ва чиройли от, саман от. <sup>11</sup>Бодпой — ел оёк; тезюрар, чопқир от.

...Не бўлгай эрди чархи зулмпеша,  
Мени сендин жудо қилмай ҳамеша.

Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,  
Сукунинг<sup>1</sup> вақти кўлдош ўлсам эрди.

Куёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг,<sup>2</sup>  
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.

Тикан кирса кафингга кинасидин,  
Чиқарсам эрди кирпик игнасидин.

Аёғ сунсанг, бўлуб ғамдин харошинг<sup>3</sup>,  
Мудом ўлса эди кўйнумда бошинг.

Кўруб хору хас ўрнунгда, ниҳоний  
Сочим бирла супурсам эрди они.

Чу билсам гарддин кўнглунгда қайғу,  
Ер узра ашкдин сепсам эди су(в).

Бошингга тушса меҳнат шоми жовид<sup>4</sup>,  
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршид.

Агар жонингга қасд этса узун кун,  
Сочим еткурса эрди анбарин тун.

Юзунгни олмасам эрди энгимдин,  
Аритсам эрди ашкингни енгимдин.

Жунун<sup>5</sup> таъвизиға<sup>6</sup> кўрганда мойил.  
Кўл этсам эрди бўйунунгга ҳамойил<sup>7</sup>.

Тилар бўлсанг юзунг кўрмакка кўзгу,  
Юзум юзунгга тутсам эрди ўтру.

Су(в) истаб тушса ўтлуғ кўнглунга жўш,  
Лабимдин тутсам эрди чашмайи нўш.

---

<sup>1</sup>Сукун — тинчиш, осойиш, ҳаракатсизланиш. <sup>2</sup>Қарин — яқин (киши), ҳамсухбат. <sup>3</sup>Харош — тирналган (бу ерда оёқ кўзда тутилган); азоб-уқубат. <sup>4</sup>Жовид — абадий. <sup>5</sup>Жунун — жинилик. <sup>6</sup>Таъвиз — тумор. <sup>7</sup>Ҳамойил — елка ва кўлтиқ орқали ўтказиб тақиладиган боғ, масала, қиличнинг боғи, милтиқнинг тасмаси.

Дамодам айлабон ҳамдамлигингни,  
Кеча-кундуз қилиб маҳрамлигингни.

Тунунгда шамъи мажлис бўлсам эрди,  
Кун ўлса — ёру мунис бўлсам эрди.

...Фироқинг тигидин юз пора жоним,  
Не жоним, балки жисми нотавоним.

Куюб хажр ўтидин жону кўнгул ҳам,  
Не куймакким, бўлуб юз қатла кул ҳам.

Ичимга шуълайи ишқинг тутошиб,  
Тутошиб демаким, бошимдин ошиб.

Ичимда бўлса юз ўт ошкоро,  
Нафас дудин урарга қайда ёро?!

Гар ўлса лаъл бирла кўзларим қон,  
Оқизмоқ қатрае андин не имкон?!

Неча хотун киши бөр эрса тавсан<sup>1</sup>,  
Бўлуб озодалиғда сарву савсан<sup>2</sup>.

Жамол ичра маҳи тобондин<sup>3</sup> афзун,  
Маҳи тобонни кўйким, ондин афзун.

Анга яхшики айлаб дилраболик,  
Вафо аҳлига қилгай бевафолик.

Ҳақ андин асрасунким ул забунваш,  
Бировнинг ишқидин бўлгай мушавваш<sup>4</sup>.

Гириҳлар ҳажрдин қошига тушгай,  
Гириҳлик ишқ иши бошига тушгай.

Не ишқ ўтига куймакликка тоби,  
Не андин куртулиб жони хароби.

...Деман мендин сенинг дардинг эрур кам,  
Сенинг ҳам кўптурур дардинг, менинг ҳам.

<sup>1</sup>Тавсан — шўх от, ўйноқи от. <sup>2</sup>Савсан — гули сафсар, қўгагул. <sup>3</sup>Маҳи тобон — порлоқ ой. <sup>4</sup>Мушавваш — ташвишми, бесаранжом.

Вале юз мунча дарди тоза бирла,  
Гаму андуҳи беандоза бирла,

Чу дарду ғурбатингни ёд этармен,  
Ҳазин жонимға юз бедод этармен.

Агарчи бўлғали ишқинг асири.  
Ўтар афлокдин оҳим нафири<sup>1</sup>.

Дами хуш урмадим афгон ичинда,  
Дами хуш бўлмадим ҳижрон ичинда.

Олиб душман сипоҳу афсаримни<sup>2</sup>,  
Қилиб торож мулку кишваримни.

Мену хайлим нечукким буми манхус<sup>3</sup>,  
Бўлуб бир ғор аро тоғ ичра маҳбус.

Мунингдек мулкнинг шоҳу фақири,  
Бўлуб бошдин-аёқ душман асири.

Тутулганлар қилиб жонини таслим,  
Қутулганларни ҳардам ўлтуруб бийм<sup>4</sup>.

Булар элга менинг ишқим ишидин,  
Қулоғим ёлқибон эл қарғишидин.

Қилиб жонимға қасд элдин уётим,  
Ўчуб Бону уётидин ҳаётим.

Вале юз мунча меҳнат бўлса эрди,  
Не юз, минг мунча шиддат бўлса эрди,

Сени кўрсам эди ногоҳ-ногоҳ,  
Ғамим йўқ эрди биллоҳ, сумма биллоҳ<sup>5</sup>.

Бу дам ҳамким фироқингдин ўлубмен,  
Юз ўлгандин ҳам ортуқроқ бўлубмен.

---

<sup>1</sup>Нафир — нола, фарёд. <sup>2</sup>Афсар — тож; жиға; бирор нарсаинг (байроқнинг) боши, учи. <sup>3</sup>Манхус — иши юрилмаган. <sup>4</sup>Бийм — кўркув, кўркинч, хавф. <sup>5</sup>Биллоҳ, сумма биллоҳ — худо ҳақи, яна худо ҳақи!

Ҳаётим васлингга уммид иландур,  
Умид ул раҳмати жовид иландур.

Агар ҳажрингда юз йил ғуссакашмен,  
Агар васлингг умиди бўлса х(в) ашмен.

Таваққуъ<sup>1</sup> улки, бу ошуфта нома  
Ки, бу ошуфта қилди нақш хома<sup>2</sup>.

Ўқуб мазмунидин олсанг ҳисобин,  
Карам айлаб йиборгайсен жавобин

Ким, ул ҳар ғамда бўлғай ҳирзи<sup>3</sup> жоним,  
Балову ғуссадин хатти амоним.

Чу бўлсанг ҳолима огоҳу аълам,  
Жавобин ҳам йибор, валлоҳу аълам...»

Шопур дўстининг жавоб ёзиши учун керакли анжомларни олиб борган эди. Фарҳод ўтириб, ёрининг мактубига жавоб ёзди:

«...Нигоро, маҳвашо, иффатпаноҳо,  
Жаҳон маҳвашлариға подшоҳо!

Санга ҳаддим йўқ ўлмоқ нуктапардоз<sup>4</sup>,  
Тилармен итларингга айтмоқ роз<sup>5</sup>.

Недур кўюнг аро итларга ҳолат —  
Фароғат бирладурлар ё малолат?

Кеча ул кўй аро қилганда фарёд  
Қилурларму бу итган<sup>6</sup> итни ҳам ёд?

Йиғилиб ҳалқа урған можарода,  
Мени йўқларму эркинлар арода?

Сўнғак чайнарда айлаб қаҳру кинлар  
Қуруқ жисмим соғинурму экинлар?

---

<sup>1</sup>Таваққуъ — бирор ишнинг амалга ошишига умид билан қараш, умидвор бўлиш. <sup>2</sup>Хома — қалам. <sup>3</sup>Ҳирз — тумор. <sup>4</sup>Нуктапардоз — ғўзал сўзловчи, маъноли сўзлар айтувчи. <sup>5</sup>Роз — сир. <sup>6</sup>Итмоқ — йитмоқ, йўқолмоқ.



Қилурда туъма<sup>1</sup> тошдин ёнчқан бош  
Билурлармуки ер бөшим нелар тош?

Су сори тиллари қилған замон майл,  
Соғинурларму ашким суйини сайл?

Бўюнлариға сакбон<sup>2</sup> чекса занжир,  
Соғинурларму занжиримни бир-бир?

...Булар ичра бор эрди бир зайиф ит,  
Менингдек зору мажруҳу наҳиф<sup>3</sup> ит.

...Рафиқ эрди манга, мен ҳам рафиқи,  
Менинг ҳолимға рифқ онинг тариқи.

Не эркин заъф<sup>4</sup> ичинда ҳоли, ё раб,  
Бу итдекму экин аҳволи, ё раб?

Топарда остонингда паноҳи,  
Мени кўзларму эркин гоҳ-гоҳи?

Кўнгулда, ўйлаким дарди ниҳонинг,  
Кирарменму экин кўнглига онинг?

Ялар вақти жароҳатларни дарҳам<sup>5</sup>,  
Билурму-йўқ менинг захмимға марҳам<sup>6</sup>?

Аёғи кўюнга гаҳ-гаҳ етарму?  
Агар етса, бу итни ёд этарму?

Санга жонни фидо қилмоқ ҳавоси,  
Не ҳаддимким бўлай ул ит фидоси!

Сенинг ҳолинг сўрарға қайда ёро,  
Бас, онинг ҳолин этсам ошкоро.

Буким мактуб аро дурлар қилиб дарж,  
Латойиф<sup>7</sup> нақди кўп айлаб эдинг харж.

---

<sup>1</sup>Туъма — лукма. <sup>2</sup>Сакбон — итбон, итбоқар. <sup>3</sup>Наҳиф — ориқ, озгин.  
<sup>4</sup>Заъф — кучсизлик, ҳолсизлик, касаллик. <sup>5</sup>Дарҳам — чатишган, чирмаш-  
ган, тўпланган, кетма-кет. <sup>6</sup>Марҳам — малҳам. <sup>7</sup>Латойиф — латифалар,  
ажойиб гаплар.

Анинг узрида ожиздур баёним  
Ки, ҳар ҳарфиға бўлсун садқа жоним.

...Манга ул зўру шавкат қайда қолмиш?  
Нафас урғунча қувват қайда қолмиш?

Мен ул мўредурурмен зору ожиз  
Ки, андоқ ажз<sup>1</sup> аро йўқ мўр ҳарғиз.

Илойимда кесак кўҳи балодур,  
Кўзумга пайса<sup>2</sup> ришта<sup>3</sup> аждаҳодур.

Ғамингдиндур манга тобу тавон ҳам,  
Эрур дардинг чекардин кути жон ҳам.

Неча ишқингдин ўлса жисмима зўр  
Ва лекин аждаҳони ишқ этар мўр.

Ва гар худ мўр эрур помоли<sup>4</sup> онинг,  
Хаёл этким, не бўлғай ҳөли онинг?!

...Манга ҳам бор эди экин диёре,  
Диёрим хайли ичра иқтидоре.

Атом шоядки хоқон эрди эркин,  
Неча иқлим уза хон эрди эркин.

Етиб эрди экин бошимга төже,  
Аёғим остиға ҳам тахти өже<sup>5</sup>.

Хитову Чин аро ўн икки минг шахр  
Топар эрди экин ҳукмум била баҳр.

Мунга лойиқ сипоҳу хайлу жоҳим,  
Тариқи салтанатда дастгөҳим.

Етиб чун ишқ хайли турктози<sup>6</sup>,  
Ҳақиқий ишқ йўқ — ишқи мажозий<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup>Ажз — кучсизлик, заифлик, ожизлик, бечоралик. <sup>2</sup>Пайса — майда, ингичка. <sup>3</sup>Ришта — ип. <sup>4</sup>Помол — оёк остида қолган, эзилган. <sup>5</sup>Ож — фил суяги. <sup>6</sup>Турктоз — от қўйиб, тўсатдан босиб келиб, талон қилиш ва талон қилувчи. <sup>7</sup>Ишқи мажозий — худонинг ердаги мажозига (жилосига), яъни одамга ишқ қўйиб, худонинг ўзига бўлган ишқ ҳақиқий ишқ ҳисобламади.

...Азалдин ишк экан бўлса сириштим<sup>1</sup>  
Қазодин дарду меҳнат сарнавиштим<sup>2</sup>

Бу ишда кимга тиги таън уройин,  
Ўзумни, йўқса кимни ёзгуройин<sup>3</sup>?

...Ёзарда номани ҳушумдин оздим,  
Жунундин, ҳеч билманким, не ёздим.

Чу мен девона ўздин эрман огоҳ,  
Не саҳв<sup>4</sup> эттим рақам, астағфируллоҳ...»

Шопур Фарҳоднинг хатини Ширинга келтирди. Ошиқ ва маъшук орасида бундай мактубнависликлар бўлаётганидан хабар топган Хусрав Фарҳод сари олиб борадиган йўлга қоровуллар қўйиб, Шопурни яна бир хат элтаётганда қўлга туширди. Шоҳ Шириннинг хатини Шопурдан тортиб олиб, ўқиб чиқди. Унинг ўзи ҳақида ҳам анча гаплар бор эди:

«...Ки чеккай тиг-у, ургай ишк лофин,  
Мусаллам<sup>5</sup> ким тутар мундоқ газофин<sup>6</sup>.

Қулоқ ишк аҳли солмас бўйла сўзга  
Ки, шахлик ўзгадур, ошиқлик — ўзга!

Керак ошиққа жон — жонон фидоси,  
Тилар ул қилса жонон — жон фидоси.

Агар ошиқ будур, маъдум<sup>7</sup> хушроқ,  
Висол иқболидин махрум хушроқ.

Ҳақ андин асрасунким, бўйла ошиқ,  
Ўзин кўргай мурод авжида фойиқ<sup>8</sup>.

Чу ул мақсуд билмиш ишқдин ком,  
Менинг васлим хаёлидур анга хом...»

Ўйлаб кўрилса, ҳақиқат Ширин томонда эди. Лекин Хусравни салтанат номуси, нафс дарди унга бу борада

---

<sup>1</sup>Сиришт — яратилиш. <sup>2</sup>Сарнавишт — тақдир. <sup>3</sup>Ёзгурмоқ — айбламоқ, оздирмоқ. <sup>4</sup>Саҳв — хато, янглиш. <sup>5</sup>Мусаллам — инкор қилинмай маъқулланган, маъкул. <sup>6</sup>Газоф — беъмани, беҳуда асоссиз сўз. <sup>7</sup>Маъдум — маъжуд эмас, йўқ, йўқ бўлган. <sup>8</sup>Фойиқ — юқори, устун; ғолиб, зарбадаст.

адолатли иш тутушга қўймади. У Шопурни банди қилишга буюрди. Бузург Уммид билан маслаҳатлашиб, Фарҳоднинг бегуноҳлигини билсалар ҳам, макру ҳийла ўйлаб топдилар. Қадди икки букилган, юзларини макрдан ажин босиб кетган бир қари ҳийлагар кампирни Фарҳоднинг олдига юбордилар. Фарҳод уни ўрнидан туриб, салом бериб қарши олди. Фарҳодни ўлдириш топшириғи билан борган бу кампир ёлгонни тўқиб ташлади: «Ўн-ўн беш йилдан бери хилватда тоат-ибодат билан машғул эдим. Лекин Арман юртига Хусрав бостириб келиб, тинчимни бузди. Энди шу тоғ орасидан ёнида чашмаси бор бир одамзоднинг қадами етмайдиган ғор топиб, қолган умримни тинчгина ўтказай деб чиқдим». Фарҳод бу гапларни эшитиб, шод бўлди. Ҳатто кампирнинг оёғини ҳам ўпди. Унга аҳли жаҳоннинг вафосизлиги ҳақида гапирган эди, пайтдан фойдаланиб: «Меҳинбону билан Хусрав ярашди. Хусрав уйланиш ҳақида оғиз очган эди, Меҳинбону жиянини унга беришга розилик билдирди. Лекин бу гапдан Ширин норози бўлиб, ўзини ўзи ўлдирди. Чунки у бир Фарҳод деган йигитни севар экан. Охирида ҳам «Фарҳод! Фарҳод!» дея жон берди»,— деди.

Гиреве<sup>1</sup> тортибон Фарҳоди мазлум,  
Деди: — «Бас қилки, бўлди қисса маълум!

Ғараз<sup>2</sup> гар жон эди, олдинг, ана, ҳой!  
Ўлук тандин не истарсен яна, ҳой?!

Кўнгул қонин ичардин тўйғил эмди,  
Мени ўз меҳнатимга қўйғил эмди!»

Добон қўпти жаҳондин силтабон қўл,  
Адам даштига ҳанжор<sup>3</sup> айлабон йўл.

Бу хунук хабар Фарҳоднинг бағрига гўё ўтқир пичоқ урди. Фигон тортиб, ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин ҳолсизланиб йиқилди. Тошлар узра талпинмоққа — эмаклашга тушди, баданидаги суяклари қисирлаб, синмоққа тушди. Бошларини тошларга уриб, йиғлади. Унинг ҳолига ҳатто тоғ билан водий ҳам мажнунвор йиғлади. Фарҳоднинг тилларидан ўтли сўзлар чиқар эди:

---

<sup>1</sup>Гирев — шовқин-сурон, қийқирик. <sup>2</sup>Ғараз — мақсад, ният, касд.  
<sup>3</sup>Ҳанжор — тартиб, қоида, йўсун, равиш, йўл.

Добон: — «Бошимни янч, эй чархи заркор  
Ким, ул эрмас бу кундин нари даркор!

Кўзум ўй, эй балият қаҳрамони  
Ким, ул кўрмас бу кундин сўнгра они!<sup>1</sup>

Тилим, эй тиги ғам, кес бетаваҳхум<sup>2</sup>  
Ки, эмди истамон ондин такаллум!

Дамим йўлини тут, эй чархи кинхоҳ<sup>3</sup>  
Ки, борди эмди чекмак нолаву оҳ!

Аёғим синдур, эй андуҳ тоши  
Ки, кетти пўядин эмди хароши!<sup>4</sup>

Танимни ғайр куйдургил, демасмен  
Ки, бу дард ўтидин рози эмасмен!

Ажал, кўксумни сар то сар шигоф эт<sup>5</sup>,  
Борурда ранждин кўнглумни соф эт!

Тааб<sup>6</sup>, кўнглумни юз минг пора айла,  
Адам сори борин овора айла!

Фалак, бағримни қил парканд-парканд<sup>7</sup>  
Ки, эмди борди ондин бизга пайванд!

Манга, эй ишқ, ҳамдардона бординг,  
Кусуре қилмадинг, мардона бординг,

Бошимдин эмди, эй ҳижрон ғами, кеч,  
Худо ёрингки, тақсир этмадинг ҳеч!

Таним туфроққа, эй ғам, муттасил қил<sup>8</sup>,  
Неким мендин санга етмиш, биҳил қил<sup>9</sup>!

---

<sup>1</sup>«Они» деганда Ширин кўзда тутилган. <sup>2</sup>Бетаваҳхум — кўркмасдан.  
<sup>3</sup>Кинхоҳ — кек сақловчи, ўч олувчи. <sup>4</sup>Харош — йўниш, тарошлаш; хи-  
риллаш, товушнинг бўғилиши (бу ерда ана шу иккинчи маънода кел-  
ган). <sup>5</sup>Шигоф этмоқ — ёрмоқ, тешмоқ. <sup>6</sup>Тааб — машаққат, қийинчилик.  
<sup>7</sup>Парканд-парканд — парча-парча, бўлак-бўлак. <sup>8</sup>Муттасил қилмоқ—  
туташтирмоқ, қориштирмоқ. <sup>9</sup>Биҳил қилмоқ — кечирмоқ, афв этмоқ.

Тилаб қатлим, бошимдин ошқил, эй ёш,  
Юзумга ҳар не сендин келди, шо бош!<sup>1</sup>

Азимат айла моҳим<sup>2</sup> сори, эй оҳ,  
Қўшай жонимни, қил ўзунга ҳамроҳ!»

Шундан кейин Фарҳод бу ўткинчи дунёнинг ўзи билан бөглик барча жиҳатлари — сахро, водий, тоғ, осмон, метин, теша, атрофидаги даррандалару паррандалар билан видолашди, улардан берган азоблари учун узр сўради, ҳамдардлик, ҳамнафаслик қилганлари учун уларга миннатдорлик билдирди. Умри тугаб бораётганини фаҳм этиб, юрти-ни, ота-онасию яқинларини ёд этди:

Туганган фаҳм этиб умри бақосин,  
Совуғ оҳ урди ёд айлаб атосин.

Аноси ҳам кўзи олиғга келди,  
Кўзидин икки қонлиғ руд<sup>3</sup> очилди.

Фалак бошига урди бир катора<sup>4</sup>  
Ки, то кўксига — бўлди икки пора.

Деди: — «Не ҳол эрур, ҳайҳот-ҳайҳот,  
Нетар жонимни өлсанг, эй ажал, бот?!»

Ўлардин бурна<sup>5</sup> юз ўлмак недур бу?!  
Бошим юз тиғ ила бўлмак недур бу?!»

Куюк танга ёлин<sup>6</sup> урмоқ не эрди?!  
Момуғ<sup>7</sup> узра чоқин урмоқ не эрди?!»

Булар фикри ичимдин урмайин бош,  
Бошим туфроқ аро киргай эди, кош.

Бузуғлуқ, эй фалак, кўргуздунг охир!  
Бузулган хотиримни буздунг охир!

Бу не инсоф эди, эй соқийи даҳр,  
Ўлар чоғда қадах тутмоқ тўла захр?!»

---

<sup>1</sup>Шо бош — яша, офарин, балли. <sup>2</sup>«Моҳим» («ойим») дейилганда Ширин кўзда тутилган. <sup>3</sup>Руд — ариқ, сой. <sup>4</sup>Катора — ўткир қилгич; ханжар. <sup>5</sup>Бурна — бурун, илгари. <sup>6</sup>Ёлин — ёлқин, алаңга. <sup>7</sup>Момуғ — чигит-сиз пахта, чигити олинган пахта.

Ўлук бошига тиг урмоқ не яъни,  
Бир-ўқ бас, бедариг, урмоқ не яъни?!<sup>1</sup>

Чу бу шўробага етти ниҳоят,  
Деди аччиғ-ачиғ йиғлаб бағоят

Ки: «Эй боди сабо<sup>1</sup>, тенгри учун кўп,  
Етиб Чину Хито мулкига ер ўп!

Деман, ҳоқон қошида бу ўғулдин  
Ки, ғурбат ичра ўлган хаста қулдин.

Қуюндек садқа қил аввал ўзунгни,  
Чу бўлдинг садқа, мундоқ де сўзунгни

Ким, ул оворайи бехонумонинг,  
Бағир хунобидин бир қатра қонинг,

Итиб, оламда ҳирмон<sup>2</sup> бирла ўлди,  
Юзунгни кўрмай армон бирла ўлди.

Не қонлар юкти бағридин ёшиға,  
Не ишлар тушти гардундин бошиға.

Бўлуб афсуну макру ҳийлатангез,  
Анга не зулмларким қилди Парвез.

Агар тузлук била топса ҳисобин,  
Берур эрди минг андоқнинг жавобин.

Ва лекин эгриликни айлаб ойин,  
Ясаб юз навъ ёлғон, ўйлаким чин.

Бировким хилқатин қилди қазо рост,  
Қилур бовар<sup>3</sup>, неча сўз бўлса норост.

Манга, не дейки, ул кофир не қилди,  
Қазодин эрди қилди ҳар не қилди.

Будур комимки, Баҳроми диловар  
Ки, бор эрди манга ул ёру ёвар<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup>Боди сабо — тонг шамоли. <sup>2</sup>Ҳирмон — маҳрумлик, бебаҳралик. <sup>3</sup>Бовар қилмоқ — ишонмоқ. <sup>4</sup>Ёвар — ёрдамчи, мададкор.

Чериклар жамъ айлаб бемудоро<sup>1</sup>,  
Бу ён қилса азимат ошкоро.

Қиличи тўйғариб Хусравни жондин,  
Тиласа бегунаҳ қонимни ондин!

Эшитгач шоҳ бу ўтлуғ фасона,  
Агар бошидин урса ўт забона,

Ямон аҳволима айлаб яқо чок,  
Ўзин туфроғларға урса бебок,

Қўшуб йиғлоса бу оворасини,  
Қаю овора, бағри порасини,

«Бўтам!» — деб гоҳ бўзлаб, гоҳ ўкурса,  
Жафо тошин синук кўксига урса,

Ер узра тожини урмоққа қўйма,  
Тепиб тахтини синдурмоққа қўйма!

Дегил мендинки: — Эй шоҳи жаҳонгир,  
Топилмас тенгри тақдирига гадбир.

Менинг ишқ эрмиш аввалдин сириштим<sup>2</sup>,  
Яна ғурбатда ўлмак сарнавиштим<sup>3</sup>,

Не ҳақ ёзғанни кўрмай чора борму?!  
Давойи бўлмаин овора борму?!

Бу иш гар олинга ҳукми қазо бер,  
Не иш ҳақдин қазо бўлмиш, ризо бер!

Мени гар умрдин чарх этти навмид,  
Жаҳон мулкида бўлсун шоҳ жовид.

Йиқилса ҳужра — бўлсун каср обод,  
Қуруса сабза — бўлсун сарв озод.

Аномға бу хабардин тушса ошуб,  
Ғамимдин хора узра бўлса саркўб<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup>Бемудоро (бемадоро) — мурасасиз, келишмасдан, тортинмай. <sup>2</sup>Сиришт — яратилиш, табиат, хулқ. <sup>3</sup>Сарнавишт — тақдир, пешонага ёзилган. <sup>4</sup>Саркўб — бош янчувчи, урувчи.



Жаҳонға ўт солиб ғавғоси ҳар ён,  
Етардек бўлса вовайлоси ҳар ён,

Бу ваҳшийга хитоб этса: «Кўзум!» — деб,  
Бу бекасни соғинса: «Ёлғузум!» — деб.

Анингдек бўлса шўру изтироби  
Ки, бўлса бартараф буркаъ<sup>1</sup> хижоби<sup>2</sup>.

Қилибон ёд ғампарвардасидин,  
Югурса — чикса тўққуз пардасидин,

Добон: — Эй риштаи жонимга пайванд!  
Узорин айласа парканд-парканд.

Сочидин бўлса юлмоқ бирла маҳжур<sup>3</sup>  
Ки, Чинда бўлса мушк ўрнида кофур.

Дамимдин дуд олиб кетгайсен охир,  
Халойиққа хижоб этгайсен охир!

Дөгайсен: — Эй юзунг руҳум ғизоси<sup>4</sup>,  
Изинг гарди кўзумнинг тўтиёси!

Манга бас эрди бу дарди ғамандуд  
Ки, то тенгри вужудим қилди мавжуд,

Буким сен беҳад эрдинг орзуманд  
Ки, бўлғай мунисинг бир турфа фарзанд.

Ғамимдин бўлмадинг бир лаҳза дилх (в) аш,  
Ҳамиша бор эдинг зору мушавваш<sup>5</sup>.

Гар атфол<sup>6</sup> этса майли сабзаву боғ,  
Кичикдин эрди қисмим дард ила доғ.

Менинг дардимга қолиб жисми зоринг,  
Менинг доғимдин ўртанмак шиоринг.

---

<sup>1</sup>Буркаъ — юзга тутиладиган парда, ниқоб. <sup>2</sup>Хижоб — парда. <sup>3</sup>Маҳжур — ҳажрда қолган, айриликда қолган. <sup>4</sup>Ғизо — овқат, озиқ, егулик. <sup>5</sup>Мушавваш — ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон. <sup>6</sup>Атфол — болалар.

Тилаб ёкут, лахти хора<sup>1</sup> топтинг,  
Тилаб хуршид, оташ пора<sup>2</sup> топтинг.

Улуғ бўлган сойи бечора бўлдум,  
Диёру мулкдин овора бўлдум.

Манга оворалиғ то чарҳ берди,  
Фироқимдин ишинг ўртанмак эрди.

Бас эрмас эрди умре куймакинг бас,  
Куюб-куюб, кул ўлдунг ўйлаким хас.

Бу хусрон<sup>3</sup> баски, чун ғам руди туздум,  
Сиришким селидин каъбамни буздум.

Буким мен — мен, манга ўлмак дағи ҳайф,  
Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф.

Сен ар<sup>4</sup> дардимдин ўлсанг ранжфарсой,  
Манга ул ранжу ғамдин вою юз вой!

Мени розилиғингдин қилма навмид,  
Манга дўзах ўтини солма жовид...»

Шундан сўнг Фарҳод Мулкоро, Баҳромга айтадиган гапларини боди сабога таъйинлади, унга мен учун қурилган тўрт фаслга мос қасрларга кирсанг, мендан салом айт, деб уқтирди, устози Монийни ёдга олди, Қоранни эслади, Шопурдан узрхоҳликлар илтимос қилди. Кейин жонони исмини тилга ола-ола, жонони учун жон таслим қилди...

Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммага етди. Хусрав қилган ишидан, бир томони, қувонса, энди Ширин меники бўлиши мумкин, деб ўйласа-да, бир ёқдан, кўркувдан безовта эди: «Қилган ишим учун худодан жазо топсам-чи?!» — деб кўрқар эди. Нафсининг талаби билан унинг жаҳли ғолиб келиб, Фарҳодни ўлдириш йўлини қилган эди. Гарчи ичида баъзан қилганига пушаймон бўлса ҳам, нима бўлса-бўлди, деб яна совчилар юборди. Совчилар Меҳинбонуга зиёни бор ишдан қайтиб, рози бўлишга ундадилар. Бу орада Ширин бир неча бор заҳар ичишга, ўзини ўтга ташлашга уриниб кўрди, лекин одамлар кўриб қолиб,

<sup>1</sup>Лахти хора — қаттиқ тош бўлаги. <sup>2</sup>Оташ пора — олов парчаси.  
<sup>3</sup>Хусрон — зарар, зиён. <sup>4</sup>Ар — «агар» сўзининг қисқарган шакли.

уни бу йўлдан қайтардилар. Меҳинбону шундан кейин унга бир неча қоровул қўйиб қўйди.

Меҳинбону, қараса, аҳвол чатоқ. Шу Ширинни деб халқ шунча азоб кўрди. Яна оёқ тираб тураверса, халқ охири ўзи Хусравга кўрғонни очиб беради. Шунинг учун кўп ўйлаб, Ширинга фикрини айтди:

Кириб Ширин қошига очти розин,  
Фалакдин ошуруб сўзу гудозин<sup>1</sup>

Ки: — «Эй жисмимга, бал жонимга пайванд,  
Юзунга жисму жоним орзуманд!

Бир ишдурким такаллум сурса бўлмас,  
Нетайким, они ҳам ёшурса бўлмас.

Улус бу навъ дейдурлар ҳикоят...» —  
Тамомин айлади бир-бир ривоят.

Деди Ширинки: — «Эй қути<sup>2</sup> ҳаётим,  
Дегумдур, гарчи монёдур уётим.

Манга жуфт ул — улуснинг фарди эрди  
Ки, кўнглум қути онинг дарди эрди.

Чу кетти жуфтдин ул токи офоқ,  
Нечук мен жуфт кўзлай, ул бориб тоқ?!<sup>3</sup>

Вафо аҳли иши мундоқ бўлурму?!  
Вафо айлар киши мундоқ бўлурму?!<sup>4</sup>

Фироқида бу кунлук-тонглаликмен<sup>5</sup>,  
Гамидин ўйлаким су(в)сиз балиқмен.

Балиқ ҳоли бу бўлғай су(в)дин айру  
Ки, толпинмоқдин ўлғай истабон су(в).

Анинг ҳажрида толпинмоқ ишимдур,  
Чу толпиндим, ўлуб тинмоқ ишимдур.

Манга йўқ чун тирикликнинг фалоҳи<sup>6</sup>,  
Сиз айланг улча бўлғай эл салоҳи<sup>5</sup>.

<sup>1</sup>Гудоз — эрувчи, қуювчи. <sup>2</sup>Қут — емак, овқат, озик. <sup>3</sup>Бу кунлик-тонглалик — бутунлик-эрталик. <sup>4</sup>Фалоҳ — қутулиш, халос бўлиш, нажот. <sup>5</sup>Салоҳ — яхшилиқ.

Улусга кўп шиканжу ранж<sup>1</sup> бердим,  
Мен арчи бермадим, бойис мен эрдим...»

Шириннинг бу розилигидан — халқни ўйлаб, Хусравга турмушга чиқишга кўнганидан кувониб кетган Меҳинбону дарҳол чиқиб, Хусравдан келган совчиларга бу хушхабарни етказди. Лекин, деди у, ҳозир Ширин касалманд, бир ётиб-бир туриб юрибди, тузалиб кетгунича кутилса. Бундан ташқари, шоҳ бир кечирим хати йўллаб, халқни қамалдан озод этса... Шундан кейин шаҳар дарвозалари очилди. Қамалган эл қафасдан чиққан қушдай сездилар ўзларини.

Табиблар Ширинни кўриб, ҳаво алмаштириши лозимлигини айтдилар. Меҳинбону шоҳдан Арман шимолидаги, тоғ устидаги Ширин истаги билан Фарҳод бунёд этган боғ сайри учун розилик сўради. Минг Хусравдекнинг юз йилда ҳам кўлидан келмайдиган бу қаср ва унга борадиган ариқни Фарҳод пайдо қилган эди. Шунинг учун, ҳеч ёқмаса ҳам, Хусрав, ноилож, розилик берди.

Ширинни махсус қажавага солиб, ўша тоғдаги қаср сари элтаётганларида Хусрав аскарларининг бари куёш атрофидаги зарралар каби уни томоша қилишга чиққан эди. Улар орасида тахт вориси — шаҳзода Шеруя ҳам бор эди. У Ширинни кўрди-ю, ошики беқарор бўлди-қолди. Кеча-кундуз Ширин васлига қандай етишни ўйлади. Охири, отани ўлдириб, ҳам унинг тахтигаю ва ҳам Ширин васлига етишни ният қилди. У отаси билан аввалдан ҳам келишмас эди. Хусравнинг зулми ҳам ҳаддан ошганидан халқ орасида ҳам унга қаршилар кўп эди. Улар Шеруянинг фикрига қўшилдилар. Шеруя отасини ўлдирди. Йўқ, Шеруя эмас, Навоий фикрича, даврон Хусравдан Фарҳоднинг қонини талаб қилди! Кимки бировга офат еткарса, унга боққан бало ҳам бор-да!

Шеруя Меҳинбонуга Ширин учун оғиз солди. Меҳинбону бу борада энди Шириннинг инон-ихтиёри ўзидалигини айтиб, унинг ўзи билан гаплашиш маслаҳатини берди. Шеруя бутун дардини Ширинга совчи орқали еткарди. Ширин эса Шеруядан келган вакил орқали Фарҳод учун аза очишга рухсат сўради. Шоҳ кўнмаса, мени ўлик ҳолда топади, деб ҳам қўйди. Шеруя бу гапларга кўнди.

Шопур бир гуруҳ одамлар билан бориб, тоғда Фарҳод жасадини топди. Шириннинг буйруғи билан уни Ширин-

---

<sup>1</sup> Шиканжу ранж — кийноқ ва азоб.

нинг кажавасига солиб, шоҳона ҳурмат билан ўзи курган қасрга олиб келдилар. Ширин бундан хабардор қилингандан кейин у Меҳинбонуга шундай деди:

Деди Бонуға: — «Будур илтимосим  
Ки, бир дам тутмағайлар халқ посим<sup>1</sup>»

Ки, ул ёреки маҳрум эрдим ондин,  
Тўюб эрдим гамида хаста жондин,

Эшитган бирлаким Ширин ўлубтур,  
Менинг дардимдин ул мискин ўлубтур.

Вафодин қилмамиш ишқимда тақсир<sup>2</sup>,  
Бу дам навбат манга етмиш, не тадбир?!<sup>3</sup>

Гар ул ишқимда ҳирмон<sup>3</sup> бирла кетти,  
Вале ишқи камолин собит этти.

Манга ҳам бор эди ишқида лофе,  
Тилармен бўлмағай лофим газофе.

Вафода ул ўз инсофини олмиш,  
Ул айлаб ўз ишин, иш бизга қолмиш.

Умидим улки, етгай ўйла ҳолат  
Ки, меҳмондин манга етмай хижолат,

Вафосин жонда пинҳон айлағаймен,  
Нисори<sup>4</sup> мақдами жон айлағаймен.

Агарчи бор эдим Бонуға ётлик,  
Ўлар дамда уётликмен-уётлик».

Биҳиллик<sup>5</sup> истабон ер ўпти филҳол<sup>6</sup>,  
Қилурға азми хилват кўпти филҳол.

Юруб уй сори, жондин юб иликни,  
Қириб руст этти<sup>7</sup> ичкардin эшикни.

---

<sup>1</sup>Пос — қўриқлаш, сақлаш. <sup>2</sup>Тақсир — қусур, камчилик. <sup>3</sup>Ҳирмон — маҳрумлик, бебахралик, бенасиблик. <sup>4</sup>Нисор — сочиш, сочқи. <sup>5</sup>Биҳиллик — кечириш, афв этиш, бағишлаш. <sup>6</sup>Филҳол — дарров, тезда, дарҳол. <sup>7</sup>Руст этмоқ — маҳкамламоқ, мустаҳкам қилмоқ, қулфламоқ.

Малолат қолмайин кўнглида чандон,  
Хиром этти амори<sup>1</sup> сори хандон.

Чу ул маҳд<sup>2</sup> ичра кирди сарви гулрў,  
Кўрарким элтмиш меҳмонни уйку.

Мунунгдек уйкуниким кўрди жовид  
Ки, уйгонмай етиб бошига хуршид.

Бу янглиғ уйку кўргач сарф чолок<sup>3</sup>,  
Анга ҳамхобалиқ<sup>4</sup> килди ҳаваснок.

Кўюбон рўй-баррў<sup>5</sup>, дўш-бардўш<sup>6</sup>,  
Бўлуб ўз бедили бирла ҳамоғуш.

Кўнгулдин шуълалиқ оҳе чиқорди,  
Кўзи ҳамхобадек уйкуға борди.

Не уйку, кимса андин қонмас уйку,  
Қиёматқа дегин уйгонмас уйку!

Бу бўлса уйку, уйгонмоқ не яъни,  
Мунунгдек уйкудин қонмоқ не яъни?!

Меҳинбону ва унинг одамлари қоронғи тушгунча Ширинни кутдилар. Лекин ундан дарак бўлмагач, эшикни бузиб ичкари кирдилар. Кўрсалар, ошиқ билан маъшук юзи юзига, кўзи кўзига қўйилганча, печакгулдек иккиси бири-бирига қирмашиб ётибди. Уларнинг жисми бу ерда қолган, холос, руҳлари эса фалакда бирлашиб кетган эди. Меҳинбону бу аҳволни кўриб, жон берди.

Ғаму кулфатда қолган кишилардан қирқтачаси ўша кечаси бир хил туш кўрибди. Тушларида жаннатда бир осмонча келадиган бир боғ намоён бўлибди. Боғ тўрида бир олий қаср бор эмиш. Қаср айвонида эса нурдан бир тахт. Унда Фарҳод билан Ширин ўтирибди эмиш. Улар олдида Фарҳоднинг ота-онасию Меҳинбону ҳам бор эмиш. Одамлар булар қайси тақвою тоати учун бундай бахтга мушарраф бўлганлигини сўрашганда, жаннат посбони шундай жавоб берибди:

<sup>1</sup>Амори — одам ташиш учун туя ёки филга ортиладиган кажава.  
<sup>2</sup>Маҳд — кажава. <sup>3</sup>Чолоқ — келишган, шинам. <sup>4</sup>Ҳамхоба — бирга ётган киши. <sup>5</sup>Рўй-баррў — юзма-юз, юзни юзга қўйиб. <sup>6</sup>Дўш-бардўш — кифт-ма-кифт, кифтни кифтга қўйиб.

Деб эрмиш хозини<sup>1</sup> жаннатки, Фарҳод  
Жаҳонда ишк тарҳин солди бунёд,

Анингдекким, кечиб султонлиғидин,  
Жаҳон мулки ичида хонлиғидин,

Муроду орзудин тортибон қўл,  
Ҳавойи нафс сори тутмайин йўл,

Бўлуб маъшуқидин ҳирмон била хуш,  
Балову меҳнати ҳижрон била хуш,

Вужудин ўртаб оташнок ишқи,  
Солиб ўт олам ичра пок ишқи.

Кечиб аввал диёру хонумондин<sup>2</sup>,  
Вале сўнгра жаҳондин, балки жондин.

Ўтар дам ўйла фоний бўлди мутлақ  
Ким, ул ишқини боқий айлади ҳақ.

Вужудин ўртаб ул сўзу<sup>3</sup> тудози<sup>4</sup>,  
Ҳақиқатқа бадал бўлди<sup>5</sup> мажози<sup>6</sup>.

Тутуб соқийи ваҳдат<sup>7</sup> жоми тавфиқ<sup>8</sup>,  
Насиби айлади ҳақ роҳи таҳқиқ<sup>9</sup>.

Бақо шаҳрида султонликқа етти,  
Ҳақиқат мулкида хонликқа етти.

Фарҳоднинг отаси билан онаси ҳам ўғиллари фироқида вафот этиб кетган эдилар. Фарҳоду Ширин билан бирга Меҳинбоную Фарҳоднинг ота-онаси ҳам жаннат боғига мушарраф бўлган эдилар. Хитою Чин мамлакатига Фарҳоднинг амакиси хон бўлган, Баҳрём эса лашкарбоши эди. Фарҳоднинг Арман қизи — Ширинга ишқи ҳақидаги

<sup>1</sup>Хозин — казиначи, посбон, қўриқбон. <sup>2</sup>Хонумон — уй-жой. <sup>3</sup>Сўз — куйиш, ёниш. <sup>4</sup>Гудоз — эрувчи, куювчи. <sup>5</sup>Бадал бўлмоқ — алмашинмоқ. <sup>6</sup>Байтда ишқи мажозий (яъни Фарҳоднинг Ширинга ишқи) ишқи ҳақиқийга (худога ишққа) айлангани ҳақида гап борапти. <sup>7</sup>Ваҳдат — бирлик, худо билан бирлашиб кетиш. <sup>8</sup>Тавфиқ — мувофиқланиш, уйғунлик. <sup>9</sup>Таҳқиқ — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш.

афсоналар унинг юртига ҳам етиб келган эди. Баҳром хондан Арман юртига Фарҳодни излаб бориш истаги билан кириб, ундан рухсат олди. Лашкар тортиб, Арман диёрига борди. У ерда Шопурни топиб, у билан гаплашди, йиғлаб-йиғлаб кўришдилар.

Баҳром Шеруяни сўраттирди. Шеруя Шопурга Фарҳоднинг ўлимига сабабчи эмаслиги, ҳатто унинг қотили отаси бўлса ҳам, уни ўлдирганини тушунтирди. Баҳромнинг талаби билан Шеруя отаси Арман мамлакатига етказган зиёнлар учун хазинадан товон тўлаб, лашкарини олиб, юртига қайтди. Арман мамлакатига Меҳинбонунинг шоҳликка лойиқ бир қариндошини шоҳ кўтарди.

Шундан сўнг Баҳром ўзи билан келган Хитою Чин лашкарларига ҳам нақду ганжлар улашиб, юртларига қайтарди, ҳокимга: «Фарҳоду Баҳром бир-бирини топди,— деб айтинглар»,— деб таъйинлади. Ўзи эса Шопур билан Фарҳоднинг қабрида мужовир (яъни тургун яшаб қолувчи) бўлди. Улар фонийликни қабул қилганларидан кейин бако файзи ета бошлади.

Навий шаҳзода Фарҳоднинг Ширинга ишқи хақидаги достони воқеасини тугаллар экан, асарга замона подшоҳи—Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодир мадҳига бағишланган махсус боб киритади, унга кўп насихатлар қилади, гўё унга «Фарҳоду Ширин»да қаламга олинган воқеалардан хулоса чиқар, демокчи бўлади.

Достоннинг сўнги — 54-бобида шоир буюк бир ижодкор янглиғ ўз ички дардларини баён этади, ажиб фахриялар битади. Унда шундай байтларни ҳам ўқиймиз:

Йигирми тўрт соат кеча-кундуз,  
Йигирми тўрт дам урсам нафас туз<sup>1</sup>

Ки, андин вақтима етса ҳузуре,  
Бировдин топмаса кўнглум футуре.

Рақам қилган паришон номалардин,  
Ёзилган рабти<sup>2</sup> йўқ ҳангомалардин,

Ҳамоно тезтак айлаб қаламни,  
Равонроқ торга олғаймен рақамни.

Ҳам ўлғай бу рақамдин санъате кўп,  
Ҳам ўлғай санъатида диққате кўп.

<sup>1</sup>Туз — тўғри. <sup>2</sup>Рабт — интизом, тартиб.



Ва гар толеъ бўлуб куллий<sup>1</sup> мададгор  
Ки, бўлмай ахтари<sup>2</sup> бахтим ҳасадгор,

Фароғат кунжида бир гўша тутсам,  
Мени эл, мен доғи элни унутсам.

Бори ашғолдин шаҳ тутса маъзур  
Ки, бўлсам сўз демак шуғлиға<sup>3</sup> маъмур<sup>4</sup>.

Яна шоҳ илтифоти бўлса гаҳ-гоҳ  
Ки, бўлса назм ё нозимдин<sup>5</sup> огоҳ.

Сўзумга гаҳ бериб ислоҳдин зеб,  
Гаҳи инъоме этса сўзга тарғиб.

Деёлмасменки, Хусрав ё Низомий  
Ва ё назм аҳлининг сархайли<sup>6</sup> Жомий.

Нечукким чектилар тил ханжарини,  
Саросар олдилар сўз кишварини.

Алар ўтрусида<sup>7</sup> мен ҳам чекиб тиг,  
Чекарга сўз синони<sup>8</sup> қилғамен биг,<sup>9</sup>

Вале ҳақ лутфиға элтиб паноҳе,  
Шаҳ иқболидин истаб такъягоҳе.

Деёлгайменки кўп айлаб тазарру<sup>10</sup>,  
Буларға айлай олгаймен татаббу<sup>11</sup>

Ки, арз этсам манга етмай малолат,  
Ҳаводоримға юзланмай хижолат.

Бўлуб аҳсанта<sup>12</sup> лафзи элга ойин<sup>13</sup>,  
Етишгай шаҳдин эҳсон, доғи таҳсин.

---

<sup>1</sup>Куллий — улуғ, умумий. <sup>2</sup>Ахтар — юлдуз. <sup>3</sup>Шуғл — шуғулланиш.  
<sup>4</sup>Маъмур — бирор ишга амр этилган, буюрилган. <sup>5</sup>Нозим — назм битув-  
чи, шоир. <sup>6</sup>Сархайл — бошлиқ, етакчи, йўлбошчи. <sup>7</sup>Ўтру — қарши, рў-  
пара. <sup>8</sup>Синон — найза учи, ўткир найза; сўз синони — тил найзаси,  
аччиқ сўз. <sup>9</sup>Биг — жазм, қасд, ният. <sup>10</sup>Тазарру — ялиниш, ёлвориш,  
илтижо. <sup>11</sup>Татаббу — ўхшатма, назира. <sup>12</sup>Аҳсанта — қойил, таҳсин,  
офарин, балли. <sup>13</sup>Ойин — расм, одат, равиш.

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,  
Қадам Рум ақлига ҳам қилса ранжа,

Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,

Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса кўси<sup>1</sup> шавкат,

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ<sup>2</sup> менингдур.

Олибмен тахти фармонимга осон,  
Черик<sup>3</sup> чекмай<sup>4</sup> Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз  
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,  
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон<sup>5</sup> йибордим.

Бу девон тутти ул кишварни андоқ  
Ки, девон<sup>6</sup> тузмагай дафтарни андоқ.

Неча дафтар қаро қилгаймен охир,  
Жиҳатсиз моҷаро қилгаймен охир.

...Кетув соқий, анга бир дўстгони<sup>7</sup>  
Ки тутгай дўстларга дўст они!

Манга тутқилки, сўзни кўтаҳ эттим<sup>8</sup>,  
Тинай бир лаҳза чун манзилга еттим.

---

<sup>1</sup> Кўс — катта ноғора. <sup>2</sup> Худ — албатта, ҳақиқатан. <sup>3</sup> Черик — лашкар. <sup>4</sup> Чекмак — тортмоқ. <sup>5</sup> Девон — шеърлар тўплами: бунда ҳар бир шеър араб алифбосидаги ҳарфлар тартиби билан жойлаштирилади, бунда қофия ё радифдаги охириги ҳарф ҳисобга олинади. <sup>6</sup> Девон — давлат ишларини ҳужжатлаштириб борадиган маҳкама. <sup>7</sup> Дўстгони — дўстона; бу ерда дўстлик рамзи сифатида қадаҳ тутиш маъносида. <sup>8</sup> Кўтаҳ этмак — қисқа қилмоқ, қисқартмоқ, тугатмоқ.

## ЛАЙЛОВУ\* МАЖНУН

(Парча)

Баҳор фарроши нафас-нафас эсган насимлар<sup>1</sup> пувла-  
маки била лола чароғин ёрутқанда ва саҳоб<sup>2</sup> мушаъбиди<sup>3</sup>  
лаҳза-лаҳза тушган чоғин чушкурмакидин тоғ димоғин  
курутқанда ул кўзин ҳусн чароғи ёрутқан ва димоғин ишқ  
савдоси қурутқанининг гулруҳлар била боғ тавфиға<sup>4</sup> азм  
этгани ва Лайло ҳусни гулининг насими димоғиға етиб, бир  
йўли ўзидин кетгани

Меҳр<sup>5</sup> истади чун ҳамал<sup>6</sup> фароғи,  
Дашт узра бутар кўзи қулоғи<sup>7</sup>.

Гул шамъи ҳавойи гулшан айлар,  
Гулшанни фуруғи равшан айлар.

Тўти бўлуриға чарх этар завқ  
Ким, қавси кузаҳни<sup>8</sup> айлагай тавқ<sup>9</sup>.

Гар тўти ўлурға қилмас оҳанг,  
Айлар нега ерни тўтаги<sup>10</sup> ранг.

Ё тўти ўлуб сипеҳри хазро<sup>11</sup>  
Бўлур анга жўжа фарши ғабро<sup>12</sup>.

Аъзосидаким бутуб янги пар,  
Тутқан бори ерни сабзайи тар<sup>13</sup>

---

\*Араб ёзувида айрим сўзлар охиридаги «о» товуши «ё» ҳарфи билан ифодаланади, яъни «Лайли», «Иси», «Муси» тарзида ёзилади-ю, «Лайло», «Исо», «Мусо» тарзида ўқилади. Фақат «майли», «туфайли» каби сўзларга қофия бўлиб келса, «Лайли» деб ўқиш кераклиги учун қофияда «Лайли» тарзида қолдирдик. <sup>1</sup>Насим — шамол. <sup>2</sup>Саҳоб — булут. <sup>3</sup>Мушаъбид — кўгирчоқбоз, масҳарабоз. <sup>4</sup>Тавф — айланиш, сайр. <sup>5</sup>Меҳр — қуёш. <sup>6</sup>Ҳамал — эски ҳисобда йилнинг биринчи оyi, 22 мартдан бошланади. <sup>7</sup>Кўзи қулоғи — илк баҳорда даштда униб чиқадиган ўсимлик. Бу байтда «кўзи қулоғи» икки маънода келган, чунки наврўз пайтларида даштда кўзиларнинг қулоғи ҳам кўринади, яъни улар тугила бошлайди. <sup>8</sup>Қавси кузаҳ — ўқ-ёй, камалак (баҳор чоғларида осмонда ранг-баранг бўлиб, ўқ-ёй шаклида кўринадиган қуёш шуъласи). <sup>9</sup>Тавқ — қушлар бўйнидаги ҳалқага ўхшаш чизик. Шоир баҳорни яшил рангли тўтига, камалакни ўзинг бўйнидаги чизикқа ўхшатапти. <sup>10</sup>Тўтаги — яшил, тўти ранги. <sup>11</sup>Хазро — яшил, кўкимтир. <sup>12</sup>Ғабро — ер; фарши ғабро — тупроқ тўшам, ер юзи. <sup>13</sup>Тар — ҳўл, янги.

Тун-кунни қилур бинафш сизган<sup>1</sup>,  
Кофур<sup>2</sup> ила мушкдин<sup>3</sup> соқизгон<sup>4</sup>.

Сориг гул уза сабуҳи<sup>5</sup> ёмғур,  
Олтун табақ ичра кўзгузур дур.

Ёхуд ярақон ўтин қилиб тез,  
Сориг юзига бўлур арақрез<sup>6</sup>.

Марз<sup>7</sup> узра кияр себарга жавшан<sup>8</sup>,  
Шашпар<sup>9</sup> кўтарар бошига савсан<sup>10</sup>.

Ғунча боши узра кўргузур худ,  
Ях тиғи қилур чаманни падруд<sup>11</sup>.

Мева йиғочиға сийм ўқулур,  
Андоққи дирам<sup>12</sup> аро кўмулур.

Илгин кўрубон чинор холи,  
Куйдурур ичин дирам хаёли.

Тоғ бағрида сел йўққи, ҳар тош  
Фарҳод фироқидин тўкар ёш.

Сахрода не лола бўлса барбод,  
Парвез кулоҳидин берур ёд<sup>13</sup>.

Ҳар ғунчайи лола ҳуққайи лаъл<sup>14</sup>,  
Очилса ливода<sup>15</sup> шуққайи лаъл<sup>16</sup>.

Чун барги тушарга майл қилди,  
Бағри қаро<sup>17</sup> дашт уза ёйилди.

<sup>1</sup>Сизган — чизган. <sup>2</sup>Кофур — оқ модда (камфара). <sup>3</sup>Мушк — кийикнинг киндигида йиғиладиган хушбўй қора модда. <sup>4</sup>Соқизгон — зағизгон, зоғча. <sup>5</sup>Сабуҳи (й) — эрталабки, тонги. <sup>6</sup>Арақрез — тер тўкувчи. <sup>7</sup>Марз — ер. <sup>8</sup>Жавшан — совут; бу ерда себарга деган ўтнинг совут кийгандек кўрениши ҳақида сўз боряпти. <sup>9</sup>Шашпар — олти киррали гурзи. <sup>10</sup>Савсан — гули сафсар, кўгагул. <sup>11</sup>Падруд — видолашиш, хайрлашиш. <sup>12</sup>Дирам — кумуш танга. <sup>13</sup>Бу ерда «Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳоднинг Хусрав Парвез кулоҳини уриб туширганига ишора қилин-япти, ҳар бир барбод бўлган лола ўша кулоҳга ўхшатиляпти. <sup>14</sup>Хуққайи лаъл — лаъл солинган қутича, лекин одатда лабни ҳуққайи лаъл деб таърифлаш анъанаси бор, бу ерда ҳам ғунчалар кип-қизил лабга ўхшатиляпти. <sup>15</sup>Ливо — байроқ, туг. <sup>16</sup>Шуққайи лаъл — байроқ бошидаги қизил парча; очилган гул шунга қиёсланган. <sup>17</sup>Бағри қаро — қушнинг номи.

Дашт узраки сайр ўлур сабоға,  
Бағри қаролар учар ҳавоға.

Су(в) ичра бинафша ҳар замоне,  
Сўна<sup>1</sup> бошидин берур нишоне.

Ёш ғунчаға истамак бўлуб иш,  
Жола<sup>2</sup> тушуб оғизға бўлур тиш.

Ё ғунчаки кулгусин узотур,  
Даврон тоши оғзини қонотур.

Ҳар балбалани<sup>3</sup> қилур маконе,  
Турна кўзию тазарв<sup>4</sup> қони.

Наргис<sup>5</sup> олур ўлса бодадин ком,  
Норанж<sup>6</sup> терисидин ясар жом.

Насрин<sup>7</sup> барги тўкулса сахбо<sup>8</sup>,  
Кўп ёғини айлар ошқоро.

Занбақ<sup>9</sup> варақи аро сепар мушк  
Ким, атри димоғини қилур хушк<sup>10</sup>.

Гўё тутулуб шамими<sup>11</sup> чоғи,  
Боғ ичра бинафшанинг димоғи.

Дол<sup>12</sup> ўлди димоғи заъфиға бу  
Ким, шабнам бирла оқизур су(в)

Шудрун тўкулуб чаман қилур фош,  
Хашхош<sup>13</sup> гули юзида хашхош.

Ҳар кушқина жуфти бирла пуржўш<sup>14</sup>  
Ҳампар бўлур учса, қўнса — ҳамдўш<sup>15</sup>.

---

<sup>1</sup> Сўна — ўрдакнинг эркаги. <sup>2</sup> Жола — дўл. <sup>3</sup> Балбала — май кўзачаси.  
<sup>4</sup> Тазарв — тустовуқ (ёввойи товук), қирговул. <sup>5</sup> Наргис — гулнинг бир тури; «Наргиза» исми ҳам шундан, асли — «Наргиса» бўлган. <sup>6</sup> Норанж — нордон, апельсин. <sup>7</sup> Насрин — оқ очиладиган бир туп гул. <sup>8</sup> Сахбо — қизил май. <sup>9</sup> Занбақ — танаси ва барги узун, пиёз тубли хушбўй гул; пиёзгул. <sup>10</sup> Хушк — қуруқ. <sup>11</sup> Шамим — хуш ҳид. <sup>12</sup> Дол — араб алифбосидаги «д» ҳарфининг номи; адабиётда у шаклига қиёсан, «эгилган», «эгик» маъноларида ҳам қўлланади. <sup>13</sup> Хашхош — кўкнори ўсимлиги.  
<sup>14</sup> Пуржўш — завқди, шод. <sup>15</sup> Ҳамдўш — елкама-елка, ёнма-ён.

Баргеки бўлур йигочқа хилъат<sup>1</sup>  
Кушларға бўлур мақоми хилват.

Ҳар хайлки рафъ этиб надамни<sup>2</sup>,  
Сахро сори кўйсалар қадамни,

Чун азми шароби ноб этарлар,  
Жайран кўзисин кабоб этарлар.

Бу фаслда ул гуруҳи чолок<sup>3</sup>,  
Гулшанға ёйилдилар тарабнок<sup>4</sup>.

Боғи эди равзадин<sup>5</sup> нишона,  
Шом аҳли ясаб нишотхона<sup>6</sup>.

Ҳар нахли фалакка тегуруб бош,  
Парвин<sup>7</sup> била хўша<sup>8</sup> айлабон фош.

Нажд<sup>9</sup> этагидин чиқиб булоғи  
Ким, тоза бўлуб бу навъ боғи.

Даврон тоши эмди они кўммиш,  
Ул чашма суйин кўзини юммиш.

Асқобға<sup>10</sup> майли лолаву боғ,  
Ул икки<sup>11</sup> ичинда лоладек доғ.

Асқобға ғунча сори оҳанг,  
Бу икки нечукки ғунча дилтанг.

Ишқ ичра неча этиб малоли,  
Маҳваш қилур эрди забт ҳоли.

Бедилға<sup>12</sup> бу ҳифз<sup>13</sup> мушқил эрди  
Ким, ҳуш ила ақли зойил<sup>14</sup> эрди.

---

<sup>1</sup>Хилъат — кийим, қимматбаҳо кийим. <sup>2</sup>Надам — пушаймонлик.  
<sup>3</sup>Чолок — тетик, чақдон. <sup>4</sup>Тарабнок — хурсанд, хурсандлик билан. <sup>5</sup>Равза — жаннат, жаннат боғи. <sup>6</sup>Нишотхона — хурсандчилик қилинадиган уй. <sup>7</sup>Парвин — Хулқар юлдузи. <sup>8</sup>Хўша — бошок; бу ерда олтинчи бурж — сунбула кўзда тutilган. <sup>9</sup>Нажд — баланд тепалик. <sup>10</sup>Асқоб — суҳбатдошлар. <sup>11</sup>«Ул икки» деганда Лайло билан Мажнун кўзда тutilган. <sup>12</sup>«Бедил» («дилсиз»), яъни кўнгли бировга ошфута деганда Мажнун кўзда тutilган. <sup>13</sup>Ҳифз — сақлаш, кўриқлаш. <sup>14</sup>Зойил — йўқоладиган, йўқ бўлувчи.

Эл ҳар неки сўрса, фаҳм қилмай,  
Фаҳм этса, жавоб дерни билмай.

Ишқин неча айламай дебон фош,  
Андин ажаб амрлар уруб бош.

Гаҳ кўзидин оқиб ашк ногоҳ,  
Гоҳи чекиб ихтиёрсиз оҳ.

Ахволида ҳар замонки тағйир<sup>1</sup>,  
Кўнгли ғамин айлаб элга тақрир<sup>2</sup>.

Тағйириға топиб они чора  
Ким, ёриға айлагай назора.

Лекин солайин дегач назар тез,  
Кўнгли ўти тортибон шарар<sup>3</sup> тез.

Боққай деса, доғи куввати йўқ,  
Боқмай деса, доғи тоқати йўқ.

Кўз учи била боқиб чу гоҳи,  
Жондин чекиб андоқ ўтлуғ оҳи

Ким, боғ юзин хазоне айлаб,  
Кўк баргини заъфароне айлаб.

Маҳваш қилибон назора ногаҳ,  
Бўлмоққа анинг ўтидин огаҳ.

Ҳам жисмида печу тобин<sup>4</sup> англаб,  
Ҳам кўнглида изтиробин англаб.

Ўз кўнглида ҳам топиб асарлар,  
Онинг ғами ўтидин шарарлар.

Бир фуржа<sup>5</sup> топарға кўп қилиб майл  
Ким, бир нафас ўлса, ғофил ул хайл.

Мақтулиға<sup>6</sup> еткуруб ҳаёте,  
Сўрмоқ била қилса илтифоте.

---

<sup>1</sup>Тағйир — ўзгариш. <sup>2</sup>Тақрир — ҳарор бериш, мақсадни оғзаки англа-  
тиш, билдириш. <sup>3</sup>Шарар — шароҳа, учкун, аланга. <sup>4</sup>Печу тоб — тўлганиш,  
изтироб. <sup>5</sup>Фуржа — оралиқ, йўл маъносида. <sup>6</sup>Мақтул — қатл этилган.

Ангатса ўз изтирорини<sup>1</sup> ҳам,  
Ишқи ўтининг шарорини ҳам.

Бог эрди васиъву<sup>2</sup> халқ — сойир<sup>3</sup>,  
Ашжор<sup>4</sup> гулуси элга сотир<sup>5</sup>.

Гулбун чаманининг иттисоли<sup>6</sup>,  
Ишқ аҳлига пардаи висоли.

Атфол<sup>7</sup> бўлуб ўюнга машъуф<sup>8</sup>,  
Сарву гул ўлуб аларга маълуф<sup>9</sup>.

Сайр ичра етишти моҳи дилхоҳ<sup>10</sup>,  
Бир гул чамани ичига ногоҳ.

Гулбун<sup>11</sup> била руст тўрт ёни,  
Кирса киши кимса топмай они.

Киргач анга ул шугуфта<sup>12</sup> гулзор,  
Кўрди тикан ичра булбули зор.

Кирмиш эди анда Қайс ғамнок,  
Гул янглиғ этиб яқосини чок.

Ўз ҳолига зор йиғлар эрди,  
Бесабру қарор йиғлар эрди.

Оғзида таронаи фироқе  
Ким, ёр етишти иттифоқе.

Чун булбулининг гули шугуфта,  
Топти бори халқдин нухуфта<sup>13</sup>.

Ҳар неча йўқ эрди сўзга тоби,  
Кўнглида кўп эрди изтироби.

---

<sup>1</sup>Изтирор — зарурат, ночорлик, мажбурият. <sup>2</sup>Васиъ — кенг. <sup>3</sup>Сойир — сайр этувчи. <sup>4</sup>Ашжор — дарахтлар, оғочлар. <sup>5</sup>Сотир — беркитувчи, яширувчи. <sup>6</sup>Иттисол — муттасиллик, боғлиқлик; мажозий маънода: ўзаро яқинлик, висол. <sup>7</sup>Атфол — болалар. <sup>8</sup>Машъуф — мафтун, шод. <sup>9</sup>Маълуф — улфат. <sup>10</sup>Дилхоҳ — дил истовчи, моҳи дилхоҳ — кўнглиг истаган ой, бу ерда Лайло кўзда тугилган. <sup>11</sup>Гулбун — гул бутаси. <sup>12</sup>Шугуфта — очилган. <sup>13</sup>Нухуфта — яширин, беркитилган, пинҳон.



Йўқ эрди гузири<sup>1</sup> неча сўздин,  
Борғунча ўлуб дегунча ўздин.

Бунёд этти ҳижоб<sup>2</sup> бирла,  
Бал хижлати<sup>3</sup> беҳисоб бирла:

«К-эй турфа йигит, не ҳолатинг бор?  
Не навъ ғаму малолатинг бор

Ким, шодлигинг йўқ ўзгалардек,  
Ободлигинг йўқ ўзгалардек?

Асҳобга майли боғу гулзор,  
Ҳам тан санга решу<sup>4</sup> ҳам кўнгул зор.

Бу дамки эсиб насими наврўз,  
Гул атрини қилди мажлисафрўз.

Боғ ўлди баҳордин гулафшон,  
Сунбул бу гул узра кокулафшон<sup>5</sup>.

Бу фаслда азми гулшан этгай,  
Бўстон ҳарамини маскан этгай.

Бор онинг учунки, шод бўлғай,  
Ҳар бандига бир кушод бўлғай.

Сен нола қилиб, ғамин недин сен,  
Ашкинг оқизиб, ҳазин недин сен?

Ишрат чоғи меҳнатинг не яъни,  
Шўробайи ҳасратинг не яъни?

Бу ғам санга қайдин ўлди ҳодис,  
Ким бўлди бу шиддатингга бойис?»

Бойисни чу сўрди ул дилафрўз,  
Бедил чекибон бир оҳи жонсўз<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup>Гузир — чора, илож, қутилиш. <sup>2</sup>Ҳижоб — парда; мажозан уят, уялиш. <sup>3</sup>Хижлат — хижолатлик, уялиш. <sup>4</sup>Решу — яра, жароҳат; бу ерда ҳасрат, ғамгинлик маъносида. <sup>5</sup>Мисраънинг маъноси: қизларнинг сочи-дек узун-узун, қоп-қора бўлиб ўсадиган сунбул бу гул узра кокиллари-ни ёйди. <sup>6</sup>Жонсўз — жонкуяр.

Ширин сўзидин бўлуб эди лол,  
Қон ёш ила юзга ёзди аҳвол.

Йўқ, йўқки, забони ҳол бирла,  
Шарҳ айлади бу мақол бирла:

«К-эй жонима ҳайрат ўти солган,  
Кўнглумни бурун назарда олган<sup>1</sup>.

Аввалки жамолидин сочиб барқ<sup>2</sup>,  
Ўт ичра вужудум айлаган ғарқ.

Зулф очмоқ ила олиб қарорим,  
Қилган қаро рўз рўзгорим.

Аввалки фасона зоҳир этган,  
Кўнглумнинг ишини охир этган.

Қилгани ёшурмоғинг не эрди?  
Мендин яна сўрмоғинг не эрди?

Эл онгламасун дебон намуна,  
Урмоқ не бу наъли бозгуна<sup>3</sup>?

Сендин етибон бу шиддат охир,  
Кимга тоқайин бу тухмат охир?!<sup>4</sup>

Кўнглумники олмишанг ниҳони,  
Сендин ола олмоғум худ они

Ким, аъжами айлаб<sup>4</sup> ўзни ёна,  
Бу навъ сурар лабинг фасона.

Жонимники ўртадинг бас эрди,  
Тонмоқ бу сифат керакмас эрди.

Ўт узра не эрди қуймоғинг ёғ!  
Қуйганга не эрди қуймоғинг доғ!<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Мисраънинг маъноси: кўнглумни биринчи қарашдаёқ олган, мубатало қилган. <sup>2</sup> Барқ — чакмоқ. <sup>3</sup> Мисраънинг маъноси: наълини (тақани) тескари қилиб уриш қандоқ бўлди? <sup>4</sup> Аъжами айламоқ — водонлик қилмоқ, билмасликка олмоқ.

Чун бўйла неча хуруш қилди,  
Заъф этти-ю тарки хуш қилди.

Туфроқ уза бўлди ул сифат паст  
Ким, ердагиларга бўлди ҳамдаст.

Қўйнига олиб нигор бошин,  
Сочиб кўзидин юзига ёшин.

Беҳушга айлаб изтиробе,  
Ҳардам юзига уруб гулобе.

Ўлтурганига ўзи ебон ғам,  
Йиғлаб тутар эрди бўйла мотам.

Истаб ани бир-иқи дилором,  
Ул воқеа ичра қўйдилар гом.<sup>1</sup>

Гар зулф ила мушкбез<sup>2</sup> эдилар,  
Иккиси анга каниз эдилар.

Кўзларига даҳр ўлуб қаронғу,  
Кўркуб дедилар: «Не ҳол эрур бу?»

Маҳваш ишидин чу парда қўпти<sup>3</sup>,  
Иккисининг оллида ер ўпти.

Ул иш неки воқеъ ўлди беҳост,  
Бир-бир деди ул икисига рост.

Даҳр этти чу сиррин ошкора,  
Йиғлаб тилади ғамига чора.

Бор эрди бириси дардпарвард,  
Филҳоя санамга бўлди ҳамдард.

Деди: «Ема ғамки, бок эмастур  
Ким, ишқ ўтидин ҳалок эмастур.

Сен кўпгил-у, бизга топшур они,  
Азм айла қабилаға равони.

---

<sup>1</sup>Гом — қадам. <sup>2</sup>Мушкбез — ёқимли мушк ҳидини сочувчи. <sup>3</sup>Қўпмоқ — кўтарилмоқ, ўриндан турмоқ.

То бўлмасун эл бу ишдин огоҳ,  
Биз фикр этали нечукки дилхоҳ».

Махваш ул иков дегандек этти,  
Кўнглин кўюб анда эвга<sup>1</sup> кетти.

Бедил кишисин топиб алар ҳам,  
Қилдилар ул ишга ёру маҳрам.

Чун бўлди рафиқ анга мулозим,  
Бўлди ул иков ҳам уйга озим<sup>2</sup>.

Эй сода рафиқ, бенавомен,  
Ишқ илгига зору мубталомен.

Бехудмен-у<sup>3</sup>, ўлтурур навойиб<sup>4</sup>,  
Бир лаҳза бошимдин ўлма ғойиб!

### САБЪАЙИ САЙЁРА

(Парча)

Баҳромнинг ишқ тўфони тугёнидин беҳирад<sup>5</sup> ва май ўти ҳарорати галаёнидин беҳуд бўлгани ва ўз ғазоли<sup>6</sup> ше- рафганига<sup>7</sup> ғазол отқанида таҳсин қилмагандин оҳугир- лик<sup>8</sup> бошлагани ва домға беркиган кийикдек ани ўз камандига<sup>9</sup> беркитиб, кийиклар қуномида<sup>10</sup> ташлагани

Шаҳғаким, бўлмиш эрди ошиқу маст,  
Бульжаб<sup>11</sup> ики иш бериб эди даст<sup>12</sup>.

Шаҳ чу ул лаҳв<sup>13</sup> ила бўлуб машъуф,  
Ишидин топмас эрди ҳеч вуқуф<sup>14</sup>.

<sup>1</sup>Эв — уй. <sup>2</sup>Озим — юрувчи, кезувчи. <sup>3</sup>Бехуд — хушсиз, ўзидан кетган. <sup>4</sup>Навойиб — мусибатлар, кайғулар. <sup>5</sup>Беҳирад — ақлсиз, хушсиз. <sup>6</sup>Ғазол — кийик, оху. <sup>7</sup>Шерафган — шернинг ташланиши. <sup>8</sup>Оҳугирлик — кийик ови. <sup>9</sup>Каманд — бўғов, сиртмоқ, тузоқ. <sup>10</sup>Қуном — ўтлоқ; ваҳший ҳайвонлар уяси. <sup>11</sup>Бульжаб — энг қизик, ажойиб. <sup>12</sup>Даст бермоқ — муяссар бўлмоқ, эришмоқ, ҳосил бўлмоқ. <sup>13</sup>Лаҳв — ўйин-кулги, бефойда иш. <sup>14</sup>Вуқуф — воқиғалик, хабардорлик.

Мулк<sup>1</sup> иши забту рабтсиз<sup>2</sup> бўлди,  
Салтанат амри забтсиз бўлди.

Қилмади шаҳ чу додхоҳни<sup>3</sup> ёд,  
Эл илик сунди<sup>4</sup> қилғали бедод.

Мулк чун шоҳ адлидин қолди,  
Қилди ҳар ким неким қила олди.

Ҳам қаламзан тушиб ҳавола аро<sup>5</sup>,  
Бўлубон халқ рўзгори қаро.

Ҳам қароқчи узотти ҳар сори қўл,  
Банд бўлди алар қўлидин йўл.

Чекти ғавғо баланд бодапараст,  
Бўлди муъзин<sup>6</sup> била имом уни паст.

Сўфи ибриқиға<sup>7</sup> ҳалал бўлди,  
Бода тунги<sup>8</sup> била бадал бўлди<sup>9</sup>.

Қуртдек бўри бирла тўлди ёбон,  
Дема қўй, балки туъма<sup>10</sup> бўлди шубон.

Бир неча маҳраме тилаб хилват,  
Қилдилар арз шаҳға бу ҳолат

Ки, халойиқда қийлу қол<sup>11</sup> недур,  
Мулк бирла улусқа ҳол недур.

Шаҳ чу билди, тааммул этти баса,  
Ишга чора тахайюл<sup>12</sup> этти баса.

Лек ошиқ ишига не чора,  
Ишқ этар ул элни бечора.

---

<sup>1</sup>Мулк — мамлакат. <sup>2</sup>Забту рабт — тартибни маҳкам тутуш ва интизом. <sup>3</sup>Додхоҳ — арз-додга келувчи. <sup>4</sup>Сунмоқ — чўзмоқ; илик сунди — қўл чўзди. <sup>5</sup>Мисраънинг маъноси: шоҳнинг топшириқлари бошқача ёзилиб етиб боради. <sup>6</sup>Муъзин — муаззин, азон айтувчи. <sup>7</sup>Ибриқ — об-даста, обтова. <sup>8</sup>Бода тунги — бода (май) қуйқаси. <sup>9</sup>Бадал бўлмоқ — алмашинмоқ. <sup>10</sup>Туъма — луқма. <sup>11</sup>Қийлу ҳол — гап-сўз. <sup>12</sup>Тахайюл — хаёлга келтириш, хаёл қилиш.

Не ул ойсиз<sup>1</sup> анга қарор эрди,  
Не илигинда ихтиёр эрди.

Билдиким, мулк иши хароб ўлмиш,  
Мулк эли ҳоли изтироб ўлмиш.

Ишқдин гарчи хаста ҳол эрди,  
Лек кўнглида бу хаёл эрди

Ки, не навъ ишга айлагай тадбир  
Ки, бир таврига<sup>2</sup> айлагай тағйир<sup>3</sup>,

Мулкдин йўқ гузир анга ҳосил,  
Ёрдин худ гузир<sup>4</sup> эрур мушкил.

Лек кўнгли чу бухузур эрди,  
Анда ҳар лаҳза бу хутур<sup>5</sup> эрди

Ки: «Агар бўлса шоҳлиғ боқи,  
Топилур буйла<sup>6</sup> моҳваш<sup>7</sup> соқи<sup>8</sup>.

Буки васлини топмишам пайваст,  
Шаҳлиғ ўлмаса бермас эрди даст.

Мулк эли бўлмаса, не ул<sup>9</sup> бордур,  
Не тириклик уйига йўл бордур.

Лек то бўлғусидур ул<sup>10</sup> мавжуд,  
Не анинг ғайридур<sup>11</sup> эрур нобуд.

Иккисини ким деса қилойин жамъ,  
Шуша муздин<sup>12</sup> дегай ясаймен шамъ.

Кўнгли чун мулк ила хизона тилаб,  
Ишқ тарки эттали баҳона тилаб.

Ишқ ила шоҳлиғ мувофиқ эмас,  
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас.

<sup>1</sup>«Ул ой» деганда Дилором кўзда тutilган. <sup>2</sup>Таер — тарз, равиш, йў-  
си. <sup>3</sup>Тағйир — ўзгариш. <sup>4</sup>Гузир — чора, илож, тадбир. <sup>5</sup>Хутур — кўнглига  
келиш, хотирга келиш. <sup>6</sup>Буйла — бундай. <sup>7</sup>Моҳваш — ойдек қиз; бу ерда  
Дилором кўзда тutilган. <sup>8</sup>Соқ — тана, жисм. <sup>9</sup>«Не ул» деганда Дилором  
кўзда тutilган. <sup>10</sup>«Ул» деганда Дилором кўзда тutilган. <sup>11</sup>Ғайр —  
бошқа. <sup>12</sup>Шуша муз — шишадек муз, ях.

Ишқ учун бедили керак фони<sup>1</sup>,  
Ўртаган шавқ шуъласи они.

Кун аро навбати фано урган,  
Икки оламға пушти по урган<sup>2</sup>.

Жон бериб ёри муддаоси учун,  
Балки юз жон анинг ризоси учун.

Вақф этиб<sup>3</sup> дилбарига жон мулкин,  
Садқа айлаб ики жаҳон мулкин.

Шоҳким мулк очарни қилса насақ<sup>4</sup>,  
Юз туман қон тўкар бари ноҳақ.

Ошиқ ўлғанки, кечмагай жондин,  
Ишқ беҳад йироқ дурур ондин.

Шоҳ, алқисса, бу тахайюл ила,  
Айш айлар эди тааммул<sup>5</sup> ила.

Иши дойим шикор<sup>6</sup> бирла эди,  
Чопмоғи ўз қарори бирла эди.

Ичибон ёр илгидин майи ноб<sup>7</sup>,  
Салтанат фикридин вале хуноб.

Бир кун ов ичра шоҳ эди сарх (в) аш,  
Ёнида эрди ул бути маҳваш<sup>8</sup>.

Кўрди раъно ғазоли чобукхез<sup>9</sup>,  
Суръати кўк ғазоли янглиғ тез.

Шаҳ ўқ отмоққа ўйла қодир эди,  
Сайд урмоққа ўйла моҳир эди.

<sup>1</sup>Фони (й) — йўқ бўлувчи; тасаввуфда сўфийликнинг фано мақомига эришган киши; бу дунёдан кечган одам. <sup>2</sup>Пушти по урмоқ — тарк этмоқ, тасоввуф. <sup>3</sup>Вақф этмоқ — мадрасаю masjidлар учун белгилаб қўйилган л-мулк; бу ерда жон мулкни ёрига вақф этиш ҳақида гап борган. <sup>4</sup>насақ — тартиб, интизом, қонда. <sup>5</sup>Тааммул — теран ўйлаш, камоли диққат билан фикрлаш. <sup>6</sup>Шикор — ов. <sup>7</sup>Ноб — тоза, тиник, соф. <sup>8</sup>Бути маҳваш — ой юзли бут, ойдек санам; бу ерда Дилором кўзда тутилган. <sup>9</sup>Чобукхез — тез чопадиган, чаққон.

Ким, не навъ ўлса элга рағбату тавъ<sup>1</sup>,  
Ўлтурар эрди сайдин ул навъ.

Кай тукин сайднинг нишона қилиб,  
Ўқи ул ерни ошёна қилиб.

Деди гулрухқа: «К-эй пари талъат<sup>2</sup>!  
Бу газолеки, кўргузур суръат,

Не ерига десанг, хаданг ураин,  
Ул сифатким буюрсанг, ўлтураин».

Шўхнинг табъида чу диққат эди,  
Рамз ила нуктайи дақиқ<sup>3</sup> деди

Ки: «Бурун сол ики кўлиға шикол<sup>4</sup>,  
Ўйлаким турғай ўз ерида ғазол.

Сўнгра отмокқа яхши кўзла ани,  
Ҳам йироқтин туруб бўғузла ани».

Шаҳ чу билди санам таманносин<sup>5</sup>,  
Топти филҳол анинг муаммосин.

Демади нозанин ҳадисини йўк,  
Чекти ул садоқдин<sup>6</sup> иничка ўк.

Сайд сори чекиб даранг<sup>7</sup> била,  
Тикти икки қўлин хаданг била

Ким, ул ўк ўтмади яросидин,  
Тери бирла сўнгак<sup>8</sup> аросидин.

Чунки бўлди ғазол қўллари банд,  
Ёйиға кайбур<sup>9</sup> айлади пайванд.

Урди ул навъ бўғзиға они  
Ки, кесилдию оқти ҳам қони.

<sup>1</sup>Тавъ — майл, хошиш. <sup>2</sup>Талъат — юз, бет, кўриниш, хусн. <sup>3</sup>Нуктайи дақиқ — нозик сўз, маъноли сўз, чиройли сўз. <sup>4</sup>Шикол — от ё туя оёғига солинадиган банд; тушов. <sup>5</sup>Таманно — тилак, истак, орзу, ният. <sup>6</sup>Садоқ — ўк-ёй халтаси; ўқдон. <sup>7</sup>Даранг — секинлик. <sup>8</sup>Сўнгак — суяк. <sup>9</sup>Кайбур — кенг энлик камон ўқи.



Не хаёлеки айлаб эрди моҳ<sup>1</sup>,  
Борисини бажо кетурди шоҳ.

Қилди бир ишки кимса бермас ёд,  
Кимса йўқким, сипехри қўҳнаниҳод<sup>2</sup>.

Шаҳ чу кўргузди ишда бу ойин,  
Тамаъ этти нигоридин таҳсин.

Анга чун хусндин бор эрди ғино<sup>3</sup>,  
Келди хусн иқтизоси<sup>4</sup> истиғно<sup>5</sup>:

Шаҳ дуосиға чекмади тилни,  
Ўпмади шоҳи комрон<sup>6</sup> алини<sup>7</sup>.

Деди: «Ҳар ким бир ишни варзиш<sup>8</sup> ётар,  
Иш камолини кўр, не ерга ётар!»

Демади шоҳники: «Эттинг хўб»,  
Ишни идмонға<sup>9</sup> айлади мансуб.

Шўх бу нукта айлагач тақрир<sup>10</sup>,  
Шаҳ мизожиға топти йўл тағйир<sup>11</sup>.

Қошининг ёси узра солди гириҳ<sup>12</sup>  
Ким, пари чехрадин эшитмади зиҳ<sup>13</sup>.

Шўх кўрди шаҳ итоб этти<sup>14</sup>,  
Деди ислоҳ этай, хароб этти.

Дедиким: «Шаҳға не итобдурур  
Ким, бу сўзким дедим — савобдурур.

Менки, бир нағма соз қилсам чанг,  
Рух чикмоқ сари қилур оҳанг.

---

<sup>1</sup>Моҳ — ой; бу ерда Дилором кўзда тугилган. <sup>2</sup>Ниҳод — тузилиш; сипехри қўҳнаниҳод — эскидан мавжуд осмон (фалак). <sup>3</sup>Ғино — бойлик. <sup>4</sup>Иқтизо — такозо. <sup>5</sup>Истиғно — бонқаларга мухтож эмаслик; такаббурлик. <sup>6</sup>Комрон — ўз мақсадига эришган; ҳукмдор. <sup>7</sup>Ал — қўл. <sup>8</sup>Варзиш — машқ, кўникма. <sup>9</sup>Идмон — машқ, бир ишни доимий тақрорлаб, бажолаб туриш. <sup>10</sup>Тақрир — қарор бериш; айтиш. <sup>11</sup>Тағйир — ўзгартиш, ўзгариш. <sup>12</sup>Гириҳ — тугун; чигал. <sup>13</sup>Зиҳ — мақтов, таҳсин. <sup>14</sup>Итоб этмоқ — қаҳр қилмоқ, газаб қилмоқ.

Йўқ эди бу мулоямат<sup>1</sup> бирла.  
Мунча етти мудовамат<sup>2</sup> бирла.

Шоқким, бир кийикка урди хаданг,  
Десам идмонни, ишга келди батанг<sup>3</sup>.

Шаҳки исмоъи<sup>4</sup> бу мақол этти,  
Ғазаби ўти иштиъол этти<sup>5</sup>.

Икки қаттиқ ҳадис эшитти ажаб,  
Ихтиёрин иликдин олди ғазаб.

Шоқким қаҳри ўлди муставли<sup>6</sup>,  
Ул диёр ичра бўлмамоқ авли<sup>7</sup>.

Салтанат ғайрати чу зўр этти,  
Лутфу эҳсон кўзини кўр этти.

Истади қатл айламак они,  
Кесмак озод сарви раънони.

Деди баъзи: «Бу навъ дилкаш эмас,  
Зуафо<sup>8</sup> қатли тиг ила х(в)аш эмас».

Дедиким, неча хориж андеша,  
Қатл аларга ҳунар неким пеша.

Маҳддин ойни чиқордилар<sup>9</sup>.  
Бир биёбонга элта бордилар.

Ҳар гиёҳи анинг нечукким ўқ,  
Даврида неча кунчилик су (в) йўқ

Жонивор умрини қилурга табоҳ,  
Бутмай анда бағайра заҳр гиёҳ.

---

<sup>1</sup>Мулоямат — мулойимлик; уйғунлик, мувофиқлик. <sup>2</sup>Мудовамат — давом, эгтириш, узлуксиз ишлаш. <sup>3</sup>Батанг — танг, сиқик, тор. <sup>4</sup>Исмоъ — эшиттириш, эшитиш. <sup>5</sup>Иштиъол этмоқ — шуғлаланмоқ, алангаланмоқ. <sup>6</sup>Мустаали — истило этувчи, забт этувчи. <sup>7</sup>Авли — авло, яхшироқ, энг яхши. <sup>8</sup>Зуафо — заифлар, кучсизлар, заифалар (аёллар). <sup>9</sup>Мисраънинг маъноси: *кажавадан ойни (Дилоромни) чиқардилар.*

Икки гисусидин<sup>1</sup> каманд айлаб,  
Ташладилар гулула<sup>2</sup> банд айлаб.

Гисусиким, улуска эрди каманд,  
Оқибат бўлди ўз ҳалокига банд.

Ёнибон сурдилар ватан сори,  
Келдилар шоҳи жаврфан сори.

Шаҳки бу даҳшат айлади улдам,  
Беҳуд эди маю ғазабдин ҳам.

Ул кун оқшомға тегру<sup>3</sup> ичти май,  
Ғазаби ортар эрди пайдар-пай<sup>4</sup>.

Шомким, бодадин хароб ўлди,  
Масти май, балки масти хоб<sup>5</sup> ўлди.

Субх<sup>6</sup> роҳ<sup>7</sup> истаб этти майли сабух<sup>8</sup>,  
Ёнидин гойиб эрди роҳати рух<sup>9</sup>,

Сўрдиким: «Моҳваш қаён кетмиш?»  
Беҳабарким, не шоҳ кор этмиш.

Дедилар қилганин неча маҳрам,  
Тийра бўлди анга ёруғ олам.

Қуйи солиб бошини фикр этти,  
Қилгани борча кўнглига етти.

Билдиким, қаҳр сарсари<sup>10</sup> эсмиш,  
Ўз қўли бирла ўз бошин кесмиш.

Деди: «Ушбу замон ўзум борайин,  
Ул биёбонни бир-бир охторайин.

---

<sup>1</sup>Гису — соч. <sup>2</sup>Гулула — ўраб-чирмалган, лўнда қилиб. <sup>3</sup>Тегру — ...гача, ...га қадар. <sup>4</sup>Пайдар-пай — паёпай, кетма-кет, устма-уст. <sup>5</sup>Хоб — уйку. <sup>6</sup>Субх — тонг пайти. <sup>7</sup>Роҳ — шодлик, хурсандчилик, бу ерда мажозан май маъносида. <sup>8</sup>Сабух — эрталаб; бу ерда эрталаб ичиш маъносида. <sup>9</sup>Роҳати рух — руҳнинг роҳати; бу итиора Дилоромни англатиб келган. <sup>10</sup>Сарсари — шамол.

Қайда бўлса, топай нигоримни,  
Қилайин садқа жони зоримни.

Тирик ўлса, бўлай фидоси анинг,  
Берибон жон, топай ризоси анинг.

Ўлган ўлса, ўзумга тиф урайин,  
Диятига<sup>1</sup> ўзумни ўлтурайин».

Қўймади тожу тахт номуси,  
Айламакка ўлук заминбўси<sup>2</sup>.

Топмас эрди хирад далолати ҳам,  
Мониъ эрди улус хижолати ҳам.

Чун мумаййиз<sup>3</sup> хирад<sup>4</sup> қилур эрди,  
Хирад ул ишни рад қилур эрди.

Хотири топмайин хирадқа русух<sup>5</sup>,  
Ишқ айлар эди ани мансух<sup>6</sup>,

Жони икки бало аросинда,  
Мўр<sup>7</sup> икки аждаҳо аросинда.

Не ўлук эрди, не тирик сони,  
Бўлмас эрди тирик демак они.

### САДДИ ИСКАНДАРИЙ (Парча)

Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки,  
филҳақиқат, подшолиққа етган гадо ҳикоятиким, Искандар  
ани мазаллат чоҳидин<sup>8</sup> чиқариб салтанат қоҳиға<sup>9</sup> ўлтурт-  
моқ истади ва ул тож таркин қилиб, бошидин тарк тожи  
хаёлин чиқармади

---

<sup>1</sup> Дият — хун пули (бировни ўлдирганлик учун диний қонунларга кўра қон баҳоси). <sup>2</sup> Заминбўс — ер ўпиш. <sup>3</sup> Мумаййиз — ажратувчи, айир-  
руви, бир нарсани иккинчисидан айириб кўрсатувчи. <sup>4</sup> Хирад — ақл.  
<sup>5</sup> Русух — маҳкамлик, ўрнашиш, барқарорлик, оғишмаслик. <sup>6</sup> Мансух —  
бекор қилинган, рад этилган. <sup>7</sup> Мўр — чумоли. <sup>8</sup> Мазаллат чоҳи — хўрлик  
(тубанлик) чуқури (қудуғи). <sup>9</sup> Коҳ — юксак бино, қаср, сарой.

Эшиттимки, Искандари номдор,  
Чу бўлди жаҳон аҳлига комгор<sup>1</sup>,

Не кишварки, бўлди мусаххар<sup>2</sup> анга,  
Муте ўлди доройи кишвар<sup>3</sup> анга.

Ҳамул шаҳни кишварга шоҳ айлади,  
Ҳамул элга кишварпаноҳ айлади.

Шаҳу мулкдин кўнгли тинғач тамом,  
Яна мулк азмига қилди хиром.

Магар фатҳ бўлганда Мағрибзамин<sup>4</sup>,  
Шаҳи зоҳир айлаб эди қатлу кин.

Чу разм ўти бўлмиш эди бартараф,  
Шаҳ ўлмиш эди разм ичинда талаф<sup>5</sup>.

Скандар чу фаҳм этти хасмин<sup>6</sup> қатил<sup>7</sup>,  
Анга мулки ичра тилатти адил.

Дедиким: «Бу кишвар салотинидин,  
Хабарлиқ жаҳонбонлиқ ойинидин

Қолибму экин бир анингдек киши  
Ки, қилсам ружуъ анга бу мулк иши.

Ани элга шоҳ айласам мустақил  
Ки, мулк ўзгага бўлмаса мунтақил»<sup>8</sup>.

Дедилар халойиқ дуо айлабон,  
Ҳадисиға<sup>9</sup> жонлар фидо айлабон

Ки: «Офоқ аро сарфароз<sup>10</sup> ўлғасен,  
Ҳамиша раиятнавоз<sup>11</sup> ўлғасен.

Бу янглиғ кишиким қилурсен сўроғ  
Ки, андин раиятқа етгай фароғ.

<sup>1</sup>Комгор — бахтли, қудратли; бу ерда ҳукмдор маъносида. <sup>2</sup>Мусаххар бўлмоқ — босиб олинмоқ, қарам бўлмоқ. <sup>3</sup>Кишвар — мамлакат, ўлка. <sup>4</sup>Мағрибзамин — Ғарб мамлакатлари. <sup>5</sup>Талаф — нобуд, ҳалок. <sup>6</sup>Хасм — душман, рақиб, муҳолиф. <sup>7</sup>Қатил — ўлдирилган, сўйилган. <sup>8</sup>Мунтақил — ўтувчи, кўчувчи. <sup>9</sup>Ҳадис — сўз. <sup>10</sup>Сарфароз — баланд, юксак, ҳаммадан устун. <sup>11</sup>Раиятнавоз — халқпарвар, фуқаропарвар.

Қабул айлагай они яхши-ямон,  
Киши йўқ, магарким, биров бу замон,

Вале халқ ичидин фирор айламиш<sup>1</sup>,  
Ажаб навъ иш ихтиёр айламиш:

Тириклар аросиға қилмас убур<sup>2</sup>,  
Матофи<sup>3</sup> эмас, ғайри — эски кубур<sup>4</sup>.

Ҳамоно тирикларда кўрмай вафо,  
Кубур аҳлиға айламиш иктифо.

Боши тож таркин қилиб ихтиёр,  
Бўлуб тарки тожи била бахтиёр.

Не маскан бўлуб кеча бир бум<sup>5</sup> анга,  
Не кундуз смак важҳи маълум анга.

Киши бирла йўқ мутлақо улфати,  
Бўлуб халқ ғавғосидин кулфати.

Ниёз аҳли<sup>6</sup> чун қилсалар ихтилот<sup>7</sup>,  
Қилур сўзда зоҳир тақи инбисот<sup>8</sup>.

Насойиҳ<sup>9</sup> дер элга бағоят муфид<sup>10</sup>  
Ки, оламдин элни қилур ноумид.

Сўз ичра бу тақриб<sup>11</sup> тартиб этар  
Ки, элни фано сори тарғиб этар!»

Скандар эшитгач, дедиким: «Юрунг,  
Ани, қайда бўлса, топиб келтурунг!»

Равон ҳукм ила ҳар тараф сурдиллар,  
Топиб, шаҳ базмиға еткурдиллар.

---

<sup>1</sup>Фирор айламак — кочмоқ. <sup>2</sup>Убур — ўтиш, юриб ўтиш. <sup>3</sup>Матоф — тавоф (айланиб, зиёрат) этиладиган ер. <sup>4</sup>Кубур — қабрлар, гўрлар. <sup>5</sup>Бум — замин, ер, макон. <sup>6</sup>Ниёз аҳли — мухтожлар, ёлворувчилар; тасаввуфий маънода: худога ёлворувчилар, суфийлар. <sup>7</sup>Ихтилот — аралаштириш, қотиштириш; борди-келди қилиш. <sup>8</sup>Инбисот — шодлик, хурсандлик, ёзилтиш, ёйилиш. <sup>9</sup>Насойиҳ — насиҳатлар. <sup>10</sup>Муфид — фойдали, нафли. <sup>11</sup>Тақриб — яқинлаштириш, яқинлик; тахмин.

Яланг эрди боши, аёги — яланг,  
Яқо чокидин кўкси доғи яланг.

Жаҳон шуғли гардига силкиб этак,  
Тутуб икки илгига икки сўнтак.

Скандар анга эҳтиром айлади,  
Ўз оллинда олий мақом айлади.

Деди: «Бу сўнтаклардин афсона эт,  
Не сўрсам, жавобин анинг ёна эт!»

Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,  
Неча бу сўнтакларга солдим назар.

Замиримга лекин ниҳон қолди бу  
Ки, шахнинг қаюдур, гадонинг қаю?

Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,  
Тирикликда невчун қилурлар низоъ?»

Келиб бу камоли Скандарга х (в) аш,  
Деди: «К-эй забоновари<sup>1</sup> боркаш<sup>2</sup>,

Сени топтим асру бийик нукталик,  
Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик.

Сени кишварингда қилай аржуманд<sup>3</sup>,  
Бериб шоҳлиғ, поянг<sup>4</sup> айлай баланд».

Деди: «Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст<sup>5</sup>,  
Сен истардек эрмас, вале асру паст

Ки, тарк айлабон фақр сармоясин<sup>6</sup>,  
Писанд этгамен шоҳлиғ поясин?

Эмас рубъи маскунга<sup>7</sup> рағбат манга,  
Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:

---

<sup>1</sup>Забонавар — гадон, сўзамол, сўзга чечан. <sup>2</sup>Боркаш — юк тапшувчи.  
<sup>3</sup>Аржуманд — азиз, иззатли, обрўли. <sup>4</sup>Поя — оёқ; мартаба. <sup>5</sup>Ҳамнишаст — шерик, бирга ўтирадиган. <sup>6</sup>Сармоя — асосий моя, манбаъ, асос, бойлик.  
<sup>7</sup>Рубъи маскун — ернинг тўртдан бири; ер юзининг инсон яшайдиган (обод) қисми.

Бири андин ўлди ҳаёти абад  
Ки, йўқтур анинг интиҳосиға хад.

Яна бир: йигитликки, топмай халал,  
Қарилиқ била бўлмағай ул бадал.

Яна бир: ғинойи муаббаддур<sup>1</sup>  
Ки, олинда ифлосға раддурур.

Яна: шодлиқким йўқ онинг ғами,  
Адам<sup>2</sup> бўлғай ул сурнинг<sup>3</sup> мотами».

Скандарни ҳайрат забун айлабон,  
Деди бош уётдин нигун<sup>4</sup> айлабон

Ки: «Эй фаррухойини<sup>5</sup> фархундарой<sup>6</sup>,  
Бу уқдангдин<sup>7</sup> ул бўлди мушқилкушой

Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлиқ,  
Сенга фақр берди, манга шоҳлиқ.

Агарчи мени айлади аржуманд,  
Санга берди ҳимматни мендин баланд».

Гадоеки, бўлғай бийик ҳиммати,  
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати<sup>8</sup>.

Чу ҳиммат баланд ўлди эрса, фақир  
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup>Ғинойи муаббад — абабий бойлик. <sup>2</sup>Адам — йўқлик. <sup>3</sup>Сур — шодлик, базм. <sup>4</sup>Нигун — эгилган. <sup>5</sup>Фаррухойин — яхшилик келтирувчи, бахтиёр қилувчи. <sup>6</sup>Фархундарой — доно, оқил. <sup>7</sup>Уқда — туғун, банд, чигал. <sup>8</sup>Рифъат — юксаклик, баланд мартаба. <sup>9</sup>Ҳақир — тубан, паст, қадрсиз, зътиборсиз.



## ЛИСОН УТ-ТАЙР

(Парча)

Ўзининг<sup>1</sup> Шайх<sup>2</sup> руҳи мададидин анга татаббуъ<sup>3</sup> қилганга  
қакнус тимсоли

Бор эмиш қакнус деган бир турфа тайр<sup>4</sup>,  
Ҳинд мулкида анга орому сайр.

Шакли матбуъву<sup>5</sup> тавоно<sup>6</sup> пайкари<sup>7</sup>,  
Ўзга нақшу ранг бирла ҳар пари.

Булъажаб ҳайъат<sup>8</sup> била минқор<sup>9</sup> анга,  
Сукбалар<sup>10</sup> минқор аро бисёр анга.

Чун чекиб дилкаш навои жонфизо<sup>11</sup>,  
Фаҳм ўлуб ҳар сукбасидин бир наво.

Сукбалардин ҳар қачон қилса хурўш<sup>12</sup>,  
Айлабон они эшиткан тарки ҳуш.

Жуфти бўлмас ҳеч қуш, пайванди ҳам,  
Ҳеч тайр ўлмас онинг монанди ҳам.

Кимсагаким ул нишиман айламиш<sup>13</sup>,  
Бир йиғоч бошинки маъман айламиш<sup>14</sup>.

Қилди Фисоғурс<sup>15</sup> ул ердин гузар,  
Унлари келди қулоғига магар.

Мухталиф топиб<sup>16</sup> садойи шеванин<sup>17</sup>,  
Қилди ондин вазъ<sup>18</sup> мусиқи фанин.

<sup>1</sup>Ўзининг — Навоийнинг, муаллифнинг. <sup>2</sup>Шайх — Шайх Фариддин Аттор. Маълумки, «Лисон ут-тайр» Фариддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» достонига жавобия тарзида битилган. <sup>3</sup>Татаббуъ — жавобия, назира, ўхшатма. <sup>4</sup>Тайр — қуш. <sup>5</sup>Матбуъ — кишининг таъбиға мувофиқ келадиган, ёқимли, маъкул. <sup>6</sup>Тавоно — кучли, қувватли, бақувват. <sup>7</sup>Пайкар — жусса, гавда. <sup>8</sup>Ҳайъат — шакл, кўриниш. <sup>9</sup>Минқор — тумшук, чундак. <sup>10</sup>Сукба — тешик. <sup>11</sup>Жонфизо — оромижон, жонга роҳат берувчи. <sup>12</sup>Хурўш — сайрамоқ, кичқирмоқ, фарёд чекмоқ. <sup>13</sup>Нишиман айламак — ин кўйиб ўтириш. <sup>14</sup>Маъман айламак — тинч, кўркинчсиз жойни топиб ўтирмоқ. <sup>15</sup>Фисоғурс — эрамиздан олдинги 571 — 497 йилларда яшagan машхур юнон алломаси Пифагор. Ривоятга кўра, у мусиқий созларни кашф этган. <sup>16</sup>Мухталиф топмоқ — турли-туманлигини аниқлаш. <sup>17</sup>Шеванин — нола, мунг, фиғон. <sup>18</sup>Вазъ — тузилиш, авзоъ.

Бешада<sup>1</sup> умри бўлур эрмиш узун,  
Умрида шуғли онинг йиғмоқ ўтун.

Ул ўтундин, хоҳи ўл, хоҳи қурук,  
Чунки бўлди хирмани беҳад улук.

Умри поёнида ул маскан уза,  
Неча йил жамъ айлаган хирман уза —

Тортар эрмиш нағма тайри хушнаво,  
Бас ҳазин оҳанг ила дилкаш наво.

Ул сифатким ҳам туюру<sup>2</sup> ҳам вухуш<sup>3</sup>,  
Жамъ ўлур эрмиш эшиткач ул хуруш.

Шеванидин ул гуруҳи дарднок,  
Заъф айлаб<sup>4</sup> кўп бўлур эрмиш ҳалок.

Чун навосиға етишти интиҳо,  
Сўнгра тортиб бир ажиб ўтлук наво,

Солур эрмиш ул улук хирманға ўт,  
Сокин ўлган манзилу масканға ўт.

Ўт алам тортар<sup>5</sup> эмиш афлокка,  
Барк<sup>6</sup> тушкандек хасу хошокка.

Ул ўтун ёнғандек ул қуш ҳам ёниб,  
Парлари яфроғлардек ўртаниб,

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлиб,  
Юз туман жузв<sup>7</sup> ул қуярдин кул бўлуб.

Чун, ки ул куллар угулди тоғча,  
Махфий эрмиш кулда бир қақнусбача.

Тебраниб кулдин чиқиб таскин ила<sup>8</sup>  
Пар чиқориб зийнату ойин ила.

<sup>1</sup>Беша — тўқай, ўрмон, чапгалзор. <sup>2</sup>Туюр — қушлар. <sup>3</sup>Вухуш — ваҳ-  
шиқлар, ваҳиний ҳайвонлар. <sup>4</sup>Заъф айламак — кучсизланиш, ҳолдан ке-  
тмиш. <sup>5</sup>Алам тортмоқ — юқорига ўрламоқ (аланга ҳақиди). <sup>6</sup>Барк — чак-  
моқ. <sup>7</sup>Жузв — бўлак, қисм. <sup>8</sup>Таскин ила — секинлик билан.

Чун ҳаво айлаб<sup>1</sup>, кўруб ул бешани,  
Жазм этиб ўтун йигар андешани.

Умрида ул доғи жамъ айлаб ўтун,  
Ул иш асносида тортиб дилкаш ун.

Чун анга ҳам етса поёнига ёш,  
Ул доғи айлаб ато қилганни фош.

Шайх гўё келди ул аввалғи тайр  
Ким, наво ичра қилиб умрида сайр,

Чекти онча лаҳн<sup>2</sup> аро дилкаш наво  
Ким, самоъи<sup>3</sup> ваҳшу тайр айлаб ҳаво.

Борча ул муҳлик<sup>4</sup> наводин ўлдилар,  
Хирману соҳиб<sup>5</sup> киби кул бўлдилар.

Улки ул куллардин ахгардек<sup>6</sup> чиқиб,  
Балки ахгардин самандардек<sup>7</sup> чиқиб,

Ҳар неким аввалғи қушқа эрди шон,  
Зоҳир ўлди мунда ҳам ондин нишон.

Бу доғи деганча нима жамъ этиб,  
Чун мунинг умрига ҳам поён етиб,

Гулшану даврон аро ҳар навъ қуш,  
Йўқки ёлғуз тайру бас билким вуҳуш,

Юз наво зоҳир қилиб минқоридин,  
Борча ҳақнинг ёшурун асроридин,

Ўзига, хирманга доғи ўт уруб,  
Ҳам ўзин, ҳам ўзгаларни куйдуруб.

Мен деманким, ул — атодур, мен — ўгул,  
Ул — шаҳи олисифот, мен — банда, кул

<sup>1</sup> Ҳаво айламак — учмоқ. <sup>2</sup> Лаҳн — овоз, куй, ашула, сайран. <sup>3</sup> Самоъ — сайраш, куйлаш; куй. <sup>4</sup> Муҳлик — ҳалок этувчи. <sup>5</sup> Соҳиб — эга; бу ерда хирмон эгаси, яъни ҳақнус кўзда тутилган. <sup>6</sup> Ахгар — қизариб ёниб турган олов; лаҳча чўғ. <sup>7</sup> Самандар — каламушга ўхшаш ҳайвон; афсонага кўра, у гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида куймасдан яшар экан.

Ким, бу ўтқа ул куюб аввал нафас,  
Борча оламға ўт ул солдию бас.

Сўнгра ондин кимса топмай менча сўз<sup>1</sup>,  
Бўйла мухрик<sup>2</sup> шуълаву гетиферуз<sup>3</sup>.

Куш тилидин шуълалар зоҳир қилиб,  
Ҳам ўзум, ҳам эл кул ўлмоғни билиб,

Ҳар неким кўрди<sup>4</sup> атомдин рўзгор,  
Ҳам они бўлди манга омузгор<sup>5</sup>.

Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,  
Куш тилидин ўзга қилмай сўзни ҳам.

Будур уммидимки, бу сўзи<sup>6</sup> фано  
Борча куйганга бақо бергай яно.

## ТУРЛИ АСАРЛАРИДАН ОЛИНГАН ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ҳар кишиким, ростни беҳост<sup>7</sup> дер,  
Айтса ёлғон доғи, эл рост дер.

\* \* \*

Нафъинг агар халққа бешакдурур,  
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

\* \* \*

Ҳам сўз ила элга улумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

\* \* \*

Мўр терар ҳар неки, сочқай киши,  
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

---

<sup>1</sup>Сўз — бу ерда ҳам тожикча «сўз», яъни куймоқ ва ҳам ўзбекча «сўз», яъни калом кўзда тутилган. <sup>2</sup>Мухрик — куйдирувчи, ёндирувчи. <sup>3</sup>Гетиферуз — дунёни ёритувчи. <sup>4</sup>Кўрди — қўрилди маъносига. <sup>5</sup>Омузгор — ўргатувчи. <sup>6</sup>Сўз — бу ерда ҳам «сўз» икки маънода («қуйиш» ва «калом») келган. <sup>7</sup>Беҳост — ноҳост беихтиёр: сўрамасдан, дойим.

\* \* \*

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

\* \* \*

Шод ани бил даҳрда<sup>1</sup> ким ғам емас,  
Даҳр иши чун ҳам еғали арзимас.

\* \* \*

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,  
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

\* \* \*

Бўлмаса имон била кетмак иши,  
Англаки, они деса бўлмас киши.

\* \* \*

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,  
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

\* \* \*

Они доғи дема сахийким, киши  
То тиламас, бермак эмасдур иши.

\* \* \*

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб<sup>2</sup>,  
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

\* \* \*

Сажда гадо оллида эрмас карам<sup>3</sup>,  
Билки, карамдур анга бермак дирам<sup>4</sup>.

\* \* \*

Нечук билмай дегай сўз аҳли ҳикмат<sup>5</sup>,  
Хусусан, сўрса они аҳли давлат<sup>6</sup>.

\* \* \*

Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзга  
Ки: «Шаҳлиқ ўзгадур, ошиқлик — ўзга!»

---

<sup>1</sup>Даҳр — дунё. <sup>2</sup>Жоҳу насаб — мансабу наслу насаб. <sup>3</sup>Карам — яхшилик, олижаноблик, эҳсон, марҳамат. <sup>4</sup>Дирам — кумуш танга; пул. <sup>5</sup>Аҳли ҳикмат — билимдонлар, донишмандлар, олимлар. <sup>6</sup>Аҳли давлат — мансабдорлар, ҳукмдорлар, давлат кишилари.

\* \* \*

Жаҳондин, кўрки, кимлар ком<sup>1</sup> олибдур,  
Бу эски дайр<sup>2</sup> кимлардин қолибдур.

\* \* \*

Агар шоҳ, ар<sup>3</sup> гадодур одамизод,  
Эмас бўйни қазо ҳукмидин озод.

\* \* \*

Эурсен шоҳ — агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен.

\* \* \*

Муни билким, жаҳон фонийдур асру,  
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.

\* \* \*

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб туфроққа му кеткумдур охир?!<sup>1</sup>

\* \* \*

Йиқилса ҳужра, бўлсун қаср обод,  
Қуруса сабза<sup>4</sup>, бўлсун сарв озод<sup>5</sup>.

\* \* \*

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур ҳуб:  
«Ямондин оз беҳким<sup>6</sup>, яхшидин кўп».

\* \* \*

Ёраб, эшигингда ул гадомен  
Ким, боштин-аёққача хатомен.

\* \* \*

Беишқ улусқадур ком уйку,  
Ишқ аҳлигадур ҳаром уйку.

\* \* \*

Тадриж<sup>7</sup> ила тифл<sup>8</sup> ўлур хирадманд,  
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.

<sup>1</sup> Ком — тилак, истак, мақсад; баҳра, баҳра олиш. <sup>2</sup> Дайр — бутхона; мажозан; майхона; дунё. <sup>3</sup> Ар — агар. <sup>4</sup> Сабза — майса. <sup>5</sup> Озод — тик. <sup>6</sup> Беҳ — яхши. <sup>7</sup> Тадриж — паражама-паража ўсиш. <sup>8</sup> Тифл — бола.

\* \* \*

Юз йил киши умр тилар, бил  
Ким, сабр керакдур анга юз йил.

\* \* \*

Дад<sup>1</sup> ҳар сори кетса, кетмак ўлмас,  
Насносни<sup>2</sup> одам этмак ўлмас.

\* \* \*

Гул борса<sup>3</sup>, чаманга бўлмасун дард,  
Кун ботса, фалакка етмасун гард.

\* \* \*

Маъшук чу дарднок бўлди,  
Ошиқни не де қалок бўлди.

\* \* \*

Ошиқки, эрур ишида содиқ,  
Маъшук бўлур бошида ошиқ.

\* \* \*

Бир деганни ики демак х (в) аш эмас,  
Сўз чу такрор топти — дилкаш эмас.

\* \* \*

Тахт чун бўлди шоқдини коли,  
Фитнадин коли ўлмас эя қоли.

\* \* \*

Хушдурур боғи койинот гули,  
Борчадин яхшироқ ҳаёт гули.

\* \* \*

Сен агар зоҳир эттинг итликни,  
Мен санга кўргузай йигитликни.

\* \* \*

«Ҳар кишиким бировга қозғай чоқ,  
Тушгай ул чоқ аро ўзи ногоҳ».

<sup>1</sup>Дад — йиртқич ҳайвон. <sup>2</sup>Наснос — маймун. <sup>3</sup>Бормоқ — кетмоқ (бу дунёдан); бу ерда: узилса маъносиди.

\* \* \*

Яхши гар бўлмаса, ямон ҳам эмас,  
Ямонин, кимки яхши бўлса, демас.

\* \* \*

Шеър ҳамчун кишигадур фарзанд,  
Кўнглига қут-у, бағрига пайванд.

\* \* \*

Не қушким, баланд ўлса парвоз анга,  
Ҳалок истамас новакандоз<sup>1</sup> анга.

\* \* \*

Қачон қилсалар кин<sup>2</sup> ики нарра шер,  
Яқинким, бўлур навжувонроқ<sup>3</sup> далер<sup>4</sup>.

\* \* \*

Не қилғоли кимгаки ниятдурур,  
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

\* \* \*

Вале қайси дарё<sup>5</sup> яратмиш худо  
Ки, ул бўлмади ўз дуридин жудо.

\* \* \*

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!

\* \* \*

Неча сирридин элга йўқтур шуур,  
Вале йўқ табиат ишинда қусур.

\* \* \*

Чун ҳунарвар узра чиқди беҳунар,  
Тозидин<sup>6</sup> қолди қуйироқ тожвар<sup>7</sup>.

\* \* \*

Одам ўлган зебу зоҳирдин<sup>8</sup> демас,  
Кимки ондин фахр этар — одам эмас.

<sup>1</sup>Новакандоз — ўқ отувчи, мерган овчи. <sup>2</sup>Кин — жанг. <sup>3</sup>Навжувон — ёш. <sup>4</sup>Далер — жасур, шижоатли. <sup>5</sup>Дарё — денгиз. <sup>6</sup>Този — бошида туки йўқ, кал қушлар. <sup>7</sup>Тожвар — тождор (бу ерда қушлар кўзда тутилган). <sup>8</sup>Зебу зоҳир — безаклар ва ташқи зийнатлар.



\* \* \*

Эр кирар эр сонига ҳиммат била,  
Эр эмас фахр айлаган зийнат била.

\* \* \*

Қўйниким су (в), ўтқа бошқармас шубон<sup>1</sup>,  
Ул сурукни<sup>2</sup> айлагил зоеъ гумон.

\* \* \*

Тенгри чун одамни махлуқ<sup>3</sup> айлади,  
Ўзни — ошиқ, они — маъшуқ айлади.

\* \* \*

Гавҳар ўлди ҳиммат-у, одам — садаф<sup>4</sup>  
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.

\* \* \*

Кимгаким инсоф йўқ — инсон эмас,  
Мунсиз<sup>5</sup> атворида жуз нуқсон<sup>6</sup> эмас.

\* \* \*

Ўз вужудунга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен — ўзунгдин истагил.

\* \* \*

Онглаким, сўз — ўзга, маъни — ўзгадур,  
Маъни онгмас шоғил<sup>7</sup> улким сўзгадур.

\* \* \*

Ким дедим: «Узлат эшигин очқамен,  
Даҳри бемаъни элидин қочқамен».

\* \* \*

Киши агар киши бўлса, ўзин киши демагай,  
Қилурда ҳеч ишин ҳам киши иши демагай.

\* \* \*

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади<sup>8</sup>,  
Бахт анинг нишини нўш-у<sup>9</sup>, хорини<sup>10</sup> гул айлади.

<sup>1</sup>Шубон — чўпон. <sup>2</sup>Сурук — қўй тўдаси. <sup>3</sup>Махлуқ — халқ қилинган; бу ерда худонинг одамзодни яратиши кўзда тутилган. <sup>4</sup>Садаф — марварид. <sup>5</sup>Мунсиз — бусиз. <sup>6</sup>Жуз нуқсон — нуқсондан ташқари, нуқсондан бошқа. <sup>7</sup>Шоғил — машғул. <sup>8</sup>Таҳаммул айламак — чидамоқ. <sup>9</sup>Нўш — тотли. <sup>10</sup>Хор — тикан.

\* \* \*

Эранлар<sup>1</sup> кизматидин чекмагил бонч,  
Агар бошингга гардундин<sup>2</sup> ёгар тош.

\* \* \*

Ёр<sup>3</sup> уядурки, қар неким ўзига  
Истамас, ёрға қам истамагай.

\* \* \*

Ўтдин исинурғача овуч өч,  
Куйдурғудек англасанг, кейин<sup>4</sup> қоч!

\* \* \*

Қайси бир котибки, уя сўзга қалам сургай хилоф<sup>5</sup>,  
Ул қаро юзлук боним бўлсун қаяам янглиг шикоф<sup>6</sup>.

\* \* \*

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.

\* \* \*

Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим<sup>7</sup>,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

\* \* \*

Ким сўзни териб айтгучи<sup>8</sup> оғзига бергай,  
Молик<sup>9</sup> ани дўзах ўтининг дудига тергай.

\* \* \*

Ямонни агар яқши қилсанг гумон,  
Эрур яқшини ҳам дегандек ямон.

\* \* \*

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур<sup>10</sup>,  
Яқши киймак бирла хотунларға оройишдурур<sup>11</sup>.

<sup>1</sup>Эранлар — эрлар, мурдлар. <sup>2</sup>Гардун — фалак, осмон. <sup>3</sup>Ёр — дўст.  
<sup>4</sup>Кейин — орқага маъносига. <sup>5</sup>Хилоф — тескари, қарши; бу ерда катар маъносига. <sup>6</sup>Шикоф — ёрик, дарз; бу ерда қаминдан ясалган қаламнинг учи (перога ўқшаш) кесилганлиги кўзда тутилган. <sup>7</sup>Кўрмадим — бу ерда «кўрмадимми?», яъни кўрдим маъносига. <sup>8</sup>Айтгучи — гап ташувчи. <sup>9</sup>Молик — мулк эгаси, эга; бу ерда худо кўзда тутилган. <sup>10</sup>Ҳикмату доним — илму маърифат. <sup>11</sup>Оройиш — безак, зийнат, пардоз.

\* \* \*

Эл айбини айтурга бировким узотур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил

\* \* \*

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,  
Дона<sup>1</sup> сочиб, кўтармади маҳсул<sup>2</sup>.

\* \* \*

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

\* \* \*

Яхшилиқ тухмини сочғилким, будур дехқонга сўз,  
Ҳарнеким эқтинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

\* \* \*

Мозию<sup>3</sup> мустақбал<sup>4</sup> аҳволин такаллум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

\* \* \*

Агар саъйига<sup>5</sup> яраша олур хаёли бўлғай, ота мероси ва  
она сутидек ҳалоли бўлғай.

\* \* \*

Шогирд агар шайх ул-ислом<sup>6</sup>, агар қозидур, агар устод  
андин розидур — тенгри розидур.

\* \* \*

Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар.

\* \* \*

Воъиз улдурки, мажлисиға холи кирган — тўлғай ва  
тўла кирган — холи бўлғай<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup>Дона — уруғ. <sup>2</sup>Маҳсул — ҳосил. <sup>3</sup>Мозий — ўтмиш. <sup>4</sup>Мустақбал — истиқбол, келажак. <sup>5</sup>Саъй — ҳаракат; бу ерда меҳнатига яраша дейилмоқчи. <sup>6</sup>Шайх ул-ислом — исломда энг катта диний унвон, мансаб. <sup>7</sup>Мазмуни: Воъиз (ваъз, маъруза айтувчи) шундай киши бўлиши керакки, унинг мажлисиға бўш кирган киши тўлиб, тўлиб кирган бўш бўлиб чиқиши лозим, яъни билимсиз одам билим олиб чиқсин, ўзини билимли санаб кирган одам билими камлигини билиб чиқсин.

\* \* \*

Ҳар кимки биров билан ёрдур<sup>1</sup> ёки ёрлиғ даъвоси бордур, керакким, ўзига раво тутмаганни ёрига раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса.

\* \* \*

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

\* \* \*

Сўзнинг аснофи<sup>2</sup> бағоят чўқдур<sup>3</sup>, ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур.

\* \* \*

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар<sup>4</sup>.

\* \* \*

Билмаганни сўруб ўрганган — олим ва орланиб сўрамаган — ўзига золим.

\* \* \*

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

\* \* \*

Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

\* \* \*

...Икки кеманинг учин тутқан ғарқдур.

\* \* \*

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдин қайтма.

\* \* \*

Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.

---

<sup>1</sup>Ер — дўст. <sup>2</sup>Асноф — синфлар, турлар. <sup>3</sup>Чўқ — кўп. <sup>4</sup>Мухтасар — киска, ихчам, лўнда.

## НАСРИЙ АСАРЛАРИ

### МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН

(Парчалар)

Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг<sup>1</sup> адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруъи<sup>2</sup> бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаъидурки<sup>3</sup>, Нух пайғамбар... нинг уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур, етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух... тўфон ташвиридин<sup>4</sup> нажот ва анинг маҳлакасидин<sup>5</sup> ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абу-т-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абу-л-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васатида<sup>6</sup> волий<sup>7</sup> қилди ва Ҳомники, Абу-л-ҳинд дебтурлар, Ҳиндистон билодиға<sup>8</sup> узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбоъи<sup>9</sup> мазкур бўлган мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абу-т-туркдур, таърих аҳли иттифоқи<sup>10</sup> била дебтурларки, нубувват<sup>11</sup> тожи била сарафроз ва рисолат<sup>12</sup> мансаби била қардошларидин мумтоз<sup>13</sup> бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу учовнинг авлод ва атбоъи орасида шоъеъ бўлди... Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз<sup>14</sup> била музаҳрафоти нофаржом<sup>15</sup>, бири ғояти шараф ва улувви<sup>16</sup> манзиладин<sup>17</sup> ва бири ниҳояти наҳусат<sup>18</sup> ва дунувви<sup>19</sup> мартабадин орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси.

<sup>1</sup>Қойил — айтувчи, сўзловчи. <sup>2</sup>Фуруъ — шох, дарахтнинг шохи. <sup>3</sup>Маншаъ — бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши. <sup>4</sup>Ташвир — тўлқин, фалокат; бу ерда Нух пайғамбар замонида юз берган тўфон ҳақида сўз бораётибди, афсонага кўра, унда Нухнинг кemasидигилардан ташқари, жамъики инсоният бир бор қирилиб кетган. <sup>5</sup>Маҳлака — хавф-хатар жойи ва вақти, ҳалокат, хавф-хатар. <sup>6</sup>Васат — ўрта, ўрталик. <sup>7</sup>Волий — ҳоким, ҳукмдор, подшоҳ. <sup>8</sup>Билод — шаҳарлар, мамлакатлар. <sup>9</sup>Атбоъ — тобеълар, фуқаролар, қарамлар, издошлар. <sup>10</sup>Иттифоқ — бир фикрга келиш, ҳаммаси деган маънода. <sup>11</sup>Нубувват — пайғамбарлик. <sup>12</sup>Рисолат — пайғамбарлик, расуллик. <sup>13</sup>Мумтоз — сараланган, ажратилган. <sup>14</sup>Алфоз — лафзлар, тил. <sup>15</sup>Музаҳрафоти нофаржом — бефойда, натижасиз гаплар. <sup>16</sup>Улувв — олий, юқори, баланд. <sup>17</sup>Манзила — мартаба, даража. <sup>18</sup>Наҳусат (нуҳусат) — наҳслик, шумлик, бахтсизлик. <sup>19</sup>Дунувв — пастлик, тубанлик (даражада).

Невчунки, турк алфози возиби<sup>1</sup> асру кўп вақтда му-  
болага изҳори қилиб, жузвий мафҳумот<sup>2</sup> учун алфоз вазъ  
қилибдурки<sup>3</sup>, соҳиб вукуф<sup>4</sup> киши то зоҳир қилмас, инонса  
ҳам бўлмас.

Андоқки: қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жий-  
жаймоқ ва ўнгдаймоқ ва чекримак ва дўмсаймоқ ва умонмоқ  
ва ўсанмоқ ва игирмак ва эгирмак ва ўхранмак ва торикмоқ ва  
алдамоқ ва аргадамоқ ва инанмак ва игланмак ва айланмоқ  
ва эрикмак ва игранмак ва овуномоқ ва қистамоқ ва қий-  
намоқ ва кўзғалмоқ ва соврулмоқ ва чайқалмоқ ва дев-  
дашимоқ ва қийманмоқ ва қизғанмоқ ва никамак ва сийлан-  
моқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпмак ва сирмамак ва  
ганоргамак ва сирриқмоқ ва сизинмоқ ва қилимоқ ва ёлин-  
моқ ва мунгланмоқ ва индамак ва тергамак ва теврамак  
ва қингаймоқ ва шигалдамоқ ва синграмоқ ва яшқамоқ  
ва исқармоқ ва кўнгранмак ва сухранмоқ ва сийпамоқ  
ва қораламоқ ва сурканмоқ ва куйманмак ва ингранмоқ  
ва тушпалмак ва мунгаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ  
ва кўруксамак ва бушурғанмоқ ва бўҳсамоқ ва қирқинмак  
ва сукадамоқ, бўсмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ,  
сиңқармоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизғурмоқ,  
гурнақлашмак, чупрутмоқ, жирғамоқ, бичимоқ, қизғанмоқ,  
сингурмак, кундалатмак, кумурмак, йигирмак, кўнгурдамак,  
кинаркамак, кезармак, дўнгулмоқ, чидамоқ, тузмак, қиз-  
ғанмоқ, қичиғламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадзмоқ, чиқан-  
моқ, кўндурмак, сўндурмак, суқлатмоқ.

Бу юз<sup>5</sup> лафздурки<sup>6</sup>, ғариб мақосид<sup>7</sup> адосида таъйин қи-  
лябдурларки, ҳеч қайси учун сорт<sup>8</sup> тилида лафз ясамай-  
дурларки, барчаси муҳтож ун-илайқдурки<sup>9</sup>, тақаллум<sup>10</sup>  
чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўни андоқдурки, асло  
анинг мазмунин тафҳим<sup>11</sup> қилмоқ бўлмас ва баъзиники  
англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзин тар-  
киб қилмағунча<sup>12</sup> бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади  
била. Ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур.

<sup>1</sup>Возиб — тузувчи, ясовчи. <sup>2</sup>Мафҳумот — фаҳмланганлар, англа-  
шилган маънолар, атамалар, тушунчалар. <sup>3</sup>Вазъ қилмоқ — тузилмоқ, туз-  
моқ. <sup>4</sup>Соҳиб вукуф — воқифлик эгаси, хабардор, англаб етувчи. <sup>5</sup>Навоий,  
негадир, юзта деб келтирган бу сўзлар аслида 99 та. <sup>6</sup>Лафз — сўз. <sup>7</sup>Мақо-  
сид — мақсадлар. <sup>8</sup>Сорт — форс. <sup>9</sup>Муҳтож ун-илайқ — муҳтож бўлин-  
ган вурса. <sup>10</sup>Тақаллум — сўзлаш, гапириш. <sup>11</sup>Тафҳим — тушунтириш,  
англатиш. <sup>12</sup>Таркиб қилмоқ — бириктирмоқ, бирикма ҳосил қилмоқ.

Бу<sup>1</sup> алфоз иборатда бу навъ дақойиқ<sup>2</sup> кўндурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмаған жиҳатдин бу яшурун қолибдур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситам<sup>3</sup> зариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва, филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса,<sup>4</sup> чун бу лафзда мунча вусъат<sup>5</sup> ва майдонида мунча фусҳат<sup>6</sup> топилур, керакким мунда ҳар навъ суҳангузорлиғ<sup>7</sup> ва фасихатгуфторлиғ<sup>8</sup> ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ<sup>9</sup> осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомеъияти мунча далолий<sup>10</sup> била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлған табъ аҳли салоҳияти ва табъларин ўз тиллари турғач, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар<sup>11</sup>, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуъи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл<sup>12</sup> турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам, сорт турк тили била назм айтқандек фасих<sup>13</sup> турклар қошида ўқуй ва ўтқара олмағайлар ва ўкусалар ҳам лафзларига юз айб топилғай ва ҳар таркибларига<sup>14</sup> юз эътироз ворид<sup>15</sup> бўлғай.

<sup>1</sup>«Бу» деганда турк тили кўзда тутилган. <sup>2</sup>Дақойиқ — мозик маънолар. <sup>3</sup>Ситам — ноинсоф маъносида. <sup>4</sup>Тааммул қилмоқ — чуқур ўйлаб кўрмоқ. <sup>5</sup>Вусъат — кенглик. <sup>6</sup>Фусҳат — кенглик, очиқлик. <sup>7</sup>Суҳангузорлиғ — сўз юргизиш, сўз айта олиш. <sup>8</sup>Фасихатгуфторлиғ — чиройли сўзлаш, ёқимли гапира олиш. <sup>9</sup>Фасонапардозлиғ — чиройли ҳикоя қилиш, воқеани яхши баён қилиш. <sup>10</sup>Далойил — далиллар, ҳужжатлар. <sup>11</sup>Муболага қилмоқ — бирор ишга ҳаракат қилмоқ, киришмоқ. <sup>12</sup>Билкулл — батамом, бутунлай. <sup>13</sup>Фасих — очик, равшан, равон; ёқимли. Бу ерда нозикфаҳм турклар кўзда тутилган. <sup>14</sup>Таркиб — бириктириш, бирикма, аралаш бир нарса ҳосил қилиш. <sup>15</sup>Ворид бўлмоқ — келмоқ.

## ИЛМИЙ АСАРЛАРИ

МЕЗОН УЛ-АВЗОН

(парчалар)

ҲАЗАЖ БАҲРИ

(Ҳ а з а ж и м у с а м м а н)

**Ҳазажи мусаммани солим ул-аркон**

Зиҳи мулкунгнинг ўн секкиз мингидин бир келиб олам,  
Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво била Одам.

Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийлун

**Ҳазажи мусаммани мусаббағ**

Майли лаълингга гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж  
Ки, ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.

Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийлун

**Ҳазажи мусаммани маҳзуф**

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,  
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.

Мафъийлун мафъийл мафъийлун мафъийл

**Ҳазажи мусаммани ахраб**

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,  
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.

Мафъулу мафъийлун мафъулу мафъийлун

**Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур**

Зиҳи қадду юзунг кўрса уётлиғ парию ҳур,  
Десам сарву гул эрмас бу муҳиқмен доғи маъзур.

Мафъийлу мафъийлу мафъийлу мафъийл



### **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфу мақсур**

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби хажрингда ишим нолаву фарёд.

Мафъулу мафъийлу мафъийлу мафъийл

### **Ҳазажи мусаммани макфуфу маҳзуф**

Кўзунгдек қони наргис, юзунгдек қони гулшан?  
Энгингдек қони насрин, қадингдек қони савсан?

Мафъийлу фаулун мафъийлу фаулун

### **Ҳазажи мусаммани макфуфу мақсур аруз ва зарб**

Жамолингга неча боқсам, эрур ҳуснинг фузунроқ,  
Хаёлингга неча тушсам, бўлур фикрим узунроқ.

Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийл

### **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуф**

Ортар манга ҳайрат гар онинг ҳуснига кўз солсам,  
Ўртар мани ғайрат гар ўтар чоғда боқиб қолсам.

Мафъулу мафъийлу мафъийлу мафъийлун

### **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф**

Ишқ ичра қони мен киби зеру забар ўлган,  
Ҳар кимки йўқ андин батар ўлган, батар ўлган.

Мафъулу мафъийлу мафъийлу мафулун

### **Ҳазажи мусаммани аштари маҳзуф**

Эй хатинг муанбар, в-эй қадинг санувбар,  
Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар.

Фоилун фаулун фоилун фаулун

## **(Ҳазажи мусаддас)**

### **Ҳазажи мусаддаси солим**

Зиҳи руҳсоринг оллида қуёш тийра,  
Қуёшдин йўқки, ондин эл кўзи хийра.

Мафъийлун мафъийлун мафъийлун

### **Ҳазажи мусаддаси мақсури аруз ва зарб**

Унутмоғилки, то ҳажр этди бедод,  
Мани бир нома бирла қилмадинг ёд.

Мафъийлун мафъийлун мафъийл

### **Ҳазажи мусаддаси маҳзуфи аруз ва зарб**

Ики кўз манзилинг, эй моҳ маҳмил,  
Кўнгулга азм қил манзил-баманзил.

Мафъийлун мафъийлун фаулун

### **Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи садр ва ҳашв**

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,  
Юз ваҳж ила бўлди гул харидоринг.

Мафъулу мафъийлун мафъийлун

### **Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақфуфи садр ва ҳашв**

Эй ҳусни жаҳон ичра бало солған,  
Қатл эттали ҳалқ узра сало солған.

Мафъулу мафъийлу мафъийлун

### **Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақфуфи маҳзуф**

Гар қад будур, эй сарин сулайбар,  
Тубий санга биср бандайи чоқар.

Мафъулу мафъийлу фаулун

## Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур

Эй лаъли лабинг учун фидо жон,  
Қолмиш ул ики лабинг аро жон.

Мафъулу мафъилун мафъийл

## Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф

Сансиз манга умру жон керакмас,  
Ҳажринг аро хону мон керакмас.

Мафъулу мафъилун фаулун

## Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф

Руксоринг гул кибн очилмиш,  
Ашким ҳам жоладек сочилмиш.

Мафъулун фъилун фаулун

## Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солими аруз ва зарб

Келгилким, ҳажр аро ҳазиндурман,  
Ишқингдин ғамга ҳамнишиндурман...

Мафъулун фъилун мафъийлун

### РАМАЛ БАҲРИ

(Р а м а л и м у с а м м а н)

Рамали мусаммани солим

Келки, ишқингдин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим,  
Бошима етқур қадамким, ҳаддин ошги нитизорим.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

Рамали мусаммани мақсур (аруз ва зарб)

Ваҳ, не ҳолатдурки, мен ҳар неча кўргузсам ниёз,  
Эй маҳи бадмеҳр, сандин зоҳир ўлмас ғайри воз.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

### **Рамали мусаммани маҳзуф**

Қосидеким, еткурур кўнглумга жонондин хабар,  
Уйладурким, бергай ўлган жисмга жондин хабар.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

### **Рамали мусаммани маҳбун**

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун, санга ашҳаб,  
Тожинг устидаги дур, уйлаки, тонг бошида кавкаб.

Фоилотун файлотун файлотун файлотун файлотун

### **Рамали мусаммани маҳбуни мақсур**

Ваҳки, ул муғбача ҳар дамки ичар бодайи ноб,  
Кўзгалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.

Фоилотун файлотун файлотун файлун

### **Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ**

Олам ичра манга ул хури малаксиймо бас,  
Бу қачон бўлса муяссар, қадаҳи саҳбо бас.

Фоилотун файлотун файлотун фаълун

### **Рамали мусамманӣ машкул**

Тилагим сенинг хузуринг, талабим сенинг жамолинг,  
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.

Файлоту фоилотун файлоту фоилотун

### **Р а м а л и м у с а д д а с**

#### **Рамали мусаддаси солим**

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,  
Қоматингдин мунфаъл сарву санавбар.

Фоилотун фоилотун фоилотун

### **Рамали мусаддаси мақсур**

Гулшанингда елдек, эй раъно ниҳол,  
Мен ямон бордим, вале сен яхши қол.

Фоилотун фоилотун фоилон

### **Рамали мусаддаси махбуни мақсур**

Яна муг дайрина кирдим сармаст,  
Май тут, эй мугбачайи бодапараст.

Фоилотун фоилотун фаилон

### **Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф**

Келки, ҳажрингда ҳазинмен беҳад,  
Не манга сабр, не хушу не хирад.

Фоилотун фаилотун фаилун

### **Р а м а л и м у р а б б а ъ**

#### **Рамали мураббаъи солим**

Келил, эй рухсори зебо  
Ким, бўлурмен ношикебо.

Фоилотун фоилотун  
Фоилотун фоилотун

#### **Рамали мураббаъи махбун**

Манга ҳажрингда алам кўп,  
Санамо, қилма ситам кўп.

Фаилотун фаилотун  
Фаилотун фаилотун

## Муҳаммад Солиҳ

(1455—1535)

Лақаби Солиҳ-у<sup>1</sup>, ўзи — толиҳ<sup>2</sup>,  
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ

Мундоқ айтурки, худодин тақдир,  
Чун отам ишига берди тағйир —

Чикди Хоразм диёри кўлидин,  
Хеваку Кот ҳисори кўлидин.

Тушти андин гузори Марв сори,  
Анда соврилди эву эли бори.

Айлади нўш шаҳодат жоми<sup>3</sup>,  
Анга нўш ўлди саодат жоми.

Мани гардун ситами қилди етим,  
Айлади кишвари ғам ичра муқим<sup>4</sup>.

Хорлиқлар била ўстум бисёр,  
Зорлиғлар била кўрдум озор.

Ҳар фалокатки, бўлур дунёда,  
Ҳеч қайсидин эман<sup>5</sup> озода.

Гаҳ Хуросон аро қилдим манзил,  
Гаҳ Самарқандга бўлдум мойил.

...Дедилар борча манга донолар  
Ким: «Адам<sup>6</sup> бўлгусидур мирзолар<sup>7</sup>».

Давлати оли Темур кетгусидур,  
Навбат ўзга кишига етгусидур.

---

<sup>1</sup>Солиҳ — яхши ишлар қилувчи. <sup>2</sup>Толиҳ — ёмон. <sup>3</sup>Мисраънинг маъноси: шаҳидлик жомидан ичди, яъни шаҳид бўлди. <sup>4</sup>Муқим — бир ерда турувчи, доимий бир жойда яшовчи. <sup>5</sup>Эман — эмасман. <sup>6</sup>Адам — йўқлик, йўқ. <sup>7</sup>Мирзолар — темурийзодалар.

Уя киши бордур Шайбонийком,  
Хони Шайбонидуру Махдийи замон..»

(«Шайбонийнома»дан)

Исми муносабати била «Солиҳ» тахаллус қилур. Нур Саидбекнинг ўғлидурким, кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидин<sup>1</sup> Адоқ навоҳисига дегинча аморат<sup>2</sup> қилди ва Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлат ул-мулк<sup>3</sup> эрди. Аммо бағоят бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. Ўзи<sup>4</sup> мулоийм йигитдур. Атворининг отаси атворига нисбати<sup>5</sup> йўқтур. Анга ҳам ғариб саҳв<sup>6</sup> туштиким, Султон соҳибқирон<sup>7</sup> куллуғидин ғайбат<sup>8</sup> ихтиёр қилди. Баъзи дерларким, бехудлиғ<sup>9</sup> оламида ямон мусоҳиблар<sup>10</sup> ани бу ямон йўлга тутубтурлар. Таъбида хейли диққат бирла чошни<sup>11</sup> бор. Хатқа ҳам қобиляти кўпдур.

Алишер Навоий  
(«Мажолис ун-нафойис»дан)

...Муҳаммад Солиҳни анда Хожа<sup>12</sup> хизматида кўрдим. Муҳаммад Солиҳни ўшул бир қатла-ўқ кўрдум.

(Ҳусайн Бойқаро саройидаги шоирлардан) «Яна Муҳаммад Солиҳ эди, чошнилик<sup>13</sup> ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи<sup>14</sup> чошнисича йўқтур, турки шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сўнгра Шайбонийхон қошига келиб эди, филжумла<sup>15</sup> риоят қилиб эди. Шайбонийхон бир турки маснавий битибтур, рамали мусаддаси махбун вазнидаким<sup>16</sup>, «Субҳа»<sup>17</sup> вазни бўлғай, бисёр сусту фурудтур,<sup>18</sup> ани ўқуған киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин безътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

Бўлди Танбалға<sup>19</sup> ватан Фарғона,  
Қилди Фарғонани танбалхона<sup>20</sup>.

<sup>1</sup>Навоҳий — ноҳия, муайян ҳудуд, ўлка. <sup>2</sup>Аморат — амирлик.  
<sup>3</sup>Жумлат ул-мулк — бутун мамлакат; бу ерда бутун мамлакатга сўзи ўтадиган маъносиди. <sup>4</sup>Бу ерда Муҳаммад Солиҳнинг ўзи кўзда тутилган.  
<sup>5</sup>Нисбат — яқинлик, ўхшашлик, алоқа. <sup>6</sup>Саҳв — хато; унуттиш.  
<sup>7</sup>Султон соҳибқирон — Ҳусайн Бойқаро. <sup>8</sup>Ғайбат — кўзга кўринмаслик, яшириниш.  
<sup>9</sup>Бехудлиғ — ҳиссизлик, девоналик, ақсизлик. <sup>10</sup>Мусоҳиб — ҳамсуҳбат, дўст, улфат.  
<sup>11</sup>Чошни — шаза, таъм, тот; тоғиш; баҳра.  
<sup>12</sup>Хожа — Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ. <sup>13</sup>Чошнилик — маза, баҳра олса бўладиган.  
<sup>14</sup>Ҳамворлиғ — бир текислик (ижодда бир даражада тура бириш). <sup>15</sup>Филжумла — ҳисқаси, қуллас.  
<sup>16</sup>Рамали мусаддаси махбун вазнининг шактеси — фонлотун фонлотун фонлун.  
<sup>17</sup>«Субҳа» — асар номи.  
<sup>18</sup>Сусту фуруд — бўти ва паст даражада.  
<sup>19</sup>Танбал — киши исми. <sup>20</sup>Танбалхона — ҳам танбаллар макони ва ҳам Андижонни «Танбалхона» дейишга ишора.

Андижон вилоятини Танбалхона ҳам дерлар, ул масна-  
вийда<sup>1</sup> мунча байт маълум эмаским, бўлғай. Шарир<sup>2</sup> ва  
золилтабъ ва бераҳм киши эди.

З а ҳ и р и д д и н М у ҳ а м м а д Б о б у р  
(«Бобурнома»дан)

## ШАЙБОНИЙНОМА

(Парчалар)

V

Ҳазрати имом уз-замон, халифат ур-раҳмон<sup>3</sup> Шайбоний-  
хоннинг ақлнинг таърифидур

Ақл ила Бу Алиий асрдур ул,  
Шоҳ эмас, валиий асрдур ул.

Ақлдиндур буки, давлат борида,  
Борча асбоби фароғат борида,

Ўзга хонлар киби мажлис қурмас,  
Айшу ишрат соридин дам урмас.

Бода ичмоқ сори бўлмас мойил,  
Бир замон ишидин эрмас ғофил.

VI

Ул ҳазратнинг тенгри иноят қилган илмининг тавсифи

Илми бор ончаки бир кишварда,  
Бўлмас илм сўзи дафтарда.

Ҳар нима халққа мушкул бўлса,  
Илмдин ҳар неча сойил<sup>4</sup> бўлса.

Ул қилур ҳал бори мушкилларни,  
Сокит айлар<sup>5</sup> бори сойилларни.

<sup>1</sup>Ул маснавий деганда «Шайбонийнома» достони кўзда тутилган.  
<sup>2</sup>Шарир — ёмон, ярамас. <sup>3</sup>Халифат ур-раҳмон — худонинг ўринбо-  
сари. <sup>4</sup>Сойил — савол берувчи. <sup>5</sup>Сокит айлимак — тинчлантирмоқ, жим  
қилиб қўймоқ.



Асру кўп масъаладур ёд анга,  
Илмдин жон эрур обод анга.

Кирса тавҳиду<sup>1</sup> тасаввуф сўзига  
Йўқтурур ҳеч таваққуф<sup>2</sup> сўзига.

Бир рисолаки киши ёд қилур,  
Хон анинг сўзларини хўб билур.

## VII

**Ул ҳазратнинг фақрининг баёни ва сулукининг достонидур**

Авлиё суҳбатиға еткандур,  
Атқиё<sup>3</sup> хидматиға еткандур.

Кўнглида зикр ила машғулдур ул,  
Кимки зокир<sup>4</sup> анга мақбулдур ул.

Айламас фавт<sup>5</sup> саҳархезлигин,  
Айламас тарк гуҳаррезлигин<sup>6</sup>.

Дард бирла кечалар йиғлар зор,  
Кечалар йиғламоғида иш бор.

Халқни уйқу забун қилғанда,  
Бошларин бахт нигун қилғанда,

Бўлур ул подшаҳи дин бедор,  
То саҳар вақти қилур истиғфор<sup>7</sup>.

## VIII

**Ул ҳазратнинг ҳилмининг<sup>8</sup> ҳикоятидур**

Ҳилм ила кўҳи гаронсангдур<sup>9</sup> ул,  
Соҳиби донишу фарҳангдур ул.

<sup>1</sup>Тавҳид — худо билан бирлашиш — ваҳдат (тасаввуфий тушунча).  
<sup>2</sup>Таваққуф — тўхташ, тек туриш. <sup>3</sup>Атқиё — тақводорлар, ёмон ишлардан ўзини сақловчи одамлар. <sup>4</sup>Зокир — худонинг номини қайта-қайта тилга олувчи — зикр қилувчи; тасаввуфда махсус зикр тушиш одати ҳам бўлган. <sup>5</sup>Фавт айламак — йўқотмоқ. <sup>6</sup>Гуҳаррезлик — гавҳар сочиш, яъни ширин суханлик қилиш. <sup>7</sup>Истиғфор — гуноҳларни кечиришни сўраш.  
<sup>8</sup>Ҳилм — ҳалимлик, юмшоқ табиатлилиқ, хушмуомалалиқ. <sup>9</sup>Кўҳи гаронсанг — тошлари оғир-оғир (йирик-йирик) тоғ.

Хилм бирлаки намoён бўлди,  
Сонийи<sup>1</sup> қазрати Усмон<sup>2</sup> бўлди.

Ҳарна келса, кечуруп ҳилм била,  
Лутф жомин ичируп ҳилм била.

Бу сифат асру қавидур<sup>3</sup> анда,  
Нури ҳилми набавидур<sup>4</sup> анда.

## IX

### Ул ҳазратнинг Қуръон ўқуригининг ривоятидур

Чун тиловат била машғул бўлур,  
Анга арвоқи муқаддас ўқулур.

Усру<sup>5</sup> махражни<sup>6</sup> риоят айлар,  
Они билганга иноят айлар.

Бўлса юз ҳофизи фарқунда калом<sup>7</sup>,  
Бориси воқифи мадду идғом<sup>8</sup>.

Ул қилур бўлса қироат оғоз<sup>9</sup>,  
Чиқмас ул кайядин асло овоз.

Борча шарманда бўлур қотида,  
Сидқ ила банда бўлур қотида.

Қотида кимки мулозим бўлди,  
Жонни вақф<sup>10</sup> этмаги лозим бўлди.

Ҳақ сўзин ул ўқур бўлса алҳақ,  
Ани ўзар киши йўқтур мутлак.

<sup>1</sup>Соний — кейинги, иккинчи. <sup>2</sup>Усмон — Муқаммад пайгамбардан кейинги тўрт калифадан бири. <sup>3</sup>Қави(й) — кучли, қувватли. <sup>4</sup>Набави(й) — пайгамбарга тегишли, пайгамбарона. <sup>5</sup>Усру — кўч, жуда, гўлгада. <sup>6</sup>Махраж — бирор масаланинг моҳияти, асоси, келиб чиққан сабаби. <sup>7</sup>Фарқунда калом — кутлуг (муқаддас) калом (сўз). <sup>8</sup>Мадду идғом — товушларни чўзиқ ё қисқа ёхуд иккилантириб талаффуз қилиш («Қуръон» тиловати пайти кўзда тутилган). <sup>9</sup>Оғоз — бошлан. <sup>10</sup>Вақф — масжиду мадрасалар ҳисобидаги даромали мол-мулк; бу ерда жонни тошпириш, нисор этиш маъносида келган.

Тенгрининг ояти раҳматдур ул,  
Халқдин дофиъи заҳматдур<sup>1</sup> ул.

## Х

Ул ҳазрат табъининг маддоҳлиги  
Табъ бирла мутасаррифдур<sup>2</sup> ўзи,  
Ҳол бирла мутасаввифдур<sup>3</sup> ўзи.

Табъидур асру бийик ҳимматидек,  
Сўз-уни<sup>4</sup> яхши бори ниятидек.

Шеърни хўб танир завқ била,  
Ўзи ҳам хўб айтур шавқ била.

Турки абъёти эрур шарбати ноб,  
Форсий шеърлари ҳам сероб.

Борча серобу салису<sup>5</sup> дилкаш,  
Табъ аҳлига жалису дилкаш.

Асру машҳур муаммолари бор,  
Туркча тил била имолари бор.

Қалами доғи эрур мушкфишон<sup>6</sup>,  
Хатидек бермадилар ҳеч нишон.

Дардмандонадур овози анинг,  
Бордур ул шевада зъжози анинг.

## Ул ҳазратнинг қиличининг мадҳгузорлиги

Қиличи қаҳр ўтидин бир шуъла,  
Ҳар киши кўрса ани дер: «Шуъла».

Қайдаким бўлди бу шуъла баланд,  
Йўқтурур ҳеч нима оллида банд.

---

Дофиъи заҳмат — заҳматларни дафъ қилувчи, йўқотувчи. <sup>2</sup>Мутасарриф — бирор ишни истаганича бажара олувчи. <sup>3</sup>Мутасаввиф — тасаввуф аҳли; гоъвий жиҳатдан тасаввуф таълимотини тан олган киши. <sup>4</sup>Сўз-уни — сўз ва товуш. <sup>5</sup>Салис — равшан, очик, силлик, равон. <sup>6</sup>Мушкфишон — мушк сочувчи; яхши хидлар таратувчи.

Қиличин чекса<sup>1</sup> муҳолиф юзига,  
Кўрунур ўту ёлиндек кўзига.

Ўт эмас, оби равондур<sup>2</sup> қиличи,  
Тиф эмас, мархами жондур қиличи.

Фитнанинг ўтини сўндирган ул,  
Кимки саркаш<sup>3</sup>, ани кўндурган ул.

Ким ёмонлиқни анго ёвутадур,  
Бўғзидин оби равондек ўтадур.

Қотили душмани гумроҳдур ул.  
Зулфиқори Асадуллоҳдур<sup>4</sup> ул.

## ХII

### Жибасининг<sup>5</sup> сифати

Жибасидур зиреҳи довуди<sup>6</sup>,  
Анга лойиқ боши узра худиди<sup>7</sup>

Ҳаргиз ўқни ўзига ёвутмас,  
Ёвуса ҳам анга ҳаргиз ўтмас.

Душман ўқини ўзига олмас,  
Ҳаргиз ўқ сори кўзини солмас.

Ўқдин ул жибаға не ғам бўлғай  
Ким, мунунгдек киши ҳамдам бўлғай.

Худининг суратидур ғунча мисол,  
Барги гул янглиғ узонғусидур ол<sup>8</sup>.

Сўнгуси сарви гулистони зафар.  
Новаки<sup>9</sup> шамъи шабистони зафар.

<sup>1</sup>Чекмоқ — тортмоқ, урмоқ. <sup>2</sup>Оби равон — оқиб бораётган сув.  
<sup>3</sup>Саркаш — бош бермас, ўжар, йўлга кирмас. <sup>4</sup>Зулфиқори Асадуллоҳ —  
Муҳаммад пайгамбарнинг куёви, чаҳорёрлардан бири — халифа ҳазрати  
Алининг машҳур қиличи, Асадуллоҳ «худонинг шери» дегани, ҳазрати  
Алининг лақаби шундай эди. <sup>5</sup>Жиба — урушда кийиладиган темир  
кийим, совут. <sup>6</sup>Зиреҳи довуди (й) — Довуд пайгамбар кийган совут.  
<sup>7</sup>Худ — аскарбошилар, паҳлавонлар киядиган узун учли, баҳайбат  
жез қалпоқ. <sup>8</sup>Ол — қизил. <sup>9</sup>Новак — камоннинг ўқи.

Сўнгуси жисми вайрон айлар,  
Новаки жон аро жавлон айлар.

Ханжари кўкрак аро киргучидур,  
Қоба<sup>1</sup> кўкракка сазо<sup>2</sup> бергучидур.

Жибалар оти сияҳ<sup>3</sup> қистоси,  
Бабр<sup>4</sup> арбият<sup>5</sup> паланг<sup>6</sup> ағноси<sup>7</sup>.

Югурурда йўсуни аждардек,  
Ул анинг устида шери нардек.

### XIII

#### Карамининг сифати

Асру кўптур караму жуди<sup>8</sup> анинг,  
Жуди эрур ғоят мақсуди анинг.

Караму жуд маҳал бирла қилур,  
Караму жуд маҳалини билур.

Хон ишин кўрдум, ғамдин тўлдим,  
Ўз ишим бобида ҳайрон бўлдим.

Бенаволарға берур симу дирам,  
Мустаҳикларга қилур жуду карам.

### XIV

#### Хунарларининг васфи

Дунйида ҳеч хунар қолмайдур  
Ким, анга хон кўзини солмайдур.

Зиреҳ ишларда эрур ул Довуд,  
Руҳи Довудни айлар хушнуд.

Бир зиреҳгар бориб эркандур анга  
Ким, буюрғил зиреҳ ишини манга.

---

<sup>1</sup>Қоба — қамоннинг қўл билан ушланадиган, ўрта ердан бир учи-  
гача бўлган оралик. <sup>2</sup>Сазо — жазо. <sup>3</sup>Сияҳ — қора. <sup>4</sup>Бабр — йўлбарс. <sup>5</sup>Ар-  
бият — арабий. <sup>6</sup>Паланг — қоплон. <sup>7</sup>Ағноси — ағанагувчи, думалтагувчи.  
<sup>8</sup>Жуд — инъом, эҳсон; сахийлик.

Хон буюрғандур анга бир зирехе,  
Бўлғудек разм чоғи жиявадехе<sup>1</sup>.

Ул зирехгар анга бўлғач машгул,  
Бўямамиш кон қотида ул мақбул.

Ўзи олиб ясамиш неча зирех,  
Зулфнинг ҳалқасидек печу гирех<sup>2</sup>.

Ул кўриб они чиқиб сиқтар эмиш,  
Сиқтабон ушбу ҳикоятни демиш

Ким: «Хунар кўрсата келдим мунда,  
Ҳеч билманки<sup>3</sup>, на қилдум мунда.

Хон ишин кўрдум, ғамдин тўлдум,  
Ўз ишим бобида ҳайрон бўлдум.

Дер эдим мен каби йўқтур ҳаргиз,  
Мени хон айлади мундоқ ожиз».

Ҳар хунарманд қошиға келса,  
Хон олиб ишини ўзи қилса,

Бўлур ул жибачи янглиғ гирён,  
Ўзининг ҳолиға мискин ҳайрон.

Бордур онинг хунари бас бисёр,  
Қайсини мен сенга айтай, эй ёр!

То жаҳон бор, бақо бўлсун анга!  
Соғари<sup>4</sup> фатҳу<sup>5</sup> зафар тўлсун анга!

## XV

### Китоб назмининг сабаби

Ҳоли онинг<sup>6</sup> ери Туркистондур,  
Ўзбек<sup>7</sup> элига муаззам<sup>8</sup> хондур.

Хон Абулхайрға фарзанд эрур,  
Жоҳининг<sup>9</sup> шохига пайванд эрур.

<sup>1</sup>Жиявадеҳ — жилава берувчи. <sup>2</sup>Печу гирех — ўралиб-чирмашган; бу ерда совутнинг тўқимаси кўзда тутилган. <sup>3</sup>Билман — билмайман, билсоломайман. <sup>4</sup>Соғар — қадах. <sup>5</sup>Фатҳу — босиб олиш, ғалаба, қўлга киритиш. <sup>6</sup>Бу ерда Шайбонийхон кўзда тутиляпти. <sup>7</sup>Ўзбек — Дашти Қипчоқ ўзбеклари. <sup>8</sup>Муаззам — буюк, улуғ. <sup>9</sup>Жоҳ — мансаб, мартаба.

Йўжихон<sup>1</sup> ўглию Чингиз тўруни<sup>2</sup>,  
Борча хонлардин аъло ўруни.

Ул олур ушбу вилоятларни,  
Кўрсатур элга иноятларни,

Бордур анинг иши «Куръон» бирла,  
Ўлтурубтур неча султон бирла.

Ул бўлуб борчага жондин мойил,  
Ул салотин<sup>3</sup> анга ондин мойил.

Бу жамоатки<sup>4</sup>, кўрарсен холо,  
Тана-тирно<sup>5</sup> била бошлаб ғавго,

Ичадурлар кеча-кундуз бода,  
Дину имон соридин озода.

Бир-бири бирла муҳолиф борча,  
Бир-биридин тақи<sup>6</sup> койиф<sup>7</sup> борча.

Атодин бордур ўгул нохушнуд,  
Атони ўгул этай дер нобуд.

Ато ҳам бордур ўгулдин безор,  
Ўлтурур ўглини йиғлатиб зор.

Сўзлари<sup>8</sup> ерила мазкур бўлур.  
Ушбу дафтар<sup>9</sup> аро мастур<sup>10</sup> бўлур.

Шаръдин йўқтур аларга парво.  
Шаръ сўзини демаслар асло.

Фикр қил, мулкин ким олғусидур?  
Кўси иқболни ким чоғусидур?

Қайдаким чодирини тикди нифок,  
Қолмас ул теграла осори вифок<sup>12</sup>.

<sup>1</sup>Йўжихон — Чингизхоннинг авлодларидан. <sup>2</sup>Тўрун — авлод. <sup>3</sup>Салотин — султонлар. <sup>4</sup>Бу ерда теурийлар кўзда тутилган. <sup>5</sup>Тана-тирно — кариндош-уруғ. <sup>6</sup>Тақи — тагин, яна. <sup>7</sup>Хойиф — кўркувчи, хавфланувчи, кўрқок. <sup>8</sup>Бу ерда воқеалар баъни дейилмоқчи. <sup>9</sup>Бу сўзда «Шайбонийнома» дostonининг ўзи кўзда тутилган. <sup>10</sup>Мастур — ёзилган. <sup>11</sup>Кўс — катта нога. <sup>12</sup>Вифок — музофикллик, бирлик, ахиллик.

Мулк илгидин чиқару тахт ила тож,  
Тахту тож аҳлин этарлар ихрож<sup>1</sup>.

Бўлса юз минг киши борча бу тавр,  
Эврулур борчасига охир давр.

Яна бир давр келур тозаву х(в) аш,  
Иттифоқ аҳлидек асру дилкаш.

Иттифоқ аҳлига давлат келишур,  
Иттифоқ аҳли ҳам они билишур.

Минг киши муттафиқ этса<sup>2</sup> ишини,  
Босар, албатта, бу юз минг кишини.

Иттифоқ андаву дину имон,  
Зарби шамширу<sup>3</sup> намозу «Куръон».

Мулк ул олмаса, ким олғусидур?  
Борча офоқ анга қолғусидур.

Ақл агар бор санга, иш қила кўр,  
Бу салотин йўлидин айрила кўр.

Ўзни ул хон қадамига еткур,  
Бошни султон қадамига еткур.

Чун бу сўзларни эшиттим филҳол,  
Айладим хилват ўзум бирла хаёл.

Борча маъкул эди-ю, борча савоб,  
Туздум оҳанги сафарга асбоб.

Юруб оҳанги Самарқанд эттим,  
Юруб ул шахрга бот-ўқ еттим.

Ниятим буки, кириб қўрғонга,  
Боргамен ондин Туркистонга,

Ё агар хон бу сорилар келса,  
Банда<sup>4</sup> хон сори азимат қилса.

---

<sup>1</sup>Ихрож — чиқариш, ҳайдаш, хориж этиш. <sup>2</sup>Муттафиқ этмоқ — иттифоқлашмоқ, бирлашмоқ. <sup>3</sup>Шамшир — қилч. <sup>4</sup>Банда — мен маъносида.



Манга ният бу эди, лек худо  
Айлагандур манга бу навъ казо

Ким, етишкан дам ул қўрғонга,  
Бандалик айлагамен ул хонга.

Чун етиштим, келибон неча казоқ<sup>1</sup>,  
Борчаси раҳм тариқидин йироқ,

Қахр ила келдилар андоғки, магар,  
Бандадин қўймоғусидурлар асар.

Бир неча ҳамдаму ҳамроҳ манга,  
Бор эдилар бори дилхоҳ манга.

Борчасини тунодилар, аммо —  
Манга кўргузмадилар ҳеч жафо.

Ул жамоатки, бу иш қилдилар,  
Бошима давлат ила келдилар.

Бор эмишлар бориси ўнг қўлда,  
Жонвафобий<sup>2</sup> била қўлдош йўлда.

Жонвафобий мени кўргач филҳол,  
Кўрушуб айлади ёрона<sup>3</sup> мақол.

Жонвафобий эмиш ўнг қўлда улуғ,  
Анга дўрман улусидин кўп уруғ.

Чун бу сўзлар била ўттум ондин,  
Хон йўлин жон била туттум ондин.

Мени хон оллига еткурдилар,  
Балки жон оллига еткурдилар.

...Кўлини лутф била қилди дароз,  
Мен тузуб жон аро оҳанги ниёз,

Кўрқа-кўрқа қадамига еттим,  
Бош қўюб оллида шукре эттим,

<sup>1</sup>Қазоқ — қочоқ, дарбадар. <sup>2</sup>Жонвафобий — Жонвафо исми бий.  
<sup>3</sup>Ёрона — дўстона.

Айлади лутф, сўруб ҳолимни,  
Билди яксар<sup>1</sup> менинг аҳволимни.

Шафқат бирла мани шод этти,  
Қайғудин бандани озод этти.

Чун ёниб тушти урушдин ул хон,  
Тилади бандани у шоҳи замон,

Айлади лутфу иноят бисёр,  
Айлади расми мурувват изҳор.

Чун анинг шеваи лутфин билдим,  
Банда ҳам арзи ниёзе қилдим.

Ул ниёзимни қабул айлади хон,  
Яна бисёр карам қилди аён...

## XXVII

Ҳазрати имом уз-замон ва халифат ур-рахмон Абулфатҳ  
Муҳаммад Шайбонийхон Бобур Мирзони қувлаб, Самар-  
қандға келиб қабол<sup>2</sup> қилгани

Чун босиб қувлади хон Бобурни,  
Қилди беному нишон Бобурни.

Ул Самарқанд сори айлади азм,  
Хон азимат сўнгича айлади жазм.

Ул тушиб, қалъа ичинда турди,  
Хон қабоб, қалъасини ўлтурди.

Тўзуб эрди навқари Бобурнинг,  
Эриб эрди жигари Бобурнинг.

Тура олмас эди ул шаҳрда ул,  
Эртаракдин олайн деди йўл.

Бор эди шаҳр аро шайх ул-ислом,  
Сўзлари борча сақолидек хом.

---

<sup>1</sup>Яксар — бир бошдан. <sup>2</sup>Қабол — қамал.

Булмакорим эди анинг оти,  
Анга бор эди ямонлиқ зоти.

Илмдин баҳраси чандон йўқ эди,  
Зотида машраби урфон йўқ эди.

Атониб эрди бузурги айём,  
Ҳам Самарқанд аро шайх ул-ислом.

Биров онинг эвига еткандур,  
Сари кўйида мақом эткандур.

Бир замон ул аро турғандур ул,  
Бир кишидин баса сўрғандур ул

Ким: «Бу худком уйида борму,  
Шайх ул-ислом уйида борму?»

Ул дегандур ангаки: «Эй неку<sup>1</sup> ном,  
Шайх худ бор, вале йўқ ислом».

Булмакорим ул айтқандек эди,  
Жаҳл йўлига қайтқандек эди,

Ул дедиким: «Не қилур хон бизга,  
Бўлса Бобур киби султон бизга.

Қалъа бўлса Самарқанд киби,  
Томлари даврида Алванд киби,

Юз минг уйлук киши анинг ичида,  
Борча ёзу қиши анинг ичида

Ки, бу кўрғон сори мойил бўлғай,  
Майлдин анга не ҳосил бўлғай.

Олсалар ташқи маҳаллотларни,  
Есалар андағи неъматларни,

Шаҳрнинг ичи не етмас бизга,  
Ташқи ёғи зарар этмас бизга.

---

<sup>1</sup>Неку — яхши, эзгу.

Ҳар қачон айлади ёғи<sup>1</sup> туғён,  
Деди Дарвиш Муҳаммад Тархон

Ким: «Самарқанд аро шоҳ ўғлон,  
Шоҳлиқ тавридин огоҳ ўғлон.

Икки қопқа аро бешаку гумон,  
Қирқ йил шоҳлиқ айлар осон».

Ушбу сўзлар била Бобур Мирзо,  
Турди ул шаҳр аро бошлаб ғавғо.

Шайх ул-ислом олуб Мирзони,  
Келди шаҳр ичра солуб Мирзони.

Шаҳрнинг ўртасида қилди мақом,  
Шаҳрнинг халқи била сурди калом.

Деди: «Эй халқ, билинлар таҳқиқ  
Ким, будур хон Шайбониға тариқ

Ким, бу қўрғонни қўлиға олса,  
Фатҳнинг кўсини мунда чолса,

Бўлур ўғлонларингиз борча асир,  
Ағниё<sup>2</sup> доғи бўлур борча фақир.

Қўлингиздин чиқар айвоңу сарой,  
Фоқаю<sup>3</sup> фақр қилур сизни гадой.

Бир лаби нонға бўлурсиз муҳтож,  
Борча ул хонға бўлурсиз муҳтож.

Азаматлар бори тағйир топар,  
Терс тушлар бори таъбир топар.

Катта дастор тушар бошлардин,  
Кўз юмарсиз борингиз ёшлардин.

Эгачию сингилу аҳлу аёл,  
Борча ўзбакка<sup>4</sup> бўлурлар помол<sup>5</sup>,

<sup>1</sup>Ёғи — душман. <sup>2</sup>Ағниё — ганилар, бойлар. <sup>3</sup>Фоқа — камбағаллик, фақирлик, муҳтожлик. <sup>4</sup>Ўзбак — Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ ўзбеклари кўзда тутилган. <sup>5</sup>Помол — поймол, оёқ ости.

Иттифоқ айлангиз эмди бизга  
То жафо етмагай андин сизга.

Неча юз ўзбакни ўлтурдук,  
Хасмлиқни<sup>1</sup> анга вожиб кўрдук.

Ташқори ўлтуруб эрди ул хон,  
Биз сизнинг бирла қилиб шарту мон,

Ушбу Мирзони кеча келтурдук,  
Шахрнинг ўртасига еткурдук.

Бошладук асру кўп ишлар, аммо  
Нетоли ўзга эди ҳукми худо.

Иш бу ерларга етибдур эмди,  
Кўроли биз не этибдур эмди.

Бошимиз борғунча эмди туроли,  
Ҳар на келса бошимизга, кўроли».

Ул бу сўзларни дегач, шахр эли,  
Демагил шахр эли, қаҳр эли.

Бир йўли айладилар борча фиғон  
Ким: «Бу элга кераги йўқ ул хон.

Ҳар наким сен десанг, андоқ қилоли,  
Кеча-кундуз қошинга йиғилоли.

Хон била жангу жадол айлаголи,  
Хон била ҳарбу қитол айлаголи.

Қалъамизни қилоли мустаҳкам,  
Бўлоли қалъа соридин беғам.

Кўполи<sup>2</sup> кину нифоқ айлаб фош,  
Қальанинг мардаки сони юз бош.

Нафт<sup>3</sup> ёғию қамиш жам этоли,  
Бир қамиш боғини юз шам этоли.

---

<sup>1</sup>Хасмлиқ — душманлик. <sup>2</sup>Кўполи — турайлик, қўзғалайлик. <sup>3</sup>Нафт — нефть.

Тахшандозларимиз<sup>1</sup> кўпдур,  
Ҳарб учун созларимиз кўпдур.

Ул уруш бирла не иш қилғусидур,  
Ишлари борча этилғусидур.

Дорий олмай бу сори ул хон,  
Уруш этмаклиги худ не имкон,

Қилур иши қабоб ўлтурмоқдур,  
Шеваси<sup>2</sup> ташқорида турмоқдур.

Қабоса ҳам қабосун, шод бўлунг,  
Сиз қабол бандидин озод бўлунг.

Олишиб қалъани биз сақлағоли,  
Солишиб қалъани биз сақлағоли.

Итларимизгача ҳосил сўёли,  
Ит эти ейирга кўнгул кўёли.

Ангача сақлағоли кўрғонни,  
Жониға еткуроли ул хонни.

Ҳолиё ошлиғимизға не ҳасиб<sup>3</sup>,  
Тузимизға не ҳасибу не катиб<sup>4</sup>.

От била тевамиз асру кўптур,  
Қўй била мевамиз асру кўптур.

Қанд еса улусимиз бир йил,  
Бу Самарқанд аро бўлур ҳосил.

Ўзгасидин не ҳикоят қилоли,  
Эмди айтсанг, қилур ишни билולי».

---

<sup>1</sup>Тахшандоз — ёниб турган ўқ (мушак) отувчи. <sup>2</sup>Шева — одат, қилик.  
<sup>3</sup>Ҳасиб — ҳисоб қилувчи; ҳисоб. <sup>4</sup>Катиб — ёзиб олувчи; бу ерда чексиз,  
ҳисоб-китоби йўқ маъносда.

## XXVIII

Самарқанд шаҳрининг элига Бобур Мирзо ёлбориб, ўткан-  
кечканларидин сўзлагани

Шаҳр эли чун дедилар бу сўзни,  
Тўхтата олмади Мирзо ўзни.

Йиғлабон дедики: «Раҳмат сизга,  
Тенгри берсун баче қувват сизга.

Отоларимни кўра қолгансиз,  
Иззу жоҳимга назар солгансиз.

Авбоком шоҳи жаҳондур Темур,  
Хусрави маъдалатосор<sup>1</sup> Темур.

Ўтколи юз йил ўтубтур эмди,  
Кўп эл они унутубтур эмди.

Ул ироқ бўлса ёқинроқни кўрунг,  
Кўрган элдин юрубон борча сўрунг

Ким, не турлук эди Султон Саййид  
Ким, Қаробог аро бўлди шаҳид.

Ул менинг жаддиму<sup>2</sup> бечора отам,  
Андижон мулкида хунхора отам.

Шоҳи сардори Умаршайх эрди,  
Тиғи хунбори Умаршайх эрди.

Абоғам эрди топиб фазли аҳад,  
Шоҳи динпарвари Султон Аҳмад.

Ушбу шаҳр ичра туғуб<sup>3</sup> улғайган,  
Нўши даҳр ичра туғуб улғайган.

Қирқ йил шоҳ эрди бу кишварда,  
Шоҳи огоҳ эрди бу кишварда.

---

<sup>1</sup>Маъдалатосор — адолатли, адолатпарвар. <sup>2</sup>Жадд — бобо. <sup>3</sup>Туғмоқ — туғилмоқ.

Сиз анинг даврида бўлган элсиз.  
Лутфу жуди била бўлган элсиз.

Эмди ёд айлангиз ул шахларни,  
Шоҳлик сирридин огаҳларни.

Истабон руҳларидин ҳиммат,  
Тортингиз банда<sup>1</sup> учун бир заҳмат.

Ҳам алар руҳларин шод қилинг,  
Ҳам мени қайғудин озод қилинг.

Мени бу шаҳрда зоеъ қилманг,  
Шуълайи қаҳрда зоеъ қилманг.

Менда минг чоғли навкар бор-йўқ  
Ким, менинг бирла бўлурлар очу тўқ.

Сиз менинг навкарим уммиди била,  
Навқару савдарим уммиди била,

Шаҳрбандону қабал айламангиз,  
Хон била жангу жадол айламангиз.

Гар ўзунгизга олурсиз ишни,  
Эл улуғларга солурсиз ишни,

Мен бу шаҳр ичра қилурман манзил,  
Йўқса филҳол чиқармен ҳосил».

## XXIX

Бобур Мирзо сўзидин мутаассир бўлуб<sup>2</sup>, шайх ул-ислом  
ва шаҳр эли қалъани беркитканлари

Ул бу сўзларни дегач яхши-ямон,  
Йиғлабон қилдилар оҳу афғон.

Дедилар: «Эй шаҳи покизасияр<sup>3</sup>,  
Сўзларинг қилди кўнгулларга асар.

---

<sup>1</sup>Банда — мен маъносида. <sup>2</sup>Мутаассир бўлмоқ — таъсирланмоқ,  
<sup>3</sup>Покизасияр — яхши хулқли, покиза кўнгилли.



Шоҳлардин айтиб афсона,  
Айладинг бизни яна девона.

Ёд бердинг бу улуска ғамни,  
Тоза қилдинг яна ул мотамни,

Сен тирик бўл, алар кечтилар<sup>1</sup>,  
Шарбати жоми фано ичтилар.

Сен алар ўрнида султон бўлғил,  
Шайх ул-ислом ила ёрон бўлғил.

Ул атодур, сен анинг ўғли бўл  
Ким, санга яхши атолиқ қилур ул.

Тўрт юз йил бўлуб эркан айём  
Ким, алардурлар шайх ул-ислом.

Убоко<sup>2</sup> бирла атоси машхур,  
Отлари борча китобда мастур.

Биз анга бандабиз-у, атомиз ул,  
Дафтари мулк уза дебочамиз ул.

Сен тақи бизга қадимий султон,  
Айлангиз бизга икингиз фармон.

Жонимиз борича хидмат қилоли,  
Хонға изҳори адоват қилоли.

Жамъ тутқил баче биздин хотир  
Ким, санга қуллуқ этарбиз зоҳир.

Сен юр у хожа била хурраму шод,  
Қалъанинг фикридин ўлғил озод.

Юз туман<sup>3</sup> халқ бу қўрғон аро бор,  
Борча сидқ била хидматкор.

---

<sup>1</sup>Кечмоқ — бу дунёдан ўтмоқ, вафот этмоқ. <sup>2</sup>Убоко — боболар  
<sup>3</sup>Туман — ўн минг; юз туман — миллион.

Фориғ ўлсун бори навкарлар ҳам,  
Хидматингда бори шоду хуррам.

Сен кетар сўзини тилга олма,  
Халқнинг жони аро ўт солма.

Гар бу сўзларга инонмас бўлсанг,  
Халқ қавлиға ишонмас бўлсанг,

Ҳар нечук шарт десанг ҳам — қилоли,  
Шарт ила аҳдни маҳкам қилоли»

### XXX

**Самарқанд эли Бобур Мирзо била аҳду шарт қилганлари**

Ушбу сўзлар била ул нодон эл,  
Қайси нодонки, бўлак ҳайвон эл,

Шартлар айладилар мустаҳкам,  
Қилдилар қалъаларини маҳкам.

Хон сори ҳеч назар қилмадилар,  
Жаҳддин ишларини билмадилар.

Қолди ул шаҳрда Бобур Мирзо,  
Ғофил андинки, недур ҳукми худо...

### LVII

**Хоникахоннинг мактуби Тошқандға етиб, мутааллиқлари<sup>1</sup>  
тириклик хабаридин севунганлари ва андағи мўғуллар  
Хоникахон ўғли била кетканлари ва аноси шаҳарда қолиб,  
шаҳарни южунлар<sup>2</sup> била таслим қилгани**

Хоникахон хатин олиб элчи,  
Эрнинг икки отин олиб элчи

Юруди Хониканинг хайли сори  
Ким, фигор эрдилар ул хайли бори.

Элчининг бурно<sup>3</sup> хабар еткандур,  
Андағи эл ўзидин кетгандур.

---

<sup>1</sup>Мутааллиқ — тааллуқли кишилар, яқинлар. <sup>2</sup>Южунлар — Чингиз-хоннинг Южихон деган ўғлидан таркаган авлод. Шайбонийхон ҳам ўшалардан эди. <sup>3</sup>Бурно — бурун, илгари; дастлаб, аввал.

Бостуруб келган улуслар бисёр,  
Йиғлагандурлар хон ҳолига зор.

Тушканидин хабар эткандурлар,  
Иниси сўзига еткандурлар.

Эли хоннинг ғамидин йиғлаб зор,  
Навҳапардоз<sup>1</sup> экандур бисёр

Ким, етиб элчи сунубтур<sup>2</sup> мактуб,  
Асру элчини кўрубтурлар хуб<sup>3</sup>.

Хоникахон сўзи бирла ҳосил,  
Мўғул улуси бўлибтур мойил

Ким, ватан сори азимат айлаб,  
Не азиматки, хазимат айлаб<sup>4</sup>.

Борча хон ўғли бирла кеткайлар,  
Кетиб Аҳмадбек ила еткайлар.

Борча ҳукмини қабул айладилар,  
Отининг кучлугини сайладилар.

Чиктилар Аҳмаду хон ўғли равон,  
Сўнгларидин улус айлаб афғон.

Кўл тутушиб бориёи туздилар,  
Мундағи эвларини<sup>5</sup> буздилар.

Хоннинг ўғли била жам ўлдилар,  
Дараларнинг ичида тўлдилар.

Қолди хоннинг аноси шаҳр ичида,  
Шаҳр йўқ бодияйи<sup>6</sup> қаҳр ичида.

Қизларини олибон ўлтурди,  
Ул балоларни қазодин кўрди.

---

<sup>1</sup>Навҳапардоз — нола қилиб йиғловчи. <sup>2</sup>Сунмоқ — узатмоқ. <sup>3</sup>Хуб — яхши. <sup>4</sup>Хазимат айламоқ — хизмат қилмоқ. <sup>5</sup>Эв — уй. <sup>6</sup>Бодия — чўл, саҳро, дашт.

Шаҳрни холи этиб чиқди мўғул,  
Мунтазир элки, қачон келгай ул.

Хон кўли ҳам эл олурға жозим,  
Бўлдилар элчи сўнгида озим.

Тоғнинг йўли била келдилар,  
Тоғ йўлини ёқин билдилар.

Қирдилар ютин юруб ул йўлда,  
Мингча от қолди анинг бир кўлда.

Ахсидин икки кўнуб йўл олди,  
Тошканд устига навбат солди.

Ўзидин бурно Темур Султонни,  
Анга қўшуб неча минг аъённи,

Жонибекни ҳам анга ҳамраҳ этиб,  
Салтанатдин ҳам они оғаҳ этиб,

Тошканд устига илғатиб эди,  
Ул иковга киши кўп қотиб эди.

Шаҳр бўлғанда мўғулдин холи,  
Ёр ўлуб бу иккиннинг иқболи.

Тошканд устига етқандурлар,  
Олиб ул элни йиқитгандурлар.

Жонибек хон қизини олғандур,  
Борчадин кўлни бурун солғандур.

Сингли бўлғандур ҳусн ила гани,  
Шаҳзода Темур олғандур ани.

Ўлжа молиға ботқандурлар,  
Тинч хотир била ётқандурлар.

Ушбу ҳолатда етиб келди хон,  
Офарин қилди анга аҳли жаҳон.

Ўтган ишларни дедилар қотида,  
Қилдилар шаҳр борин хидматида.

Дедилар: «Қизларидин қолдиму ҳеч?  
Келтуринг бизга они қўймай кеч!»

Дедилар: «Борчасидин зебороқ,  
Ҳусн ила борчасидин раънороқ,

Еш била доғи кичикроқ боридин,  
Бахт ила бори бийикроқ боридин,

Бор эмиш хонга муносиб моҳе,  
Ул санамлар аросида шоҳе.

Сарв онинг қоматидин шарманда,  
Зулфига анбари саро банда.

Мунфайил<sup>1</sup> кўзларидин оҳуйи чин,  
Ичи қон боғлади ғамдин мискин.

Чин мўғулчин ул эрур оламда,  
Йўқтур ул тавр бани одамда.

На Хито мулкида андоқ топилур,  
На Хўтан шаҳрида ул навъ келур.

Лўбати Чин деганнинг ўзидур,  
Сурати Чин деганнинг ўзидур».

Хон эшитгач бу сифатларни равон,  
Қилди маҳрам кишиларга фармон

Ким, ўшул ойни олиб келсунлар,  
Эвланури яроғин қилсунлар.

Чун кетурдилар они хон қотида,  
Келди Билқиси Сулаймон<sup>2</sup> қотида.

Бўлди хон хотибу<sup>3</sup> ул маҳбуба,  
Бўлди хон роғибу<sup>4</sup> ул марғуба<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup>Мунфайил — хижолатли, уялган. <sup>2</sup>Билқис — Сулаймон пайғамбарнинг хотини. Улар ҳақида талай ривоятлар бор. <sup>3</sup>Хотиб — хутбахон, хутба ўқувчи одам. <sup>4</sup>Роғиб — рағбатланган, яқин, мойил. <sup>5</sup>Марғуба — ёқимли, севимли, севгили.

Қилдилар они равон хонға никоҳ,  
Ишрату айш сўзи бўлди мубоҳ<sup>1</sup>.

Чарх онинг комиға эврулди яна,  
Ўзга, билманки, нелар бўлди яна.

Борча беклар дахи хурсанд эдилар,  
Ҳар сори толиби пайванд эдилар<sup>2</sup>.

Боттилар ҳар бири бир жонона,  
Туздилар ҳар бири бир кошона.

Ҳеч ким қолмади ул вақт қуруғ,  
Йўқ эди молу қиз олурға сўруғ,

Боттилар молға лашкар борча,  
Бўлдилар бой тавонгар борча.

Олдилар чинию фағфурий<sup>3</sup> аёғ<sup>4</sup>,  
Қилдилар бодайи гулгунни сўроғ<sup>5</sup>.

Ичтилар бодайи гулгун бисёр,  
Топтилар дилбари мавзун<sup>6</sup> бисёр.

Эрғадилар бори хон давлатидин,  
Яйрадилар неча кун ҳимматидин.

Олдилар рахти<sup>7</sup> хитойи беҳад,  
Йўқ эди рахти хитойиға адад<sup>8</sup>.

Тевалар<sup>9</sup> юки йипор олдилар,  
Юкларининг ичига солдилар.

Ул йипор ила бу қавми хушхўй,  
Қилдилар борча жаҳонни хушбўй.

Баъзи элким бор эдилар айёр,  
Ўлжаларда бор эдилар жаррор<sup>10</sup>.

---

<sup>1</sup>Мубоҳ — рухсат этилган иш, диний қоидага мувофиқ иш. <sup>2</sup>Мисраънинг маъноси: Ҳар тарафда уйланиш талаби билан (юрар) эдилар. <sup>3</sup>Фағфурий — хитойи, чинни буюмлар. <sup>4</sup>Аёғ — қадаҳ. <sup>5</sup>Сўроғ — сўроқ сўрадилар. <sup>6</sup>Мавзун — ўлчамли, бу ерда чиройли маъносиди. <sup>7</sup>Рахт — уй асбоб-анжоми, кийим-кечаклар. <sup>8</sup>Адад — сон, санок, миқдор. <sup>9</sup>Тевалар — туя. <sup>10</sup>Жаррор — қўркмас.

Ўзни хоннинг эвиги солдилар,  
Бўлган олтуни, кумушин олдилар.

Алачахоннинг икки маҳбуби  
Ким, алар эрди анинг матлуби<sup>1</sup>.

Бирисининг оти Олтун эрди,  
Алачахон анга мафтун эрди.

Кумуш эрди яна бирнинг оти,  
Бор эди анга сафойи зоти.

Олдилар икаласини итмом<sup>2</sup>,  
Қилдилар икаласини бадном.

Кумуш, Олтун деган ушбу эрди  
Ким, юқори сўз ичига кирди.

Кўп мўғулнинг санами тушти асир,  
Бўлдилар аҳли ғино борча фақир.

Хонга арз айладиларким, лашкар  
Қилдию бу мулк элини абтар<sup>3</sup>.

Халқнинг яхшилиғи учун хон  
Қилди оҳанги Самарқанд равон.

Боқти раҳмат била ул кўрғонга,  
Берди они Жонибек Султонга.

Ўзи кўрғон ташида ўлтурди,  
Теграсию ҳашамини кўрди.

Отланиб Чир<sup>4</sup> суйидин ўтгач хон,  
Келди Султон қотида хони замон.

Дедиким: «Чорлатингиз хонларни,  
Йиғингиз беклару ўғлонларни,

Олингиз бандларини филҳол,  
Айлангиз бандларини поймол».

---

<sup>1</sup>Матлуб — талаб қилинган, кўнгилга маъжул тушган. <sup>2</sup>Итмом — тамом, батамом, бутунлай. <sup>3</sup>Абтар — хароб, бахтсиз. <sup>4</sup>Чир — Сирдарё.

Хон бу сўзларни дегач Султонга,  
Жонвафо борди ул икки хонга,

Ола келди ул иковни филҳол,  
Олдилар қўлга иковни филҳол.

Кестуриб бандларини Султон,  
Қилибон иккаласини шодон.

Борди хонлар била хон ҳазратиға,  
Еттилар борчаси хон хидматиға.

Хон қилиб ул икки хонга таъзим,  
Деди: «Хотир аро келтурманг бим<sup>1</sup>.

Ғам еманг мулку диёрингиз учун,  
Бўлманг ошуфта бузук қишвар учун.

Кўп мунунгдек эл-улуслар бузулур,  
Бошингиз бўлса эсон, борча бўлур.

Боринг эмди ватанингиз сори,  
Эв-элингиз тақи борсун бори.

Мен Южи ўғлимен-у, сиз икки хон,  
Чиғатой ўғлисиз, ўлсин бу аён.

Боримиз бир анонинг ўғлибиз,  
Борчамизнинг атосидур Чингиз.

Южихону Чиғатойхон ҳосил,  
Сурголи ушбу жаҳондин маҳмил<sup>2</sup>.

Бизингу сизнинг аро бўлмади қон,  
Ҳар киши ўз ерида бўлди хон.

Эмди ҳам бўлғуси йўқ қон арода,  
Бўлғуси аҳду вафо жон арода.

Алачахон юрусун илгари шод,  
Кўчлар мазлимасидин<sup>3</sup> озод.

---

<sup>1</sup>Бим — қўрқув. <sup>2</sup>Маҳмил — кажава, от, туя устида одам ўтиришга мўлжалланган кажава. <sup>3</sup>Мазлима — зулму ситам.



Борибон эл улусиға етсун,  
Ётибон қалъаларин беркитсун.

Сиз улуғ хон сўнгидин отланингиз,  
Кўч бирла юрубон қотланингиз».

Ушбу сўзлар била хони даврон,  
Алачахонни бурун қилди равон.

Бек бисёр анга оту яроғ,  
Қилди инъом анга хоса бош-аёғ.

Бир-икки кун Алачахондин сўнг,  
Хоникахон иши ҳам келиб ўнг,

Топти рухсатки, мусофир бўлғай,  
Мўғулистонға мужовир<sup>1</sup> бўлғай.

Анга ҳам қилди иноят бисёр,  
Анга ҳам марҳаматин қилди ёр.

Теваю от фаровон берди,  
Хар яроғидиң анга айирди.

Яхшилиқ бирла узотиб они,  
Айлади марҳамати султоний.

Ул ики хонни узотиб, ўзи ҳам  
Келди ўз тахтиға шоду хуррам.

Ҳеч таърихда йўқтур бу иш,  
Ҳеч дафтарда топилмас бу соғиш.

Оллоҳ-оллоҳ, не мурувватдур бу!  
Оллоҳ-оллоҳ, не футувватдур<sup>2</sup> бу!

Юз туман раҳмат анинг ҳимматиға,  
Юз туман раҳмат анинг ниятиға!

Тенгри мақсудини ҳосил қилсун,  
Яхшилиғи ила енга келсун!..

---

<sup>1</sup> Мужовир — муқим, доимий яшовчи. <sup>2</sup> Футувват — мардлик, саховат, жўмардлик.

Чинсўфининг элчиси Хуросонга боргани ва Султон Хусайн Мирзо ўғулларин йиғиб, кенгаш қилганининг достони

Элчиси чунки Хуросон етти,  
Мундағи ишларини айтти.

Деди: «Биз сизнинг учун соврулдук,  
Дарду ғам ўти уза қоврулдук.

Мадад айлар маҳал ўтуб борадур,  
Чинсўфибек ичи юз минг порадур».

Чун бу сўзларни деди элчийи зор,  
Бўлди Мирзо янги боштин афгор.

Чорлатиб бекларини қилди кенгаш,  
Дедилар беклариким, келди кенгаш.

Деди Мирзоки: «Недур чорайи кор?  
Ишимиз асру бўлуптур душвор.

Олди хон борча вилоятларни,  
Элга кўргузди шужоатларни.

Ҳеч киши қолмади ул ён эмди,  
Бу сори келгуси ул хон эмди.

Шул замонким олур Урганчи ул,  
Солур, албатта, Хуросон сори йўл.

Эмди тадбир буким, Шоҳи Замон  
Балҳдин келса-ю, қилса фармон,

Ҳар неким ул деса, андоқ қилсақ,  
Гул киби суҳбатидин очилсақ.

Келсалар инилари ҳам борча,  
Есалар мулк учун ғам борча,

Мен қарибман, мени неткусидур,  
Мени бир ерда муқим эткусидур.

Бир маъжуб фақиредурмен,  
Тенгри йўлида асиредурмен.

На кўлум бор, на аёгим, на белим,  
Бу қадар эвруладур сўзга тилим.

Келсалар борча ўғуллар йигилиб,  
Борчаси мулк учун фикр қилиб,

Яхшироқ бўлғай аларга айтинг,  
Айтибон бот манга, беклар, қайтинг».

Чун бу сўзларни деди ул Мирзо.  
Солди ўғлонлари ичра ғавго.

Бордилар беклари бу сўз ила,  
Чоптилар от бори бу сўз била.

Дедилар сўзини ўғлонлариға,  
Еткуруб борчаларин жонлариға.

Борча сўзини қабул айладилар,  
Отларнинг семизин сайладилар.

Чопибон борча Ҳири бордилар,  
Отанинг кўнглини ахтордилар.

Балхдин Шоҳи Замони келди,  
Муниси руҳи равони келди.

Борди Машҳаддин анга Шоҳ Кўпак  
Ким, бўлай Чинсўфига банда кўмак.

Келди Койин соридин ибни Хусайн  
Ким, Самарқандға солгум шўру шайн<sup>1</sup>.

Ҳам Абулмуҳсини Марвий борди,  
Марвнинг ар-ару сарви борди.

Шу замондин бериким ул Мирзо  
Балхнинг устида айлаб ғавго,

---

<sup>1</sup>Шўру шайн — тўполов ва кайф.

Шоҳ Мўъминни ҳалок айлаб эди,  
Отаси бағрини чок айлаб эди.

Борча ўғлонлари ёғи эдилар,  
Борча султонлари боғи эдилар.

Бор эди ул аро айлаб тугён,  
Шоҳ Мўъмин атоси Шоҳи Замон.

Кўрмайин атоларининг юзини,  
Дер эдилар бори «Мўъмин» сўзини.

Эмдиким хон кўли устун бўлди,  
Дашти Хоразм черикдин<sup>1</sup> тўлди.

Ваҳм бўлдики, Хуросонни олур,  
Язду Кирмон била Кошонни олур.

Йиғилиб борчалари келдилар,  
Ато ҳукми била иш қилдилар.

---

<sup>1</sup>Черик — кўшин, аскар.

**Заҳриддин  
Муҳаммад  
Бобур**

(1483—1530)



Тенгри таолонинг инояти билан... ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум...

...иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати<sup>1</sup> ҳам келиб эди...

Ушбу маҳалларда (1503—1504) Бобурий хатни ихтироъ қилдим...

Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийдини бир ерда қилгон эмас эдим (1526).

Тарих тўққуз юз ўндаким (1504/5), Кобул вилояти мусаххар<sup>2</sup> бўлди... Етти-саккиз йилда (1519-26) беш навбат Ҳиндустонга черик торттук. Бешинчи навбат тенгри таоло... Ҳиндустондек васеъ<sup>3</sup> мамлакатни бизга муяссар ва мусаххар қилди.

(«Бобурнома»дан)

Бобур — дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган.

*Жавоҳарлаъл Неру*

Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди.

*Н. И. Веселовский*

---

<sup>1</sup>Китобат — хат. Алишер Навоийнинг 1500 йилда Бобурга ёзган мактуби кўзда тутилмоқда. <sup>2</sup>Мусаххар — буйсуниш. <sup>3</sup>Васеъ — бепоён.

Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари-гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз.

*Эрскин*

Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир.

*Эдуард Холден*

Фарғоналик мард, нозикдид, Бобур исмли йигит Ганг текисликларимизгача етиб келган, буюк мўғуллар сулоласи аталган салтанатимизга асос солиб, ўзини ҳинд деб билган эди.

*Ражив Ганди*

## Ғ А З А Л Л А Р

(ТОПМАДИМ)

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор<sup>1</sup> топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор<sup>2</sup> кўрмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук<sup>3</sup> кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй<sup>4</sup> этмишам, нетай,  
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.

### Шеърнинг ёзилиш тарихи

1500 йилнинг сўнгида ёвқур Бобур 240 кишиси билан бобомерос Самарқандни Шайбонийхоннинг кўп минг кишилик кўшини кўлидан тортиб олди. Халқ ёш, истеъдодли те-

<sup>1</sup>Маҳрами асрор — сирдош дўст. <sup>2</sup>Дилафгор — жароҳатланган дил.  
<sup>3</sup>Усрук — маст, хумор. <sup>4</sup>Хўй — ўрганиш, кўникма.

мурийни олқиш билан қаршилади. Алишер Навоийдек эътибори баланд шоир ва давлат арбоби унга хат ёзди. Камолиддин Биноий унинг хизматига келди.

Бирёқ ғалаба узоқ давом этмади. 1501 йилнинг кўкламида Зарафшон бўйидаги Сарипул деган жойда тажрибали Шайбонийхон Бобур аскарларини тор-мор қилди. Мағлубиятнинг сабаблари кўп эди. Энг биринчиси Бобур одамлари оз эди, иккинчиси — хиёнат. Масалан, унга ёрдамга келган мўғул аскари (Бобурнинг онаси мўғул эканлигини эсланг) урушга кириш ўрнига Бобур кишиларини талаб, отларини тортиб олишга киришганлар.

Хуллас, Бобур 10—12 кишиси билан зўрға қутулиб, Самарқандга кириб олишга муваффақ бўлади. Шаҳар қамали бошланади ва бир неча ой давом этади. Четдан ёрдам келмайди. Узоқ-яқинга озиқ ва куч сўраб юборилган элчилар қуруқ қайтадилар.

Ёз. Шаҳардаги озиқ-овқат тугаган. Янги ҳосил ташқарида, душман ёнида. Очарчилик бошланади. Бобурнинг энг яқин кишилари турли баҳоналар билан уни ташлаб кета бошлайдилар. Шу орада Шайбонийхон ўртага сулҳни солади. Бобур рози бўлади. Тун ярмидан ошганда, Шайхзода дарвозасидан чиқиб, Самарқандни тарк этади. Бирок қочқинда опаси Хонзодабегим Шайбонийхон қўлига тушади.

Бобур Хўжа Дийдор, Илон Ўти орқали Дизак (Жиззах) га келади. Ундан Ўратепага ўтади. Ташвиш-машаққатлар кўпайиб боради. Ўратепада экан, Самарқандда холасининг, Андижонда бувисининг (Умаршайхнинг онаси) вафотини эшитилади. Самарқанд Шайбонийхон қўлида, Андижон илгари мулозими, ҳозирда душманига айланган Аҳмад Танбал қўлида.

Бобур Тошкентга хон додаси (она томондан бобоси) Юнусхон хузурига боради. Бир неча кун хизматида бўлади. Бирор вилоят умид қилади. (Фаркат-Паркент, Оҳангарон, Хўжанд, Ўратепа, Дизак-Жиззах каби кўпгина вилоятлар Тошкент хонига қараган.) Лекин умиди пучга чиқади. Ўратепани ваъда қиладилару бермайдилар.

Бобур маъюс Ўратепага қайтади. Қишни Даҳқат деган манзилда ўтказмоқчи эди. Бирок Шайбонийхоннинг уни таъқиб қилиб келаётгани маълум бўлади.

Совуқ тушган. Хўжанд суйи (Сирдарё) музлаган. Бобур муз устидан ўтиб, Пскентга, ундан Оҳангаронга боради. Хиёнатлар ва улар туфайли яқин кишиларидан ажралиш (Нўён Кўкалдошнинг сирли ўлими), қариндош-уруғлардаги

ҳамиятсизлик, Шайбонийхоннинг тинимсиз таъкиби Бобурга қаттиқ таъсир этади. Қурбон ийдини Шохруҳияда (ҳозирги Оққўрғон ноҳияси сарҳадида харобалари сақланиб қолган) ўтказиб, яна Тошкентга қайтади. Хон додасига куйидаги рубойисини ёзиб, аҳволини арз қилади:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.  
Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,  
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Хон эътибор этмайди.

Бир неча кундан сўнг Аҳмад Танбал Ғурбатга қўшин тортиб келади. Юнусхон ва Аҳмад Танбал тўқнашадилар. Мурасага келинади. Катта ов ва зиёфат уюштирилади. Бу ҳол Бобурни қаттиқ қийнайди.

Юқоридаги ғазални Бобур худди шу кунни ёзиб тугатган эди. Унда Самарқанддай улуғ ва муқаддас ота юртни икки маротаба қўлга киритиб, икки маротаба қўлдан бериш изтиробини, мадад кутган кишиларининг лоқайд ва бепарволиги туғдирган ёлғизлик ҳисси, сарсонликда кечган кунлар алами анъанавий ишқий мавзуга хос тафсиллар орқали ифодаланган.

#### (ҚОЛДИМУ?!)

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор этти-ю қилди муддаини<sup>1</sup> парвариш,  
Даҳри дунпарварнинг<sup>2</sup> ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,  
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғоч кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ<sup>3</sup>,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси<sup>4</sup> қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,  
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси<sup>5</sup> қолдиму?!

<sup>1</sup>Муддаи — даъвогар. <sup>2</sup>Даҳри дунпарвар — тескаричи, пасткаш дунё.  
<sup>3</sup>Рафиқ — дўст. <sup>4</sup>Ҳарос — кўркув. <sup>5</sup>Сафо — шодлик.



## Шеърнинг ёзилиш тарихи

«Қолдиму?!» радибли ушбу ғазал 1507 йилда Ҳирот-Кобул йўлида ёзилган.

Шайбонийхон Хуросонни забт этишга киришиб, Балхни қамал қилади. Хусайн Бойқаро даъвати билан Бобур ҳам Кобулдан (у шу пайтда Кобул ҳукмдори эди) Балхга ёрдамга йўл олади. Бироқ 1506 йилнинг майида кекса Хусайн Бойқаро вафот этади. Кўзга кўринган теурийзодалар Шайбонийга қарши кучларни бирлаштириш учун 1506 йилнинг 27 октябрида Мурғобда учрашадилар. Қишни шу атрофда ўтказиб, кўкламда Шайбонийхон устига юришга қарор қилинади. Бобур Бадиуззамон ва Музаффармирзолар таклифи билан Ҳиротга боради. Хусайн Бойқаро мақбарасида бўлиб, фотиҳа ўқийди. Қариндошлар билан кўришади. Шаҳар билан танишади. Алишербек уйда бир муддат яшайди.

Лекин, мезбонлар Бобурга муносиб муомала қилмайдилар. Шу ерда қишни ўтказиш қолинг, дейдилару керакли нарса ва жой кўрсатмайдилар. Қиш кириб, тоғларга қор тушади. Қишлик эҳтиёжи кучайиб боради. Кобулнинг хавотири кўшилади. 24 декабрь куни Бобур, уни Ҳиротга таклиф қилган мирзоларнинг ҳеч бирига очиқ айтмай, қишлоқларни айланиш баҳонаси билан йўлга тушади. Ўша пайтлари Ҳиротдан Кобулга 2 йўл бўлган. Бири — Қандаҳор, иккинчиси Ҳазора йўли. Ҳазора йўли 1000 чақирим, Қандаҳор — 1846 чақирим. Қандаҳор йўли узок, лекин тинч. Ҳазора — қисқа, хатарли. Бобурнинг яқинларидан Қосимбек Ҳазора йўлини танлайди. Қор кучайиб боради. Чарокдон деган манзилдан ўтгач, қор узангидан юқори чиқиб, отлар юролма қолади. Бобур бошчилигида яёв, отларнинг олдига тушиб, қор тепиб, йўл очадилар. Кўп ўтмай, йўл бутунлай йўқолади. Йўл кўрсатадиган бирор киши топилмайди.

Ҳамма ёқ оппоқ қор. Юриш тобора оғирлашиб боради. Қор кучайгандан кучаяди. Ҳаволи Қутий деган жойда эса тамом тўхтаб қоладилар. Ҳаммани қор тагида қолиб, нобуд бўлиш ваҳимаси босади. Оёқ устида тик турганча тонг оттирадилар.

Юқоридаги ғазалнинг матлаъи ўша кунларда шоирнинг тилида айланган эди.

Бобур ва унинг мулозимлари тасодиф билан (Ҳаволи Қутий ғорида 50—60 киши жой бўлгулик бошпанага дуч келадилар) омон қоладилар. Лекин, «чархнинг жавру

жафоси» тамом бўлмайди. Кобулда уни янги хиёнат кутади. Яна қариндошлар панд берадилар. Холаси Хўб Нигорхонимнинг эри, Бобурнинг поччаси бўлмиш Муҳаммад Хусайн уни Хиротда қамокқа олибдилар, деб гап таркатади ва Кобулдаги мўғул аскарларини ўзига оғдириб, Мирзохон деганни подшоҳ қилиб кўтаради. Шундай қилиб, табиат офатидан омон қолган Бобур қариндошларидан таркиб топган фитначилар суикасдига дуч келади.

Шеърдаги «чарх» — дунёнинг «жафо»сидан шикоят мана шундай ҳаётий мазмунга эга.

### (ХАЗОН ЯПРОҒИ ЯНГЛИҒ...)

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух<sup>1</sup>, бу чехраи зардим.<sup>2</sup>

Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни<sup>3</sup> сарвдек ҳаргиз,  
Аёгингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам<sup>4</sup> қол,  
Мен арчи<sup>5</sup> даҳр<sup>6</sup> боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзумдин эл танаффулда<sup>7</sup>,  
Баҳар ранге<sup>8</sup>, биҳамдиллоҳ<sup>9</sup>, улусдин<sup>10</sup> ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари<sup>11</sup> бахтим топилмайдур,  
Фалак авроқини<sup>12</sup> ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўтқардим.

### (ҒУРБАТТА УЛ ОЙ...)

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир<sup>13</sup> қилибтур,  
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилубтур.

Мақдур<sup>14</sup> бориचा қилурам саъйи<sup>15</sup> висолинг,  
То тенгрини билмонки, не тақдир қилибтур.

---

<sup>1</sup>Рух — юз. <sup>2</sup>Зард — сарик. <sup>3</sup>Саркаш — ўжар, қайсар. <sup>4</sup>Сабзу хуррам — яшнаганлик. <sup>5</sup>Арчи — агарчи. <sup>6</sup>Даҳр — дунё. <sup>7</sup>Танаффур — нафрат. <sup>8</sup>Баҳар ранге — ҳар қалай. <sup>9</sup>Биҳамдиллоҳ — оллоҳга мақтов. <sup>10</sup>Улус — халқ. <sup>11</sup>Ахтар — юлдуз. <sup>12</sup>Авроқ — варақлар. <sup>13</sup>Пир — кекса, қари. <sup>14</sup>Мақдур — қудрат, қувват. <sup>15</sup>Саъй — ҳаракат.

Такдирдур ул ёну бу ён солгучи, йўқса,  
Кимса хаваси сунбулу татйир<sup>1</sup> қилибтур.

Бу Хинд ери хосилидин кўп кўнгул олдим,  
Не судки<sup>2</sup>, бу ер мени дилгир қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир<sup>3</sup> қилибтур.

#### (МУШКУЛДУР)

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур,  
Сенинг бирла чиқишмоқлик дағи бисёр мушкулдур.

Мизожинг нозику сен тунд<sup>4</sup>, мен бир беадаб телба,  
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкулдур.

Не осиг<sup>5</sup>нолау фарёд хоб олуд<sup>6</sup> бахтимдин,  
Бу унлар<sup>7</sup> бирла чун қилмоқ ани бедор мушкулдур.

Манга осондурур бўлса, агар юз минг туман<sup>8</sup> душман,  
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, бисёр мушкулдур.

Висолинким тиларсен нозини хуш тортқил, Бобур,  
Ки олам боғида топмоқ гули бехор<sup>9</sup> мушкулдур.

#### (МЕНИНГ КЎНГЛУМКИ..)

Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,  
Кўзумга ўкдурур сарву кўнгулга ғунча пайкондур.<sup>10</sup>

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг,  
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур.<sup>11</sup>

Висоли лаззатидин завқ топмоғлик эрур душвор<sup>12</sup>,  
Фироқи шиддатинда йўқса жон бермаклик осондур.

<sup>1</sup>Татйир — парвоз. <sup>2</sup>Не суд — нима фойда. <sup>3</sup>Тақсир — қусур, хато.  
<sup>4</sup>Тунд — жаҳлдор. <sup>5</sup>Осиг — фойда. <sup>6</sup>Хоб олуд — уйқудаги. <sup>7</sup>Ун — овоз.  
<sup>8</sup>Туман — ўн минг. <sup>9</sup>Бехор — тикансиз. <sup>10</sup>Пайкон — камон учудаги ме-  
талл, бошоқ. <sup>11</sup>Хиромон — чиройли юриш. <sup>12</sup>Душвор — қийин.

Бошидин эврүлүр<sup>1</sup> армони бирла ўлдум, эй Бобур,  
Менинг наъшимни<sup>2</sup> бори ул пари кўйидин айлондур<sup>3</sup>.

#### (ТОПИЛМАС)

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,  
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ<sup>4</sup> хуру парисен,  
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Агёр кўз олидау ул ёр аён йўқ,  
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки ҳуснунг чаманида,  
Кўзни юмуб очкунча, бу гулзор топилмас.

Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,  
Оламда кишига йўқ эса, ёр топилмас.

#### РУБОЙЛАР

Рафтори-ю<sup>5</sup> қаддиға равоним<sup>6</sup> садқа,  
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.  
Оғзи-ю белига буду нобудим<sup>7</sup> сарф,  
Кўзи-ю лабиға жисму жоним садқа.

Беқайдмену<sup>8</sup> хароби сийм<sup>9</sup> эрмасмен,  
Ҳам мол йиғиштирур лаим<sup>10</sup> эрмасмен.  
Кобулда иқомат<sup>11</sup> қилди Бобур, дерсиз,  
Андоқ демангизларки, муқим<sup>12</sup> эрмасмен.

Даврон мени ўткарди сару сомондин<sup>13</sup>,  
Ойирди мени бир йўли хону мондин.  
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна  
Неларки бошимға келмади даврондин.

<sup>1</sup>Эврүлмоқ — айланмоқ. <sup>2</sup>Наъш — тобут. <sup>3</sup>Айлондур — айлантир. <sup>4</sup>Худ — худди. <sup>5</sup>Рафтор — юриш. <sup>6</sup>Равон — тириклик. <sup>7</sup>Буд-нобудбор — йўқ. <sup>8</sup>Беқайд — эркин. <sup>9</sup>Сийм — танга, пул. <sup>10</sup>Лаим — паст. <sup>11</sup>Иқомат — яшаш. <sup>12</sup>Муқийм — туриб қолиш. <sup>13</sup>Сару сомон — азизлик ва хорлик маъносда.

Толъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юзқаролиғ бўлди.

Ҳижрон қафасида жон куши рам<sup>1</sup> қиладур,  
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.  
Не навъ битай фиरोку ғурбат шарҳин,  
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин ўчадур уйку, чу ақшом бўладур.  
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Борғон сари бу ортадур, ул кам бўладур.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,  
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.  
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи);  
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,  
Ё барча муродларни тарк етса киши,  
Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сориға<sup>2</sup> кетса киши.

Эйким, ёралик<sup>3</sup> жисмима марҳам сенсен,  
Мажруҳ<sup>4</sup> кўнгулға ништарим ҳам сенсен.  
Гаҳ шоду гаҳи ғамгин эсам, айб этма,  
Ким бойси шодмонлиғу ғам — сенсен.

Душманники, бу даҳр забардаст қилур,  
Нахват<sup>5</sup> майидин бир неча кун маст қилур,  
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,  
Охир яна ер киби они паст қилур.

Хусн аҳлиға зору мубтало кўз эрмиш,  
Жоним била кўнглумга бало кўз эрмиш.  
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра  
Кўзумни қорортқон қаро кўз эрмиш.

---

<sup>1</sup>Рам — чўчимок, хуркмок. <sup>2</sup>Сори — сари, томон. <sup>3</sup>Ера — яра. <sup>4</sup>Мажруҳ — жароҳат. <sup>5</sup>Нахват — кибру ғурур.

Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?  
Ҳажрингда кўзум пуробдур<sup>1</sup>, мен не қилай?  
Жисмим аро печу тобдур<sup>2</sup>, мен не қилай?  
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,  
Васлига етарга ихтиёрим йўқтур.  
Кимга очайин розки<sup>3</sup>, йўқ маҳрами роз,  
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим<sup>4</sup> йўқтур.

Сен гулсену мен ҳақир<sup>5</sup> булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълаға мен кулдурмен.  
Нисбат йўқтур деб ижтиноб<sup>6</sup> айламаким,  
Шаҳмен элга, вале санга кулдурмен.

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ямонлиқ ҳаргиз  
Ҳар кимки, ямон бўлса, жазо топқусидур.

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз  
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз.  
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун  
Бир-бирни неча кунни ғанимат тутунгиз.

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

## Т У Ю Қ Л А Р

Васлдин сўз дерга йўқ ёро<sup>7</sup> манга,  
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро<sup>8</sup>, манга.  
Ўқунг этти кўп ямон ёро<sup>9</sup> манга,  
Марҳами лутфунг била ёро<sup>10</sup> манга.

Қадимни фироқ меҳнати ё<sup>11</sup> қилди,  
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.  
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,  
Билмон<sup>12</sup>, санга шарҳ қилмади, ё қилди.

<sup>1</sup>Пуроб — лим-лим тўла ёш. <sup>2</sup>Печу тоб — дарду ғам. <sup>3</sup>Роз — сир.  
<sup>4</sup>Ғамгусор — ғамни тарқатувчи. <sup>5</sup>Ҳақир — бечора. <sup>6</sup>Ижтиноб — четга олмоқ.  
<sup>7</sup>Ёро — мажол, қувват. <sup>8</sup>Ёро — эй ёр. <sup>9</sup>Ёро — яра, жароҳат.  
<sup>10</sup>Ёро — ёрдам бер. <sup>11</sup>Ё — ёй. <sup>12</sup>Билмон — билмайман.

## Ф А Р Д

Борми экин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,  
Ҳар неким ондин ямонроқдур, будур ондин ямон.

### «БОБУРНОМА» ДАН

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур<sup>1</sup>. Маъмуранинг<sup>2</sup> канорасида<sup>3</sup> воқеъ бўлубтур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади<sup>4</sup> тоғлар... Мухтасар<sup>5</sup> вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдо-гирди тоғ воқеъ<sup>6</sup> бўлубтур. Ғарби тарафиким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин<sup>7</sup> ўзга ҳеч жонибтин киш ёғий<sup>8</sup> кела олмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машхурдур, шарқ ва шимоли тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сори оқар...

Етти пора қасабаси<sup>9</sup> бор: беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки (си) шимол жонибида. Жанубий тарафидаги қасабалар (дан) бири Андижондурким, васатта<sup>10</sup> воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир<sup>11</sup>, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур...

Эли туркдур. Шахр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи<sup>12</sup> қалам била росттур...

Рубъи маскунда<sup>13</sup> Самарқандча латиф шахр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур... Шахри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба ила мунга даст топмагон<sup>14</sup> учун «балдаи маҳфуза»<sup>15</sup> дерлар. Самарқанд амирул мўъминин<sup>16</sup> Усмон<sup>17</sup> замонида мусулмон бўлгондур. Саҳобадин<sup>18</sup> Кусам Ибн Аббос<sup>19</sup> анда боргондир. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур<sup>20</sup>. Холо<sup>21</sup> Мазори Шоҳга<sup>22</sup> машхурдир. Самарқандни Искандар<sup>23</sup> бино қилгондур. Мўғул ва турк улуси Семизканд<sup>24</sup> дерлар. Темурбек пойтахт

---

<sup>1</sup>Иқлим — минтақа, қитъа, (қадим олимлар ер юзини жуғрофий етти иқлимга ажратганлар.) <sup>2</sup>Маъмура — обод жой, мамлакат маъноларида. <sup>3</sup>Канора — чет, қирғоқ. <sup>4</sup>Сарҳад — чегара. <sup>5</sup>Мухтасар — кичик, ихчам. <sup>6</sup>Воқеъ — пайдо бўлиш. <sup>7</sup>Жониб — томон. <sup>8</sup>Ёғий — душман. <sup>9</sup>Қасаба — шаҳарча. <sup>10</sup>Васат — ўрта, марказ. <sup>11</sup>Вофир — мўл-қўл. <sup>12</sup>Лафз — сўз. <sup>13</sup>Рубъи маскун — қуруқликнинг тўртдан бири, ер юзи маъносида. <sup>14</sup>Даст топмагон — қўлга киритмаган. <sup>15</sup>Балдаи маҳфуза — қўрғон шаҳар. <sup>16</sup>Амирул мўъминин — мусулмонлар амири. <sup>17</sup>Усмон — Муҳаммад пайғамбардан кейинги учинчи халифа (644—656). <sup>18</sup>Саҳоба — Муҳаммад пайғамбар тарафдорларидан. <sup>19</sup>Кусам Ибн Аббос — саҳобалардан, Муҳаммад пайғамбарнинг амакивачаси. <sup>20</sup>Тош — ташқари. <sup>21</sup>Холо — ҳозирда. <sup>22</sup>Мазори Шоҳ — ҳозирги Шоҳи Зинда. <sup>23</sup>Искандар — жаҳонгир Александр Македонский (э. ав. 358—323). <sup>24</sup>Семизканд — бой шаҳар.

қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур. Кўрғонини фасилнинг<sup>1</sup> устидин, буюрдумким, қадам урдилар. Ҳн минг олти юз қадам чиқти...

...Шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳруҳияким, Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз. Кўҳак суйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки қуруҳ<sup>2</sup> бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта<sup>3</sup> тушубтур. Кўҳак дерлар. Бу руд<sup>4</sup> муниг тубидин оқар учун Кўҳак суйи<sup>5</sup> дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадур. Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар...

Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва боғоти<sup>6</sup> Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик<sup>7</sup>, Кўксаройға мавсум<sup>8</sup> ва машҳур ва бисёр<sup>9</sup> олий имораттур...

Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида<sup>10</sup> расаддурким,<sup>11</sup> зич<sup>12</sup> битмакнинг олатидур<sup>13</sup>. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била «Зичи Кўрагоний»ни<sup>14</sup> битибтурким, оламда ҳоло бу зич мустаъмалдур<sup>15</sup>...

Яхши вилоёти<sup>16</sup> ва тумоноти<sup>17</sup> бор. Улуғ вилоятиким, Самарқанд қаринасидур<sup>18</sup>, Бухородур. Самарқанднинг ғарби тарафи йигирма беш йиғоч<sup>19</sup> йўлдур. Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр<sup>20</sup> шаҳре<sup>21</sup> воқеъ бўлубтур. Меваси кўб бўлур ва хўб<sup>22</sup> бўлур, қовуни бисёр<sup>23</sup> яхши бўлур, Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва хўб қовун бўлмас...

Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўккуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир

---

<sup>1</sup>Фасил — девор маъносида. <sup>2</sup>Қуруҳ — 2 км чамасида. <sup>3</sup>Пушта — тепалик. <sup>4</sup>Руд — дарё. <sup>5</sup>Кўҳак суйи — ҳозирги Зарафшон. <sup>6</sup>Боғот — боғлар. <sup>7</sup>Ошён — қават. <sup>8</sup>Мавсум — исмланган, номланган. <sup>9</sup>Бисёр — жуда. <sup>10</sup>Домана — этак. <sup>11</sup>Расад — обсерватория. <sup>12</sup>Зич — астрономия жадвали. <sup>13</sup>Олат — асбоб. <sup>14</sup>Кўрагоний — сўзма-сўз маъноси куёв дегани. Улуғбекка, хотинларидан бири мўғуллардан бўлгани учун берилган ном. Чингизхондан кейин урф бўлган. Амир Темур ҳам Бибиҳонимга уйлангани учун «кўрагоний» эди. <sup>15</sup>Мустаъмал — амал қилмоқ. <sup>16</sup>Вилоёт — вилоятлар. <sup>17</sup>Туманот — туман (район)лар. <sup>18</sup>Қарина — яқин. <sup>19</sup>Йиғоч — тахминан 8 км узунликдаги масофа. <sup>20</sup>Тавр — ажойиб маъносида. <sup>21</sup>Шаҳре — бир шаҳар. <sup>22</sup>Хўб — яхши. <sup>23</sup>Бисёр — кўп, жуда.



гоғ тушубтур. Итмак добони<sup>1</sup> дерлар, Сангтарошлик<sup>2</sup> қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми<sup>3</sup> ва томи хўб сабз бўлур учун. Шаҳрсабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди<sup>4</sup> Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтимомлар<sup>5</sup> қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди...

(Хусайн Бойқаро)

Валодат<sup>6</sup> ва насаби<sup>7</sup> валодати секкиз юз қирқ иккида<sup>8</sup> Хирида Шохрухмирзо замонида эди. Султон Хусайнмирзо бинни<sup>9</sup> Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур... Онаси Фирузабегим эди. Темурбекнинг набираси. Султон Хусайнмирзо Мироншоҳ мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Хусайнмирзо каримуттарафайн<sup>10</sup> эди...

Шақлу шамойили:<sup>11</sup> кийиқ кўзлук, шер андом<sup>12</sup> бўйлук киши эди. Белидин қуйи инчка<sup>13</sup> эди. Бовужудким, улуг ёш яшаб, оқ соқолиқ бўлуб эди, хушранг қизил, яшил абришамни<sup>14</sup> кияр эди. Қора кўзи бўрк<sup>15</sup> кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч<sup>16</sup> дасторни<sup>17</sup> яп-ясси ёмон чирмон<sup>18</sup> чирмаб, қарқаро ўтағаси<sup>19</sup> санчиб, намозга бөрур эрди.

Ахлөк ва атвори:... Мафосил<sup>20</sup> заҳмати жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Харроф<sup>21</sup> ва хушхулқ<sup>22</sup> киши эди. Баъзи муомалотта<sup>23</sup> шаръни<sup>24</sup> бисёр ривоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтургани учун қонлиқлариға топшуруб, дорулқазоға<sup>25</sup> йиборди...

Шужоъ<sup>26</sup> ва мардона киши эди... Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Хусайнмирзоча қилич чопмиш бўлғай. Табъи<sup>27</sup> назми<sup>28</sup> бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Хусайний» эди...

Умароси<sup>29</sup>: ...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас

<sup>1</sup>Добон — довон. <sup>2</sup>Сангтарошлик — тош йўнишлик. <sup>3</sup>Бом — тоғ маънесида. <sup>4</sup>Зоду буди — асли. <sup>5</sup>Эҳтимом — аҳамият бериш. <sup>6</sup>Валодат — туғилмиш. <sup>7</sup>Насаб — насл, уруғ. <sup>8</sup>Мелодий 1438 йил. <sup>9</sup>Бинни — ўғли. <sup>10</sup>Каримуттарафайн — икки тарафлама улуғ, яъни ҳам ота, ҳам она томонидан темурийзода. <sup>11</sup>Шамойил — кўриниш. <sup>12</sup>Андо́м — қомат, киёфа. <sup>13</sup>Инчка — ингичка. <sup>14</sup>Абришам — ипак. <sup>15</sup>Бўрк — телпак. <sup>16</sup>Сепеч — уч ўрам. <sup>17</sup>Дастор — салла. <sup>18</sup>Чирмон — ўралган, чирмалган. <sup>19</sup>Қарқаро ўтағаси — подшолик жиғаси. <sup>20</sup>Мафосил — бўғин — бод (ревматизм) касаллиги. <sup>21</sup>Харроф — сўзчи, чечан. <sup>22</sup>Хушхулқ — яхши хулқли. <sup>23</sup>Муомалот — муомалалар, борди-келдилар. <sup>24</sup>Шаръ — шариат. <sup>25</sup>Дорулқазо — ўлим. <sup>26</sup>Шужоъ — шижоатли, довурак. <sup>27</sup>Табъ — истеъдод. <sup>28</sup>Назм — шеър. <sup>29</sup>Умаро — амирлар.

эди, балки мусоҳиби<sup>1</sup> эди. Кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон<sup>2</sup>, не жарима<sup>3</sup> била Султон Абусаидмирзо Ҳиридин ихрож<sup>4</sup> қилди. Самарқандга борди. Неча йилким, Самарқандда эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий<sup>5</sup> ва муқаввийси<sup>6</sup> эди. Алишербекнинг мизожи<sup>7</sup> нозук била машхурдир...

Алишербек назири<sup>8</sup> йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас...

Аҳли фазл<sup>9</sup> ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад<sup>10</sup> эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти<sup>11</sup> била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар<sup>12</sup>. Мунча бинойи хайрким<sup>13</sup>, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлмай...

Чун Кобул ва Ғазни пуршар<sup>14</sup> ва шўр ерлар эди, турк ва мўғулдин ва аймоқ ва аҳшомдин<sup>15</sup> ва афғон ва ҳазорадин мухталиф<sup>16</sup> эл ва улус анда йиғилиб эдилар. Яна Хуросон била Кобул ораси ёвуқроқ йўлдинким, тоғ йўли бўлмай, агар қор ва ях нима монё бўлмаса, бир ойчилик йўл эди. Туз<sup>17</sup> била қирқ-эллик кунлик йўл эди, валоят<sup>18</sup> ҳам ҳануз яхши кўнгул босмайдур эди. Давлатхоҳлардин<sup>19</sup> ҳеч ким бизнинг анда қишларимизни салоҳ<sup>20</sup> кўрмадилар. Мирзоларга узр айттук. Қабул қилмадилар, кўпрак таклиф қилдилар. Ҳар неча узр дедук, таклифни бажидроқ<sup>21</sup> қилдилар. Охир Бадиуззамонмирзо ва Абулмуҳсинмирзо ва Музаффармирзо отланиб, менинг уюмга келиб, қиш турмоқ таклифини қилдилар. Мирзолар юзига йўқ деёлмадук, мундоқ подшолар ўзлари келиб турмоқ таклифини қилдилар. Яна Ҳириниким<sup>22</sup>, рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайнмирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин<sup>23</sup> ва такаллуфидин<sup>24</sup> Ҳирининг зеб

<sup>1</sup>Мусоҳиб — яқин киши. <sup>2</sup>Билмон — билмайман. <sup>3</sup>Жарима — гуноҳ. <sup>4</sup>Ихрож — сургун. <sup>5</sup>Мураббий — тарбиячи. <sup>6</sup>Муқаввий — мададкор. <sup>7</sup>Мизожи — хулқ, табиат. <sup>8</sup>Назири — тенги. <sup>9</sup>Аҳли фазл — фазилатли кишилар. <sup>10</sup>Саромад — илғор, уста. <sup>11</sup>Тақвият — қувват, ёрдам. <sup>12</sup>Маъруф бўлмоқ — танилмоқ. <sup>13</sup>Бинойи хайр — хайрли (яхши) қурилишлар. <sup>14</sup>Пуршар — сержанжал, серғавго. <sup>15</sup>Аймоқ — аҳшом — хилма-хил кешуруғлардан дейилмоқчи. <sup>16</sup>Мухталиф — турли-туман. <sup>17</sup>Туз — тўғри, текис йўл кўзда тутилапти. <sup>18</sup>Валоят — ғамхўрлик. <sup>19</sup>Давлатхоҳ — хайрхоҳ, дўст. <sup>20</sup>Салоҳ — тўғри. <sup>21</sup>Бажид — жиддий. <sup>22</sup>Ҳири — Ҳиротнинг эрқалатма шаҳри. <sup>23</sup>Тасарруф — бошқариш. <sup>24</sup>Такаллуф — обрў-эътибор маъносига.

ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди, кўрмак орзуи хили бор эди. Бу жиҳатлардин турмоқни қабул қилдук.

Абулмуҳсинмирзо вилоятига Марвга<sup>1</sup> борди. Ибни Хусайнмирзо ҳам Тўн<sup>2</sup> ва Қойинга<sup>3</sup> борди. Бадиуззамон ва Музаффармирзо Ҳирига азимат қилдилар, икки-уч кундин кейинроқдин Чилдухтарон ва Тошработ йўли била мен ҳам Ҳирига мутаважжиҳ бўлдум<sup>4</sup>.

Барча бегимлар, Поянда Султонбегим, менинг аммам — Хадичабегим, Офокбегим, яна Султон Абусаидмирзонинг қизлари амма бегимлар барча Султон Хусайнмирзонинг мадрасасида йиғилдилар. Барча бегимлар мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум<sup>5</sup>, андин сўнг Офокбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум. Бир замон мунда ўлтуруб, ҳофизлар қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб эдилар, бордук. Хадичабегимнинг ошини торгтиллар. Ош тортилғондин кейин Поянда Султонбегимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдум, аввал манга Боғи Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридин чикқунча Алишербекнинг уйларида эдим.

Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиуззамонмирзога кўрунуш қилур эдим. Неча кундан сўнг Музаффармирзо уйига чорлади. Музаффармирзо Боғи Сафидда ўлтурур эди. Хадичабегим ҳам анда эди, Жаҳонгирмирзо менинг била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин Музаффармирзо бизни Бобурмирзо<sup>6</sup> солгон Тарабхона<sup>7</sup> отлиҳ иморатқа олиб борди. Тарабхонада чоғир<sup>8</sup> мажлиси бўлди.

Тарабхона боғчанинг ўртасида воқеъ бўлубтур<sup>9</sup>, мухтасарроқ<sup>10</sup> имораттур. Икки ошёналиқ<sup>11</sup> вале ширингина имораттур, юққориғи ошёнида такаллуф<sup>12</sup> кўпрак қилибтур-

---

<sup>1</sup>Марв — қадим шаҳарлардан, ҳозирда Туркменистоннинг Мари вилоятида харобалари сақланиб қолган. <sup>2</sup>Тўн — жой номи. <sup>3</sup>Қойин — жой номи. <sup>4</sup>Мутаважжиҳ бўлмоқ — юзланмоқ, йўл олмоқ. <sup>5</sup>Юкунуб кўрушмоқ — ҳурмат юзасидан таъзим қилиб кўришмоқ. <sup>6</sup>Навоийнинг ёшлигида хомийлик қилган Абулқосим Бобурмирзо (1422 — 1457) кўзда тутиляпти. <sup>7</sup>Тарабхона — ўйин-кулги уйи. <sup>8</sup>Чоғир — май. <sup>9</sup>Воқеъ бўлубтур — жойлашган. <sup>10</sup>Мухтасар — ихчам. <sup>11</sup>Ошён — қават. <sup>12</sup>Такаллуф — зийнат, пардоз.

лар. Тўрт кунжида<sup>1</sup> тўрт хужрадур. Ўзга бу тўрт хужранинг ўртаси ва мобайнлари<sup>2</sup> тамом бир уй дохилидур<sup>3</sup>, бир уйдурким, хужраларнинг мобайни тўрт шаҳнишин<sup>4</sup> йўсулук бўлбуртур. Бу уйнинг ҳар зилъи<sup>5</sup> мусаввардур<sup>6</sup>, агарчи бу иморатни Бобурмирзо қилгандур, вале бу тасвирларни Султон Абусаидмирзо буюргандур, масоф<sup>7</sup> ва урушларини тасвир қилибтурлар. Шимоли сариға шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў. Тўшакларнинг ёнлари шимол сари эди. Бир тўшакда Музаффармирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъудмирзо ва Жаҳонгирмирзо ўлтурдилар. Музаффармирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаффармирзо ўзидин юқори олди.

Ишрат паймоналарин<sup>8</sup> тўлдуруб, соқийлар юруб мажлис аҳлига тута кириштилар...

Йигирма кунким, Ҳирида эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим. Ажзчимиз<sup>9</sup> бу сайрларда Юсуф Али кўвалтош эди. Ҳар қайси сайргоҳқа тушулса эди, Юсуф Али кўвалтош бир навъ ош торғар эди. Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Хусайн-мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади экин, Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози қоғоз ва Тахти Остона ва Пуликоҳ ва Каҳдистон ва Боғи Назаргоҳ ва Неъматобод ва Гозургоҳнинг хиёбони ва Султон Аҳмадмирзонинг ҳазираси<sup>10</sup> ва Тахти Сафар ва Тахти Навоий ва Тахти Баргар ва Тахти Ҳожибек ва Шайхи Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайниддин ва Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг мазорат ва мақобирини<sup>11</sup> ва Намозгоҳи Мухтор ва Ҳавзи Моҳиён ва Соқи Салмон ва Биллурийким, асли Абулвалид экандур. Имом Фаҳр ва Боғ Хиёбон ва Мирзонинг<sup>12</sup> мадорис<sup>13</sup> ва мақобирини ва Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини ва Масжиди Жомеъни ва Боғи Зоғон ва Боғи Нав ва Боғи Зубайда ва Султон Абусаидмирзо солғон Дарвозаи Ироқнинг тошида<sup>14</sup> Оксарой ва Пўрон ва Суфаи Тирандозон ва Чарғолонг ва Мирвоҳид ва Пули Молон ва Хожа Тоқ ва Боғи Сафид ва Тарабхона ва Боғи Жаҳоноро ва Кўшк ва Муқаввийхона ва Савсанихона ва Дувоздах бурж ва Жаҳоноронинг шимол тарафидаги улуг ҳавз ва тўрт тарафидаги

<sup>1</sup>Кунж — бурч маъносиди. <sup>2</sup>Мобайн — ўрта, ыралик. <sup>3</sup>Дохил — таркиби. <sup>4</sup>Шаҳнишин — тахтсифат. <sup>5</sup>Зил — ич-қанот кўзда тутилади. <sup>6</sup>Мусаввар — суврат чизилган. <sup>7</sup>Масоф — жанг. <sup>8</sup>Ишрат паймоналарин — хурсандчилик қадаҳлари. <sup>9</sup>Ажзчи — бу ерда хизмат қилувчи маъносиди. <sup>10</sup>Ҳазира — килхона. <sup>11</sup>Мақобир — қабрлар. <sup>12</sup>Мирзо — Хусайн Бойкарога ишора. <sup>13</sup>Мадорис — мадрасалар. <sup>14</sup>Тоши — ташқариси.

тўрт иморат ва қалъанинг беш дарвозаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ ва Дарвозаи Фирузобод ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ ва Бозори Малик ва Чорсу ва Шайхулисломнинг мадрасаси ва Маликларнинг масжиди жомеи ва Боғи шаҳр ва Бадиуззамонмирзонинг жўйи инжил ёқасидаги мадрасаси ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия»<sup>1</sup> дерлар, мақбара ва масжиди жомениким «Кудсия»<sup>2</sup> дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, «Халосия»<sup>3</sup> ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосинаким<sup>4</sup>, «Сафоия»<sup>5</sup> ва «Шифоия»<sup>6</sup> дерлар, борини андақ фурсатга сайр қилдим.

\* \* \*

Ҳиндустон мамолики<sup>7</sup> васиё<sup>8</sup> ва пурмардум<sup>9</sup> ва пурҳосил<sup>10</sup> вилоят воқеъ бўлубтур... Ғариб<sup>11</sup> мамлакате воқеъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа<sup>12</sup> ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси, жангал ва саҳроси, мавозиё<sup>13</sup> ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи<sup>14</sup>, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқеъ бўлубтур...

Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур<sup>15</sup>, вухушдин<sup>16</sup> бир(и) филдурким... азимул жусса<sup>17</sup> ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар, қилур. Баҳоси улуклуғига<sup>18</sup> ярашадур, қарилаб<sup>19</sup> сотарлар. Ҳар неча улукроқ — баҳоси кўпроқ... Филнинг емак-ичмаги тамом хартуми биладур. Хартуми бўлмаса, тирилмас. Хартумининг икки ёнида юқориги энгагида икки улуз тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини кўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур...

Сешанба кун ўрду<sup>20</sup> тўғриси сабзалиқ<sup>21</sup> орол бор экандур, кема била ўтуб, ул оролни сайр қилиб, бир паҳра<sup>22</sup> келиб, кемага кирдим. Отлиқ сайр қилурда дарё ёқасида гофил борилгон жарнинг усти била ўттум. От дарз қилгон жарнинг устига чикқач, жар учти. Мен филҳол<sup>23</sup> секраб, ўзумни ёқаға солдим. От ҳам учмади. Агар мен отнинг

<sup>1</sup>«Унсия» — чин дўстлик. <sup>2</sup>«Кудсия» — поклик, муқаддаслик. <sup>3</sup>«Халосия» — қутулиш. <sup>4</sup>Доруш-шифо — соғайиш уйи. <sup>5</sup>«Сафоия» — софлик, покизалик. <sup>6</sup>«Шифоия» — соғайиш. <sup>7</sup>Мамолик — мамлакатлар, юртлар. <sup>8</sup>Васиё — кенг, бепоён. <sup>9</sup>Пурмардум — одами кўп. <sup>10</sup>Пурҳосил — серҳосил. <sup>11</sup>Ғариб — гаройиб, ажейиб. <sup>12</sup>Боқа — караганда. <sup>13</sup>Мавозиё — мавзёлар, жойлар. <sup>14</sup>Наботот — ўсимликлар. <sup>15</sup>Ҳиндустон махсуси — Ҳиндистондагина бўладиган. <sup>16</sup>Вухуш — вақийи ҳайвонлар. <sup>17</sup>Азимул жусса — катта жуссали. <sup>18</sup>Улуклуғи — улук, катта. <sup>19</sup>Қари — қўл учидан тирсақкача бўлган узунлик ўчоғи. <sup>20</sup>Ўрду — қароргоҳ, кўшни жойлашган ер. <sup>21</sup>Сабзалиқ — кўкал, ўтлоқ. <sup>22</sup>Паҳр — куннинг тўртдан бири. <sup>23</sup>Филҳол — ўша захоти

устида бўлсам эди, голиб бу эдиким, от била-ўқ учгай эдим. Ушбу кун Ганг дарёсини кўл солиб ўттим. Бир кўлни санадим, ўттуз уч кўл била ўттум. Бори дарёларни узуб, кечиб эдим, Ганг дарёси қолиб эди...

Душанба куни ойнинг тўртида Жўн<sup>1</sup> ёқасидин Баҳор<sup>2</sup> азимати била кўчулди. Беш куруҳ юриб Лавойиға<sup>3</sup> туштук. Мен кема била — ўқ келдим. Ушбу кунгача черик эли сувдин кечадур эди, зарбзанлик<sup>4</sup> аробаларниким, Одампурдин<sup>5</sup> кемалардин чиқарилиб эди, фармон бўлдиким, Пиёгтин<sup>6</sup> яна кемага солиб, кема била келтургайлар.

Тушган юртта куштгирларни<sup>7</sup> куштиға<sup>8</sup> солдук. Паҳлавон Лоҳурий киштибон<sup>9</sup> била Дўст Ясинхайр кушти тутти. Қалин талашти, ташвиш била Дўст йиқитти. Иккаласига сарупо инъом бўлди.

Илгари ботқоқлик, болчиқлик ёмон сув бор эмиш. Тўс<sup>10</sup> суйи дер эмишлар, гузар кўрарга ва йўл ясарға икки кун бу юртта таваққуф бўлди. От ва тевага гузар юққорроқ топилди. Юклук ароба ул гузарнинг ноҳамвор<sup>11</sup> тошлари бор жиҳатидин чиқв олмас эмиш, юклук аробаларни фармон бўлдиким, андин — ўқ ўткаргайлар.

Панжшанба куни андин кўчуб, мен Тўс суйининг қотилишиғача<sup>12</sup> кема била келдим. Қотилишидин кемадин чиқиб, отланиб Тўс суйи юққори юруб, намози дигар ўрдуғаким, сувдин ўтуб тушуб эдилар, келилди. Тонгласи ул юртта мақом бўлди<sup>13</sup> ...

Пиёгтин кўчган айёмда вужудумда обила<sup>14</sup> жароҳати пайдо бўлуб эди. Бу юртта бир Румий Румда эмди пайдо бўлгон муолажани қилди. Мурчни сафол қозонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухориға<sup>15</sup> туттум. Бухори камроқ бўла иссиқ суви била юдум, икки соатни нужумийғача даранг бўлди<sup>16</sup>. Ушбу юртта бир киши айттиким, ўрдунинг ёнидағи оролда шер ва карк<sup>17</sup> кўрубтурлар. Сабоҳи<sup>18</sup> ул оролни чаргаладук<sup>19</sup>. Филларни ҳам келтуруб эди. Шер ва карк чиқмади. Чарга учидин бир саҳройи говмиш чикибтур. Буқун тунд ел кўпти. Гард ва ғубор кўп ташвиш берди. Кемага етиб,

<sup>1</sup> Жўн — дарё номи. <sup>2</sup> Баҳор — жой номи. <sup>3</sup> Лавойин — жой номи. <sup>4</sup> Зарбзанлик — тўп отувчи (Бобур урушларида тўплардан кенг фойдаланган). <sup>5</sup> Одампур — жой номи. <sup>6</sup> Пиёг — жой номи. <sup>7</sup> Куштгир — курашчи. <sup>8</sup> Кушти — кураш. <sup>9</sup> Киштибон — кемачи. <sup>10</sup> Тўс — дарё номи. <sup>11</sup> Ноҳамвор — нотекис. <sup>12</sup> Қотилиш — кўшилиш. <sup>13</sup> Мақом — тўхташ. <sup>14</sup> Обила — пўрсилдоқ, кавариш. <sup>15</sup> Бухор — буғ. <sup>16</sup> Даранг бўлмоқ — секлялашмоқ. <sup>17</sup> Карк — каркидон. <sup>18</sup> Сабоҳи — эрталаб. <sup>19</sup> Чаргаламоқ — оралаб чикмоқ, сафланиб, бу бошидан у бошиғача кезиб чикмоқ.

кемага кириб, ўрдуға келдим. Ўрду Банорастин икки қурух юққорроқ тушуб эди. Чунорнинг<sup>1</sup> навоҳисидаги<sup>2</sup> жангалларда фил калин бўлур эмиш. Бу юрттин бориб, фил овлар хаёлим бор эди. Тожихон хабар келтурдиким, Маҳмудхон Сун<sup>3</sup> сувининг қошидадур. Бекларни чорлаб, ғаним устига илғамокни<sup>4</sup> машварат<sup>5</sup> қилилди. Охир мунга қарор топтиким, узун-узоғ кўчуб, бедаранг — ўқ юрулгай. Андин кўчуб, тўққуз қуруқ юруб, Балва<sup>6</sup> гузарига тушулди.

Ушбу юрттин душанба охшоми ойнинг ўн секкизида<sup>7</sup> Тоҳирни Ограға йиборилди. Қобулдин келадурганларга кўнолға<sup>8</sup> йўсулук инъом бўлгон ёрмоқларнинг<sup>9</sup> баротини<sup>10</sup> олиб борди.

Ушбу кун кема била келдим, тонгдин бурунроқ кемага кирилиб эдиким, Гўй<sup>11</sup> сувининг қотилишиғаким, Жўнпур<sup>12</sup> суйидур, етиб кема била озроқча Гўй суйи юққори бориб, яна ёндим<sup>13</sup>. Агарчи торғина сув эди, вале гузари йўқ эди. Ул юздаги черик эли кема била ва сол била ва от уздуруб ўтадур эдилар. Жўнпур суйининг қотилишидин бир қурух куйроқ келиб, билтурғи юртниким, андин Жўнпурга борилиб эди, сайр қилдим. Мувофиқ ел сув юққоридин пайдо бўлди. Банголий кеманинг елканини торттуруб, улуғ кемани уо кемага боғладилар, хили илдам келди...

Балхий полизкорни қовун эккали кўюлуб эди. Бир неча қовун сақлагон экандур, келтурди. Хили яхшиғина қовунлар эди. Бир-икки бута ток «Ҳашт беҳишт» боғида эктуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди, Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндустонда қовун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиге бўлди...

\* \* \*

Ва Муҳаммад Ҳумоюн<sup>14</sup> бир или<sup>15</sup> эдиким, Бадахшонда дийдорлардин<sup>16</sup> айру тушуб эрди, сўнгра бизни соғиниб, Бадахшонни Мирзо Сулаймонким, анинг куёви эрди, топ-

<sup>1</sup>Чунор — жой номи. <sup>2</sup>Навоҳи — атрофлари. <sup>3</sup>Сун — дарё номи. <sup>4</sup>Илғамок — хужум билан бормоқ. <sup>5</sup>Машварат — маслаҳат. <sup>6</sup>Балва — жой номи. <sup>7</sup>935-ҳижрий йилнинг ражаб ойи 18-куни кўзда тутилмоқда. Бу мелодий ҳисобда 1528 йилнинг 30 ноябрига тўғри келади. <sup>8</sup>Кўнолға — кўниш жойи, бу ўринда кўноқ маъносиди. <sup>9</sup>Ёрмоқ — пул, танга, олтин. <sup>10</sup>Барот — ёрлик. <sup>11</sup>Гўй — дарё номи. <sup>12</sup>Жўнпур — дарё номи. <sup>13</sup>Ёнмоқ — қайтмоқ. <sup>14</sup>Ҳумоюн — Бобурнинг катта ўғли. Унинг тўрт ўғли (Муҳаммад Ҳумоюн, Комронмирзо, Мирзо Аскарй, Мирзо Ҳиндол), уч кизи (Гулранбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим) бор эди. <sup>15</sup>Или — йили. <sup>16</sup>Дийдор — кўришиш.

шуруб, бир кунда Кобулға келур. Ва Мирзо Комрон Қандаҳордин Кобулға келган экандур. Ийдгоҳта<sup>1</sup> мулоқот қилиб, хайрон бўлуб, таважжух<sup>2</sup> сабабини сўрабтур. Ва Муҳаммад Хумоюн бизни иштиёжимизни айтиб, Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонға йиборуб, бизни тарафға юра берур. Бир неча кунда дорул хилофа<sup>3</sup> Ограга етиб, ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутуб, сўзлашиб ўлтуруб эрдукким, ета-ўк<sup>4</sup> келди. Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёруди. Муқаррар ҳар кун чашн<sup>5</sup> эди, лекин анинг ўзиға тўй бериб, хушҳоллиғлар қилдук. Ва неча муддатгача бир ерда бўлуб, мусоҳибона<sup>6</sup> бир-бир билан сулук<sup>7</sup> қилур эрдик. Ва алҳақ<sup>8</sup> суҳбатта бебадал<sup>9</sup> эрди ва инсони комилким дерлар, ўшал эрди.

Ўшал авқоттаким<sup>10</sup>, Муҳаммад Хумоюн Бадахшондин келди, Султон Саидхонким, Кошғар хонларидин эрди ва хешлиғи<sup>11</sup> ҳам бизга бор эрди, Рашидхонни Ёркандга кўюб, хаёли хом қилиб, Бадахшон тарафиға мутаважжих бўлубтур ва андин илгарироғким, ул Бадахшонға етмай, Мирзб Ҳиндол бориб, Қалъаи Зафарға кириб экандур. Султон Саидхон уч ой қабал<sup>12</sup> қилиб, илгидин иш келмай қайтибтур.

Ва бизга андоқ еттиким, Кошғарийлар келиб, Бадахшонни олдилар. Биз Хожа Халифани фармон бердукким, Бадахшонға бориб, нечукким, салоҳдийд<sup>13</sup> бўлса, қилсун. Ул нофаҳмлиғдин қабул қилмади. Ва Муҳаммад Хумоюнға айтгукким, сени борғонинг нечук бўлғай? Ул жавоб бердиким, фармонға чора йўқтур, лекин ахд қилғонменким, ўз ихтиёрим билан дийдордин айрилмағаймен. Анинг учун Мирзо Сулаймонни Бадахшонға ружсат берилди. Ва Султон Саидға битидукким, бовужудким, биздин неча ҳуқуқ сиздадур, ажаб келдиким, сиз мундоқ қилдингиз. Алҳол<sup>14</sup> Мирзо Ҳиндолни чарлаб, Мирзо Сулаймонни йибордук. Агар ҳуқуқни манзур<sup>15</sup> қилиб, Бадахшонни Сулаймон мирзоғаким, бизни фарзандимиздур, берсангиз яхши бўлғай. Ва, илло<sup>16</sup>, биз гуноҳни ўзумиздин соқит қилиб, меросни меросхўрға топшурдук, билсунлар. Ва Мирзо Сулаймон андин илгариким, Кобулға етгай, Бадахшонни душман

<sup>1</sup>Ийдгоҳ — ийд (хайит)лар ўтадиган жой. <sup>2</sup>Таважжух — шошилич келиши кўзда тутиляпти. <sup>3</sup>Дорул хилофа — пойтахт маъносиди. <sup>4</sup>Ета — ўк етибок. <sup>5</sup>Чашн — тантана. <sup>6</sup>Мусоҳибона — улфатлардек. <sup>7</sup>Сулук — суҳбат маъносиди. <sup>8</sup>Алҳақ — ҳақиқатан. <sup>9</sup>Бебадал — тенгсиз. <sup>10</sup>Авқот — вақтлар. <sup>11</sup>Хеш — яқин. <sup>12</sup>Қабал — ҳамал. <sup>13</sup>Салоҳдийд — маслаҳат. <sup>14</sup>Алҳол — дарҳол. <sup>15</sup>Манзур — маъқул. <sup>16</sup>Илло — магар.



илгидин кўюб, амонлиғ бўлгон экандур. Ва Мирзо Сулаймон Бадахшонга борғонидин сўнг, Мирзо Ҳиндол Бадахшонни Мирзо Сулаймонга топшуруб, Ҳиндистонга мутаважжих бўлди.

Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғаким<sup>1</sup>, анинг жойгири<sup>2</sup> эрди, руҳсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран, ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тугар экандур, бора-бора узоққа тортар. Тоонки<sup>3</sup>, биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлига келтуруб, Деҳлидин кемага солиб, келтурсунларким, ҳакими ҳозиклар<sup>4</sup> кўруб дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору-дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундок дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддук<sup>5</sup> қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сихҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддук бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин<sup>6</sup> арзға тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сихҳат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизга келтурасиз. Фараз<sup>7</sup> будурким, дунё молидин яхшисини тасаддук қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским<sup>8</sup>, Иброҳимни урушида тушуб эрди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят<sup>9</sup> қилиб эрдингиз, тасаддук қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечук бўлмай, мен анинг фидоси қилурманким, ҳол анга мушкул бўлубтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла<sup>10</sup> бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқидим. Аъёни давлат<sup>11</sup> ва аркони мамлакатни<sup>12</sup> чарлаб, байъат<sup>13</sup> қўлларини Ҳумоюнни қўлиға бериб, жойнишиқлиғиға<sup>14</sup> ва валиаҳдлиғиға насб қилдим<sup>15</sup>. Ва тахтни анга топшурдим. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда<sup>16</sup> бор эдилар, бериси қабул қилиб, банд бўлдилар.<sup>17</sup>

<sup>1</sup>Санбал — жой номи. <sup>2</sup>Жойгир — ўрин. <sup>3</sup>Тоонки — то уники. <sup>4</sup>Ҳозик — билимдон. <sup>5</sup>Тасаддук — садақа. <sup>6</sup>Муқарраб — яқин. <sup>7</sup>Фараз — маъсад, муддао. <sup>8</sup>«Кўхи нур» номи билан машҳур дувёдаги энг йирик олмоқ ҳозирда у Буюк Британияда сақланэди. <sup>9</sup>Иноят — эҳсон, севға. <sup>10</sup>Қатла — марта. <sup>11</sup>Аъёни давлат — давлатнинг улуғ мартабали кишилари. <sup>12</sup>Аркони мамлакат — мамлакат устунлари. <sup>13</sup>Байъат — келишув, шартнома. <sup>14</sup>Жойнишин — бериладиган жой, мартаба кўзда тутилади. <sup>15</sup>Насб қилмоқ — тайинламоқ. <sup>16</sup>Насойиҳ — юз берган воқеага ишора. <sup>17</sup>Банд бўлмоқ — бажаришга, шуғулланишга киришмоқ.

# ХVII—ХVIII АСРЛАР ВА ХIХ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

## Турди Фароғий

(ХVII асрнинг ўргалари ва охирида яшаб, тахминан  
1699 ёки 1700 йилда вафот этган)

### (ТУРДИМАН)

Қатраям ночиз<sup>1</sup>, аммо зоти қулзум<sup>2</sup> Турдиман,  
Келтуран амвожға<sup>3</sup> баҳри талотум<sup>4</sup> Турдиман.

Қирк юз, минг акраболар<sup>5</sup> этдилар мандин нуфур<sup>6</sup>,  
Не бало бахти қарову толеи шум Турдиман.

Риштадек минг бор рўзе чашми сўзандан<sup>7</sup> ўтар,  
Бовужуди эътибори чашми мардум Турдиман.

### (ГУҲАРНИ БИЛМА ХОЛИ ҚАТРАДИН)

Танаъумнинг<sup>8</sup> надоматсиз<sup>9</sup>, тамошонинг тасарруфсиз<sup>10</sup>  
Жаҳон истаб юрурда кўрмадим бир тан<sup>11</sup> таассуфсиз<sup>12</sup>.

Ҳақиқатбингадур<sup>13</sup> ҳар жузв<sup>14</sup> — кулл<sup>15</sup>, ҳар зарра<sup>16</sup> бир  
хуршед<sup>17</sup>,  
Гуҳарни<sup>18</sup> билма холи<sup>19</sup> қатрадин, ҳар чаҳни Юсуфсиз.

<sup>1</sup>Ночиз — кичкина, ҳеч нарсага арзимайдиган. <sup>2</sup>Қулзум — денгиз.  
<sup>3</sup>Амвож — мавжлар, тўлқинлар. <sup>4</sup>Талотум — пўртана, тўпонов. <sup>5</sup>Қирк юз,  
минг акрабо — туркий уруғлар. <sup>6</sup>Нуфур — нафрат. <sup>7</sup>Сўзан — игна. <sup>8</sup>Танаъ-  
ум — нозу неъматлар ичида, роҳатда яшаш. <sup>9</sup>Надомат — пушаймонлик,  
афсусланиш. <sup>10</sup>Тасарруф — бу ерда фурсатни, умрни беҳуда сарфлаш,  
исрофгарчилик маъносида қўлланган. <sup>11</sup>Бир тан — бирор вужуд, тирик жон,  
демоқчи шоир. <sup>12</sup>Таассуф — ачиниш, куйиниш, афсусланиш. Байт маз-  
муни: бу дунёнинг ноз-неъматлари, томошасига ҳрс қўйиш оқибати —  
афсус-надомат демакдир. <sup>13</sup>Ҳақиқатбин — худони танувчи, кўрувчи, ҳар  
бир нарсада Аллоҳ мўъжизаси, қудратини кузатувчи киши. <sup>14</sup>Жузв —  
бўлак, қисм, парча. <sup>15</sup>Кулл — ҳамма, бутун, жамъи. <sup>16</sup>Зарра — энг майда,  
бўлак, атом. <sup>17</sup>Хуршед — қуёш, офтоб. Мисраъ мазмуни: Ҳақни таниган  
инсон бўлақда бутун, заррада қуёш аксини тасаввур эта олади. <sup>18</sup>Гуҳар —  
гавҳар. <sup>19</sup>Холи — бўш, банд эмас, ичида ҳеч нарса йўқ; холи билмоқ —  
бўш билмоқ. Мисраъ мазмуни: ҳар бир гавҳар бўш бўлмаганидек, ҳар қан-  
дай чоҳда Юсуфдек гўзал яширинган бўлиши мумкинлигини унутма.  
Шоир акалари томонидан жарга ташлаб кетилган Юсуф пайгамбарга  
ишора қилаётир. Юсуф қиссасини эсланг. Юсуф тасавуфий маънода  
илоҳий маҳбуб — Тангри тимсолини ҳам акс эттиради. Бу маънода  
Аллоҳ назаридан яширин бирор гўша йўқлигига ишора бор.

Тафаккур вартасинда<sup>1</sup> маҳв ўлуб, кирдим жаҳон сори,  
Ҳарифе<sup>2</sup> топмадим оламда йўқлугдин такаллуфсиз<sup>3</sup>.

## Ҳ А З А Л Л А Р

(БУ МУЛК)

Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,  
Фитнайи авбошу<sup>4</sup> зулму куфру туғендур бу мулк.

Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,  
Мутлақо кирдори<sup>5</sup> хайли<sup>6</sup> кофиристондур бу мулк.

Дурахду<sup>7</sup>, тангчашму<sup>8</sup> бесару<sup>9</sup> яъжужвазъ<sup>10</sup>,  
Мухталиф мазҳаб<sup>11</sup>, гуруҳи ўзбекистондур бу мулк.

Нақди жон берсанг, топилмас, истасанг, бир дона айш,  
Меҳнату андуҳдан сўрсанг, фаровондур бу мулк.

Жойи ислому мусулмонлиғ, Фароғий, истама,  
Пойтахти кишвари<sup>12</sup> Субҳонқулихондур бу мулк.

## (КЕНГЛИК ҚИЛИНГ)

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки<sup>13</sup> бўли<sup>14</sup> ўзбек юргидур, тенглик қилинг.

Бирни қипчоқу хитою бирни юз, найман деманг,  
Қирқу юз, минг сон бўлуб, бир хон сийнлик қилинг.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнгурлик<sup>15</sup>, бир тиризлиқ<sup>16</sup>, бир яқо-енглик қилинг.

<sup>1</sup>Тафаккур вартаси — тафаккур гирдоби. *Варта* — ҳалокатли жой, гирдоб, тагсиз чуқурлик, ҳалокатли ҳолат. <sup>2</sup>Ҳариф — дўст, ўртоқ, ҳамроҳ. <sup>3</sup>Такаллуфсиз — кулфатсиз. Байт мазмуни: бу дунёга тафаккур гирдобига чўмиб, ширин фикру хаёлга асир бўлиб кирган эдим, афсуски, у ерда йўқчилик кулфатидан озод бирор йўлдош тополмадим. <sup>4</sup>Авбош — бебош, дайди, саёқ; безори. <sup>5</sup>Кирдор — қилғилик, қилиқ, иш. <sup>6</sup>Хайл — гуруҳ, тўда, гўп. <sup>7</sup>Дурахд — ўз аҳдидан узоқ, аҳдига вафо қилмайдиган. <sup>8</sup>Тангчашм — кўзи тор, хасис, қитмир. <sup>9</sup>Бесар — бошсиз, бебош. <sup>10</sup>Яъжужвазъ — яъжуж кўринишли, яъни афсонавий ёвуз, йиртқич махлук сингари; унинг сифати, вазиятидаги. <sup>11</sup>Мухталиф мазҳаб — мазҳаби, яъни йўли, таълимоти келишмовчилик, қарама-қаршилик, жанжалдан иборат. <sup>12</sup>Кишвар — мамлакат. <sup>13</sup>Тўқсон икки — ўзбек уруғлари миқдори назарда тутилган. <sup>14</sup>Бўли — қариндош. <sup>15</sup>Ўнгур — чуқур, хандақ. <sup>16</sup>Тириз — тепа.

Ким кўюбдур ухдаи ўз мулкунгиздин чикмайин,  
Икки, уч, тўрт даъвисин этмакни, кўтаҳлик қилинг<sup>1</sup>.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўториб захмлар,  
Сизга йўқ ул жавҳаре, юзга упо-энглик қилинг.

(МУСУЛМОН БИЛМА АСЛО...)

Мусулмон билма асло ҳеч мазҳаб қавлида ўзбак<sup>2</sup>,  
Буларни куфрига билиттифоқи жумла йўқтур шак.

На мазҳаб, қайси дин, ўз мулкени ўзи хароб этгай,  
Эрурлар муфсид ул-арзу<sup>3</sup> арозил фирқайи<sup>4</sup> бадрак.

Атолур ҳожи кофир Макка бориб, ҳаж қилиб келса  
Ки, ҳаргиз ўзга бўлмас ҳақ йўли юрган билан эшшак.

Кўруб суратда зоҳир шайху сўфи, эътиқод этма,  
Қириб масжидга чикмак бирла қўймас (гўнг) емакни сак<sup>5</sup>.

(БОШИМА БИР КЎҲИ ҒАМ...)

Бошима бир кўҳи ғам бир от коху<sup>6</sup> емидин,  
Бир кўнгул юз пора йўқлуқ заъфи, ваҳму бимиди<sup>7</sup>.

Қад букуб, бўйнул эгиб, тегди аёқларга бошим  
Аҳли дунё пойбўси, хизмату таъзимидин.

Дил кабобим, қон шаробим, ашки ҳасрат — нуқли базм  
Етди қассоми<sup>8</sup> азални хидмати танъимидин.

(ДУНИЙ-Ю УҚБО СЕНИНГ КЎНГЛУНГДА...)

Дунйи-ю уқбо<sup>9</sup> сенинг кўнглунгда доим жилвагар,  
Бирга вуслат<sup>10</sup> истасанг, қил иккидин қатъи назар.

Бир дил ўлса, иккига бермак ҳақиқат ширкидур,  
Бирдан ўлса жумла пайдо, бирга қил умрунг басар.

---

<sup>1</sup>Кўтаҳлик қилинг — калта қайтинг. <sup>2</sup>«Ўзбек» деганда, халқ эмас, балки уруғ номи назарда тутилган. <sup>3</sup>Муфсид ул-арз — ер юзининг фиску фасодчиси, фитначиси. <sup>4</sup>Фирқа — мазҳаб, туркум, тўда. <sup>5</sup>Сак — ит. <sup>6</sup>Кох — сомон. <sup>7</sup>Бим — кўрқув. <sup>8</sup>Қассом — бўлувчи, улашувчи; қассоми азал — тақдир тақсимотчиси. <sup>9</sup>Уқбо — охират. <sup>10</sup>Вуслат — васл, етишиш, эришиш.

Молу дунёни йигиб, бир лоша<sup>1</sup> танга зулм эдиб,  
Юк оғир, эшшак яғир, манзил узоку йўл хатар.

(ТУРКОНА ХИРОМ АЙЛАДИ...)

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,  
Дил мулкини бир гўшайи чашм айлади яғмо<sup>2</sup>.

Туфроғда жон битса раводур, на ажаб гул,  
Чўх сарви сиғди этди ниҳон кўзлари шахло.

Ҳар қанда ғами дўст дили порани истар,  
То субҳ яко йиртмади — меҳр ўлмади пайдо.

**ДАР АСРИ СУБҲОНҚУЛИХОН ВА БИДЪАТҲОЙИ ХОН ВА  
ГУЛОМОН ВА УМАРҲОЙИ ХОНИ МАЗКУР ВА ЗОЛИМОН ВА ИНОҚ  
БУДАНИ БАЙЛОҚ ҚУШБЕГИ; МУХАММАСИ ТУРКИ ДАР ҲАЖВИ  
ОНҲО ТАҲРИР НАМУДАЙИ ТУРДИ<sup>3</sup>**

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ<sup>4</sup>,  
Ёғдурур бошимиза санги жафо, гарди фиरोқ.

Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бош-оёқ,  
Мулкдин адлу карам кетти, қолиб кину нифоқ,  
Яхшилик қилма тамаъ, зулм ила дўлди офоқ.

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун<sup>5</sup> дутди,  
Хўблар маснадини сифла била дун дутди,  
Таҳ-батаҳ кўнглими бу фикр била жун дутди,  
Жойи шаҳбозлари қарғаву кузгун дутди,  
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим яналoқ.

Шоҳ ҳамбазм ўлуб хожасаролар била ёр,  
Ҳукм баръакс суруб, бўлди хотунлар сардор,  
Хор ўлди уламову фузало, шайху кибор,  
Кўрунгиз юрт иши топти на ерларга қарор,  
Хон жилови ики бадрагга тегиб, ўлди иноқ.

---

<sup>1</sup>Лоша — ўлимтик, хароб. <sup>2</sup>Яғмо — талон-тороғ. <sup>3</sup>Сарлавҳа мазмуни: «Субҳонқулихон асрида хон, унинг куллари ва амирларнинг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ Қушбегининг иноқ бўлиши; Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий муҳаммас ёзгани». <sup>4</sup>Кўҳна равоқ — лугавий маъноси: эски бино; мажозий маъноси: ушбу дунё. <sup>5</sup>Рубъ ила маскун — ер юзининг одам яшайдиган қисми.

Ихтиёрин барининг қўлига қуллар олғай,  
Ҳар бири айш ила қонуни танаъум<sup>1</sup> чолғай,  
Мулкнинг неку бади<sup>2</sup> маслаҳатини қилғай,  
Одамизодалари қадрини қайдин билғай,  
Бири нокас, бириси етиму Идрис тўқмоқ.

Фуқаро бошина етти бу қалин шум қуллар,  
Қани бир эр(ки), чиқиб айласа маъдум қуллар,  
Ҳамдами шоҳ ўлуб, аҳли таҳаккум<sup>3</sup> қуллар,  
Отларин лавҳи қаламравдин эдиб гум қуллар,  
Солса бу (пасткашу) кўҳдамлари бўйнига ажок.

Шоҳлиғ улдур, они ҳукму сўзи бир керак,  
Адл ёйини куруб, рост нишон тир керак,  
Рострав, дини дуруст, пешаси тадбир керак,  
На муханнас сифати, сурати тағйир керак,  
Сурати марду хотундек ясатиб қошу қабоқ.

На адолат бўлур ул шоҳда — ўлғай лўлизой<sup>4</sup>,  
Ҳамдами хотуну кенгаш бегиси хожасарой,  
Мардлиғ йўқтур ангаким, қаросанг сар то пой  
Шоҳнинг хизмати этиб (турадур) саккиз ой,  
Тошканд мулкида илғор ётиб зору қашоқ.

Ҳукмедур жумла либосию ишидур амали,  
Сўзидур бетаҳу<sup>5</sup> фармони нишони жаали<sup>6</sup>,  
Мумсику сифлаву<sup>7</sup> дундурки<sup>8</sup>, бағоят қабали<sup>9</sup>,  
Анга ўхшарки, қолан бурунғиларни масали:  
«Ёғ ишқордан олару қаросувдин қаймоқ».

Бидъату зулм ани хилқату<sup>10</sup> асли зоти,  
Юртни бузди ҳавола била таклифоти,  
Олди бу расми барот<sup>11</sup> ила тасарруфоти<sup>12</sup>,  
Вор мундин шарафи мурдашўю<sup>13</sup> исқоти<sup>14</sup>,  
Тўра ўғли ичида йўқ мунидек истиҳқоқ<sup>15</sup>.

---

<sup>1</sup>Танаъум — нозу неъматлар ичида яшаш, роҳатда бўлиш. <sup>2</sup>Неку бад — яхшию ёмон. <sup>3</sup>Таҳаккум — ҳукм суриш, зўрлик қилиш. <sup>4</sup>Лўлизой — лўлидан туғилган, лўливачча. <sup>5</sup>Бетаҳу — тубсиз, асоссиз. <sup>6</sup>Жаали — ёлгон, калбаки, ясама. <sup>7</sup>Сифла — пасткаш, ҳасис. <sup>8</sup>Дун — паст, пасткаш. <sup>9</sup>Қабали — қабих. <sup>10</sup>Хилқат — яратилиш. <sup>11</sup>Барот — ёрлик хати, солиқ. <sup>12</sup>Тасарруфот — ўз ихтиёридаги нарсалар. <sup>13</sup>Мурдашўй — ўликни ювувчи, ювғич. <sup>14</sup>Исқот — олиб ташлаш, соқит этиш. <sup>15</sup>Истиҳқоқ — мустаҳик, ҳақли, муҳтож.

Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам,  
Сўрса аҳволими, ғам хирманини бод этсам,  
Доми меҳнаткададан кўнглими озод этсам,  
Ким, бузилган дили вайронани обод этсам,  
Айласам бўси адаб — шоҳ кўюб қайда аёқ.

Шоҳ Абдулазиза бўлди жаҳонбонлиғ хатм,  
Аҳди шоҳаншаҳию фурсати ҳоқонлиғ хатм,  
Шарти инсофу карам пешалиғу хонлиғ хатм,  
Расми доду равишойини мусулмонлиғ хатм,  
Яхши от этти алам арсаи даври офок.

Умаролиғ чу сарой эли Муҳаммадёра  
Ки, тамом ўлди ўшал марду неку кирдора,  
Келди номард юкиниб тўрт ҳама рўи қора,  
Тегди ўрни ани дўрмон фажжи озорбора<sup>1</sup>,  
Шаттахўр<sup>2</sup>, кайди еригаву анга ҳайф пичоқ.

Эй юзи қора, кўзи кўр, қулоғи қар беклар,  
Билингиз бу сўзими панд саросар, беклар,  
Айлангиз пайрави шаръи паямбар, беклар,  
Сизга дарқор бу юрт, эй гала занғар беклар,  
Бу қадим нақл эрур: «Эл работу тўра кўноқ».

Едингиз барчангиз итдек фуқарони этини,  
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,  
Қамчилар доғи солиб бўйни, қанотиб бетини,  
Ёрдингиз захрасини, (ич)идин олиб ўтини,  
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.

Кўр парвоначидур, кўр сагию қанжикрў,  
Додхоҳи дўла мағзобайи бир машку сабў,  
Сойирун-нос<sup>3</sup> сипоҳиси ўлуб қирчанғу,  
Тинмай итдек юрулар дарбадару кўй бақў,  
Очлиғидин қидириб ҳафтада гоҳи қумалок.

Беклар ўлди ҳаромзодалари нософи,  
Бемаҳосил, гала номард, қалин наддофи<sup>4</sup>,  
Егани ҳаққи ятим, мадрасалар авқофи,

---

<sup>1</sup>Фажжи озорбор — золимлик билан қадам босувчи, қадамидан озор ёғилувчи. <sup>2</sup>Шаттахўр — совун лойқасини еғувчи, ҳаромхўр. <sup>3</sup>Сойирун-нос — кезиб, дайдиб юрувчилар, гадойлар, тиланчилар. <sup>4</sup>Наддоф — жун титувчи.

Буларинг олдида бор рофизининг<sup>1</sup> инсофи,  
Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ирок.

Бу шаҳи асрида кўп сифлаву бангилар бек,  
Турку аймоку араб, ғалчаву тоқчилар<sup>2</sup> бек,  
Ҳоямол, кайдию<sup>3</sup> кулликчию сўзчилар бек,  
Беғу беғзода қолиб, илқичи, қўйчилар бек,  
Дутди тўпор ҳама, кетти эшикдин тўбичок.

Олдилар хасталар амволини<sup>4</sup> зулм ила бағадр<sup>5</sup>,  
Шухра топти ҳама бадаслар чун маҳи бадр,  
Гуҳари асл раиятлар ўлуб хожайи садр,  
Бу шаҳи асрида кўп нокасу дун топти қадр,  
Рўйи кор келди қалин бангию қилчи<sup>6</sup>, қалтоқ<sup>7</sup>.

Ҳақдин улдур талабим — ўлса санга ёр, Раҳим,  
Икки оламда наби шафеъу ғамхор, Раҳим,  
Ўлса то даври мадори бу жаҳон бор, Раҳим,  
Айлағай сени худо барчаға сардор, Раҳим,  
Беку бекзодасану юртға тушқан бир ток.

Бир умид сандин, ўз ҳақ йўлиға юрғайсан,  
Аҳдинга росих<sup>8</sup> ўлуб, бир сўзунга турғайсан,  
Бу замонда борининг бир кўз ила кўрғайсан,  
Турдини ҳолини сан лутф била сўрғайсан,  
Қадрдон, мири писандида<sup>9</sup>, каримул-ахлоқ.

Хон эшикинда киши қолмади бир соҳиби фан,  
Бор бир неча сўқим кайдийи маҳзи гардан,  
Келмас қўлларидан иш, ҳама ошхўр, ғарзан,  
Уйда бир эр Хушика эрди, қаририға сан,  
Бу замон охирида душмана ўлган тўғанок.

Ўзбакни гули, сарсебади<sup>10</sup>, бекзодисан,  
Ҳама, эҳсонинга... \*дурсан, озодисан,  
Аҳли муҳтожлари дарғаҳи, ижодисан,

---

<sup>1</sup>Рофизи — рад этувчи, даҳрий: суннийлар шиаларни ҳам баъзан шундай деб атаганлар. <sup>2</sup>Тоқчи — тоғдан келган (бу ўринда тоғдан саройга келиб қолган амалдорлар кўзда тугилади). <sup>3</sup>Кайди — маккор, айёр. <sup>4</sup>Амвол — мол-мулк. <sup>5</sup>Бағадр — кўполлик, жабрлаш билан. <sup>6</sup>Қилчи — саргарош. <sup>7</sup>Қалтоқ — эгарчи. <sup>8</sup>Росих — мустаҳкам, барқарор. <sup>9</sup>Писандида — яхши, макбул, сара. <sup>10</sup>Сарсеб — олма боши; сарсебад — «сарсеб»нинг шевадати талаффузи; ўзбекнинг сарсебади — ўзбекнинг гули; фаҳри. \*Кўпнукта ўкилиши кийин бўлган сўзлар ўрнига қўйилган.



Ўлма кўп сушт — ўшал Эрбоқи авлодисан,  
Бор кимни ҳади — урғай сенинг олдингда натоқ<sup>1</sup>.

Етмадим ҳеч ера бу қофияпаймолиғдин,<sup>2</sup>  
Дод бу доғи ғариблиғ, ғами танҳолиғдин,  
Кўрмадим манфаате беҳуда савдолиғдин,  
Йўқ ики мойдин ўзга манга дунёлиғдин,  
Кош ул ғарзанлар солса куруқ сўзга кулоқ.

Худпарастлар солиб эғнида қабойи заркашни,  
Солланиб ваъда била кейнида кўп аш-ашни,  
Ғақ югуртуб бу куруқ даъвида минг маш-машни,  
Порани қайсиға топай бу қалин (паст) кашни,  
Етмас ҳеч бириға, бир улашсам пашми...<sup>3</sup>

Осиё новасидек рост эдиб бўғзининг,  
Тўлдуруб ашрафи (бирла девори) дарзининг,  
Топмадим буқаламун<sup>4</sup> кайдилари тарзининг,  
Аждаҳодек пораға турмиш очиб оғзининг,  
Юртдин йўқ хабари, барчасининг фикри тамоқ.

Барчаси пораву ришваға ўлуб бадомуз<sup>5</sup>,  
Халқ қўлиға тамаъ бирла тикиб доим кўз,  
Йўқ мураббий манга хон эшикида бир дилсўз,  
Сўзламас менинг учун юзи қаролар бир сўз,  
Тиқмайин ҳар бирининг оғзиға бир-бир юмалоқ.

### АЗ ЗАБОНИ ХОН

(хон тилидан):

«Шукрим, дорул-амон манзилиму маъвойим,  
Олами сел агар дутса, баланддур жойим,  
Давлати Хожадиловардур мани ҳампойим,  
Олами сел агар дутса, баланддур жойим<sup>6</sup>,  
Арк ичин маҳкам эдиб, айладим ўзумга ятоқ».

(Ҳол)га боқмай килурлар тўралик айлаб ҳаққа,  
Бор девонбегию елкўтан отолик пўқа,

---

<sup>1</sup>Натоқ — нутқ, сўз, гап. <sup>2</sup>Қофияпаймолиғ — қофиябозлик; шоир ўз истеъдодини камтарлик билан шундай сифатлаган. <sup>3</sup>Бу ўринда шоир уят сўз қўллаган. <sup>4</sup>Буқаламун — вазиятга қараб буқаламундек турланиб, тусланиб, ўзғариб турувчи кишилар. <sup>5</sup>Бадомуз — ёмон ўрганган. <sup>6</sup>Котиб айби билан мисраъ такрорланган.

Чикса гар душмани пурзўр, ўгурурлар чака,  
Булар уммидига охир ўгурурлар тикка,  
Куюшгунни кўтариб, юртга урарлар шатароқ.

Макру талбис била зухду сафо пеш тутуб,  
Маргдин беҳабару нашъу намо пеш тутуб,  
Зарни жамъ айламага ҳирсу ҳаво пеш тутуб,  
Ҳақ ишини паст этиб, кори риё пеш тутуб,  
Жой улдурки, ҳама олами олғай қалмоқ.

Қилма беҳуда ҳавову ҳаваси чину чанд,  
Қурби ҳақни тиласанг, уз бу жаҳондин пайванд,  
Факр кўйида гадо нониға ўлғил хурсанд,  
Ўзунга, сўнграги фарзандинга бергил панд:  
«Ема зинҳор (тезак), ўрсанг ўроқ ила бошоқ».

Гар сулаймонсифат оламни олиб зеру замин,  
Кеттунг, оқибатуламр, солиб зеру замин,  
Дер қазо кунда қулоғингга ба овози ҳазин:  
«Сан зиҳи рофилу роҳатталабу марг камин»,  
Умрдур кўтаху, афсус, вале матлаб узоқ.

Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,  
Зулмдин бўлди раият эликим хору заиф,  
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф,  
Деди: «Дин» бошдин, оёқдин тушуб, «ислом заиф»<sup>1</sup>,  
Даври Субҳонқули жобир, умароси япалоқ.

Ҳеч бу меҳнаткададан айш сўроғи тилама,  
Ич бағир қони тилиб, бода аёғи тилама,  
Баски, бу тийра дарунларда чароғе тилама,  
Икки кун фурсати дунёда Фароғе тилама,  
Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ.

Мухаммаси турки дар вилояти Хўжанди  
Жубранди ва Супранди нома дар асри  
Оқбўтабийи шаҳид таҳрир намуд<sup>2</sup>...

---

<sup>1</sup>«Дин», «ислом заиф» сўзларидан араб ёзувида абжад ҳисобида «дин»даги «д.» ва «н» харф миқдори тушиб қолганда, хижрий 1102, мелодий 1681 йил чикади. Бу ушбу шеърнинг ёзилган йилидир. <sup>2</sup>Хўжанд вилоятида, шаҳид Оқбўтабий асрида битилган туркий мухаммас.

Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман<sup>1</sup>,  
Ринд сархайлию<sup>2</sup> хуш айши дамодам<sup>3</sup> сурдиман,  
Халкайи ушшоқда<sup>4</sup> базми мажолис<sup>5</sup> курдиман,  
Мушти хокам<sup>6</sup>, давру давронлар кузаткан Турдиман,  
Хушдимоғ эткан майи софи ҳарифлар дурдиман<sup>7</sup>.

Қилмадим шукронае, солдурди туфроғ ошима<sup>8</sup>,  
Қолмади жуз дарди ғам<sup>9</sup> ҳамдам, мусоҳиб<sup>10</sup> қошима,  
Ҳақ<sup>11</sup> ўзи раҳм айлағай охи саҳар, кўз ёшима,  
Тафриқа<sup>12</sup> тошини ёғдурди замона бошима,  
Хонумон<sup>13</sup> овора, селоби ҳаводис<sup>14</sup> сурдиман.

Нозили<sup>15</sup> ҳукми қазо ҳеч ким раду манъ этмади,  
Барча бўйнига солан бу риштани қатъ этмади<sup>16</sup>,  
Аҳли ҳоле<sup>17</sup> тонмадим, бошдин бало, дафъ этмади,  
Кулфати ғурбатни тузлук суннати<sup>18</sup> рафъ этмади<sup>19</sup>,  
Хору беқадрамки, инсон отаниб, Жубрандиман<sup>20</sup>.

Вокифе йўқ, бу мусофирлиғда мандин не ўтар,  
Баски юз кўйи била рўзе келиб, рўзе кетар,  
Ўзмағай бундин балосе, бўлмағай бундин батар,  
Ақраболар<sup>21</sup> суҳбатимдин ор эдар, қошин чатар<sup>22</sup>,  
Салб<sup>23</sup> дилларда, назарларда қариғ<sup>24</sup> супрундиман.

<sup>1</sup>Кўрдиман — кўрганман, кўрдим ман маъноларида. Бу каби сўзлар қофия талаби ҳамда Турдиннинг шахсий услуби тақозосига мувофиқ сурдиман, кўндиман шаклларида ҳам қўлланган. <sup>2</sup>Ринд сархайли — риндлар гуруҳи бошиси. <sup>3</sup>Дамодам — узлуксиз, дам-бадам. <sup>4</sup>Халкайи ушшоқ — Аллоҳнинг ошиқлари — сўфилар халқа куриб зикр тушишган. <sup>5</sup>Базми мажолис — илоҳий ишқ базми. Бу тушунчалар кўрсатадики, Турдиннинг ўзи ҳам ошиқ сўфилар жумласига кирган. <sup>6</sup>Мушти хокам — хокисорман, тупроқ билан тенгман. <sup>7</sup>Мисраънинг маъноси — кайфиятим шундай чоғки, гўё мен дўсту улфатларим шаробини тиндириб, май идишининг тағига чўккан дурда — куйқасиман. <sup>8</sup>Мисраънинг мазмуни: ношукурлик қилганим учун, қисмат ҳаётим ошига тупроқ солдирди. <sup>9</sup>Жуз — (дарду ғамдан) ўзга, бошқа. <sup>10</sup>Мусоҳиб — ҳамсуҳбат, дўст, улфат. <sup>11</sup>Ҳақ — Аллоҳ назарда тутилади. <sup>12</sup>Тафриқа — ихтилоф, бўлиниш, ажралиш. <sup>13</sup>Хонумон — уй-жой, манзил, туриш-турмуш. <sup>14</sup>Селоби ҳаводис — қодислар селоби. <sup>15</sup>Нозил — тушиш (азал ҳукмининг тушиши). <sup>16</sup>Қатъ этмоқ — кесаш, қирқиш. <sup>17</sup>Аҳли ҳол — тасаввуф тушунчаси бўйича, ишқ йўлида ўзини йўқотар ҳолга тушган сўфилар; бетамаъ, холис дўстлар. <sup>18</sup>Тузлук суннати — тўғрилиқ, ҳалоллик йўли. <sup>19</sup>Рафъ этмоқ — (ўртадан) кўтармоқ, йўқ этмоқ. <sup>20</sup>Жубранди — луғатда, тахминан, жой номи бўлса керак дейилади. Лекин бу ишонарсиз. Сўзнинг аниқ маъноси ҳозиргача номаълум. <sup>21</sup>Ақраболар — қариндошлар, яқинлар. <sup>22</sup>Қошин чатар — қошини чимиради маъносиде. <sup>23</sup>Салб — тониш, инкор этиш, йўқ қилиш, кетказиш. <sup>24</sup>Қариғ — жирканч, хунук.

Яхши вақтлар ёд этиб, ўздин кетиб, элдин қолиб<sup>1</sup>,  
Харза тифли ашқдек айни назарлардин<sup>2</sup> солиб,  
Носара дирхам сифатлик рад қилиб, қўлга олиб<sup>3</sup>,  
Дасти фарсуда, юзи қатиб, аёғларда қолиб,  
Кўҳна тиғи таҳ-батаҳ ғам занги тутган кундима<sup>4</sup>

Оҳ, бу умри кироми<sup>5</sup> сарфи ғафлат айладим,  
Ғуссайи беҳуда, асбоби надомат айладим,  
Билмадим ўз айбими, халқа мазаммат<sup>6</sup> айладим,  
Шукр шахдин<sup>7</sup> билмадим, қуфрони неъмат айладим,  
Заҳми неши<sup>8</sup> рўзғор аҳлини<sup>9</sup> талху тундима<sup>10</sup>.

Хукм жори, сўз қабули, бир дури дар гўш эдим<sup>11</sup>,  
Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф<sup>12</sup>, ҳамдўш<sup>13</sup> эдим,  
Ҳою-хўйи базмларда шахди нўшо-нўш эдим<sup>14</sup>,  
Хуш-замонлар Юз қазони бошида сархуш эдим<sup>15</sup>,  
Бу замон ювған қазон остида қолған юндима<sup>16</sup>.

Чархи дун<sup>17</sup> қилди манга жавру жафолар беҳисоб,  
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печу тоб<sup>18</sup>,  
Ҳар сари елдим, югурдим сувсаниб мавжи сароб,  
Ташналаб, гарди кудурат зери бординда жароб,  
Баҳри давлатдин йироқ гарданшикаста<sup>19</sup> мўндима.

<sup>1</sup>Мисраъ мазмуни: ўтган яхши кунларини эслаб, ўзимдан кетар даражага етаман. Эҳ, элдан қанчалик ажралиб, орқада қолиб кетибман-а!  
<sup>2</sup>Харза — беҳуда. Тифл — ёш, бола. Айни назар — кўз косаси, нигоҳ маскани. Мисраънинг мазмуни: кўз ёш доналари ҳар ёнга беҳуда югурган болалар сингари беихтиёр сочилиб кетганидек, мен ҳам одамлар назаридан осонгина тушиб қолдим.  
<sup>3</sup>Мисраънинг мазмуни: одамлар мени яхши бўлмаган дирхам пулини ёқтирмай қўлга олганлари каби, тараддулланиб ёдга оладиган бўлиб қолди. <sup>4</sup>Байтнинг мазмуни: мен дастаси ёрилган, юзи қотиб кетган, оёғоти бўлган, қаватма-қават ғам занги босган эски ва ўтмас пичоқман.  
<sup>5</sup>Кироми — азиз, қимматли. <sup>6</sup>Мазаммат — қулги қилиш, масхара-лаш. <sup>7</sup>Шаҳд — асал, бол, шакар. <sup>8</sup>Заҳми неш — жароҳатловчи неш.  
<sup>9</sup>Рўзғор аҳли — умргузаронлар, тирикчилик аҳли; ғоясиз, мақсадсиз ҳаёт кечирувчи кишилар. <sup>10</sup>Талху тунд — бу иккала сўз ҳам аччиқни ифодалайди. Лекин аччиқ таъми ҳам ҳар хил бўлади. Талх — ичкилик, аччиқ данак ёки дорининг аччиқлигини билдирса, тунд — мурч, қалампир каби нарсаларнинг аччиқлигини ифодалайди. Тунд адабиётда тезфёлийлик, кўрслик, дағалликни ҳам англатади. <sup>11</sup>Турди хон саройидаги иззат-ҳурматга эга бўлган даврини эслаётир: бир маҳаллар ҳукмим ўтадиган, сўзим қабул бўладиган, ўзим қулоқларда осилган дурдек кадрли эдим. <sup>12</sup>Хариф — ўртоқ, улфат. <sup>13</sup>Ҳамдўш — елкадош, ҳамкор, ҳамнафас. <sup>14</sup>Нўшо-нўш — ичкиликбозлик, қайта-қайта ичиш, хумордан чиққунча ичиш. <sup>15</sup>Шоир Юз уруғининг оқсоқоли бўлгани, Юз уруғининг ҳаётини бошқаргани ҳақида хотирлаётир. <sup>16</sup>Юнди — ювинди. <sup>17</sup>Чархи дун — пасткаш, тубан фалак. <sup>18</sup>Печу тоб бериш — бураш, азоб бериш, сиқиш. <sup>19</sup>Гарданшикаста — бўйни синик.

Касрати йўқлук, тамаъ кеттирди кадру қийматим,  
Юз сариглиг ерга урди обрўю иззатим,  
Ғайрдин изҳори матлаб айлади дун фитратим<sup>1</sup>,  
Ақл зойил<sup>2</sup>, умр кам, беш ўлди дарду меҳнатим,  
Давлат урган пушти пову<sup>3</sup> бахти (бад<sup>4</sup> чиркиндиман)<sup>5</sup>.

Ман кимам? Гумному<sup>6</sup> нокому<sup>7</sup> жаҳон оворас,  
Дийда намноку<sup>8</sup> гирибон чоку<sup>9</sup> бағри порас,  
Ноқабули марҳаму<sup>10</sup> носур<sup>11</sup>, битмас ёрае<sup>12</sup>,  
Бекасе<sup>13</sup>, мушти хасе<sup>14</sup>, бир бандайи бечорас,  
Собирам<sup>15</sup>, рози қазо<sup>16</sup>, тири балоға<sup>17</sup> кўндиман.

Хешман, дарвешу мискин мустаҳиқ<sup>18</sup> девонадан,  
Сан туруб лойикмидур қилмоқ тамаъ бегонадан?  
Бахраманд эт илтифоту ҳиммати мардонадан,  
Қиблагоҳо, мандин икроҳ<sup>19</sup> этма бир майхонадан,  
Жўши<sup>20</sup> бир хум соф майсан, ман ғубори дурдиман<sup>21</sup>.

Юз фарозидин<sup>22</sup> озиб, тушдум нишеби<sup>23</sup> қирққа<sup>24</sup>,  
Хавфу бийму ваҳм аросинда қариби қирққа<sup>25</sup>,  
Дона деб побаст ўлуб, дома фириби қирққа,  
Вой, юз минг вой, юз бўлдум ғариби қирққа,  
Ҷоқими Диззах<sup>26</sup> мутеъи, пайрави журқундиман.

### МУХАММАСИ ТУРКИЙИ ТУРДИ<sup>27</sup>

Жисми қонундин нафас тори узулмасдин бурун<sup>28</sup>  
Бошинга даври қазо базми курулмасдин бурун,

<sup>1</sup>Фитрат — яратилиш, туғма табиат. <sup>2</sup>Зойил — йўқ бўлиш, йўқолиш.

<sup>3</sup>Пушти по — тепки, тепиш, оёқ ости қилиш. <sup>4</sup>Бахти бад — бадбахт, бахтиқаро, бахтсиз. <sup>5</sup>Чиркинди — қирланган, ифлос, жайранч. <sup>6</sup>Гумном — оти ўчиб кетган, беному нишон йўқолган. <sup>7</sup>Ноком — мақсадига етолмаган, ночор, ноилж. <sup>8</sup>Дийда намнок — кўзи ёшли, йиғлоки. <sup>9</sup>Гирибон чок — ёқавайрон. <sup>10</sup>Ноқабули марҳам — ярамга малҳам топилмайдиган хастаман; ярамга малҳаму дори таъсир этмайди. <sup>11</sup>Носур — ношод. <sup>12</sup>Ёра — яра, жароҳат. <sup>13</sup>Бекас — қимсасиз. <sup>14</sup>Мушти хас — хасдай хоксор. <sup>15</sup>Собирам — сабр-тоқатли, бардоштлиман. <sup>16</sup>Рози қазо — тақдирнинг сўнги ҳукмига розиман. <sup>17</sup>Тири бало — бало ўқи. <sup>18</sup>Мустаҳиқ — муносиб, лойиқ, ҳақли. <sup>19</sup>Икроҳ — жирканиш, хунук ҳисоблаш, нафратланиш. <sup>20</sup>Жўш — қайноқ. <sup>21</sup>Дурди — майнинг хум тағига йиғилган қуйқаси. <sup>22</sup>Фароз — юқори, баланд, юқсақлик. <sup>23</sup>Нишеб — нишоб, пастлик. <sup>24</sup>Қирқ — шу ном билан юритиладиган уруғ. <sup>25</sup>Қирқ ёш — қирқ сўзининг радифга олинishi. Турди шу асарини ёзганида қирқ ёшга етганини билдиради. <sup>26</sup>Диззах — Жиззахнинг Турди давридага имлоси. <sup>27</sup>Турдининг туркий мухаммаси. <sup>28</sup>Шоир инсон жисми — қозғалани қонун деб номланган мусиқа асбобиға ўхшатган.

Жайбайи<sup>1</sup> жон тири рихлатдин<sup>2</sup> сўкулмасдин бурун,  
Эй кўнгул, қасри асоси тан бузулмасдин бурун,  
Тоқи абрў<sup>3</sup>, курсийи дандон<sup>4</sup> тўкулмасдин бурун —

Кил назар осори сунъиллоҳ<sup>5</sup> чашми дид ила<sup>6</sup>,  
Кир ҳақиқат йўлига...<sup>7</sup>  
Қурби вуслат<sup>8</sup> истасанг, бўл восифи таҳмид ила<sup>9</sup>,  
Уқдаи<sup>10</sup> лабдин гиреҳ<sup>11</sup> оч нуктайи<sup>12</sup> тавҳид<sup>13</sup> ила,  
Кўз очиб, санга даҳонин ҳарза кулмасдин бурун.

Абросо<sup>14</sup> кил равон беқадру қиймат ашкни<sup>15</sup>,  
Жорий айла борҳо<sup>16</sup> мумкин давомат ашкни,  
Кўзларингдин оқизиб шўри қиёмат ашкни,  
Синдуруб исён<sup>17</sup> хумини, тўк надомат<sup>18</sup> ашкни,  
Тавба жомин нўш кил<sup>19</sup>, паймона тўлмасдин бурун<sup>20</sup>.

Лобақодур<sup>21</sup> қалбий<sup>22</sup> қалбинг боғлама иқболинга<sup>23</sup>,  
Бўлма ғарра<sup>24</sup> орият<sup>25</sup> дунёву мулку молинга,  
Ёд этиб гўру қиёмат, йиғла доим ҳолинга,  
Бур назар моуманидин<sup>26</sup>, ёниб ўз аҳволинга,  
Ибрат ила боқ, кўзунг туфроққа тўлмасдин бурун.

<sup>1</sup>Жайба — зирх, жанг майдонида кийиладиган темир кийим; кийим ёқаси. <sup>2</sup>Тири рихлат — ўлим камонидан отилган ўк. <sup>3</sup>Тоқи абрў — қош меҳроби. <sup>4</sup>Курсийи дандон — тиш курсилари, курси тишлар. <sup>5</sup>Сунъиллоҳ — илоҳий қудрат, табиат қонуни. <sup>6</sup>Чашми дид ила — дид, таъб назари билан (боқ). <sup>7</sup>Илмда ҳали мисраънинг тўлиқ шакли аниқланмаган. <sup>8</sup>Қурби вуслат — висолга яқинлик, Аллоҳ дийдорига яқинлик. <sup>9</sup>Аллоҳни мадҳ этиш, васф этиш билан банд бўл. <sup>10</sup>Уқда — тугун, банд чигал. <sup>11</sup>Гиреҳ — чигил, тугун. <sup>12</sup>Нукта — нозик маъноли, қизиқ, маъноси чуқур, чиройли, серқирра ва сирли сўз. Бу ерда: эътиқод, дунёқараш. <sup>13</sup>Тавҳид — бирлик, ягоналик; худонинг битталигини тан олиш. Сўфийликда — Аллоҳни битта (яккаю, ягона) деб билиш, ёлғизлигинга ишонтиш. Тасаввуф таълимотида — Ҳақиқатга етишиш — киши руҳининг илоҳ, илоҳий руҳ билан ўширилиб кетиши, худога етишуви; сўфийликнинг бешинчи даври. <sup>14</sup>Абросо — булутдек, булутсифат. <sup>15</sup>Ашк — кўз ёши. <sup>16</sup>Борҳо — неча бор, дафъа-дафъа, такрор-такрор. <sup>17</sup>Исён — Аллоҳ олдида гуноҳкорлик, Аллоҳга итотсизлик, шак келтириш. <sup>18</sup>Надомат — афсус, пушаймон. <sup>19</sup>Аллоҳ олдида қилган гуноҳларинг учун тавба-тазарру қил, поклан, қилмишларинг учун кечирим сўра. <sup>20</sup>Паймона — умр қадаҳи. Ислому таълимотига кўра, инсон қилган гуноҳлари учун умри мобайнида тавба-тазарру қилиб борса, Аллоҳ барини кечирар экан. Умр паймонаси тўлиб, жон таслим этаётган чоғидагина Аллоҳ эсига тушиб қилган тавба-тазаррулари эса инобатга ўтмас эмиш. <sup>21</sup>Лобақо — абадий эмас. <sup>22</sup>Қалбий — қалбакилик, сохтагарчилик. <sup>23</sup>Қалбинг ҳис-туйғулари, эҳтиросларига асир бўлма, демокчи шоир. <sup>24</sup>Ғарра — мағрур. <sup>25</sup>Орият — бирор нарсага вақтинча олиш. <sup>26</sup>Моуман — бу дунё ҳавасларига берилиш, манманлик.

Бевафо фоний<sup>1</sup> жаҳонни билмагил сан жойи буд<sup>2</sup>,  
Эрта дур<sup>3</sup>, охшом<sup>4</sup> кетарсан селу барку боду руд<sup>5</sup>,  
Қил букун тангло иши, бўлмаз пушаймон анда суд<sup>6</sup>,  
Қил дуто пуштунг рукуға жабҳайи жондин сужуд<sup>7</sup>,  
То ажалнинг боридин<sup>8</sup> қаддинг букулмасдин бурун.

Кеча-кундуз, толиби жўёйи пири роҳбар<sup>9</sup>,  
Қўйма бейўлдош қадам, манзил узоқ, йўл пурхатар.  
Кўзларингдин ёш ўрниға тўкуб хуни жигар,  
Саъй қил, олғил баҳори файзи ҳақдин бир самар  
Ёди рихлатдин ниҳолинг барги сўлмасдин бурун.

Айлама фосид<sup>10</sup> хаёла сарф солу моҳни<sup>11</sup>,  
Кир шарият йўлиға, айнингда<sup>12</sup> кўр оллоҳни<sup>13</sup>,  
Ҳозирини дам бўл, талаб қилғил дили огоҳни,  
Нақш боғла дилда муҳри меҳри иллаллоҳни<sup>14</sup>,  
Жон етиб лабға, оғизда тил тутулмасдин бурун.

Боқийи умрингни сарфи мардуми фаҳмида<sup>15</sup> қил,  
Мақдаминда<sup>16</sup> бош кўюб, побўси<sup>17</sup> мардум дида<sup>18</sup> қил<sup>19</sup>,  
Поктийнат, софдил хулқи ҳасан бигзида қил,  
Мунда хўб илму амални чирмаву санжида қил,  
Ҳашрда мезон тарозуси қурулмасдин бурун.

Пок этиб исёнларинг, юз минг надомат қил букун,  
Ашки ҳасрат оқизиб шўри қиёмат қил букун,  
Шиква қилма халқи, ўз нафсинг мазаммат қил букун,  
Не осиф тангло пушаймонлиғ, ғанимат бил букун,  
Фурсатинг фавт этма, Турди, иш қил ўлмасдин бурун.

---

<sup>1</sup>Фоний — йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи. <sup>2</sup>Жойи буд — мукамал, барқарор, абадий маскан. <sup>3</sup>Дур — тур, уйғон. <sup>4</sup>Охиом — кечкурун. <sup>5</sup>Умринг сел, чакмоқ (барк), ел (бод), анҳор (руд) сингари шиддат билан ўтади. <sup>6</sup>Тангло, тонгла — қиёмат куни ҳамма тўпланадиган маҳшар майдони. <sup>7</sup>Суд — фойда, наф. Мисраъ мазмуни: Қиёмат куни маҳшаргоҳда Аллоҳ олдида сўроқ берадиган, жавобгар бўладиган ишларингни бугун қилиб қўйгин, акс ҳолда у ердаги пушаймон асло наф бермайди. <sup>8</sup>Мисраънинг мазмуни: Беш маҳал намозни қанда қилма. Намоз чоғи рукуға бориб, жону дилдан сажда қил. <sup>9</sup>Бор — юк. <sup>10</sup>Толиби жўёйи пири роҳбар — диний раҳнамо, яъни Аллоҳни изловчи, қидирувчи. <sup>11</sup>Фосид — бузуқ, ёмон. <sup>12</sup>Солу моҳ — йилу ой. <sup>13</sup>Айн — кў: <sup>14</sup>Ҳамини назарингда Аллоҳ турсин, кўзинг Аллоҳ нуридин равшан бўлсин. <sup>15</sup>Аллоҳ меҳрининг мухридан дилга нақш боғлаш — Нақшбандий таълимотининг асосий ғояларидан бири ҳам шу. <sup>16</sup>Мардуми фаҳмида — тушунадиган қишилар. <sup>17</sup>Мақдам — қадам, оёқ қўйилган жой. <sup>18</sup>Побўс — оёқни ўпиш. <sup>19</sup>Дида — кўз. <sup>20</sup>Яхши килларинг пойқадамларини кўзларингга суртгин, демоқчи шoir.



**Бобораҳим  
Машраб**

(1640—1711)

**ҒАЗАЛЛАР**

(МАШРАБМАН)

Санамнинг ишқида тинмай юруб, оввора Машрабман,  
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайин меңда,  
Сени деб икки оламдин кечиб, безора Машрабман.

Ўлиб кетсам, лаҳад ичра сўнгақдин кетмағай дардинг,  
Жаҳонда топмадим чораки, мен — бечора Машрабман.

Анодин қай куни бўлдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,  
Муҳаббат даштида юрган бўлуб оввора Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,  
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора<sup>1</sup> Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,  
«Тилим кессанг, тўёрим йўқ, — деган, — дийдора»  
Машрабман.

Халойиқлар мени қувлар, ёмон деб ҳар шаҳар борсам,  
Ажаб мардуд<sup>2</sup>, ажаб маҳрум, ажаб сангсора<sup>3</sup> Машрабман.

---

<sup>1</sup>Хунбора — кўзларидан қон оқувчи. <sup>2</sup>Мардуд — рад этилган, хайдалган, қувилган. <sup>3</sup>Сангсора — тошбўрон қилинган.



Ўзумни халқ аро ихфолигимни<sup>1</sup> ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориг<sup>2</sup> бўлуб сайёра Машрабман.

(КЕЛДИ)

Наманган шаҳридин, дўстлар, менинг ёронларим келди,  
Отам бирла онамни билгучи меҳмонларим келди.

Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сухроб,  
Адолат тахтига минган бу кун султонларим келди.

Иноятли, диёнатли, яна ҳам муршиди комил,  
Ҳама ориф<sup>3</sup>, ҳама содиқ, ҳама ирфонларим<sup>4</sup> келди.

Аларнинг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,  
Чароғимни мунаввар қилгучи хоқонларим келди.

(СИҒМАМДУР)

Ажаб мажнун<sup>5</sup> эрурман, дашт ила саҳрога сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сиғмамдур.

Шариат<sup>6</sup> ҳам, тариқат<sup>7</sup> ҳам, ҳақиқат<sup>8</sup> мендадур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки, арши аълога<sup>9</sup> сиғмамдур.

Халилосо бу йўлда оташи Намруд — меърожим,  
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дунёга сиғмамдур.

Ризо<sup>10</sup> мулкидаман, ҳалқумни туттум тиғи Акбарга,  
Бу йўлда сийнаи поки Забунуллога сиғмамдур.

---

<sup>1</sup>Ихфо — яширин, махфий. <sup>2</sup>Фориг — озод, қутулган, хотиржам.  
<sup>3</sup>Ориф — дунёни таниган, олам сирларидан хабардор, огоҳ, доно, нуктадон.  
<sup>4</sup>Ирфон — билгич, маърифатли, Аллоҳни таниган. <sup>5</sup>Бу ерда афсонавий  
Мажнун сиймоси эмас, балки лирик қаҳрамоннинг мажнунсифатлиги назарда тутилган.  
<sup>6</sup>Шариат — ислом динининг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари. Тасаввуфда — Ҳақни таниш йўлидаги биринчи босқич.  
<sup>7</sup>Тариқат — йўл, маслак, мазҳаб; тасаввуфда — Ҳаққа эришиш йўлидаги  
иккинчи даража. <sup>8</sup>Ҳақиқат — борлиқнинг аелияти, қандайлиги; можият,  
ростлик, тўғрилиқ; тасаввуфда — Худони излаш, Аллоҳни кашф этиш,  
васлига эришиш илми. <sup>9</sup>Арши аъло — осмоннинг энг юқори қавати.  
<sup>10</sup>Ризо — тариқатнинг охириги мақоми.

Агарчанде зиёрат қилмадим мен Каъбайи зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурманки, Байтуллоға сиғмамдур.

Ғаҳи бўлдум фақиру, гоҳи шоҳу, ғаҳ ғадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки<sup>1</sup> маҳшаргоҳға<sup>2</sup> сиғмамдур.

Мақоми ҳайрат<sup>3</sup> ичра гоҳи худман, гоҳи бехудман,  
Жунун бозорида мастманки, истиғноға<sup>4</sup> сиғмамдур.

Ғаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўъмин, гоҳи тарсомаң,  
Не кавнайни<sup>5</sup> миёни лоу иллоллоға сиғмамдур.

Мудом мискин эрурман чун ғуломинг — Машрабингдурман,  
Мени бечора бу дунё билан уқбоға<sup>6</sup> сиғмамдур.

### (ЎТТУМ)

Ишқ водисидин бир кеча мен «ҳай-ҳа»лаб ўттум,  
Монанди найистон<sup>7</sup> гулиға ўт қалаб ўттум.

Офоқни<sup>8</sup> бир лаҳзада кездим, на ажабдур,  
Мино тоғидин аккасифат ҳаққалаб ўттум.

Оттим фаши-досторини<sup>9</sup> девоналиғ айлаб,  
Парвонасифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Билдимки, вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,  
Мардона бўлуб, балки, этак силталаб ўттум,

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдиما келди,  
«Борғил нари!» деб (кетиға) бир шатталаб ўттум.

Билдимки они, душмани маккорайи айёр,  
«Ло»<sup>10</sup> тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дедик: «Дунё майи аччиғ»,  
Аччиғлигини билмак учун бир ялаб ўттум.

---

<sup>1</sup>Фардо — эртага, охиратда. <sup>2</sup>Маҳшаргоҳ — қиёмат, қиёматда ин-  
совлар тўпланадиган майдон. <sup>3</sup>Мақоми ҳайрат — тасаввуфдаги даража-  
лардан бири. <sup>4</sup>Истиғно — тасаввуф таълимотидаги водийлардан бири.  
<sup>5</sup>Кавнайи — икки дунё (бу дунёю у дунё). <sup>6</sup>Уқбо — охират. <sup>7</sup>Найис-  
тон — қамишзор. <sup>8</sup>Офоқ — уфқлар, жамики олам уфқи. <sup>9</sup>Фаши достор —  
салла ўрами. <sup>10</sup>Ло — «йўқ», «эмас» ва «но» маъноларидаги инкорни  
англатади.

Нафс кофири бирла туну кун қилдим урушни,  
Танҳо қиличи бирла уруб, қиймалаб ўттум.

Хомуш пичоғин ҳар дам онинг бўғзига қўйдум,  
Чўғ найзаси бирла кўзини найзалаб ўттум.

Девонайи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,  
Ошиқ элининг кўнглига бир ўт қалаб ўттум.

#### (ЎРТАР)

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи<sup>1</sup> ул хонумон ўртар

Кишига ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,  
Бўлуб бесабуру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлуб хайрон,  
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Мени беҳонумон тинмай куюб ҳар дам фиरोқингда,  
«Нигоро!» деб отинг айтсамки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларни ниҳон ўртар.

На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Менинг оҳим ўтига бул замини осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,  
Агар бир заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,  
Унум чиқса юракдин, бу тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,  
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

#### (ЧИДАЁЛМАС)

Ишқ мазҳабига<sup>2</sup> тақвию тоат чидаёлмас,  
Тасбеҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.

<sup>1</sup>Тақи — тагин, яна. <sup>2</sup>Ишқ мазҳаби — илохий ишқ, яъни Аллоҳга муҳаббат боғлаш, Аллоҳ висолига интилиш заминидати суфийлик мазҳаби назарда тутилган.

Ким кўrsa ўшал дилбари раънони баякбор<sup>1</sup>,  
Бетоқат ўлуб, айши фароғат чидаёлмас.

Фарёду фиғонлар қиладурман кеча-кундуз,  
Хайратда қолиб, қад ила қомат чидаёлмас.

Адҳамсифат ул кирса киши фақр йўлига,  
Осойиш ила хайри саховат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббатга етиб бўйи санамдин,  
Ақли кетибон сабру қаноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал моҳлиқони,  
Зухду вараъу<sup>2</sup> кашфу каромат<sup>3</sup> чидаёлмас.

Девона қилур ишқи санам васли чу Мажнун,  
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас

Ким жоми<sup>4</sup> муҳаббат майидин журъае<sup>5</sup> ичса,  
Шоҳона ҳашам, иззату ҳурмат чидаёлмас.

Бу ишқ элининг ҳар дам этар валваласига<sup>6</sup>,  
Бешубҳа, билинг, даст<sup>7</sup> иродат<sup>8</sup> чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила рақси самоъ<sup>9</sup> қил,  
Ишқ мазҳабида оби таҳорат чидаёлмас.

#### (МЕН НОЛА ҚИЛАЙ ШОМУ САҲАР...)

Мен нола қилай шому саҳар дод, эшигингда<sup>10</sup>,  
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаву райҳону суман, тоза қизил гул  
Ҳам сарв букулди, қади шамшод эшигингда.

---

<sup>1</sup>Баякбор — бир марта, бир йўла. <sup>2</sup>Зухду вараъ — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш ва манъ қилинган ишлардан чекиниш, парҳезкорлик. <sup>3</sup>Кашфу каромат — сир сечти, конфидетчилик; мўъжизакорлик. <sup>4</sup>Жом — қадаҳ. <sup>5</sup>Журъа — ютув, қўлғум. <sup>6</sup>Валвала — тўполон, шовшув, шовқин-сурон. <sup>7</sup>Даст — қўл. <sup>8</sup>Иродат — касп, ният, хоҳиш, истак; муридлик, берилма. <sup>9</sup>Рақси самоъ — сўфийна рақс, сўфийларнинг самога илтижо билан рақс туришлари. <sup>10</sup>Ҳазра Аллоҳ мадҳида битилган, «эшигингда» сўзи Аллоҳ даргоҳини ангилатади.

Хўбони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон<sup>1</sup>,  
Султону амир бандайи, озод эшигингда.

Зулфунг сени бу жонима юз доми балебдур,  
Жоним куши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати ҳуснунгни топибдур,  
Гирёну фиғон, нолаву фарёд эшигингда.

Савдойи муҳаббатга тушубман сени излаб,  
Ўлтурди ғаминг, кўзлари жаллод эшигингда.

Ашким тўқубон ҳажру ғамингда кеча-кундуз,  
Вайрона ватан — манзил обод эшигингда.

Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда.

(НЕ САБАБДИН КЕЛМАДИНГ БИР ҚОШИМА)

Тушти савдойи муҳаббат бошима,  
Ор этар мардум<sup>2</sup> келурға қошима.

Вах, муҳаббат кўйида<sup>3</sup> қон йиғладим,  
Етти иқлим<sup>4</sup> ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳробига,  
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Қил ҳазар, албатта, жонон, қаҳрдин,  
Узру зорим сенга — бағри тошима.

Муҳтасиб<sup>5</sup> тўқтурди соқий бодасин<sup>6</sup>,  
Етмади ақли анинг сирдошима.

<sup>1</sup>Машхур Юсуф қиссасидаги Юсуф пайгамбар тимеолига ишора.  
<sup>2</sup>Мардум — халқ, одамлар. <sup>3</sup>Кўй — кўча. Аслида, ҳозирги тилимиздаги «кўна» сўзи тожикча «кў» каломига «-ча» кичрайтириш кўшимчасини кўшиш йўли билан ясалган. «Муҳаббат кўйи» кўчага нисбатан жуда кенг — муҳаббат олами, дунёси маъноларини англатади. Ушбу муҳаббат ҳам бир кишигагина эмас, балки инсонга, Аллоҳга, табиатга, дўстга ва ҳ.к. кенг маънони ифодалайди. <sup>4</sup>Етти иқлим — Ер қурагининг қадимги жўғрофий тақсими; ернинг инсон яшайдиган қуруқлик қисми. <sup>5</sup>Муҳтасиб — шариатга хилоф ишларни текширувчи. <sup>6</sup>Бода — май, ичкилик.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,  
Қўй қараб ғам тошина бардошима.

Машраби девонани<sup>1</sup> ҳайрон қилиб,  
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

(ДАРДИ САРИМНИ КАВЛАМА)

Эй сабо, ғамбодадурман, бистаримни<sup>2</sup> кавлама,  
Чун шафақолудаман<sup>3</sup>, хокистаримни<sup>4</sup> кавлама.

Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар<sup>5</sup> келур,  
Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни<sup>6</sup> кавлама.

Хонавайронлар билур афтодаларнинг<sup>7</sup> ҳолини,  
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни<sup>8</sup> кавлама.

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.

Ҳажр тошидин зарру<sup>9</sup> офат бошига етган ўзум,  
Киштийи<sup>10</sup> мотамдадурман, лангаримни кавлама.

Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,  
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни<sup>11</sup> кавлама.

Ломаконнинг<sup>12</sup> шаҳрини бир ху<sup>13</sup> била сайр айладим,  
Жабрайил<sup>14</sup>, борғил нари, болу паримни<sup>15</sup> кавлама.

---

<sup>1</sup>Девона — бу сўзни ҳозирги тилимиздагидай «жинни» эмас, балки ошиқ, ишқ савдоси туфайли ақл-хушидан ажраган маъносида тушуниш керак. <sup>2</sup>Бистар — ўрин-бош, кўрпа-ёстик. <sup>3</sup>Шафақолуда — шафақранг, шафақ — кўёш ботиши пайтида кўкда пайдо бўладиган қизиллик; кул остида яшириниб ётган кип-қизил чўр ранги. <sup>4</sup>Хокистар — кул. <sup>5</sup>Китобат — хат, мактуб. <sup>6</sup>Сардафтар — тақдири азал томонидан ёзилган қисмат дафтари. <sup>7</sup>Афтода — йиқилиб қолган, заиф, ночор киши. <sup>8</sup>Чашми тар — йиғидан намланган, ёшли кўз. <sup>9</sup>Зарр — зарар, зиён. <sup>10</sup>Кишти — кема. <sup>11</sup>Мижмар — мушк-анбар каби турли хушбўй нарсаларни солиб тутатиладиган идиш (манқал). <sup>12</sup>Ломакон — маконсиз, жойсиз. Худонинг сифатларидан бири. <sup>13</sup>Ху — садо. Аллоҳга нола қилиш, сўғиниш, уни излаш, чақириш садоси. <sup>14</sup>Жабрайил — худо билан пайғамбар ўртасидаги воситачи, ваҳий келтирувчи фаришта номи. Куръони карим сураларини Аллоҳдан Муҳаммад пайғамбарга пешма-пеш етказиб турган ҳам шу фариштадир. <sup>15</sup>Болу пар — учкур пар, қанот.

Баҳри раҳматга<sup>1</sup> кириб, қилдим вужудимни адам<sup>2</sup>,  
Маърифатдин<sup>3</sup> беҳабарсан, дафтаримни кавлама.

Дурри дарёи маоний бўлди чун Машраб, вале  
Дийдабино<sup>4</sup> бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама.

(ХОҲИ ИНОН, ХОҲИ ИНОНМА)

Сенсан севарим, хоҳи<sup>5</sup> инон<sup>6</sup>, хоҳи инонма,  
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ғам шоми фироқингда кабоб этти фалакни  
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ногаҳ сари<sup>7</sup> зулфунг сори бўлдум санга мойил,  
Эй тожи сарим<sup>8</sup>, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Лаълинг<sup>9</sup> ғамидин кўнглум эрур ғунча киби қон,  
Гулбарги тарим<sup>10</sup>, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лабшакарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Машраб, бўлубон кўйинга чун барқи тажалли<sup>11</sup>,  
Қолмай асарим<sup>12</sup>, хоҳи инон, хоҳи инонма<sup>13</sup>.

---

<sup>1</sup>Баҳри раҳмат — ўлим, раҳматли, марҳумлик денгизи; сўфиликда инсон руҳининг вужудни тарк этиб, Аллоҳ раҳматига мушарраф бўлиши. <sup>2</sup>Адам — йўқлик. <sup>3</sup>Маърифат — илму дониш, фаҳм-фаросат, дунёни таниш. Тасаввуфга доир маълумот. Сўфилик таълимотидаги тўрт даражадан бири: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. <sup>4</sup>Дийдабино — қалб кўзи билан кўрувчи, ҳушёр. <sup>5</sup>Хоҳи — форсча «хостан» — хоҳламоқ феълининг шарт майлидаги шакли; хоҳласанг, истасанг маъноларида. <sup>6</sup>«Инон» — инсон сўзининг маънодоши. <sup>7</sup>Сар — бош. <sup>8</sup>Тожи сарим — бошимдаги тожим. <sup>9</sup>Лаъл — қизил рангли тош; мажозий маънода: кип-қизил лаб, севгилининг қизил лаби. <sup>10</sup>Гулбарги тар — гул япроғи, атиргул; янги очилган тоза гул. <sup>11</sup>Барқ — чақмоқ. Тажалли — жилваланиш; тасаввуфда инсонда Аллоҳ жамолининг жилваланиши. Барқи тажалли — тажалли чақмоғи чақилиб, яъни сўфи инсон бу оламни тарк этиб, руҳи ўз вужудини қолдириб Аллоҳга сингиб кетиши, у билан яквужуд бўлиб, ваҳдати вужуд ҳосил қилиши. <sup>12</sup>Қолмай асарим — мендан асар ҳам қолмайди маъносида. <sup>13</sup>Ғазал бошдан-оёқ Аллоҳга муҳаббат билан йўғрилган.

(ТО КИЙДИ ҚИЗИЛ...)

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,  
Ўт ёкти жаҳон мулкида ғавғо қилайин деб.

Мастона хиром эттию<sup>1</sup> кўргузди қадини,  
Мендек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Зулфини тараб, қош учуруб жилвалар этти,  
Ошуби<sup>2</sup> бало, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим,  
Чин<sup>3</sup> солди жабиниға<sup>4</sup> таманно<sup>5</sup> қилайин деб.

Мастона саманд<sup>6</sup> секрата келди шаҳи хунрез,  
Шамшири жафони яна бурро<sup>7</sup> қилайин деб.

Кўп йилки, бу қул<sup>8</sup> хизматини қилмади баржо<sup>9</sup>,  
Келдики ғазаб бирла чу<sup>10</sup> сазо қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушҳол бўлуб кет,  
Қонимни тўқуб, лолайи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,  
Ғавғойи қиёматни ҳувайдо<sup>11</sup> қилайин деб.

(ҲЕЧ КИМА МАЪЛУМ ЭМАС)

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни тийра<sup>12</sup> қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечун шод этмайин бул хаста кўнглумни бугун,  
Келди холимни сўраб ул шўх жононим менинг.

<sup>1</sup>Мастона хиром этмоқ — ўзини ҳар ёққа ташлаб чиройли юриш.  
<sup>2</sup>Ошуб — ғавғо, тўполон, ҳаяжон, кўркув. <sup>3</sup>Чин — тириш, бурушиқ, ажин.  
<sup>4</sup>Жабин — манглай, пешона. <sup>5</sup>Таманно — тилақ, истак, орзу. <sup>6</sup>Саманд — тезюрар ва чиройли от. Саман от. <sup>7</sup>Бурро — кескир, ўткир. <sup>8</sup>Бу қул — шоирнинг ўзи назарда тутилган. <sup>9</sup>Қилмади баржо — (хизматини) ба-  
жармади. <sup>10</sup>Чу — вэкти келди, энди. <sup>11</sup>Ҳувайдо — равшан, аён, кўриниб  
турган, аниқ. <sup>12</sup>Тийра — қоронғи, қора.



Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид эткил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг

Чун Сурайё бормусан, афлокдин<sup>1</sup> боломусан<sup>2</sup>,  
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг

Нозу истиғно била келгил, мени ҳолимни сўр,  
Термулуб доим йўлунгда чашми<sup>3</sup> гирёним<sup>4</sup> менинг.

Тобакай<sup>5</sup> жабру ситам бирла юурсан, эй рафик,  
Чиқти, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

### (МАҚСУД ҲОСИЛ ЭТА ҚОЛДИ)

Ногоҳ кўрунуб кўзлари шаҳло боқа қолди,  
Парда кўтариб қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билиб ул дилбари раъно,  
Ақлимни олиб, жонима ўтлар ёқа қолди.

Рухум эритиб ёшини<sup>6</sup>, ваҳ-ваҳ, юзи оташ,  
Ишқ чакмоғини жонима, найлай, чақа қолди.

Тарсобачани<sup>7</sup> кўрдиму дин кетти кўлумдин,  
Қил сажда дебон бўйнума зуннор<sup>8</sup> тақа қолди.

Мен онинг учун кечаю кундуз югурурмен,  
Ёрим келибон биргина ҳолим сўра қолди.

Айди: «Не тиларсан?» Дедим: «Шамъи жамолинг!»  
Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб бу жаҳонда юрубон топмади бир мард,  
Юз шукрки, онинг била улфат бўла қолди.

<sup>1</sup>Афлок — фалаклар, осмон. <sup>2</sup>Боло — баланд, юқори. <sup>3</sup>Чашм — кўз.  
<sup>4</sup>Гирён — йиғлоқи, йиғлаётган, ёш тўқаётган. <sup>5</sup>Тобакай — қачонгача.  
<sup>6</sup>Ёшин — яшн маъносида. <sup>7</sup>Тарсобача — насроний, исавъй (Исо дини-  
даги) бола. <sup>8</sup>Зуннор — мусулмон давлатларида яшовчи насронийлар  
мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир.

### (ДАРГОҲИДИН НАВМИД ЭМАМ)

Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни,  
Барҳам урса йўлига оламда йўку борни<sup>1</sup>.

То ўзунга дард тегмай, айланиб келмас даво,  
Бас, бу маънодин ҳақимлар кўп сўрар беморни.

Гарчи осийман<sup>2</sup>, анинг<sup>3</sup> даргоҳидин навмид<sup>4</sup> эмам<sup>5</sup>  
Бир гул учун сув берурлар сад ҳазорон<sup>6</sup> хорни<sup>7</sup>.

Охири манзилга<sup>8</sup> етмасдур кудуратлик<sup>9</sup> кўнгул,  
Дилга жо бермоқ<sup>10</sup> на ҳожат душмани ғаддорни<sup>11</sup>.

То дилинга маърифатдин нури имон бўлмаса,  
Сўфилар, бир ҳуға алмашланг ани — дасторни<sup>12</sup>.

Хотири покингни машғул қилма ҳаргиз дунёга<sup>13</sup>,  
Дил ғуборолуда<sup>14</sup> бўлди, ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг, вале  
Машрабо, ҳеч канда қилма дилдин истиғфорни<sup>15</sup>.

### (ХУДОДИН ЎЗГАСИ БАРЧА ҒАЛАТДУР)

Бу тани хокинию<sup>16</sup> руҳи равонни<sup>17</sup> на қилай?!  
Бўлмаса қошимда жонона<sup>18</sup>, бу жонни на қилай?!

<sup>1</sup> *Мисрағнинг мазмуни*: бор бисотини ишқ йўлида сарфлаган, қурбон қилган кишигина чинакам ошиқдир. <sup>2</sup> *Осий* — гуноҳкор, гумроҳ, исёнчи. <sup>3</sup> *Анинг* олмошидан Аллоҳ тушунилади. <sup>4</sup> *Навмид* — ноумид, умидсиз. <sup>5</sup> *Эмам* — эмасман. <sup>6</sup> *Сад ҳазорон* — юз минглаб. <sup>7</sup> *Хор* — тикан. <sup>8</sup> *Охири манзил* — одамнинг бу дунёдаги ҳаёти сафардан иборат бўлиб, унинг сафари қаригач, бу дунёдан ўтиб, охириги манзил — Аллоҳнинг даргоҳига йўл топади. <sup>9</sup> *Кудурат* — дил ғашлик, ғусса, хиралик, дилда бировдан норозилик, кўнгул қолқишиги, хафаликни сақлаш. <sup>10</sup> *Дилга жо бермоқ* — кўнгулдан ўрин бермоқ. <sup>11</sup> *Ғаддор* — алдамчи, хиёнатчи; бераҳм, золим. <sup>12</sup> *Дастор* — салла. <sup>13</sup> *Бу дунёга, ундаги мол-дунёга хирсу ҳавас боғлама, демоқчи шоир.* <sup>14</sup> *Ғуборолуда* — хира, булганган, покиза эмас. <sup>15</sup> *Истиғфор* — гуноҳни кечиритиши, авф этишни сўраш. <sup>16</sup> *Тани хоки* — хокисор вужуд; *хок* — тупроқ; инсон вужудининг тупроқдан яралгани ва яна тупроққа айланажаги ҳам назарда тутилади. <sup>17</sup> *Руҳи равон* — равон кетувчи, борувчи демакдир. «*Руҳи равон*» деганда, инсон руҳининг азал қонуниятига бинсон бир кунг тупроқ танни тарк этиб, Аллоҳга қайтиши кўзда тутилади. <sup>18</sup> *Жонона* — ғазалда мудом мадҳ этилувчи севиқли сиймо — Аллоҳ тимсоли.

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага<sup>1</sup> бормоқ не керак?  
Иброҳимдин<sup>2</sup> қолғон ул эски дўконни<sup>3</sup> на қилай?!

Ураинму бошима саккиз биҳишту<sup>4</sup> дўзахин,  
Бўлмаса васли<sup>5</sup> менга, икки жаҳонни на қилай?!

Аршнинг<sup>6</sup> кунгурасин устига қўйдум оёғим,  
Ломакондин<sup>7</sup> жой олибман, бу маконни<sup>8</sup> на қилай?!

Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом  
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

### (ҚАЛАНДАР БЎЛ, ҚАЛАНДАР БЎЛ)

Муродинга етай десанг, қаландар<sup>9</sup> бўл, қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг<sup>10</sup>, қаландар бўл, қаландар бўл.

Оғиздин дур сочай десанг, шароби ишқ ичай десанг,  
Ёмонлардин қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

---

<sup>1</sup>Макка — Муҳаммад пайгамбар туғилган шаҳар. У жаҳон мусулмонларининг зиёратгоҳига айланган. <sup>2</sup>Иброҳим — Иброҳим пайгамбар. <sup>3</sup>Эски дўкон — муқаддас саждагоҳ Каъба назарда тугилган. Каъбани эса Иброҳим пайгамбар курдирган. <sup>4</sup>Биҳишт — дўзах. <sup>5</sup>Аллоҳнинг васлига, дийдорига ташналик назарда тугилади. <sup>6</sup>Арш — осмоннинг энг юқори жойи. <sup>7</sup>Ломакон — маконсиз, маскансиз, бўшлик. Сўфи шоир руҳан осмону фалакка кўтарилиб, маконсиз бўлиш — Ҳаққа сингиб кетиш ҳақида ҳаёл сурмоқда. <sup>8</sup>Бу макон — бу вақтичалик, омонат, ўткинчи дунё. <sup>9</sup>Қаландар — дунёнинг барча қузур-ҳаловатию айш-ишратидан, орзу-ҳавасидан воз кечиб, Ҳақни излаб, кезиб юрувчи сўфий-сўбрат дарвешлар. Улар кийинишлари, катти-ҳаракатлари, туриш-турушлари билан девонатабиат кишилардек таассурот қолдирганлар. Қаландарлар, дунёнинг бошқа лаззатлари сингари, оила ҳуриш бахтидан ҳам қўлларини юзиб қўлтиққа урган эркак кишилардир. Машраб ҳам шу тоифадаги сўфийлар сирасига киради. Қаландарлар асримизнинг яримларигача учраб туришарди. Улар бозору, кўча-кўйларда дунёнинг вафосизлигидан, ижтимоий адолатсизликдан фарёд қилиб, ҳақиқат йўлини, динни, пайгамбару авлиёларни талқин этиб, қиёмат, жаннат, дўзах ҳақида байту ғазалу, ҳикматлар айтиб юрардилар. Қаландарлар эзгуликдан маърифат қилардилар. Қаландарларнинг йиғиладиган мақсус жойлари — қаландархоналар яқин йилларгача сақланиб келди. <sup>10</sup>Ситам аҳли — халқни эзувчи, азобловчи, унга жабру жафо етказувчи тоифа. Ситам аҳлини ютиш деганда, жабру жафоларга мардонавор бардош бериш, қийноқларга шарво қилмаслик тушунилади. Қаландар шу йўл билан, яъни баррикеллик, сабот ва ирода, золимнинг зулмини худога солиш орқали ситам аҳли билан курашда ютиб чиқади.

Фасод аҳли<sup>1</sup> қувай десанг, (кетига) бир урай десанг,  
Бу даргоҳдин сурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Риёзатсиз<sup>2</sup> бўлай десанг, таним озод юрай десанг,  
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Разолат<sup>3</sup> куйдурай десанг, залолат<sup>4</sup> ўлдурай десанг,  
Ҳамасин<sup>5</sup> супурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин<sup>6</sup> кечай десанг, хонақоҳдин<sup>7</sup> қочай десанг,  
Ҳақиқатни очай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Гуҳаррезлик<sup>8</sup> қилай десанг, ҳамани кулдурай десанг,  
Чу<sup>9</sup> Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

### (БИҲИШТИ ЖОВИДОН ОНАМ)

Жамолинг кўргали келдим, аё<sup>10</sup> эй меҳрибон онам,  
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Хўтан даштига<sup>11</sup> туштум бул фалакнинг гардиши<sup>12</sup> бирлан,  
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,  
Муроди ду<sup>13</sup> жаҳонимсан, биҳишти жовидон<sup>14</sup> онам.

Мени бир жоду<sup>15</sup> кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,  
Қади сарву<sup>16</sup> санавбар<sup>17</sup>, қошлари мисли камон, онам.

<sup>1</sup>Фасод аҳли — бузгунчилар, ҳақ йўлидан айниган, имонини йўқотган тоифа. Қаландарга рақиб тоифалардан бири. <sup>2</sup>Риёзат — кийналиш, машаққат. <sup>3</sup>Разолат — разиллик, пасткашлик, тубанлик. <sup>4</sup>Залолат — адашиш, йўлдан чиқиш, гумроҳлик. <sup>5</sup>Ҳамасин — дунёдаги барча ёвузликларни. <sup>6</sup>Тақво — диндорлик, парҳезкорлик; тасаввуф намояндалари амалсиз тақвони риёкорлик ҳисоблайдилар. Сўфию қаландарлар риёсиз тақво тарафдори бўлганлар. <sup>7</sup>Хонақоҳ — масжид; Машраб талқинида, шайху зоҳидлар риё — сохта ибодат билан шуғулланадиган жой. <sup>8</sup>Гуҳаррезлик — ёқимли, кўнгилочар сўзлар сўзлаш. <sup>9</sup>Чу — айниқса, худди. <sup>10</sup>Аё — муурожаат, хитоб, чорлов маъноларини билдирувчи ундов сўз. <sup>11</sup>Хўтан — Шарқий Туркистон (қашқар вилояти)даги Қадимий шаҳар. Унинг атрофида дашт бўлиши мумкин, лекин луғатларда бу сўз шаҳар номи сифатида талқин этилади. <sup>12</sup>Фалакнинг гардиши — фалакнинг айланishi. <sup>13</sup>Ду — икки. Шоир онасини бу дунёю у дунёнинг муроди, таянчи, дея улуғлайпти. <sup>14</sup>Биҳишти жовидон — абадий, мангу жаннат. <sup>15</sup>Жоду — сеҳр, сеҳрли. <sup>16</sup>Сарв — тўғри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, мевасиз, хушқомат бир дарахт. Гўзал ёрнинг қомати кўпинча сарвга ўхшатилади. <sup>17</sup>Санавбар — қарағай ва арчага ўхшаш хушқомат дарахт. Севгилининг қомати бу дарахтга ҳам кўп киёсланади.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,  
Шабистони жаҳонда кумридек шаккарфишон онам<sup>1</sup>.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,  
Мени хоки туроб<sup>2</sup> этти юзи моҳи тобон<sup>3</sup> онам.

Сени кўп интизор эттим фироқ ўтига<sup>4</sup>, эй Каъбам<sup>5</sup>,  
Тавофи<sup>6</sup> Каъбайи мақсуда<sup>7</sup> келдим, дилкашон<sup>8</sup> онам.

Илоҳо<sup>9</sup>, авф<sup>10</sup> қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли онайи зорим<sup>11</sup>, ғарибу нотавон онам.

### (ЎЗГИНАМ)

Ишқ<sup>12</sup> ўтига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб бирёна<sup>13</sup> бўлган ўзгинам.

Ошики дийдорман<sup>14</sup>, эй ёр, билмассан магар<sup>15</sup>,  
Мансури Халлождек<sup>16</sup> дорга осилган ўзгинам<sup>17</sup>.

Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан бормукин,  
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бор тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни<sup>18</sup> қилиб маъшарда айларман фиғон,  
Ул уни дийдор деб маъшарни бузган ўзгинам.

---

<sup>1</sup>Мисраънинг мазмуни: Шабистон—кечаси, қоронгулик. Шаккарфишон — шакар сочувчи. Шоир муштипар онанинг қоронғу кечаларда фарзанди жигарбандини ширин-шакар сўзлар билан эркалаб, аллалаб, болдан ширин сути билан бокиб чиққанларини ифодаლაётир. <sup>2</sup>Хоки туроб—тупроқ, ер. <sup>3</sup>Моҳи тобон — говланувчи, жилваланувчи, жамолини кўз-кўз этувчи ой; гўзал маъшука назарда тугилади. <sup>4</sup>Фироқ ўти — айрилиқ алангаси. <sup>5</sup>Жаҳон мусулмонлари саждагоҳи, Макка шаҳрида жойлашган зиёратгоҳ. Шоир онасини ана шундай қиблагаҳ ўрнида шарафляпти. <sup>6</sup>Тавоф — бирор нарсанинг атрофини айланиш, зиёрат қилиш. <sup>7</sup>Каъбайи мақсуд — мақсад қилинган, орзуланган Каъба. <sup>8</sup>Дилкашон — дилтортар, дилга якин. <sup>9</sup>Илоҳо — худога мурожаат. <sup>10</sup>Авф — кечирим. <sup>11</sup>Туфайли онайи зорим — онайи зорим ҳаққи кечиргайсан, демоқчи шоир. <sup>12</sup>Ишқ — илоҳий ишқ назарда тугилади. <sup>13</sup>Бирёна — қовурилган. <sup>14</sup>Дийдор — Аллоҳнинг дийдори, жамоли. <sup>15</sup>Магар — шекилли, чоғи, эқтимол. <sup>16</sup>Мансури Халлож — X асрда яшаган машхур сўфий. У «Анал-Ҳақ» — Мен — Ҳақ, яъни худоман» дегани учун руҳонийлар фатвоси билан дорга осиб ўлдирилган. <sup>17</sup>Бу сўзлари билан Машраб ўз қисматини олдиндан башорат қилган. <sup>18</sup>Сийна — кўкрак, кўкс.

Ул сирот ал-мустақим<sup>1</sup> олдида барча йиғлашур,  
Ишқни раҳбар қилибон<sup>2</sup> андин ўткан ўзгинам.

### (ЗАМОНГА СИГМАДИМ)

Онқадар<sup>3</sup> нурга тўлибман<sup>4</sup> осмонга сиғмадим,  
Токи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим<sup>5</sup>.

Кимга соям тушса, бир нури яқин<sup>6</sup> бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудсдурман<sup>7</sup>, забонга<sup>8</sup> сиғмадим.

Жаннату кавсар<sup>9</sup> манам, ҳам дўзаху сақар<sup>10</sup> манам,  
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт осмонга<sup>11</sup> сиғмадим.

Сояйи одамга келдим, нури маъни изладим,  
Жаннатул фирдавсдек олий маконга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида, ғарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Тури Синонга сиғмадим.

Эллик йил Исо<sup>12</sup> билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Боиси бир нуктадин Машраб замонга сиғмадим.

### (БОШИМНИ ДОРҒА ТУТА ҚОЛДИМ)

Дунёга келиб, лойиға билмай бота қолдим<sup>13</sup>,  
Дармон йўқидин неча оғиз сўз<sup>14</sup> қота қолдим.

---

<sup>1</sup>Сирот ал-мустақим — тўғриллик, ҳалоллик, ҳақиқат йўли; сирот — кўприк, йўл; дўзахнинг устидан жаннатга ўтиладиган ингичка кўприк. Мустақим — тўғри, рост; тузук; ҳалол. <sup>2</sup>Ишқни раҳбар қилибон — Аллоҳга бўлган муҳаббат раҳнамолигида. <sup>3</sup>Онқадар — шу қадар, ўшанчалик. <sup>4</sup>Маърифат нурига, илоҳий нурга тўлибман, демоқчи шоир. <sup>5</sup>Осмон гумбазию жаннат боғларига ҳам сиғмадим. <sup>6</sup>Нури яқин бўлди — авлиёсифат бўлди. <sup>7</sup>Қудс — поклик, мусаффолик. <sup>8</sup>Забон — тил. Менинг кечинмаларимни ифодалашга тилнинг имкони торлик қилади, демоқчи шоир. <sup>9</sup>Кавсар — диний таълимотда Жаннатдаги сероб, суви ширин таъмли ҳовуз. У «жаннат булоғи» деб ҳам юритилади. <sup>10</sup>Сақар — дўзах сўзининг маънодоши, тамуз, жаҳаннам. <sup>11</sup>Ҳафт осмон — етти осмон. <sup>12</sup>Нуҳ, Мусо, Исо — пайғамбарларнинг номлари, уларнинг тарихларига ишора. <sup>13</sup>Шоир дунёдаги жамики ёвуз ва ғайримаърифий нарсаларни шундай рамзийлаштиради. Уларнинг устидан заҳарханда кулади. <sup>14</sup>Неча оғиз сўз — шоир ўзининг исёнкор шеъриятини назарда тутади.

Кўрдумки ани, душмани руху тан экандур,  
«Ло» ўқи<sup>1</sup> била икки кўзиға ота қолдим.

Майхонаға<sup>2</sup> кирдим, била қолдим куяримни,  
Масжидға кириб зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг,  
Минг тақвини бир косайи майға сота қолдим.

То телбалигим шуҳрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасиға<sup>3</sup> икки жаҳондин ўта қолдим.

Ваҳдат майини пири муғон<sup>4</sup> илкидин ичтим,  
Мансур каби бошими дорға тута қолдим<sup>5</sup>.

Айб айламангиз Машраби беҳудни, ёронлар,  
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.

#### (ҲАР ЖОН КЕЛАРУ КЕТГУСИДУР)

Дунё сорига бир келибон, ғамзада<sup>6</sup> кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи<sup>7</sup> ҳамроз<sup>8</sup> жаҳон ичра тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Суртмай бу қаро юзни бориб равзалариға<sup>9</sup>,  
Армонда юруб лек бузуғ кулбада кеттим.

Ҳар жон келару кетгусидур, билсам они ҳам,  
Кетмасча юрубон яна ғурбатзада, кеттим.

---

<sup>1</sup>«Ло» ўқи — «Ло» йўқ, эмас, но каби инкор маъноларини билдиради. «Ломакон» сўзидаги сингари. Машраб бу дунё ва унинг бутун носозликларини инкор қилиб яшаган. «Ло» ўқи деганда ана шу исёнкор инкорлар англашилади. <sup>2</sup>Майхона — тасаввуфда моддий май ва шароб маскани эмас, балки аллоҳ ишқида зикру самоъ қилиш, Аллоҳ билан маънавий руҳий бирлик — ваҳдат ҳосил қилиш учун сўфийлар йиғиладиган манзил. <sup>3</sup>Маъшукнинг жилваси назарда тутилади. <sup>4</sup>Пири муғон — сўфийлар раҳнамоси. <sup>5</sup>Ушбу мисраъда ҳам шоир ўз қисматининг Мансур Халлож тақдирига монанд бўлишини олдиндан башорат қилган. <sup>6</sup>Ғамзада — ғамдан зада бўлиб. <sup>7</sup>Мушфиқ — шафқатли, меҳрибон, марҳаматли. <sup>8</sup>Ҳамроз — сирдош. <sup>9</sup>Равза — боғ, гулбоғ; жаннат; муқаддас қабр, азиз авлиёлар қабри.

Ҳорис<sup>1</sup> бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ<sup>2</sup>,  
Урён<sup>3</sup> келибон мунда, яна арбада<sup>4</sup> кеттим.

Ғофил<sup>5</sup> кишилар кечаю кундуз тилагай мол,  
Дунё ила динни сотибон ғамзада кеттим.

То ёрни хаёл айлади Машраб, кўзин очти,  
Юз дарду алам бирлаки, меҳнатзада кеттим.<sup>6</sup>

### (БИР НУКТАДА МИНГ МАЪНИ)

То олами зоҳирга<sup>7</sup> келиб ман гузар эттим<sup>8</sup>  
Тарк айладиму жумлани<sup>9</sup>, қатъи назар эттим<sup>10</sup>.

Аҳволи дилим айтғали бир маҳраме<sup>11</sup> топмай,  
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим.

Бир қушки, чўлок, сен сори парвоз этаин деб,  
Ҳажр ўқларини жонга суқуб болу пар<sup>12</sup> эттим.

Душманга чу ҳарб<sup>13</sup> этмак учун чора тополмай,  
Дўстум қўлини туттиму тиғу табар<sup>14</sup> эттим.

Ғам шомида қалбимга гузор этти<sup>15</sup> хаёлинг,  
Кўз ёш, юрак қони билан моҳазар<sup>16</sup> эттим.

Савдойи сари зулфунг учун неча маҳалдур,  
Жон кишварини<sup>17</sup> буздиму зеру забар<sup>18</sup> эттим.

---

<sup>1</sup>Ҳорис — дунё молига хирс қўйган. <sup>2</sup>Гумроҳ — йўлини йўқотган, адашган. <sup>3</sup>Урён — юлуи, яланғоч, кийим-кечаксиз. <sup>4</sup>Арбада — шовқин-сурон, тўполон, ғавго, ғазаб. <sup>5</sup>Ғофил — (ҳақиқатдан, дунё ўткинчилигидан) беҳабар, билмай қолган, ғафлатта ботган кишилар. <sup>6</sup>Меҳнатзада кеттим — ғам-алам, машаққатдан зада бўлиб, бахтсиз бўлиб кетдим. <sup>7</sup>Олами зоҳир — ушбу дунё, яъни моддий олам. <sup>8</sup>Гузар этмоқ — юрмоқ, кезмоқ, яшмоқ. <sup>9</sup>Жумлани — ҳаммасини, бор дунёни. <sup>10</sup>Қатъи назар этдим — воз кечдим, кўз юмдим. <sup>11</sup>Маҳрам — улфат, ҳамдам, сирдош. <sup>12</sup>Болу пар — қанот — қўйруқ. <sup>13</sup>Ҳарб — уруш, жанг. <sup>14</sup>Тиғу табар — уруш қуроллари: пичоқ, ханжар, болта. <sup>15</sup>Гузор этмоқ — қўнмоқ, ўрнашмоқ, меҳмон бўлмоқ. <sup>16</sup>Моҳазар — бирор нарсанинг тайёр тургани, ҳозирлангани маъноларини билдиради. Моҳазар эттим — тайёр қилдим. Умуман, байтдан: «Ғам кечасида қалбимга ташриф буюрган хаёлингни кўз ёшим, юрак қоним билан кутиб олдим», деган мазмун англашгилади. <sup>17</sup>Кишвар — мамлакат, мулк. <sup>18</sup>Зеру забар — остин-устун.



Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас, жандани<sup>1</sup> кийдим, ўзими дарбадар<sup>2</sup> эттим.

Кутахназар<sup>3</sup> эл билмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта<sup>4</sup> била мухтасар<sup>5</sup> эттим.

(МАШРАБИ МУЪТАБАР ЎЗУМ)

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар<sup>6</sup> ўзум,  
Бир бути бебадал<sup>7</sup> учун ошиқи дарбадар ўзум.

Куюнга дам-бадам бориб, навҳаву<sup>8</sup> зорлар қилиб,  
Шому сахар фиғон этиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Е шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,  
Ер била кўкни куйдуруб кавкабаю<sup>9</sup> қамар<sup>10</sup> ўзум.

Жоми<sup>11</sup> майи луоб<sup>12</sup> ичиб, мажнуни<sup>13</sup> бенаво бўлуб,  
Нозу карашмалар қилиб, лайлийи<sup>14</sup> ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг<sup>15</sup> ўртади жону дилимни, эй санам,  
Болу паримни куйдуруб, бедили<sup>16</sup> навҳагар<sup>17</sup> ўзум.

Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз мудом,  
Саҳарда бедор ўл дединги, дойи сахар<sup>18</sup> ўзум.

<sup>1</sup>Жанда — дарвеш-қаландарлар тўни; йиртиқ-ямокли курак тўн.  
<sup>2</sup>Дарбадар — эшикма-эшик, сарсон-саргардон юрүвчи. <sup>3</sup>Кутахназар — қалтабин, қисқа ўйлайдиган, моҳиятдан узоқ кишилар. <sup>4</sup>Нукта — ишора, чуқур маъноли, сеҳрли — синоатли, дунёқарашни мумтоз ифодалайдиган сўз. <sup>5</sup>Мухтасар — қисқа, ихчам. <sup>6</sup>Нағмагар — сайроқи (булбул). <sup>7</sup>Бути бебадал — тенгсиз санам. Манзурнинг сифатларидан бири <sup>8</sup>Навҳа — товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи, нола. <sup>9</sup>Кавкаба — юлдуз. <sup>10</sup>Қамар — ой. <sup>11</sup>Жом — қадаҳ, май пиёласи. <sup>12</sup>Луоб — тупурик, сўлак. <sup>13</sup>Лайлоу мажнун — афсонасидаги Мажнун сифатларига ишора. <sup>14</sup>Уша машхур афсонадаги Лайло сифатларига ишора. <sup>15</sup>Жамолинг шамъи — жамолингнинг нури, тафти, ёлғини. <sup>16</sup>Бедил — юраксиз, юраги олинган, юраги ўртаниб адо бўлган. <sup>17</sup>Навҳагар — нола кидиб, ун тортиб йиғловчи. <sup>18</sup>Дойи сахар — сахарни кутиб олувчи, борлиқни уйғотувчи.

Хисрави<sup>1</sup> комрон<sup>2</sup> бўлуб, Рустами достон<sup>3</sup> бўлуб,  
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзайи рахнагар<sup>4</sup> ўзум.

Олими нуктадон<sup>5</sup> манам, пири ҳидояхон<sup>6</sup> манам,  
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

(ЭШИТ АРЗИМНИ, ЭЙ ДИЛБАР)

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юроким рахналар<sup>7</sup> бўлди, бу ишқнинг можаросидин.

Хаёлимда сенинг васлинг, тополмасман, мени ҳайрон,  
Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,  
Рақиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.

Санам<sup>8</sup>, сенсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,  
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликнинг бақосидин<sup>9</sup>.

Санам, ишқинг ўти охир мени бехонумон<sup>10</sup> этти,  
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Хароб ўлди менинг кўнглум, кишим йўқтурки, роз<sup>11</sup> айтсам,  
Сўнгоклар<sup>12</sup> рахналар бўлди дилимнинг оху восидин.

Сени ишқинг била йиглаб, агар маҳшарда оҳ урсам,  
Куярлар мўъмину кофир бу Машрабнинг навосидин.<sup>13</sup>

---

<sup>1</sup>Хисрав — подшоҳ, ҳукмдор. <sup>2</sup>Комрон — ўз мақсадига эришган, бахтли, ҳукмрон. <sup>3</sup>Рустами достон — доғруғи достон бўлган афсонавий паҳлавон. <sup>4</sup>Ҳамзайи рахнагар — Муҳаммад пайгамбарни биринчи бўлиб тан олиб, унга тарафдорлик этган, ёш Исломи динининг ҳимоятчиси, ҳомий ва курашчиларидан. У мард ва жасур овчи бўлган. У Муҳаммад пайгамбар ва унинг ҳимоясида Макка ҳукмдор — кофирлари тажовузига раҳна солган, уларга қақшатқич зарба берган ҳамда дини Исломи йўлида шахид бўлган. <sup>5</sup>Нуктадон — билимдон, сирру синоатлардан бохабар. <sup>6</sup>Ҳидоя — тўғри йўл, ҳақ йўлдан таълим берувчи китобнинг номи. <sup>7</sup>Раҳна — ёрилган, тешилган, дарз кетган. <sup>8</sup>Санам — Аллоҳ сиймоси ша- зарда тутилади. <sup>9</sup>Бақо — боқийлик, абадийлик; борлик. <sup>10</sup>Бехонумон — бесаранжом, паноҳсиз, рўзгорсиз, манзил-мақомсиз. <sup>11</sup>Роз — сир, дил изҳори. <sup>12</sup>Сўнгок — суяк, устихон. <sup>13</sup>Наво — бу ерда йиғи, фарёд маъ- носида.

(ТАНБУР)

Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғучи танбур,  
Ўнглум гирехин<sup>1</sup>, ғамларини сурғучи танбур.

Бир неча ракиблар сўзидин ғамзада<sup>2</sup> бўлсам,  
Ҳамдард бўлубон оғушима кирғучи танбур.

Кўтоҳназар<sup>3</sup> эл буни ҳеч қадрини билмас,  
Даргоҳи азалдин<sup>4</sup> хабаре берғучи танбур.

Ғар ёр<sup>5</sup> жамолини кўруб пардаға<sup>6</sup> солсам,  
Нағмаси они сийнахарош<sup>7</sup> этғучи танбур.

Қам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Ҳайрат ўтидин маҳзи санам<sup>8</sup> қилғучи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб, ўттек келибон ул,  
Бир учқуниға жумлани куйдурғучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрез,  
Жонимни ёқиб сийнахарош этғучи танбур.

(ОШИҚ БЎЛИБСАН, БЎЛМАҒИЛ ҒОФИЛ)

Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан<sup>9</sup>, билиб бўлмас,  
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўҳи ситамгарсан,  
Чароғи ҳусни рўйингдин кўнгулни ҳам узуб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб, шамси<sup>10</sup> анварни<sup>11</sup> олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

<sup>1</sup>Гирех — тугун, чигал; дарду алам. <sup>2</sup>Ғамзада — ғамгин, қайғули.  
<sup>3</sup>Кўтоҳназар эл — калтабин, ҳақиқат моҳиятидан узоқ кишилар. <sup>4</sup>Даргоҳи азал — яратувчи маскани, Аллоҳ ҳузури. <sup>5</sup>Ёр — кенг маънода: севикли, дўст, Аллоҳ. <sup>6</sup>Парда — Танбурнинг оҳанг пардалари. <sup>7</sup>Сийнахарош — кўкракни ёрадиган, дилни чок этадиган; дилни ўртовчи, юракни тирновчи. <sup>8</sup>Маҳзи санам — маъшук асири. <sup>9</sup>Ғилмон — жаннатдаги хизматкор. <sup>10</sup>Шамс — қуёш, офтоб. <sup>11</sup>Анвар — нур сочувчи.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан, бўлмағил ғофил,  
Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

(ОҚИЛУ НОДОН ЧИДАЁЛМАС)

Шарҳ айласам ишқ дафтарини, жон чидаёлмас,  
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди<sup>1</sup> муҳаббат ўқубон масжида кирсам,  
Масжид куяру тоқи фарозон<sup>2</sup> чидаёлмас.

Майхона кириб, васли санамдин хабар олса,  
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.

Маҳшар куни гар барқ урубон чиқса нигорим<sup>3</sup>,  
Дўзах куяру жаннату ризвон<sup>4</sup> чидаёлмас.

Ишқ дафтаридин гар ўқусам сура баякбор,  
Бешубҳа, билинг, ояти қуръон чидаёлмас.

Гар наъра уруб тавсани<sup>5</sup> ҳиммат мина қолсам,  
Оламға тушуб шўриши афгон<sup>6</sup> чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвие ишқи санам этсанг,  
Биллоҳки, анга жисминг ила жон чидаёлмас.

(МЕНИ ЙЎҚЛАР КИШИМ БОРМУ?)

Намангондин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?  
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Кўзумдин окизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қазондек қайнабон тоштим,  
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо<sup>7</sup>, рамузу ишқдин ғафво,  
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

<sup>1</sup>Аврод — вирдлар, дуолар. <sup>2</sup>Фарозон — юксад, баланд. Тоқи фарозон — гумбаз, меҳробларнинг юқориси. <sup>3</sup>Нигор — манзурнинг сифатларидан бири. <sup>4</sup>Ризвон — жаннат боғи. <sup>5</sup>Тавсан — шўх от, уйноқи от, тўбичок. <sup>6</sup>Шўриши афгон — фарёду фиғон ғафғоси, тўполоқи. <sup>7</sup>Савдо — айрилиқ, ҳижрон, можароси.

Турарга токатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти чўқтур<sup>1</sup>, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ тураи десам, Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини билмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

### (ХУДО БЕРСУН ПАНОХ)

Нафси саркаш<sup>2</sup> муддаосидин худо берсун паноҳ<sup>3</sup>,  
Бул замона муттақосидин<sup>4</sup> худо берсун паноҳ.

Ҳирқайи бечора<sup>5</sup> киймоқликму роҳи<sup>6</sup> бандалик<sup>7</sup>,  
Сўфини далқи<sup>8</sup> риёсидин худо берсун паноҳ.

Жомайи<sup>9</sup> малла кийиб, қилғон иши ҳийлаву макр,  
Шайх ноқис<sup>10</sup> хонақосидин худо берсун паноҳ.

Ўзлари комилсифат, ҳар луқмаси ҳаққи сағир<sup>11</sup>,  
Юртни ул соҳиб дуосидин худо берсун паноҳ.

Лоф урар «Абдоли вақт—ман!» деб, сўзида маъни йўқ,  
Бул замона раҳнамосидин худо берсун паноҳ.

Мард лашкар йўсинида қўлига тасбеҳ олиб,  
Шайхни рангин асосидин худо берсун паноҳ.

Муттақийлик<sup>12</sup> даъви айлаб, ўзларини пир тутуб,  
Охири вақт порсосидин<sup>13</sup> худо берсун паноҳ.

Бул қаландар жандасининг торида зунжори йўқ,  
Бошига кийган қулосидин<sup>14</sup> худо берсун паноҳ.

<sup>1</sup>Чўқтур — кўп, баланд, бениҳоя маъносида. <sup>2</sup>Нафси саркаш — исёнчи, буйсунмас, тийиқсиз нафс. <sup>3</sup>Худо берсун паноҳ — худо ўз паноҳида асрасин. <sup>4</sup>Муттақо — суянчиқ, таяниладиган нарса, мададкор. <sup>5</sup>Ҳирқайи бечора — камбағал, ночор кишилар қиядиган либос. <sup>6</sup>Роҳ — йўл. <sup>7</sup>Бандалик — (аллоҳга) қуллик, ходимлик. <sup>8</sup>Далқ — дарвешлар кийими. <sup>9</sup>Жома — тўн. <sup>10</sup>Ноқис — нуқсонли, камчилиги бор. <sup>11</sup>Сағир — етим. <sup>12</sup>Муттақий — тақводор, парҳезкор, гуноҳ ишлардан сақланувчи, ҳалол иш тутувчи. <sup>13</sup>Порсо — сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини сақловчи, художўй. <sup>14</sup>Қуло — қулоҳ, қалпоқ.

Машраби шўридаини<sup>1</sup> қилган дуосин қил қабул,  
Ул сахархезни дуосидин худо берсун паноҳ.

(ЯХШИ ХАЛҚЛАРНИ БИРОДАР ТУТ)

Тарозуйи амални<sup>2</sup> қўлга ол, сўнгра баробар тут,  
Хатарлик йўлдасан, то жустижў<sup>3</sup> қил, яхши раҳбар тут.

Имонинг шамъини равшангаридур<sup>4</sup> ҳамдами қобил<sup>5</sup>,  
Қўлингдин келса, доим яхши халқларни биродар тут.

Мақоми қурбат<sup>6</sup> ўтиға агар кирсанг — ҳузур топсанг,  
Ўзунг захроба ютгил, халқни қомиға шаккар тут.

Бағир қони, кўзунг ёши, қади ҳам бирла оҳ тортгил,  
Шафоат<sup>7</sup> вақти бўлди, анда домони паямбар<sup>8</sup> тут.

Бошинг гардунга<sup>9</sup> етса, бўлмагил зинҳор хурсанде,  
Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй банда, камтар тут.

Бало кўрган кишилар мажлисини орзу қилгил  
Ки, ҳар шум лодани<sup>10</sup> кўрсанг, ўзунгни мунда беҳтар<sup>11</sup> тут.

Тараддуд айлагил, занги дилинг шоядки соф ўлгай,  
Ҳидоят<sup>12</sup> кўчасининг ринди бўл, домани маҳшар тут.

Улуғман деб, такаббур пеша қилма муштипарларга,  
Сарафрози топай десанг, давомат дийдани тар тут.

Ҳавас бозорини дур<sup>13</sup> айлагил зинҳор бошингдин,  
Қўлунгни икки дунёдин узуб, дилни қаландар тут.

Баҳойимдек<sup>14</sup> емак-ичмакни саргардони кўп бўлма,  
Кафан бичгил ўзунгга, дилда ўлмоғни муқаррар тут.

---

<sup>1</sup> Шўрида — шўрлик, шўрпешона. <sup>2</sup> Тарозуйи амал — яхши ёки ёмон иш, фаолиятни белгилайдиган мезон. Дин, шарият талаблари. <sup>3</sup> Жустижў — излаш, қидириш, ахтариш. <sup>4</sup> Равшангар — равшанлатувчи, ёритувчи. <sup>5</sup> Қобил — қобилиятли, лойиқ. <sup>6</sup> Мақоми қурбат — ақиллик, еттишиш даражаси. <sup>7</sup> Шафоат — уртада туриб воситачи бўлиш. <sup>8</sup> Паямбар — пайгамбар. <sup>9</sup> Гардун — осмон, фалак. <sup>10</sup> Лода — аҳмоқ, ақлсиз. <sup>11</sup> Беҳтар — яхшироқ. <sup>12</sup> Ҳидоят — тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш, тўғри йўлга кириш. <sup>13</sup> Дур — узок. <sup>14</sup> Баҳойим — тўрт оёқли ҳайвонлар.

Адам<sup>1</sup> сахросидин дунёга келдинг банда бўлсам деб,  
Камар боғлаб белингга, зикри тасбеҳи эранлар тут,

Бу зиндонхонадин ўттунг, кўрунди жаннатул аълю,  
Баланд эт ҳимматингни мунда келдинг, мисли Ҳайдар<sup>2</sup> тут.

Ўзини билмаган бедардларга очмагил дафтар,  
Халилдек<sup>3</sup> ўтни гулзор айлагил, хўйи самандар<sup>4</sup> тут.

Бу ерда ёри<sup>5</sup> берса лутфи ҳақдин гарчи иқболинг,  
Адолат мулкининг сарриштасини мисли Умар<sup>6</sup> тут.

Бу фоний дунёдин, Машраб, етишсанг боқи уқбога<sup>7</sup>,  
Сиротал мустақимдин<sup>8</sup> ўттинг, сўнгра роҳи дигар<sup>9</sup> тут.

#### МУРАББАЪ

(Ёрга етар кун борму, ёронлар)

Ҳамду санолар<sup>10</sup> айтай худога,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?  
Еттайму додим нозук адога,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шум толеимдан кўрдум жафони,  
Золим рақиблар кўрди вафони,  
Ҳолим сўр эмди, бергил давони  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Булбулдаинким фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман,  
Кўнглумни бир дам мен шод этарман,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

---

<sup>1</sup>Адам — йўқлик. <sup>2</sup>Ҳайдар — шер; Муҳаммад пайгамбарнинг куёви — Алининг лақаби. <sup>3</sup>Халил — дўст, ёр; Халилulloҳ — Иброҳим пайгамбарнинг лақаби. Диний ривоятларга кўра, Намруд Иброҳимни катта гулханга ташлаганида, олов гулзорга айланиб қолган. <sup>4</sup>Самандар — каламушга ўхшаш жонивор. Афсонага кўра, гўё у ўтдан пайдо бўлиб, ўт-олов ичида яшар эмиш. <sup>5</sup>Ёри — ёрдам, мадад. <sup>6</sup>Умар — пайгамбарнинг халифаларидан бири. <sup>7</sup>Боқи уқбо — абадият, охират. <sup>8</sup>Сиротал мустақим — тўғрилиқ, ҳақиқат йўли. <sup>9</sup>Дигар — бошиқа, ўзгача. <sup>10</sup>Ҳамду сано — мактов, мадх.

Қачон висолинг бўлғай муяссар,  
Ишқингда кездим ҳам баҳру ҳам бар<sup>1</sup>,  
Дарду аламга тўлди кўнгуллар,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим минг оху фарёд,  
Ўтти нигорим чун сарви озод,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди, тутти ёқамдин,  
Бағрим тилинди пайкони ғамдин,  
Фарёд этарман ушбу аламдин,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксимда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб бағримга томди,  
Ғафлатда қолган Машраб уёнди,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

### ШОҲ МАШРАБ

(Қиссадан парча)

#### *Бисмиллаҳир раҳманир раҳим*

...Тўққиз кун, тўққиз соат тамом бўлуб, ул фарзанд (яъни шоҳ Машраб) таваллуд топди. Кўрдиларки, бир шермард, гўёки май ичиб, масти мустағрақ<sup>2</sup> ётубдур, ани кўруб хушқол ва хуррам бўлдилар. Шул соат болани ердин кўтариб олдилар. Андин сўнг, бола кеча ва кундуз йиғламоқдин тинмади... Бу болани етти кунлик бўлғонда бешикка солдилар. Отларини Раҳимбобо қўйдилар. Етти ёшга етконда, хатна қилдилар, андин сўнг мактабга бердилар. Устозлари айдилар:

— Эй ўғлум, бисмиллаҳир раҳманир раҳим, «алиф» денг, — дедилар. Шоҳ Машраб:

— Алиф, — дедилар.

Устозлари:

— «Бе» денг, — дедилар.

Шоҳ Машраб устозларидин сўродиларки, «алиф»ни маънисини нимадур ва «бе»нинг маънисини нимадур, эй домло?

<sup>1</sup> Ҳам баҳру ҳам бар — ҳам денгиз, ҳам қуруқлик. <sup>2</sup> Мустағрақ — ғарқ бўлган, чўмган; бу ўринда — хушдан кетган, учиб қолган; хаёлга ғарқ бўлган.



Устозлари аччиғланиб дедиларки, эй бачайи нодон, сан ким — бу маъни сўрамоқ ким, дедилар. Шоҳ Машраб ай-дилар: «Эй домло, «алиф»ни маънисини сиз айтмадингиз, ман айтаман», дедилар. Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, «алиф»ни маъниси нимадур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Алиф»нинг маъниси бирдур, ул сабабдин «бе» демосман, мундин ўтмак хатодур», дедилар. Устозлари бу сўзни эши-тиб, хайрон бўлуб қолдилар.

«Алиф»ни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,  
Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим...  
Ҳама айтурки, Машраб, мунча илми кимдин ўргандинг?  
Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин<sup>1</sup> ўргандим!

Шоҳ Машраб бу байтни ўқуғондин сўнг мактаб хона-сидин чиқиб, биёбонга равона бўлуб, бу мухаммасни ўқу-дилар:

...Е илоҳи, эмди қилғойсан бу банданга назар,  
Жандами бардўш этиб,<sup>2</sup> кирдим йўлунига дарбадар,  
Дашту саҳрову биёбонларни излаб сарбасар,  
Топмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,  
Бир назар қилсангки, роҳат топқуси жону таним!

Иккинчи тахаллуслари Маҳдий<sup>3</sup>, учунчиси Зинда<sup>4</sup> эрди-лар.

Алқисса, анолари эшитиб, арқоларидин излаб чиқиб, зор-зор йиғлаб, Машрабни кўрдикки, сару по бараҳна<sup>5</sup> йиғ-лаб юрубдур. «Эй нури дийдам, болам!» деб қўлларидин ту-туб, бир неча панду насихатлар қилдилар.

Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Еридур манга ҳижрон илгидин фарёдлар қилсам,  
Бориб, ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам... —  
деб Шоҳ Машраб анолари бирла уйга келдилар. Анолари орзу қилар эрдиларки, янги либос кийиб юрсалар, деб.

<sup>1</sup>Мавло — эгам, адабиётда бу мисраъдаги сингари, Аллоҳ маъносида юритилди. <sup>2</sup>Бардўш этиб — елкасига ёпиб. <sup>3</sup>Маҳдий — шиа мазҳабидаги мусулмонлар охир замонда Ер юзи халқини тўғри йўлга, ҳидоятга бош-ловчи халоскор — Маҳдий келади, деб ишонадилар. Абу Сулаймон Куфийнинг «Савор ул-ақолим» китобида айтилишича, Бағдод яқинидаги «Самро» масжиди Жомесн олдида бир гор бўлуб, шналар эътиқодича, имом Маҳдий ўша жойдан чиқиши керак эмиш. Шу боис, жумъа кунлари бир саман отни умид билан гор оғзида тутиб турар эканлар (даватшоҳ Самарқандий). <sup>4</sup>Зинда — тирик, умрибоқий. <sup>5</sup>Сару по бараҳна — яланг-бош, ялангоёқ, ёқавайрон.

Аммо Шоҳ Машраб либосларини ҳар ерда ожиз бараҳна-лар бўлса, анга берур эрдилар. Анолари йиғлаб айдиларки: «Эй, нури дийдам, болам, сизга неча орзулар била либос қилиб берсам, на учун киймайсиз?» Шоҳ Машраб айди-лар: «Эй ано, сиз таваллуд қилгонда либосим бор эрдиму?» Анолари айди: «Йўқ эрди». Шоҳ Машраб айдилар: «Яна бараҳна кеторман» дедилар...

Аммо Шоҳ Машрабни одатлари шул эрдик, ҳар ерда гўристон бўлса, одамларни устухонларин кўруб, йиғлаб ай-тур эрдиларки, эй одамизод, охир ўлуб, бошингга тушодур-ғон иш будур.

Вақтеки, Ҳазрати Эшон (яъни, Бозор Охунд) мурид-лари бирлон зикру самоъ қилишиб келғоч, Шоҳ Машраб дедиларки:

Шаҳду шакардин ортуғум, оромижоним келдилар,  
Кўнгил уйини кўрголи, руҳи равоним келдилар.

Алқисса, Мулло Бозор Охунд етиб келдилар. Шоҳ Маш-раб ўринларидан туруб, эъзозу икром бирла бу ғазалини ўқудилар:

Ба кунжи офият биншин, бихўр ноне ба осони,  
Агар ту пири Канъони<sup>1</sup>, ба вақти марғ дар мони.

Мазмуни: Саломатлик ва тинчликни ғанимат билиб, бир бурҷақда ўтириб, нонингни осонликча ҳалоллаб есанг ҳам, катта бахт. Агар сен Канъон пири, яъни Юсуф алайҳис-саломнинг отаси Яъқубдек давлатманд ва сабр-тоқатли бўл-санг ҳам, ўлимнинг фурсати етганда ожиз қолсан.

Алқисса, Мулло Бозор Охунд Машрабни бу ғазаларини эшитиб, масти беихтиёр бўлдилар. Андин сўнг айдиларки, эй ўғлум, ато ва анонгни ризолиқиға ҳам қароғил, чунки худоён таоло ўз «Калом»ида хабар берибдурки: «Ва бил волидайни эҳсонан»<sup>2</sup> деб. Андин сўнг Эшон Мулло Бозор Охунд Машрабға кўб лутфу марҳаматлар қилиб, муҳаббат билан фарзанд (деб, бу байтни) ўқудилар:

Аз амри худо баландтар аст амри падар,  
Бе амри падар касе ба жое нарасад.

---

<sup>1</sup>Пири Канъон — Юсуф пайғамбарға ишора — Ҳазрат Яъқуб ва унинг ўғли Юсуф алайҳиссалом Канъон (Ханаан)лик эдилар. <sup>2</sup>«Ва бил волидайни эҳсонан» — Куръони мажид ва Ҳадиси шарифда таъкидла-нуши «Ота-онангга эҳсон, яқинлик қилгин», деган насиҳат, шарият ҳукмларидан бири.

Жаннат, ки ризои мо дарон аст,  
Зери кадамони модарон аст.

Мазмуни:

Худонинг амридан отанинг амри юқори туради,  
Отанинг амрисиз киши ҳеч ерга етолмайди.  
Бизнинг ризолигимиз бўлган жаннат  
Онларнинг кадамлари остидадир.

«Эй ўғлум, санга ва манга ато ва анони хизматлари фарзу вожибдур, аларни хизматларини ганимат билгойсан» деб, бир неча панду насиҳатлар қилдилар. Эrsa, Шоҳ Машраб яна бу ғазал (мухаммас)ни ўқудилар:

Ишқида куймас ҳеч ким, девона бўлмағунча,  
Шамъида ёнмас ҳеч ким, парвона бўлмағунча,  
Суймас садафни ҳеч ким, дурдона бўлмағунча,  
Адхамсифат дунёдин бегона бўлмағунча,  
Бошга олиб маломат афсона бўлмағунча!

...Шоҳ Машраб ийдгоҳга<sup>1</sup> келдилар, ўшал кунлар ийд мавсуми эрди, ийдгоҳда бир катта кўл, сув бор эрди. Шоҳ Машраб чапонларини ташлаб, ўшал кўлда чўмилдилар. Ҳама халқ кўруб турар эрдилар, шул кўлга бир шўнғудилар, ҳеч бир асарсиз бўлуб кеттилар. Бу воқеани кўруб, халойиқ ҳайрон бўлдилар. Шоҳ Машрабни аноларига хабар еткурдиларки, Машраб ўзини кўлга ташлаб ғойиб бўлди, деб. Анолари эшитгон он «Оҳ, жоним болам!» деб, зор-зор йиғлаб келиб, кўлни лабида ўлтуриб, дедики: «Эй нури дийдам, жон болам, сизни шул умид бирла бокиб эрдимму, мундоғ бўлгонингизга рози эмасман», деб жудолиғ ғамидин бу ғазални ўқудилар:

Бу ғариблик даштида куюб адо бўлдум, болам,  
Мисли ул боди хазондек қахрабо бўлдум, болам.  
Бу жудолиғ дардини айтай, эшитинг, дўстлар,  
Рози дилни айтмайин сандин жудо бўлдум, болам! —

десалар, Шоҳ Машраб сувнинг ичида туруб, аноларига бу байтни ўқудилар:

Ёш қолибман отадан, кўнглимни шод эткон, онам,  
Меҳрибонлиғларни ул кунда зиёд эткон, онам.

---

<sup>1</sup>Ийдгоҳ — сайилгоҳ, оммавий байрамлар майдони.

То қиёмат бу жудолиғ дардиға туштум дебон,  
Нури чашмим, қайдасан, деб анда ёд эткон, онам, —

десалар, Шоҳ Машрабни анолари эшитиб, хурсанд бўлуб,  
бу ғазални ўқудилар:

Бу жудолиғқа қолибман, қайдасан, жоним болам,  
Ҳасратингдан қон ютибман, қайдасан, жоним болам?  
Тун сахарларда туруб, совуқ бешигингни кучуб,  
Эмчокимдин сут берибман, қайдасан, жоним болам?! —

десалар, Шоҳ Машраб «Аллоҳу акбар» деб сувдин чиқиб,  
анолариға салом бериб, дедилар: «Эй меҳрибоним аном,  
вой ғамгузорим аном, менингдек ноқобил фарзанддин ризо  
бўлунг, худойи таоло мани шу кўйга солибдур», деб, Эшон  
Мулло Бозор Охундни хизматлариға равона бўлдилар.  
Тамом одамлар сайҳа тортишиб<sup>1</sup>, Шоҳ Машрабни орқа-  
ларидин юрур эрдилар. Мулло Бозор Охунд кўрдиларки,  
Шоҳ Машрабни кўзларида йиғлоғон ёшнинг асари бор,  
Охунд сўрдиларки, қайда эрдинг? Шоҳ Машраб айди-  
лар: «Маъшуқам бирла ҳазил-мутойиба қилиб ўлтуриб  
эрдим, баногоҳ эри сахродин ўтун кўтариб келиб қолди,  
мани тутуб олиб таёқладилар, шарманда бўлаёздим, ло-  
зимимни қўлтуғлаб қочтим», дедилар.

Эрса, Мулло Бозор Охунд бу сўзга таажжубда эрдилар,  
ўлтурғон халойикдин овоз чиқтики: «Тақсир охуним, Маш-  
раб ялғон айтадур, кўчаларда йиғлаб юруб, ийдгоҳга бо-  
риб, кўлға чўмулиб чиқти», дедилар. Эрса, Мулло Бозор  
Охунд «Ҳай дариг» деб, қўлларини тиззалариға уруб деди-  
ларки: «Сизлар беадаблик қилибсизлар, Машраб бу ви-  
лоятни фиску фужурини кўторур эрди, энди Машрабни  
кўрмак йўқтур», дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй  
Охуним, Сизга бу вилоят қутлуғ бўлсун, бизга йўл қутлуғ  
бўлсун!» деб бу мухаммасни ўқудилар:

Токай мани бечораға бу дарди аламдур,  
Васлингни тилаб кўнглима ғам устиға ғамдур.  
Ҳижрон ичида мунча манга жавру ситамдур,

<sup>1</sup>Сайҳа тортиш — фарёд чекиш, чинқариш.

Бу даври фалак, балки, батакдири қаламдур,  
Бу ғуссадин ўлсом, бошима оҳим аламдур! ...

Алқисса, тамоми халойиққа беҳудлиғ рўй бериб, Машрабни арқоларидин эргошиб юрсалар, Машрабни жунунлари зиёда бўлуб, бозор бошига келиб, қўлларига соз олиб, бу мухаммасни ўқудилар:

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар этдим,  
Сийнамни маломат ўқиға ман сипар этдим,  
Бу манзили беҳудаға ташлаб сафар этдим,  
То олами зоҳирға келиб ман гузар этдим,  
Тарк айладиму жумлани, қатъи назар этдим...

Алқисса, Шоҳ Машраб бу ғазални то охир ўқуб, жазаба ва жунунлари зиёда бўлуб, бир тепага чиқтилар, тўрт тарафга боқиб, Кошғар тарафидин бир марди Худони иси келодур, деб равона бўлдилар. Илгори эшитиб эрдиларки, набирайи ҳазрати Махдуми Аъзам<sup>2</sup>—Офоқ Хўжам Кошғарда деб. Маънийи Офоқ улдулки, кутб ул-олам деган бўлур. Дунёда икки офоқ ўтубдурлар. Бирлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний<sup>3</sup>, бирлари Офоқ Хўжамдурлар. Машраб андеша қилдики, мундоғ юргонимдин андоғ зоти шарифни хизматларига борсам, беҳроқдур деб, бу ғазални ўқудилар:

Надоматда тўқуб ёш, васлинг излаб юргоним беҳроқ,  
Ғаму дардинг рафиқ айлаб, мудом оқ ургоним беҳроқ.  
Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,  
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилғоним беҳроқ.

Алқисса, Шоҳ Машраб Лангар мазоридин чиқиб, ўз ҳасби ҳолларига бу ғазални ўқудилар:

Намангон шаҳридин кетсам, мани йўқлар кишим борму?  
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мани йўқлар кишим борму?

---

<sup>1</sup> «...бошима оҳим аламдур» — бу ўринда «алам» — байроқ, туғ маъносида. Шоир «оҳим бошим устидаги байроқдир» деган ўзига хос назмий ифода қўллаган. <sup>2</sup> Махдуми Аъзам — ёки Имоми Аъзам ан — Нўъмон бинни Сабит Абу Ханифа (699 — 767-йилларда яшаган) — Ханафия мазҳаби асосчиси. <sup>3</sup> Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний — (вафоти йили: 1220): Тасаввуфдаги Хожалар мазҳабининг асосчиларидан Хожа Аҳмад Яссавий билан биргаликда Юсуф Ҳамадоний сулукида таҳсил олган буюк сўфий мутасаввуф. Баҳовуддин Нақшбандийнинг маънавий устозларидан бири.

Бу мискин зори Машрабни киши ҳолини билмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мани йўқлар кишим борму? —

деб, Шоҳ Машраб Андижон тарафига равона бўлдилар. Дарё  
лаби бирла борур эрдиларки, Балиғчидин бир неча қизлар  
келиб, чўмулуб турур эрдилар. Шоҳ Машраб аларни кўруб,  
ҳазил-мутойиба қилдилар. Қизлар айдилар: «Эй девона,  
нағма қилиб, ғазал ўқунг, бизлар тамошо қилолук». Шоҳ  
Машраб: «Хўб бўлур» деб, бу ғазални ўқудилар:

Бир боқиб кўз учидин танга кетурди жон қиз,  
Айланиб, кўз ўгуруб, қилди юракни қон қиз.  
Кунда минг дард ўқини отти ҳазин жонима,  
Бирига айламади лабларидин дармон қиз, —

деб, Шоҳ Машраб Балиғчидин Андижон йўлига равона  
бўлуб, йўлда бу ғазални ўқудилар:

Масти жоми ваҳдат<sup>1</sup>, жоно, санга ман зор ўзум,  
Шориби<sup>2</sup> хамри<sup>3</sup> аластам<sup>4</sup>, ошиғи дийдор ўзум... —

деб, Шоҳ Машраб Андижонга бу талқинни айтиб кирди-  
лар:

Мажнун ила кездим неча йил дашту биёбон,  
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.  
Бу ранжи дилимни эшитиб раҳм эта кўргил,  
Васлингни тилаб кимки менингдек санга ҳайрон... —

деб Андижон бузругворларини зиёрат қилиб, Уш тарафига  
равона бўлуб, йўлда бу ғазали мустазодни ўқуб, замзама  
қилдилар:

Э моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво,  
Девона бўлубман,  
Ишқ ўти куяр жисмим аросида, на парво,  
Парвона бўлубман.  
Ул дамки, ўшал моҳ юзин бир йўли кўрдим,  
Ул хоби хаёлот,  
Найранги рақиб ўлди ва ё ҳукми худодур,  
Бегона бўлубман.  
Машраб ҳолини сўроғли оламда кими бор,  
Ким додига етгай,

<sup>1</sup>«Масти жоми ваҳдат» — ваҳдат майи (Худойи таолонинг васлига етишиш хузуридан маст бўлиш. Ваҳдат — тасаввуфдаги бирлик, аллоҳ билан бирлашиш йўли. <sup>2</sup>Шориб — ичувчи; май ичиш билан шугулланувчи. <sup>3</sup>Хамр — ичкилик. <sup>4</sup>Алжст — Куръондаги «Мен эмасманми? Мен сизнинг аллоҳингиз эмасманми?» маъносига оятга ишора.

Йўқтур бу бузуғ дилни сўрар маҳрами доно,  
Вайрона бўлубман! —

деб, Шоҳ Машраб Ушга бориб, Тахтни зиёрат қилиб,  
Осаф ибн Бархиёни<sup>1</sup> остоналарига келиб, бу муножотни ўқудилар:

Тавофи остонамга ғариби нотавон келдим,  
Умид айлаб мадад сандин, кўзумда хушфишон келдим.  
Умид айлаб висолингни, кўрорман деб жамолингни,  
Басони булбули шайдо ба сад оху фиғон келдим<sup>2</sup>...

деб, Шоҳ Машраб давондин оштилар, манзил-баманзил  
борур эрдилар. Хўжамни остоналарига яқин етдим деб, ди-  
моғлари чоғ бўлиб, бу ғазални ўқудилар:

Эй, менинг нозик ниҳолим, ёри жоним, қайдасан,  
Бу кўнгил бўстонида гунчадаҳоним, қайдасан?  
Ҳолимиз беҳад ёмондур келмасанг ҳолим сўраб,  
Эй менинг хуш меҳрибон, руҳи равоним қайдасан? —

деб, Шоҳ Машраб ўзларини шул соатда Кошғар вилоятида  
кўрдилар.

Кошғар халқини кўруб, жунунлари зиёда бўлуб, масту бе-  
ихтиёр бу ғазални ўқудилар:

Даргоҳинга бир ожизи афғор келибман,  
Арзи дилимни этмак учун зор келибман.  
Йўқдур иликимда санга бир тухфайи лойиқ,  
Жуз залла гунаҳ<sup>3</sup> эл ичида хор келибман...

деб Шоҳ Машраб Офоқ Хўжам остоналарига бориб, бу  
муножотни ўқудилар:

Авалдан то абад, дўстлар, ҳамиша оҳ деб келдим,  
Тилимда раббиял аъло<sup>4</sup>, яна Аллоҳ деб келдим.  
Ки сен авлоди пайғамбар, отингдур Ҳазрати Офоқ  
Ки, навмид кўймоғойларким, улуғ даргоҳ деб келдим...

---

<sup>1</sup>Осаф ибн Бархиё — ривоятларга кўра, пайғамбар Сулаймон алай-  
ҳиссаломнинг доно вазири. Ушдаги Тахти Сулаймон ва Осаф шу азия-  
авлиёлар шарафига қўйилган. Сулаймон пайғамбар парилар авлодидан  
Вилқисни олиб келишда Осафнинг доно маслаҳатларидан фойдаланган.  
<sup>2</sup>Шайдо булбул каби юзлаб оху фиғон билан келдим. <sup>3</sup>Жуз залла гу-  
наҳ... — юзлаб залолат — ёмонликларга ботганман, гуноҳим кўп де-  
ганида шоир ўзинингча эмас, айлиқ бошлаган мусулмонларнинг ноҳақ  
ишларини назарда тутаяди. <sup>4</sup>Тилимда раббиял аъло — намоз, ибодат  
сўзлари. Аллоҳ таолонинг юксаклиги маъносидда.

Алқисса, Шоҳ Машраб бу ўқуғон муножотлари Ҳазрати Офок Хўжамга маълум бўлди. Айдилар: «Эй сўфилар, ҳеч хабарларингиз борму, бир шўридаҳол девона келиб, эшикда йиғлаб турубдур, шул бечорани мунда олиб келинглар!» Мулло Боқи Охунд бирла Мулло Соқи Охунд чиқиб кўрдиларки, бир йигит, энди мўйлаби сабз қилғон, қавий ҳайкал, сару по бараҳна, кўзларидин ўт чиқиб турибдурки, мундоғ девонани ҳеч киши кўрган эмасдур. Девонани Ҳазратнинг олдиға олиб келдилар. Шоҳ Машраб Ҳазрати подшоҳим жамолларини кўруб, бу муножотни ўқудилар:

Бо ҳазрати ту гўям ҳар дам ба сад тавалло,  
Инни заламту нафси фағфирланал хатоё...

**Мазмуни:**

Ҳазратим сенга юзлаб маротаба ялинаманки,  
Жонимга зулм қилдим, бизнинг хатоларимизни кечиргил.

Бу муножотни Ҳазрати Офок Хўжам эшитиб айдиларки: «Эй сўфийлар, девонани яқинроқ келтирунглар!» Андин сўнг сўфийлар икки қўлларидин тутуб, олиб келиб, Ҳазратимни оёқларига йиқтилар. Ҳазратим Машрабни қўлидин тутуб айдиларки: «Эй девона, қайдин келурсиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Номонгондин келурман!» Ҳазратим айдилар: «Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг ғазаларидин ҳеч бир байт билурмисан? Бизга бир ғазал баргсабз учун ўқусанг!» дедилар. Анда Шоҳ Машраб «хўб бўлур» деб, бу ғазални ўқудилар:

Онҳо, ки хокро ба назар кимё кунанд,  
Оё, бувад, ки гўшайи чашм ба мо кунанд,  
Дарди нуҳуфта беҳ зи табибони муддаи,  
Шояд ки аз хазонаи ғайбаш даво кунанд.

**Мазмуни:**

Назари билан тупроқни кимё қиладиган кишилар  
Кўз учидан бизга қиё боқармикинлар?  
Лоф ургучи табиблардан дардимни яширганим яхшидир,  
Шоядки, ғайб хазинасидан даво қилсалар.

Ҳазратим қўлларини кўториб, «Ҳай, бас, агар мундин зиёда ўқусанг, куюб кетарман!» дедилар. «Эмди ўз ғазалингни ўқуғил», деб амр қилдилар. Шоҳ Машраб айдилар:

Бугун Маҳдуми Аъзам подшоҳим кўрғоли келдим,  
Итидек остонига юзимни сурғоли келдим.  
Қиёмат боргоҳини тузар ул кун малоийклар



**Жи, сан кимёназарсан, мен мисам, зар бўлғоли келдим.  
Сани бузруглиғингни шуҳрати оламни тутгондур,  
Кулунг Машраб дуойи хайр ила ёд этғоли келдим.**

Алқисса, Шоҳ Машрабни бу ўқуғонлари Ҳазратимга хуш келиб, ишорат қилдиларки, яна ўқуғил. Шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқудилар:

**Бузурги марди Худо деб, дуо тилаб келдим,  
Валийи шернамо деб, пано тилаб келдим.  
Қўлига ханжар олиб, ул санам деди: «Бош бер!»  
Камина бекасу ожиз ризо тилаб келдим:  
Қаландаринг яна Машраб йўлунгга бош кўюбон,  
Бу остонага, яъни зиё тилаб келдим.**

Бу сўз Ҳазратимга хуш келиб, назари илтифотлари бир-ла қараб, қўлларини очиб, Машрабни ҳақиқа дуойи хайр қилиб, кифтига қоқтилар. Эраса, бисмил бўлғон мурғдек, беҳуд бўлуб йиқилдилар. Шул соат подшоҳим Машрабни бошини тизлариға олиб, ботиндин хабар олдилар. Эраса, Машрабни дилини чироғига ёғ қуюб, пилтасини тайёр қилиб, равшан қилғоли бир пири комил топмай юрғон экан. Ҳазратим айдиларки: «Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлунгларки, бу девонани отини Машраб кўйдум. Оллоху акбар!» дедилар. Андин сўнг девонанинг оти Машраб демакликға шуҳрат топди. Бошларини кўториб, кўзларини очиб, яна бир ғазал дедилар:

**Қўлум олинг, ё пирим, манда тоқат қолмади,  
Йўлға солинг, ё пирим, манда ҳолат қолмади.  
Ҳазратингдан ман бугун дуо тилаб келибман,  
Бўйни синуқ етимман, манда роҳат қолмади,  
Офоқ Хўжамким суюб, отинг Машраб дедилар,  
Бўсоғангда ўлурман, манда ҳасрат қолмади...**

Алқисса, Ҳазратим бу байтни эшиттилар, подшоҳлик қилиб айдиларки: «Эй Машраб, бизга хизматкор бўл!» Машраб туруб таъзим қилди. Уч йил ўтун ташидилар. Яна уч йил машқда<sup>1</sup> сув ташидилар. Бир йил остонада ётдилар. Бу етти йилда бир пўстун кийдилар, ёз бўлса чармини кийдилар, қиш бўлса юнтини кияр эдилар:

---

<sup>1</sup>Машқ — қўйнинг яхлитлиғича шилиниб, ошланиб, сув ташишга мослаштирилган териси. Машқда сув ташийдиган кишилар халқ орасида «машқоб» деб юритилади.

Эй биродарлар, кийибман бир кийимни етти йил,  
Бас, машаққат тортмагунча лойикки дийдор эмас.

Ду (икки) бора Ҳазратдин илтифот кўрмадилар, кў  
гуллариға дард қилиб, ўзлариға айдиларким: «Эй Машра  
бу даргоҳға келганингга етти йил бўлди, пиринг бир йў  
Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамо  
бўлур эди, кел энди, бир гуноҳ қилғил, Худойи таоло бегу  
ноҳни сўрмас экан, шоядки гуноҳ қилсам, гуноҳхорни сўр  
салар керак. Мен бир зинойи ҳаром қилай, шоядки ш  
гуноҳим туфайлидин пирим айтсаларки: «Элтинглар, б  
Машрабни осинглар!» десалар, ўлсам армоним йўқ эрди»  
деб Шоҳ Машраб бу ғазални (мухаммасни) ўқудилар

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,  
Термулуб йўлида қолдим, шўхи бадхў келмади,  
Неча келди шум рақиблар, ул парирў келмади,  
Дардидин ўлдим, вале дардимга дору келмади,  
Ман шаҳиди ишқ бўлдум, қатрае су(в) келмади!...

деб Шоҳ Машраб йиғлаб, чарх уруб, самоъ қилиб туруб  
эрдиларки, подшоҳимга оби таҳорат бергучи бир канизак  
лари бор эди, ул канизак равоқдин бошини чиқориб, нозу  
карашма бирла дедикки: «Эй Машраб, то етти йилдурки,  
сани доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур, бутун ма  
нинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мани кўлум сани  
этокингга бўлғой!» деди. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир  
нозанини моҳталъат жилва қилиб турубдур, ани кўруб  
бехуд бўлдилар. Яна хушлариға келиб дедиларки: «Эй бор  
Худоё, мунингдек офатижон бандаларинг бор экан» деб,  
яна бехуд бўлуб йиқилдилар. Бу воқеа Ҳазрати подшо  
ҳимга<sup>1</sup> аён бўлди. Қизил либос кийиб, шамшери бараҳна  
бирла рўбарў бўлдилар. Шоҳ Машраб Ҳазратни кўруб, бу  
ғазални ўқудилар:

Девонадурман духтари султони Ажамга,  
То банда бўлой олдидағи зулфи санамга,  
Ногоҳ агар ичса эди бодани маъшук,  
Ҳамдам бўлубон борғай эдук Макка ҳарамга.  
Маъшук агар олса қиличини баякбор,  
Ман нола қилай Ҳазрати эшон ҳашамга<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Офок Ҳожа эшон тариқат пирини эканлигидан ташқари, Қошғарда  
подшоҳ ўрнида ҳам ҳукм юритган. <sup>2</sup>Ҳашам — улуғ киши.

Эшон Офок Хўжам айдилар: «Эй сўфийлар, Машрабни тунгларки, андин бўйи Мансури Халлож келадур!»<sup>1</sup> Сўфийлар Машрабни тутуб боғладилар. Шоҳ Машраб Хўжамни таолоға нолалар қилиб айдики: «Эй парвардигорим, анди то тирикман, мунча таҳқиқлаб сўрсалар, тонгла киёнат бўлғонда ўзинг қози бўлуб, шул гуноҳимни сўрғонингга ҳам дийдорингга тўярман!» деди.

Бир гуноҳни устига юз минг надомат яхшидур,  
Оз туман ёзуқларим бору пушаймон манда йўқ!

Андин сўнг Шоҳ Машрабни подшоҳимни олдиларига олиб келдилар. Шоҳ Машраб худойи таолоға муножот қилиб айдиларки: «Эй поко, парвардигоро, аҳадо, самадо, маълумдо, агар сандин амр бўлмаса, бандаларингни аёғларига бир тикон ҳам кирмас, бас, бу карашмалар санга маълум» деб, бу ғазални ўқудилар:

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон ўртар.  
Кишиға ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,  
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар...

Алқисса, Ҳазрати подшоҳим айдилар: «Эй Машраб, мундоғ беадабликни ҳеч ким қилғон эмас» десалар, Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар.

Билдимки, отинг Ҳазрати ҳодийи музиллин,  
Мақбули ҳидоят бўлайин деб гунаҳ эттим.

Подшоҳим буюрдиларки: «Девонани босинглар» деб. Сўфийлар девонани бостилар. Ҳазрати Офок Хўжам киссаларидин мухрларини олиб ўтқа тошлаб, кизитиб Машрабни гарданиға бостилар. Авлиёуллоҳ каромат билан топдиларки, одамизоднинг шаҳватининг жойи банди гардан тамуридадур, ўшал тамурни топиб мухр босдилар...

---

<sup>1</sup>Нақшбандия пирларидан бошқа сўфийлар эъзозловчи Хусайн Мансур Халлож «Анал-л-ҳақ», яъни «Мен-худоман» дегани учун халифа Ал-Маҳдий даврида (775—785) қатл этилиб, ёқиб юборилган. Шоир Машраб ҳам онгли равишда Мансур Халлож изидан борган, ўшандай ўлишни орзу қилган.

## Хўжаназар Хувайдо

(Туғилган йили номаълум, 1780 — 1781 йилларда  
вафот этган)

Каминанинг оти Хўжаназардур,  
Атосининг оти Гойибназардур.

Насабда Ушу мавлуди Чимёний,  
Ғарибу хокисору дил паришоний.

### ҒАЗАЛЛАР

(НА ҚИЛДИМ САНГА МАН...)

На қилдим санга ман, ёрим, жамолингдин жудо қилдинг,  
Бошимда гарди ғамни чун чароғи осие қилдинг.

Ҳамиша куйдуруб шамъи фироқинг бирла жонимни,  
Мени парвонани хокистарини<sup>1</sup> зери по<sup>2</sup> қилдинг.

Жудолиқ айлар эркансан, аё лайливаши ширин,  
На деб аввал ўзунгга мен ғарибни ошно қилдинг,

Нигоро, бори ғам бирла фақири нотавон айлаб,  
«Алиф»дек қоматимни «лом-алиф» янглиғ дудо қилдинг.

Фироқинг осмонидин солиб бир барқи<sup>3</sup> оламсўз,  
Вужудим хирманин ўртаб адо қилдинг, адо қилдинг!

Ушал рўзе: «Билурмусан мени?» деб айдинг, эй ёрим,  
«Бале», — дедим, сени суйдум, балоға мубтало қилдинг.

Аё дилбар, Хувайдодек балокашни эшикларда  
Солиб кўздин асиру бенаво, зору гадо қилдинг.

<sup>1</sup>Хокистар — кул. <sup>2</sup>Зери по — оёқ ости. <sup>3</sup>Барқ — чакмоқ.

(ХОКИ ПОЙИ ЯХШИЛАР БЎЛ...)

Хоки пойи яхшилар бўл, хок<sup>1</sup> бўлмасдин бурун,  
Бу қаро ер қўйни сенга чок бўлмасдин бурун.

Мўминени ғийбатидин мунда оғзинг пок қил,  
Анда дўзахни ўти мисвок<sup>2</sup> бўлмасдин бурун.

Кўрсатиб ганжи қаноат, оч кўзингни сайд қил,  
Кўзларингни косасиға хок тўлмасдин бурун.

Хору хасни ёстаниб, қилма тамаъдин бир хасе,  
Қабринг узра тўдайи хошок унмасдин бурун.

Қилма ғамгин мўминени, кўнглини шод айлагил,  
Тонгла маҳшар даштида ғамнок бўлмасдин бурун.

Эй Хувайдо, кечалар йиғлаб яқонгни чок қил,  
Домани<sup>3</sup> субҳи қиёмат чок бўлмасдин бурун.

(НАФСИНГ СЕНИ ҚАТТИҒ БАЛО...)

Нафсинг сени қаттиғ бало, албатта, ургил пой<sup>4</sup> анго,  
Ҳар дам сени ўтқа солур, зинҳор берма пой<sup>5</sup> анго.

Айтур сенга юклаб юкин: «Ул ишни қил, бу ишни қил!»  
Аксини айлаб сўзини, ҳеч қилмағил парвой анго.

Иззатға ул фарбеҳ<sup>6</sup> бўлуб, исён сари бўлғай далер,  
Айлаб оёғ остида хор, чўғ найзасини сой<sup>7</sup> анго.

Ўз ройига қўйсанг они, бир дамда аждархо бўлуб,  
Бошинг ютарға ўғрағай, эркингни берма бой анго.

Ўзгил ҳавасни хорини дил боғидин айлаб шитоб,  
Реша<sup>8</sup> олиб маҳкам бўлур, берсанг замоне жой анго.

<sup>1</sup>Хок — тупрок, қум. <sup>2</sup>Мисвок — тиш тозалагич, оғиз бўшлиғини тозаловчи восита. <sup>3</sup>Доман — этак. <sup>4</sup>Пой — оёқ. Нафсга пой урмоқ — нафс итини, нафс девини тепмоқ, ундан устун турмоқ, ундан ғолиб келмоқ маъноларини англатади. <sup>5</sup>Рой — йўл. Нафс хуружига йўл бермаслик ҳақида гап боради. <sup>6</sup>Фарбеҳ — семиз. Нафсга иззат кўрсатиш — уни парваришлаш билан баробар, парваришланган нафс семириб, шишиб, кучайиб, ўз эгасини мағлуб этиши ҳақидаги хавотир ифодаланган. <sup>7</sup>Сой — санчмоқ, суқмоқ, солмоқ. <sup>8</sup>Реша — томир, илдиз.

Мискин Хувайдо, сен они ногоҳ кўтарса бошини,  
Тақви<sup>1</sup> таёғи бирла чоп, ҳаргиз дедурма вой анго.

(ҚОШИНГГА САЖДА ҚИЛДИМ...)

Қошингга сажда қилдим мисли меҳроб,  
Қаро зулфингга қўйдим жонни чирмоб.

Кўзингни ғамзаси тири<sup>2</sup> балое,  
Сипар<sup>3</sup> қилсам анга жон, тутмағай тоб.

Хаданги<sup>4</sup> кирликингдур ханжари тез,  
Кўёр ҳар дам мани қонимға булғоб.

Нигохинг мисли охуйи рамида<sup>5</sup>,  
Ёниб бир боқишингдин бўлди дил об<sup>6</sup>.

Юзунг гул, лабларинг лаъли Бадахшон,  
Сўзунг ширинлиғи найдин<sup>7</sup> олур об.

Дахонинг<sup>8</sup> ғунчайи гул, тишларинг дур,  
Қадингдур сарв, рафторинг<sup>9</sup> эрур об.

«Алиф»дек қоматингни, эй нигорим,  
Саломинг «лом алиф»дек солди тўлғоб.

Санингдек нозанинга бул Хувайдо  
Нечук жон бермасун, эй дурри ноёб.

(САНИ ИШҚИНГДИН, ЭЙ ДИЛБАР...)

Сани ишқингдин, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,  
Халойиқға бўлуб кулгу, баса афсоналар бўлдум.

Қилур таъна кўруб ҳар ким мани ҳолимга, эй моҳим,  
Бу элни оғзида ҳар гўшада афсоналар бўлдум.

---

<sup>1</sup>Тақви — тақводорлик, дин, эътиқод. <sup>2</sup>Тири — ўқ, камон ўқи, эй ўқи.  
<sup>3</sup>Сипар — қалқон. <sup>4</sup>Хаданг — ўқ, камон ўқи. <sup>5</sup>Рамида — хуржқа, чўчиған,  
қўрққан, хуржқиб қочған. <sup>6</sup>Об — сув. <sup>7</sup>Най — найзакаар. Махбуба сўзининг  
ширинлиғи найзакаардан ҳам тотли эканлиғига ишора бор. <sup>8</sup>Дахон — оғиз.  
<sup>9</sup>Рафтор — юриш.

Ҳама қавму қариндошим мани кўрса қилур номус,  
Баридин юз ўгурдум, бир йўли бегоналар бўлдум.

Сани илкиндин, эй дилбар, муҳаббат жомини ичсам,  
Ўшал кундин бери билмай ўзум мастоналар бўлдум.

Шабистон ичра, эй ёрим, жамолинг шамъини кўрдум,  
Бошингдин ўргулиб ҳар субҳидам парвоналар бўлдум.

Висолинг излабон, дилбар, Ҳувайдони ғариб мискин  
Гадолардек сўраб элдин юруб оворалар бўлдум.

#### (ЖОНИМ ТАСАДДУҚДУР САНГА)

Қўл солиб келди санам бир-бир босиб,  
Белига ханжар ҳамойилдек<sup>1</sup> осиб.

Айдим, эй, жоним тасаддуқдур санга,  
Бош керак бўлса, ризоман ол кесиб.

Ўлдурур бўлсанг мани бечорани,  
Зулфи занжиринг билан ўлдур осиб.

Хоҳ ўлдур, хоҳ куйдур, эй пари,  
Қилмағил аммо юзингдин бенасиб.

Кулди, айди: «Бу кеча хилватдаман,  
Шум рақиблар билмасун, борғил бусиб»<sup>2</sup>.

Бул Ҳувайдони кўрунг, бебахтни,  
Борғоли қўймас рақиблар йўл тўсиб.

#### (ЗОЕЪ ЭТМА ЯХШИ СЎЗНИ...)

Ҳар сўзунг бўлса, боқиб сўзла, дило, бо ҳар нафас<sup>3</sup>,  
Айлагил парҳезким, олдингда бўлса хору хас.

---

<sup>1</sup>Ҳамойил — елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақилладиган боғ, масалан, қилч ёки китоб жилдининг боғи; қўлни ҳамойил қилмоқ — қўлни бировнинг буйни ва қўлтигидан ўтказиб кучоқламоқ. <sup>2</sup>Бусиб — писиб, сездирмай, яширин. <sup>3</sup>Мисраънинг мазмуни: ҳар бир сўзингни ўйлаб кўриб, билиб, фаҳмлаб сўзлагин.

Хобна холи<sup>1</sup>, уй менинг деб, ҳар қаю<sup>2</sup> сўз сўзлама,  
Булмағай равзан<sup>3</sup> аро деворни кейнида<sup>4</sup> кас<sup>5</sup>.

Ваҳ, на хуш давлат эрур узлатнишин<sup>6</sup> хомушлик<sup>7</sup>,  
Булмадиму сўзлагандин тўти дар банди қафас<sup>8</sup>.

Шишайи пурмай уза, овоз бермас, тегса тош<sup>9</sup>,  
Мағзи<sup>10</sup> йўқ бемағз учун берди садоҳойи жарас<sup>11</sup>.

Зоеъ этма яхши сўзни фаҳми йўқ бефаҳмга,  
На билур шири<sup>12</sup> шакарни лаззатини сагмагас<sup>13</sup>.

Ҳар киши бўлса керакдур ўз мақому<sup>14</sup> қаддида,  
Хар<sup>15</sup> била тенг бўлмағой ҳарчанд лоғардур<sup>16</sup> фарас<sup>17</sup>.

Оқил<sup>18</sup> ақлиға ишорат ушбу сўз, нодонға зарб<sup>19</sup>,  
Бўлса ақлинг, эй Хувайдо, ушбу сўздур сентга бас.

#### (МАҲРАМИ АСРОРДИН АНДИША ҚИЛ)

Эй дило, гул вақтида гулзордин андиша қил,  
Узмагил беҳуда гул, гулкордин андиша қил<sup>20</sup>.

Кимки кирди бу чаманға, то гул узмай қолмади,  
Оре-оре, гул узарсан, хоридин<sup>21</sup> андиша қил<sup>22</sup>.

Пашшаким, бедорлиқдин<sup>23</sup> ичти одам қонини,  
Баъзи-баъзи мардуми<sup>24</sup> бедордин<sup>25</sup> андиша қил<sup>26</sup>.

---

<sup>1</sup>Холи — бўш, кимсасиз. <sup>2</sup>Ҳар қаю — ҳар қайси, ҳар қандай. <sup>3</sup>Равзан — туйнук, тешик, дарча. <sup>4</sup>Кейни — орқаси. <sup>5</sup>Кас — киши, кимса. <sup>6</sup>Узлатнишин — жамоатдан чекиниб, ёлғизликни ихтиёр этиб ўтириш. <sup>7</sup>Хомушлиқ — жимлик, садосизлик, сокинлик. <sup>8</sup>Дар банди қафас — қафасга тушмоқ, илинмоқ. <sup>9</sup>Мисраъ мазмуни: май тўлдирилган шишага тош тегса ҳам, у жарангдор садо бермайди. <sup>10</sup>Мағз — мия, ақл. <sup>11</sup>Жарас — кўнғироқ, қарвон туясидаги кўнғироқ. <sup>12</sup>Шир — сут. <sup>13</sup>Сагмагас — ит-чивин, итнинг баданига қўнадиган чивин. <sup>14</sup>Мақом — даража, рутба. <sup>15</sup>Хар — эшак. <sup>16</sup>Лоғар — ориқ, озғин. <sup>17</sup>Фарас — от. <sup>18</sup>Оқил — ақлли, фаҳм-фаросатли. <sup>19</sup>Ушбу мисраъдаги ҳикмат мазмунан қўнғидаги халқ мақолига маънодош: «Донога ишора — нодонга калтак». <sup>20</sup>Андиша қил — уял, уйла, кўрк. <sup>21</sup>Хор — тикан. <sup>22</sup>Андиша қил — эҳтиёт бўл. <sup>23</sup>Пашша тунда уйғоқ бўлади. <sup>24</sup>Мардум — одам. <sup>25</sup>Бедор — уйғоқ. Бу ерда ўзгача, гайриодатий уйғоқликка ишора бор. Бу — одамларнинг ишончи, оромия, ҳуқуқини поймол этадиган ёвуз уйғоқлик. <sup>26</sup>Андиша қил — огоҳ бўл, сақлан.



Рози дилни<sup>1</sup> айтмагил, ҳар кимни сан маҳрам билиб,  
Оқил эрсанг, маҳрами асрордин андиша қил<sup>2</sup>.

Ганж<sup>3</sup> топсанг, зоҳир этма, тут ниҳон<sup>4</sup> элдин они,  
Топса шухрат, золими бадкордин<sup>5</sup> андиша қил.

Эй Хувайдо, этмагил Мажнундек сиррингни фош,  
Айласанг хўйи<sup>6</sup> «аналҳақ»,<sup>7</sup> дордин андиша қил<sup>8</sup>.

(КИМ КҶРДИ ВАФО МОЛ ЙИҒИБ..)

Чандон кишилар «дунё менинг», деб кучуб ўтти,  
Дунё талашиб бир-биридин қон сочиб ўтти.

То хоки сияҳ косайи жисмига тукулмай,  
Тўймай бу жаҳон мулкига, оғзин очиб ўтти.

Ман-ман дедилар, сигмадилар ушбу жаҳонга,  
Кўргилким, ани уч қари<sup>9</sup> ерни кучуб ўтти.

Ҳеч кўрмадилар зарра вафо золи фалакдин<sup>10</sup>,  
Охир ҳамаси боби адамни<sup>11</sup> очиб ўтти.

Ким кўрди вафо мол йиғиб ушбу жаҳондин,  
Ташлаб, бори эл баҳри фанони<sup>12</sup> кечиб ўтти.

Дунёни билиб, равзанидин<sup>13</sup> марди худолар,  
Солмай назарин анга, йирокдин қочиб ўтти.

Дунёга келиб, зарра Хувайдо амал, этмай<sup>14</sup>,  
Дил арсасига<sup>15</sup> тухми гунаҳни<sup>16</sup> сочиб ўтти.

<sup>1</sup>Рози дил — дил изҳори, кўнгул сирӣ. <sup>2</sup>Сирларингни билладиган яқин кишидан эҳтиёт бўл. <sup>3</sup>Ганж — хазина. <sup>4</sup>Ниҳон — яширин. <sup>5</sup>Бадкор — ёвуз феълӣ, қилмиш-қидиғмиш ёмонликдан иборат. <sup>6</sup>Хўй — одат қилмоқ. <sup>7</sup>Аналҳақ — Мансур Халложнинг машҳур «Мен — худоман» фалсафаси. <sup>8</sup>Мансур Халлож «Мен — худоман» дегани учун дорга осилган. Шунга асосан, шоир «Мен — худоман» дейиши одат қилишдан аввал дорни ўйлаб кўргин, демокчи. <sup>9</sup>Қари — қарич. Шоир талқинича, инсон тириклигида очкўзлиги ва манманлиги билан жаҳонга сиғмайди, ўлганда эса унга уч қарич ер кифоя қилади. <sup>10</sup>Зол — кампир, қариган хотин; маккор кампир. Золи фалак — мажозий маънода: (кекса) осмон, (марг) фалак. <sup>11</sup>Боби адам — йўқлик боби, дунёдан ўтиш фасли. <sup>12</sup>Баҳри фано — тасаввуфда; бутун барлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиб кетиш. <sup>13</sup>Равзан — тешик, туйнук, дарча. <sup>14</sup>Амал этмай — шоир камтарлик юзасидан: «Дунёга келиб бирор яхши иш қилолмадим, бандалик шартларини бажэ келтиролмадим», дея тазарру қилмоқда. <sup>15</sup>Дил арсаси — кўнгул ери, юрак майдони. <sup>16</sup>Тухми гунаҳ — гуноҳ уруғи.

(АРЗИМНИ АЙДИМ БОДИ САБОҒА)

Арзимни<sup>1</sup> айдим боди сабоҒа<sup>2</sup>,  
Еткурса ҳолим ул дилрабоҒа<sup>3</sup>.

Қилса худойим кўнглин мулойим,  
Раҳм айлағайму ман мубталоҒа?<sup>4</sup>

Қилғайму хайрин ўз қўли бирла,  
Борсам кўйига, мискин<sup>5</sup> гадоҒа<sup>6</sup>?

Деди рақиблар ёрға ёмонлаб,  
Солди жудолиғ, найлай, ароҒа.

Кўнглумда йўқтур зарра гумоним,  
Кимки ёмондур, солдим худоҒа.

Ҳолимни айтсам, ёрим инонмас,  
Эмди кўюбман явмулжазоҒа<sup>7</sup>.

Ёрсиз кишини фирдавси<sup>8</sup> йўқтур,  
Суйдим санамни, қолдим балоҒа.

Душманларни нозу ниамда<sup>9</sup>  
Парвариш айлаб, солди ғиноҒа<sup>10</sup>.

Дўстини ёрим ранжу аламда  
Кўйди эл ичра жавру жафоҒа.

Мискин Хувайдо сабру таҳаммул<sup>11</sup>  
Айлаб, ҳамиша йиғлар худоҒа.

(ФАЛАКНИ ЗУЛМЎДИН МИНГ ДОД)

Қаю<sup>12</sup> ишга қадам кўйсам, манга андин зиён бўлди,  
Мани бетолеим<sup>13</sup>, эй дўстлар, кўп имтиҳон бўлди.

<sup>1</sup> Арзимни — дардимни, хол-аҳволимни. <sup>2</sup> Боди сабо — тонг ели, <sup>3</sup> Ул дилрабо — маҳбуба, севиқли ёр. <sup>4</sup> Мубтало — ошиқ, афтода; (иниқ дардига) дучор бўлган. <sup>5</sup> Мискин — бечора, нотавон, ожиз; йўқсал, камбағал. <sup>6</sup> Лирик қаҳрамон, яъни шоирнинг ўзи аяғланади. <sup>7</sup> Явмулжазо — қиёмат жазоси. <sup>8</sup> Фирдавс — боғ, жаннат боғи. <sup>9</sup> Нозу ниам — нозу исъ-мат. <sup>10</sup> Ғино — бойлик; молдорлик, эҳтиёжсизлик. <sup>11</sup> Сабру таҳаммул — сабр-тоқат, чидам, бардош. <sup>12</sup> Қаю — қайси, қандай. <sup>13</sup> Бетолеим — толе-сизлигим, бахтсизлигим, истқиболсизлигим.

Юзум шўру<sup>1</sup> йўлим қаттиғ, эрурман турфа бетолё,  
Кима ман меҳрибон бўлсам, манга номехрибон бўлди.

Суюб жону дилимдин кимга қилдим ошноликни,  
Узуб ул ошнолик, оқибат, манга ёмон бўлди.

Хама эл бахтидин илгига<sup>2</sup> олса хок<sup>3</sup> зар<sup>4</sup> бўлди,  
Мани илгимдаги зар шул замон туфроқ ҳамон бўлди.

Гулистонлар аро кирдим, илик сундим<sup>5</sup> олай деб гул,  
Кўрунг бетолем: гул хори<sup>6</sup> сийнамга синон<sup>7</sup> бўлди.

Хувайдо айлади золим фалакни зулмидин минг дод,  
Манга қолгонда ул золими чарх кажравон<sup>8</sup> бўлди.

#### (МАВСИМИ ЧАМАН ЯХШИ)

Ичарға бода<sup>9</sup> саҳар мавсими чаман яхши,  
Навойи мутрибу хуш мажлис, анжуман яхши.

Сузуб пиёлайи майни, йигилса ишрат эли,  
Сунарға муғбача май косайи Хўтан<sup>10</sup> яхши.

Хуш ўткар умри азизинг жаҳон ғамини емай,  
Май ич, тириклик аро сиҳҳати бадан яхши.

Кишиким ичмаса майни, тирик эмас, ўлган,  
Анингдек одамиға гўр ила кафан яхши...

#### (ТОПОЛМАСМАН)

Кўнгулда дард кўб, айтурға бир маҳрам тополмасман,  
Кетарға бош олиб чўллар аро ҳамдам тополмасман.

Юраким ғуссаға тўлди, кишим йўқ айтгали ҳолим,  
Нетай дард айткудек бир дардманд одам тополмасман.

Куларлар қаҳқаҳа айлаб, нечук беғам кишилардур,  
Куларға бир замони хотири беғам тополмасман.

<sup>1</sup>Юзум шўр — шўр пешонаман. <sup>2</sup>Илгига — қўляга. <sup>3</sup>Хок — туфроқ, қум. <sup>4</sup>Зар — олтин, тилло. <sup>5</sup>Илик сунмоқ — қўл узатмоқ, қўл соямоқ, қўл урмоқ. <sup>6</sup>Хор — тикан. <sup>7</sup>Синон — найза учи, ўткир найза. <sup>8</sup>Кажравон — эгри юрадиған, қинғир ҳаракатли, тесқари айланувчи. <sup>9</sup>Бода — май, шароб. <sup>10</sup>Косайи Хўтан — Хўтан шаҳри қадахи.

Кеча-кундуз оқар ёшим кўзумдин жолалар<sup>1</sup> янглиг,  
Яқомни кўксум узра бир замон бенам тополмасман.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи ҳасрат бирла, ман найлай,  
Юруб, излаб, табиблардин анга марҳам<sup>2</sup> тополмасман.

Мусибатхонадур дунё, нечук одам юрур беғам,  
Ўзумни, эй Хувайдо, лаҳзае беғам тополмаёман.

(ОТАШ ЭРУР ТАНИМ МАНИНГ)

Шиддати оҳим ўтидин гунбази ахзаринг<sup>3</sup> куяр,  
Шамсу қамар билә яна жумлайн ахтаринг<sup>4</sup> куяр.

Чикса танимни учқуни, тушса жаҳонни мулкига,  
Ваҳшу<sup>5</sup> таюру<sup>6</sup> деғу жин, мўъмину кофаринг куяр.

Ғарқайи ўтдурур таним, келма, табиб, қошима,  
Носури<sup>7</sup> ғамни ёрғоли қўлдаки ништаринг куяр.

Куштайи тиғи ишқман, келма қозима, котило,  
Чикса шарорайи нафас<sup>8</sup>, сайф<sup>9</sup> ила ханжаринг куяр.

Кий деманг, эй жунун эли, манга кулоҳу жандани,  
Оташ эрур таним манинг, далқи<sup>10</sup> қаландаринг куяр.

Келмадинг эй ҳумойи<sup>11</sup> бахт, бошима соя солғоли,  
Биргаҳ отарман оҳ ўқин, бол ила ҳам паринг куяр.

Кумрийи хастадил, бу қун сарв уза нола қилмоғил,  
Нелайи оҳи сўзима<sup>12</sup> сарву санавбаринг куяр.

Бўлса қиёмат, ул кунни дардинги айтибон сани,  
Йиғласам эл аросида, дўзаху маҳшаринг куяр.

Хур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,  
Хаста Хувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг куяр.

<sup>1</sup>Жола — дўл; шўдринг, шабнам. <sup>2</sup>Марҳам — ярага қўйиладиган дори, малҳам. <sup>3</sup>Ахзар — кўм-кўк, яшил. <sup>4</sup>Ахтар — юлдуз. <sup>5</sup>Ваҳш — ваҳший, ёввойи ҳайвон; бу ерда: ҳайвонот дунёси. <sup>6</sup>Таюр — қушлар, паррандалар; бу ерда: қушлар олами. <sup>7</sup>Носур — ҳамиша йиринг (чирк) боғловчи яра. <sup>8</sup>Шарорайи нафас — ўтли нафасдан ажраладиган учқун. <sup>9</sup>Сайф — қилч. <sup>10</sup>Далқи — дарвеш, қаландарлар кийими. <sup>11</sup>Ҳумо — афсонавий давлат қуши (гўё бу қушнинг сояси кимнинг бошига тушса, ўша киши бахтли бўлар эмиш). <sup>12</sup>Сўз — бу ерда шўир ийҳом санъатини яратган.

# Шермуҳаммад Мунис

(1778—1829)

«...кичиклик овони<sup>1</sup>, йигитлик анфувониким<sup>2</sup>, ҳаёт оламининг навбахори ва умр навбахорининг айёми хужастаосоридур<sup>3</sup>, ул фасл ва бу мавсум тақозоси била бепарволиғ бодиясидин<sup>4</sup> жунунтоз<sup>5</sup> эрдим ва жаҳолат маъракасида арбадабоз,<sup>6</sup> бошимда ишрат ҳавоси ҳофир<sup>7</sup> эрди, кўнглимда нишот савдоси мутақосир<sup>8</sup>. Гоҳ арозил<sup>9</sup> муҳолататидин<sup>10</sup> хотирим ғампарвар эрди, авбош<sup>11</sup> муволифатидин<sup>12</sup> замирим<sup>13</sup> муқаддар<sup>14</sup>, гоҳ уламо хизматидин сарбалаңд эрдим ва фузало суҳбатидин баҳраманң. Агар фалаки ғаддорниң<sup>15</sup> гуногун ҳодисоти ҳужум қилса, шеър мушоҳадаси билаким, маҳзунлар унси<sup>16</sup> ва маъмунлар<sup>17</sup> жалисидур<sup>18</sup>, рафъи<sup>19</sup> малолат қилур эрдим. Агар замони вопойдорниң ранго-ранг офати ғулув этса, таворих мутолааси билаким, авзойи аҳли олам вуқуфиға сабаб ва кайфияти сулуки бани одам иттилоъиға<sup>20</sup> боисдур, дафъи кулфат қилур эрдим. («Фирдавс ул-икбол» солномасидан).

«Андоққим, ота ва она ва ини мани бекас ибтилосиға сазовор ва мотамкашлик балосиға гирифтор қилди, назм:

Тийра қилдим дуди оҳимдин жаҳон кошонасин,

Ҳар бирининг сўги андуҳидин айлаб нолалар.

Лахта-лахта ашки хунолуд ила қилдим равон

Ҳар бири ҳажрида бағримни қилиб парголалар.

Мундин ўзга яна навойиб<sup>21</sup> ва оломеким<sup>22</sup>, шарху итноби<sup>23</sup> мужиби<sup>24</sup> кудуратдур<sup>25</sup> — насибим бўлди. Ҳар бирининг ҳазон тундбодидек замирим гулистониға гузар қилмоғидин умидим гули куллий сўлди. Ул аснода ҳар ҳодисаға мувофиқ абъёти дардомезким, ошуфталар таниға

<sup>1</sup>Овон — вақт, замон. <sup>2</sup>Анфувон — давр. <sup>3</sup>Хужастаосор — бахтли, кутлур. <sup>4</sup>Бодия — чўи, дашт, саҳро. <sup>5</sup>Жунунтоз — мажнунвор югурувчи. <sup>6</sup>Арбада боз — тўполончи. <sup>7</sup>Вофир — мўл-қўл. <sup>8</sup>Мутақосир — фаровон, кўп. <sup>9</sup>Арозил — разил, пасткашлар. <sup>10</sup>Муҳолатат — маҳол, ярамае ишлар. <sup>11</sup>Авбош — бошсиз, безорилар. <sup>12</sup>Муволифат — дўстлик, улфатлик. <sup>13</sup>Замир — ич, юрак, кўнғил, дил. <sup>14</sup>Муқаддар — кирланган, хираланган, ғамли. <sup>15</sup>Ғаддор — золми, киёнаткор. <sup>16</sup>Унс — дўст, улфат. <sup>17</sup>Маъмун — омонда, ҳимоядаги. <sup>18</sup>Жалис — мажлисдош, суҳбатдош. <sup>19</sup>Рафъ — йўқ қилиш. <sup>20</sup>Иттилоъ — оғоҳлик, кабардорлик. <sup>21</sup>Навойиб — мусибатлар, кайғулар. <sup>22</sup>Олом — аламлар. <sup>23</sup>Итноб — ортиқча чўзини, чўзилни. <sup>24</sup>Мужиб — сабаб, боис. <sup>25</sup>Кудурат — дилғавшлик, гусса, хиралик.

ўт солгудектур,<sup>1</sup> нойирайи<sup>1</sup> оқ янглиғ қонуни замиримдин кўпрак забона<sup>2</sup> урур эрди ва ҳар сонихага<sup>3</sup> мутобик ашъори кулфатангезким, маҳзунлар қарорин олгудектур, шуълайи оташгоҳ янглиғ зиклиғ гулхани хаёлимдин зиёдароқ бош чекар эрди, гоҳо таворидан<sup>4</sup> кўнгулга сорий ва гоҳо бадиҳатан тилга жорий бўлур эрди... Валекин ул аснода гоҳи беҳудлиғдин ифоқат<sup>5</sup> ҳосил бўлуб, мастликдин хушёрликқа восил бўлгонда табиати жибиллий ва кайфият иқтизоси билан аҳёнан фузало хизматига мойил ва китобхонлик суҳбатига дохил бўлур эрдим. Шарафи хизмат натоийжи ва асари суҳбат маёмини била таъбимга кайфиятлар юзланиб ва ҳодатлар даст бериб, назм силкида мубайян ва вази зевари била музайян бўлур эрди... Ложарам, девон тартибига нурув этилди ва оз фурсатда итмом ҳаддига етилди... ҳар навъ шеър била ораста ва ҳар зайл назм била пироста бўлди. Андоқким, ғарғо қасидалар ва дилкушо ғазаллар, фасоҳатойин таркиб-бандлар, латофаттазийин қитъалар, шариф мусаддас ва мухаммаслар, латиф рубоий ва муаммолар, ширин маснавий ва рангин туюғлар ва ғайруҳум. Тахминан, олти минг байтдур... Агарчи аксар ғазал ва рубоийларким, мажоз йўсийида ишқу ҳусн зоҳири сифатида воқе эрди, валекин маонийи ҳақойиқ баёнидин орий ва мавоизи дақойиқ нишонидин холи эрмас эрди. Чун анга ушшоқ унси кўпрак эрди, «Мунис ул-ушшоқ» қа мавсум ва ул исм била шуҳрат авроқиға марқум».

(«Мунис ул-ушшоқ» девони дебонасидан)

## ҒАЗАЛЛАР

### (ҚИЛМАНГИЗ)

Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,  
Сиз ичиб саҳбо<sup>6</sup>, мени хунхори ҳасрат қилмангиз.

Ғар муяссар бўлса бир маҳбуб<sup>7</sup> ила базми нишот,  
Менсизин суҳбат тузарга майлу рағбат қилмангиз.

<sup>1</sup> Нойира — шуъла, оташ. <sup>2</sup> Забона — аланга, ёлқин. <sup>3</sup> Сониха — руй берган ҳодиса. <sup>4</sup> Таворидан — қайта-қайта кўнгулга келиш. <sup>5</sup> Ифоқат — соғломлавиш. <sup>6</sup> Саҳбо — май. <sup>7</sup> Маҳбуб — дўст, севиқли инсон.

Топсангиз базми висоле, анда ёд этмай мени,  
Зор кўнглумни асири доғи фурқат қилмангиз.

Мен киби йўқдур арода<sup>1</sup>, манкубу<sup>2</sup> махмури айш,  
Кимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,  
Жамъи нодонлар билла изҳори улфат қилмангиз.

Дўст улдурким, ёмон кун юз эвурмас дўстидин,  
Мунис аҳволин кўруб тарки муҳаббат қилмангиз.

(ОШНО)

Давлатинг борида бордур аҳли олам ошно,  
Қайтгач давлат, жаҳонда топилур кам ошно.

Уйла бекаслик мени маҳзунга топмиш дастким,  
Бир киши йўқдур манго жуз кулфату гам ошно.

Баски, даврон хоҳиши бегоналик солмоқдурур,  
Бир-бирига бўла олмас икки ҳамдам ошно.

Кимки бўлди ошно, бот<sup>3</sup> айлади бегоналик,  
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.

Ғар вафо бўлса, парида бўлғай эрди, кўрмадим,  
Бўлдилар ҳар нечаким азледи одам ошно.

Ҳажр ранжидин ўларга етмишамким, кўрсалар  
Ҳолима тутғай азо бегона, мотам ошно.

Ишк аро ул назъ эрур ваҳшат мени мажнунгаким,  
Узгани демай, бўла олмас кўнгул ҳам ошно.

Дард чекмак, ашк тўкмак ишк элига хосдур,  
Ҳар кўнгулга дард, ҳар кўзга эмас нам ошно.

Мунисо, даврон гами бегона бўлса, тош эмас  
Ким, сенга бўлмиш бийик донишвар Акрам ошно.

---

<sup>1</sup>Арода — аросатда қолган. <sup>2</sup>Манкуб — бахтсиз, азобда қолган, қийинчиликларга йўлиққан, хароб. <sup>3</sup>Бот — тез.

(БАСЕ ҒАМ БОРИДИН...)

Басе ғам боридин<sup>1</sup> чекмиш оғирни,  
Еғир бұлмиш<sup>2</sup> ҳазин кўнглим ёғирни<sup>3</sup>.

Фалак ғам юкларин солғонда элга,  
Ёғирнимга менинг кўймиш оғирни.

Билурсен ғам юкин кўп чекканимни  
Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Итинг кўрсам, манга унс айласун<sup>4</sup> деб,  
Берурман гаҳ кўнгулни, гаҳ боғирни.

Рақиб оллингда бўлмоқдин ҳазинман,  
Тиларман кўрмасам ул бўлмоғирни.

Замон аҳлига бўлмиш шиква<sup>5</sup> ойин<sup>6</sup>,  
Нетонг, севсам агар гунгу соғирни.

Нажоте истасанг Мунисға ғамдин,  
Аёқчи<sup>7</sup>, тут анга ҳар дам чоғирни<sup>8</sup>.

(ХАНУЗ)

Ваҳки, ул золим мени мазлумга қотил ҳануз,  
Яъни ағёримга юз минг меҳр ила мойил ҳануз.

Ёшурун сирримни демай, халқ англаб, войким,  
Айтиб англатмоқ била ҳолимни ул гофил ҳануз.

Ваҳ, нечук баҳр эрди ҳижронким, миғиб ғам заврақин<sup>9</sup>,  
Ҳар неча қатъ<sup>10</sup> айларам, мавжуд эмас соҳил ҳануз.

Кўзу кўнглумдин балоға қолдим, оре, кимсага  
Суд еткурган эмас аҳбоби ноқобил ҳануз.

Нафий<sup>11</sup> илми ишқ этиб, қилмоқ недур исботи зарқ<sup>12</sup>,  
Келмамиш, зоҳид, жаҳонға сен киби жоҳил ҳануз.

\* <sup>1</sup>Бар — юк. <sup>2</sup>Еғир бўлмоқ — юк остида елмаси яғир бўлиши, эзилиши, зада бўлиши. <sup>3</sup>Ёғирни — яғрий, елка. <sup>4</sup>Унс айламоқ — дўстлашмоқ. <sup>5</sup>Шиква — шикоят, нолиш. <sup>6</sup>Ойин — расм, одат, қалиқ, рағина. <sup>7</sup>Аёқчи — май қуювчи, соқий, косагул. <sup>8</sup>Чоғир — май, ичкилик, шароб. <sup>9</sup>Заврақ — қайик. <sup>10</sup>Қатъ — кезиш, йўл юриш. <sup>11</sup>Нафий — рад этиш, инкор қилиш. <sup>12</sup>Зарқ — алдов, хийла, мақр, мунофиқлик.



Мунисо, хушинг бор эрса, даҳри дун таркани тут  
Ким, онинг бўлгон эмастур мойили оқил ҳануз.

(КЎНГЛУМА БИР ГУЛ ГАМИДИН...)

Кўнглума бир гул гамидин сончилибдур хорлар,  
Оқким, ҳар хоридин жонимдадур озорлар.

Айламиш кўнглумни мажнун жилвайи лайливаш.  
Ким, асири ғамзасидурлар парирухсорлар.

Турфа айёреки, дин нақдин олурда турраси<sup>1</sup>,  
Урганурлар андин ўғрилиқ ишин таррорлар<sup>2</sup>.

Ғардиши чашмидадур кайфияти даври қадаҳ,  
Мен билибдурманки, билмаслар ани хушёрлар.

Мунисо, ағёр гар ҳамсуҳбат ўлса ёр ила,  
Бўлма маҳзун, ҳамдами гул бўлғусидур хорлар.

(ҚАЙСИ ГУЛНИНГ...)

Қайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор?  
Қайси булбулнинг сенингдек бир гули бехори бор?

Қайси раъно сарвақдга кумрие бор мен киби?  
Қайси кумрини қадингдек сарви хушрафтори бор?

Қайси лайливаш пари мажнунни бор мен телбадек?  
Қайси мажнуннинг менингдек бир парирухсори бор?

Қайси ёр оллида мендек ошиқи жонбоз эрур?  
Қайси ошиқнинг сенингдек нозанин дилдори бор?

Қайси бир дилдорға бордур менингдек бедиле?  
Қайси бедилнинг сенингдек нозанин дилдори бор?

Қайси бир айёрнинг бор мен киби саргаштаси?  
Қайси бир саргаштанинг сендек бути айёри бор?

Қайси шохнинг Муниси маҳзун киби бордур кули?  
Қайси кулнинг сен киби шохи фалакмикдори бор?

<sup>1</sup>Турра — зулф, кокил, ўрилган соч. <sup>2</sup>Таррор — ўғри, қиссагур.

Волий<sup>1</sup> мулки тариқат<sup>2</sup> гар Низомийдур манго,  
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манго.

Хотримга Хусравидин ҳар замон шўре<sup>3</sup> етиб,  
Банда давроннинг бори ширинкаломидур<sup>4</sup> манго.

Пири Ансорий сўзидин чошни<sup>5</sup> нутқум топиб,  
Сўзда ҳосил шарбати юҳъйил—изомидур<sup>6</sup> манго.

Ҳофизии Шероз лутфидин<sup>7</sup> тараққийлар топиб,  
Жилвагоҳ<sup>8</sup> аҳли тасаввуфнинг<sup>9</sup> мақомидур<sup>10</sup> манго.

Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,  
Доим андин атрпарвар жон машомидур<sup>11</sup> манго.

Файзи-Фирдавсий гаҳи кўнглум очибдур бийдек,  
Гоҳ Ҳоконий футухининг<sup>12</sup> паёмидур<sup>13</sup> манго.

Гоҳ табъим Анварий нури била равшан бўлуб,  
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манго.

Тошибон ишқи Ироқийдин замқрим нашъае,  
Ҳосил, аҳли ишқнинг шўри тамомийдур манго.

Нусхани таъбири Бедилдин топиб файзи суҳан,  
Маъни ичра номаи иқболи томийдур<sup>14</sup> манго.

Қилса ҳосид<sup>15</sup> даҳли бежо, сўз аро йўқтур гамим  
Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.

<sup>1</sup>Волий — ҳоким, ҳукмдор, подшоҳ. <sup>2</sup>Тариқат — усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли; мазҳаб; тасавуфда Ҳаққа етишишнинг иккинчи даражаси. <sup>3</sup>Шўр — гавго, тўполон. Бу ерда: «Хусрав Деҳлавийнинг ширин шеърятин ҳар замон ёдимга тушиб, ўзининг таъсири била хотирамини ости-устун қилиб юборади» каби ижобий маънода қўлланган. <sup>4</sup>Ширинкалом — ширинсўз, ширинсуҳан. <sup>5</sup>Чошни — миза, таъм, тот, тотил, мазасини топиб кўриш; баҳра. <sup>6</sup>Юҳъйил изом — сўнгалар тирявиши, тирялиш. <sup>7</sup>Лутф — мулойимлик, раҳмдиллик, яхши муомала, марҳамат. <sup>8</sup>Жилвагоҳ — жилва (нур) жойи, ялтираб кўриниш ўрни; кўриниш жойи. <sup>9</sup>Аҳли тасавуф — сўфийлар. <sup>10</sup>Мақом — рутба, даража, ўрин. <sup>11</sup>Машом — бурут, димоғ. <sup>12</sup>Футух — очилиш, кўшойиш. <sup>13</sup>Паём — хабар, дарак. <sup>14</sup>Томий — буткул, тўлақ мукаммал. <sup>15</sup>Ҳосид — ҳасадчи, бировнинг борлигини, ютугини кўролмайдиган киши.

Эт эмас, Мунис, агар бұлсам киромийкадрим<sup>1</sup>,  
Этоди зохиру ботин Киромийдур манго.

## ШУАРО<sup>2</sup>

Ютубон бу замонда қон шуаро,  
Назм этар<sup>3</sup> гавҳари фиғон шуаро.

Ерга хуршиддек<sup>4</sup> солур даврон  
Қилсалар сайри осмон шуаро.

Дўстлар лутфидин қилур маҳжур<sup>5</sup>  
Баски, бор душмани замон шуаро.

Юз хушомад била гадолиғ этиб,  
Топа олмас емакка нон шуаро.

Давлат асроридин эрур гофил<sup>6</sup>  
Ҳар неча эрса нуктадон шуаро.

Бўлуб ифлосдин<sup>6</sup> зарурат ила  
Хиссат аҳлиға<sup>7</sup> мадҳхон шуаро.

Шеърн янглиғ кезар маҳофил<sup>8</sup> аро  
Қилғали дарди дил аён шуаро.

Ғўйиё рўзгор<sup>9</sup> аносидин<sup>10</sup>  
Туғди кулфатга тавъамон<sup>11</sup> шуаро.

Дардманду жафокаш элга қилур  
Назм ила дардини баён шуаро.

Аҳли давлатга бўлса ҳам маддох,  
Тоғмас иқболдин<sup>12</sup> нишон шуаро.

<sup>1</sup>Киромийкадр — азизлик, ҳурматга сазоворлик. <sup>2</sup>Шуаро — шoirлар. <sup>3</sup>Назм этар — назм яратади, шеър ёзади. <sup>4</sup>Хуршид — кўён, офтоб. <sup>5</sup>Маҳжур — ҳижронда қолган, айрилиб қолган; узоклашган; маҳрум. <sup>6</sup>Ифлос — қашшоқлик, пулсизлик, синия, ҳеч нарсаи қолмаганлик, муҳтожлик. <sup>7</sup>Хиссат аҳли — хасислар, пастқашлар. <sup>8</sup>Маҳофил — мажлислар, йиғинлар. <sup>9</sup>Рўзгор — турмуш, тарикчилик, кун кечиринч. <sup>10</sup>Ано — манаққат, йиғинчилик, азоб, укубат, кулфат. <sup>11</sup>Тавъамон — эғизак. Гўё шoirлар кулфат билан эғизак туғишганлар, дея китоб миллинаётир. <sup>12</sup>Иқбол — давлат, бойлик; омад, ямпи келажак.

Гуссадин ўлгай эрди, топмас эса  
Шеъридек ёри ҳамзабон<sup>1</sup> шуаро.

Баски, даврон эрур хунардущман<sup>2</sup>,  
Кўрадур фазлидин зиён шуаро<sup>3</sup>.

Мизбонлиг<sup>4</sup> қилурға йўқ нимаси<sup>5</sup>  
Бўлса Мунисга меҳмон шуаро.

(Сўз)<sup>6</sup>

Гарчи аввал бор эди маҳбуби<sup>7</sup> гулрухсора<sup>8</sup> сўз,  
Лек эрур ҳоло<sup>9</sup> баса<sup>10</sup> манкубу<sup>11</sup> бахти қора сўз.

Шоир шўридага<sup>12</sup> дилжамълик<sup>13</sup> қайдин етар,  
Дахли бежодин<sup>14</sup> авом<sup>15</sup> оллидадур юз пора<sup>16</sup> сўз.

Дема, сўз атрофига чекмиш ливойи иштихор<sup>17</sup>,  
Қадрдонё тапмай ўлмиш дахрда<sup>18</sup> овора сўз.

Шоир ўз аҳволига дармондаву<sup>19</sup> фазл аҳли хор,  
Оҳким топмас бу даврон ичра бир ғамхора сўз.

Қилма изҳори суханварлик<sup>20</sup> фароғе<sup>21</sup> истасанг,  
Сийму<sup>22</sup> зар ўрнига ёр бошига санги хора<sup>23</sup> сўз.

Хоҳ назму хоҳ наср ўлсун фазилат аҳлидек  
Хорлиг домониға<sup>24</sup> чекмиш оёқ яқбора<sup>25</sup> сўз.

<sup>1</sup>Хамзабон — тилдош; дилдош. <sup>2</sup>Хунардущман — хунарни, санъатни севмайдиған. <sup>3</sup>Мисраънинг мазмуни: Фозиллар қадр имайдиған замонда шоирлар ўз фазилатлари эвазига зиён кўради. <sup>4</sup>Мизбон — бу сўз асли форсий «миз» — стол, хонтахта сўзи ва ифодаловчи — «бон» қўшимчасидан ясалған бўлиб, у меҳмон учун тугатилған дастуркон соқибини англатади. <sup>5</sup>Нимаси — бирор нарса. <sup>6</sup>Радифга одинған «сўз» фақат тил бирлиги эмас, балки кенг маънода — бадий алабидт мазмунида ҳам қўлланған. <sup>7</sup>Маҳуб — севиқли ёр. <sup>8</sup>Гулрухсора — гул юзли. <sup>9</sup>Ҳоло — ҳозир, эндиликда. <sup>10</sup>Баса — жуда. <sup>11</sup>Манкуб — бахтсиз, азобда қолған, қийинчиликларга йўлиққан, хароб. <sup>12</sup>Шўрида — шўр-пешона, паришонҳол, девона, савдойи, ошиқ. <sup>13</sup>Дилжамълик — хотир-жамлик, кўнгли тўқлик. <sup>14</sup>Дахли бежо — ўринсиз аралашини. <sup>15</sup>Авом — умум, омма, оломон; калк; оддий кишилар. <sup>16</sup>Юз пора — яқсон этдиған, шўрчаланған, бўлақланған. <sup>17</sup>Ливойи иштихор — ливо — байроқ; ливойи иштихор — шўкрат байроғи. <sup>18</sup>Дахр — дунё, одам. <sup>19</sup>Дармонда — дар қолған; хайрон, қийин аҳволда қолған; ночорликда, ора йўлда қолған. <sup>20</sup>Суханварлик — сўзга устанлик, ижодкорлик, гўзал сўзлик. <sup>21</sup>Фароғ — тинчлик, хотиржамлик; роҳат, истироҳат; бўшақ, озодлик. <sup>22</sup>Сийму зар — кумуш ва олтин. <sup>23</sup>Санги хора — йирик тош. <sup>24</sup>Домон — этак. <sup>25</sup>Яқбора — бирйўл, бирварақайига.

Уз чу мундоқ хор эа, сүз аҳли мундоқ хоксор,  
Ҳах, не тил бирла деолгай Муниси бечора сүз.

(КЕРАКМАСМУ САНГА?)

Истадинг, эй дил, кўзин, жонинг керакмасму санга?  
Куфри зулфин севдинг, имонинг керакмасму санга?

Дарду ғам сели била буздинг кўнгул кошонасин,  
Эй малоҳат ганжи<sup>1</sup>, вайронинг<sup>2</sup> керакмасму санга?

Жамъ этиб, ўтлуғ кўнгулларни муқайяд<sup>3</sup> айладинг,  
Қалқайи зулфи паришонинг керакмасму санга?

Тийри ғамзанг<sup>4</sup> муддаий кўнглига зоеъ қилмаким,  
Ул ҳадафдур хора<sup>5</sup>, пайконинг<sup>6</sup> керакмасму санга?

Сарсари<sup>7</sup> оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез<sup>8</sup>,  
Машъали хуршеди рахшонинг<sup>9</sup> керакмасму санга?

Эй гул, айларсан жафо хорин<sup>10</sup> уруб, Мунисга жавр,  
Андалиби<sup>11</sup> дилкаш илҳонинг<sup>12</sup> керакмасму санга?

(ҒУНЧА)

Ғабассумда кўруб рангин лабингни ногихон ғунча,  
Қилиб дилтанглик<sup>13</sup> зоҳир, ичидин бўлди қон ғунча.

Сабо<sup>14</sup> таҳрикидин<sup>15</sup>, йўқ, балки оғзинг шармидин<sup>16</sup> бошин  
Қуйи солмоққа мойил бўлғусидур ҳар замон ғунча.

Очиқ чехрангни то кўрди дема, эй, гул очилишидур,  
Қижолат ғоятидин айламиш кулгу аён ғунча.

<sup>1</sup> Малоҳат ганжи — ғузалик хазинаси. <sup>2</sup> Вайрон — вайрона. Халжда казина вайронада бўлади, деган ақида бор. «Вайрон» мяжозан ошиқ — кирик қаҳрамон қалбини ҳам англайди. <sup>3</sup> Муқайяд — борланган, бандга ҳодиган. <sup>4</sup> Тийри ғамза — ғамза ўқи. <sup>5</sup> Ҳадафдур хора — қаттиқ тошдан иборат нишон. <sup>6</sup> Пайкон — қамон ўқининг учи, ўқ учидоғи, металл бошоқ, тикон; киприк. <sup>7</sup> Сарсар — совуқ, кучли ва қаттиқ шамол. <sup>8</sup> Тунду тез — қаттиқ суръат билан. <sup>9</sup> Хуршеди рахшон — порлоқ қуёш. <sup>10</sup> Хор — тикан. <sup>11</sup> Андалиб — булбул. <sup>12</sup> Дилкаш илҳон — ёқимли овозлар, ашулалар, хотинлар, сайрашлар. <sup>13</sup> Дилтанглик — кўнглиторлик; бу ерда лабининг ғунча рангари кичиклигига, ғунчанинг юрак каби ихчам шаклга эгаллигига киноя бор. <sup>14</sup> Сабо — тонг ели. <sup>15</sup> Таҳрик — ҳаракат. <sup>16</sup> Шарм — уят, ҳаё, аҳо.

Кўнгул тор оғзинга бир хандада<sup>1</sup> олдурдим, эй гулрух<sup>2</sup>,  
Кицц<sup>3</sup> кўрганму эркан бу сифат бир дилситен<sup>3</sup> гунча?

Омонлик истасанг бу боғ аро, хомуш бўл доим  
Ки, офатдин омондур сиррин айлар то ниҳон гунча.

Сенинг оғзинг хаёлидин қилур кўнглум қуши нола,  
Эруп боис чу булбул қилса фарёду фиғон гунча.

Кўнгул жамъияти топса, халал эрмас, таажжубким,  
Эмас бу боғ аро ошуфта бўлмоқдин омон гунча.

Недур бу размгоҳ<sup>4</sup> ичра бошинга истамаклик худ  
Ки, ел хайли<sup>5</sup> ўқиға бордур авбалроқ нишон гунча.

Шитобон<sup>6</sup> бўлма, рифъат қулласига<sup>8</sup> то кун эрмассен,  
Камин<sup>9</sup> айлаб ётибдур йўлда<sup>8</sup> шери осмон, гунча.

Фиғонким, барча бу гулшан видоидин<sup>10</sup> эмас эмин<sup>11</sup>  
Ки, гаҳ гул узмак этмиш даъб<sup>12</sup>, гоҳи, боғбон гунча.

Анинг рухсору лаъли<sup>13</sup> ўйла<sup>14</sup> рангиндурки<sup>15</sup>, эй Мунис,  
Агар кўрса, бўлур афсурда<sup>16</sup> гул ҳам нотавон гунча.

#### (АХБОБ)<sup>17</sup>

Килурлар бир-бирининг суҳбатин гарчи ҳавас аҳбоб,  
Эмаслар лек даврон гардишидин<sup>18</sup> дастрас<sup>19</sup> аҳбоб.

Фалак мундоғки душманкомлиг<sup>20</sup> зоҳир килур<sup>21</sup> ҳар дам,  
Эмаслар ҳеч фориғ<sup>22</sup> ғам чекардин бир нафас аҳбоб.

<sup>1</sup>Ханда — қуяги, табассум. <sup>2</sup>Гулрух — гул юзли. <sup>3</sup>Дилситен — дил-ни олувчи, кўнгилни ўзига асир этувчи, дилбар, кўнгил овловчи; севгили. <sup>4</sup>Размгоҳ — уруш, жанг-майдони. <sup>5</sup>Хайл — гуруҳ, тўда, тўя. <sup>6</sup>Шитобон — югурувчи, шошувчи. <sup>7</sup>Рифъат — юксаклик, баланд мартабалик. <sup>8</sup>Кулла — чўкки, тоғ чўккиси. <sup>9</sup>Камин — дана жой, хилват жой (пис-тирма). <sup>10</sup>Видоғ — хайрлашиш, қайтиш, дувёдан ўтиш. <sup>11</sup>Эмин — амон-да, тинч, хавфсиз. <sup>12</sup>Даъб — одат, қилмақ, хислат. <sup>13</sup>Лаъли — лаби. <sup>14</sup>Ўйла — ўшандай, ўшанчалик. <sup>15</sup>Рангин — рангдор, товланиб турадиган, гўзал. <sup>16</sup>Аф-сурда — руҳсизланган, сўлган, сўлгин, ялмыраган, тушқун, тўмган. <sup>17</sup>Аҳ-боб — дўстлар, ёрлар, севишлилар. <sup>18</sup>Даврон гардиши — даврининг айла-ниши, яъни замоннинг зайли, тузумнинг шаронти. <sup>19</sup>Дастрас — кўли тегмоқлик. Байтда дўстлар бир-бирлари билан ҳамсуҳбат бўлишлари учун қўллари тегмаслиги ҳақида гап кетади. <sup>20</sup>Душманкомлиг — душман-лардек, душманча. <sup>21</sup>Зоҳир қилмоқ — кўрсатмоқ. <sup>22</sup>Фориғ — тинч, хо-тиржам, озода, ҳоли.

Мухаббат расмидин огоҳ этиб, миннат тутуб бергил,  
Агар жон нақдини сендин қилурлар мултамас<sup>1</sup> аҳбоб.

Замона аҳлининг манзуридур<sup>2</sup> чун мели жамъият,  
Қачон топғай менингдек бир ғариб бе ҳечкас<sup>3</sup> аҳбоб.

Эрурмен ўйла бекаским, борурга боғласам маҳмил<sup>4</sup>,  
Топилмас айламакка нола андоқким жарас<sup>5</sup>, аҳбоб.

Гутай кимдин умиди марҳаматким, ёқғали жоним —  
Урарлар оташ аъдову<sup>6</sup> солурлар хору хас аҳбоб.

Десанг, аъдо шикасти давлатимга топмасунлар даст<sup>7</sup>,  
Йиғ атрофнингга, эй шох, адл бирла пешу пас<sup>8</sup> аҳбоб.

Шакар янглиғ жаҳон аҳлига ширинкомлик<sup>9</sup> еткур,  
Хужум этсун десанг устингда андоқким магас<sup>10</sup> аҳбоб.

Эрур бир гул ҳавоси бирла Мунис кўнгли болафшон<sup>11</sup>,  
Нечук сақларлар айлаб они маҳбуси қафас аҳбоб.

#### (ОФТОБ)

Бўлмаса жинси жамолинга харидор офтоб,  
Не учун зарпошлиғлар<sup>12</sup> айлар изҳор офтоб?

Сенки шоҳи ҳуснсен, ҳар кун қилиб қуллуқ санга,  
Сажда айларга кўяр туфроққа рухсор офтоб.

Чиқ жамолингни очиб, то элга ҳуснин сотғали,  
Қилмасун олам арқ кўн арзи дийдор офтоб.

Хокбўсини<sup>13</sup> қуси элига мужибни<sup>14</sup> иззатдурур<sup>15</sup>,  
Чарх уза чиқмас йўлингга бўлмайин хор офтоб...

<sup>1</sup>Мултамас — илтимос, сўров, сўралган. <sup>2</sup>Манзури — кўзлагани, маъқул топгани. <sup>3</sup>Ҳечкас — ҳеч ким. <sup>4</sup>Маҳмил — туя ва бошқа улов устида ўрнатилган, одам ўтирадиган, усти ёпик кажам; кажавдаги юк. <sup>5</sup>Жарас — қўнғироқ, қарвон туясидаги қўнғироқ. <sup>6</sup>Аъдо — душман. <sup>7</sup>Топмасунлар даст — қўллари етмасин. <sup>8</sup>Пешу пас — олд-орқа. Тсварақ-атроф маъносига. <sup>9</sup>Ширинкомлик — ширинсўзлик, хушмуомалалик. <sup>10</sup>Магас — чиван, пашша. <sup>11</sup>Болафшон — қанот қоқувчи. <sup>12</sup>Зарпошлиғ — олтин сочинг; бу ерда кўш сочадиган олтинранг нур шуълалари назарда тутилган. <sup>13</sup>Хокбўсини — тупроқнинг ўлиши. Ҳазалда бошдан-оёқ мурожаат маҳбуси мулкка қаратилган. <sup>14</sup>Мужиб — бир нин ва ҳолнинг юзага келишига сабаб бўлувчи, сабабчи, бонс, туфайл. <sup>15</sup>Иззат — азизлик, ҳадриймат.

Шамъи васлингдин агар етса фуруге<sup>1</sup> басдурур,  
Андин ўзга шони ҳажримга не даркор офтоб.

Даври рухсорингда мушкин<sup>2</sup> зулф эмастур гўйиё,  
Қилди фош ойинаси гирдида<sup>3</sup> зангор офтоб.

Не учун шому саҳар бошинг уза айланмасун,  
Кўрмамиш ҳуснинг киби бу чархи даввор<sup>4</sup> офтоб.

Рутбайи олий тиларсен, соф қил кўнглингниким,  
Иртифоъ<sup>5</sup> айларга мундиндур сазовор офтоб.

Ёрутур яхши амал қабрингни, йўкса, суд эмас,  
Тожинг узра бўлса гар ҳар дурри шаҳвор офтоб.

Бўя тажаррудпеда<sup>6</sup>, Муниским, Масихога мақом  
Бўлди бу индин сипехр<sup>7</sup> авжида то бор офтоб.

#### (ҲАЖРИДА ЁМОН ҚОЛИМ)

Кулбам сари жононим келмасму экин оё<sup>8</sup>,  
Ҳажрида ёмон ҳолим, билмасму экин оё?

Сўрмоққа борур ёрим ошиқлари аҳволин,  
Деб ул мени ҳам ошиқ, келмасму экин оё?

Ҳажрида қолиб йиллар, олмас кабаре мандин,  
Оллида киши ёдим қилмасму экин оё?

Сўрғай эди ҳолимни, ошиқларидин билса,  
Гар билса, дори кўзга илмасму экин оё?

Ханжар чекиб эл бағрин тилмақдин этар эҳсон,  
Бағримни менинг ёраб, тилмасму экин оё?

Васким тўладур ёшдин, кўзни оча олмасман,  
Бир лутф илиғи<sup>9</sup> они силмасму<sup>10</sup> экин оё?

<sup>1</sup>Фуруг — шуъла, порлоқлик. <sup>2</sup>Мушкин — мушк қиди; мушк рангик; қора соч. <sup>3</sup>Гирд — атроф. <sup>4</sup>Даввор — давр этуғчи, айлануғчи (гумбаз). <sup>5</sup>Иртифоъ — кўтариғий, юксалиғи; юқорилағини. <sup>6</sup>Тажаррудпеда — алоқасизлик, четлағини, ҳамма нарсадан кечип, ёлғизлик. <sup>7</sup>Сипехр — осмон, осмон гумбаз; фалак. <sup>8</sup>Оё — сўроқ ва тавалжубни аялтуғчи кўнглини суз; ёки, балки, эҳтимолики каби маъноларда қўлланилади. <sup>9</sup>Илиғ — қўя. <sup>10</sup>Силмасму — силмасму.



Гүлзори висолиға Мунис ега олмас ҳеч,  
Айлаб талабин елдек елмасму экин оё?

(КҮНГЛУМ ОЧИЛМАЙДУР ҲАНУЗ)

Ғунчалар очилди-ю, кўнглум очилмайдуρ ҳануз,  
Булбулосо<sup>1</sup> хотирим гүл майли қилмайдуρ ҳануз.

Заъф<sup>2</sup> аро ушшоқға<sup>3</sup> ибрат бўлубман, оҳким,  
Қўзга аҳволи низорим<sup>4</sup> ёр илмайдуρ ҳануз.

Ваъдайн васл айлаб эрди, айлади таъхир<sup>5</sup> кўп,  
Ё ибo<sup>6</sup> қилди-ю, ё ёдиға келмайдуρ ҳануз.

Пеша<sup>7</sup> айлаб чарх золи<sup>8</sup> тинмайин тун-кун даме  
Дилбаримча жавр ойнини<sup>9</sup> билмайдуρ ҳануз.

Ерни ашким гарқ этиб, зўр этти оҳим сарсари,  
Недин эрқандур фалак тоқи йиқилмайдуρ ҳануз?

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам, нетонг<sup>10</sup>,  
Сажда қилмоқликға бошим бир эгилмайдуρ ҳануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик<sup>11</sup>,  
Панд қилмангким, жунунидин<sup>12</sup> ойилмайдуρ<sup>13</sup> ҳануз.

(ИШҚ АСРОРИГА МЕНДИН ТАРЖИМОНРОҚ ЙҮҚ КИШИ)

Ваҳки, мендин ишқ аро озурдажонроқ<sup>14</sup> йўқ киши,  
Ҳусн аро сендек доғи номехрибонроқ йўқ киши.

Кимга заъфим шиддатин зоҳир қилурмен мунглиашиб<sup>15</sup>,  
Чун ўзумдек ғам чекардин нотававроқ<sup>16</sup> йўқ киши.

<sup>1</sup>Булбулосо — булбултабиат, булбулдек, булбуи сингари. <sup>2</sup>Заъф — кучсизлик, ҳолсизлик, касаллик. <sup>3</sup>Ушшоқ — ошқлар. <sup>4</sup>Низор — бун, назор; ориқ, озгин. <sup>5</sup>Таъхир — кечиктириш, кечикиш. <sup>6</sup>Ибо — тортиниш, кўнмаслик, уят, қаё. <sup>7</sup>Пеша — ҳунар, касб; одат. <sup>8</sup>Зол — кампир, қариган хотин; маккор кампир: чарх золи, маж, осмон, фалак. <sup>9</sup>Ойин — расм, одат; қилиқ, равш; тарз, тартиб, усул; маросим. <sup>10</sup>Нетонг — ажаб эмас, таажжуб эмас, қизиқ эмас. <sup>11</sup>Саргашталик — бошим айланганлик, саргардонлик, ҳайронлик. <sup>12</sup>Жунун — жинилик, ақдан озганлик, савдойлик. <sup>13</sup>Ойилмоқ — айрилмоқ. <sup>14</sup>Озурдажон — жонин озер чеккан, райжиган. <sup>15</sup>Мунглиашимоқ — мунгли овоз чикармоқ, мунгли йиғламоқ, дардлашимоқ. <sup>16</sup>Нотавон — кучсиз, бун; заъф, эгсиз, шидсиз; тоқатсиз, касал, бетоб.

Сели ашку ғам йиқибдур жисм ила кўнглум уйин,  
Мен киби ушшоқ аро бехонумонроқ йўқ киши.

Жонлар исоринг<sup>1</sup> қилиб кўрдум жафо, ваҳким, санга,  
Неча қилсам яхшилиқ, мендин ёмонроқ йўқ киши.

Хажр саҳросини гулгун айладим қон ёш ила,  
Мен киби бу навъ кўзи хунфишонроқ<sup>2</sup> йўқ киши.

Узв-узвимдин<sup>3</sup> фиғонлар бош чекибтур тил киби,  
Ишқ асрориға мендин таржимонроқ йўқ киши.

Ишқ ўти Мунис вужудин куйдурубдур ўйлаким,  
Эмди андин ўзга беному нишонроқ йўқ киши.

### (КИМНИКИМ ДЎСТ ДЕДУМ...)

Кимниким дўст дедум, душмани жон топдим они,  
Неки андин тиладим суд<sup>4</sup>, зиён<sup>5</sup> топдим они,

Ёр меҳрин тилаб, ағёр<sup>6</sup> жафосин кўрдум,  
Майки гулгун талаб этдим, қаро қон топдим они.

Ғунчайи хотирим очмоқға насиме<sup>7</sup> тиладим,  
Гоҳ ўтлиғ елу гоҳ боди хазон<sup>8</sup> тондим они.

Некхоҳим<sup>9</sup> деганим барча бор эркан бадхоҳ<sup>10</sup>,  
Ониким англар эдим яхши, ёмон топдим они.

Ишқ андуҳи ниҳон<sup>11</sup> қолмоқи имкон эрмас,  
Менки ёшурмоқ ишим эрди, аён топдим они...

Вақтдур, дилбарига топса нишоёне Мунис  
Ким, ғами ишқ аро беному нишон топдим они.

<sup>1</sup>Исор — бағишлар; инъом қилиш, аямай тақдим қилиш. <sup>2</sup>Хунфишон — қон сочувчи. <sup>3</sup>Узв — аъзо, ғавда бўлақларидан бири (қўл, оёқ каби). <sup>4</sup>Суд — фойда, манфаат; ихшилиқ. <sup>5</sup>Зиён — зарар; ёмонлик. <sup>6</sup>Ағёр — бегоналар, ётлар, бошқалар, ғайирлар; рақиблар. <sup>7</sup>Насим — шабада, майин (ёқимли) шамол. <sup>8</sup>Боди хазон — хазон ели, жуз шамоли. <sup>9</sup>Некхоҳ — инъити яхши, өзгүлүк истовчи. <sup>10</sup>Бадхоҳ — ёмонлик талабгори, ёвуз илтила. <sup>11</sup>Ниҳон — яширин.

### (АРМОН БИЛА ЕНДИМ)

Бордим сари кўйингаву<sup>1</sup> ҳирмон<sup>2</sup> била ёндим,  
Васлингни тилаб, меҳнати<sup>3</sup> ҳижрон била ёндим.

Бордим лаби хандон била тавфи<sup>4</sup> ҳарамингга<sup>5</sup>,  
Ғамгин кўнгулу дийдаи гирён<sup>6</sup> била ёндим.

Оғзингни тилаб, зулфинга<sup>7</sup> жон бўлди гирифтор<sup>8</sup>,  
Дилжамъ<sup>9</sup> бориб, ҳоли паришон<sup>10</sup> била ёндим.

Мендан асаре<sup>16</sup> истамангиз жуз<sup>12</sup> бир овуч<sup>13</sup> кул  
Ким, ишқ киби оташи сўзон<sup>14</sup> била ёндим.

Мунис киби васлинг тилаб, тешмадим охир,  
Мақсудима бир етмадим, армон била ёндим.

### (ЖУНУН ТАСВИРИНИНГ БЕҲЗОДИ)

Бало<sup>15</sup> кўҳсорининг<sup>16</sup> фарҳоди<sup>17</sup> мен-мен,  
Жунун тасвирининг<sup>18</sup> беҳзоди<sup>19</sup> мен-мен.

Жаҳонда ҳар қачонким бўлса пайдо  
Агар шўре<sup>20</sup>, анинг бунёди мен-мен.

Ғаму меҳнатга бор эрса арўсе<sup>21</sup>,  
Билингларким, анинг домоди<sup>22</sup> мен-мен.

<sup>1</sup>Сари кўй — кўча боши; маъшуқа даргоҳига яқин жой. <sup>2</sup>Ҳирмон — маҳрумлик, бебаҳралик, бенасиблик, етиша олмай қолиш; умидсизлик. <sup>3</sup>Меҳнат — машаққат, оғирчилик. <sup>4</sup>Тавф — айланмиш, қазни суртиш, зиёрат. <sup>5</sup>Ҳарам — ҳос жой, ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой; ичкари ҳовли; Каъба. <sup>6</sup>Дийдаи гирён — йиғлаётган кўз, йиғлоқи кўз. <sup>7</sup>Зулф — аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турадиган кокиллари; умуман, аёлларнинг сочи; ҳижрон тимсоли. <sup>8</sup>Гирифтор — йўлққақ, учраган, асир бўлган, банд бўлган. <sup>9</sup>Дилжамъ — хотиржамъ, қатъиятли, ўзинга ишонган. <sup>10</sup>Паришон — тарқок, сочилган, ёйилган; яқсон этилган, умидсизлантирилган. <sup>11</sup>Асар — аломат, нишона, из, белги. <sup>12</sup>Жуз — бошқа, ўзга, бўлак. <sup>13</sup>Овуч — қовуч, қафт, чангал. <sup>14</sup>Оташи сўзон — ёниб турган, ёлқинли олов. <sup>15</sup>Бало — офат, зарар. <sup>16</sup>Кўҳсор — йўлққақ. <sup>17</sup>Фарҳод — бу сўз афсонавий Фарҳоднинг сифатлари: тоғ қазувчилиги, қаҳрамонлиги, сабот, матонатини ифодалайди. <sup>18</sup>Ишқ тасвири дейилмади. <sup>19</sup>Беҳзод — Беҳзоднинг моҳир rassом, тасвир устаси эканлиги сифатига ишора. <sup>20</sup>Шўр — ғавро, тўполон; шўр ер. <sup>21</sup>Арўсе — келин, келинчак. <sup>22</sup>Домод — куёв.

Нетонг Мажнун менинг шоғирдим ўлса,  
Ки, ишқ атфолнинг<sup>1</sup> устоди мен-мен.

Кўнгулда захмлардурким<sup>2</sup>, фалакнинг  
Нишонини новаки<sup>3</sup> бедоди мен-мен.

Менинг ноламға худ шўхе сабабдур,  
Вале эл боиси фарёди мен-мен.

Куруб ҳижрон тузоқини ҳамиша,  
Балолар сайдининг<sup>4</sup> сайёди<sup>5</sup> мен-мен.

Вафода муддаийлардур<sup>6</sup> мутен,  
Жафо айлар чоғи мунқоди<sup>7</sup> мен-мен.

Жунунда, Мунисо<sup>8</sup>, муршидлик<sup>9</sup> этсанг,  
Анинг шойистай<sup>10</sup> иршоди<sup>11</sup> мен-мен.

#### (ИШИМ КЕЧА-КУНДУЗ ФИҒОНДУР)

Узорингда<sup>12</sup> нуре<sup>13</sup> аёндур, аён  
Ки, андин куну ой нишондур, нишон.

Бало ўқларин-отғали жонима,  
Ики эгма қошинг камондур, камон.

Рақибингдин ўлмас аён яхшилик,  
Ки, қавли-ю феъли ёмондур, ёмон.

Ҳаётимға зикри<sup>14</sup> лабингдур сабаб,  
Йўқ эрса, тириклик гумондур, гумон.

Манга суд<sup>15</sup> эрур суди ишқингға ми,  
Анинг ҳарна ғайри<sup>16</sup> зиёндур, зиён.

<sup>1</sup>Атфол — гўдаклар, еш болалар; ишқ атфол — еш ошниклар.  
<sup>2</sup>Захм — яра, жароҳат; кўнгул гашлиги. <sup>3</sup>Новак — камоннинг ўқи, киприк.  
<sup>4</sup>Сайд — ов, шикор, ов қилиш; ўлжа. <sup>5</sup>Сайёд — овчи. <sup>6</sup>Муддаий — даъвогар, даъво қилувчи, рақиб. <sup>7</sup>Мунқод — буйин эғувчи, буйсунувчи, итеат эғувчи. <sup>8</sup>Бу ўринда «Мунис» сўзи ҳам шоир таҳаллусини, ҳам дўст, улфатларга муурожаатни англатаётир. <sup>9</sup>Муршид — тўғри йўлга солувчи, йўл кўрсатувчи; сўфиликда — пир, эшон. <sup>10</sup>Шойиста — мувофиқ, муносиб, дойик, мақбул, маъқул. <sup>11</sup>Иршод — тўғри йўл кўрсатиш. <sup>12</sup>Узор — юз, бет; чакка; газалда ялоҳий гўзаллик. Аллоҳ жамоли васф этилган. <sup>13</sup>Нур — ялоҳий ёруғлик, ҳақиқат нури. <sup>14</sup>Зикр — сўзлаш, тилга олиш, баён этиш. <sup>15</sup>Суд — фойда, баҳра, нафъ. <sup>16</sup>Ғайр — ўзга, бошқа, бегона, ёт.

Эрусен гаҳи кӯз, гаҳи жон аро,  
Сента бу ики ер макондур, макон.

Нечук ел эрур охи сардим<sup>1</sup> менинг,  
Жаҳон боғи андин хазондур, хазон.

Жигар бирла кўнглум қилиб қон ғаминг,  
Ики кӯз йўлидин равондур, равон<sup>2</sup>.

Улус келса мендин фиғонга, нетонг,  
Ишим кеча-кундуз фиғондур, фиғон.

Нетонг чикмаса Мунис ул кўйдин,  
Ки, ул анда ғамдин омондур, омон.

#### (КИШВАРИ МЕҲНАТ ШАҲИМЕН)

Ашк хун<sup>3</sup>, рухсор зарду<sup>4</sup> дил ҳазин<sup>5</sup>, толеъ қаро,  
Дард гуногун<sup>6</sup>, фалак дун<sup>7</sup>, аҳли даврон бевафо.

Жон ғамин<sup>8</sup>, котир мушавваш<sup>9</sup>, ақл мафқудул — асар<sup>10</sup>,  
Ҳажр қотил, ёр ғофил, ишқ ғолиб борҳо.

Заҳм муҳлик<sup>11</sup>, тирӣ ғам паррон<sup>12</sup> эрур, ромӣ<sup>13</sup> фалак,  
Заъф муставли<sup>14</sup>, бадан мажрух<sup>15</sup> эрур, марҳам фано.

Дўст бепарво, кўнгул ошуфтаву<sup>16</sup> душман қавий<sup>17</sup>,  
Муддаий кўп, таъна бисёру жафокор ошно.

Ҳам ҳаво бордур самуми<sup>18</sup> оху ҳам ҳар сўз ашк,  
Мазраъ<sup>19</sup> офат, шоҳи наҳли<sup>20</sup> умр бенашъу намо.

Ёр ҳамсӯхбатлигидин токи айрилдим, эрур  
Ҳамдамим ранжу ано, ҳамроз ғам, маҳрам бало.

<sup>1</sup>Охи сард — совуқ ох, совуқ нафас. <sup>2</sup>Равон — юрғин, борувчи, кетувчи; оқувчи. <sup>3</sup>Ашк хун — кўз ёшим қон. <sup>4</sup>Зард — сариқ. <sup>5</sup>Ҳазин — қайғули, муңли, ғамгин, ҳасратли. <sup>6</sup>Гуногун — рағб-баранг, қилма-қил. <sup>7</sup>Дун — наст, ризил, покас. <sup>8</sup>Ғамин — ғамгин. <sup>9</sup>Мушавваш — ташвишчи, босаранжом, паршон. <sup>10</sup>Мафқудул асар — асари, ити йўқолган. <sup>11</sup>Муҳ — ҳалокатли. <sup>12</sup>Паррон — учувчи. <sup>13</sup>Ромӣ — отувчи; ҳаркатидаги аскар; найза. <sup>14</sup>Муставли — найза ли. <sup>15</sup>Мажрух — ёрилган. <sup>16</sup>Мажрух — жароҳатли. <sup>17</sup>Ошуфта паршон, тарқоқ, тўзғинчи. <sup>18</sup>Қавий — қувватли, кучли. <sup>19</sup>Самум — иссиқ ва захарли шамол. <sup>20</sup>Мазраъ — экинзор. <sup>21</sup>Наҳл — шохад, дарахт.

Кишварӣ меҳнат шаҳименким, манга бордур мудом,  
Бошга сочқан хок тожу тахт-эски бўрѐ.

Масканим хоки мазаллат<sup>1</sup>, бистарим хори тааб<sup>2</sup>,  
Тўбмам<sup>3</sup> андуҳи надомат, ишратим тутмоқ азо.

Мажлисим қайғу, майим хуни жигар, жомим фироқ,  
Лекин, эй Мунис, бу ҳангом<sup>4</sup> ичрадур соқий қазо<sup>5</sup>.

(ЕРНИ КҶРДУМ ҚИЗИЛ ТҶНИ БИЛА...)

Ерни кўрдум қизил тўни била агѐр аро,  
Ўйлаким, очғай юзин гул зеб бирла хор аро.

Лаҳза-лаҳза ѐғдуруб санги бало бошимга рашқ,  
Қолмади жон бирла кўнглум бу тани афғор<sup>6</sup> аро.

Ишқи ичра дарди ишқ андоқ заиф этмиш, мени,  
Кўрсалар, ўлмиш доғайлар бир неча бемор аро.

Айш этар эрди кўнгул рухсори бирла, қилди банд  
Шаҳнайи<sup>7</sup> шавқи тутуб ул зулфи анбарбор<sup>8</sup> аро.

Мумкин эрмасдур кутулмоқ инсу жонга ўлмайин,  
Тиф чекмиш икки жаллод ул икки хунхор аро.

Даҳри дун ичра фалакнинг ҳодисотадин агар,  
Эйки, амн истар эсанг, кир кўлбайи хаммор<sup>9</sup> аро.

Бергали Мунис кўнгул ул зулфу қадга истамас  
Сарв ила сунбул<sup>10</sup> тамошосини бу гулзор аро.

(ДҶСТ)

Гарчи авваллар ниѐзимни<sup>11</sup> кўруб ноз этти дўст,  
Лек ҳоло дўстлуғ ойинини соз этти дўст.

<sup>1</sup>Мазаллат — хорлик. <sup>2</sup>Тааб — машаққат, қийинчилик. <sup>3</sup>Тўбма — озиқ, таом, лужма, бир ошам овқат, см. <sup>4</sup>Ҳангом — чор, пайт, гадиёт пайт. <sup>5</sup>Қазо — ўлим. <sup>6</sup>Афғор — араланган, жароҳатланган, мажруҳ; ўрганган. <sup>7</sup>Шаҳна — кўриқчи, соячи, посбон (қундузги). <sup>8</sup>Анбарбор — анбар иси (хунбўйлик) селувчи, тим қора ва муаттар. <sup>9</sup>Кўлбайи хаммор — май дўқони, май сопиладиган дўқон (уй). <sup>10</sup>Сунбул — бир турли хунбўй қора рангли ўсимлик; севгилининг сочи. <sup>11</sup>Ниѐз — ёлвориш, ўтимиш, уямд; эҳтиѐж, муҳтожлик.

Ҳажр сатҳосида зору бекас эрдим, шукрким,  
Рахши<sup>1</sup> алтофин<sup>2</sup> менинг сори субукбор<sup>3</sup> этти дўст.

Ўлтуруб ёнимда юз турлук навозишлар қилиб,  
Дўстлар ичра мени бу навъ мумтоз этти дўст.

Илтифоти жомидин масти шароби васл этиб,  
Душмани бадхоҳлар ичра сарафроз<sup>4</sup> этти дўст.

Занги ғамдин тийра бўлмиш табънинг ойинаси,  
Сайқали лутфидин ул кўзгуга пардоз этти дўст.

Чун менинг сайд ўлмоғим майлини мафхум<sup>5</sup> айлади,  
Ғамзасин кирпичларидин новакандоз<sup>6</sup> этти дўст.

Хулқи хуш бирла мени ҳам дўст тутса, йўқ ажаб,  
Чун ўзиға Мунисин ул шўхи танноз этти дўст.

(ВАСЛИҒА ЖОНБОЗ ЭТТИ ДЎСТ)

Муждаким<sup>7</sup>, Меҳру вафо расмини оғоз<sup>8</sup> этти дўст,  
Ўзгача дилдорлиғ оҳангини соз этти дўст.

Поймоли ғам бўлуб қолмиш эдим кулфат аро,  
Ноғихон келди-ю гардимни фалактоз<sup>9</sup> этти дўст.

Этти сарвақтимға-ю<sup>10</sup> бошим уза қўйди қадам,  
Бу июнатлар<sup>11</sup> била охир сарафроз этти дўст.

Мен тушуб тупроқ уза ўптим кафи пойин<sup>12</sup> онинг,  
Кўтариб бошим, навозиш<sup>13</sup> айлаб, эъзоз<sup>14</sup> этти дўст.

Гарчи душманкомлиғлар кўргузуб, хор айлади,  
Оқибат, айлаб муҳаббат зоҳир, эъзоз этти дўст.

<sup>1</sup>Рахш — жуда югурик от; олачипор, чиройли от. <sup>2</sup>Алтоф — лутфлар, марҳаматлар, юмшоқликлар, яхшиликлар. <sup>3</sup>Субукбор — юки енгил, енгил, чакқон. <sup>4</sup>Сарафроз — юксак, юксалган, ҳаммадан уқтун; улугвор; хурсанд, қувноқ. <sup>5</sup>Мафхум — фахланган, тушунилган маъно, мазмун. <sup>6</sup>Новакандоз — ўк отувчи, мерган. <sup>7</sup>Мужда — хушхабар, суюнчи, хабар. <sup>8</sup>Оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо. <sup>9</sup>Фалактоз — фалакка чопувчи, кўкка кўтарилувчи. <sup>10</sup>Сарвақт — йўқлов, йўқлаб келиш, кўришга келиш. <sup>11</sup>Июнат — меҳрибончилик, марҳамат, ёрдам, илтифот, бағишлаш. <sup>12</sup>Кафи пой — оёқ қафти. <sup>13</sup>Навозиш — яхшилик қилиш, сийлаш, марҳамат, меҳрибончилик, эркалаш. <sup>14</sup>Эъзоз — азизлаш, қадрлаш, хурмат.

• Охи сардимдин киш ўлмиш эрди ҳажрим тунлари,  
Юз кўёшидин туним кундуз, кишим ёз этти дўст.

Изтиробим эрди кўпдин-кўп, қарорим оздин-оз,  
Илтифоти бирла озим кўп, кўпим оз этти дўст.

Оллида жоним фидо қилдим кўруб алтофини,  
Шукрим, Мунис, мени васъига жонбоз этти дўст.

### (ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛМИШ)

Чаманлар сайрига келгилки, фасли навбаҳор ўлмиш,  
Риёзи<sup>1</sup> хулд<sup>2</sup> янглиғ тоғу саҳро лозор ўлмиш.

Май ичган хўблар руҳсоридин гуллар очиб олам,  
Ўланг<sup>3</sup> сувлар лабида ул сифатким, хатти ёр ўлмиш.

Паривашлар киби гуллар қилиб гулшан аро жилва,  
Алар шавқида булбул ун чекиб девонавор ўлмиш.

Муносиб эрмас уйда айламак оромким, фирдавс  
Назоҳат<sup>4</sup> важҳида<sup>5</sup> саҳро юзидин шармсор ўлмиш.

Тамошо қилки, ошиқлар кўзи янглиғ булут ҳар ён  
Аёқиға хиромон сарвларнинг дурнисор<sup>6</sup> ўлмиш.

Ҳаво Исқ дамидек руҳпарвар<sup>7</sup>, гул нишотафзо<sup>8</sup>,  
Хушо<sup>9</sup> улким, чу Мунис гашт<sup>10</sup> этардин комкор<sup>11</sup> ўлмиш.

### МУСТАЗОД

Ишқинг ўтидин ўртанадур жони низорим<sup>12</sup>,  
ул навъки, машъал,  
Хокистар<sup>13</sup> ўлуб елга борур гарди губорим,  
жисмим бўлубон ҳал<sup>14</sup>.

<sup>1</sup>Риёз — боғ. <sup>2</sup>Хулд — абадийлик, доимийлик, жаннат. <sup>3</sup>Ўланг — ўлан, ўт, гиёҳ. <sup>4</sup>Назоҳат — тозалик, софлик. <sup>5</sup>Важҳу — юз, бет, чеҳра; ваҳ; сабаб, баҳона, йўл. <sup>6</sup>Дурнисор — дур сочувчи. <sup>7</sup>Руҳпарвар — руҳлангирувчи, парваршиловчи; ёқимля. <sup>8</sup>Нишотафзо — хурсандлик, хуш кайфият, роҳат пайдо қилувчи. <sup>9</sup>Хушо — қандай яқини. <sup>10</sup>Гашт — айланки, кезиш, сайр этиш. <sup>11</sup>Комкор — бахтли, қудратли; бахраманд. <sup>12</sup>Низор — буш, возик, ориқ, озғин. <sup>13</sup>Хокистар — кул. <sup>14</sup>Ҳал — аралаш, эзилган, туйилган.



Бошингдин агар эврүлүбон<sup>1</sup> үпса аёкинг,  
 кўнглумга ажаб йўк,  
 Бу мартабага еткурадур они нигорим,  
 гесуйи мусалсал<sup>2</sup>.  
 Дард аҳди чекар ҳар неча ожизроқ ўдуб ох,  
 таъсири фузундур<sup>3</sup>,  
 Соғинма агар паст эса нолаву зорим,  
 зинҳорки, асҳал<sup>4</sup>.  
 Эй шўх, мени солма иноят назаридин,  
 ҳар ҳол ила бўлсам,  
 Сен-сен менинг уммидиму мақсудиму ёрим,  
 ҳам сўнгра, ҳам аввал.  
 Лаълинг майи бирла мени саршори<sup>5</sup> ҳаёт эт,  
 ҳайвон суйи<sup>6</sup> янглиғ  
 Ким, жонима қасд айлабон андуҳи хуморим,  
 қилди мени маҳтал.  
 Луълуйи хушоб<sup>7</sup> ўлди тишинг васфини қилғоч,  
 ҳар нуктаки сурдум,  
 Ҳай-ҳай, на бало яхши хаёл ўлди шибрим,  
 ҳар фикрдин афзал.  
 Ҳар ён югуруб дашт уза саргашталиқ этсам,  
 манъ айлама зинҳор,  
 Ким, келди ғаминг олғали орому қарорим,  
 бир ояти мунзал<sup>8</sup>.  
 Эрдим гули васлинг била шод ўйлаки булбул,  
 ҳажр айлади маҳзун,  
 Эй вой, хазон мавсимига фасли баҳорим,  
 чарх этти мубаддал<sup>9</sup>  
 Не ўт эди хуснингдаки, кул бўлди саросар,  
 бўлгон анга нозир,  
 Қайси кўнгул эркан анга, эй шўлаузорим<sup>10</sup>  
 бўлғуси сиҳанжал?<sup>11</sup>

<sup>1</sup>Эврүлүбон — айланмоқ, ўтирилмоқ, ўргүлмоқ. <sup>2</sup>Гесуйи мусалсал — қалқасимон, занжирсимон, жингалак соч. <sup>3</sup>Фузун — ортиқ, зиёда, кўп.  
<sup>4</sup>Асҳал — энг осон, қулай. <sup>5</sup>Саршор — лиммо-лим, бошдан ошиб тўқул-  
 ўдай. <sup>6</sup>Ҳайвон суйи — тириклик сўви (афсонавий сув). <sup>7</sup>Луълуйи ху-  
 шоб — луълу — марварид, гавҳар; луълуйи хушоб — тиник, порлоқ,  
 гоза гавҳару марварид; жилоланувчи, товланувчи марвариду гавҳар. Ма-  
 қоза, жилваланувчи оппоқ тиш. <sup>8</sup>Мунзал — индирилган, юкоридан  
 гиширилган. <sup>9</sup>Мубаддал — алмашинган, ўзгартирилган, айирбошланган.  
<sup>10</sup>Шўлаузор — шўлавор юз, нурли, мунаввар чеҳра, порлоқ жамол.  
<sup>11</sup>Сиҳанжал — ойна, кўзгу.

Беҳудадурур сарзаниш<sup>1</sup> этмак менга Мунис,  
расволиғ ишидин,  
Одоби муҳаббатда агар кетмаса орим,  
бўлғаймуман акмал<sup>2</sup>?

## МУХАММАСЛАР

### НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ширинсухан лайливашим вақтеки қоҳир<sup>3</sup> бўлғуси,  
Тиғи сиёсат тортибон қатлимға ҳозир бўлғуси,  
Тан чирқидин жоним менинг ул лаҳза тоҳир<sup>4</sup> бўлғуси,  
Ишк аҳли гўристонда қабрим чу зоҳир бўлғуси,  
Фарҳод онинг тошин йўнуб. Мажнун мужовир<sup>5</sup> бўлғуси.

Фаттон<sup>6</sup> кўзунг мардумлари<sup>7</sup> хунхора икки жодудур<sup>8</sup>,  
Меҳри жамолинг оллида хуршеди раҳшон<sup>9</sup> кўзгудур,  
Қилсам анга наззорае<sup>10</sup>, мен зорға бу қайғудур,  
Дерсен юзум сори кўзунг кўп боқмасун, гар юз будур,  
Ул меҳр<sup>11</sup> тобидин эриб оқғунча нозир<sup>12</sup> бўлғуси.

Кофир кўзунгнинг хизматин ихлос ила қилмиш ажал,  
Ханжар мижангдин айлабон эл бағрини тилмиш ажал,  
Қотиллиғингни, эй пари пайкар, магар биямиш ажал,  
Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,  
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси.

То ғайр ила мажлис тутуб майл этти ул маҳ жомға<sup>13</sup>,  
Ҳар кеча оҳим ўт солур гардуни нофаржомға<sup>14</sup>,  
Ҳамкешлик қилмай даме мен зори беоромға,  
Ул ғамза куфридин кўнгул навъе келур исломға  
Қим, тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлғуси.

Бордур манга золим ики: гардун бири, дилбар бири,  
Ашқим била оҳим эрур Жайхун<sup>15</sup> бири, сарсар<sup>16</sup> бири,

<sup>1</sup>Сарзаниш — койиш, сазо берил; танбех; ҳақорат. <sup>2</sup>Акмал — энг мукаммал, энг етук. <sup>3</sup>Қоҳир — қаҳр-ғазаб кўрсатувчи, қаҳрланган. <sup>4</sup>Тоҳир — пок. <sup>5</sup>Мужовир — Маккада ёки бирор мазорда турғун бўлувчи. <sup>6</sup>Фаттон — фитнагар, мафтункор, жозибали. <sup>7</sup>Мардум — кўз қорачиги. <sup>8</sup>Жоду — сеҳр, авраш. <sup>9</sup>Хуршеди раҳшон — порлоқ кўш. <sup>10</sup>Наззора — қараш, назар ташлаш, кўз солиш; томоша. <sup>11</sup>Меҳр — кўш, офтоб. <sup>12</sup>Нозир — назорат қилувчи, қаровчи, кўз солувчи. <sup>13</sup>Жом — қадах, май шёласи. <sup>14</sup>Гардуни нофаржом — оқибатсиз, бевафо, нотугал фалак. <sup>15</sup>Жайхун — Амударёнинг қадимги номи. <sup>16</sup>Сарсар — совуқ, кучли ва қаттиқ шамол.

Бехад гамим бор, ўлса сабт<sup>1</sup>, ўлғуси минг дафтар бири,  
Кўнглумдоғи ҳар нешдин гар бўлса бир тил ҳар бири,  
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир<sup>2</sup> бўлғуси.

Дилдор васлин истасанг, ўздин аносир<sup>3</sup> дафъин эт,  
Бору йўқинг таркин тутуб, пинҳону зоҳир дафъин эт,  
Ҳар ишки мақсад нурига бўлғуси сотир<sup>4</sup> дафъин эт,  
Хотирни жамъ истар эсанг, аввал хавотир дафъин эт,  
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлғуси.

Хусн ичра • л айлаб санга Канъон шаҳи ташбеҳини,  
Кўнглум қилиб рухсоринга гардун маҳи ташбеҳини,  
Кўнунга Мунис равзанинг айлаб гаҳи ташбеҳини,  
Қилди Навоий қаддинга сарви сиҳи<sup>5</sup> ташбеҳини,  
Бу таъби номавзун<sup>6</sup> ила бечора шоир бўлғуси.

#### ФУЗУЛИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Фалак шабгун<sup>7</sup> кўнгул дудин намоён этдигумдандур,  
Замиң гулзор қон ёшим гулафшон<sup>8</sup> этдигумдандур,  
Жаҳонда шўри расволиғ фаровон этдигумдандур,  
Паришон халқи олам оҳу афгон этдигумдандур,  
Паришон ўлдуғум<sup>9</sup> халқи паришон этдигумдандур<sup>10</sup>.

Сарон<sup>11</sup> акли худройим<sup>12</sup> гирифтөри<sup>13</sup> жунун ўлмоғ,  
Дамодам<sup>14</sup> чашми гирёним сиришкки<sup>15</sup> лолагун ўлмоғ,  
Дили маҳзуним андуҳ ичра ҳар соат забун<sup>16</sup> ўлмоғ,  
Тани зоримда дарди ишқ кун-кундин фузун<sup>17</sup> ўлмоғ,  
Тани бедарда тадбир ила дармон этдигумдандур.

Етуб гар ҳолате ошиқ дўғар<sup>18</sup> ёш ё эдар<sup>19</sup> нола,  
Сабаб таъсири файзи маъшуқ ўла ул ҳола,

<sup>1</sup>Сабт ўлмоқ — ёзълмоқ, қайд этилмоқ. <sup>2</sup>Қосир — қусурли, қисқа, қалта, қучсиз, ожиз. <sup>3</sup>Аносир — унсурлар (сув, ҳаво, тупроқ, ўт). <sup>4</sup>Сотир — беркитувчи, яширувчи. <sup>5</sup>Сарви сиҳи — хушқомат, гўзал сара. <sup>6</sup>Номавзун — келишмаган, иррашмаган. <sup>7</sup>Шабгун — тун рангида, қон-қора. <sup>8</sup>Гулафшон — гул сочувчи. Бу ерда лирик қаҳрамоннинг қонли кўз ёшлари гулбаргдек сочылгани назарда тутилган. <sup>9</sup>Ўлдуғум — бўлганим. <sup>10</sup>Этдигумдандур — этганимдандур, қилганимдандур. <sup>11</sup>Сарон — бошдан-оёқ. <sup>12</sup>Худрой — ўжар, кайсар, ўзбошимча. <sup>13</sup>Гирифтөр — йўлиққан, учраган, асир бўлган, банд бўлган. <sup>14</sup>Дамодам — дам-бадам, узлуксиз, кетма-кет. <sup>15</sup>Сиришк — кўз ёши. <sup>16</sup>Забун — ожиз, нотавон, бечора, қучсиз; мағлуб, енгилган. <sup>17</sup>Фузун — ортақ, зиёда, кўп. <sup>18</sup>Дўғар — тўқар. <sup>19</sup>Эдар — этар.

Эшит бурқоними<sup>1</sup> тасдиқинг ўлмазса бу ақвола<sup>2</sup>  
Кўзимкинг бағриминг қонин дўкар паргола-паргола<sup>3</sup>,  
Дамодам орзуи лаъли жонон этдигумдандур.

Хачан<sup>4</sup> афсус эдардим сирримни пўшида<sup>5</sup> қилсайдим,  
Хачан ҳасрат чекардим зоҳиран гул-гул очилсайдим,  
Хачан заҳмат кўрардим даъвати орома келсайдим,  
Хачан расво ўлурдим қон ютуб сабр эда билсайдим;  
Маломат чекдигим беҳуда афғон этдигумдандур.

Жунун водийларига Хиёри узлат<sup>6</sup> гўстара<sup>7</sup> оҳим,  
На ҳамроҳим ўлуб Мунис киби ҳамрозу дилхоҳим,  
На бир одам кўруб ашким, эшитур нолаву оҳим,  
Фузулий, ихтилот<sup>8</sup> мардуми оламдин икроҳим<sup>9</sup>,  
Паривашлар хаёлин муниси жон этдигумдандир.

## РУБОЙЛАР

Мунис, талаб эт камол — эурсен чу йигит  
Ким, яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.  
Ўқ қилгон ишин ё<sup>10</sup> қила билмас ҳаргиз,  
Қарилар ила баробар ўлгайму йигит.

Шоҳо, фуқароки<sup>11</sup> муниси<sup>12</sup> гамдурлар  
Бедордилу<sup>13</sup> кўзлари пурнамдурлар<sup>14</sup>,  
Зинҳор аларни қилмағил озурда<sup>15</sup>,  
Оташдаму<sup>16</sup> барҳамзани<sup>17</sup> оламдурлар.

Ҳар кимки эрур сифлаву<sup>18</sup> хиссатпарвар<sup>19</sup>,  
Бўлма анга дўст, жонини ҳам берса агар.  
Охир сени онинг била қилмай қўймас  
Бир қун душман муҳаббати сийму зар<sup>20</sup>.

<sup>1</sup>Бурқон — далил, қўжжат, гувоҳ, дастак. <sup>2</sup>Ақвол — сўзлар. <sup>3</sup>Паргола — парча-парча, бўлак; титилган, юмдаланган. <sup>4</sup>Хачан — қачон. <sup>5</sup>Пўшида — махфий, яширин, бекик. <sup>6</sup>Узлат — бир тарафга чекинаш, кишилардан чеклашнинг. <sup>7</sup>Гўстара — ёвузи, таратувчи. <sup>8</sup>Ихтилот — аралаштириш, қўшилиш, берди-келди қилиш. <sup>9</sup>Икроҳ — жирканиш, қуноқ ҳисоблаш; истаганидан, ёмон кўрилган ишнинг мажбуран бажариш ёки бажартариш. <sup>10</sup>Ё — ёй, камон. <sup>11</sup>Фуқаро — фақирлар, камбағаллар, оддий халқ. <sup>12</sup>Мунис — дўст, уфат, ҳамдам. <sup>13</sup>Бедордил — қалби, шуурни уйғок. <sup>14</sup>Пурнам — кўзлари ёшга тўлиқ. <sup>15</sup>Оzurда — озор чеккан, ранжиган. <sup>16</sup>Оташдаму — оташнафас, нафаси оташга ўт тутинувчи. <sup>17</sup>Барҳамзан — йўқотувчи, осини дўстун қилувчи, нобуд қилувчи. <sup>18</sup>Сифла — наот, пасткам, хаёли. <sup>19</sup>Хиссатпарвар — ҳиссатпарва. <sup>20</sup>Сийму зар — қумушу олтин.

Сўз ичра Навойки жаҳонгирдурур,  
Муниста маоний йўлида пирдурур,  
Йўқ гайрият андин ўзгаким айтурлар:  
— Бу Шермухаммад, ул Алишердурур.

Мен зорга базмингиз аро жой беринг,  
Инъом ила жоми дилосой<sup>1</sup> беринг,  
Яъники, хуморимни ёзорга ҳар дам,  
Лутфе қилибон коса тўла чой беринг.

Эй дўст тани зорим аро жоним эдинг,  
Иқлими муҳаббат уза султоним эдинг.  
Хуш келдингу жонимда нишиман<sup>2</sup> қилдинг,  
Хуш борки, баса азиз меҳмоним эдинг.

Раҳм этмади ул кофири худрой, нетай,  
Ҳошимга даме қилмади парвой, нетай,  
Ўлдурди мени қаҳр ила, қилмади лутф,  
Эй вой, нетай, вой нетай; вой нетай?!<sup>3</sup>

Даври фалак этти ишқ аро зор мени,  
Даврон эли таънаси дилафгор<sup>3</sup> мени,  
Мазлумга марҳамат агар эрса савоб,  
Машмули<sup>4</sup> иноёт қил, эй ёр, мени.

## Т У Ю Қ Л А Р

Раҳши ҳиммат мён тутуб маҳкам ёлин<sup>5</sup>,  
Ёр изидин ет, карам қил, деб ёлин,  
Йўқу боримни ёкиб кул айлади,  
Ишқ ўтидин кўкка чирмошгон ёлин.

Мунисо, тўкмай йигирма етти ёш<sup>6</sup>,  
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш,  
Ёш киби машғуллик қилмоқ недур,  
Ҳар қачонким суҳбатингга етти ёш.

<sup>1</sup> Дилосой — кўнғил овловчи. <sup>2</sup> Нишиман — ўлтирмак, ўрнашмоқ. <sup>3</sup> Дилафгор — дили хаста, дили вайрон. <sup>4</sup> Машмул — ҳар томондан ихоталанган, қамралган. <sup>5</sup> Ёлин — 1) отининг ёли; 2) ялдиним; 3) ёлқин, олов. <sup>6</sup> Ёш — 1) сўз ёш доғалари; 2) йил, умр босқичлари; 3) ёш бола.



## Жаҳон отин Увайсий

(XVIII асрнинг 80-йил-  
ларида туғилиб, 65 ёш-  
ларида вафот этган)

### ҲАЗАЛЛАР

(УВАЙСИЙМАН)

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим<sup>1</sup> бу оламини, топмадим вафо аҳлини,  
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсийман.

Уз дилинг тааллуқдин<sup>2</sup>, банд қил худо сори,  
То дегил кеча-кундуз: «Мосиво<sup>3</sup> Увайсийман!»

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар<sup>4</sup>,  
Аرز то само<sup>5</sup> узра, можаро Увайсийман.

То кўриб хароботин<sup>6</sup> таъна этма, эй зоҳид,  
Бир нафас эмас холи иқтидо<sup>7</sup> Увайсийман.

*Истадим* — бу сўз «охоладим» эмас, «изладим» маъносида қўл-  
ланган. <sup>2</sup>*Тааллуқ* — (бу дунё ёхуд бирор кишига) алоқа, боғланиш,  
муносабат; тегишлилиқ; уйланиш ёки турмушга чийиш. <sup>3</sup>*Мосиво* — ...дан  
бошқа, ...дан ташқари қаби маъноларда келади. Бу ўринда «мосиво» сўзи  
шонранинг дунё ташвишлари, манфаатлари, бойликларидан батамом воз  
кечиб, ёлғиз Алаох билан бирга бўлиш кайфиятини ифодалаган. <sup>4</sup>*Каво-  
киб* — кундузлар. <sup>5</sup>*Аرز то само* — ердан осмонгача. <sup>6</sup>*Харобот* — вайрона-  
жой; майхона (рамзий); сўфийлар маскани. <sup>7</sup>*Иқтидо* — эргашини, издон-  
лик, тақвон, эътиқод. Бу ерда Увайсийнинг сўфийлик, тасаввуф маслағига  
эрганигани аниқлашлади.

Фақр боргоҳига<sup>1</sup> кўйса гар қадам ҳар ким,  
Бош агар керак бўлса, жонфидо Увайсийман.

Вайсий бериёзат<sup>2</sup> деб сахл<sup>3</sup> тутма, эй ориф,  
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

(КўНГУЛ ДОҒ ЁЛДИ...)

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,  
Бу кўтоҳфаҳм<sup>4</sup> мардумдин<sup>5</sup> кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Бу гулзори фано<sup>6</sup> ичра маҳали беҳалал<sup>7</sup> йўқтур,  
Ҳамеша захми хородин<sup>8</sup> кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ оғаҳ,  
Қабихуфтор<sup>9</sup> мардумдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ёлмас,  
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Турубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найларман,  
Очилмай гулсифат ушбу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Сўзимдин хотиринг узра гумоне ўзга еткурма  
Ки, изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Мени расвои оламдин мабодо эътироз этма,  
Тақаллум<sup>10</sup> бирла шод айла, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгулни оташин бежо<sup>11</sup> қилибдур нутқи гуфтори,  
Қаю боғ андалибидин<sup>12</sup> кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

<sup>1</sup>Боргоҳ — фақир сўфийлар манзилгоҳи. <sup>2</sup>Бериёзат — машаққатсиз, қийноқсиз, азобсиз. <sup>3</sup>Саҳл — енгил, осон. <sup>4</sup>Кўтоҳфаҳм — ўзоқни ўйла-майдиған, қалтабин, қалтафаҳм, тушунчаси тор. <sup>5</sup>Мардум — халқ. <sup>6</sup>Гулзори фано — вақтинчалик, омонат, ўткинчи, ёлғончи дунё назарда тутилади. <sup>7</sup>Беҳалал — ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бермайдиган, хотир-жам, беозор, осойишта. <sup>8</sup>Заҳми хоро — рағзий маънодаги таттиқ дош етказган жароҳат. <sup>9</sup>Қабихуфтор — ёлғуз сўзли, заҳар тилли. <sup>10</sup>Тақаллум — сўзлаш, яхши муомалала бўлиш. <sup>11</sup>Бежо — жуза, ҳаддан ташқир. <sup>12</sup>Ан-далиб — булбул.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлик<sup>1</sup> бирла,  
Маяоли хотир ўлрайму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,  
Умархон зуфунунеким<sup>2</sup>, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

(СОҒИНДИМ)

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,  
Гадо бўлсам, не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,  
Вужудим дарда тўлди, ғамди дармонимни соғиндим.

Тилимининг зикрию кўнглимни фикри, яхши фарзандим,  
Азизим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.

Кеча-кундуз йўлига мунтазирдурман, тикарман кўз,  
Келиб қолим сўрубон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади тангрим, иложин топмағай келса,  
Онам деб бўлғуси бағри қизил, қонимни соғиндим.

Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,  
Кўзу кўнгулм зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.

Мени бекас<sup>3</sup> Увайсий йиғлағайман рўзу шаб<sup>4</sup> тинмай,  
Уйимнинг зийнати, кўз равқани, хонимни соғиндим.

(ҚАБУЛ ЭТКИЛ)

Келибман дарғаҳингга, шоҳи хўбоним<sup>5</sup>, қабул эткил,  
Бағир қоним била бул чашми гирёним қабул эткил.

Умид айлаб талаб олмасқа кирдим роҳи<sup>6</sup> покингга,  
Йўлингга айлаган фарёду афроним қабул эткил.

<sup>1</sup>Густоҳлик — адабсизлик, андишасизлик, ғибосизлик, тортинмаслик.  
<sup>2</sup>Зуфунун — кўп хунарлар эгаси, турли фанларни билувчи олим. <sup>3</sup>Бекас — кимсасиз. <sup>4</sup>Рўзу шаб — кечаю кундуз. <sup>5</sup>Шоҳи хўбон — яқинлар шоҳи, яқинлар яхшиси. <sup>6</sup>Роҳ — йўл, масдак.



Тушубдур бошима савдойи ишқинг, эй шаҳаншоҳим,  
Алам бозорида бул дарди пинҳоним қабул эткил.

Утубдур гавҳари ноёби умрим токи гафлатда,  
Тазарруъ зор илан қилғон пушаймоним қабул эткил.

Тегибдур новакингдин неча ўқ жисмим аро пинҳон,  
Шаҳиди ишқ ўлмоққа оқан қоним қабул эткил.

Увайсий гарчи ноқобил, келибдур остонингга,  
Фигону охи сўзонини, султоним, қабул эткил.

#### (ЧИҚИБ ИШҚ ЎТИ...)

Чиқиб ишқ ўти кўксим чокидин, бошимдин ошибдур,  
Куруқ шохеки, гўё ўз ичидин ўт тудошибдур.

Кўзинг жон лабга еткурди, лабинг жон кўшти жонимга,  
Бу икки дўстлар ул жони маҳзуним талошибдур.

Азал кунда асар этганди сирри май кулоғимга,  
Бугун, вах, дил булоғи жўш урмоқликда тошибдур.

Висолинг орзуси шиддати ҳижронни йиқмоқда,  
Бу икки паҳлавон майдони дил узра курошибдур.

Увайсий, олма бошинг зикру фикри ёр ёдидин,  
Сулуки ишқ аро бе ёди ҳақ йўлдин одошибдур.

#### (МУНОСИБ)

Эй гул, жигарим қони узорингга<sup>2</sup> муносиб,  
Юз порали кўксум дағи<sup>3</sup> хорингга<sup>4</sup> муносиб.

Сарф айлама ҳар беҳабара лаъли ҳадисинг<sup>5</sup>,  
То қахру газаб ҳам мени зорингга муносиб.

Тун соғарида<sup>6</sup> шарбати бедорлиғ ичсанг,  
Мастоналиғ ул чашми<sup>7</sup> хуморингга муносиб.

---

<sup>1</sup>Новак — камон ўқи, киприк. <sup>2</sup>Узор — юз, чехра. <sup>3</sup>Дағи — тагин, яна. <sup>4</sup>Хор — тикан. <sup>5</sup>Лаъли ҳадис — сув гавҳарлари, сўз дурдоналари. <sup>6</sup>Соғар — қадах. <sup>7</sup>Чашм — сўз.

То килди муаттар<sup>1</sup> хати<sup>2</sup> райҳони сахаргоҳ<sup>3</sup>,  
Хушҳоллигим ҳусни баҳорингга муносиб.

Манъ этма тараҳҳум<sup>4</sup> этибон, ёр, йўлунгдин,  
Ашким<sup>5</sup> йўл аро манъи губорингга муносиб.

Дил манзарини пок этибон мунтазир ўлдум,  
Бўлгойму экин таъи гулзорингга муносиб?

Рашк оташини, Вайсий, бугун айла мукаррар<sup>6</sup>,  
Юз сен каби девона нигорингга<sup>7</sup> муносиб.

#### (КОКУЛИНГ)

Бўлмасайди то паришонлигда<sup>8</sup> зебо кокулинг,  
Қилмағайдим шона чоғида<sup>9</sup> тамошо кокулинг.

Ўрмасам эрдим олиб илгимга ул машшотни<sup>10</sup>,  
Қилмағай эрди мени оламга расво кокулинг.

Ё харидор ўлмасам эрдим жунун бозорида<sup>11</sup>,  
Солмағайди бошима юз рангли савдо кокулинг.

Ҳусни рухсоринг тўё<sup>12</sup> кўрган эдим кадр туни<sup>13</sup>,  
Қилмасайди юзларинг устида гавво кокулинг.

Қолмағайдим норасолар<sup>14</sup> таънайи пинҳониға,  
Этмасайди сиррими элга хувайдо<sup>15</sup> кокулинг.

Қўнмасайди моҳ<sup>16</sup> рухсорингга<sup>17</sup> кўнглумнинг куши,  
Тушмағайди тори то бўйнулумга ялдо<sup>18</sup> кокулинг.

Осмасайдинг жон олур вақтинда зулфунг дор этиб,  
Бўлмағайди мунча Вайсийга мужалло<sup>19</sup> кокулинг.

<sup>1</sup>Муаттар — гўзал ҳадди, хушбўй ҳидлар тарқатувчи. <sup>2</sup>Хат — гўзалнинг лаблари ҳамда чеҳраси атрофидаги назик туклар. <sup>3</sup>Сахаргоҳ — сахар вақти. <sup>4</sup>Тараҳҳум — раҳм-шафқат, ғамҳўрлик, марҳамат. <sup>5</sup>Ашк — кўз ёш. <sup>6</sup>Мукаррар — такрор, қайта-қайта, уст-устига. <sup>7</sup>Нигор — машуқ назарда тугилади. <sup>8</sup>Паришон — тарқоқ, сочилган, ёйилган. <sup>9</sup>Шона чоғи — тараш, тараниш вақти. <sup>10</sup>Машшот — тарок. <sup>11</sup>Жунун бозори — ишқ бозори. <sup>12</sup>Тўё — тўйиб, қояиб. <sup>13</sup>Кадр туни — Куръоннинг дастлабки оятлари Аллоҳдан Муҳаммад пайғамбарга тушган кеча. <sup>14</sup>Норасо — етилмаган, имон-этиқоди бут бўлмаганлар. <sup>15</sup>Хувайдо — аён, равшан. <sup>16</sup>Моҳ — ой. <sup>17</sup>Рухсор — чеҳра, жамол. <sup>18</sup>Ялдо — ялдо туни-қўшнинг энг қорини ва энг узун кечаси. <sup>19</sup>Мужалло — жилланган, ялтиратилган; ялтироқ, порлоқ; равшан.

## (МЕНДИН ҮРГАНДИ)

Ки булбул нола, афгон айламакни мендин ўрганди,  
Вужудин шамъи сўзон<sup>1</sup> айламакни мендик ўрганди.

Бориб саҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,  
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Шафақ хун<sup>2</sup> бўлғуси, дил, ёр меҳри<sup>3</sup> гар ниҳон бўлса,  
Само гулгуни<sup>4</sup> домон<sup>5</sup> айламакни<sup>6</sup> мендин ўрганди.

Кўруб абру<sup>7</sup> ҳилолинг<sup>7</sup>, жон фидо қилдим жамолингга,  
Ул ой ҳуснига қурбон айламакни мендин ўрганди.

Фигонким, гам тароғи хаста кўнгулуи реш-реш<sup>8</sup> этти,  
Санам зулфин паришон айламакни мендин ўрганди.

Сени изларман андоқким, қуёш дийдорин<sup>9</sup> изларда,  
Кезиб тун-кун, шитобон айламакни мендин ўрганди,

Қаноат қилди Вайсий, топти дилдин гавҳарни назмин:  
Садаф ҳам дурри галтон<sup>10</sup> айламакни мендин ўрганди.

## (ҚАЛБ МИРЪОТИГА КЎРГУЗ ДИЛ ЮЗИН)

Юурсан соҳиб<sup>11</sup> хуни жигардин<sup>12</sup> беҳабар-токай<sup>13</sup>?  
Мағас<sup>14</sup> аҳводига раҳм айламай, эй шери нар<sup>15</sup>, токай?

Тааллуқ<sup>16</sup> бодасин тожи азиз бошиниға йўл топти,  
Хирад<sup>17</sup> тарёкин ол коминиға<sup>18</sup>, ваҳким, дарди сар<sup>19</sup> токай?

Кишиким, аҳли дилдур, дўстлиғ даврига кўз очса,  
Йироқ аҳли яқинлиғда эрурлар мўътабар токай?

<sup>1</sup>Шамъи сўзон — ёнувчи шамъ. <sup>2</sup>Хун — қон рангида. <sup>3</sup>Меҳр — меҳрибонлик; қуёш; офтобдай жамол. <sup>4</sup>Гулгун — қизил гул ранги. <sup>5</sup>Домон — этак. <sup>6</sup>Само гулгуни домон айламаги — осмон этагини қизил гул рангига бўяши, яъни уфқ кизариши. <sup>7</sup>Абру ҳилол — янги чиққан ой шаклидаги қош. <sup>8</sup>Реш-реш — бу ерда: чок-чок маъносига. <sup>9</sup>Дийдорин — маҳбуби мутлақнинг дийдорини. <sup>10</sup>Дурри галтон — йирик думалоқ дур. <sup>11</sup>Соҳиб — эга. <sup>12</sup>Хуни жигар — жигар қони. <sup>13</sup>Токай — қачонгача. <sup>14</sup>Мағас — қивин, пашша. <sup>15</sup>Шери нар — эркак шер. <sup>16</sup>Тааллуқ — алоқа, боғланиш, муносабат; тегишлилик; уйланиш. <sup>17</sup>Хирад — ақл, фикр; зеҳн, ҳуш. <sup>18</sup>Ком — тилак, истак, мақсад; баҳра, баҳра олиш; танглай, оғиз. <sup>19</sup>Дарди сар — бош оғриғи.

Билурму аҳли ғафлат кавкаби бедор иниб дер,  
Кечалар тортган оҳимдин фалак узра шарар<sup>1</sup> токай?

Қаноатда садаф батнида<sup>2</sup> дурдин беҳабардурлар,  
Чўмуб ғаввос сочгай санги диллардин гуҳар, токай?

Увайсий, қалб миръотиға кўргуз дил юзин, эй шўҳ,  
Қилурсан бу жаҳоннинг нек<sup>3</sup> номидин ҳазар токай?

### (ЧИСТОН)

Ул на гумбаздур: эшиги, туйнуғидин йўқ нишон,  
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.  
Синдуруб гумбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,  
Юзларида парда тортиғлик, турарлар бағри қон.

---

<sup>1</sup>Шарар — учкун, аланга, ёлқин. <sup>2</sup>Садаф батни — садафнинг ичи (корни). Садаф ўз ичида дурни сақлайди. <sup>3</sup>Нек — яхши, эзгу.

## Нодира

(1792—1842 йилларда  
яшаб ижод этган)



### ҒАЗАЛЛАР

(ВАСЛ УЙИН ОБОД ҚИЛДИМ...)

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,  
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

Қилди чоки пирохон<sup>1</sup> доғи дилимни ошкор,  
Қолмади кўнглимда захми ишқ пинҳон оқибат.

Аҳду паймонлар қилиб эрди, вафо қилғум дебон,  
Айлади тарки вафо ул аҳди ялғон оқибат.

Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин<sup>2</sup>,  
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,  
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат.

Баски, қон бўлди юрогим гавҳари ашқ ўрнига,  
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат.

Оҳким, бўлди яна субҳи нишотим шоми ғам,  
Чехра пинҳон этти ул хуршиди тобон оқибат.

<sup>1</sup>Пирохон — кўйлак. <sup>2</sup>Доман — этак.

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,  
Поймоли хайли мўр<sup>1</sup> ўлди Сулаймон оқибат.

Нодира, булбул каби то нола иншо айладим,  
Навбахор ўтти, хазон ўлди гулистон оқибат,

(МАРҲАБО)

Мархабо, эй пайки<sup>2</sup> султон, мархабо,  
Худхуди мужки Сулаймон, мархабо.

Тальатинг фаррух, муборак мақдаминг<sup>3</sup>  
Қилди кулбамни гулистон, мархабо.

Хўб келдинг, яхши келтирдинг хабар,  
Айладинг дардимга дармон, мархабо.

Бўлди мавзун қоматингдин мунфаил<sup>4</sup>  
Сарви нози боғи ризвон, мархабо.

Қилғасен ул моҳ меҳрин ошкор,  
Субҳ янглиғ пейдомон, мархабо.

Мужда<sup>5</sup> келтирдинг висоли ёрдин,  
Топти таскин дарди ҳижрон, мархабо.

Кел бери, то хоки пойингни қилай  
Тўтиёйи<sup>6</sup> чашми гирён, мархабо.

Равшан айларман чироғи оҳни,  
Кўзларимдур гавҳарафшон, мархабо.

Бу кеча ҳижрон шабистонидадур  
Анжуми<sup>7</sup> ашким чароғон, мархабо.

Қўй кафи пойингни дийдам устина  
Бир дам, эй сарви хиромон, мархабо.

Нодира, ҳар сўзки иншо айладим,  
Айди анга аҳли даврон: «Мархабо!»

<sup>1</sup>Хайли мўр — чумолилар тўдаси. <sup>2</sup>Пайк — хабарчи, элчи. <sup>3</sup>Мақдаминг — қадаминг. <sup>4</sup>Мунфаил — хижолатли, уялган; таъсирланган. <sup>5</sup>Мужда — хушхабар, суюнчли хабар. <sup>6</sup>Тўтиё — мис зангидан пайдо бўлган кристалл (илгариги вақтларда кўз огриғига қарши ва кўзни равшан қилиш учун ишлатилган). <sup>7</sup>Анжум — қолдузлар.

(МУҲАББАТСИЗ КИШИ ОДАМ ЭМАСДУР)

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,  
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат яхтиёр эт

Узору қадду рафторингни кўрсат,  
Чаман сарву гулини шармисор<sup>1</sup> эт.

Лаби махмурдурмен<sup>2</sup>, жоми май тут,  
Карам қил, соқиё, дафъи хумор эт.

«Аналҳақ» можаросин айладинг фош,  
Кел, эй Мансур, истикболи дор эт.

Дури ашқу ақиқи<sup>3</sup> хуни дилни  
Келу ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига  
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

(ДОДИМ ЭШИТ)

Дода келдим, эй салотин сарвари<sup>4</sup>, додим эшит,  
Сен шаху, мен бенаво, лутф айла, фарёдим эшит.

Дуди оҳим шуъласи ҳуснинг дабиристонида<sup>5</sup>  
Мисраъи баржастадур<sup>6</sup>, эй сарви овозим, эшит.

Сарвинозим, сендин айру наҳли оҳим бўлди ҳам,  
Қоматинг ҳажрида синди шоҳи шамшодим, эшит.

Ҳар нечаким, сабр таъмирини бунёд айладим,  
Ашқ селобида вайрон ўлди ободим, эшит.

Барча ёру ошнодин айладинг бегоналиғ,  
Неча кунлар бўлди ҳаргиз қилмадинг ёдим, эшит.

<sup>1</sup>Шармисор — уятчан, уялган. <sup>2</sup>Махмур — май хумориси. <sup>3</sup>Ақиқ — қимматбаҳо қизил тош. <sup>4</sup>Салотин сарвари — подшолар етакчиси. <sup>5</sup>Да-биристон — мактаб. <sup>6</sup>Баржаста — кўзга кўринарли, эътиборга лойиқ, юксак.

Келки, бир соат сени кўрмоқ учун муштоқмен,  
Телба бўлдим сендин айру, эй паризодим, эшит.

Нодира боди сабодин сенга ирсол этгали  
Қилди иншо бу газалия таъби ношодим, эшит.

(ДАХРНИ ИМТИҲОН ЭТИБ КЕТ)

Кел, дахрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин  
Фарёд этиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,  
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин  
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,  
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,  
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди, жаҳона келдинг?  
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,  
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни  
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

(ЁРСИЗ НА ЛАЗЗАТ)

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат  
Ифторда ёрсиз на лаззат?

Ёр айласа ёри бирла ифтор,  
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,  
То субҳ чекиб суруди<sup>1</sup> ишрат.

<sup>1</sup>Суруд — куй, оханг, ашула.



Ҳар шом менга наволайи<sup>1</sup> ғам  
Ифтор қилурга бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чўқтур,  
Мен хастага ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзимни ёши шамъим,  
Хуни жигарим ба жойи<sup>2</sup> шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,  
Гар ёр эса, Нодира, саломат.

(КЎЗЛАРИМ МУШТОҚДУР ДИЙДОР УЧУН...)

Кўзларим муштоқдур дийдор учун, рухсора оч,  
Пардани юздин, кўзим қилгунча бир наззора, оч.

Пардаи нозу ҳаё хомуш лаълингдин кўтар,  
Икки гул баргини бирдин гуҳар гуфтора оч.

Бесутун тоғида кўп жон чекмағил, эй кўҳқан,  
Кўкрагимдин жўйи шир<sup>3</sup> ўрнига ўтлиғ ёра<sup>4</sup> оч.

Эй кўнгул, дуди фиғонингдин кавокиб тийрадур  
Оҳ кўп чекма, ҳижоби собити сайёра оч.

Шавқ комил бўлса, мухлис кўчаси масдуд<sup>5</sup> эмас,  
Эй шарар, бир жазба бирла роҳи санги хора оч.

Мунча пинҳон доғким, эй жон, фалак кўйди сенга,  
Ёр агар келса, гирибонингни айлаб пора, оч.

Нодира, охи дилу шўри жунун барпой қил,  
Ушбу лашкар бирла олам мулкини якбора оч.

(ЭҲТИЁЖ)

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж<sup>6</sup>  
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.

Ҳеч ким оламда форуғбол<sup>7</sup> эмас,  
Ҳар кима ўз микдорича бор эҳтиёж.

<sup>1</sup>Навола — насиба, ҳисса; ошам, луқма. <sup>2</sup>Ба жойи — жойига, ўрнига.  
<sup>3</sup>Жўйи шир — сут ариғи. <sup>4</sup>Ёра — яра, жароҳат. <sup>5</sup>Масдуд — ёпик, қулфли.  
<sup>6</sup>Эҳтиёж — мухтожлик, зарурат, ҳожат. <sup>7</sup>Форуғбол — жони тинч, хотир-  
жам; фаровон, эҳтиёжсиз.

Ганжи қуснингги закоти бер менга,  
Сен ғанисан<sup>1</sup>, менда бисёр эҳтиёж.

Кўзларим айлар юзингни орзу  
Ким эрур кўзгуя дийдор эҳтиёж.

Мустаманд этти мени муҳтожлик,  
Қилди қожатмандинг, эй ёр, эҳтиёж.

Гар тиларсен обрў аҳбоб аро,  
Айлама зинқор изқор эҳтиёж.

Қил раво, албатта, ошиқ қожатин,  
Боқмағил арз этса агёр эҳтиёж.

Бир тараҳҳум зоҳир этсанг, нетгуси,  
Қилди қуснингга мени зор эҳтиёж.

Ёр васлини тиларман, Нодира,  
Айлади кўнглимни афғор эҳтиёж.

(НОДИРА АҲВОЛИДИН ОГОҲ БЎЛИНГ)

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ул париваши васлидин бўлдим жудо,  
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун агёр дардин тортаман,  
Кўрмадим бир ёрни агёрсиз.

Тан бузулди, энди роҳат қолмади,  
Соя пайдо бўлмади деворсиз.

Берма нисбат қаддига, эй боғбон,  
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз<sup>2</sup>.

Нодира аҳволидин огоҳ бўлинг,  
(Эй мусоҳибларки<sup>3</sup>, қолмиш ёрсиз)

<sup>1</sup>Ғани — бой, бадавлат. <sup>2</sup>Рафторсиз — ҳаракатсиз, юрмайдиган. <sup>3</sup>Му соҳиб — суҳбатдош, сирдош, ҳамдард.

# Муҳаммадризо Огаҳий

(1809—1874)



«Ўз саргузаштин бу навъ афсона била арзга еткурур ва ўз аҳволин бу янглиғ тарона била маоний аҳлига билгурур-ким, фақир абан ан жад<sup>1</sup> Хоразм мамлақати султонларининг давлатхоҳ умароси<sup>2</sup> зубдаларидин<sup>3</sup> ва ўзбекия тавойифидин<sup>4</sup> юз<sup>5</sup> дўдмони<sup>6</sup> умдаларидин<sup>7</sup> мироблиғ мансаби олий-сига мансуб ва садрнишинлик<sup>8</sup> мартабайи мутаоласига<sup>9</sup> мансубдурман. Шабоб<sup>10</sup> айёмининг авойилидаким<sup>11</sup>, умрим боғининг навбаҳори ва ҳаётим навбаҳорининг навшукуфта<sup>12</sup> долазори эрди, фазлу камол иктисобиға<sup>13</sup> майлу рағбат кўргузуб, мадрасанишинлик расмин ихтиёр қилдим ва ҳар ердаким фузало ва шуаро хайлининг мажмаъ ва мажлиси бўлса, аларнинг хизматиға бормоқни ўзимга вожиб ва лозим билдим:

Қадам айлабон илм йўлида бош,  
Хунар касбида айлар эрдим талош.  
Не тунлар менга хоби роҳат эди,  
Не кунлар замоне фароғат эди.

<sup>1</sup>Абан ан жад — ота-бободан тортиб, авлод-аждоддан тортиб. <sup>2</sup>Умаро — амирлар. <sup>3</sup>Зубда — бирор нарсанинг яхши қисми, сараси, қаймоғи, яхши натижаси, хулласи. <sup>4</sup>Тавойиф — гуруҳлар, қабилалар, тойифалар. <sup>5</sup>Юз — туркий халқ уруғларидан бирининг номи. <sup>6</sup>Дудмон — авлод, оила, қабила. <sup>7</sup>Умда — ишончли, таянч. <sup>8</sup>Садрнишинлик — улуғ мансабга ўлтирив, улуғ мансаб соҳиби бўлиш. <sup>9</sup>Мутаола — юсак, баланд, олий. <sup>10</sup>Шабоб — ёшлик, йигитлик. <sup>11</sup>Авойил — аввал, илгари, дастлаб. <sup>12</sup>Навшукуфта — янги очилган. <sup>13</sup>Иктисоб — касб қилиш, ўрганиш.

Аммо ҳануз илм қавоиди<sup>1</sup> чошнисидин<sup>2</sup> ком<sup>3</sup> ва фазл қавонини<sup>4</sup> лаззатидин баҳраи тамом ҳосил қилмасдин бурун жаҳони ғаддорнинг<sup>5</sup> гуногун<sup>6</sup> жафоси ва чархи кажрафторнинг ранго-ранг балоси сарвақтимға<sup>7</sup> етушти ва рўзгор андуҳи шиддатининг оғир юки тоғ янглиғ бошим устига тушти ва сипоҳгарлик<sup>8</sup> яроғин тузмак ташвишиға дучор ва сипоҳдорлиғ<sup>9</sup> мансабининг шуғли занжирига гирифтор бўлдим. Гоҳо мотамдорлиғ таҳассуридин<sup>10</sup> афсурда<sup>11</sup> ва гоҳо сўгворлиғ<sup>12</sup> тафаккуридин пажмурда<sup>13</sup> ва гоҳо авқотгузорлиғ<sup>14</sup> асбоби саранжомининг фикри била бошимда қаро қайғу ва гоҳо сипоҳдорлиғ олотининг<sup>15</sup> таҳийяси<sup>16</sup> қойғуси била кўзимга жаҳон қоронғу ва гоҳо подшоҳ хизматининг тараддуди била кўнглумда минг ғам ва гоҳо вазир мулозаматининг тажассуси<sup>17</sup> била жонимда юз алам.

... Ушбу сайр асносида ҳар тойифанинги ҳолиға лойиқ ва ҳар жамъанинги афъолиға<sup>18</sup> мувофиқ бир мазмун шоҳидининг хаёли хотирим кўзгусига хутур қилса<sup>19</sup> эрди, гуногун иборатлар била рангин назмлар либосин кийдириб, дилкаш суратлар била халойиқ назарида намойиш берур эрдим ва ҳар бирининг рангин рухсори ва мушкин гесўси тамошосидин шавқу дард аҳлининг шайдо кўнгуллариин волалиғ<sup>20</sup> ва асирлиғ мақомиға еткурур эрдим, андоққим, шавқангез<sup>21</sup> ғазаллар ва мавъизаомез<sup>22</sup> қасидалар ва муҳаббатосор<sup>23</sup> рубоийлар ва диққатпарвар<sup>24</sup> маснавийлар ва базмор<sup>25</sup> мухаммаслар ва руҳафзо<sup>26</sup> мусаддаслар назм силкига<sup>27</sup> чекиб бир неча қоғаз пораларға мусаввада<sup>28</sup> қилур эрдим. Аларнинг кўпроғи халойиқнинг тиллари азкорида<sup>29</sup> мазкур, кўнгуллари авроқида<sup>30</sup> мастур<sup>31</sup> бўлуб, олам атрофи ва фалак акторида қуёш янглиғ шуҳрат тутуб, акобир<sup>32</sup>

<sup>1</sup>Қавоид — қондалар. <sup>2</sup>Чошни — маза, таъм, тот. <sup>3</sup>Ком — тилак, истак, мақсад. <sup>4</sup>Қавонин — қонун, қонунлар. <sup>5</sup>Ғаддор — бераҳм, золим. <sup>6</sup>Гуногун — ранг-баранг, хилма-хил. <sup>7</sup>Сарвағт — йўқлов, йўқлаб келиш. <sup>8</sup>Сипоҳгарлик — амалдорлик. <sup>9</sup>Сипоҳдорлиғ — қўмондонлик, аскарбошилик, саркардалик. <sup>10</sup>Таҳассур — ҳасрат чекиш, афсусланиш. <sup>11</sup>Афсурда — руҳсиз, сўлғин, тушқун. <sup>12</sup>Сўгворлиғ — азадорлик, мотамлилик. <sup>13</sup>Пажмурда — ғамгин, сўлғин. <sup>14</sup>Авқотгузорлиғ — тиркичилик, умргуздорлик. <sup>15</sup>Олот — асбоб, қурол, яроғ. <sup>16</sup>Таҳийя — ҳозирлаш, тайёрлаш. <sup>17</sup>Тажассус — излаш, ахтариш. <sup>18</sup>Афъол — феъл-ҳаракатлар, ишлар, қилликлар. <sup>19</sup>Хугур қилмоқ — кўнгилга, хотирга келиш. <sup>20</sup>Волалиғ — мафтунлик, ҳайронлик. <sup>21</sup>Шавқангез — шавқ, ҳавас уйғотувчи, ўртантирувчи, лаззатлантирувчи. <sup>22</sup>Мавъизаомез — насиҳатомуз, ваъзмонанд. <sup>23</sup>Муҳаббатосор — муҳаббат руҳидаги. <sup>24</sup>Диққатпарвар — нозик ва нафис маъноли. <sup>25</sup>Базмор — базм (суҳбат)га жон киритувчи, қизитувчи. <sup>26</sup>Руҳафзо — руҳлантирувчи, жонлантирувчи. <sup>27</sup>Силк — қатор, тизим. <sup>28</sup>Мусаввада — қоралама. <sup>29</sup>Азкорида — сўзлашувда, нутқида. <sup>30</sup>Авроқ — varaқ. <sup>31</sup>Мастур — ёзйпан. <sup>32</sup>Акобир — улўғлар.

мажолисида рутб ул-лисон<sup>1</sup> ва асоғир<sup>2</sup> маҳофилида<sup>3</sup> вирди забон<sup>4</sup> бўлур эрди.

...Мусаввада тараддуди ва тоза шеър тафаккури бодасин ичиб, гоҳо ўзимга келдим, гоҳо ўзимдан кетдим. Ва ҳар ҳол била неча муддатлар кўб меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксари ашъоримни жамъ этиб девон суратида бир неча авроқ сутурига<sup>5</sup> битдим. Чун борчаси дарди ишқ ўти ҳарорати била оғишта<sup>6</sup> ва шавку муҳаббат асарининг сирояти<sup>7</sup> била сиришта<sup>8</sup> ва ошиқлар ғамининг таскинига сабаб ва дардмандлар аламининг тахфифига<sup>9</sup> мужиб эрди. Ложарам<sup>10</sup> агар ишқ ва дард аҳлининг қўлига тушса, таъвиз<sup>11</sup> янглиғ ихлослари бўюнлариға осиб, иззат била асрар эрдилар ва мутолаа қилиб, шавқангез мазмунлари дорусидин ишқ марази<sup>12</sup> беморлиқиға навъи шифо топор эрдилар. Ушбу муносабат била бу саодатнишон девонни «Таъвиз ул-ошиқин» исми била мавсум қилдим<sup>13</sup> ва ҳар навъ бўлса, шахзодайи замоннинг<sup>14</sup> муборак амрининг қабулинким, ҳақиқатда икки оламнинг олий даражалариға етишмакка сабабдур, ҳимматим зиммасиға лозим ва мутаҳаттим билдим.»

(«Таъвиз ул-ошиқин» дебочасидан)

## Ҳ А З А Л Л А Р

(УСТИНА)

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун «нас» келтурур «нун» элтибон «сод» устина<sup>15</sup>.

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлгонин пайванд шамшод<sup>16</sup> устина.

<sup>1</sup>Рутб ул-лисон бўлмақ — тилга тушмоқ. <sup>2</sup>Асоғир — кичиклар. <sup>3</sup>Маҳофил — давра, манзил. <sup>4</sup>Вирди забон бўлмақ — доим тилга олиниб турмоқ, тилдан тушмаслик. <sup>5</sup>Сутур — сатрлар, хат йўллари. <sup>6</sup>Оғишта — аралаш. <sup>7</sup>Сироят — таъсир. <sup>8</sup>Сиришта — йўғрилган. <sup>9</sup>Тахфиф — енгиллашиш. <sup>10</sup>Дожарам — шунинг учун. <sup>11</sup>Таъвиз — тумор. <sup>12</sup>Мараз — касаллик. <sup>13</sup>Мавсум қилдим — исм қўйдим, номладим. <sup>14</sup>Шаҳзодайи замон — Муҳаммад Раҳимқоний соний Феруз назарда тutilган. <sup>15</sup>Ушбу матлаъда манзурнинг қоши кўзлари араб ёзувидаги «нун», «сод» ҳарфлари ҳамда «нас» сўзи воситасида ҳарфий санъат яратиш йўли билан тасвирланган. <sup>16</sup>Шамшод — хушқомат ва чиройли, қишин-ёзин ям-яшил турадиган, майда ва тигиз баргли, қаттиқ ёғочидан турли асбоблар ясаладиган дарахт. Мумтоз адабиётда сеғилининг бўйини хушқоматликда шу дарахтга ўхшатиш анъана бўлган.

Нозу адову<sup>1</sup> ғамзаси<sup>2</sup> қасдим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Ман кастаға жон асрамоқ эмди эрур душворким<sup>3</sup>,  
Котил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар  
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимға ёққан ғам тошин мингдин бирича бўлмағай  
Гардун<sup>4</sup> агар минг Бесутун<sup>5</sup> ёрдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини  
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур оқир жаҳонда неча йил  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод<sup>6</sup> устина.

Не журъат ила Оғаҳий очғай оғиз сўз дергаким,  
Юз хайли<sup>7</sup> ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод<sup>8</sup> устина.

(БИЗКИ БУКУН...)

Бизки, букун жаҳон аро кишвари<sup>9</sup> фақр<sup>10</sup> шоҳимиз,  
Бошимиз узра оҳимиз шуъласидур кулоҳимиз<sup>11</sup>.

Қасри рафеъимиз<sup>12</sup> бузук кулбайи кўҳнамиз бўлуб,  
Гўшайи ажзу<sup>13</sup> масканат<sup>14</sup> туфроғи тахту жоҳимиз<sup>15</sup>.

Маркаби<sup>16</sup> ғам самандимиз<sup>17</sup>, доим алам камандимиз<sup>18</sup>  
Нолайи зор туғимиз<sup>19</sup>, кайли бало сипоҳимиз<sup>20</sup>.

<sup>1</sup>Адо — ноз-карашма, гўзал қилиқлар. <sup>2</sup>Ғамза — кўз ишораси, ноз-карашма юзасидан киприк қоқиб, сеҳрли нигоҳ ташлаш. Кўз, қош, киприк ҳаракатлари билан нозани ва дилбар имо-ишоралар қилиш. <sup>3</sup>Душвор — қийин, оғир, мушкул. <sup>4</sup>Гардун — фалак, осмон, кўк. <sup>5</sup>Бесутун — Фарҳод қазиган тоғнинг номи. У Эроннинг Кирмоншоҳ шаҳри яқинида жойлашган. <sup>6</sup>Бод — шамол, ел. <sup>7</sup>Хайл — гуруҳ, тўда, тўп. <sup>8</sup>Ношод — шод, қурсандга тескари кайфият; ғамгин. <sup>9</sup>Кишвар — мамлакат, юрт, вилоят. <sup>10</sup>Фақр — камбағаллик, йўқсиллик; дунёдан кечиб; фақру фано — тасаввуфнинг еттинчи ва оқирги даражаси бўлмиш фақру фано водийси. <sup>11</sup>Кулоҳ — бош кийими, тож. <sup>12</sup>Рафеъ — юксак, баланд. <sup>13</sup>Ажз — кучсизлик, заифлик, ожизлик, бечоралик. <sup>14</sup>Масканат — бечоралик, фақирлик, мискинлик. <sup>15</sup>Жоҳ — мансаб, ўрин, амал, мартаба. <sup>16</sup>Маркаб — улов, миниладиган ҳайвон (от, хачир, туя, эшак каби). <sup>17</sup>Саманд — тезювар ва чиройли от, саман от. <sup>18</sup>Каманд — бўғов, сиртмоқ; луток, ов илтирадиган нарса; арқон. <sup>19</sup>Туғ — байроқ. <sup>20</sup>Сипоҳ — аскар, қўшин.

Лашкари кибру<sup>1</sup> нахвату<sup>2</sup> нафс<sup>3</sup> ила тузгали масоф<sup>4</sup>,  
Ғамкадамиз, фазосидур арсайи размгоҳимиз.

Ким бўла олгуси тараф бизгаки, ашку<sup>5</sup> оҳдин  
Тутти еру сипехрни<sup>6</sup> шавкату дастгоҳимиз.

Мартабайи уружимиз<sup>7</sup> ажз ила ўйла тутти авж  
Ким, бўла олмағай ети чарх<sup>8</sup> губори роҳимиз<sup>9</sup>

Химматимиз баланд эрур ўйлаки, ҳеч тушмағай  
Дахри<sup>10</sup> дани<sup>11</sup> аруснинг<sup>12</sup> жилвасига нигоҳимиз.

Олами фақр базмида жоми сабуҳи<sup>13</sup> ичкали,  
Субҳи сафидимиз<sup>14</sup> эрур бизга шаби сиёҳимиз<sup>15</sup>.

Шоҳиди<sup>16</sup> маънийи вафо ишқини даъви эткали  
Чехрайи зарду<sup>17</sup> қадди хам келди ики гувоҳимиз.

Бизни бу даҳр боғининг ишрати<sup>18</sup> орзусидин  
Шукрки, фориг айламиш<sup>19</sup> марҳамати илоҳимиз<sup>20</sup>.

Огаҳий, бўлса тонг эмас фақр эли<sup>21</sup> гар мутеимиз<sup>22</sup>,  
Бизки, букун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз.

<sup>1</sup>Кибр — киборлик, калондимоголик, мағрурлик, гурур, такаббурлик.  
<sup>2</sup>Нахат — худпарастлик, худбинлик, ўзбилармонлик, ўзини катта тутиш.  
<sup>3</sup>Нафс — инсондаги турли маиший орзу-ҳавасга бўлган табиий майл, истак.  
<sup>4</sup>Масоф — жанг майдони, уруш, аскар сафи.  
<sup>5</sup>Ашк — кўз ёши.  
<sup>6</sup>Сипехр — осмон, осмон гумбази; фалак.  
<sup>7</sup>Уруж — юксалиш, юкори кўтарилиш, кўкка кўтарилиш.  
<sup>8</sup>Ети чарх — етти қаватдан иборат осмон.  
<sup>9</sup>Губори роҳ — йўлнинг гарди, чанги, тўзони.  
<sup>10</sup>Даҳр — дунё, олам, замон, давр.  
<sup>11</sup>Дани — паст, тубан, номард, разил, ярамас.  
<sup>12</sup>Арус — келин, келинчак.  
<sup>13</sup>Жоми сабуҳи — эрталабки май, сўфийликда фақру фано базми (даражаси)га эришилгач, сўфий тонгла муяссар бўладиган ваҳдат майи.  
<sup>14</sup>Субҳи сафид — оппоқ тонг: сўфийлар Ҳаққа эришганда отадиған, Аллоҳ жамолининг нури билан кўз очиладиған тонг.  
<sup>15</sup>Шаби сиёҳ — қоронғу кеча; бу ерда омонат, вақтинчалик (фоний) дунёда кечирилган умр назарда тутилган.  
<sup>16</sup>Шоҳид — гўзал, дилбар, севгили, маҳбуба. «Шоҳиди маънийи вафо» деганда дийдори васлини ваъда этувчи маҳбуба рамзидаги Аллоҳ назарда тутилган.  
<sup>17</sup>Зард — сарик.  
<sup>18</sup>Бу даҳр боғининг ишрати — бу ўткинчи дунёнинг вақтихушлиги, кайфу сафоси, роҳатлари.  
<sup>19</sup>Фориг айламоқ — қуткармоқ, халос этмоқ, озод қилмоқ.  
<sup>20</sup>Илоҳ — худо, Аллоҳ.  
<sup>21</sup>Фақр эли — фақирлар, камбағаллар: дунёдан кечган, сўфиёна фақру фанони ихтиёр этган кишилар.  
<sup>22</sup>Мутеэ — итоат этувчи, бўйсунувчи.

Юзинг очким, кۈёш садқанг бۆлۈб, бошингдин айлансун,  
Янги ой юз тавозуь<sup>1</sup> кўргузуб, қошингдин айлансун.

Агарчи лаълу ёкут эл замирига муфаррихдур<sup>2</sup>,  
Ҳаётафзо<sup>3</sup> ики лаъли гуҳарпошингдин<sup>4</sup> айлансун.

Тани жоним ҳадаф<sup>5</sup> айлаб, ўку тош отсанг, эй чобук<sup>6</sup>,  
Бирн ўкингдин эврулсун<sup>7</sup>, бирн тошингдин айлансун.

Рақибинг гар эрур хасмим<sup>8</sup>, они йўлдош этуб келсанг,  
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлансун.

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ<sup>9</sup> жамолингдин  
Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин айлансун.

Боқиб кўз учидин пинҳону<sup>10</sup> фош этдинг тағофиллар<sup>11</sup>,  
Йўку борим ҳамул<sup>12</sup> пинҳон ила фошингдин айлансун.

Неча қаллош<sup>13</sup> эсам ҳам, агниё<sup>14</sup> оллида бош эгмон,  
Ганийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун.

Чу бергунг нон ила ош, эй саҳий, сидқ аҳлига<sup>15</sup> бергил,  
Риёву<sup>16</sup> кизб аҳли<sup>17</sup> нонингу ошингдин айлансун.

Ул ой кўнглига қилди, Огаҳий, оху ёшинг таъсир,  
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун.

---

<sup>1</sup>Тавозуь — адабтилик, ўзини паст тутуш. <sup>2</sup>Муфаррих — шодлантирувчи, суюнтирувчи, кайфлантирувчи. <sup>3</sup>Ҳаётафзо — ҳаётбахш. <sup>4</sup>Лаъли гуҳарпош — маъно гавҳарларини сочувчи лаблар. <sup>5</sup>Ҳадаф — нишон, нишон жойи. <sup>6</sup>Чобук — чакқон, тез, илдам; мерган. <sup>7</sup>Эврулмоқ — айланмоқ, ўрилмоқ. <sup>8</sup>Хасм — душман, қарши, муқобил, муҳолиф. <sup>9</sup>Бурқаъ — юзга тутиладиган парда, ниқоб. <sup>10</sup>Пинҳон — яширин, бекитиқча, сирли. <sup>11</sup>Тағофил — билиб, билмасликка солиш. <sup>12</sup>Ҳамул — ҳам ул, худди ўша, ўшал. <sup>13</sup>Қаллош — қашшоқ, камбағал, дарвеш. <sup>14</sup>Агниё — ганийнинг кўчилиги: бойлар, бадавлатлар. <sup>15</sup>Сидқ аҳли — ростликни севувчи, чин сўзли кишилар; астойдил эътиқод кўйган ихлосмандлар; тасаввуфда ҳақиқат йўлидаги сўфийлар. <sup>16</sup>Риё аҳли — риёкорлар, иккиюзламачи кишилар; ўзини яхшилик қилувчи, хайрихоҳ кўрсатувчи, амалда эса тескари иш тутувчи тоифа, номига, хўжакўрсинга иш қилувчи, эътиқод боғловчи диндорлар. <sup>17</sup>Кизб аҳли — ёлгончилар, сўзи ҳамда фаолияти ёлгон ва алдов асосига қурилган одамлар.



(АРЗИМАС)

Даҳр базму айши андуҳи ғамиға арзимас,  
Шарбати жонпарвари муҳлик<sup>1</sup> самиға<sup>2</sup> арзимас.

Юз йил ўлсанг ёр васлининг сафолиғ субҳида,  
Бир замонлиғ ҳажри шоми музлимиға<sup>3</sup> арзимас.

Етса даврондин санга гар умрлар сур<sup>4</sup> узра сур,  
Бир нафас еткан малолу мотамиға арзимас.

Лаълидин гар жон топуб қучсанг муродинг шоҳидин<sup>5</sup>,  
Назъ<sup>6</sup> вақти пайкаринг<sup>7</sup> печу хамиға<sup>8</sup> арзимас.

Мадҳинга очса улус гар хуш иборат бирла тил,  
Бир қабих алфоз<sup>9</sup> ила қилғон замиға<sup>10</sup> арзимас.

Тенг тут амволи<sup>11</sup> жаҳон бешу каминиким,<sup>12</sup> онинг  
Инбисоти<sup>13</sup> беши андуҳи камиға арзимас.

Истабон айш, Огаҳий, ғам бошинга келтурмаким,  
Даҳр базму айши андуҳи ғамиға арзимас.

(НАВРЎЗ БЎЛСУН)

Илоҳи, ҳар кунинг наврўз бўлсун,  
Ҳамиша толеъинг феруз<sup>14</sup> бўлсун.

Бўлуб айёми наврўзинг муборақ,  
Замиринг<sup>15</sup> инбисотандуз<sup>16</sup> бўлсун.

Қилиб партавфиканлик<sup>17</sup> айни адлинг<sup>18</sup>  
Куёшосо<sup>19</sup> жаҳонафруз<sup>20</sup> бўлсун.

<sup>1</sup>Муҳлик — ҳалок этувчи. <sup>2</sup>Сам — заҳар. <sup>3</sup>Музлим — қоронгу, қоронгулик. <sup>4</sup>Сур — тўй, базм, шодлик йиғини. <sup>5</sup>Шоҳид — гўзал, дилбар, севики, маҳбуба. <sup>6</sup>Назъ — олиш, суғуриб (юлиб) олиш; жонни олиш. <sup>7</sup>Назъ вақти — ўлиш вақти, жон чиқиш пайти. <sup>8</sup>Пайкар — ҳайкал, жусса, гавда. <sup>9</sup>Печу хам — тўлганиш, изтироб; сиқилиш, қийналиш. <sup>10</sup>Алфоз — лафзлар, сўзлар. <sup>11</sup>Зам — рад қилмоқ. <sup>12</sup>Амвол — моллар, ашёлар. <sup>13</sup>Бешу кам — кўпу оз. <sup>14</sup>Инбисот — шодлик, хурсандлик, ёзилш, ёйилиш. <sup>15</sup>Феруз — бахтли, толеъли; голиб. <sup>16</sup>Замир — ич, юрак, кўнги, дил. <sup>17</sup>Инбисотандуз — шодлик ҳосил қилувчи, хурсандчиликка мойил. <sup>18</sup>Партавфикан — ёруғлик, нур, шуъла, порлоқлик сочувчи. <sup>19</sup>Айни адл — адолат кўзи. <sup>20</sup>Куёшосо — куёш сингари, куёшсифат. <sup>20</sup>Жаҳонафруз — жаҳонни куйдирувчи, ёритувчи, равшан қилувчи, ойдинлаштирувчи, шуълалантирувчи.

Санго дойим бўлуб давлат қуши ром,  
Шикорандозу<sup>1</sup> дастомуз<sup>2</sup> бўлсун.

Аду<sup>3</sup> ваҳшилари ни сайд этарға  
Ўқу тийгинг уқобу<sup>4</sup> юз бўлсун.

Кишиким, истаса саркашлик этмак,  
Боши йўлингда онинг туз<sup>5</sup> бўлсун.

Тараб меҳри<sup>6</sup> ҳамиша пок кўнглунг  
Сипеҳр авжида<sup>7</sup> маркуз<sup>8</sup> бўлсун.

Тарабгоҳинг аро хайёти гардун<sup>9</sup>  
Канизу<sup>10</sup> золи<sup>11</sup> хилъатдўз<sup>12</sup> бўлсун.

Кўруб лутфингни, ҳар тун Огаҳийнинг  
Насиби ишрати наврўз бўлсун.

#### (ИЛМ БЎЛМИШ ЁД АНГО)

Ул малаксиймоки, борча илм бўлмиш ёд анго,  
Рўзи шаб<sup>13</sup> дарсу сабоқ такроридин мўътод<sup>14</sup> анго.

Илм таҳсили сулуки<sup>15</sup> ичра солик<sup>16</sup> бўлғоли,  
Ақл пиридин дамо-дам еткуси иршод<sup>17</sup> анго.

Сарфу наҳву мантиқ<sup>18</sup> ичра токи саъй<sup>19</sup> этти аён,  
Себвайҳ<sup>20</sup> руҳи қилур таҳсину<sup>21</sup> ҳам имдод<sup>22</sup> анго.

---

<sup>1</sup>Шикорандоз — овга солинувчи (қуш), ўлжа олувчи. <sup>2</sup>Дастомуз — қўлга ўргатилган, ром қилинган, қўлбола, хонаки. <sup>3</sup>Аду — душман, ёв. <sup>4</sup>Уқоб — бургут. <sup>5</sup>Туз — тўғри, рост, келишган; бу ўринда: сенинг йўлингда бош эгсин маъносида ишлатилган. <sup>6</sup>Тараб меҳри — хурсандлик, шодлик офтоби. <sup>7</sup>Сипеҳр авжи — осмоннинг энг юқориси. <sup>8</sup>Маркуз — баланцликка тикмоқ, ўрнатмоқ, тикмоқ, санчмоқ, сукмоқ. <sup>9</sup>Хайёти гардун — тикувчи, кийим (либос) тикувчи осмон. <sup>10</sup>Каниз — чўри, хизматчи хотин. <sup>11</sup>Зол — кампир, қариган хотин; маккор кампир. <sup>12</sup>Хилъатдўз — кийим тикувчи. <sup>13</sup>Рўзу шаб — кечаю кундуз. <sup>14</sup>Мўътод — одатланган, ўрганган. <sup>15</sup>Сулук — йўл тутуш, яхши йўлга кириш; равиш; сўфийларда — худога яқинлашиш йўли, дарवेशлик ҳаёти. <sup>16</sup>Солук — бирор сўфийлик маслағига мансуб, сулук (сўфийлик йўлини) тутувчи. Бу ўринда: илм йўли. <sup>17</sup>Иршод — тўғри йўл кўрсатиш. <sup>18</sup>Тил илмига оид фан номлари. <sup>19</sup>Саъй — тиришиш, ҳаракат қилиш, уриниш. <sup>20</sup>Себвайҳ — XVII асрда яшаган араб тилшунос олимларидан. <sup>21</sup>Таҳсин — офарин айтиш, тақдирлаш, маъқуллаш, мақташ. <sup>22</sup>Имдод — мадад, кўмак, ёрдам.

Қилғоли илми калому ҳикмат<sup>1</sup> ашқолини<sup>2</sup> ҳал,  
Қаддин афзунроқ<sup>3</sup> берибдур тангри истеъдод анго.

Насб<sup>4</sup> этарга хаймаи илм<sup>5</sup> андоқ этти жидду жаҳд<sup>6</sup>  
Ким, мадад еткурдилар ақтоб<sup>7</sup> ила автод<sup>8</sup> анго.

Гуйиё илми ладуннидин<sup>9</sup> топибдур баҳраким,  
Ҳар каломии рамзидин хайратдадур устод анго.

Илм ила, ё раб, қил онинг рутбасин андоқ баланд  
Ким, бори олимлар ўлсун тобеъу минқод<sup>10</sup> анго.

Илм андоқ ганжи нофиъдур<sup>11</sup> бани<sup>12</sup> одамғаким,  
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго.

Қасби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,  
Икки олам обрўси бўлғуси барбод анго.

Олим улдурким, шариятдин тажовуз қилмаса,  
Ғар тажовуз қилса, билгил, пешадур илҳод<sup>13</sup> анго.

Илмдин бебаҳра эл ҳолини билмак истасанг,  
Оғаҳийнинг зор ҳолин билгил истишқод<sup>14</sup> анго.

#### (БУЛБУЛМУ НАВО ТОРТАР)

Ул гул юзи саҳбодин<sup>15</sup> гул, гулму экан оё,  
Кўнглум анга зор ўлгон булбулму экан оё.

Ҳолиму зиёд эткан ширин лабиға лаззат,  
Ё хони<sup>16</sup> малоҳатда фулфулму<sup>17</sup> экан оё.

<sup>1</sup>Илми калому ҳикмат — сўз ва ҳикмат санъати. <sup>2</sup>Ашқол — шакллар, турлар, суратлар, жинслар, навлар. <sup>3</sup>Афзун — ортиқ, зиёда, кўп. <sup>4</sup>Насб — тиклаш, бирор мансабга таъйинлаш; бирор амал ё мансаб-мартабага ўрнашиш. Бу ерда: илмдаги даражага эришиш назарда тутилган. <sup>5</sup>Хаймаи илм — илм чодир, олами, даргоҳи. <sup>6</sup>Жидду жаҳд — қаттиқ тиришиш, бирор ишга астойдил киришиш. <sup>7</sup>Ақтоб — кутб сўзининг кўплиги бўлиб, ҳар бир нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учи; ҳар бир тўда ва гуруҳнинг пешвоси. <sup>8</sup>Автод — «ватад» сўзининг кўплиги, қозиклар, аруз вазни бир турининг номи маъносиди ҳам ишлатилади. <sup>9</sup>Илми ладунни — уринмасдан худо томонидан етишган деб ҳисобланган илоҳий илм. <sup>10</sup>Минқод — эътиқод кўйиш. <sup>11</sup>Нофиъ — фойда, нафли. <sup>12</sup>Бани — авлод, болалар. <sup>13</sup>Илҳод — диндан, худодан қайтиш. <sup>14</sup>Истишқод — шохид келтириш, гувоҳлик исташ; мисол. <sup>15</sup>Саҳбо — қизил май. <sup>16</sup>Хон — дастурхон. <sup>17</sup>Фулфул — мурч, майда қора дона. Бу дона ёқимли ва ўткир таъмига эга бўлиб, у янчилиб, овқатни қуштаъм қилиш учун ишлатилади.

Кўнглумда ҳужум эткан фикри лаби эрканму,  
Соғар<sup>1</sup> аро ё рангин мул-мулму<sup>2</sup> экан оё.

Рахшиму<sup>3</sup> қилур жавлон чобуквашим<sup>4</sup> остида,  
Йўк эрса, Али минган Дулдулму<sup>5</sup> экан оё.

Фарёдму кўнглумдин кўйи аро фош ўлгон,  
Ё боғ аро булбулдин гул-гулму<sup>6</sup> экан оё.

Мажлисда Масиҳому такрори калом айлар,  
Ё шиша аён эткан қул-қулму<sup>7</sup> экан оё.

Эй Огаҳий, олингда булбулму наво тортар,  
Булбул қошида ёхуд чул-чулму экан оё.

#### (ЖОНЛАРДА ФИКРУ СУРАТИНГ)

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо,  
Лаъли лаби дурпошинга<sup>8</sup> олам гадо, ман ҳам гадо.

Гоҳи қапоғинг<sup>9</sup> жон олур, гоҳи қошинг яғмо<sup>10</sup> солур,  
Бўйла қапоғу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Қадду лабинг фошу ниҳон, элдин олур тобу тавон,  
Ушбу ниҳону фошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Бошдин аёкинг жон эрур, жонлар санга қурбон эрур,  
Жоно, аёку бошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Ҳар неча отсанг ўку тош, айлаб ғазаб оламға фош,  
Бўлғуси ўку тошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Жонларда фикри суратинг, кўзларда нақши қоматинг  
Суратгару наққошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

---

<sup>1</sup>Соғар — май қадаҳи, май пиёласи. <sup>2</sup>Мул — май, шароб. <sup>3</sup>Рахш — жуда юғурик, олачипор, чиройли от. <sup>4</sup>Чобукваши — чаққон, тез, илдам; чавандоз; ўйноқи, шўх. <sup>5</sup>Дулдул — Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Али минган хачир; хачир ва тезчопа от. <sup>6</sup>Гул-гул — булбул сайрашига нишора қилувчи тақлидий сўз. <sup>7</sup>Қул-қул — шишадан куйилаётган суюқлик овозининг тақлидий ифодаси. <sup>8</sup>Дурпош — дур сочувчи. <sup>9</sup>Қапоғ — ҳозирги кавоқ, қабоқ сўзларининг қадимий шакли. Қапқоқ маъносидаги бу сўз кўзни қоплаб турувчи аъзони англатади. <sup>10</sup>Яғмо — талон-тороғ, бузғунлик.

Тўртдин ёшинг ўтуб, ҳуснинг жаҳонни ёрутуб,  
хуснинг бу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Авлат санга йўлдош эрур, лутфи худо қўлдош эрур,  
йўлдошинг қўлдошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Оху ёшинга, Огаҳий, раҳм этти ул хўблар шаҳи,  
наъсири оху ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

#### (ЛУТФ АЙЛАР ЁР МАНДИН ЎЗГАГА)

Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон ёр мандин ўзгага,  
айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага.

Ваҳри ҳажрини берур ҳар дам мангаву, васлининг  
Нўшини<sup>1</sup> инъом этар бисёр мандин ўзгага.

Куймасун кўнглум на янглиғким, қовуб ман ҳастани,  
Сухбатиға йўл берур дилдор мандин ўзгага.

Булбулосо нолам эрмас тангки, хори ҳажр уруб,  
Жавр қилмас ул чаманруҳсор мандин ўзгага.

Ваҳки, мандин ёрни бегона айлаб, ошно  
Айлади чархи ситамкирдор<sup>2</sup> мандин ўзгага.

Олди жонимни ғами фурқат карам айлаб бу дам,  
Берма, соқий, май бурун зинҳор мандин ўзгага.

Огаҳий, гар йиғласам тун-кун ажаб йўқ, негаким,  
Манга жавру, лутф айлар ёр мандин ўзгага.

#### (ЖОНИНГ УЧУН ЖОНИМА РАҲМ ЭТ)

Ишқинг гамида дийдаи гирёнима раҳм эт,  
Қажринг тунида нолайи афғонима раҳм эт.

Жавринг чекибон жони ҳазин чикқоли етди,  
Эй жону жаҳон, жонинг учун жонима раҳм эт.

<sup>1</sup>Нўш — ичиш маъносида. Бу ўринда васл шаробидан баҳрамандлик назарда тутилган. <sup>2</sup>Ситамкирдор — озор берувчи, жабрловчи, қилмиши қабру ситамдан иборат.

Торожи<sup>1</sup> фироқинг яланг этти тани зорим,  
Бер жомайи васлинг, тани уренима<sup>2</sup> раҳм эт.

Дардинг чекарам гўшайи<sup>3</sup> вайронада умре,  
Ташриф<sup>4</sup> кетур, кулбайи аҳзонима<sup>5</sup> раҳм эт.

Ҳолимни паршон юз уза айлади зулфинг,  
Жамъ эт ондо ҳоли паршонима раҳм эт.

Эй гул, ғами ҳажрингда кўнгул булбули нола  
Токай қиладур, булбули нолонима раҳм эт.

Даврон ситами, инк ғами, ҳажр балоси  
Қасд этти ҳазин хотири вайронима, раҳм эт.

Бежурм<sup>6</sup> мани ёзгурубон<sup>7</sup> тийги жафони  
Жонимга суруб, қолма манинг қонима, раҳм эт.

Хайратдадурур Оғаҳий то кўрди жамолинг,  
Эй хурлико, дийдаи ҳайронима раҳм эт.

#### (СЎЗДИН ЮЗ ДУРУ ГУҲАР СОЧСАНГ...)

Даврондан агар, эй дил, етса санга бир роҳат,  
Чекмакка муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат.

Гар даҳр элидин олсанг ўлмакка етиб бир ноң,  
Бир лаҳза кутулмасанг ўлгунча чекиб миннат.

Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюргайлар,  
Ер тутмас агар қилсанг ҳар ваъдага юз хизмат.

Бу турфаки<sup>8</sup>, юз хизмат буткаргали<sup>9</sup> жон чексанг,  
Бир хизмат учун кўргунг ҳар лаҳзада минг туҳмат.

Ҳар дамда агар сўздин юз дуру гуҳар сочсанг,  
Бир кўҳна ҳазаф<sup>10</sup> чоғлиг топмас эл аро қиймат.

<sup>1</sup>Торож — ғорат, яғмо. <sup>2</sup>Урён — яланғоч, юпун. <sup>3</sup>Гўша — бурчак, хилват, чекка жой. <sup>4</sup>Ташриф — улуглантириш, шарафлантириш, шарофатли қилиш, мушарраф қилиш; марҳамат қилиб келиш. <sup>5</sup>Кулбайи аҳзон — ғам уйи; ғамхона, ҳазин манзилгоҳ, маҳзунлар маскани. <sup>6</sup>Бежурм — гуноҳсиз. <sup>7</sup>Ёзгурубон — айбламөк, ғунөҳқор қилмок, ғунөҳқор ҳисобламөк; орқаваротдаж шикоятламөк. <sup>8</sup>Турфа — қизил, ажойиб, егалати, ажабланарли. <sup>9</sup>Буткаргали — битириш, бажариш учун. <sup>10</sup>Ҳазаф — сепел.

Ҳар кирпич ила қозсамг юз тоза қудук, ондин  
Сербоби мурод ўлмоқ<sup>1</sup> кўргузмагуси сурат.

Ўёки, сени тангри меҳнат учун этмиш халқ<sup>2</sup>  
Ўўкса, санга ҳам элдек бермасму эди давляг.

Ҳар халқ жафосидин осудалиг<sup>3</sup> истарсан,  
Гут дайри фано<sup>4</sup> ичра бир гўша аро хилват.

3 Огаҳий янглиг тут шаҳ даргаҳида маскан,  
Ҳахр аҳли жафосидин то кўрмагасен офат.

### (НОКАСГА ТАЪЗИМ АЙЛАМА)

Бўлса ҳар одам қаноат<sup>5</sup> нуридин равшанзамир,  
Ўлдурур иззат сипеҳри<sup>6</sup> авжида меҳри мунир<sup>7</sup>.

Чин тамаъ бирла агар оядинг биравдин бир дирам<sup>8</sup>,  
То қиёмат бегумон билгил онга бўлдинг асир.

Бир дирам ҳар кимга гар инъом<sup>9</sup> қилдинг, то абад  
Ўл саниянг маъмуринг<sup>10</sup> ўлди, сан онга бўлдинг амир<sup>14</sup>.

Жоҳ<sup>12</sup> учун оламда ҳар ноқасга<sup>13</sup> таъзим айлама,  
Истамас эрсанг агар жуҳҳоларо<sup>14</sup> бўлмоқ ҳақир<sup>15</sup>.

Обрўйинг<sup>16</sup> тўқма ҳар дам ҳар эшик туфроқиға,  
Топмасанг бағрингга тиш беркит, қуруғ ноҳи фатир.

<sup>1</sup>Сербоби мурод ўлмоқ — мурод-мақсадига етмоқ. <sup>2</sup>Этмиш халқ — яратилди, яратмиш, бино этмиш. <sup>3</sup>Осудалиг — тинчлик, хотиржамлик, осойишталик. <sup>4</sup>Фано — йўқ бўлиш, тугалиш, ўлиш, бақосизлик; ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сиғиш (тасаввуфда). <sup>5</sup>Қаноат — Ислом маданиятидаги асосий устунлардан бири; Аллоҳ берган ризқу рўз ва омадга рози бўлиб яшаш; камсуҳумлик, кам нарса билан қифолланиб, шукроналик билан ҳаёт кечириш. <sup>6</sup>Иззат сипеҳри — авизлик, қадрлилик осмони. <sup>7</sup>Меҳри мунир — меҳр—қўёш, офтоб; мунир — нур берувчи, ёритувчи, порлоқ. <sup>8</sup>Дирам — пул бирлиги. <sup>9</sup>Инъом — ҳада, совға. <sup>10</sup>Маъмуринг — амрингга тобеъ, сендан қарздор. <sup>11</sup>Амир — амр этувчи, ҳукмрон. <sup>12</sup>Жоҳ — мансаб, юқори даражали ўрин, амад, мартаба. <sup>13</sup>Ноқас — ярамас; паст, пастқаш, бахил. <sup>14</sup>Жуҳҳоларо — жоҳил, нодонлар орасида. <sup>15</sup>Ҳақир — тубан, паст, қадрсиз, зътиборсиз; кучсиз; қор. <sup>16</sup>Обрўй — асли, об — сув, рўй — юз сўзларидан тузилган бўлиб, унинг луғавий маъноси юзнинг суви демақдир.

Ҳожатингни иста ул соҳибкарам<sup>1</sup> даргоҳидин,  
Ким, онинг муҳтожидурлар ҳам ганию<sup>2</sup> ҳам фақир<sup>3</sup>.

Кўрмайин десанг ики олам аро афтодалиғ<sup>4</sup>,  
Бўл кўлингдин келгуча афтодаларға дастгир<sup>5</sup>.

Истасанг роҳат, улусдин гўша тутким, ҳар гадо  
Бордурур ўз кулбасида бир шаҳи соҳибсарир<sup>6</sup>.

Боглағил тоатға бел, майл этма эл таъзимига,  
Огаҳий, гар ҳаққа эрсанг бандайи фармонпазир<sup>8</sup>.

### (АЗИЗ ЎЛМОҚ ИСТАР ЭСАНГ)

Кишиким фақр кўйида талабқори қаноатдур,  
Замирига онинг макшуф<sup>9</sup> асрори қаноатдур.

Кудуроти<sup>10</sup> тамаъдин нуқта янглиғ тийралик кўрмас,  
Бировким, дилнишини<sup>11</sup> хатти паргори қаноатдур<sup>12</sup>.

Мазаллат<sup>13</sup> ўқларидин ул диловар бўлғуси эмин  
Ки, олам размгоҳида<sup>14</sup> сардори<sup>15</sup> қаноатдур.

Қуёшдек авжи иззатда қилур ул покдил маскан  
Ки, онинг тийнати<sup>16</sup> миръоти<sup>17</sup> анвори<sup>18</sup> қаноатдур.

Бу маҳфил ичра роҳат нашъасидин ком олур дойим,  
Кишиким, журъанўши<sup>19</sup> жоми саршори қаноатдур.

---

<sup>1</sup>Соҳибкарам — Худонинг сифатларидан бири: шафқатли, саҳий, марҳаматли. <sup>2</sup>Гани — бой, давлатманд киши. <sup>3</sup>Фақир — камбағал, йўқсил. <sup>4</sup>Афтода — йиқилган, дармонсиз, заиф, ташландик. <sup>5</sup>Дастгир — ёрдамчи, кўловчи. <sup>6</sup>Соҳибсарир — тахт эгаси, подшоҳ. <sup>7</sup>Тоат — итоат қилиш, бўйсунуш: тоат-ибодат, диний буйруқларни бажариш. <sup>8</sup>Фармонпазир — фармонни бажарувчи, бўйсунувчи. <sup>9</sup>Макшуф — очилган, кашф этилган; очик. <sup>10</sup>Кудурот — дил ғашлиги; ғусса, хиралик. <sup>11</sup>Дилнишин — дилга яқин, кўнглига ўрнашган (ёқиб тушган), маъкул. <sup>12</sup>Хатти паргор — паргор (циркуль) чизиги. Байт мазмуни: кимда-ким қаноат донрасида ўрин тутса; қаноат чизиги — чегарасидан четга чиқмаса, у тамаъ дилхиралигидан нуқтачалик ҳам дилсиёҳлик кўрмайди. <sup>13</sup>Мазаллат — хўрлик, хорлик, тубанлик, пастлик. <sup>14</sup>Размгоҳ — уруш, жанг майдони. <sup>15</sup>Сардор — бошлик, етакчи, йўлбошчи. <sup>16</sup>Тийнат — характер, хулқ, табиат, феъл, яратилиш. <sup>17</sup>Миръот — ойна, кўзгу; равшанлик, софлик, тиниқлик. <sup>18</sup>Анвор — нурлар, равшанликлар, ёруғликлар. <sup>19</sup>Журъанўш — ичувчи, қултум тотинувчи.



Етушкay тезроқ максуд сарҳаддига ул солиқ  
Ки, манзилгоҳи онинг авжи кўҳсори<sup>1</sup> қаноатдур.

Кўнгул<sup>2</sup>, ҳар кимсаниким ҳоксору дарбадар кўрсанг,  
Якин билгилким, ул, албатта, безори қаноатдур.

Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,  
Қаноат айлаким, ул рутба осори<sup>3</sup> қаноатдур.

Биҳамдиллаҳ<sup>4</sup> азизу комёбу комкор ўлмиш,  
Ҳамоғуш Огаҳийга теки дилдори қаноатдур.

#### (БАҲОР)

Уйла еткурди жаҳонга зийнату оро баҳор  
Ким, бори ер юзин этти жаннатул маъво баҳор.

Оби ҳайвондек сузук сув ҳар тараф айлаб равон,  
Қилди саҳроға тароват ўзгача пайдо баҳор.

Тоза жон еткурди сар-тосар<sup>5</sup> раёҳин<sup>6</sup> жисмига,  
Жонфизо<sup>7</sup> ел эстуруб ҳар ён масиҳосо<sup>8</sup> баҳор.

Очибон юз гулни, хуррам айлабон минг сарвини,  
Булбулу қумрини қилди волаву<sup>9</sup> шайдо баҳор.

Тебратиб ел бирла ҳар сори шажарлар<sup>10</sup> бошини,  
Элга имо қилди гулгашт<sup>11</sup> эткали саҳро баҳор.

Лола соқийси қўлига<sup>12</sup> берди рангин жомини<sup>13</sup>,  
Айшу ишрат аҳлин этмакка қадаҳпаймо<sup>14</sup> баҳор.

---

<sup>1</sup>Кўҳсор — тоғлик жойлар; кўҳсори қаноат—қаноат тоғи. <sup>2</sup>Кўнгул— лирик қаҳрамоннинг ўз-ўзига, шунингдек, газалхонга мурожаати. <sup>3</sup>Осор— асарлар, нишонлар, белгилар. <sup>4</sup>Биҳамдиллаҳ — худога шукур. Аллоҳга мақтовлар бўлсинким. <sup>5</sup>Сар-тосар — бошдан-оёқ, у бошидан бу бошигача. <sup>6</sup>Раёҳин — райҳон; ўсимликлар дунёси маъносиди. <sup>7</sup>Жонфизо — жонни қувватлантирувчи, жонга роҳат берувчи, оромижон, шодлантирувчи, ёқимли. <sup>8</sup>Масиҳосо — масиҳсифат, исосифат: диний адабиётда Масиҳ лақабли Исо пайғамбар ўз нафаси билан ўлганларни тириштириш, жон бағишлаш қобилиятига эга бўлган, дейилади. Бу ўринда Исо пайғамбарнинг хислати Баҳорга нисбат берилмоқда. <sup>9</sup>Вола — берилган, нафтул, ҳайратда қолган. <sup>10</sup>Шажар — дарахт. <sup>11</sup>Гулгашт — гулзор сайри. <sup>12</sup>Лола соқийси қўли — шоир лолани қадаҳга, унинг поясини эса соқийнинг қадаҳ ушлаган қўлига ўхшатаётир. <sup>13</sup>Рангин жом — рангдор, товланиб турадиган қадаҳ. <sup>14</sup>Қадаҳпаймо — май қуювчи, май тутувчи, косагул.

Келгил, эй гулчехра, бу фасл ичра сахро сайрига  
Ким, қилибдур дашту сахрони фараҳафзо<sup>1</sup> баҳор.

Гулшан ичра базм этиб, жоми тараб нўш айлали<sup>2</sup>  
Ким, ганиматдур неча кун, эй қади раъно, баҳор.

Огаҳийга қилма ҳамсуҳбат бўлурдин орким,  
Гул эмас бир лаҳза булбулдин жудо асло баҳор.

### (ДОНОЙИ ОЛИЙЖОҲЛАР)

Мулку миллатга эмин<sup>3</sup> ўлса агар огоҳлар<sup>4</sup>,  
Икки олам обрўйин ҳосил эткай шоҳлар.

Ваҳ нечук маҳкам бўлур ул шаҳга давлат қасриким,  
Бўлмаса аркони<sup>5</sup> онинг кўҳна давлатхоҳлар<sup>6</sup>.

Настҳиммат жоҳили навдавлат<sup>7</sup> ўлмас дастёр<sup>8</sup>  
Шаҳга лозимдур неча донойи олийжоҳлар<sup>9</sup>.

Мулк умурининг<sup>10</sup> низомин билгуси аҳли сипоҳ<sup>11</sup>,  
Не билур ассорлар<sup>12</sup>, атторлар<sup>13</sup>, жўлоҳлар.

Истама арзолдин<sup>14</sup> ашрофнинг<sup>15</sup> афъолини<sup>16</sup>  
Ким, қила олмас ҳизаб<sup>17</sup> эткан ишин рубоҳлар<sup>18</sup>.

Жоҳилу худбин жўра олмас ўзидин ўзгани,  
Лойиқи давлат эмастур ҳар назаркўтоҳлар<sup>19</sup>.

Сарф этиб эл молин, ўз нафси учун қилғой мудом,  
Зийнати току, турнубу, суффаву бингоҳлар.

<sup>1</sup>Фараҳафзо — фаровон, обод; роҳатбахш, нашъали. <sup>2</sup>Жоми тараб нўш айлали — хурсандчилик, хушчақчақлик маййдан ячайлик. <sup>3</sup>Эмин — амонда, тинч, хавфсиз. <sup>4</sup>Огоҳ — хабардор, хушёр. <sup>5</sup>Аркон — руждалар, устунлар, таянчлар. Аркони давлат — давлат таянчи, давлатнинг улуг кишидари. <sup>6</sup>Давлатхоҳ — хайрхоҳ, эзгулик истовчи, хушбахтлик талабгори. <sup>7</sup>Жоҳили навдавлат — эндигина давлатга эришган билимсиз, тажрибасиз киши; мансабу мол-давлатга эришган нодон киши. <sup>8</sup>Дастёр — ёрдамчи, кўмакчи, химоячи. <sup>9</sup>Олийжоҳ — олий даражали, улуг, юқори мартабали. <sup>10</sup>Умур — ишлар, воқеалар. <sup>11</sup>Сипоҳ — аскар, кўшин; амалдорлар. <sup>12</sup>Ассор — жувозкаш, ёғчи. <sup>13</sup>Аттор — упу-элик, турли дориворлар, хушбўй — нарсалар сотувчи. <sup>14</sup>Арзол — пасткаш, разил, тубан кишилар. <sup>15</sup>Ашроф — шараф ва эътибор эгалари, олий табақа. <sup>16</sup>Афъол — феъл-ҳаракатлар, ишлар, қилиқлар. <sup>17</sup>Ҳизаб — арслон, шер; маж. жасур одам. <sup>18</sup>Рубоҳ — тулки. <sup>19</sup>Назаркўтоҳ — калтабин, қисқа ўйловчи, кўзи тор кишилар.

Уйла давлатхонада<sup>1</sup> тургой нечук номуским,  
Бўлса соҳибихтиёр онда гулому доҳлар<sup>2</sup>.

Қолмоғой амният<sup>3</sup> осори агар топса ривож,  
Шаҳр аро овбошлар, бебоклар, бироҳлар.

Ғофил ўлса шаҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин,  
Бошга иш тушканда суд эрмас фиғону оҳлар.

Оғаҳий, қил шоҳи оғоҳинг дуойи давлатин  
Ки, онга аркони давлатдур ҳама оғоҳлар.

### (НАВРЎЗ)

Қилиб ойини меҳр оғоз наврўз,  
Келиб, қиш фаслин этти ёз наврўз.

Жаҳон сарго қадам<sup>4</sup> файзу сафода  
Бўлуб жаннатга таънандоз<sup>5</sup> наврўз.

Ҳама эл айш базмига қилиб майл,  
Тараб қонунин этти соз наврўз.

Ўзига ҳар киши борича имкон,  
Бериб юз зийнату пардоз наврўз.

Қилиб маъшуқлар ошиқларига  
Ғаҳи юз лутфу, гаҳ минг ноз наврўз.

Олиб ушшоқ ҳам маъшуқидин ком,  
Бўлуб ҳамсуҳбату ҳамроз<sup>6</sup> наврўз.

Бори эл харж этиб нақдини бўлди  
Тараб маҳбубига дамсоз наврўз.

Нишот асбобиға харж айлар элга,  
Жаҳон ганжи ҳам ўлса оз наврўз.

<sup>1</sup> Давлатхона — арк; боргоҳ, қаср, сарой. <sup>2</sup> Доҳ — қанизақ. <sup>3</sup> Ам-  
ният — тинчлик, омонлик. <sup>4</sup> Сарго қадам — бошдан-оёқ. <sup>5</sup> Таънандоз —  
таъна солувчи, таъна қилувчи; гўзалликда жаннатни доғда қолдирувчи.  
<sup>6</sup> Ҳамроз — сирдош.

Неча атноб<sup>1</sup> қилсанг айш васфни,  
Бўлур, эй Огаҳий, иъжоз<sup>2</sup> наврўз.

(ДЕГИЛ ИНСОНГА СЎЗ)

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз,  
Чунки ул инсон эмас, топсанг, дегил инсонга сўз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,  
Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

Ваҳ, на янглиғ билғуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини  
Ким, топар ҳаз<sup>3</sup> етса ул кунжораву сомонга сўз.

Сўзни мафҳум айламак<sup>4</sup> нофаҳмга<sup>5</sup> мушкулдур  
Ким, бўлуб сўз аҳли бағри қону ботгой қонга сўз.

Сангдил<sup>6</sup> жоҳилга тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,  
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ҳар хасосатшевага<sup>7</sup> сўзингни зоеъ қилмағил,  
Сўз демак гар истасанг, де соҳиби эҳсонга сўз.

Билмаган ўз қадрини, не билғуси сўз қадрини,  
Ҳайфдур доно демак нодону беирфонга<sup>8</sup> сўз.

Аҳмақ аҳли билмағай сўз ичра ўз беҳбудини<sup>9</sup>,  
Ўзига қилгай зарар, охир чекиб ҳазёнга<sup>10</sup> сўз.

Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидғаким<sup>11</sup>,  
Одаме маъкул эта олгой қачон шайтонга сўз.

Раҳм этиб сўз ҳолига жоҳилга они демагил  
Ким, бўлуб безор ондин келгуси афғонга<sup>12</sup> сўз.

Олам ичра борча ишдин қоттиғу душвордур,  
Огаҳий, маъкул қилмоқ беҳаё нодонга сўз.

---

<sup>1</sup>Атноб — арконлар, чилвирлар. <sup>2</sup>Иъжоз — мўъжиза кўрсатиш, ожиз қолдириш. <sup>3</sup>Ҳаз — роҳат, ҳаловат, лаззат; баҳра, шодлик. <sup>4</sup>Мафҳум ай-  
ламак — тушунтириш, тушунарли қилиш. <sup>5</sup>Нофаҳм — тушунмайдиган,  
фаҳм-фаросатсиз. <sup>6</sup>Сангдил — тошбағир. <sup>7</sup>Хасосатшева — хасис, кит-  
мир. <sup>8</sup>Беирфон — маърифатсиз. <sup>9</sup>Беҳбуд — яхшилик, соғломлик; фойда;  
нажот. <sup>10</sup>Ҳазён — беҳуда, бемаза гаплар; сафсата. <sup>11</sup>Ҳосид — ҳасадгўй,  
мунофиқ. <sup>12</sup>Афғон — фарёду фиғон.

(АҲЛИ ВАФО МАҲЗУН)

Хароб ўлсун, илохи, гунбази даввор<sup>1</sup>, чархи дун<sup>2</sup>  
Ки, дойим даври каждур<sup>3</sup>, таври<sup>4</sup> шуму, хайъати<sup>5</sup> вожун<sup>6</sup>.

Онинг кажравлиги<sup>7</sup> таъсиридиндур бу жаҳон ичра,  
Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун.

Бировким топса «ё» дек<sup>8</sup> тийнати кажлик<sup>9</sup> била тахмир<sup>10</sup>,  
Бўлур коми ўқи дойим мурод оможиға<sup>11</sup> мақрун<sup>12</sup>.

Бировким бўлса сидқу ростлиғ ичра «алиф» янглиғ,  
Қади бори меҳан<sup>13</sup> остида бўлғай ул сифатким, «нун»<sup>14</sup>.

Бировким бўлса хиссат пешаси, ҳукмин суруб элга,  
Жаҳон амволини йиғнар уйига ўйлаким Қорун.

Бировким аҳли ҳиммат бўлса, ғам кунжин мақом айлаб,  
Ҳамиша фақру фоқа<sup>15</sup> меҳнатидиндур юзи олтун<sup>16</sup>.

Бировким оғзидин чиқғай дамо-дам фаҳш ила дашно<sup>17</sup>,  
Эрур маскан онга айвони олий, қасри гуно-гун.

Бировким тоза мазмун байт фикр айлаб қолиб тузда<sup>18</sup>,  
Йиқуқ вайронда ёлғуз, боғридур юз ваҳм бирла хун.

Бировким сочса гар эл қасдиға бугзу<sup>19</sup> ҳасад захрин,  
Бўлур кун-кундин онинг умри бирла давлати афзун.

<sup>1</sup>Гунбази даввор — айланувчи гунбаз, ер курраси. <sup>2</sup>Чархи дун — тескари айланувчи, пасткаш фалак. <sup>3</sup>Даври каж — йўли эгри, айланиши кийшиқ. <sup>4</sup>Тавр — сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин, навъ; одат, қилиқ, адо, усул, тартиб. <sup>5</sup>Хайъат — шакл, сурат, кўрениш. <sup>6</sup>Вожун — тескари; чаппа; паст. <sup>7</sup>Кажравлик — эгри юриш. <sup>8</sup>«Е» дек — араб алифбосидаги «ё» харфи ҳамда отув қуроли, «ёй»нинг эгрилиги назарда тутилади. <sup>9</sup>Кажлик — эгрилик, кийшиқлик. <sup>10</sup>Тахмир — қориштириш, аралаштириш; ҳамир қилиш. <sup>11</sup>Омож — нишона, қора (ўқ отиб машқ қилиш учун қўйилган қора нишон тахтаси). <sup>12</sup>Мақрун — яқинлашган, яқин; қўшилган, ёндошган. <sup>13</sup>Бори меҳан — меҳнат, машаққат, заҳмат юки. <sup>14</sup>Байтдаги «алиф» ва «нун» араб алифбосидаги харф номилари бўлиб, адабий анъанага кўра, «алиф» тўғрилиқ ва тик қоматни, «нун» эса эгилган қад, эзидици, жафо чекишни ифодалашга хизмат қилган. <sup>15</sup>Фоқа — камбағаллик, фақирлик, муҳтожлик. <sup>16</sup>Олтун — юзнинг сарғайганига ишора. <sup>17</sup>Фаҳш ила дашно — ҳақорат ва сўкиш сўзлари. <sup>18</sup>Туз — дала. <sup>19</sup>Бугз — кек, душманлик.

Бировким берса гар амвотга<sup>1</sup> ҳар нуктаси юз жон,  
Ўлуб ҳасрат била бўлгой адам<sup>2</sup> туфроғида мадфун<sup>3</sup>.

Фано қасрига еткур, Огаҳий, жаҳд айлабон ўзни,  
Агар истар эсанг бўлмоқ жаҳон андуҳидин маъмун<sup>4</sup>.

(БЎЛМАСА БЎЛМАСУН, НЕТАЙ)

Ашкима гар канора<sup>5</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Оҳима ҳам шумора<sup>6</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳар дам улусга лутф ила боқғуси, қаҳр ила, вале  
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, вале маннинг  
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажр ила заъфим уйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға  
Шуъла била шарора<sup>7</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки, қошидин  
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйиға борсам, этғуси васлиға ваъда, ул доғи  
Бўдғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толеъи равшан ўзганинг лутфи куёши нуридин,  
Ман киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси<sup>8</sup> исиг хуяқиға меҳри ёри гарм,  
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим: «Ўлубдур Огаҳий!» ашки канорасиз, деди:  
«Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

<sup>1</sup>Амвот — ўликлар. <sup>2</sup>Адам — йўқлик. <sup>3</sup>Мадфун — дафн қилинган, кўмилган. <sup>4</sup>Маъмун — омонда, ҳимоя остидаги, ҳимояга олинган. <sup>5</sup>Канора — қирғоқ, чет, чегара. <sup>6</sup>Шумора — санок, ҳисоб, миқдор. <sup>7</sup>Шарора — учқун, аланга; тобланиш, ярқираш. <sup>8</sup>Ситора — юлдуз.

(ЧОЙ)

Токи базм ичра ҳарифи<sup>1</sup> лаъли<sup>2</sup> жонон ўлди чой,  
Жонфизолиғ<sup>3</sup> ичра рашки оби ҳайвон<sup>4</sup> ўлди чой.

Жонфизо таъму тарабангез<sup>5</sup> кайфият била,  
Жумлайи олам элига рохати жон ўлди чой.

Гўйиёким, чой эрур меҳри гияҳ<sup>6</sup>, йўкса, недин  
Ҳам гадо матлуби<sup>7</sup>, ҳам марғуби<sup>8</sup> султон ўлди чой.

Топти иззу<sup>9</sup> эътибор ул навъ офоқ<sup>10</sup> ичраким,  
Сар-басар мақбули аҳли куфру имон<sup>11</sup> ўлди чой.

Топса ҳар мажлис<sup>12</sup> хазон фасли киби афсурдалиқ<sup>13</sup>,  
Жилвагар ўлғоч, баҳоросо гулистон ўлди, чой.

Еткуси кўзларга юз нуру кўнгулларга сурур,  
Ҳар қачон чиний қадах ичра намоён ўлди чой.

Етса ҳар мушкул киши олдиға маъни фикрида,  
Ичкач ул мушқил онинг олида осон ўлди чой.

Хаста жонларга даво, бемор танларга шифо  
Бўлмаса, мунча недин машҳури даврон ўлди чой.

Эй ҳақим, эмди давое айламақдин фориг ўл  
Ким, бори беморлар дардиға дармон ўлди чой.

Гар будур хосияти, онинг жаҳон бозорида  
Юз дирам ҳам бўлса бир мисқоли, арзон ўлди чой.

Ушбу таъриф, Огаҳий, бас бўлғусидур чойға  
Ким, тарабафзойи базми ҳазрати хон ўлди чой.

<sup>1</sup> Ҳариф — ўрток, улфат. <sup>2</sup> Лаъл — манзурнинг лаъли лаби. <sup>3</sup> Жонфизолиғ — жонни қувватлантирувчилик, жонга рохат (ором) берувчилик. <sup>4</sup> Оби ҳайвон — ичган киши ўлмай, абадий яшайди деб ҳисобланган афсонавий сув, тириклик суви, ҳаёт суви. <sup>5</sup> Тарабангез — хурсандчилик бағишловчи, шодлантирувчи. <sup>6</sup> Меҳри гияҳ — баъзи тоғларда ўсадиган бир турли гиёҳ, айиқўти, кийиқўти (унинг томирини киши еса, бадани тозариб, ёқимли ва бошқа кишиларнинг меҳрини тортарлик ҳолга келади, деган афсона бор). <sup>7</sup> Матлуб — талаб этилган, орзу этилган, исталган нарса. <sup>8</sup> Марғуб — ёқимли, сеvimли, маъкул. <sup>9</sup> Изз — азизлик, иззат, қадр-қиймат. <sup>10</sup> Офоқ — уфқлар, дунё. <sup>11</sup> Аҳли куфру имон — Ислоҳ ва бошқа динга мансуб кишилар. <sup>12</sup> Мажлис — йиғилиш, тўпланиш, улфатлар тўдаси. <sup>13</sup> Афсурдалиқ — руҳсизланган, сўлгин, тушқун.

## МУСТАЗОД

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул  
бир ошиқи ҳайрон,  
дийдоринга шайдо,  
Бир шефтадур<sup>1</sup> кокули мушкинингга сунбул,  
ҳам ҳоли паришон,  
ҳам бошида савдо.  
Ҳам сарв қадинг жилвасини кўргали кумри  
ҳар дам чекибон оҳ,  
билкулл<sup>2</sup> борур ўздин,  
Ҳам гул юзинга маҳви жамол ўлғоли булбул  
тун-кун чекар афғон  
тинмай даме асло.  
То тушти фироқингга манинг ғамзада<sup>3</sup> кўнглум,  
ҳар лаҳза ёнодур  
юз дард ўти ичра,  
Эмди анго торторға даме сабру таҳаммул<sup>4</sup>  
йўқ, меҳнати<sup>5</sup> ҳижрон,  
рахм айла, нигоро.  
Фарёдки, ислом элини қатл қилурға  
мастона суруб от,  
андоқ қилич урдинг  
Ким, етти дами тийгинг ила қатлға билкулл  
мажмуъи мусулмон,  
эй кофири тарсо<sup>6</sup>!  
Чашми караминг пур ниғаҳи<sup>7</sup> қилғуси обод  
оламини саросар,  
недур бу ситамким,  
Чекмакни, дариг<sup>8</sup>, айламагунг тийғи тағофул<sup>9</sup>  
бўлса неча вайрон  
маъмурайи дунё<sup>10</sup>.  
Хуснингни тамошо қилибон, баҳра олулар  
кўзим била кўнглум  
бир-биридан афзун<sup>11</sup>,

<sup>1</sup>Шефта — берилган, ошиқ, мубтало. <sup>2</sup>Билкулл — батамом, бутунлай, тамоман. <sup>3</sup>Ғамзада — ғамгин, ғамдан зада бўлган. <sup>4</sup>Таҳаммул — тоқат, бардош, чидам. <sup>5</sup>Меҳнат — машаққат, азоб-уқубат. <sup>6</sup>Тарсо — христиан, насроний, исавий (Исо динидаги). <sup>7</sup>Чашми караминг пур ниғаҳи — марҳаматли назарингнинг фаровон қарашлари. <sup>8</sup>Дариг — афсус, аттайғ, эвоҳ. <sup>9</sup>Тағофул — англамай, гафлат остида иш тутуш; билиб, билмасликка солиш. <sup>10</sup>Маъмурайи дунё — дунё мулки, дунё ободончилиги. <sup>11</sup>Афзун — ортиқ, зиёда, кўп.



Зинҳорки, эмди ёзибон юз уза кокул,  
 айлаб они пинҳон,  
 манъ этма тамошо.  
**Манким**, эшикинг бандалари ожизидурман,  
 шукр этмак ишимдур  
 гар очу ва гар тўк,  
 Лутфингга қилурман бори ҳол ичра таваккул<sup>1</sup>  
 ё розиқи<sup>2</sup> маннон<sup>3</sup>,  
 сансан анго доно.  
 Ҳай-ҳай, не тароватлиғ эрур боғи жамолинг  
 ким, тергусидур гул  
 ондин ҳама олам,  
 Мундиндурур анвоъи<sup>4</sup> гулу лола била мўл  
 ҳам жайби гулистон<sup>5</sup>,  
 ҳам домани саҳро<sup>6</sup>,  
 Ҳажринг ғами заҳрини ичиб Огаҳийи зор  
 ўлмакка етибдур  
 комиға етушмай,  
 Қилма нафасе ҳолини сўрмоқда тааллул<sup>7</sup>,  
 эй Исойи даврон<sup>8</sup>,  
 қилғил ани ихё<sup>9</sup>.

## МУҲАММАС

### (РАФИҚЕ ТОПМАДИМ ОГОҲ)

Фалакким, яхшилар базмида қадримни баланд этмас,  
 Даме йўқким, ёмонлар мажмаида<sup>10</sup> мустамад<sup>11</sup> этмас.  
 Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд эмас,  
 Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд<sup>12</sup> этмас,  
 Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас<sup>13</sup>.

<sup>1</sup>Таваккул — умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ. <sup>2</sup>Розиқ — худонинг сифати: ризқ берувчи, тўйдирувчи. <sup>3</sup>Маннон — худонинг сифати: беҳад миннат юкловчи, чексиз яхшилик қилувчи, кечиргувчи, неъматбахш. <sup>4</sup>Анвоъ — навлар, хиллар; ҳар хил, турли-туман. <sup>5</sup>Жайби гулистон — гулистон бағри. <sup>6</sup>Домани саҳро — саҳро этаги. <sup>7</sup>Тааллул — баҳона излаш, иккиланиш, пайсалга солиш, сусткашлик қилиш. <sup>8</sup>Исойи даврон — Исо пайгамбарнинг ўлкани тирилтириш хислати назарда тутилган; ушбу ундалма шоҳга мурожаатни ҳам англатади. <sup>9</sup>Ихё — тирилтириш, жонлантириш. <sup>10</sup>Мажма — тўпланадиган жой; йиғин, тўда. <sup>11</sup>Мустамад — ғамли, қайғули, гирифтор; бечора, муҳтож. <sup>12</sup>Аржуманд — азиз, иззатли, қадрли, қийматли, хурматли, шарафли; мўтабар; донишманд, ақли. <sup>13</sup>Писанд этмак — маъқул қилмоқ, маъқулламоқ, ёқтирмоқ, тан оймоқ, эътироф этмоқ.

Фигонким, даҳри дун ичра рафике топмадим огаҳ,  
Қаён борсам, бўлурлар лўливашлар<sup>1</sup> ҳамдаму ҳамрах,  
Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топман биридин раҳ,  
На баҳра топгаман овдинки, мандин истагай баҳра,  
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд этмас.

Кўзи захри эа ҳар нечаким мойил мамотимға,  
Лаби шахди эди роғиб ўлумдин ҳам нажотимға,  
Бу дам восил эмон ул қотили исосифотимға,  
Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,  
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Чиқо олмай кўнгул ҳайрондур усру шоми фурқатдин,  
Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳи вуслатдин,  
Иложи бўлмаса, ул моҳваш хуршиди тальбатдин,  
Керакмас ой била кун шакликим, ҳусни малоҳатдин  
Ичим ул чок-чок этмас, танним бу банд-банд этмас.

Буқун чобуклар ичра йўқ эди ул шахсуворимким,  
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,  
Ғуборосо не тонг гар қолмаса сабру қароримким,  
Керак ўз чобуку қотилвашу мажнуншиоримким,  
Бузуқ кўнгулмдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгулни айлаб, эй солиқ, тааллуқ чиркидин тохир,  
Фано мулкига азм эт, беҳовотир айлабон хотир,  
Нечаким берса коминг айлабон меҳру вафо зоҳир,  
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунигға каманд этмас.

Саводи зулфини кўргач, юмор Огаҳий тун деб кўз,  
Юзига нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,  
Кўнгул, ҳайратда қолма, кўрмас они не учун деб кўз,  
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

### (ҚИТЪАЛАР)

Қаноат гўшасида ҳоқсор ўлмоқни одат қил,  
Агар етмак тиларсан меҳр янглиғ авжи иззатға.

<sup>1</sup> *Лўливаш* — лўли юзли. лўлига ўхшаган гўзал, шўх.

Тамаъ тарк айлабон элдин, этак хуршиддек чеккил  
Ки, то ўлтурмагайсан соядек хоки мазаллатга<sup>1</sup>.

Қаноат давлати боқидурур қонеъгаким<sup>2</sup>, ҳаргиз  
Муяссар бўлмагай томеъга<sup>3</sup> етмак ушбу давлатга.

Тамаъ идбори<sup>4</sup> томеъга тугонмас меҳнатедурким,  
Етушмак мумкин эрмас ўлгуча бир лаҳза роҳатга.

\* \* \*

Бори олам элининг шуму бадбахти ул одамдур  
Ки, бухлу<sup>5</sup>, хиссату, қибру ҳасад ондин бўлур воқеъ.

Агар жамъ айласа юз ганж хиссат бирла Қорундек,  
Яна эл молини айлар тамаъ, бўлмай анго қонеъ.

Ўзи худ<sup>6</sup> бермагай умрида бир муҳтожга бир нон,  
Берур элга<sup>7</sup> доғи бўлғой камоли саъй<sup>8</sup> ила монёъ.

Онингдек шумнинг дийдорини кўрмаслик авлодур  
Ки, онинг шомати кўрган кишини ҳам қилур зоеъ.

\* \* \*

Эй кўнгул, кимсаким сани севмас,  
Қоч, онинг теграсига айланма.

Ки насиҳат қилурда ўтканлар  
Дедилар: «Севмаганга суйканма».

\* \* \*

Ҳар киши душмани қадимининг  
Илтифотиға гар кўнгул боғлар,

Тездурким, ебон пушаймонлиғ,  
Бағрини ҳасрат ўтиға доғлар.

<sup>1</sup>Хоки мазаллат — хўрлик, хорлик, тубанлик, пастлик тупроғи. <sup>2</sup>Қонеъ — қаноатли киши, бориға рози бўлиб, ортиқча нарса истамовчи киши. <sup>3</sup>Томеъ — тамаъгир, бировдин бирор нарса умид қилувчи, бировнинг нарсасига кўз тикувчи. <sup>4</sup>Идбор — бахтсизлик, иши олдига босмаслик. <sup>5</sup>Бухл — бахиллик, курумсоқяк, хасисляк. Бирор неъматни ўзига ҳам, ўзгага ҳам раво кўрмаслик. <sup>6</sup>Худ — «хам» боғловчиси ўрнида қўлланган сўз. <sup>7</sup>Берур эл — бошқаларга неъмат улашадиган сахий кишилар. <sup>8</sup>Саъй — тиришиш, ҳаракат қилиш, уриниш.

\* \* \*

Кишиким, ямонлиғ эрур шеваси,  
Келур ҳар нафас бошиға юз бало.

Жалойи<sup>1</sup> ватан айлаб они фалак,  
Қилур гурбат<sup>2</sup> андуҳиға мубтало.

\* \* \*

Эй кўнгул, яхшилиғни қил пеша  
Ки, ямонлиғ эрур ямонға жазо.

Кимки тарк айласа ямонлиғни,  
Бўлур, албатта, яхшилиғға сазо<sup>3</sup>.

\* \* \*

Ҳар кишиким, ташқари қўйса қадам ўз ҳаддин,  
Етмайин мақсудиға, шармандайи олам бўлур...

Юз туман ранжу машаққат бирла оламдин бориб,  
Рўсиёху<sup>4</sup> музтарибҳол<sup>5</sup> охиратда ҳам бўлур.

\* \* \*

Кўнгулни боғлама номард ваъдасиға даме  
Ки, ваъдасида анинг бўлмағай вафо ҳаргиз.

Мулойим ўлма даме душмани қадимингға,  
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.

Тоши йилоннинг агар ҳар нечаки, нармдурур<sup>6</sup>  
Ва лек бўлмас ичи захридин жудо ҳаргиз.

\* \* \*

Агар жамъ ўлса учкун бир маконға,  
Бўлур, албатта, оташгоҳ<sup>7</sup> пайдо.

Ва гар ҳар соридин йиғналса қатра,  
Бўлур тадриж<sup>8</sup> ила тўфон<sup>9</sup> ҳувайдо<sup>10</sup>.

---

<sup>1</sup> Жало — ватанни ташлаб кетиш, кечиб кетиш, ватандан ажралиш, сурилиш. <sup>2</sup> Гурбат — ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик, ўз ватанидан узоқда қолиш. <sup>3</sup> Сазо — лойик, муносиб, сазовор. <sup>4</sup> Рўсиёз — юзи қора. <sup>5</sup> Музтарибҳол — изтиробда қолган, қарорсизланган, тинчсизланган, роҳатсизланган, хаяжондағи. <sup>6</sup> Нарм — мулойим, юмшоқ. <sup>7</sup> Оташгоҳ — ўтхона; улкан гулхан, ёнғин. <sup>8</sup> Тадриж — даражама-даража, аста-секин. <sup>9</sup> Тўфон — кучли сув тошқини. <sup>10</sup> Ҳувайдо — зоҳир, пайдо.

\* \* \*

Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок<sup>1</sup>,  
Анго йўл офатидин йўқтурур бок<sup>2</sup>.

\* \* \*

Кимсаким, бўлғай ямонлиғ пешаси,  
Хуни ноҳақ айламак<sup>3</sup> андешаси.

Бўлса қасди мулк вайрон айламак,  
Ҳолини элнинг паришон айламак.

Бўлубон ўз феъли бошига бало,  
Икки олам ичра бўлғай юзқаро.

Тангри қаҳрига бўлуб охир дучор,  
Ўлгуси итлар масаллик хору зор.

Ибрат ўлғай ҳоли одам аҳлига  
Демайин одамки, олам аҳлига.

\* \* \*

Эйки, замирингга сафо истасанг,  
Сайр қилу, қилма сабот<sup>4</sup> ихтиёр.

Негаки, тағйир топар оби соф,  
Дойим агар қилса чуқурда қарор<sup>5</sup>.

Кўрки, қуёш чобукини<sup>6</sup> сайридин,  
Ҳар кун очар чарх уза равшан узор<sup>7</sup>.

### (РУБОИЙЁТ)

Қилмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,  
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,  
Гар асли ёмонга яхшилиқ минг қилсанг,  
Яхшилиқ оқинг нияти билкулл бўлмас.

<sup>1</sup>Марди чолок — тетик, илдам, чакқон эркак киши; мард, танга илдам. <sup>2</sup>Бок — кўрқув, хавф; зарар. <sup>3</sup>Хуни ноҳақ айламак — ноҳақ қон суқмоқ. <sup>4</sup>Сабот — барқарорлик, мақкам туриш; турғунлик; доимий бир ерда яшаш. <sup>5</sup>Дойим бир ерда турган тоза, покиза сув айниди. <sup>6</sup>Чобуқ — чакқон, тез, илдам чавандоз. <sup>7</sup>Узор — юз, бет, чехра.

\* \* \*

Ул навъ совуқ бўлди фаровон бу киш  
Ким, ўлди тўнғуб<sup>1</sup> одаму ҳайвон бу киш.  
Бўлди аносидин янгидин туққондек,  
Ҳар кимки, амон соқлади гар жон бу киш.

\* \* \*

Ё раб, мани нафс бандидин айла халос,  
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос,  
Ҳар ишда писандингни манга рўзи эт,  
Олам элининг писандидин айла халос.

\* \* \*

Еткурди сафо ер юзига фасли баҳор,  
Очилди гулу, лолаву насрин<sup>2</sup> бисёр,  
Келгилки, чаманлар ичра базм тузуб,  
Нўш айлагали тараб майини, эй ёр.

\* \* \*

Бадтийнат улус<sup>3</sup> бум<sup>4</sup> киби шумдурур,  
Тарбият ангаким этса, мазмумдурур<sup>5</sup>,  
Заққум ниҳоли<sup>6</sup> ичса гар оби ҳаёт,  
Охир беражак меваси заққумдурур<sup>7</sup>.

\* \* \*

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,  
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас.  
Ҳар нечаки чекса туну кун оҳу фиғон,  
Билгилки, жамоли ёрға ошиқ эмас.

\* \* \*

Эй ёр, даме ҳоли паришонима бок,  
Сориғ юзиму дийдаи гирёнима бок,  
Ҳар кеча фалак хирманини куйдирган  
Оҳим ўтию, шўълайи афғонима бок.

---

<sup>1</sup>Тўнғмоқ — совқотмоқ, музламоқ. <sup>2</sup>Насрин — оқ очиладиган бир хил гул. <sup>3</sup>Бадтийнат улус — ёвуз феълли, ёмон хулқли кишилар. <sup>4</sup>Бум — бойбўғли, бойқуш, бўмқуш. <sup>5</sup>Мазмум — ёмонотлик бўлган, нафратга учираган. <sup>6</sup>Заққум ниҳоли — меваси жуда аччиқ бир дарахт. <sup>7</sup>Заққум — захар, оғу.

\* \* \*

Ул навъ манго жавру жафо қилди совук,  
Ким, ожиз ўлуб етмишам ўлмакка ёвук,  
Чора анго ўт ёқиб емак ёғли палов,  
Гўшт ўлса анго семиз қўзи, йўкса, товук.

\* \* \*

Эй, барча кунинг айш ила наврўз ўлсун,  
Хам тоза йилинг саодатандуз ўлсун,  
Хуршид киби мартабайи иқболинг  
Тадриж била баланду фируз ўлсун.

## ОГОҲНОМА<sup>1</sup>

(Қасида)

Аё, хусрави<sup>2</sup> маъдалатдастгоҳ<sup>3</sup>,  
Нажобат<sup>4</sup> сипеҳрида<sup>5</sup> рахшанда<sup>6</sup> моҳ<sup>7</sup>.

Шаҳаншаҳлик ўлсун муборак санго,  
Мададкор тангри таборак<sup>8</sup> санго.

Бўлуб лутфи ҳақ дойимо носиринг<sup>9</sup>,  
Малул<sup>10</sup> ўлмасун бир нафас хотиринг.

Замирингни<sup>11</sup> сабр айлабон шод тут,  
Бори кулфату ғамдин озод тут.

Ато сўгидин<sup>12</sup> бўлма андуҳгин<sup>13</sup>,  
Кўнгулни бу ғам бирла қилма ҳазин.

Агарчи бу ғам асру<sup>14</sup> душвордур,  
Вале чеккали банда ночордур.

Қилиб сабр бирла сукун<sup>15</sup> ошкор,  
Бори ҳолда сабр қил ихтиёр.

<sup>1</sup>Ушбу қасида Муҳаммад Раҳимқони соний Ферузнинг Хева хонлиги тахтига кўтариллишини габриклаб ёзилган. <sup>2</sup>Хусрав — подшоҳ, ҳукмдор. <sup>3</sup>Маъдалатдастгоҳ — адолатпарвар. <sup>4</sup>Нажобат — гўзаллик, баркамоллик, олижаноблик. <sup>5</sup>Сипеҳр — осмон. <sup>6</sup>Рахшанда — шорлоқ, ёруғ. <sup>7</sup>Моҳ — ой. <sup>8</sup>Таборак — Аллоҳнинг лақабларидан бири; Қуръон сураларидан бирининг номи. <sup>9</sup>Носир — ёрдам берувчи, мададкор. <sup>10</sup>Малул — малолланган; қайғули, ғамгин, хафа. <sup>11</sup>Замир — ич, юрак кўнгили, дил. <sup>12</sup>Сўг — мотам, аза, мусибат, ўлим. <sup>13</sup>Андуҳгин — ғамли, аламли. <sup>14</sup>Асру — жуда кўп, бениҳоя, гоят. <sup>15</sup>Сукун — осойишталик.

Эшит бу хазин бандадин<sup>1</sup> маърифат  
Ки, дегум неча манфаатлик нукат<sup>2</sup>.

Ки, то қилди мавжуд оламни ҳақ<sup>3</sup>,  
Яратди бари хайли<sup>4</sup> одамни ҳақ,

Аларга қилиб ер юзини макон,  
Неча навъ неъматлар этди аён.

Тузарга алар ичра расми низом<sup>5</sup>  
Низом этгали адл бирла тамом,

Жаҳон ичра халқ айлади<sup>6</sup> шоҳлар,  
Қавиқудрату<sup>7</sup> соҳиби жоҳлар<sup>8</sup>.

Қилиб баъзи лутфу карам ошкор,  
Вале баъзи зулму ситам ихтиёр.

Етиб баъзидин элга роҳат басы,  
Вале баъзидин ранжу меҳнат басы.

Бўлуб баъзи таҳсини раҳматга тўш<sup>9</sup>,  
Вале баъзи нафрину<sup>10</sup> лаънатга тўш.

Қилиб салтанат<sup>11</sup> барча ўз комича,  
Суруб ҳукмини кўнгли оромича<sup>12</sup>.

Агар яхши эрди ва гар худ<sup>13</sup> ямон,  
Ер остида бўлди бориси ниҳон<sup>14</sup>.

На қолди аларнинг баридин асар,  
На бўлди бирининг ишидин хабар.

Бариси кўруб чархи дундин<sup>15</sup> ситам,  
Адам<sup>16</sup> сори ночор кўйди қадам.

<sup>1</sup>Хазин банда — шоир дардчил ўзлигини шундай ифода билан аниқлаётган. <sup>2</sup>Нука — «нуқта»нинг кўплиги, нозик ва ҳикматли гаплар.  
<sup>3</sup>Ҳақ — Аллоҳ, яратувчи назарда тутилади. <sup>4</sup>Хайл — жамоа, гўда, гуруҳ.  
<sup>5</sup>Расми низом — яшаш тартиб-интизоми, қонун-қоидалари. <sup>6</sup>Халқ айлади — яратди, вужудга келтирди. <sup>7</sup>Қавиқудрат — кучли, қувватли.  
<sup>8</sup>Соҳиби жоҳлар — мансаб, мулк, давлат эгалари. <sup>9</sup>Тўш — томон, тараф; рўпара.  
<sup>10</sup>Нафрин — нафрат, лаънат, ҳақорат. <sup>11</sup>Салтанат — султонлик, подшоҳлик, ҳукмронлик. <sup>12</sup>Кўнгли оромича — кўнгли хоҳиши, ҳузур, иштиёқи.  
<sup>13</sup>Худ — ёки, ёхуд. <sup>14</sup>Ниҳон — яшири, беркитилган. <sup>15</sup>Чархи дун — пасткаш фалак, ярамас дунё. <sup>16</sup>Адам — йўқлик.



Будур, дойимо чархи золим иши  
Ки, зулмидин асло кутулмас киши.

Қани ул салотини<sup>1</sup> олиймакон  
Ки, ер юзига эрдилар хукмрон?

Қани жумла аждоди обо<sup>2</sup> санго  
Ки, қилгай вафо ушбу дунё санго?

Қани Қалчидайхони жамдастгоҳ<sup>3</sup>  
Ки, Қўнғирот элига эди подшоҳ?

Қани ул Қадонхони олийтабор<sup>4</sup>  
Ки, топмиш эди иззату эътибор?

Қани хони соҳибкарам Салжидой  
Ки, эрди жанобида шахлар гадой?

Яна хони одил Жойилхон қани?  
Адолат била хукм қилгон қани?

Қани ул Мункахони соҳибнигин<sup>5</sup>  
Ки, эрди ҳукуматда маснаднишин<sup>6</sup>.

Қани хони соҳибқирони Арслон  
Ки, оллида қоплон эди нотавон<sup>7</sup>.

Қани дунявиёни<sup>8</sup> соҳибҳашам<sup>9</sup>  
Ки, эрди адолат била муҳтарам?

Шаҳи хукмрон турки омил қани?  
Ҳукумат русумида<sup>10</sup> комил қани?

Қани хони олам Таним Кўрагон  
Ки, берди қизин онга Чингизхон?

<sup>1</sup>Салотин — султонлар. <sup>2</sup>Обо — оталар. <sup>3</sup>Жамдастгоҳ — мустаҳкам ва қаттиққўл хукмронлик. <sup>4</sup>Олийтабор — олийнасаб, аслзода, улуғвор. <sup>5</sup>Соҳибнигин — мухрли узукка эга бўлган подшоҳ. <sup>6</sup>Маснаднишин — мансабдор, улуғ мартаба эгаси. <sup>7</sup>Нотавон — кучсиз, заиф. <sup>8</sup>Дунявиён — дунёдорлар, жаҳонгирлар, моддий дунёга дахлдор кишилар. <sup>9</sup>Соҳибҳашам — ҳашам, зеб-зийнат, кўрк, гўзаллик эгалари. <sup>10</sup>Ҳукумат русуми — давлат ва бошқариларнинг тартиб-қоидалари, тадбиркорлиги.

Шаҳи соҳибқболи Мусо қани,  
Киёв қилмиш эрди Ҳалоку ани.

Қани ҳокими даҳр Нуён нуғой.  
Ки, эрди жаҳон мулкида кадхудой<sup>1</sup>?

Амири Баҳодир Оғодой қани  
Ки, қўрқар эди шер кўрса ани?

Қани ул Нуғдойбийи номдор  
Ки, эрди ҳукумат аро комкор<sup>2</sup>?

Қаён кетди Ҳорунки, Мирзо эди  
Ки, лаббайк олида гардун деди.

Темурбий қаён борди турмай равон  
Ки, аъдо<sup>3</sup> аро солмиш эрди қирон.

Бийи соҳибқбол Қутлуқ қани  
Ки, оллида қул эрди чархи дани.

Баҳодир лақаб Мирмунглиш қани  
Ки, умрида қилгон ғазот иш қани?

Қаён борди Мусобийи муҳтарам  
Ки, аъдо сари чекмиш эрди ҳашам.

Қани ул баҳодирки, Оқмон эди  
Ки, тийғи адусиға буррон<sup>4</sup> эди.

Қани даҳр аро Ҳақназар сиртлон  
Ки, ҳукми эди олам ичра равон.

Фалакрутба Оллоқ баҳодир қани  
Аморат умурида<sup>5</sup> нодир қани?

Қани Мирзобундоши покбоз<sup>6</sup>  
Ки, эрди иши ҳақға ажзу ниёз<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup>Кадхудой — ҳукмрон, подшоҳ. <sup>2</sup>Комкор — бахтли, қудратли; баҳраманд. <sup>3</sup>Аъдо — душманлар. <sup>4</sup>Буррон — кескир. <sup>5</sup>Аморат умури — амирлик ишлари, давлат бошқариш юмушлари. <sup>6</sup>Покбоз — Аллоҳга садоқатли ошиқ, чин ошиқ, ҳалол ошиқ. <sup>7</sup>Ҳақға ажзу ниёз — Аллоҳга ожибилан ёлвориш, итоат, ибодат қилиш.

Қани осмонқадр Умбой иноқ  
Ки, ҳимматда даврон аро эрди тоқ.

Қаён борди Сайид иноқи замон  
Ки, эрди адолатда Нўширавон?  
Одина Муҳаммад оталиқ қани  
Ки, бахт айламиш эрди ҳоким ани?

Қани Эшмуҳаммадбийи Комрон  
Ки, чокар<sup>1</sup> анго эрди аҳли жаҳон?

Қани ул иноқи Муҳаммад Амин  
Ки, Хевақ аро эрди маснаднишин?

Қани мири одил Авазбий иноқ  
Ки, лутфу ато эрди бошдин оёқ.

Қани хони олиймакон Элтузар  
Ки, бошиға қўймиш эди тожи зар?

Қани шоҳи олам Муҳаммад Раҳим  
Ки, афлокка қаҳридин эрди бийм<sup>2</sup>?

Қаён борди Оллоқули подшоҳ  
Ки, очмиш эди мулк тортиб сипоҳ?

Шаҳаншоҳи доно Раҳимқул қани  
Ки, адли карам эрди фикру фани?

Қани даҳр шоҳи Муҳаммад Амин  
Ки, офоқ анго эрди зери нигин<sup>3</sup>?

Қани соҳиби адл Абдуллоҳон  
Ки, ҳукми эди барча элга равон?

Қани, хусрави даҳр Қутлуғмурод  
Ки, қилмиш эди неча кун адлу дод?<sup>4</sup>

---

<sup>1</sup>Чокар — хизматкор. <sup>2</sup>Бийм — қўрқув, ваҳима, хавф. <sup>3</sup>Зери нигин — ҳақ остида, тахти тасарруфида. <sup>4</sup>Адлу дод — адолат, инсоф.

Фалак барчасин номурод<sup>1</sup> айлади,  
Барисиға зулмин зиёд айлади.

Кани каъбайи қиблагоҳинг санинг  
Ки, эрди шафику паноҳинг санинг?

Эди қахридин музтариб<sup>2</sup> осмон,  
Кафу жавфидин мунфаил баҳру кон<sup>3</sup>.

Олур чоғи илкига тийғу табар<sup>4</sup>  
Эди ожиз ўтрусиди<sup>5</sup> шери нар<sup>6</sup>.

Ани ҳам қилиб ожизу нотавон,  
Адам кишвари<sup>7</sup> сори қилди равон.

Киши шоҳ бўлсун ва ёхуд гадо,  
Кутулмоқ фалак зулмидин йўқ анго.

Фалак золи асру жафокор эрур,  
Фусунсозу маккору гаддор эрур.

Юзида йўқ асло ҳаёдин асар,  
Кўзида йўқ асло вафодин хабар.

Ҳаёсиздин асло вафо истама,  
Вафосиздин асло ҳаё истама.

Улусға етурмак ситамдур фани,  
Эрурлар забуни фақиру гани.

Биров гар муродин топиб бўлса шод,  
Муроди онинг айламак номурод.

Бировга мақом ўлса гар авжи бахт,  
Онинг қасди урмоқ они ерга сахт.

Биров топса пуржомдин<sup>8</sup> комини,  
Ситам тошидин синдурур жомини.

---

<sup>1</sup>Номурод — истагига етолмаган, маҳрум, бебаҳра; ночор, ноилож.  
<sup>2</sup>Музтариб — изтиробли. <sup>3</sup>Мазкур мисрада: «Кўли очиқлигидан дуру жа-  
воҳирлар макони — денгиз ҳам, кон ҳам хижолат» деган маъно мужас-  
сам. <sup>4</sup>Табар — баят. <sup>5</sup>Ўтрусиди — рўпараси, қаршиси. <sup>6</sup>Шери нар — эркак  
арслон. <sup>7</sup>Адам кишвари — йўқлик мамлақати. <sup>8</sup>Пуржом — ҳаётнинг  
тўлиқ, фаровон қадаҳи маъносиди.

Биров нўши иқболдин топса баҳр,  
Берур жоми идбордин<sup>1</sup> онга захр.

Бировда агар кўрса суру<sup>2</sup> сурур,  
Қилур они матом аро носабур<sup>3</sup>.

Маалқисса<sup>4</sup>, оламда яхши-ямон  
Жафосидин онинг қутулмас амон.

Магар ул киши ондин эминдурур  
Ки, дайри фано ичра сокиндурур.

Тутуб тенг жаҳон буду нобудини<sup>5</sup>,  
Зиён бирла фарқ айламас судини.

Бугун, подшоҳо, санга салтанат  
Берибдур худо кўргузуб марҳамат.

Агарчи бу иш бас оғир юкдурур,  
Ғаму меҳнати неча турлукдурур.  
Ўзунгни бу юк чеккали чоғлагил,  
Камар белга ҳиммат била боғлагил.

Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,  
Жалодатшиору далерона бўл.

Бу ишнинг камолига толиб эсанг,  
Анинг боиси не экандур, десанг,

Дегай бир-бир они бу ошуфтаҳол,  
Топар салтанат неча ишдин камол

Ки, ҳиммат биридур, шижоат бири,  
Адолат биридур, сиёсат бири.

Жалодат<sup>6</sup> бири, бири ғайратдурур,  
Саховат бири, бири иффатдурур.

Бири ҳилм<sup>7</sup> келди, бириси ҳаё,  
Бири ваъдаға айламаклик вафо.

<sup>1</sup>Идбор — бахтсизлик. <sup>2</sup>Сур — тўй, базм, шодлик йиғини. <sup>3</sup>Носабур — сабрсиз, чиндамсиз. <sup>4</sup>Маалқисса — гапнинг қисқаси, хулоса-шуки. <sup>5</sup>Буду нобуди — бору йўғи. <sup>6</sup>Жалодат — мардлик, ботирлик, дадиллик, жасоратлик, чаққонлик. <sup>7</sup>Ҳилм — юмшоқтабиатлик, ювошлик.

Футувват<sup>1</sup> бири, соф нийят бири,  
Мурувват бирию ҳамийят бири.

Бири шаръ<sup>2</sup> ҳукмига бермак ривож,  
Бири куфр дардига қилмоқ илож.

Биридур вуқуф<sup>3</sup> ўғрилар ҳолидин,  
Алар илкени кесмак эл молидин.

Бири келди бўлмоқ раиятнавоз<sup>4</sup>,  
Масокину<sup>5</sup> мазлумга чорасоз.

Бири тарбият бирла қилмоқ азим  
Аларники, дур некхоҳи<sup>6</sup> қадим.

Бириси сипаҳ<sup>7</sup> кўнглин олмоқдурур,  
Карам доми<sup>8</sup> бўйнига солмоқдурур.

Булардин етар салтанатга низом,  
Буларсиз ул иш топмас асло тамом.

Яна неча иш салтанатга завол,  
Етургуси, сургум алардин мақол.

Ки, ғафлат бири келди, ширкат<sup>9</sup> бири,  
Қаҳолат<sup>10</sup> бирию, касолат<sup>11</sup> бири.

Бириси шариатдин этмак удул<sup>12</sup>,  
Бири дод сўрмоқдин ўлмоқ малул.

Бири жаҳл саҳбосидин мастлик,  
Бири доми шаҳватга побастлик.

Бири фисқи бидъатга бермак ризо,  
Бири жаври зулм айламак иқтизо<sup>13</sup>.

---

<sup>1</sup>Футувват — жавонмардлик, олижаноблик; карам, саховат. <sup>2</sup>Шаръ — шариат. <sup>3</sup>Вуқуф — воқифлик, хабардорлик, бохабарлик. <sup>4</sup>Раиятнавоз — халқпарварлик, элсеварлик. <sup>5</sup>Масокин — мискин, бечора. <sup>6</sup>Некхоҳ — хайрхоҳ, эзгулик истовчи, яхшилик орзуманди. <sup>7</sup>Сипаҳ — аскар, лашкар. <sup>8</sup>Карам доми — меҳр, мурувват, сийлов сиртмоғи. <sup>9</sup>Ширкат — шериклик, бирор ишда биргалик; бир нечта худо бор деб эътиқод қилиш, худони шерикдор ҳисоблаш. <sup>10</sup>Қаҳолат — қартайлиқ, заифлик. <sup>11</sup>Қасолат — сустлик, бўшашганлик, ланжлик, ялқовлик. <sup>12</sup>Удул — йўлдан чиқиш, қайтиш, чекиниш. <sup>13</sup>Иқтизо — тақозо, талаб, истак, эҳтиёж, зарурат.

Бири айлабон майли имсоки<sup>1</sup> мол,  
Сипах аҳлини тутмоқ ошуфтаҳол.

Бири келди идмони айшу тараб<sup>2</sup>  
Бири келди йитони лаҳву лааб<sup>3</sup>.

Бири мулкдин беҳабарликдурур  
Ки, шаҳларға бу иш хатарликдурур.

Бири иззат аҳлини хор айламак,  
Улус ичра безътибор айламак.

Бири қилмоқ авбошға тарбият  
Бериб мансаб этмак анго тақвият<sup>4</sup>.

Бири қурби<sup>5</sup> ҳуссоди<sup>6</sup> ғаммоз<sup>7</sup> эрур  
Ки, қурби аларнинг зарарлар берур.

Бу сўзларником, ман баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.

Буларға қаю<sup>8</sup> шаҳки қилса амал,  
Анинг мулкига етмас асло халал.

Ҳукумат биноси бўлуб устивор,  
Анинг хонадониди тутғай қарор.

Шаҳо, олам ичра бугун шохсен,  
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.

Умидим будурким, амал қилғасен,  
Амал айламакда жадал қилғасен.

Илоҳи, жаҳон борица бор бўл,  
Ҳам иқболи давлат била ёр бўл.

---

<sup>1</sup>Имсок — ушлаш, сақлаш, тийиш, сақланиш, тийилиш, бахиллик.  
<sup>2</sup>Идмони айшу тараб — айш-ишратни муттасил такрорлаш. <sup>3</sup>Йитони — лаҳву лааб — ўйин-кулги, найрангбозлик, кўнгил очишга берилиш. <sup>4</sup>Тақвият — қувватлаш, қувват бериш, ёрдам бериш. <sup>5</sup>Қурб — яқинлик, яқин бўлиш. <sup>6</sup>Ҳуссод — хасадчилар, бировнинг борлигини, ютуғини кўролмайдиганлар. <sup>7</sup>Ғаммоз — сир очувчи, чакимчи, сотқин. <sup>8</sup>Қаю — қайси.

Кўруб базли<sup>1</sup> лутфинг хавоси<sup>2</sup> авом<sup>3</sup>  
Ҳама бўлсун осудаю шодком.

Алар ичра ушбу фақир Огаҳинг,  
Демай Огаҳингким, губори раҳинг.

Ҳам эҳсони лутфингдин обод ўлуб,  
Ҳам инъоми базлинг била шод ўлуб.

Тутуб ўз муроди била гўшае,  
Риёзатдин<sup>4</sup> анжом этиб<sup>5</sup> тўшае<sup>6</sup>.

Дуонг айламакка фароғат била,  
Мудом айласун унс<sup>7</sup> хилват била.

Фақирингки, ожиз эрурман басе,  
Таним нотавондур нечукким хасе.

#### САЪДИЙНИНГ «ГУЛИСТОН» АСАРИДАН ОГАҲИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

##### Сухбат одоби зикрида

Ҳикоят. Баданимда либосим остида бир пинҳон ярам бор эрди. Шайх, раҳматуллоҳи алайх<sup>8</sup>, ҳар кун сўрар эрди ва қайси узвимда эрканин сўрамас эрди. Андин ихтироз<sup>9</sup> этар эрдиким, ҳар узви зикр этмак раво эрмастурур. Хирадмандлар<sup>10</sup> дебдурларким, ҳар кишининг саволидин ранжида бўлсалар, жавобидин ранжида бўлурлар. Байт:

То ростлигин билмас эсанг сўзнинг агар хўб,  
Айтурға ҳамул сўзни оғиз очмағил асло.

Насихат. Мол умр осойиши учундир, умр мол жамъ этмак учун эрмастурур.

Бир оқилдин сўрдиларким: «Некбахт кимдур ва бадбахт кимдур?» Ул оқил киши деди: «Некбахт улдурким, еди ва бағишлади ва бадбахт улдурким, ўлди ва ташлади». Байт:

---

<sup>1</sup>Базл — инъом, эҳсон, ҳадя, бахшиш, саҳийлик. <sup>2</sup>Хавос — подшоҳ яқинлари, улуғ зотлар, хос кишилар. <sup>3</sup>Авом — умум, омма, оломон, халқ, оддий кишилар. <sup>4</sup>Риёзат — нафс истаган нарсалардан тортиниб, ўзини қийнаш; азоб, машаққат тортиш. <sup>5</sup>Анжом этмоқ — яратмоқ, бино қилмоқ. <sup>6</sup>Тўша — озиқ-овқат, йўл озиғи. <sup>7</sup>Унс — яқинлик, улфатлик, чин дўстлик. <sup>8</sup>Раҳматуллоҳи алайх — ҳудо раҳмат қилгур. <sup>9</sup>Ихтироз — эҳтиёжланиш. <sup>10</sup>Хирадманд — ақлли, доно



Намоз андоқ кишига қилма зинҳор,  
Ки кўб мол этти жамъу қилмади хайр.

**Ҳикоят.** Мусо алайҳиссалом Қорунга панд ва насихат этдиким, ҳақ таоло сенга кўб мол эҳсон этди. Сен доғи халқга андоқ эҳсон эт. Бу насихатни Қорун қабул кулоқи билан эшитмай, инод<sup>1</sup> зоҳир этди. Эшитдингким, анинг охири не ерга етди. Байт:

Агар нафъ истасанг молу дирамдин<sup>2</sup>,  
Халойикга худой учун карам<sup>3</sup> қил.

**Ҳикмат.** Араб айтурким: «Эъта ва ло тамнун фианчал-фондата илайка оидатун», яъни «Ато қил ва миннат қилма, бас онинг фойдаси санга етишгай». Қитъа:

Чу экдинг дарахти карам, эй карим,  
Боши чархдин ўтди, топиб камол.  
Агар бар<sup>4</sup> емак истасанг, қилмағил,  
Анго теша миннатдин урмоқ хаёл.

**Ҳикмат:** Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй<sup>5</sup> зуҳурга<sup>6</sup> еткурдилар. Бири улким, кўб мол йиғнади ва емади. Яна бири улким, кўб илм ўрганди ва амал қилмади. Маснавий:

Илм аро гар воҳиди давронсан<sup>7</sup>,  
Амалинг бўлмас эрса, нодонсан.  
Топмоғунг дониш аҳли ичра ҳисоб,  
Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб.  
Бўлмағай ҳаргиз ул эшакга хабар  
Ўтун устида ё эрур дафтар.

Илмни ўрганмак... дунё учун, неъматин емакга васила<sup>8</sup> ва равиш қилмоқ<sup>9</sup> учун эрмастурур. Байт:

Илм сотмоқга кимки юз урди,  
Жамъ этиб хирман ўтга куйдурди.

**Ҳикмат.** Парҳезгор<sup>10</sup> бўлмаган олим машъаладор бўлгон кўрдур. Ўзгани йўлга солур ва ўзи йўлдин қолур. Байт:

---

<sup>1</sup>Инод — ўжарлик, бўйин товлаш, саркашлик. <sup>2</sup>Дирам — дирҳам, кумуш танга. <sup>3</sup>Карам — яхшилик, эҳсон, сахийлик, марҳамат. <sup>4</sup>Бар — мева. <sup>5</sup>Саъй — тиришиш, ҳаракат қилиш, уриниш. <sup>6</sup>Зуҳур — зоҳир бўлиш, кўриниш, пайдо бўлиш. <sup>7</sup>Воҳиди даврон — давр яғонаси. <sup>8</sup>Васила — восита, сабаб, баҳона. <sup>9</sup>Равиш қилмоқ — йўл топмоқ. <sup>10</sup>Парҳезгор — баднафсликдан, ёмон ишлардан ўзини сақлайдиган, ўзини қузатадиган, тергайдиган инсонлар, солиҳ, порсо, покдоман, тақводор.

Илмдин ҳар кишики олмади ком,  
Бир матоъ олмай этди зарни тамом.

**Ҳикмат.** Подшоҳлар хирадмандлар насихатиға хирад-  
мандлар подшоҳлар насихатиға муҳтож бўлгонидин зиё-  
дароқ муҳтождурлар. Қитъа:

Панд эшитсанг агар, эй подшоҳ,  
Жуз бу сўз ўзга нима бил, панд эмас.  
Кимки хирадманд, анга бергил амал,  
Гарчи амал кори хирадманд эмас.

**Ҳикмат.** Уч нимарса уч нимарсасиз пойдор қолмағуси-  
дурур: мол тижорағсиз, илм баҳссиз ва мулк-мамлакат сиё-  
сатсиз. Байт:

Гоҳ қаҳр этмак керакдур, гоҳ лутф,  
Гоҳ меҳр этмак керакдур, гоҳ итоб<sup>1</sup>.

**Панд.** Жон бақоси бир дамнинг ҳимояти паноҳидадур  
ва дунё вужуди икки адамнинг<sup>2</sup> саройи орасидадур...  
Душман сўзи била дўст паймонин синдурдунг. Кўргилжим,  
кимдин жудо бўлуб, ўзунгни кимга еткурдунг...

Ҳар кишинингким, тирикликда нонин емасалар, ўлгани-  
дин сўнгра отин тутмағайлар.

Узум лаззатин бева билур, мева эгаси на билур? Юсуф  
алайҳиссалом Мисрда қаҳат хангомида тўйгунча таом ема-  
дилар, токим, очларни ёдларидин чиқармағайлар. Масна-  
вий:

Кимки роҳатда ўткарур ҳолин,  
На билур очларнинг аҳволин.  
Очлар ҳоли ул киши билгай,  
Бошиға очлиғ гами келгай.

Қитъа:

Эйки, миндинг югурук от уза, огоҳ бўлгил  
Ки, юк остида эшаки ожиз банди гилдур.  
Оч қўнғунгнинг<sup>3</sup> уйиға борибон ўт тилама  
Ки, уйи тунглукидин<sup>4</sup> чиқғони дуди дилдур.

Очлиғ хангомида ожиз дарвендин ҳолинг нечукдур, деб  
сўраганингдан сўрмагилким, ҳолинг нечукдур, магарким

<sup>1</sup>Итоб — қаҳр, газаб, қийноқ. <sup>2</sup>Адам — йўқ, йўқлик. <sup>3</sup>Қўнғунг —  
қўшнинг. <sup>4</sup>Тунглюк — туйнук.

бир нимарсани бергил ва сийнасининг захмига<sup>1</sup> мархам<sup>2</sup> еткургил...

**Н у к т а.** Икки нимарса ақлга муҳолдурур<sup>3</sup>: бири мақсум<sup>4</sup> бўлгон ризқдин зиёда емак ва бири маълум бўлгон вақтдин бурун ўлмак...

**П а н д.** Ёмонлар холига раҳм этмак — яхшиларга ситам еткурмакдур, золимлар гуноҳин афв этмак — мазлумларга жаврни раво кўрмакдурур. Байт:

Хабисга<sup>5</sup> агар эҳсон парвариш қилсанг,  
Сўнгида молинга айлар шериклик ул даъво.

**Ҳикмат.** Чин душманнинг агарчи ҳийласи таъсир этмади, макр этмакдин ожиз бўлса, ҳийла била дўстлик мақомига келур ва ондин сўнг дўстлиғ сурати била андоқ ишларни қилурким, ҳеч бир душман они қила олмас. Бас, йилоннинг бошин душманнинг қўли била ёнҳилким, муңда икки нафънинг бириси бордурур: агар бу ғолиб бўлса, йилонни ўлтурмиш бўлғой ва агар ул ғолиб келса, душманнинг кўлидин қутулмиш бўлғайсан. Байт:

Урушда бўлмағил эмин<sup>6</sup> заиф душмандин  
Ки, шер мағзин<sup>7</sup> окузғой гар узса жоңдин умид.

**П а н д.** Сўз айтур кишининг сўзин то яна бир киши айб қилмағунча сўзи ислоҳ топмағусидур ва халқга мақбул бўлмағусидур. Байт:

Сўзинга гарра<sup>8</sup> бўлма ширин деб,  
Анга нодонлар айласа таҳсин.

**Ҳикмат.** Барча кишига ўз айби хунар ва камол, ўз фарзанди соҳибжамол кўришгусидур. Маснавий:

...Ақлдин холи агар бўлса жаҳон,  
Ҳеч ким нодон ўзин қилмас гумон.

**Ҳикмат.** Нодонга хомушлиғдин<sup>9</sup> яхши нима йўқдур, агар муни билса эрди, нодон бўлмас эрди. Қитъа:

<sup>1</sup>Сийнасининг захмига — зораги, дилдаги дардга. <sup>2</sup>Мархам — ярага кўйиладиган дори, малҳам. <sup>3</sup>Муҳол — маҳол нар, ҳал этиш шикони бўлмаган иш. <sup>4</sup>Мақсум — тақсимланган, бўлинган. <sup>5</sup>Хабис — ёмон, ярамас, инфос, ёвуз. <sup>6</sup>Эмин — кавфонг, беҳавотир, хотиржам, бепарво. <sup>7</sup>Мағз — мия. <sup>8</sup>Гарра — мағрурлаштиш, бирор беҳуда нарсага ортик берилиш орқасида алданиб қолиш. <sup>9</sup>Хомушлиғ — суҳбат чоғида индамаслик, жим туриш.

Фазлинг ар йўқ эса, они билгил  
Ки, сўз айтурға очма ҳаргиз тил.  
Одамини тил этгуси расво,  
Очма оғзингни, бўлма бепарво.

**Ҳикмат.** Жувонмардеким, молни егай ва бергай, ул обиддин<sup>1</sup> яхшидурким, йиғнагай ва тергай.

Ҳар кишиким, халқ қабули учун шаҳватни<sup>2</sup> тарк қилибдур ва ҳалол шаҳватдин қочиб, ҳаром шаҳватга йиқилибдурур. Байт:

Бир гўшада<sup>3</sup> обидки риё бирла ўтургай,  
Ойнаси бас тийрадур<sup>4</sup>, онда нени кўргай.

**Ҳикмат.** Зарра-зарра хайл бўлур ва қатра-қатра сел бўлур, яъни ул кишиларким, ҳоло қувватлари қўли ожиздурур, ушоқ тошларни йиғноб сақларлар, токим фурсат вақтин топиб, душманнинг рўзгоридин дамор<sup>5</sup> чиқарурлар. Байт:

Андак-андак йиғилгуси бисёр,  
Дона-дона ўкулгуси<sup>6</sup> амбор.

**Ҳикмат.** Насиб бўлмаган нимарсаға қўл етишмагусидур ва насиб бўлгон ҳар жойдаким бўлса, етишгусидурур. Байт:

Скандар ўлди чу саъй ила озими<sup>7</sup> зулумот<sup>8</sup>,  
Неча миҳан<sup>9</sup> чекиб, ондин сўнг ичти оби ҳаёт.

**Ҳикмат.** Рўзиси<sup>10</sup> бўлмагон сайёд<sup>11</sup> Дажлада<sup>12</sup> балиқ тута олмагусидурур ва ажали етмаган балиқ қуруқ ерга тушган билан ўлмагусидурур. Байт:

Мискин<sup>13</sup> ҳарис<sup>14</sup> олам аро тинмайин юрар,  
Ул ризқнинг изидин, ажал онинг изидин.

---

<sup>1</sup>Обид — ибодат қилувчи. <sup>2</sup>Шаҳват — турли лаззат ва манфаатларга эришиш учун нафсининг орзу ва шавққа тўлиши. <sup>3</sup>Гўша — бурчак, хилват, чекка жой. <sup>4</sup>Тийра — қоронғу, қора, булғонч, хира. <sup>5</sup>Дамор — тор-мор, йўқ қилиш, маҳв этиш, ҳалок қилиш. <sup>6</sup>Ўкулмак — тўпланмоқ, йиғилмоқ, тўдаланмоқ. <sup>7</sup>Озим бўлмоқ — бирор ишни бажаришга қасд, ният қилмоқ; кетмоқ, жўнаб кетмоқ, сафарга йўл олмоқ. <sup>8</sup>Зулумот — қоронғуликлар; бу ерда бағрида оби ҳаёт — чашма яширинган қоронғуликлар назарда тутилган. <sup>9</sup>Миҳан — меҳнат, машаққат, захматлар. <sup>10</sup>Рўзи — насиба. <sup>11</sup>Сайёд — овчи. <sup>12</sup>Дажла — Бағдод шаҳри ёнидан ўтадиган дарё. <sup>13</sup>Мискин — камбағал, йўксил. <sup>14</sup>Ҳарис — ҳирсли, бирор нарсага берилган; очкўз, тамагир.

Ҳикмат. Фосиқ<sup>1</sup> тавонгар<sup>2</sup> зарандуд<sup>3</sup> кесакдурур ва олиҳ<sup>4</sup> дарвеш хоколуд<sup>5</sup> шоҳдур. Бу Мусонинг<sup>6</sup> мушаккаъ<sup>7</sup> далқидур<sup>8</sup> ва ул Фиръавнининг<sup>9</sup> мурассаъ<sup>10</sup> сақоли. Ихшилар шиддатининг юзи фараҳгадур<sup>11</sup>, ёмонлар давлатининг боши ошоқгадурур. Қитъа:

Бўлубон ҳар кишида давлату жоҳ,  
Хаста кўнглин бировнинг олмағуси.  
Хайр этгил ангоки, сийму зари  
Охиратга захира қолмағуси.

Ҳикмат. Ҳар осий<sup>12</sup> ким дуоға қўл кўтарур, ул обиддин ихшидураким, ҳавоға<sup>13</sup> бош кўтарур. Байт:

Бил, мулойимхўй<sup>14</sup> осий яхшидуру,  
Мардумозор<sup>15</sup> обиди худройдин<sup>16</sup>.

Ҳикмат. Мурувватсиз киши хотундуру ва тамаълик зоид қароқчидур. Қитъа:

Эй, улусга қабул тушмак учун  
Жома қилгон сафиду нома — сиёҳ,  
Даҳрдин чек қўлунгни, қилгунча  
Остининг<sup>17</sup> дароз, алинг<sup>18</sup> кўтоҳ.

Панд. Икки кишининг кўнглидин ҳасрат жудолиқ қилмас ва оёқидин кулфат лойи айрилмас: бири кемаси сингон тожир<sup>19</sup> ва бири қаландарлар билан ўлтургон зоҳид. Қитъа:

Фақр эли олдидадуру қонинг мубоҳ<sup>20</sup>,  
Бўлмаса гар ўртада молинг сабил,  
Борма ё кўк жомалиғ ёр олдиға  
Ёки қолинг манғлайиға торт тил.

---

<sup>1</sup>Фосиқ — ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга юрувчи, бузук, фиска ишлар билан шуғулланувчи. <sup>2</sup>Тавонгар — кучли, қувватли, қудратли; бой, бадавлат. <sup>3</sup>Зарандуд — олтин қопланган, зар югуртирилган, олтин каби ялтирайдиган. <sup>4</sup>Солиҳ — яхши ишлар қилувчи, яхши. <sup>5</sup>Хоколуд — тупроқсурут, тупроқдек камтарин. <sup>6</sup>Мусо — яҳудийлар пайгамбарининг номи. <sup>7</sup>Мушаккаъ — ямалган, қурилган. <sup>8</sup>Далқ — тўн, дарвешлар кийими. <sup>9</sup>Фиръавн — золимлик ва ситамкорликда машҳур бўлган қадимги Миср подшоҳларининг лақаби. <sup>10</sup>Мурассаъ — ораста, тартибли, чиройли. <sup>11</sup>Фараҳ — фаровонлик, мўллик, ободлик. <sup>12</sup>Осий — гунохкор, гумроҳ, исёнчи. <sup>13</sup>Ҳаво — такаббурлик. <sup>14</sup>Мулойимхўй — юмшоқтабиат. <sup>15</sup>Мардумозор — дилозор, одамларга азоб берувчи. <sup>16</sup>Худрой — ўзбилармон, ўзбошимча. <sup>17</sup>Остин — енг. <sup>18</sup>Ал — қўл. <sup>19</sup>Тожир — савдогар. <sup>20</sup>Мубоҳ — жойиз, ҳалол.

Ёхуд этма филбонға дўстлиғ,  
Ё ёюнг кенг айлагил, сиггунча фил.

**Хикоят.** Ҳазрати имом Муҳаммад Ғаззолийдин сўрадиларким, улумда мундоқ олий мартабага нечук етушдинг? Анда имом деди: «Билгилким, ҳар нимарсаниким билмадум, они кишидин сўрмоқда нангу номус<sup>1</sup> қилмадум».

**Хикмат.** Ёлгон сўз айтмоқ қилич зарбиға ўхшар, агарчи яраси бутса ҳам, нишони қолур. Андоғким, Юсуф...нинг биродарлари ёлгон сўз била машхур бўлдилар ва аларнинг рост сўзлариға ҳам эътимод<sup>2</sup> қолмади. Қитъа:

Бировким, эрур одати рост сўз,  
Хатосин доғи чин этарлар гумон.  
Вагар ёлгон айтурда чиқса оти,  
Билур чин сўзин ёлгон аҳли жаҳон...

**Хикмат.** Ғадойи неканжом<sup>3</sup> подшоҳи бадфаржомдин<sup>4</sup> яхшидур. Байт:

Ҳар ғамеким, охири бўлгуси хуррамликға зам<sup>5</sup>  
Яхшидур ул шодлиғдинким, сўнгида бор ғам...

**Хикоят.** Аввалги кишиким, жомаға<sup>6</sup> алам<sup>7</sup> кийдуруб, илкига хотам<sup>8</sup> олди — Жамшед эрди.

Халойиқ Жамшеддин сўрадиларким: «Не учун барча зийнатни чап қўлингға бердунг, бовужудеким<sup>9</sup>, рост илқинг афзалдурур чап қўлдин». Ул вақтда Жамшед сўрашгон кишиларга мундоқ жавоби босавоб берди ва дедиким: «Ростға ростлиғ зийнатдурур». Байт:

Ёмонни тут азиз, эй марди ҳушёр  
Ки, яхшининг ўзидур иззатосор<sup>10</sup>.

**Хикмат.** Барча кишининг тиши турш нимарсалар била ўтмас бўлур, аммо қозийи исломларнинг тишлари ширин ва лазиз нимарсалар билан ўтмас бўлгусидур. Байт:

Қозики, егай ришва<sup>11</sup> била беш<sup>12</sup> хиёр<sup>13</sup>,  
Собит сенинг учун қилур ўн харбузаға<sup>14</sup> зор.

---

<sup>1</sup>Нангу номус — ору номус. <sup>2</sup>Эътимод — ишонч. <sup>3</sup>Неканжом — яқин ишлар қиладиган, оқибатли. <sup>4</sup>Бадфаржом — ёмонлик қилувчи. <sup>5</sup>Зам — қўшилиш, уланиш, боғланиш. <sup>6</sup>Жома — тўн, устки кийим. <sup>7</sup>Алам — аломат, белги, нишона; байроқ, тўғ. <sup>8</sup>Хотам — муҳр, кўзига тамға ўрналган узук. <sup>9</sup>Бовужудким — шундай бўлса-да, шундай бўлатуриб. <sup>10</sup>Иззатосор — аъзелатига лойиқ, эҳтиромли. Ўзозга сазовор. <sup>11</sup>Ришва — шора. <sup>12</sup>Беш — кўн. ортқ, шёл. <sup>13</sup>Хиёр — бедарлиғ. <sup>14</sup>Харбуза — қовун.

**Ҳикоят.** Бир ҳақимдин кишилар сўрашдиларким, қаз-  
зати ҳақ субҳона ва таоло кўб номдор дарахтларни ўз қуд-  
зати била яратубдурур ва баруманд<sup>1</sup> ва баркамол этуб-  
дурур ва аларнинг ҳеч бирисини озод отамамишдурур.  
Магарким, сарвнинг дарахтин озод отамишдурурким,  
энинг ҳеч меваси ва самараси йўқдурур. Мунда ҳикмат не-  
дур? Ул вақтда ҳақим сойилларға<sup>2</sup> боқиб, мундоқ жавоби  
босавоб бериб, дебдурурким: «Ўзга дарахтларнинг ҳар  
бирисига маълум вақтда бир дахл муайяндурур ва гоҳо  
энинг вужуди била тоза бўлғусидурурлар ва гоҳо анинг  
адами бирлан пажмурда бўлғусидурурлар. Сарв дарахтида  
бу ҳол йўқдурур. Бу жиҳатдин дойимо ва ҳамиша тозаду-  
рур, бу сифат озодаларнинг сифатидур. Байт:

Келур кўлингдин агар, нахлдек карим ўлғил,  
Йўқ эрса, олам аро сарв янглиғ ўл озод.

**Ҳикмат.** Икки киши ўлуб адам сарманзилиға<sup>3</sup> озим бў-  
либ, иккаласи ҳам кўб-кўб ҳасрат ва надоматни олиб кет-  
дилар. Аларнинг бириси улдурурким, моли ҳаддин афзун кўб  
бўлуб, ондин емади ва яна бириси улдурурким, билиб  
амал қилмади. Байт:

Кўрса ҳар ким баҳил фозилни,  
Айбини олам ичра айлар аён.  
Минг гунаҳ гар каримда бўлса,  
Карами барчасин қилур пинҳон.

<sup>1</sup> Баруманд — мевали, ҳосилдор. <sup>2</sup> Сойиллар — савол берганлар. <sup>3</sup> Адам сарманзили — йўқлик олами, нариги дунё.

# ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

## ЧОРИЗМ ИСТИЛОСИ

ТОШКЕНТЛИК СОЛИХБЕК ОХУННИНГ ГЕНЕРАЛ  
ЧЕРНЯЕВГА<sup>1</sup> ЖАВОБИДАН<sup>2</sup>

Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва бу ердан Гулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига киргиздилар. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг ўн иккинчисигача, яъни қирқ икки кун давомида сувсиз, овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқул лашкарбоши шаҳид бўлганидан кейин лашкарлар сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб, сешанба кuni ярим

---

<sup>1</sup>М. Г. Черняев — 1865 йилда Тошкентни босиб олишда кўмондонлик қилган генерал. 1865 — 66-йилларда Туркистон область ҳарбий губернатори, 1882 — 84-йилларда Туркистон генерал губернатори. <sup>2</sup>Мазкур жавобнинг тарихи ва тақдири куйидагича:

Туркистон хонликлари ўртасидаги ўзаро ноаҳилликдан фойдаланган Россия ўлка шаҳарларини бирма-бир забт этиб, 1865 йилнинг 28 апрелида Чирчиқ соҳилидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан ишғол қилади ва Тошкентни эгаллаш режасини туза бошлайди. Жумладан, тошкентлик бир хонининг маслаҳати билан Кайковус ариғи тўғренини бузиб, сувни Чирчиққа буриб юборади. Тошкент сувсиз қолади. Шунга қарамай, шаҳар мудофааси ташкил қилинади. Қўқондан лашкарбоши Алимқул кўшини билан ёрдамга келади. Бироқ Тошкент атрофидаги Шўртена тўқнашувинда Алимқул қаттиқ яраланиб, ҳалок бўлади. 1865 йилнинг 14 июнида Черняев кўшини Тошкентга ёриб киришга муваффақ бўлади. Оч ва сувсиз шаҳар шундай шароитда 42 кун қаршилик кўрсатиб, 17 июль кuni иложсиз таслим бўлади. Черняев жаҳон афкор оммаси олдида ўз босқинчилик ҳаракатларини оқлаш учун «Тошкентнинг ихтиёрий равишда рус кўшинларига бўйсунганлиги» ҳақида хат уюштиришга киришади. Шаҳар қатталарини тўплаб, хатнинг мазмуни билан таништиради. Юқоридаги парча Солихбек охунининг генералга берган жавобидан. У бу шаклдаги учун уни қувватлаб чиққан 7 китоб билан биргаликда Сибирга сургун қилинган.

Хуллас, «хат-аҳднома»га мажбурий қўл қўйдирилиб, 2 ўзбек савдогарининг қўли билан Петербурга — Оқ подшога жўнатилади. Ундай четга тарқайди. Генерал Черняев эса Туркистонни босиб олиш режасини хотиржам давом эттиради.



кеча ўтгандан кейин саҳарга якин рус аскарлари Хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан кирди. Шундан жейин яна урушга киришиб, пайшанба кунгача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч-ташна, сувсиз, яккама-якка уруш, охирида ярашиш сулҳи тузилди.

Муҳаммад Солиҳ Қорининг «Тарихи жадиди Тошканд» асаридан. («Шарқ Юлдузи» журналі, 1990 й., 8-сон.)

## Исҳоқхон Жўнайдуллахожа ўғли Ибрат<sup>1</sup>

### «ТАРИХИ ФАРҒОНА» КИТОБИДАН

...Хўжанд ва Ўратепа ва Диззах қўлдан кетди. Русия забт этди... минг икки юз саксон бешинчи хижрийда<sup>2</sup> Самарқанд олинди. Андан Каттакўрғон олинди. Сўнгра ўртада амир ила мусолаҳа<sup>3</sup> бўлуб, ислоҳат<sup>4</sup> жорий бўлди... Русия аскарлари Марғинонға борди, халқига неча минг тилло лак пули солди. Иштирофни сартияда<sup>5</sup> лак пули дерлар... Русия Маҳрамдан<sup>6</sup> ўтуб, дарё лаби бирла Андижонға тобё Тўдақишлоқда, бозор куни эди, қўшун бор деб эшитиб келган. Русия аскарлари бозорчиларни кўруб, аларнинг қўбларини отуб, бозорлар бузулуб, алар қочтилар. Андан ўтуб, дарё лаби илан тўғри Намангонға келиб, Намангонни олди. Ул вақтда Марғинон тарафда Валихон тўра деган бир киши чиқиб, ғазот қиламан деб қочган сипоҳларни жамлаб, Марғинонда Намангонни олмоқчи бўлуб, Балиқчи деган қасабага<sup>7</sup> келиб ётганда Намангондан Русия аскарлари чиқиб, дарё лабига боруб, кечаси дарёдан ўтуб туруб, Валихон тўрага Русия келди<sup>8</sup>, деб бир мусулмон хабар берган экан, ани(нг) ушлаб, боғлатиб кўюб, агар Русия мунда келса, сани сўзунг рост, деб ўзлари ўюнга

1. Исҳоқхон Ибрат (1862—1937), Тўрақўрғонлик (Наманган) шоир, олим, матбаачи. «Тарихи Фарғона» унинг тарихий асари бўлиб, 1916 йилда ёзилган, ҳаётлигида чоп этилмаган. Ушбу парча Х. Бобобеков ва М. Ҳасанийларнинг 1991 йилдаги («Мерос», Тошкент, «Камалак») нашридан олинди. <sup>2</sup>1285 хижрий мелодий 1866-га тўғри келади. <sup>3</sup>Мусолаҳа — ярашиш. <sup>4</sup>Ислоҳат — сулҳ, келишиш. <sup>5</sup>Сартияда — маҳаллий тилда дейилмоқчи. <sup>6</sup>Маҳрам — жой номи. <sup>7</sup>Қасаба — шаҳарча. <sup>8</sup>Русия келди — ўрис келди, маъносида.

машгул бўлуб то сахаргача кокул солмоқ, бола ўйнамоқ, сўнгра ухлаб-қотуб субхда Русия бирдан тўб<sup>1</sup> қўйганда уйкудаги бечоралар туруб қочгани овора бўлуб, баъзи нодон одамлар, русия қочганни отар эмиш, деган сўзларга ишонуб, қочмасдан отилуб ва қолганлари қочуб, бечора хабарчи сутунда боғланиб қолганча ул иморатга ўт қўюлуб ихроқи биннор<sup>2</sup> бўлуб ўлди. Бул тарафда, Намангонда Ботўра деган киши чиқиб, эски сипоҳлардан йиғиб, муҳораба қилмоқ бўлуб, уч-тўрт минг одамни жамлаб, Тўрақўрғонни ғарб тарафидаги Сарсончап деган қирға аскар йиғуб, уламолар сўзларига кулоқ солмай, ҳаракатда эрдилар. Яқбора<sup>3</sup> Русия сараскари<sup>4</sup> Галвачўб деган Искоблұф<sup>5</sup> амри бирла Тўрақўрғонда ёв чиқибдур, деб дашт илан русия аскарни Намангондан чиқиб Ботўра тўрага юруб келганда ўшал кун панжшанба куни Тўрақўрғон бозори эди, қиблагохимға<sup>6</sup> меҳмон бўлуб келган Султон понсад ва Саримсоқ деган кишилар қипчоқияни катталаридан эрдилар, аларни меҳмон қилиб... шавла қилган эканлар, олиб чиқуб еб, ярмидан ўтган эрди, бирдан шимол тарафдаги қирдан тўб овози чиқиб қолди. Меҳмонлар дарҳол асбобларини белларига боғлаб, қўшунларига чопдилар.

Муаллифи китоб ул вақтда ўн беш ёшимда хату саводим чиққан талаба эдим, бирдан қоч-қоч бўлуб, ҳар ким ўз ҳолига овора бўлуб, қиблагохимиз ўз ҳолларига бўлуб, қаён кетдилар билмадук. Бизлар ўз маҳалламиздаги хотунлар ва болалар илан қочиб, бир боғда ётдук. То шомгача бу тўпу милтиқ овози, ўқлар бошимиздан овоз бирла ўтуб тургани ваҳмида ҳеч ерга чиқолмай, боға эдук. Баногоҳ намози шомда катта кўчага, дарвозамиз олдиға хабар олмоқда чиқиб эрдим, кўчада кўб қонлар тупроқ ўртасида ётибдур. Ҳайрон бўлуб туруб эрдим, Уста Йўлдош деган киши келиб қолди. Айди: «Ҳой тўрам, қочинг, мана отуб келуб турубдур, бу қон Назар панжаҳбошини<sup>7</sup> отини қони, тезроқ қочинг!» деганда, яна қочиб турган боғимизга борсам, «Кечаси сизларни бир киши чақирди» дедилар. «Ким экан», деб боғдан чиқсам, қиблагохимиздан келган одам экан. Ул киши Малакдўнгда<sup>8</sup> эканлар. Боруб, болалар асир бўлдимۇ ёки отилиб ўлдимۇ, эсон-омон кўрмак муяссар

<sup>1</sup>Тўб — тўп. <sup>2</sup>Ихроқи биннор — ўтда куйиб. <sup>3</sup>Яқбора — бир тал. <sup>4</sup>Сараскар — аскар бошлиғи, кўмондон. <sup>5</sup>Искоблұф — М. Д. Скобелев (1843—1882); Урта Осиёдаги қиргинлари билан машҳур чор боққинчи генерали, 1907—1924 йилларда Фарғона шаҳри шунинг номида эди. <sup>6</sup>Қиблагох — ота маъносида. <sup>7</sup>Панжаҳбоши — эллиқбоши. <sup>8</sup>Малакдўне — жой номи.

бўйса эди, деб Юсуфхўжа ва Муҳаммад Зоҳид деган кишиларни юборган эканлар. Алар бизларни оллуб, кечалаб жўнадук. Қарийб юз адад жон, икки волидамиз ва икки ҳамширамиз, булар олти-етти ёшларинда эди, кечалаб бордукки, қиблагохимиз Муҳаммад Раҳим Ҳофиз деган халифаларимиз янгида<sup>1</sup> кўча оғзида катта ўт кўюб, хабарга қараб оқ хабар ё қора хабарму ёки ҳаёт кўрмак муяссар бўлур, деб турганларида бирдан кўчадан чиқиб бордук. Ана кўринг, йиғи-сиғи. Ҳар ким ўз боласига кучоғини ёзуб, қарийб ярим соат йиғламоқ, сўнгра бизларни ва бирга борган ҳамроҳларни (нг) тўйдуруб, пўрсиши аҳвол<sup>2</sup> бўлди. Гўёки бизлар муҳорабадан<sup>3</sup> келбиз...

## Муҳаммад Юсуфбек Баёний<sup>4</sup>

«ШАЖАРОЙИ ХОРАЗМШОҲИЙ»<sup>5</sup> КИТОВИДАН

(Хеванинг босиб олиниши воқеаларидан лавҳалар)

Амир<sup>6</sup> Ҳазорасп дарвозасини очдуруб, шаҳарни Кауфманга<sup>7</sup> таслим этди. Ондин сўнгра, билзарура<sup>8</sup> аҳоли пайдар-пай келиб, изҳори итоат эта бердилар...

Дариғким<sup>9</sup> аҳли Хоразм марди мубориз<sup>10</sup> жамоа эрдилар, бир неча ватан хоинлари ўз мақсадларин ҳосил этмак учун мундоғ хисоратни<sup>11</sup> аларнинг бошлариға келтурдилар. Агар тамоми Хоразм аҳолилари якдилу якжихат бўлуб, иттифоқ била Русия аскарига муқобил бўлуб, уруш этсалар эрди, эҳтимоли йўқ эрдиким, Русия аскарлари аларға зафар топа олғайлар. Мундия бурун беш навбат келиб, асло зафар топа олгон эрмасдурлар. Нечунким, Хоразмнинг атрофида қуму даштлар бордур ва бир тарафида дарё бордурким, маҳкам садларнинг<sup>12</sup> ўртасида воқеъдур. Онинг пасту баландин билмаган кишиларға фатҳи маҳол<sup>13</sup> эрди. Чун оллоҳи таолонинг иродаси бу эрди, тақдирға чора йўқдур.

<sup>1</sup> Янгида — шу топда. <sup>2</sup> Пўрсиши аҳвол — ҳол сўраш. <sup>3</sup> Муҳораба — уруш. <sup>4</sup> Муҳаммад Юсуфбек Баёний (1840 — 1923) — хоразмлик шоир ва тарихчи. <sup>5</sup> Шажаройи Хоразмшоҳий (Хоразмшоҳлар шажараси) — тарихий асар. <sup>6</sup> Амир — Отажон Тўра (Муҳаммад Раҳим II нинг укаси) ифода тўтилади. Сал олдин тўнтариш юз бериб, у хон эълон қилинган эди. <sup>7</sup> Кауфман — 1873 йилдаги Туркистон генерал губернатори. Туркистон округи қўлчилари кўмондони. <sup>8</sup> Билзарура — заруран, ноиллож. <sup>9</sup> Дариғ — афсус. <sup>10</sup> Мубориз — жангчи. <sup>11</sup> Хисорат — зарар. <sup>12</sup> Сад — девор. <sup>13</sup> Маҳол — қийин

Чун Серанжуф Веруфкиннинг<sup>1</sup> ўрнига тозадин амири лашкар бўлуб эрди. Сикублүф<sup>2</sup> ва кунот Шувалүф<sup>3</sup> бир ғайрат кўргузмак учун зобитларни<sup>4</sup> ҳарбга тарғиб этиб, ушбу бир неча милтиқ отилғонини уруш бошланғонига ҳисоб этиб, йўлуқғон кишини отиб-чошиб кела бердилар. Ғаразлари<sup>5</sup> бу эрдиким, Хевақни<sup>6</sup> ҳарб била олдуқ демакчи эрдилар. Бу тариқада издиҳом била Арк тарафиға юрудилар. Аҳоли ҳам учаклардин<sup>7</sup> аларға милтуқ отар эрдилар.

Вақтеким, Галавачов<sup>8</sup> Яъқуббой била ҳамроҳ бўлуб, йўлга кириб юруди, Ғозибодга<sup>9</sup> бориб тушуб, бугунни ўт-кариб, эртанг ҳам ул ердин кўчмади ва деди: «Ямутлар<sup>10</sup> била урушмасоқ яхши эрди. Бу ерда андак таваққуф этсак, шояд алар бизларнинг уруш учун келгонимиздин хабардор бўлуб, саъй била таъминот саранжомин<sup>11</sup> этиб келтуруб, бериб, узр ойтғойлар». Аммо ғарази бу эрдиким: «Шояд қочуб, ҳар тарафга мутафаррик<sup>12</sup> бўлуб кетиб, бизларнинг қўлимиздин халос бўлғойлар». Аммо, ямутлар буларнинг юрушларидин хабардор бўлуб, қочиб кетмакка ор этиб, келсалар, қўлимиздан келганича уришурмиз ва тақдирда не ёзилғон бўлса, они кўрармиз, деб урушға омода<sup>13</sup> бўлуб ўлтүрдилар. Мунинг сўнгги куни Галавачов отланиб, лашкари била келиб, ямут қабилаларининг бир тарафидин дохил бўлуб, қазақ отлилари<sup>14</sup> мутафаррик бўлуб, ямутларнинг хирмонлариға ва козалариға<sup>15</sup> ва уйларига ўт қўя бердилар... кўзга кўринганни отиб, қарри боболарни ва аёлу атфолни<sup>16</sup> тиг била чошиб, сут эматурғон ўғлонларни найза била санчиб, ўтға отор эрдилар ва амволларин<sup>17</sup> торож этар<sup>18</sup> эрдилар. Ул ҳолда баъзи уйлардин бир пора аёлу атфол ва қаррилар жамъ бўлуб қочуб борур эрдилар...

Галавачов ямутларнинг таъкиблари учун қазақ отлиларининг ораларидин етти бўлак отлини интиҳоб<sup>19</sup> этиб,

<sup>1</sup>Верёвкин — подполковник. <sup>2</sup>М. Д. Скобелев (1843—1882) — генерал. <sup>3</sup>Граф Шувалов. <sup>4</sup>Зобит — забт этувчи. <sup>5</sup>Ғараз — мақсад. <sup>6</sup>Хевақ — ҳозирги Хева. <sup>7</sup>Учак — том. <sup>8</sup>Н. Галавачов — генерал, у 1873 йилда Сирдарё вилояти (пойтахти Тошкент) ҳарбий губернатори эди. Яъқуббой — хон Отажон Тўра қўшиб берган киши. <sup>9</sup>Ғозибод — Хева яқинидаги бир қишлоқ. <sup>10</sup>Ямут (ёвмут) — туркман уруғларидан. <sup>11</sup>Русия ҳукумати Хева хонига 2 млн 200 минг сўм товон (контрибуция) солган эди. Шунинг бир қисми (300 минг сўм) ёвмутлар зиммасига тушган. Кауфман пулни 15 кун ичида тўлашни талаб қилади. Улар 15 кунда бунинг улдасидан чиқолмасликларини айтадилар. Кауфман буни бош тортиш деб ҳисоблайди ва товонни ундириш учун 6 август кунини улар томон йўл олади. <sup>12</sup>Мутафаррик — тарқалиш. <sup>13</sup>Омода — тайёр. <sup>14</sup>Қазақ отлилари — отлиқ рус қазақлари кўзда тутилади. <sup>15</sup>Коза — қапа, чайла. <sup>16</sup>Атфол — болалар. <sup>17</sup>Амвол — моллар. <sup>18</sup>Торож этмоқ — таламоқ. <sup>19</sup>Интиҳоб — танлаш.

Принс Ужин отлиғ бир зобитни аларға саркарда қилиб ирсол<sup>1</sup> этди. Булар бир мил<sup>2</sup> миқдори йўл юруб, бир жамоа ямутларнинг изларидин етдиларким, баъзилари қаррилик жиҳатидан, баъзилари беморлиқ сабабидин ва баъзилари аёлу атфоллариға ҳамроҳлиқ этиб, ўғлонларин орқалариға кўтармак била ҳориб, суст бўлуб, афтопу хезон<sup>3</sup> борур эрдилар. Қазоқ отлилар аларни кўрган ҳамоно от солиб бориб, ҳаммаларин қатл этдилар... Андин ўтуб, яна бир жамоа ямутларнинг изларидин етдиларким, алар ҳам аёлу атфоллари била чувалашиб ва бир миқдор кўй-у эчкуларин суруб, ахволи хароб била борур эрдилар. Қазоқ отлилари «ҳаё хуй» ужби<sup>4</sup> била қичқиришиб, от солиб келиб, аралашиб, қатл қила бердилар. Ямутларнинг кўп атфоллари отларнинг оёқлари остида қолиб, нечалари ўлуб, нечалари нимжон<sup>5</sup> била ота-оналариға қичқирур эрдилар. Ул ҳолда ямутларнинг кўзлариға дунёву жаҳон қоронғу бўлуб, русия аскарига ақсум<sup>6</sup> бўлдилар. Баъзи хотунлар чап қўлида боласи, ўнг қўлида тиг била русия отлилариға ҳамла қилур эрдилар. Бир миқдор уруш бўлгондин сўнг русия аскарари голиб келиб, аларнинг ҳам ҳаммаларини тиғу тўфанг<sup>7</sup> била қириб тамом этдилар.

Баъзи захмдорлар<sup>8</sup> ўлукларнинг ораларида ўзларини ўлукдек этиб ётмиш эрдилар, русия аскарари найза била уруб ўлтурур эрдилар. Ва ул ерда бир кичик кўл бор эрди, йигирмадан кўпроқ хотунлар ўғлонларин кучоқлариға олиб, ул кўлга кириб, сув ичида экинларнинг ораларида пинҳон бўлуб туруб эрдилар. Русия аскарари аларни кўруб, милтик ўқи била аларни уруб, қатл этдилар.

Ул ҳолда тўрт қазоқ отли бир ямутнинг изидан етиб, ўртаға олиб, ҳар тарафдин тиг урмоқ(қа) бошладилар. Ул ямутнинг қўлида ҳеч яроғи йўқ эрди. Онга кўп захм<sup>9</sup> урдилар. Қўлларидин ва тамоми баданидин қон оқиб борур эрди. Ямут кўрди, булар ани ўлтурмакчидурлар, гайратға кириб, бир ҳамла қилиб, ул қазоқларнинг биридин қиличини қонгириб, қўлидин олиб, ул қилич била ҳамул тўрт қазоқ отлини қатл этди...

«Шарқ юлдузи» журнали, 1990 йил 8-сон.

<sup>1</sup>Ирсол — юбориш. <sup>2</sup>Мил — тахминан 2 км. <sup>3</sup>Афтопу хезон — ўтириб-туриб, бир амаллаб. <sup>4</sup>Ужб — мағрурлик, манманлик. <sup>5</sup>Нимжон — ярим жон. <sup>6</sup>Ақсум — ўчакишмоқ. <sup>7</sup>Тўфанг — милтик. <sup>8</sup>Захмдор — ярадор. <sup>9</sup>Захм — жароҳат.

# Комил Хоразмий

(1825 — 1899)

Комил, нетонг<sup>1</sup>, гар огаҳ эса ўз камолидин:  
Доим аниси<sup>2</sup> Рожий ила Огаҳий<sup>3</sup> эрур.

Хушҳаволик мунча бўлса онда айёми<sup>4</sup> хазон,  
Ёраб, эркандур нечук фасли баҳори Тошканд.

## РАЗАЛЛАР

(ТАМАЪ)

Эй кўнгул, зинҳор, қилма аҳли даврондин<sup>5</sup> тамаъ<sup>6</sup>,  
Бор эса бу каста<sup>7</sup> жисмингга агар жондин тамаъ.

Чунки йўқ эрмиш жаҳон аҳлида холис дўстлар,  
Кимки ондин яхшироқ йўқ, айлама ондин тамаъ.

Даҳри дундин<sup>8</sup> кўрмоғунг жуз<sup>9</sup> ҳасрату нокомлиг<sup>10</sup>,  
Гавҳари мақсудни қилма бу уммондин<sup>11</sup> тамаъ.

Солим<sup>12</sup> ўлмоқнинг сипеҳр<sup>13</sup> осебидин<sup>14</sup> имкони йўқ,  
Қилма ҳаргиз офият<sup>15</sup> ганжин бу вайрондин тамаъ.

Кўзлари жаллодидин қилмоқ, мурувват орзу,  
Ақли ислом айлагандек кофиристондин<sup>16</sup> тамаъ.

Истойин не навъ жоним роқатин мужгонидин<sup>17</sup>  
Қилғому<sup>18</sup> мажруҳ<sup>19</sup> марҳам<sup>20</sup> тийғи урёндин<sup>21</sup> тамаъ.

Шарбати лаълийи хосин<sup>22</sup> истамаклик бодадин<sup>23</sup>  
Айламак жонбахшлиғ жуз оби ҳайвондин<sup>24</sup> тамаъ.

<sup>1</sup>Нетонг — нежаб. <sup>2</sup>Анис — сирдош, дўст. <sup>3</sup>Рожий, Огаҳий — таниқли шоирлар, Комилнинг замондошлари. <sup>4</sup>Айём — куллар, пайт. <sup>5</sup>Аҳли даврон — дунё одамлари. <sup>6</sup>Тамаъ — очкўзлик билан ниманидир умид қилиб туриш. <sup>7</sup>Хаста — бечора. <sup>8</sup>Даҳри дун — пасткаш дунё. <sup>9</sup>Жуз — ўзга. <sup>10</sup>Нокомлиғ — маҳрумлик. <sup>11</sup>Уммон — денгиз. <sup>12</sup>Солим — соғ, омон. <sup>13</sup>Сипеҳр — дунё. <sup>14</sup>Осеб (осиб) — кулфат. <sup>15</sup>Офият — соғляк. <sup>16</sup>Кофиристон — кофирлар турадиган жой. <sup>17</sup>Мужгон — киприк. <sup>18</sup>Қилғому — қилгайму. <sup>19</sup>Мажруҳ — жароҳатланган. <sup>20</sup>Марҳам — даво, шифо. <sup>21</sup>Урён — яланғоч. <sup>22</sup>Шарбати лаълийи хос — махсус қизил май. <sup>23</sup>Бода — май. <sup>24</sup>Оби ҳайвон — ҳаёт суви.

Хони васлиға рақибидин ионат<sup>1</sup> истамак,  
Айлаган янглиғ гадо илгидаги<sup>2</sup> нондин тамаъ.

Олам ичра гар бўлай десанг азизу аржуманд<sup>3</sup>  
Айлама Комил киби жуз зилли субҳондин<sup>4</sup> тамаъ.

#### (ШАМЪ)

Бўлмаса гар бир парининг ишқидин девона шамъ,  
Нега ҳар тун ўртанур<sup>5</sup> то субҳ<sup>6</sup> ёна-ёна шамъ.

Баски, ишқ ичра эрур собитқадамким<sup>7</sup>, бошини —  
Кессалар ҳар неча тебранмай турар мардона, шамъ.

Кўрса ҳар маҳфил<sup>8</sup> аро кўнглим жамоли шуъласин,  
Айланур парвоз этиб кўргон киби парвона шамъ.

Кўзу кўнглум тийра<sup>9</sup> эрдилар узоринг<sup>10</sup> ҳажрида,  
Шукрким, топти бир оқшом бу ики кошона<sup>11</sup>, шамъ.

Келса гар мажлисга, бошиға нисор<sup>12</sup> этмак учун,  
Оқизур ҳар тун дури ашқини дона-дона шамъ.

Шомим андоқ тийра бўлмиштир узоринг ҳажрида,  
Равшан эткувчи шабистоним юзинг, жонона, шамъ.

Равшан этмас машъали хуршид Комил кулбасин,  
Тонмаса гар оразингдин бу қаро вайрона шамъ.

#### (НАРГИС)

Эй, юзунг кўзгусига волау ҳайрон наргис,  
Кўзунг олида дурур сурати бежон, наргис.

Гўйиё топти чаман сори хироминг хабарин,  
Фош этар ҳар кеча гулшанда чароғон, наргис,

Бордурур барча тамошойи жамолингдин дур<sup>13</sup>,  
Гарчи бор ҳар бири бир дийдаим<sup>14</sup> ҳайрон наргис.

---

<sup>1</sup>Ионат — ёрдам. <sup>2</sup>Илик (илиг) — кўл. <sup>3</sup>Аржуманд — қадрли, шарафли. <sup>4</sup>Знами субҳон — оллоҳ химояси. <sup>5</sup>Ўртанмоқ — куймоқ. <sup>6</sup>Субҳ — тонг. <sup>7</sup>Собитқадам — бир сўз. <sup>8</sup>Маҳфил — базм. <sup>9</sup>Тийра — қоронғу. <sup>10</sup>Ўзор — кўз. <sup>11</sup>Кошона — иморат. <sup>12</sup>Нисор — сочқи. <sup>13</sup>Дур — узок. <sup>14</sup>Дийда — кўз.

Гарчи гулзорға бордур сабаби зийнати зайн<sup>1</sup>,  
Сен киби бўлмади бир шамъи шабистон наргис.

Тийрадур кўзу кўнгул шамъи руҳингдин ойру<sup>2</sup>  
Пардаи нурдин ўлгон киби урён наргис.

Хар кеча гулшан эрур ўйлаки фонуси хаёл<sup>3</sup>,  
Лек онда ёқадур шамъи фурузон<sup>4</sup>, наргис.

Ташла шахло кўз уза зулфни сунбул янглиғ,  
Кўрубон бўлсун они зору паришон, наргис.

Наргисистони жаҳон бўлди тамошогоҳим,  
Кўрмадим наргиси монандида<sup>5</sup> фаттон<sup>6</sup> наргис.

Лаъли жонбахшинг эрур руҳи равон Комилға,  
Нигоҳи қотил ила гарчи олур жон наргис.

#### (КЎНГУЛ)

Бўлмаса гар дуну сифла<sup>7</sup> дўст гардун<sup>8</sup>, эй кўнгул,  
Нега дунни шод этар, донони маҳзун, эй кўнгул.

Чун фалак нодоннавозу<sup>9</sup> хасм<sup>10</sup> донодур, не суд,  
Дониш иқлимида бўлсанг, гар фалотун<sup>11</sup>, эй кўнгул.

Иззат ила неъмат авжида бўлур олиймақом —  
Хар ким ўлса каж,<sup>12</sup> нечукким, айн ила нун<sup>13</sup>, эй кўнгул.

Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат — қонеъ ўл,  
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй кўнгул.

Жавҳари жон ул матоъ эрмаски, сотгун олгосен,  
Не осиг, гар ҳосил этсанг, ганжи Қорун, эй кўнгул.

---

<sup>1</sup>Зайн — ярашуглик. <sup>2</sup>Ойру — айрилган. <sup>3</sup>Фонуси хаёл — сеҳрли фонус; фонуснинг ич томонига сурат чизар эканлар. Тутун ва иссиқда бу суратлар жонланиб, айлангандек таассурот қолдирган. <sup>4</sup>Шамъи фурузон — порлоқ шамъ. <sup>5</sup>Монанд — ўхшаш. <sup>6</sup>Фаттон — фитна солувчи. <sup>7</sup>Сифла — пасткаш. <sup>8</sup>Гардун — дунё. <sup>9</sup>Нодоннавоз — нодонни эркалатувчи. <sup>10</sup>Хасм — душман. <sup>11</sup>Фалотун — (Афлотун) — қадим юнон файласуфи Платон (э. о. 427 — 347)нинг шарқча номи. <sup>12</sup>Каж — эгри, қинғир. <sup>13</sup>«айн», «нун» — ҳарфлар номи. «Айн» икки туташ ҳалқадан ташқил топган. «Нун» камон, ёйидек айлана. «Айн», «иззат» сўзининг биринчи ҳарфи, «нун» — неъматнинг.



Оқил эрсанг, кибру наҳват<sup>1</sup> қилма илму жоҳинга<sup>2</sup>  
Бўлди истикборидин<sup>3</sup> иблис малъун<sup>4</sup>, эй кўнгул.

Эмин<sup>5</sup> ўлма қайдидин<sup>6</sup>, ёру биродарман дебон,  
Не жафолар қилмади Юсуфга Шамъун<sup>7</sup>, эй кўнгул.

Дахрнинг пасту баландидин десанг, фориғ<sup>8</sup> бўлай,  
Кўйма илингдин замоне жоми гулгун<sup>9</sup>, эй кўнгул.

Топти шоҳи нуктадон<sup>10</sup> алтофидин<sup>11</sup> сўз аҳли қадр,  
Зоҳир эткил эмди бикру<sup>12</sup> соф мазмун, эй кўнгул.

Бу гулистондин бақо бўйини истаб, бўлмағил,  
Лола баргидек саропо доғи дилхун, эй кўнгул.

Комил эрсанг одат айла сабр ила хомушлиғ,  
Гар бор эса ҳар сўзунг бир дурри макнун<sup>13</sup>, эй кўнгул.

---

<sup>1</sup>Наҳват — худбинлик. <sup>2</sup>Жоҳ — мол-дунё, мансаб-мартаба. <sup>3</sup>Истикбор — кибру ҳаво. <sup>4</sup>Малъун — лаънатланиш. <sup>5</sup>Эмин — беҳавотирлик. <sup>6</sup>Қайд — макр. <sup>7</sup>Шамъун — Яъқуб пайғамбарнинг ўғли. У укаси Юсуфни ўлдиришни маслаҳат берган эди. <sup>8</sup>Фориғ — халос. <sup>9</sup>Гулгун — кизил. <sup>10</sup>Нуктадон — билимдон. <sup>11</sup>Алтоф — илтифот. <sup>12</sup>Бикр — тоза. <sup>13</sup>Макнун — яширинган.



**Муҳаммад Амин  
Муқимий**

(1850 — 1903)

Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ гадо деб ахтаринг,  
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг

\* \* \*

Фалак тийри жафо ҳар кимга отса,  
Мени айлар, «Ушал-шул!» деб нишонлар.

\* \* \*

Ҳасби ҳол айлаб қилибдур, хат сўраб ҳолин, Муқим,  
То қиёмат Фурқатийдин эмди миннатдорман.

**ҒАЗАЛЛАР**

(ЭЙ, ЁРИ ЖОНИМ)

Ошиқ бўлубман, эй ёри жоним,  
Васлингни излаб, йўқдур мажолим.

Бир йўқламайсан куйган қулингни,  
Кўзлари жаллод, мозик ниҳолим.

Раҳм айла манга, эй бағри қаттиқ,  
Дийдам тўла қон, эй шўхи золим.

Лаб ташналарга айла назора<sup>1</sup>,  
Қадди чу шамшод<sup>2</sup> қоши ҳилолим<sup>3</sup>.

Олдинг кўнгулни бир-икки сўзлаб,  
Девона бўлдим, тўти мақолим<sup>4</sup>

•Ҳар дам куярман, ёдимга тушсанг,  
Бир кўрмагунча йўқдур мажолим

Неча замондур, кўздин ниҳондур,  
Ошиқ Муқимий, эй хаста ҳолим.

#### (КИМ ДЕСУН?)

Ул тағофулпешага<sup>5</sup> ҳоли харобим ким десун?  
Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим, ким десун?

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,  
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда ҳобим, ким десун?

Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши,  
Бас, куюб ишқидā чеккан изтиробим, ким десун?

Куймаган бўлса биров меҳру муҳаббат ўтига,  
Шамъдек то субҳ ўртаб табу<sup>6</sup> тобим<sup>7</sup>, ким десун?

Ҳамнишиндурлар<sup>8</sup> улуғларга хушомадгўйлар,  
Йўлида жононими хайру савобим ким десун?

Гар қилич бошимга ҳам келса, дегайман ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим, ким десун?

Дўстлар, сўрсанг физосидин Муқимий, эрта-кеч,  
Қон шароб ичсам, жигарлардур кабобим, ким десун?

#### (ЗУЛМ ИЛА ҚАҲРУ ҒАЗАБ)

Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,  
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

<sup>1</sup>Назора — назар қилмоқ. <sup>2</sup>Шамшод — хушқомат, чиройли дарахт.  
<sup>3</sup>Ҳилол — уч кунлик ой. <sup>4</sup>Мақол — тил, сўз. <sup>5</sup>Тағофулпеша — бепарв.  
<sup>6</sup>Таб — безгак. <sup>7</sup>Тоб — иситма. <sup>8</sup>Ҳамнишин — суҳбатдош.

Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уриб,  
Хаста-ю маъюс этиб, афгор қилмоқ<sup>1</sup> шунчалар.

Тўтийи ширинсухан ағёрларнинг базмида,  
Бизга келганда гапирмай, зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айди: муҳаббат аҳлини қил ихтисоб<sup>2</sup>,  
Кўркутиб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Келса олдингизга бойсурат, яқоси тугмалик,  
Иzzат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса, эски тўн, биздек дуогўйи фақир,  
Камбағалнинг хирқасидан<sup>3</sup> ор қилмоқ шунчалар.

Ҳар бало-ю, жабр келса, ёнмагай ҳаргиз, Муқим.  
Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар.

#### (ТОЛЕИМ)

Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,  
Вожгундур<sup>4</sup>, имтихон қилдимки, аксар толеим.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат<sup>5</sup>, занги ғам,  
Айлагай оинаи табъим муқаддар<sup>6</sup> толеим.

Ҳар неча қилсам тавалло — зори қилмас, илтифот,  
Рўйигардон<sup>7</sup> тесқари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, иқболим забун<sup>8</sup>, бахтим қаро,  
Бўлса равшан, бормукин тадбири дигар толеим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонга салом,  
Дафъатан икки қулогини қилур қар, толеим.

<sup>1</sup>Афгор қилмоқ — яралмоқ, жароҳатламоқ. <sup>2</sup>Ихтисоб — ҳисобга қўшиш. <sup>3</sup>Хирқа — дарвешлар кийими. <sup>4</sup>Вожгун — тесқари. <sup>5</sup>Кудурат — ғам-алам. <sup>6</sup>Муқаддар — қир. <sup>7</sup>Рўйигардон — юзи бурилган. <sup>8</sup>Иқболи забун — бахтсиз.

## ҲАЖВИЁТ

### ТАНОБЧИЛАР<sup>1</sup>

Бўлди таажжуб, қизиқ ҳангомалар,  
Арз этайин эмди ёзиб номалар<sup>2</sup>.

Адл қулоғи-ла эшит ҳолими,  
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн ик(к)и ойда келадур бир таноб,  
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Алихўжа, Ҳақимжон<sup>3</sup> — икав,  
Бирин хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон<sup>4</sup> иттифок,  
Гўё хаёл айлаки (қилмай нифок).

Ош есалар, ўртада сарсон илик,  
Хўжа — чироқ ёғи, Ҳақимжон — пилик.

Бир-бирисиға солишурлар ўрун,  
Эрта-ю кеч ўпушуб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,  
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават.

Бирлари мўлтонинамо<sup>5</sup>, ҳийлагар,  
Бирларидур кунда пиху гавда хар<sup>6</sup>.

Оғизлари мақтаниб, ўн беш қариш,  
Майдасухан, эзма (чурук), занчалиш<sup>7</sup>.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,  
Элни йиғиб, вокиф этар зотидин.

---

<sup>1</sup>Таноб — эски ер ўлчов бирлиги, гектарнинг тўртдан бирини ташкил қилган. <sup>2</sup>Шоир ўзи гувоҳ бўлган воқеани арз этмоқчи. Уни одатдан ташқари деб ҳисоблаяпти, «ҳангома» деяпти. <sup>3</sup>Султон Алихўжа, Ҳақимжон — Муқимийнинг замондошлари, Кўхон ер қурилиши маҳкамасининг амалдорларидан. <sup>4</sup>Чунон — шундай. <sup>5</sup>Мўлтони — муғомбир. <sup>6</sup>Кунда пиху гавда хар — тўнкадай қўпол, эшак гавдали. <sup>7</sup>Занчалиш — хотинчалиш.

Дерки: «Кўзунгга ҳали кал жўжаман,  
Маҳдуми аъзамлик<sup>1</sup> ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлиғ мазор<sup>2</sup>,  
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр.

Ҳам яна Эрхубби бўлодур тағо,  
Аммамизнинг эрларидур Нурато.

Биби Убайда бўладур холамиз,  
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамларга биродар эрур,  
Чимлиғ азизлар менга додар<sup>3</sup> эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,  
Қирқингизга эмди берай бир қозон.

Манки, танобингга чиқибман келиб,  
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт кўюбон куйдурадурғон ўзим,  
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,  
Хоҳ карам бирла бошингни силай».

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,  
Мардуми сахройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони: «Аё, оксоқол,  
Бизни топибсан магарамким ўсол?»

Ҳозир этинг тўрт нафар мардикор,  
Тўғри қил, олдимга қилибон қатор.

---

<sup>1</sup>Аъзам — улуг. <sup>2</sup>Шохлиғ мазор, Эрхубби, Нурато, Биби Убайда, Хизр, Чимлиғ азизлар — ярим тарихий, ярим афсонавий номлар, анбиё-авлиёларнинг исмлари. Масалан, хизр ўлмайдди (оби ҳаётдан ичган), кишиларга доим ҳамроҳ юради, ҳатто ҳар бир кишига ҳаёти давомида уч марта дуч келади ва тилагини бажо этади, деган нақл халқ орасида мавжуд. <sup>3</sup>Додар — биродар.

Арқоними еринга судраб чиқай,  
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай).

Бир бурайн мўйилабимни чиқиб,  
Торт танобини — жазоси — сиқиб<sup>1</sup>.

Яхшилигингни фуқаро билмагай,  
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,  
Юртингизни куйдуруб, айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччағар», —  
Дебки, узангуга аёгин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,  
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён чопишиб.

Жам бўлиб айлаюбон маслаҳат:  
— «Дўғмаға<sup>2</sup>, — дер, — бир нима бериб жўнат!»

Акча қўлида ик (к) и-уч мўйсафид  
Дерки: — «Бу назрингизу, бизлар — мурид»,

Зулм билан элигу юзни олур,  
Боз танобини дучандон солур.

Тағи булар яхши-ю, бизлар ёмон,  
Эл тамизидин<sup>3</sup> ҳазар эт, альгамон<sup>4</sup>.

Ўзга яна ғусса будурким, дейин,  
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Кўшти Жалолхон<sup>5</sup> деган ўғлин менга,  
Деди: «Руқум<sup>6</sup> ўргатасиз сиз анга».

Юклади ўғлини сенга, мухтасар,  
Бу дағи ортиқча (менга дардисар)...

Сўзни, Муқимий, керак этмак тамом,  
Маззаси қолмас, узун ўлса калом<sup>7</sup>.

<sup>1</sup>Танобни сиқиб тортиш — ерни кўпайтириб ёзиб, солиқни ошириш.  
<sup>2</sup>Дўғма — дўқ-пўписа қилувчига ишора. <sup>3</sup>Тамиз — яхши-ёмонни фарқлаш.  
<sup>4</sup>Альгамон — «Ўзинг сакла!» маъносига ишора. <sup>5</sup>Жалолхон — Муқимий замондошларидан. <sup>6</sup>Руқум — ҳисоб илми. <sup>7</sup>Калом — сўз.

## САЙЛОВ

Қачонким, бўлди ҳоким имри бирлан ибтидо<sup>1</sup> сайлов,  
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Тераклар баргидек титраб, жамии қози-миингбоши,  
Дегайларким: «юзини тескари қил, эй худо, сайлов».

Сочиб қарзи-қувола, пул кўтариб, истаюб мансаб,  
Бўлолмаи кўп кишини синдуруб қилди гадо сайлов.

Агар минг хатми қуръон этсалар, қўйлар сўюб, арзир,  
Ўлумдин қолди қолганлар, бўлуб эрди вабо сайлов.

Олурға пора эллиқбошилар мингбоши-қозидин,  
Ижобат<sup>2</sup> бўлди-бўлди айлар эрдилар дуо сайлов.

Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай даме ором,  
Мусулмонларни рангин айлади чун қаҳрабо сайлов.

Муқимий, оғриди бошлар халойиқ гуфту гўйидин<sup>3</sup>  
Шаҳар тинчиб қолурди бўлса-чи эмди адо сайлов.

## МУТОЙИБА<sup>4</sup>

(ЛОЙ)

Кўчага чикмоққа лекин сахт<sup>5</sup> ҳайрон қилди лой,  
Қор ёғиб, қайтиб баҳор эрди — зимистон<sup>6</sup> қилди лой.

Барфу борон<sup>7</sup> устига тинмай ёғиб бўлғониға  
Ўзи ҳам чоғимда ўлгунча пушаймон қилди лой.

Бўлмаган қишларда ёмғур, қор ўлуб фасли баҳор,  
Бош кўтарган сабзани хок<sup>8</sup> ичра пинҳон қилди лой.

Порсо-ю<sup>9</sup> зоҳиду<sup>10</sup> обид<sup>11</sup> риоят айламай,  
Тойдуруб, ё сачралуб, олудадомон қилди лой.

<sup>1</sup>Ибтидо — бошланиш. <sup>2</sup>Ижобат — қабул. <sup>3</sup>Гуфти гўй — гап-сўз.  
<sup>4</sup>Мутойиба — ҳазил шеър. <sup>5</sup>Сахт — қаттиқ. <sup>6</sup>Зимистон — қиш. <sup>7</sup>Барфу борон — қор-ёмғир. <sup>8</sup>Хок — тулрок. <sup>9</sup>Порсо — ёмон ишлардан ўзини сақловчи. <sup>10</sup>Зоҳид — тоат-ибодат билан машғул киши. <sup>11</sup>Обид — ибодат қилувчи.



Бу фақиру бой демай, ногоҳ аёғига чолуб,  
Ерга ургайким ани, ёрабки, полвон қилди лой.

Очилуб бодому савсан<sup>1</sup>, гуллаганда ушбу йил,  
Жойи тобистон<sup>2</sup> магарким, тангри фармон қилди лой.

Кўчага чикқач, Муқимий калласин ўгуртуруб,  
Яхши қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой.

### «САЁҲАТНОМА»лардан

#### КЎҚОНДАН ШОҲИМАРДОНГА

Фарёдким, гардуни дун<sup>3</sup>  
Айлар юрак-бағримни хун,  
Кўрдик, бир аҳли фунун<sup>4</sup> —  
Чарх анга кажрафтор<sup>5</sup> экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,  
Қишлоқ чиқардим одатим,  
Хоҳи яёв, бўлсун отим,  
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.

«Ултарма»га<sup>6</sup> қилдим юруш.  
Йўлдош эди бир читфуруш,  
Етдим жадаллаб вақти туш,  
Бир дам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун.  
Жаъми ёпинган бошга тўн,  
Боқсамки, беш юзча хотун,  
Воиз<sup>7</sup> сўзин тинглор экан.

Мингбошилиқ кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир «Кўштегирмонлик» киши,  
Хўжа Исо бадкор<sup>8</sup> экан.

---

<sup>1</sup>Савсан — сафсар гул. <sup>2</sup>Тобистон — ёз. <sup>3</sup>Гардуни дун — пасткаш дунё. <sup>4</sup>Аҳли фунун — фан кишиси. <sup>5</sup>Кажрафтор — тескари юриш. <sup>6</sup>Бу ва бундан кейинги кўштирноқ ичига олинган сўзлар Муқимийнинг Шохимардон саёҳати давомида кўниб ўтган қишлоқларнинг номларидир. <sup>7</sup>Воиз — ваъз айтувчи. <sup>8</sup>Бадкор — ёмон қилиқлик.

Мағрур, хасису бешу кам<sup>1</sup>,  
Ҳар гапда юз ичгай қасам,  
Такжой олур моховдан ҳам,  
Ҳожи ўзи мурдор экан.

«Дўрмонча»га кетдим ўтуб,  
Ёқамни ҳар соат тутуб,  
Ётдим ул оқшом ғам ютуб,  
Дашти қароқчизор экан.

Унда бўлус<sup>2</sup> Ғози деди,  
Ҳам муфти, ҳам қози деди.  
Юрт барча норози, деди.  
Қилгон иши озор экан.

Боз<sup>3</sup> издиҳоми<sup>4</sup> воизи,  
Бадкайф, очиямас кўзи.  
Юқори бошидин тизи,  
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам, дедилар: «Бўрбалиқ»,  
Бирмунча эчкилар арик,  
Келса киши еяр тариқ,  
Шому саҳар тайёр экан.

«Оқ ер»дин ўтдим, бойлари —  
Олий иморат жойлари,  
Меҳмонсиз ўткай ойлари.  
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда «Рошидон»,  
Фирдавс боғидин нишон,  
Ўйнаб оқар оби равон<sup>5</sup>,  
Саҳни гулу гулзор экан.

Маъжус бордим «Зоҳидон»,  
Бир кўча кетгунча дўкон,  
Шўҳ одами, ичмай пиён,  
Маст, отаси безор экан.

<sup>1</sup>Бешу кам — кўпу «Бз маъносига. <sup>2</sup>Бўлус — волостной (минг-боши, маъмур) демокчи. <sup>3</sup>Боз — яна. <sup>4</sup>Издиҳом — йигин. <sup>5</sup>Оби равон — оқар сув.

Сувлар сепилган еўрилар,  
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,  
Табъинг мабодо чой тилар,  
Дамлашлари ишқор экан.

«Олтиарик» курсин ўшал,  
Селларда қолдим бир маҳал,  
Бўлдим ивиб, ёмғурда шал,  
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,  
Тасбеҳу бўйнида ридо<sup>1</sup>,  
Чўқуб қочар зоғи ало<sup>2</sup>,  
Бир доғули айёр экан.

Хайру соҳо важҳига қар,  
Бир пулни юз ердин тутар,  
Келса гадой ногаҳ агар,  
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чуқур «Чимён» эрур,  
Ер остида зиндон эрур.  
Душманлари меҳмон эрур,  
Боғи унинг тутзор экан.

Водил мақоми дилфузо<sup>3</sup>  
Кўчаларидур дилқушо<sup>4</sup>,  
Анҳорида оби сафо<sup>5</sup>,  
Себарга<sup>6</sup> обишор<sup>7</sup> экан.

---

<sup>1</sup>Ридо — шайхлар ёпинчиги. <sup>2</sup>Зоғи ало — ола қарға. <sup>3</sup>Мақоми дил-фузо — дилни ҳуш қиладиган манзил. <sup>4</sup>Дилқушо — кўнгиш очувчи. <sup>5</sup>Оби сафо — тиниқ сув. <sup>6</sup>Себарга — кўк майса. <sup>7</sup>Обишор — сероб.

# Алмаий<sup>1</sup>

(1852—1891)

МАЪДАНИ ФАЗЛ — ҚОРИ ФАЗЛУЛОҲ<sup>2</sup>

(Ҳотиф, шоир)

ҒАЗАЛЛАР

(ҲАЁТ)

Эй, хаёли жоним ичра танда жон янглиғ ҳаёт,  
Келки, сансиз талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.

Рағларимда<sup>3</sup> қоним ўрнига равондур фикратинг<sup>4</sup>,  
Пайкаримда оташи ишқинг эрур иссиғ ҳаёт.

Ҳажрида тунларни ўтқардим, тирикдурман хануз,  
Эй, ажабким, мунча ҳам бўлмиш манга қаттиғ ҳаёт.

Ашклик туфроғим узра руҳдек ургил нафас,  
Бўлмағай нуқсон дамингдин топса бир балчиғ ҳаёт.

Айбжў<sup>5</sup> душманларим қомига қилгунча асир,  
Манга, эй тақдир, мақсудим булурким, йиғ ҳаёт.

Умр гар хуш ўтса умри Нух<sup>6</sup> ҳам камдур вале,  
Кўп узундур кўз юмуб очкунча кулфатлиғ ҳаёт.

---

<sup>1</sup>Алмаий — арабча синчков, зийрак дегани, Исми Фазлуллоҳ Мир-жалол ўғли. Туғилиши — вафот йиллари турли адабиётларда турлича кўрсатилган. Тошкентнинг Кўштут маҳалласида туғилган. Бухоро мадрасасида ўқиган. Ўзбек тилидан ташқари араб, форс тилида ҳам ғазаллар ёзган. Араб тили грамматикасига оид «Авзон ал жумуъ» (Кўплик вазилари) деган илмий асари ҳам бор. Машҳур ҳинд адабий ёдгорлиги «Калила ва Димна» ни ўзбек тилига форсийдан таржима қилган. Таржима 1898, 1901, 1913 йилларда нашр этилиб халқ орасида машҳур бўлган.

Алмаий хушнавис хаттотлардан ҳам эди. Айниқса тирноқ билан ёзиш усули — Хатти нохунийга уста бўлган. <sup>2</sup>Қори Фазлуллоҳ илму фазилат қонидир. Одатда «Қуръон»ни қироат билан ўқувчилар ва кўзи ожизлар «Қори» дейилган. Алмаий ҳар икки жиҳатдан «қори» аталган, яъни у ҳам «Қуръон»ни яхши қироат қилган, ҳам гўдаклигида сандалга тушиб кетиб кўз атрофи куйиб чандиқ битган эди. <sup>3</sup>Рағ — томир. <sup>4</sup>Фикрат — ўй, хаёл. <sup>5</sup>Айбжў — айб изловчи. <sup>6</sup>Нух — ривоятга кўра энг узок (1600 йил) умр кўрган пайгамбар.

Алмайга баски бахти дам-бадам кон ютдирур,  
Маргдур<sup>1</sup> ширин котида захрдин аччиғ ҳаёт<sup>2</sup>.

(ЭТТИ)

Азал деҳқони<sup>3</sup> қаддинг нахлини<sup>4</sup> то сарбаланд<sup>5</sup> этти,  
Муҳаббат риштасин<sup>6</sup> кўнглум қуши бўйнига банд<sup>7</sup> этти.

Бути<sup>8</sup> номехрибоним масти лояқил<sup>9</sup> чиқиб, ваҳким,  
Бошимга секратиб хоки таним<sup>10</sup> гарди саманд<sup>11</sup> этти.

Букун ман ёрдин гар шиква<sup>12</sup> қилсам, айб қилманглар,  
Ки, ман жон бердим у ағёрни<sup>13</sup> ул аржуманд<sup>14</sup> этти.

Ямон кўз тегмасун, деб ҳуснига ул хўблар<sup>15</sup> шоҳи  
Жамоли оташига донаи холин сипанд<sup>16</sup> этти.

Ҳама ушшоқ<sup>17</sup> элин қатл этгали бебок<sup>18</sup> жаллодим,  
Қошидин тиг тортиб, тори кокулдин каманд<sup>19</sup> этти.

Фалак ҳар кимни аъло рутба<sup>20</sup> қилса, бесабаб эрмас,  
Қуёшни ерга киргузмоқ учун билғил, баланд этти.

Шакар лаблар табассум қилсалар, кўнглунгни олтурма,  
Мени йиғлатти аччиғ ҳар қачон гул нўшханд<sup>21</sup> этти.

---

<sup>1</sup>Марг — ўлим. <sup>2</sup>Муқимий Алмаийнинг ушбу шеърига мухаммас боғлаган. Мухаммаснинг биринчи банди шундай эди:

Айру сандин сувдин айрилган каби болиғ ҳаёт,  
Бўлди дардидин жудолиғ чехраси сориг ҳаёт.  
Бўлмади гамдин йўлингда бир нафас фориғ ҳаёт,  
Эй, ҳаёли жоним ичра, танда жон янглиғ ҳаёт,  
Келки, сансиз талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.

<sup>3</sup>Азал деҳқони — яратувчи маъносида. <sup>4</sup>Нахл — ниҳол. <sup>5</sup>Сарбаланд — юк-сак. <sup>6</sup>Ришта — ип. <sup>7</sup>Банд — боғлаш. <sup>8</sup>Бут — маҳбуба. <sup>9</sup>Лояқил — ақлсиз. <sup>10</sup>Хоки таним — хор таним; танам туфроғи. <sup>11</sup>Гарди саманд — от чанги. <sup>12</sup>Шиква — шикоят. <sup>13</sup>Ағёр — бегоналар. <sup>14</sup>Аржуманд — азиз. <sup>15</sup>Хўблар — гўзаллар. <sup>16</sup>Сипанд — исирик. <sup>17</sup>Ушшоқ — ошиқлар. <sup>18</sup>Бебок — тошбағир. <sup>19</sup>Каманд — сиртмоқ. <sup>20</sup>Рутба — мартаба, даража. <sup>21</sup>Нўшханд — ширин кулиш, чиройли табассум.

Ҳикоят

Келтурубдурларки, бир тева минган киши сафар ўрта-сида бир мавзег<sup>2</sup> етдиким, ул ерда корвои олов ёқиб эрдилар. Алар кўчкандин сўнг шамол оловни андоғ ёқиб эрдиким, ул атрофдаги ўтунларга уруб ёндуруб, сахро гўшалари<sup>3</sup> лозордек кўрунур эрди. Ул оловлар ўрта-сида бир улуг йилон қолиб, ҳеч тарафдин чиқолмай ва ул балодин қутулолмай, яқин эрдиким, балиғдек бирён<sup>4</sup> бўлса. Ва заҳарлик кўзларидин ёш тўқуб, ул суворага<sup>5</sup> ялинди ва айди: — Нима бўлурким, марҳамат қилиб, ман бечорани бу дўзахдин нажот берсанг.

Ул киши худотарс<sup>6</sup> ва меҳрибон эрди. Кўп золилла-ғонин эшитиб, бечоралиғига раҳм қилди ва ўйладиким, агарчи йилон одамизод душманидур, аммо ҳоло дармон-дадур<sup>7</sup>. Яхшироқ улким, ани бу балодин қутқариб олсам, ва эҳсон тухмиким, дунё ва охиратда саодатдин ўзга мева бермағай, эксам.

Бас, тўбрасин<sup>8</sup> бир найза учига боғлаб, йилон тара-фиға юборди. Ва йилон суюниб тўбрага кирди ва сувори ани оловдин чиқорди. Бас, тўбрани очиб, йилонга деди: «Борғил ва бу балодин қутулғонингга шукр қил ва яна ҳеч кимга озор бермаким, озор берғувчи дунёда бадномдир<sup>9</sup> ва охиратда душмани ком<sup>10</sup>».

Худодин кўрқғилу озор берма,  
Қутулмоғинг йўли шул бўлса-ю бас.

Й и л о н а й т д и: Эй йигит, бу сўздин ўтғилки,<sup>11</sup> ман то санга ва тевангга ниш урмасам, кетмасман.

С у в о р и а й д и: «Охир, сенга яхшилик қилмадимму? Жазом бумудур ва сазом<sup>12</sup> шулму?»

Й и л о н а й д и: — Оре<sup>13</sup>, сан яхшилик қилдинг ва ма-ҳалиға<sup>14</sup> тушмади. Шафқат қилдинг, аммо номустаҳиқға<sup>15</sup>. Билурсанки, ман зарар мазҳаридурман<sup>16</sup> ва мандин наф

<sup>1</sup>«Калила ва Димна» — машхур ҳинд адабий ёдгорлиги. Алмаий уни-форсий нусхасидан ўзбекчага таржима қилган. Ушбу таржима 1898 йилда Тошкентда нашр этилган эди. <sup>2</sup>Мавзег — жой. <sup>3</sup>Гўша — чекка. <sup>4</sup>Бирён — қовурдоқ. <sup>5</sup>Сувора — (сувори) уловли, туядаги киши. <sup>6</sup>Худотарс — худодан кўрқувчи. <sup>7</sup>Дармонда — ночор, бечора. <sup>8</sup>Тўбра — тўрва. <sup>9</sup>Бад-ном — ёмонотлик. <sup>10</sup>Ком — мурод, бахт. <sup>11</sup>Ўтғил — воз кечил. <sup>12</sup>Сазо — сазоворлик. <sup>13</sup>Оре — ҳа, тўғри. <sup>14</sup>Маҳал — жой, ўрин. <sup>15</sup>Номустаҳиқ — ноҳақ. <sup>16</sup>Мазҳар — нишона.

олмоқ мумкин эрмас. Бас, нима учун мени кутқординг? Ангаким, ўлтурмоқ лозим эрди — раҳм қилдинг? Ҳар вина<sup>1</sup> мукофот учун алам еткурмоқ керакдур. Зероки, ёмонларга яхшилик, яхшиларга ёмонликдур.

Шаръ<sup>2</sup> ақл олдида эрур мамнуъ<sup>3</sup>  
Яхшиларга ёмонлиғ этмоқлиғ.  
Ҳамчунин<sup>4</sup> яхшилик ёмонларга,  
Жойиз эрмас аларга қилмоқлиғ.

Ва яна сиз ва биз ўртамизда адовати қадимий бордур ва оқибатандешлик<sup>5</sup> андоғ тақозо қилур эрдиким, душманни бошин янчмоқ керак ва дафъ<sup>6</sup> қилмоқ лозим. Сан бу бобда на ақлга мувофиқ иш қилдинг ва на шариатда раво ва на мурувватга даҳли бор. Балки манга раҳм қилмоқ ўзгаларга ниш урмоқ била баробардур ва агар ман сани ярадор қилсам, танбиҳ бўлур ва ўзгалар тажриба қилурлар.

Сувор айди: — Эй беинсоф, яхшиликка ёмонлиғ қайси мазҳабда дурустдур?

Йилон айди: — Одамизодлар мазҳабида ва одатида дурустдур ва ман ҳам сизлар фатволарингиз бирла ўз матохдарингизни сизларга сотарман ва ўзларингизга жомингизда шарбат ичирурман. Бас, тезроқ жавоб бергилки, аввал ўзингни урайму ё теваи чақайму?

Сувор айди: — Бу ҳаёдин ўтгилки, айбдур.

Йилон айди: — Бу одамизодлар шеваасидур<sup>7</sup> ва ўзларингиз муомалаларингизни қилурман.

Сувор бу даъвога инкор қилди ва айди:

— Бу даъвога гувоҳ керакки, одамийлар одати яхшиликга ёмонлиғдур,

Бу аснода<sup>8</sup> — бир говмуш кўрунди. Андин сўрамоқчи бўлуб, ани олдиға келдилар.

Йилон айди: — Эй говмуш, яхшилик жазоси нимадур?

Говмуш айди: — Одамизод мазҳабида ёмонликдур. Зероки, ман неча муддат алар хизматида эрдим. Ҳар йили бола туғдим ва уйларин сут ва қаймоққа тўлатдим ва маишатларин биносин тузатдим. Холоким, баччадин

<sup>1</sup>Оин — пасткаш киши. <sup>2</sup>Шаръ — шариат. <sup>3</sup>Мамнуъ — манъ қилинган. <sup>4</sup>Ҳамчунин — худди шундай. <sup>5</sup>Оқибатандеш — оқибатни ўйлаш. <sup>6</sup>Дафъ — йўқ. <sup>7</sup>Шева — одат. <sup>8</sup>Асно — вақт, ҳолат.

колдим ва қаридим, мани уйдин далаға қувладилар. Анинг учунким, саҳрода юруб ўтлаб семирғайман. Чун бир-икки кунки, фориғбол<sup>1</sup> юруб озроқ семирдим. Кеча ул киши бу ердин ўтди ва у ёғ-бу ёғимни ушлаб кўруб, бир қас-соб олиб келуб, мани сотди ва бугун саллоҳхонаға<sup>2</sup> олиб борур ва будур яхшилик ва хизмат жазосиким, баён қилдим:

Ҳолим будур, дўстлар, кимга дегайман додими.

Й и л о н а й д и: — Эй йигит, эшитдингму?

С у в о р а й д и: — Яна бир гувоҳ керак.

Йилон атрофга қараб, бир дарахтни кўрди ва андин сўраймиз деб, анинг қошига келдилар.

Йилон сўрадиким: — Эй дарахт, яхшилик мукофоти нимадур?

Д а р а х т а й д и: — Одамизодлар дину миллатида ёмонлиғдир ва манфаат жазоси мазарратдур. Далил улким, ман бир дарахтдурман бу даштға кўкаргон ва келгану кетган хизматлари учун тик тургон. Чун одамизод ҳориб-чарчаб иссиғдин ўпкаси оғзига тикилиб келадур ва бир соат мани соямда роҳатланадур. Ва нафасин ростлаб, юқорига қараб, фалон шохи табарға<sup>3</sup> даста бўлур ва бу шохи тешага лойикдур ва фалон ердин кесиб тахта қилмоқ керак деб, баъзиси арралаб ва баъзиси кесиб оладур ва тана-шохимдин қайси ери хуш келса, кесадур. Агарчи, мендин роҳат олурлар, оқибат меҳнат<sup>4</sup> раво тутарлар:

Ман андишада соя солмоқ учун,

У ғам ичра шохимни кесмоқ учун.

Й и л о н а й д и: — Икки гувоҳ бўлди. Энди тан бермоқ керак.

С у в о р а й д и: — Жон кўп шириндур. Яна бир киши гувоҳлик берса, сўнгра ҳеч узр қолмағай.

Иттифоқо, ул ердин бир тулки ўтиб кетар эрди. Буларни кўруб тўхтади ва сўзларин эшитди.

Й и л о н а й д и: — «Ул тулкидин сўроғил, нима жавоб берур.

Сувор савол қилмоқдин бурунроқ тулки овоз қилдиким, яхшилик жазоси ёмонликдур ва лекин сан бу йилон ҳақида нима яхшилик қилиб эрдингим, уқубатға сазовор бўлубсан?

<sup>1</sup>Фориғбол — хотиржам. <sup>2</sup>Саллоҳхона — қасобхона маъносида.  
<sup>3</sup>Табар — болта. <sup>4</sup>Меҳнат — азоб, машаққат.



Сувор суврати ҳолни айди.

Тулки айди: — Сан оқил киши кўрунурсан, ёлгонни  
нима учун дерсан?

Раво эрмас хирад<sup>1</sup> аҳлига бир сўзни хато айтмоқ,  
Ярашмас марди донога хилофи можаро очмоқ.

Йилон айди: — Рост айтадурки, бу тўбрага солиб  
оловдин чиқорди.

Тулки ошуфта бўлуб деди: — Нечук бу сўзга инониб  
бўлурки, бир улуғ йилон бу кичик тўбрага сиғса.

Йилон айди: — Агар инонмасанг, яна тўбрага ки-  
райн. То шубҳа кўтарилгай.

Тулки айди: — Агар кўзум бирла бу сувратни  
кўрсам, инониб ҳукм килурман.

Бас, сувор тўбра бошиң өчти ва йилон мағрур бўлуб,  
тўбрага кирди.

Тулки айди: — Эй жавон<sup>2</sup>, чун душман бандга<sup>3</sup>  
тушди, мажол берма<sup>4</sup>.

Чу душман кўлингга гирифтор ўлур,  
Хирад ҳукми улким, амон бермағил.

Бас, ул йигит тўбра оғзин боғлаб ерга урди, то йилон  
халок бўлди ва зараридин қутулди.

## Ҳикоят

(Сичқон ва Қурбақа ҳикояси)

Келтурубдурларки, бир сичқон бир беша<sup>5</sup> лабида ватан  
килиб эрди ва ул мавзеъда сув ҳам бўлуб, ул сув  
ичида бир Қурбақа ҳам умр ўткарур эрди. Ва гоҳ-гоҳ  
касби ҳаво<sup>6</sup> қилиб, чашма<sup>7</sup> қанорасига чиқар эрди. Бир  
кун сув лабиға келиб, дилхарош<sup>8</sup> нағма бирла садо қилиб,  
ўзидин булбул тузотиб, нохуш овоз бирла кўнгуллар  
қушин бадан кафасидин қочирур эрди:

Гарчи дилозор эди овоз анга  
Суврати қошида эди оз анга.

Ул ҳолда Сичқон мақоми гўшасида<sup>9</sup> бир замзамаға<sup>10</sup>  
машғул эрди. Қурбақанинг шўрангез<sup>11</sup> наърасин эшитиб,

<sup>1</sup>Хирад — ақл. <sup>2</sup>Жавон — йигит. <sup>3</sup>Банд — тузоқ. <sup>4</sup>Мажол берма —  
шашта маъносида. <sup>5</sup>Беша — ўрмон, тўқай. <sup>6</sup>Касби ҳаво — сайр. <sup>7</sup>Чаш-  
ма — ковуз дейилмоқчи. <sup>8</sup>Дилхарош — кўнглини тирновчи. <sup>9</sup>Мақоми  
ша — бошпана. <sup>10</sup>Замзама — хиргойи. <sup>11</sup>Шўрангез — ғалаён солувчи.

хайрон бўлуб, хонанданинг сувратин кўрмоқ учун ташқори чикди ва анинг бемаъни нағмаларига таажжуб қўлларин бир-бирига урар эрди ва бошин кимирлатур эрди. Курбақа ул таврни<sup>1</sup> кўриб, манга таҳсин<sup>2</sup> қиладур деб хушвақт бўлуб, Сичқонга ошно бўлмоқ тақозоси<sup>3</sup> бошига тушди ва ақл билан ножинс суҳбатидин манъ<sup>4</sup> қилур эрди ва табиат ҳавоси Сичқон ихтилотига<sup>5</sup> далолат қилур эрди.

Алқисса, Сичқон бирла ошно бўлиб, ҳамиша мусоҳиб эрдилар ва рангин ҳикоятлар ва ширин ривоятлар ҳар тарафдин сўзлашур эрдилар:

Курбақа Сичқон билан дил шод этиб,  
Неча йилги қиссаларни ёд этиб.

Бир кун Сичқон Курбақага айди: — Неча вақт келодурки, хоҳларманким, санга роз<sup>6</sup> айтсам ва сан ул замонда сув ичида бўлурсан ва ҳар қанчаким наъра тортарман, эшитмайсан ва то овоз қилмасанг, келмоғингдан огоҳ бўлмайман.

Қ у р б а қ а а й д и: — Рост айтурсан, ман ҳам неча дафъа<sup>7</sup> андиша қилурманки, биродарим сув лабиға келса, ман сув остида бўлсам, ва билмасам ва ул мани учун интизорлик тортса, қандай бўлғай ва гоҳо бўладурки, ман тешик лабиға келурман ва сан ўзга тарафдин чиқиб кетиб, кўп муддат мунтазир<sup>8</sup> бўлурман ва хоҳлар эдимки, бу маънини изҳор қилғайман. Ўзинг каромат бирла дединг ва ботининг<sup>9</sup> сафосидин<sup>10</sup> хабардор қилдинг. Энди бу иш тадбири ҳам сандин бўлур.

С и ч қ о н а й д и: — Сарриштаи<sup>11</sup> тадбир ва савоби фикр улдурки, бир узун ип топарман, бир бошин санинг аёғингга ва бир бошин ўз аёғимга боғларман, то ҳар вақт сув лабиға келиб ипни кимирлатсам, огоҳ бўлурсан ва агар сан ҳам мани манзилимга ташриф келтурсанг, ипни ҳаракат бериб, хабардор қилурсан.

Бас, икки жонидин бу маънига қарор бериб, суҳбатларин риштаси истехком топди ва ҳамиша бир-бирларидин хабардор эрдилар.

<sup>1</sup> Бир кун Сичқон сув лабиға келди, то Курбақани ча-

<sup>1</sup>Таар — килик. <sup>2</sup>Таҳсин — олқиш. <sup>3</sup>Тақозо — зарурат. <sup>4</sup>Манъ — тақиқ. <sup>5</sup>Ихтилот — ўзаро муносабат. <sup>6</sup>Роз — сир. <sup>7</sup>Дафъа — марта. <sup>8</sup>Мунтазир — интизор бўлиш. <sup>9</sup>Ботин — ич, кўнғил. <sup>10</sup>Сафо — оқ, тоза, пок. <sup>11</sup>Сарришта — асосий маъносида.

қирғай. ва суҳбат тутғай. Ногоҳ бир қарға балойи ногаҳондек ҳаводин тушуб, Сичқонни кўтариб учди. Ва ул ипким аёғида эди ва Қурбақа ҳам бойлангон эрди, ҳамроҳ кетди. Қурбақан бечора ҳам сув қаъридин сарнигун<sup>1</sup> чиқиб, осилиб кетар эрди. Ва Сичқон Қарға тумшугида, Қурбақа куйироқ осилгон, учар эрди. Ва мардум<sup>2</sup> ул ажиб ва ғариб воқеани кўруб, таъна қилиб, дер эрдилар:

— Ажиб ҳолатеки, Қарға хилофи<sup>3</sup> одат қилиб, Қурбақани шикор<sup>4</sup> қилибдур ва ҳаргиз Қурбақа Қарғага шикор бўлмас. Лекин Сичқон дўстлигин шумлиғидин бу балоға мубтало бўлубтур. Ва андоғ кишиларки, ножинста қўшилурлар, сазолари мундор бўлур.

Байт:

Эй фиғон, ножинслардин, эй фиғон,  
Яхши улфатга қўшилғил, эй жавон.

---

<sup>1</sup>Сарнигун — боши куйи. <sup>2</sup>Мардум — сдамлар. <sup>3</sup>Хилоф — бутини. <sup>4</sup>Шикор — ов.



## Зокиржон Фурқат

(1859—1909)

1889 йилгача мен Марғинов шаҳрида осойиш нури бирла мунаввар бўлгон эрдим... Марғинов вилоятиким, Фирдавснишонлиг сифати бирла мавсуфдир<sup>1</sup>, офтоб жадъ<sup>2</sup> буржидин тулуъ қилиб<sup>3</sup>, дай<sup>4</sup> шиддати рўз-барўз тараққий айлогон вақтда беихтиёр сафар айлаб, ал ас-сабоҳ Хўқанди латифким, бандага мавлид<sup>5</sup> ва маншаъдур, дохил ўлуб, бир кеча-кундуз таваққуф<sup>6</sup> кўргуздум. Андин... уч кун тай<sup>7</sup> тариқимда кечиб, Хўжанд вилоятиким, каъбаи мақсуднинг нахустин<sup>8</sup> манзилидур, анго дохил ўлуб, Мирзо Насрулло ном бир савдогар дўстум масканига тушуб, нечанд<sup>9</sup> кун анинг висоқида<sup>10</sup> бўлдум... Ложарам... Тошканд тарафига азимат тариқани кўргуздим. Тарих бир минг уч юз олтинчи йили моҳи шаввол<sup>11</sup> нисфида<sup>12</sup> дохил ўлуб, Ҳожи Аъзам ном бир ғойибона дўстум бирла мулоқот<sup>13</sup> шарафин топтим. Ул кишининг иқтисоси<sup>14</sup> касратидин<sup>15</sup> мадрасаи Кўкалдошда истиқомат айлаб, анинг хони шафқатида кўп неъма<sup>16</sup>лар маъқулим ўлди ва ҳаттал имкон<sup>16</sup> тарбиятимда кўнишлар<sup>17</sup> кўргузди. Майманатлик<sup>18</sup> муолижасидин мизожим беҳбудликқа<sup>19</sup> юз кўйди, андак кунда

<sup>1</sup>Мавсуф — таърифи, сифатланган. <sup>2</sup>Жадъ — ой (22 декабрь — 21 январь). <sup>3</sup>Тулӯъ қилиб — чиқиб. <sup>4</sup>Дай — совук. <sup>5</sup>Мавлид — туғилиш жой. <sup>6</sup>Таваққуф — тўхташ. <sup>7</sup>Тай — сафар, юриш. <sup>8</sup>Нахустин — бошланиш. <sup>9</sup>Нечанд — бир неча. <sup>10</sup>Висоқ — уй. <sup>11</sup>1889 йил, июнь. <sup>12</sup>Нисфи — ярми. <sup>13</sup>Мулоқот — алоқа. <sup>14</sup>Иқтисо — талаб. <sup>15</sup>Касрат — кўп. <sup>16</sup>Ҳаттал имкон — имкон қадар. <sup>17</sup>Кўниш — уриниш. <sup>18</sup>Майманат — бахт. <sup>19</sup>Беҳбуд — соғломлик.

офият даражасига етушум. Тўққиз ойгача анда менинг поси<sup>2</sup> хотирим тутуб, ҳурматимнинг риоятини қилди. Бу арода ўзумга лойиқ ишларга машғул бўлдум ва аъён ва аърофи вилоят бирла маърифат пайдо қилдим, қози ва мингбошилар зумрасига<sup>3</sup> таърифимдин иттилоъ<sup>4</sup> ҳосил бўлди, мулоқот иттифоқида элардин шафқатомиз каломлар истимоим ўлди...

Тарих бир минг саккиз юз тўқсон биринчи 14 нчи май эрдик, кўнглумга саёҳат орзуси тушуб, Тошканд вилоятидин чиқиб, Самарқанд шахрида мутаважжих ўлдим...

(«Туркистон вилоятининг газети», 1891 й. 22 январь, 28 июнь)

Жонимга тоб солди сўзи фирок Фурқат,  
Келким, хароб қилди бу иштиёк, Фурқат,  
Қосид, етур паёмим, ҳар ерда топсанг они,  
Завкийни тоқатини кўп қилма тоқ, Фурқат.

(Завкий.)

## Ҳ А З А Л Л А Р

(ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...)

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам<sup>5</sup> тузиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам, ёрди абри найсонлар<sup>6</sup>.

Настарон<sup>7</sup> ювиб юзни, ёсуман<sup>8</sup> тузиб ўзни,  
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Бир саҳар эдим уйғок: ўт туташти оламга,  
Тоғлар чекибон ларза, титради биёбонлар<sup>9</sup>.

Кумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,  
Сарву гул уза доим тортар оху афгонлар.

Булбул ўқуғоч йиглаб субҳидам хазон фаслин  
Гунча қон ютуб, юв чок этти гул гирибонлар<sup>10</sup>

Офият — сөөлик. <sup>2</sup>Пос — сакташ. <sup>3</sup>Зумра — жамоат. <sup>4</sup>Иттилоъ хабардорлик. <sup>5</sup>Субҳидам — тонг палласи. <sup>6</sup>Абри найсон — апрель булути. <sup>7</sup>Настарон — гул тури. <sup>8</sup>Ёсуман (жасмин) — гул тури. <sup>9</sup>Биёбон — дашт. <sup>10</sup>Гурибон — ёка.

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутиб савсан,  
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини парижонлар.

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,  
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

### (БОРМАСМИЗ)

Биз, истиғно эли<sup>1</sup> қичқирмағон маъвога<sup>2</sup> бормасмиз,  
Агарчандеки хирман айласа, дунёга бормасмиз.

Агар лабташна қолсак, филмасал<sup>3</sup> сахройн оламда,  
Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Умид этконимиз, аксар, саодат бўтаи ҳақдин<sup>4</sup>  
Агарчи мис эрурмиз, қиммати тиллога бормасмиз.

Ҳамиша доф урармиз халқ аро Фарғона мулкида,  
Вағоят табъимиз озода, деб ҳар жога<sup>5</sup> бормасмиз.

Ҳаво лойиға ботган моуманлик дўсти худбинким,  
Ўшандоғ камзарофат, маскани аъдоға бормасмиз<sup>6</sup>.

Биз, эллар — фақр элимиз, парча нонға сабр айлармиз,  
Ғараз дунё учун Искандару Дороға<sup>7</sup> бормасмиз.

Эмасдур онча асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,  
Вале<sup>8</sup> кетгунча жуз<sup>9</sup> андишаи фардоға<sup>10</sup> бормасмиз.

### (КЕЛИНЧАК)

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хиёдин доларанг,  
Ғозадин<sup>11</sup> юзларда тобу<sup>12</sup>, ўсмадин қошлар таранг.

Заъфароний кўйлак узра аргувоний<sup>13</sup> камзиҳур,  
Рўймол оғушидин пешонанин аҳзоли танг.

---

<sup>1</sup>Истиғно эли — иззатталаб эл. <sup>2</sup>Қичқирмағон маъво — чакирилмаган жой маъносида. <sup>3</sup>Филмасал — гўё, масалан. <sup>4</sup>Бўтаи ҳақ — алюҳ инъоми. <sup>5</sup>Жо — жой. <sup>6</sup>Байтнинг маъноси: Биз, кибр-ҳаво лойиға ботганлар, худбинларга дўст бўлганлар маърифати кам душманлар масканига бормасмиз. <sup>7</sup>Доро — қадимги Эронда мелодик янгарн IV асрда ҳукмронлик қилган подшо. <sup>8</sup>Вале — лекин. <sup>9</sup>Жуз — бонжа. <sup>10</sup>Фардо — эрта. <sup>11</sup>Ғоза — кизил рангли уна. <sup>12</sup>Тоб — нур, жид. <sup>13</sup>Аргувон — юзгил гулли да-рахт.

Бори нозик панжалар олтун узукдин зебнок<sup>1</sup>  
Қўл биларзукдин музайян<sup>2</sup>, нукрадин огизда чанг.

Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногўшида<sup>3</sup> банд,  
Кўрғинур зулфи тунда субҳи содиқдек аранг.

Ғамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,  
Турфа бир ноз, офарин, пуришва таннозу сатанг.

Ақлу хуш элгар агар турса, паритек силкиниб,  
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурми шўху шанг<sup>4</sup>.

Йўқ кутулмоқлиғ манга, ул офати жон дастидин,  
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар хаданг<sup>5</sup>.

Ул париваш ишқидин гаҳ телбадурман, гоҳ соғ,  
Чунки бордур орамизда гоҳи сулҳу гоҳи жанг.

Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожў<sup>6</sup> айлади,  
Мунча бедоду ситам<sup>7</sup> қилмас мусулмонга фаранг<sup>8</sup>.

#### (АДАШГАНМАН)

Ғарибу бу вилоят хонумонидин адашганман,  
Басони<sup>9</sup> мурғи<sup>10</sup> ваҳший ошёнидин адашганман.

Чекиб булбул каби афғон, саҳарлар йиғласам, йўқ айб,  
Баҳор айёми ўтти, бўстонидин адашганман.

Азизим, муршиддим<sup>11</sup>, ҳам раҳбарим, тожи сарим<sup>12</sup> — бошим,  
Ушал соҳибкарамлик<sup>13</sup> хонадонидин адашганман.

Кезиб дашти муҳаббатни, сўроғи дўсти топмай,  
Адам<sup>14</sup> анқосидек<sup>15</sup> ному ниқонидин адашганман.

Қолиб сарғаншалик<sup>16</sup> саҳросида ҳайрону саргардон,  
Улуғ даргоҳларни (нг) остонидин адашганман.

<sup>1</sup>Зебнок — ясанган. <sup>2</sup>Музайян — безанган. <sup>3</sup>Баногўши — кулоқ те-  
пинги. <sup>4</sup>Шанг — ўйноқи. <sup>5</sup>Хаданг — . <sup>6</sup>Жафожў — жафо қилувчи.  
<sup>7</sup>Ситам — зулм. <sup>8</sup>Фаранг — европали кўзда тугилади. <sup>9</sup>Басони — мисо-  
ли, каби. <sup>10</sup>Мурғ — қуш. <sup>11</sup>Муршид — йўл кўрсатувчи. <sup>12</sup>Тожи сарим —  
бошимдаги тожим. <sup>13</sup>Соҳибкарам — сажийлик эгаси. <sup>14</sup>Адам — йўқлик.  
<sup>15</sup>Анқо — афсонавий қуш номи. <sup>16</sup>Сарғаншалик — бош айланиш.

Тирикман, эл кўзига шунчалик руҳи равоним бор,  
Вагарна<sup>1</sup> ҳоли сурат, танда жонидин адашганман.

Бошимга тушти гурбат офтоби, найлайн, Фурқат,  
Фалакни (нг) гардишидин соябонидин адашганман.

## МУСАДДАС

(САЙДИНГ ҚҶЯ БЕР, САЙЁД...)

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.  
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,  
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, қилсун чапаклар отиб жаста,<sup>2</sup>  
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста,  
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,  
Кел, қўйма бало доми бирла ёни побаста.<sup>3</sup>  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром<sup>4</sup> этсун,  
Охулар ила ўйнаб, айшани мудом этсун,  
Ёмғур суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,  
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошига раҳм эткил,  
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,  
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,  
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

---

<sup>1</sup> Вагарна — агар бўлмаса, ҳолбуки маъноларида. <sup>2</sup> Жаста — даста.  
<sup>3</sup> Побаста — оёғи боғли, тутқун. <sup>4</sup> Хиром — бу ерда давру даврон сўриш маъносига.



Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,  
Охир, бу начук бедод<sup>1</sup>, олам анга тор ўлса,  
Чиқмай деса жойидин — узлатда<sup>2</sup> фиғор<sup>3</sup> ўлса,  
Гар чиқса баногоҳи — домиға дучор ўлса.  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, кўл-бўйнини боғлабсан,  
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдурғали чоғлабсан,  
Кўксини жафо бирлан лола каби доғлабсан,  
Сот манға, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан.  
Ҳижрон ўқидин жисми, кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Йўк хуши, пари теккан девонаға ўхшайдур,  
Кўз ёши яна тўлган паймонаға ўхшайдур,  
Ғам сели била кўнгли вайронаға ўхшайдур,  
Фурқатда бу Саъдулло<sup>4</sup> ҳайронаға ўхшайдур,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

## МАСНАВИЙЛАР

### ИЛМ ХОСИЯТИ

Дейин сўз илмни (нг) хосиятидин,  
Баён айлаб, анинг моҳиятидин.

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,  
Ўзида хуши бор одам эшитсун.

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,  
Кўринг ўткан замондин бу замонда.

Сқандарким жаҳонга шоҳ эрди,  
Сипоҳ анжум<sup>5</sup>, фалак хиргоҳ<sup>6</sup> эрди.

Наким офоқ<sup>7</sup> ародур баҳр ила бар<sup>8</sup>  
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар<sup>9</sup>

<sup>1</sup>Бедод — зулм. <sup>2</sup>Узлат — ёлғизлик. <sup>3</sup>Фиғор — ярали. <sup>4</sup>Саъдулло — Фурқатнинг санъаткор дўстларидан. <sup>5</sup>Анжум — юлдузлар. <sup>6</sup>Хиргоҳ — чодир. <sup>7</sup>Офоқ — дунё, ер юзи. <sup>8</sup>Баҳр ила бар — денгиз билан қуруқлик. <sup>9</sup>Мусаххар — тобё.

Юруб барча ани (нг) хукми йўлига  
Низоми<sup>1</sup> мамлакат олди кўлига.

Ани (нг) ким лашкари оламга тўлди,  
Низоми забт ҳикмат бирла тўлди.

Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат<sup>2</sup>  
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайсиси монанд Арасту<sup>3</sup>  
Хирадда балки Афлотунга қаршу.

Алар ичра эди лекин Фалотун,  
Жамеъ илму ҳикмат бирла афзун.<sup>4</sup>

Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,  
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан андин ижод,  
Ўлуб хосиятидин олам обод.

Скандар амри бирла ҳикматойин,  
Қилиб эйна андоғки жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳр, хоҳ бардур,  
Ўшал ойина ичра жилвагардур.

Агар қилса, жаҳонбинлик таманно,  
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

Кўрар эрди қилиб анга назора,  
Вале йўқ эрди сўзлашмоққа чора.

Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,  
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Эрур шаҳларга лозим давлатидин,  
Ўлур воқиф<sup>5</sup> раийят<sup>6</sup> ҳолатидин.

---

<sup>1</sup>Низом — тартиб. <sup>2</sup>Заковат — ўткир ақл. <sup>3</sup>Арасту — қадим Юнскнинг машҳур файласуфи Аристотель (э.о. 384—322). <sup>4</sup>Афзун — зиёда. <sup>5</sup>Воқиф — хабардор. <sup>6</sup>Раийят — фуқаро.

Хабардор бўлса, доим мамлакатдин,  
Бериб нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин.

Йироқ ерларга ёзмоқ бўлса мактуб,  
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.

Қолиб шахлик иши таъхир<sup>1</sup> андин,  
Бўлур эрди, баса, дилгир андин...

Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,  
Фатонат<sup>2</sup> аҳли, донишманд ададсиз.

Улumu фанда Афлотундин афзал,  
Камели ақлу дониш бирла акмал<sup>3</sup>

Неча иш илм ила бунёд қилди,  
Хусусан, тилгиром ижод қилди.

Ки бир соатда ул соҳиб хунарлар.  
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.

Агар Мағрибда<sup>4</sup> бўлса, кимса сокин,  
Ани билмоқ эрур бир кунда мумкин.

Низом ўлди сипоҳийлик ишига,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишига.

Хусусан, нарҳига аҳли тижорат<sup>5</sup>,  
Йироқ ердин берур анга башорат.

Масалким, Тошкандин олсалар мол,  
Билиш лозимки, Маскавда на минвол<sup>6</sup>.

Юбориб ё боряб беҳбуд топса,  
Бу савдосида яъни суд<sup>7</sup> топса.

Бўлурлар тилгиром ила хабардор,  
Билурлар нафъ ёинки зарар бор...

<sup>1</sup> Таъхир — кечиктиш. <sup>2</sup> Фатонат — ақл, зеҳн. <sup>3</sup> Акмал — энг етуқ.  
<sup>4</sup> Мағриб — Ғарбий Европа. <sup>5</sup> Тижорат — савдо. <sup>6</sup> Минвол — ақвол маъно-  
сида. <sup>7</sup> Суд — фойда.

Жаҳон басту кушоди<sup>1</sup> илм бирла,  
Надур дилни (нг) муроди илм бирла.

Кўнгулларни (нг) сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларни (нг) нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,  
Ўзумни жаҳл зиндониға солдим...<sup>2</sup>

### ГИМНАЗИЯ

Қилиб таклиф бир зоти кироми<sup>3</sup>,  
Кириб гимназиё кўрдук тамоми.

Дема гимназиёким, бир гулистон,  
Эрур ҳар ёна гулчинлар<sup>4</sup> хиромон.

Жаҳон илми гулининг нақҳатидин<sup>5</sup>,  
Муаттар<sup>6</sup> анда ўғлонлар машоми<sup>7</sup>.

Ки таҳсили улуму фан қилурға,  
Кўп ўлса шод саъй-у эҳтимоми<sup>8</sup>.

Биринчи дарсхона — илми юнон,  
Ик (к) инчида ўқур лотин каломи.

Учинчи Русия қонун илми  
Ўқурлар ихтимому эътисоми.

Олиб тўртинчида таълими немис,  
Ўқур бир жамъият анда мудоми.

Яна ўхшаш анга кўп дарсхона,  
Фаромуш ўлди кўнглумдан асоми<sup>9</sup>

Маҳалликим, ўлур ўн икки соат,  
Расад-ла тўп отиб кунни қиёми.

<sup>1</sup>Басту кушод — тугун ва ечим. <sup>2</sup>Шеър қискартиб берилмоқда. <sup>3</sup>Зоти кироми — ҳурматли зот. <sup>4</sup>Гулчин — гулчи, боғбон. <sup>5</sup>Нақҳат — кунбўйлик. <sup>6</sup>Муаттар — ёқимли қид олган. <sup>7</sup>Машом — димоғ. <sup>8</sup>Эҳтимо — ҳаракат. <sup>9</sup>Асом — исмлар.

Чиқарлар барча ўғлонлар ошарға,  
Эрур тайёр ўшал ерда таоми.

Мударрислар ягона илму фанда,  
Эрур мансух Афлотунни номи<sup>1</sup>.

Дақойиқ<sup>2</sup> арсасида<sup>3</sup> барқпаймо<sup>4</sup>  
Бориси тавсани фикри хироми<sup>5</sup>

Алар илмидин ижод ўлса, тонг йўқ,  
Скандар кўзгуси<sup>6</sup>, Жамшиди Жоми<sup>7</sup>

Кириб, алқисса, ҳикматхона ичра  
Ҳама илмини кўрдук тилгиروми.

Бил (л) ури софдин бир чарх кўрдук,  
Чиқар айланса, мисдин барқи фоми<sup>8</sup>.

Тамошодин хирад кўзи қамошур,  
Ҳама ашъйи ҳикмат издиҳоми.

Тилидин соири асҳоби ҳикмат  
Эшитмоқ мумкин Афлотун паёми<sup>9</sup>.

Қолиб ҳайратда қилдук офаринлар,  
Бўлур мундоғ шаҳларни низоми...<sup>10</sup>

## САРГУЗАШТНОМА<sup>11</sup>

...Холмуҳаммад ном бир кишининг фарзанди эрдим.  
Ўтам тириклик ишига машғул эрди. Бирмунча жузъиёт<sup>12</sup>  
илмига иқтидори<sup>13</sup> бор эрди. Вақтеки, умрум тифли етти-  
лик кўчасида найсурар<sup>14</sup> бўлди, ул хангомларда жаҳон

<sup>1</sup> Афлотунни йўлда қолдириб кетадилар, маъносида. <sup>2</sup> Дақойиқ — назик маънолар. <sup>3</sup> Арса — саҳн, майдон. <sup>4</sup> Барқпаймо — чакмоқдай. <sup>5</sup> Тавсани фикри хироми — фикрлаш сурати чопқир етдек. <sup>6</sup> (Скандар) Искандар) кўзгуси — ривоятга кўра Искандар Юнонистонда шундай бир кўзгу қурдирган эканки, унда бутуя мамлакат кўриниб тураркан. <sup>7</sup> Жамшид Жоми — Жамшидга нисбат берилган жом. Ундаги май адо бўлмасмиш. Унда жаҳон намойиш эмиш. <sup>8</sup> Барқи фоми — кучли чакмоқ. <sup>9</sup> Паём — дарақ, хабар. <sup>10</sup> Шеър қисқартириб берилди. <sup>11</sup> Ушбу асар Фурқатнинг ўз кўли билан ёзилган ва ҳаётлик вақтида матбуотда босилиб чиққан таржимаи ҳолидир. «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумов илтимосига кўра ёзилган ва «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволи, ўз ёзгани» сарлавҳаси билан босилган. Парча берилмоқда. <sup>12</sup> Жузъиёт — шеър, адабиёт илми. <sup>13</sup> Иқтидор — қобилият. <sup>14</sup> Найсурар — қамши от ўйнаш мўзда тугилади.

ташвишларидин фориг ва алойик<sup>1</sup> куюдидин<sup>2</sup> фориг, ўз афродларим<sup>3</sup> бирла кўчаларда яғоч отга миниб ўйнар эрдим. Чун отам ва онам мени туфулият бўстонида олам боридин сарвдек озодлигимга кўймай, мактаб саросига<sup>4</sup> қайд қилмоққа машварат қилдилар... Ул мактабдор мулло Муҳаммад Олим ном бир ланг<sup>5</sup> киши эрди. Хузурида узун яғочлардин фаровон ва учига гиреҳ<sup>6</sup> тушган тозиёналардин<sup>7</sup> бепоён ва сиёсатидин жангари болалар ювош ва зобитасидин<sup>8</sup> ул ювошлар кўзида ёш эрди...

Мен ҳарэс<sup>9</sup> юзидин ҳар кун билотарк<sup>10</sup> мактабга борур эрдим ва пайваст<sup>11</sup> ўкумоққа машгул бўлдум. Нахустин<sup>12</sup> ўн беш — йигирма адад майда сурани сабоқ олиб, ҳифз<sup>13</sup> қилиб, андин тахтага туштум. Тахта иборати булким, бир пора тахта лавҳага ҳуруф<sup>14</sup>, ҳижони ёзиб бериб безэроб<sup>15</sup> ўкутадур. Андин кейин «сураи фотиҳа»дин бошлаб, «сураи одиёт»гача<sup>16</sup> ээроб бирла таълим берадур. Тахтадин кейин «Ҳафтияк»ка<sup>17</sup> соладур ва мен андак замонда тахта ҳажосидин чиқиб, «Ҳафтияки шариф» сурасига туштум. Ул вақт ифтитоҳ<sup>18</sup> учун отам икки-уч баркашда дастурхон қилиб, беш-олти нул бирлан устодим хизматиға бориб, миннатдорлик изҳор қилди. Олти ой муддати ичида «Ҳафтияк»ни ўқуб, тамом қилдим... Баъда «Куръони шариф» ўкумоққа мутарассид<sup>19</sup> бўлдум...

Бу арода вақтим хомаси<sup>20</sup> ҳаётим юзидин саккиз ракамни чекти. Зеҳним тайри<sup>21</sup> «Мантикут тайр»<sup>22</sup> китобиганотиқ<sup>23</sup> бўлди. Олти ой болупар<sup>24</sup> уруб, қушлар ҳикоятини хотима ошёнасига<sup>25</sup> кўндурдум ва Шамсиддин Муҳаммадким, Шероз гулшанининг андалиби<sup>26</sup> хушил-ҳонидур<sup>27</sup>, Ҳофиз<sup>28</sup> таҳаллус девонлари мутолаасидин кўб ҳазлар<sup>29</sup> топтим. Андин фориг бўлуб, абулмаоний<sup>30</sup> Мирзо Абдулқодир

<sup>1</sup>Алойик — алоқа-мувосабатлар. <sup>2</sup>Куюд — боғланишлар. <sup>3</sup>Афрод — сафдошлар. <sup>4</sup>Саро — уй маъносига. <sup>5</sup>Ланг — чўлок. <sup>6</sup>Гиреҳ — тугун. <sup>7</sup>Тозиёна — камчи. <sup>8</sup>Зобита — тартиб-ҳонда. <sup>9</sup>Ҳарос — кўркув. <sup>10</sup>Билотарк — тарк этмай. <sup>11</sup>Пайваст — узмай, қолмай. <sup>12</sup>Нахустин — аввал. <sup>13</sup>Ҳифз — ёд олиш. <sup>14</sup>Ҳуруф — ҳарфлар. <sup>15</sup>Безэроб — зер-забарсиз (оски-устки белгиларсиз). <sup>16</sup>«Сураи фотиҳа», «Сураи одиёт» — «Куръон» суралари. <sup>17</sup>«Ҳафтияк» — «Куръон»нинг еттидан бир қисми. <sup>18</sup>Ифтитоҳ — бошлаб, киришиш. <sup>19</sup>Мутарассид — мунтазир. <sup>20</sup>Ҳома — қалам. <sup>21</sup>Тайр — қуш. <sup>22</sup>«Мантикут тайр» — «Қуш вутқи», Фаридиддин Аттор (XII аср) асари. <sup>23</sup>Нотиқ — нутқ айтувчи. <sup>24</sup>Болупар уруб — қанот қоқиб. <sup>25</sup>Ошённа — уя. <sup>26</sup>Андалиб — булбул. <sup>27</sup>Хушилхон — хушовоз. <sup>28</sup>Ҳофиз Шерозий (1325—1389) — машҳур форс шоири. <sup>29</sup>Ҳаз — хузур-ҳаловат. <sup>30</sup>Абулмаоний — маънолар отаси.

Бедил<sup>1</sup> девони ғазалиётига дил боғлаб, беш ойгача ул Бедил дилбандим бўлди...

Чун умрим шоҳиди тўккуз парда орқасидин чехра кўргузди. Амир Алишернинг туркий девонлариким, Навоний лақабдур, забоним қуши ул хирмандин доначин<sup>2</sup> ўлди.

Ул хангомларда воқеаи ажиб рўйдод<sup>3</sup> бўлди, яъни бир кечаким, ул жумъа кечаси эрди, туш кўрдум. Бир чорбоғе эмишдурким, Эрам гулшани андин нишоша бўлғай. Сабзалар ва кўб тоза гуллар ҳавуз яқосида суфран дилнишин<sup>4</sup> гуногун<sup>5</sup> бисотлар<sup>6</sup> бирла ораста эрди. Ман ул жаннатсаро гулистонда ҳар тарафга танҳо кезар эмишман. Вақтеки, боғнинг бир гўшасида бир дарахт узасига чиқиб, мева термоқга машғул эрдим. Ногоҳ бир зебосурат йиғит пайдо бўлуб, пайғом<sup>7</sup> еткурди. Дедиким: — Бир жамоат уламолар сизни суҳбатларига таклиф қилурлар. Бу хабар истимоъидин<sup>8</sup> фйлҳол мен ул дарахттин тушуб, анинг рафоқати<sup>9</sup> бирла маҳали ижтимоъга мутаважжих бўлдум<sup>10</sup>. Бориб кўрдум, ул суфаким, зикр ўлуниши эрди, анда кўб уламолар давра олиб ўлтурубдурлар. Ва хосса<sup>11</sup> юқорида уч мўйсафиди фариштасийрат<sup>12</sup> кишиким, ҳузурларида катта китоблар ёзилгон, бир-бирлари бирла мунозара қилурлар ва мен пастда қўл боғлаб салом қилдим. Ул азиэлрдин бири жавоби арзон<sup>13</sup> тутуб, чақириб, ул мажлисдин жой кўрсатдилар. Адаб зонуси<sup>14</sup> бирла ўлтурдум. Таҳсилмдан савол қилдилар. Девони Амир Навоний деб таъзиман жавоб бердум. Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимга бир китоб ёзиб қўйди. Ул китоб Амир Навонийнинг «Чор девон»лари эрмиш. Андин менинг қўлумга қалам ва қоғоз бериб, ҳар қайсилари бир мисрадин байт айттилар. Мен ёзиб тамом қилдим, эрса ҳаммалари қўл очиб ҳаққимда дуо қилдилар ва шеър машинга рухсат бердилар.

Ул вақт қулоғимга хурўси сахарий хурўши<sup>15</sup> етушуб, бедор бўлдумким, субҳ чоғи бўлмиш: Кўнлумга назар қилсам, субҳдин мусаффо<sup>16</sup> ва кўзгудин мужалло<sup>17</sup> эрди.

<sup>1</sup>Бедил (1644—1721) — ота-боболари Шахрисабзлик машхур форсиғўй шоир. <sup>2</sup>Доначин — дон терувчи. <sup>3</sup>Рўйдод — юз бериш. <sup>4</sup>Дилнишин — дилга яқин. <sup>5</sup>Гуногун — ранг баранг. <sup>6</sup>Бисот — тўшақ. <sup>7</sup>Пайғом — хабар. <sup>8</sup>Истимоъ — эшитиш. <sup>9</sup>Рафоқат — ҳамроҳлик. <sup>10</sup>Ижтимоъга мутаважжих бўлдум — ёнларига йўл олдим маъносига. <sup>11</sup>Хосса — хусусан. <sup>12</sup>Уч мўйсафид фариштасийрат — Аттор, Хофиз, Навоний кўзда тутилмоқда. <sup>13</sup>Арзон — мувофиқ. <sup>14</sup>Зону — қоида. <sup>15</sup>Хурўши — қичкириш. <sup>16</sup>Субҳдин мусаффо — тонгдан тиник. <sup>17</sup>Кўзгудин мужалло — ойнадан жилолик.

Вузуй<sup>1</sup> айлаб, бөмдод намози учун масжидга бордим. Баъдаз адои салавот мактабга кириб, устозим ҳазратга бу воқеадин баён айладим. Ул киши муборак таъбирлар айтиб, дедиларким, «Эй фарзанд, ул юқорида ўлтурган азиз Амир Алишер Навоий ва ўзгалари соир<sup>2</sup> шуаролар бўлғай. Сенинг зотингга алардин мадад етиб, илми ашъордин башорат бермишлар, муборакнинг ўлғай! Зиҳи<sup>3</sup> майманатмаоб<sup>4</sup> хоб<sup>5</sup> кўрмушсен!» деб жабинимдин<sup>6</sup> бўса айлади. Бу каломи<sup>7</sup> фарҳатанжомдин<sup>8</sup> кўнглумга тоза масарратлар<sup>9</sup> юз кўйди.

Бу кун дабистонда танҳо қолиб, китобат қилур эрдим. Нохостдин<sup>10</sup> кўнглум ганжинасига<sup>11</sup> бир мазмун жилвагустар<sup>12</sup> ўлуб, фикрим бикридин бир байт зода ўлунди.<sup>13</sup> Фил фавр<sup>14</sup> таҳрир низомига чектим. Бу эрдиким, байт:

Менинг мактаб аро булду муродим,  
Хатимдек чиқса, имло-у саводим...

Вақте вужудим қофиласи<sup>15</sup> ҳаёт тарийқидин<sup>16</sup> ўн манзил тай айлади<sup>17</sup>, Фузулий<sup>18</sup> газалиёти ва «Маслак ул-муттакин»<sup>19</sup> маснавиёти мутолаасидин фориғ бўлдум ва жузъиёт китоблари анвои<sup>20</sup> мутолаасига иқтидор пайдо айладим...

Замонеким, умрум нардбонининг<sup>21</sup> ўн биринчи поясига оёғим кўйдим, шахси<sup>22</sup> муомалашиноси имло ва иборат ўлди...<sup>23</sup> Баъда<sup>24</sup> Ашурмуҳаммад қори ном бир аъмо<sup>25</sup> киши хизматига бориб, илми қироат таълим айладим. Беш-олти ой ичинда «Каломулло»ни<sup>26</sup> хат юзидин қироат айлаб, ҳатм қилдим<sup>27</sup>.

Ҳангомеки, ҳаётим куёши ўн икки йил буржини<sup>28</sup> сайр этти, қиблагоҳим мени дарс ўқутмоққа тақозо айлади. Эрс олиб бориб, Амир Умархонни жаннатмакон бино қилғон Масжиди Жомеъда турғувчи Подшоҳхўжа эшон ном бир мударрисга шогирд берди. Ул жаноб кўб уламоин ҳалим<sup>29</sup>

<sup>1</sup> Вузуй — таҳорат. <sup>2</sup> Соир — сафдош маъносиди. <sup>3</sup> Зиҳи — жуда. <sup>4</sup> Майманатмаоб — бахтдан дарак берувчи. <sup>5</sup> Хоб — уйку. <sup>6</sup> Жабин — пешона. <sup>7</sup> Калом — сўз. <sup>8</sup> Фарҳатанжом — қувонтирувчи. <sup>9</sup> Масаррат — шодлик. <sup>10</sup> Нохостдин — тўсатдан. <sup>11</sup> Ганжина — хазина. <sup>12</sup> Жилвагустар — жилваланиш. <sup>13</sup> Зода ўлунди — бунёд бўлди. <sup>14</sup> Фил фавр — шу заҳот. <sup>15</sup> Қофил — қарвон. <sup>16</sup> Тарийқ — йўл. <sup>17</sup> Тай айлади — босиб ўтди. <sup>18</sup> Фузулий (1494—1556) — буюк озарбайжон шоири. <sup>19</sup> «Маслакул муттақин» («Покизаллик йўли») — Суфий Оллоёр (XVII) асарининг номи. <sup>20</sup> Анвои — килма-кил. <sup>21</sup> Нардбон — нарвон. <sup>22</sup> Шахси — ўз. <sup>23</sup> Муомалашиноси имло ва иборат ўлди — ёзма ва оғзаки баён эта олмак даражасида бўлди. <sup>24</sup> Баъда — сўнг. <sup>25</sup> Аъмо — кўр. <sup>26</sup> «Каломулло» — «Қуръон». <sup>27</sup> Ҳатм қилдим — тугатдим. <sup>28</sup> Бурж — куёшнинг ҳаракат доирасидан нукталаридан бири. <sup>29</sup> Ҳалим — юмшоқ.



киши эрди... Саййид Муҳаммад Худоёрхонким, ул аср Фарғона музофотиға ҳукмрон эрди, анинг фармойиши бирла мадрасаларға таътилнома келди. Расм булдулки, мизон<sup>1</sup> ойидин бошлаб таҳсил бўладур. Толибул илмлар атроф-акнофдин<sup>2</sup> келиб, мадрасаларда, масжидларда истиқомат қилиб, дарс ўқийдуллар ва бошқа ерлардин ҳам келиб, мадрасадин хужра сотиб олиб таҳсил қиладулар. Ҳар ҳафта тўрт кун дарс ўқуладур. Чунончи, шанба, якшанба, душанба, сешанба кунлари. Баъда ул ўқулган сабоқларни уч кун мутолаа ва такрор қиладулар. Чунончи: чоршанба, панжшанба, жумъа кунлари. Бу тариқада олти ой муддатиким, офтоб ҳамал<sup>3</sup> буржидин тулуъ қилур, таҳсил тамом ўлуб, хондин таътилнома<sup>4</sup> чиқаду. Анда ул толиб ул-илмлар мураххас<sup>5</sup> бўлуб, бошқа тириклик ишларига машғул бўлулар ва қишлоқлардин келган толиб ул-илмлар бориб, деҳқончилик қилулар, токим таҳсил айёмида ваҳҳи маош учун пул ижод қилулар. Андин бошқа мадрасадин вақф ҳам олулар. Ул вақфнинг тариқаси буким, масалан, бир подшоҳ ва ё бир давлатманд киши бир мадраса бино айлаб, саҳрода ўз мулкидин нечан таноб зироатлик<sup>6</sup> ерни мазкур мадрасасига вақф қилиб ва нечанд шартлар мазмунида вақфнома қилиб, қозилар муҳрини бостириб, бир инсофлик кйшини мутавалли<sup>7</sup> айлаб, анга таслим қиладур. Ул мутавалли мазкур заминға жувори ва гандум<sup>8</sup> ва бошқа нимарсалар зироат қилдириб, моҳосаласини<sup>9</sup> бозорға сотиб, маблағини мазкур мадрасада мувофиқи вақфнома истиқомат қилиб тургон толиб ул-илмларға тақсим қилиб бераду. Чунончи, аълоға<sup>10</sup> ўн беш танга берса, авсотға<sup>11</sup> ўн танга ва адноға<sup>12</sup> беш танга бераду...

Вақте ёшим қамари ўн тўртлик шабида камол топти, чун мизон ойини нури жаҳон арсасига баробар тутти, таҳсил учун мадрасаға мутаважжих ўлдум...

Бу арода бирмунча замон ўтуб, Хўканд музофоти Русия давлатига тааллуқ топти ва Марғинон вилоятига тобеъ Сим<sup>13</sup> ва Чармкон<sup>14</sup> ном мавзеъларнинг обу ҳавоси марғуб<sup>15</sup> кўрунуб, Русия халқи тамкин<sup>16</sup> ихтиёр айлади. Ул ерға

<sup>1</sup>Мизон — сентябрь. <sup>2</sup>Акноф — ён, тараф (кўплик шакли). <sup>3</sup>Ҳамал — март. <sup>4</sup>Таътилнома — хоннинг талабалар таътили ҳақидаги махсус фармони кўзда тутилмоқда. <sup>5</sup>Мураххас — ижозат. <sup>6</sup>Зироатлик ер — экин ер. <sup>7</sup>Мутавалли — бошқарувчи. <sup>8</sup>Гандум — арпа. <sup>9</sup>Моҳосала — ҳосил. <sup>10</sup>Аъло — олий, юкори. <sup>11</sup>Авсот — ўрта. <sup>12</sup>Адно — пастки, қуйи. <sup>13</sup>Сим — ҳозирги Фарғона шаҳри. <sup>14</sup>Чармкон — ҳозирги Чимён. <sup>15</sup>Марғуб — маъкул. <sup>16</sup>Тамкин — сабр, қарор.

бозор чиқариб ва кўб иморатлар бино айлади. Мусулмон халқимиздан кўб кишилар бориб, дўкондор бўлуб, андақ замонда савдоларида кўп суд топиб, хавли ва саройдор бўлдилар. Ул мавзеъ оз вақтда обод бўлуб, анга Янги Марғинон ном қўйилди. Фарғона музофотиға тааллуқ обласной правление маҳкамаси анда бўладур. Мундин бўлак ҳам нечанд маҳкамалар очилиб, ўзиға тегишли ишлар бўлур. Русия улуғлари турадурган ва катта иморатлар ҳам кўбдур. Урамлари<sup>1</sup> Русия шаҳри ўрамаларидек ораста ва ҳамвордир<sup>2</sup>. Менинг бир тоғам ул мавзеъға бориб, дўкондор бўлуб тургон эди. Мени ўз хузуриға талаб қилди. Мен русия халқидан эхтироз<sup>3</sup> айлаб, бормоқни ихтиёр қилмадим. Чунким, ул вақтларда Русия халқидин бирор одамни бозорда кўрсам, қочиб, йироқдин ўтуб кетар эрдим. Ҳатто ўрус бирла сўзлашган одамни ёмон кўрар эрдим. Учунчи сана ул тоғам ўзи келиб, анда кечмиш кайфиятларидин баён қилди ва кўнглумға филжумла<sup>4</sup> тасқин тушуб, бормоққа роғиб<sup>5</sup> бўлдим. Чун анга мурожаат маҳали ўлуб, мени ўзиға рафиқ<sup>6</sup> айлади. Мазкур Янги Марғинон шаҳриға бориб, бирмунча замон анинг бирла дўконда савдо айлаб, баъдазон ўзумға махсус бир дўкон қилдим. Икки уч йил савдо қилиб, бирмунча дунё маҳсулим ўлди...

Чун ёшим соати умр шабрав<sup>7</sup> рўзида<sup>8</sup> йигирма тўрт шумориға<sup>9</sup> етти, ул вақт Хўқанд вилоятидаги фозил ва расотабъ<sup>10</sup> кишилар бирла йттиҳод<sup>11</sup> айлаб, аср шуаролариким<sup>12</sup>, чунончи, мавлоно Муҳъйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар<sup>13</sup>, ҳамиша мажлис бунёд айлаб зодак таъбаримиздин мушоира қилур эрдук, бир ғазалда татаббуъ<sup>14</sup> кўргузуб, бир мазмун ҳар навъ<sup>15</sup> ифода топар эрди. Гоҳо ҳамд<sup>16</sup> гулшанидин гул узуб, гоҳи наът<sup>17</sup> нахлистонидин<sup>18</sup> самарчин<sup>19</sup> бўлур эрдук ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн таърифида ғазал машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, анга ҳар қайсимиз алоҳида мухаммас боғлар

<sup>1</sup>Урамлари — кўча. <sup>2</sup>Ҳамвор — текис. <sup>3</sup>Эхтироз — ҳазар қилмоқ. <sup>4</sup>Филжумла — хуллас, қисқасини айтганда. <sup>5</sup>Роғиб — мойил, талабгор. <sup>6</sup>Рафиқ — ҳамроҳ. <sup>7</sup>Шабрав — тунда йўл юрувчи. <sup>8</sup>Рўз — кундуз. <sup>9</sup>Шумор — ҳисоб, сон. <sup>10</sup>Расотабъ — ақли етук. <sup>11</sup>Йттиҳод — бирлик. <sup>12</sup>Шуаро — шоврлар. <sup>13</sup>Муҳъйи, Муқимий, Завқий, Нисбат (Нисбатий) — Фурқатта замондош шоирлар. <sup>14</sup>Татаббуъ — ўхшатма. <sup>15</sup>Навъ — хил. <sup>16</sup>Ҳамд — мақтов, ҳамд. <sup>17</sup>Ҳамди худо — Аллоҳнинг мактови кўзда тутилади. <sup>18</sup>Наът — пайғамбар сифатларини айтиб мадҳ этиш. <sup>19</sup>Самарчин — ҳосил териш.

эрдук. Дигар<sup>1</sup> шеър арбоблари бизлар суҳбатимизни орзу айлаб келур эрдилар.. Агар бирор марғуб ғазал зодаи таъби ўлса<sup>2</sup>, табиатлик кишилар нусха сўраб олур эрдилар...

Эски Марғинон шаҳрида... домла Хўжажон қози бирла маърифат пайдо айладим. Ул қози зотида кўб писандида<sup>3</sup> атворлар<sup>4</sup> мушоҳада айладим<sup>5</sup> ва аруз фанида кўб моҳир киши экандур ва туркий ғазал машқида таъби кўб латиф ва равон эрмиш. Амир Алишгер Навойнинг бир ғазалига қилгон мухаммаси ниҳоятда мустаҳсан<sup>6</sup> кўрунди. Тариқат йўлига киргон бир муҳаббатлик киши экан...

Вақтеки, Тошканд шаҳрига келиб, Лахтин босмахонаси-га бориб тамошо қилдим, нечанд тариқа мошиналар га асбоблар кўрдим. Кичик-кичик яғоч кутнчаларда кўрғо-шиндин тайёрлангон мусулмонча ва русча ҳарфлар алоҳи-да-алоҳида турар экан. Ҳожат вақтида босма устоси нус-хага қараб, ул ҳарфларни иттисоли бирла<sup>7</sup> калималарни адо топтуруб, батартиб терар экан. Бул тариқа бирлан ҳарфлардан тайёрлангон йўлларни истеҳком<sup>8</sup> бериб, катта мошинага қўйуб, устига қоғоз ёпиб босар экан...

Бир кун гимназиянинг илм ҳайъатини мударриси Назаров номли тасвиркашнинг суратхонасига гузорим<sup>9</sup> тушти. Анда ажойиб хўб ёш ашёлар кўрдум ва деворларда раъно ўғул ва зебо қизлар тасвирлари ғоят ранг ва ниҳоят таро-ватда чекилмишдурким, ул хона рашки суратхонайи Чин-дур.

Анинг амалига саропо<sup>10</sup> мушоҳада қилдим. Бу тариқада эрмушдурким, аввал бир зулматхона ичинда махсус пиё-лага дору суртуб ва хушк<sup>11</sup> айлаб, эҳтиёт бирла ёрукдин маҳфуз<sup>12</sup> асбоб ичра сақлар экан, зероки шуъла текса, мазкур дорунинг қуввати кетар эрмиш. Баъдазон уч поялик бир асбоб устида ойина таъбия қилгон<sup>13</sup> бўлур экан. Сурат олдирадиргон одамни беш-олти газ<sup>14</sup> йироқ бир курсида ўткузуб мазкур ойина юзидин ҳижоб<sup>15</sup> олгонда, мошина орқасидаги бошқа ойинага ул ойина акси баайни<sup>16</sup> нақш

<sup>1</sup> Дигар — бошқа, бўлак. <sup>2</sup> Зодаи таъби ўлса — қаламидан бунёд бўлса, ёзилса. <sup>3</sup> Писандида — сара, мақбул. <sup>4</sup> Атвор — одавлар. <sup>5</sup> Мушоҳада — кўрдим, кузатдим. <sup>6</sup> Мустаҳсан — маъхул. <sup>7</sup> Иттисоли бирла — ўзаро алоқадорлари билан. <sup>8</sup> Истеҳком — маҳкамламоқ. <sup>9</sup> Гузорим — йўлим. <sup>10</sup> Саропо — бошдан охиригача. <sup>11</sup> Хушк — курук. <sup>12</sup> Маҳфуз — асраган. <sup>13</sup> Таъбия қилгон — ўрнатган. <sup>14</sup> Газ — салкам 1 м. (91,5 см) чамасидаги ўлчов бирлиги. <sup>15</sup> Ҳижоб — парда. <sup>16</sup> Баайни — гўё, худди.

бўлур экан. Ҳатто либослари ранги ва нақши зоҳир бўладур...

Ногоҳ бир иморати рафиъким<sup>2</sup> гимназия ном русия халқининг катта низомия<sup>3</sup> мадрасаси эрмиш, манзуригимиз ўлуб, бир лаҳза тавакқуф<sup>4</sup> ихтиёр айладук. Ул дарсхоналарда илмдин ва русия луғатида наҳв<sup>5</sup>, сарф<sup>6</sup> ва мантиқ, назм ва наср ва илми ҳисоб ва лотин тили ва юнон тили ва немис тили ва фаранг<sup>7</sup> тили, жаҳоннома<sup>8</sup> илми ва тарих илми ва илми ҳикмат ва музыка ва тасвир илми ўқулар экан... У мадрасада ўн икки нафар мударрис бор эрмиш. Алар ҳар қайсилари бир илмга дарс айтур эканлар. Таҳсил кунларида бир соатда бир дарс сабақ берилур экан, йил охирида, май ойида шогирдлар имтиҳон берур эканлар...

Ва неча мартаба театр ном русия халқининг тамошо-хонасига бориб, андаги ўйун тақлид тартибларини кўрдум. Аларнинг кўрсатган тамошоси — ҳунарлари бизнинг масхарабозидек маҳз<sup>9</sup> кулгу учун эмас экан, балки ибрат учун экандур. Бу тариқадаким, ўтган замондаги одамларнинг аҳволини ва кечурган тирикчиликларини ва ул мардум ароларида бўгон муомалаларни тақлид қилиб кўрсатур экан ва баъзи кулгулук ўйунлар бўлса, боргонлар андин ҳам ибрат ва ҳам хурсандлиқ истифода қилур эканлар. Ул тамошохона катта бир олий иморат ўлуб, анда эркак ва хотунлар келиб ҳаммалари курсида яхши одоб тутуб ўлтурар эканлар. Бу сабабдин анда уётлик ўйун ва уётлик сўз мутлақо бўлмас экан...

---

<sup>1</sup>Зоҳир бўладур — намоён бўладур. <sup>2</sup>Рафиъ — баланд. <sup>3</sup>Низомия — аскарый. <sup>4</sup>Тавакқуф — тўхташ. <sup>5</sup>Наҳв — синтаксис. <sup>6</sup>Сарф — морфология. <sup>7</sup>Фаранг — француз. <sup>8</sup>Жаҳоннома — география кўзда тутилади. <sup>9</sup>Маҳз — фақат.

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ

**Муҳаммад  
Сулаймон ўғли  
Фузулий**

(1498—1556)



Менинг шоирлигим Эшондир, аммо,  
Фузулий шеърига ошиқлигим рост.

*Эркин Воҳидов*

### ҒАЗАЛЛАР

(ШИФОЙИ ВАСЛ ҚАДРИН...)

Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан<sup>1</sup> сўр,  
Зулоли<sup>2</sup> завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин гелуб гуфтора<sup>3</sup> бандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуктани<sup>4</sup> бир воқифи асрор ўландан сўр.

Гўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил,  
Кавокиб<sup>5</sup> сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлмг фаттон<sup>6</sup> гўзларинг жаврин чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр.

амингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма ахволим,  
Бу ахволи шаби хижрон баним-ла<sup>7</sup> ёр ўландан сўр.

<sup>1</sup>Ўландан — бўлгадан. <sup>2</sup>Зулол — тиник. <sup>3</sup>Гуфтор — сўзлаш. <sup>4</sup>Нукта — сир. <sup>5</sup>Кавокиб — қудузлар. <sup>6</sup>Фаттон — фитначи. <sup>7</sup>Баним-ла — мен билан.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг бллур холим  
Харобот ахлининг аҳвелини хуммор ўландан сўр.

Мухаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди гофил,  
Фузулий ишқ завқин, завқи шавқи бор ўландан сўр.

(БАНИ ЖОНДАН ЎСОНДИРДИ...)

Бани жондан ўсондирди<sup>1</sup>, жафодан ёр ўсонмазми?  
Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шамъи ёнмазми?

Қаму<sup>2</sup> беморина жонен давоёи дард этар эҳсон,  
Нечук қилмаз банго дармон, бани бемор сонмазми?<sup>3</sup>

Шаби ҳижрон ёнар жоним, дўкар қон чашми гирёним,  
Уёдир<sup>4</sup> халқи афғоним, қаро бахтим уёнмазми?

Гули рухсоринга қаршу гўзимдин қонли оқар су,  
Қабибим фасли гулдир бу, оқар сувлар буланмазми?

Ғамим пинҳон дутардим бан, дедилар, ёра қил равшан,  
Десам ул бавафо<sup>5</sup> билман<sup>5</sup>, инонурми, инонмазми?

Дагилдим<sup>6</sup> бан санго мойил, сан этдинг ақлими зойил<sup>7</sup>?  
Банго таън<sup>8</sup> айлаян гофил, сани кўргач, ўтонмазми?<sup>9</sup>

Фузулий ринди шайдодир, ҳамиша халқа расводир,  
Кўрингким, бу на савдодир, бу савдодан ўсонмазми?

«ЛАЙЛОВУ МАЖНУН»

Достонидан

Бир кунки баҳори оламафрўз<sup>10</sup>  
Вермишди жаҳона файзи наврўз...  
Бир неча мусоҳиби вафодир,  
Мажнуни шикастани<sup>11</sup> кўруб зор.  
Ҳар ён дедиларки: «Эй болокаш<sup>12</sup>  
Гул чоғидур, ўлмағил мушавваши<sup>13</sup>».

<sup>1</sup>Ўсонмоқ — безмоқ. <sup>2</sup>Қаму — барча. <sup>3</sup>Сонмоқ — ҳисобламоқ. <sup>4</sup>Уёдир — уйғетадир. <sup>5</sup>Билман — билмайман. <sup>6</sup>Дагилдим — эмасдим. <sup>7</sup>Зойил — йўқ қилувчи. <sup>8</sup>Таън — таъна. <sup>9</sup>Ўтонмоқ — уялмоқ. <sup>10</sup>Оламафрўз — оламини ашнатувчи. <sup>11</sup>Шикаста — мажруҳ, заиф. <sup>12</sup>Болокаш — бало тортувчи. <sup>13</sup>Мушавваши — ғамгин.

Бу фаслда одами керак шод,  
 Андуху балоу гамдин озод...»  
 Мажнуни ҳазин аёга дурди,  
 Саҳроларга сайр учун юз урди.  
 Гирён-гирён қилурди сайрон,  
 Ҳайрон-хайрон гезарди ҳар ён...  
 Ҳар турфа чечак кўруб, чекиб ох,  
 Манзил-манзил гезарди ногоҳ.  
 Бир манзила душди раҳгузори<sup>1</sup>,  
 Ким сайр эдарди анда ёри.  
 Бир неча парирух<sup>2</sup> ила ҳамдам,  
 Мажнуни шикастадан муқаддам.  
 Лайло гузар этмиш ул фазоя,  
 Солмиш гулу лола узра соя...  
 Мажнуна муқобил<sup>3</sup> ўлди Лайли,  
 Баҳри гама етди дард сайли.  
 Лайло дема — шамъи мажлисафрўз,  
 Мажнун дема — оташи жигарсўз.  
 Лайло дема — жаннат ичра бир ҳур,  
 Мажнун дема — зулмат ичра бир нур.  
 Лайло дема — авжи хусна бир моҳ,  
 Мажнун дема — мулки ишқа бир шох.  
 Лайло дема — бир яғонаи даҳр,  
 Мажнун дема — бир фасонаи шаҳр...  
 Ул ики сиҳи қади суманбар  
 Бир-бирини ўлдилар баробар.  
 Фўлода сотошди санги хора<sup>4</sup>,  
 Ўд душди қарору ихтиёра.  
 Бир сөза дузулди ул ики тор,  
 Гарм ўлди<sup>5</sup> ривожи нола у зор.  
 Ул боҳди бунга нишот бўлди,  
 Бу кўрди ани муқайад ўлди.  
 Мажнуна қарор дутмайиб ҳуш.  
 Дарёи таҳайюр айлади жўш.  
 Бир дам боҳа билмади ул оя,  
 Ер узра душанди мисли соя.  
 Лайли ҳам итирди ихтиёрин,  
 Бир дам кўра билмади нигорян,  
 Ҳайронлиги ул мақома етди,  
 Ким душди оёга, руҳи кетди...

<sup>1</sup>Раҳгузор — ёул. <sup>2</sup>Парирух — пари юзги. <sup>3</sup>Муқобил — рўбару бўл-  
 мак. <sup>4</sup>Фўлода сотошди санги хора — вўлат ва тошнинг бир-бирига  
 урилиб, ўт, учкун чиқарилгани воқеасига ўқшатишмоқда. <sup>5</sup>Гарм ўлди —  
 қайнади.



## Махтумқули

(1733 йилда туғилиб,  
XVIII асрнинг охирига  
ригача яшаган)

### ШЕЪРЛАР

(ФАЛАК «АЛИФ» ҚАДДИМ ДУТО АЙЛАДИ)

Қайғу-ғамда азиз умрим сўлдириб,  
Шум фалак азобим ройгон<sup>1</sup> айлади.  
Ёзган китобларим селга олдириб,  
Кўзларим йўлида гирён айлади.

Ғафлатда у душман олди элимни,  
Тарқатди ҳар ёнга дўсту тенгимни,  
Беш йил бўйи ёзган китоб-шеъримни  
Қизилбошлар олиб, вайрон-айлади

Бир нечамиз қўлибоғли қул бўлиб,  
Нечалар пиёда сарғайиб-сўлиб,  
Кимни бериб, унинг баҳосин олиб,  
Ҳар кимга белгили баҳо айлади.

Шум фалак азобин менга билдирди,  
Йиғламоқдан гул юзларим сўлдирди.  
Қўлёзма китобим селга олдирди,  
Душманнимни Жайхундарё айлади.

Нечалар дунёда бўлди бир киши,  
Нечанинг томоғин тўйдирмас өши,

---

<sup>1</sup>Ройгон — бекор, абас, бефайда.



Нечанинг мотамдан қутулмас боши,  
Кеча-кундуз вовайлато айлади.

Куйдилар шум фалак жабру ҳавоси,  
Инонманг, ёлғондир аҳду вафоси,  
Махтумқули, йўқ бу сўзнинг хатоси,  
Фалак «алиф» қаддим дуто айлади.

### КЎРИНГ

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтириб-туришин кўринг,  
Биров билан ошна бўлай десангиз,  
Аввал ўз сўзида туришин кўринг.

Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,  
Мардлик қилличини солар бўлсангиз,  
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,  
Сийнасин, сағрисин керишин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига,  
Кўксин очиб кезар қишнинг елига,  
Харидор бўлсангиз қизга, келинга,  
Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,  
Ўтишар ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,  
Ўзи ҳотам бўлиб, яна бой бўлса  
Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг моли бисёри  
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,  
Яхши-ёмон, одам зотининг бори,  
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Тангри безор, билинг, закотсиз бойдан,  
Сиз ҳам қочинг зинҳор ул келар жойдан,  
Мардга бир иш тушса, кўрар худойдан,  
Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,  
Уйига келганда заҳарин сочиб,

Мард йигит меҳмона кўксини очиб,  
Номарднинг меҳмоннан қочишин кўринг.

Золимлар унутар зикри оллони,  
Арзон олиб, қиммат сотар галлони,  
Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллони  
Ҳаром фойдасига беришин кўринг.

Мард йигитнинг иши суҳбат — сўз бўлар,  
Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар,  
Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,  
Ёмоннинг кунда бир уришин кўринг.

Қадрдон қардошдан узоқда туриб,  
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,  
Махтумқули, носозларга дуч бўлиб,  
Хўжанинг, саиднинг юришин кўринг.

#### (БЎЛМА)

Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,  
Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма,  
Ўзингдан паст бўлган ғайир, номарднинг  
Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.

Оқмасдан қолмайди бир оққан арик,  
Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ,  
Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,  
Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,  
Астин ёмон бўлса, чиқмас омонлик,  
Аслига тертади, чопқир, чаманлик,  
Чопқирни чаманга сотувчи бўлма.

Агар сен хабарсиз бир ерга борсанг,  
Ҳурматин айлагин ўтирсанг, турсанг,  
Бир насиҳат берай, пандимни олсанг,  
Кяши ошининг тузин тотувчи бўлма.

Чақирган ерга бор, ўтир-да, турма.  
Чақирмаган ерга борма, ўтирма.  
Уягсиз одамдек суйқаниб юрма,  
Буюрилмаган ишни этувчи бўлма.

Агар бўлсанг ипак каби мулойим,  
Мулойим сен бўлсанг, қулинг бўлойин  
Қулоғимга берган пандинг олойин,  
Кишига қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Кўкдан нам тушмаса, кўкат кўкармас  
Йиғласа, минг қайғу бир иш битирмас,  
Эр йиғит кўнглига қайғу кетирмас,  
Номарднинг ўғлидек қочувчи бўлма.

Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон,  
Тўғри сўз устида берар ширия жон,  
Умрини ўтказар, айтмайди ёлгон,  
Жаҳд айлаб, ёлгон сўз айтувчи бўлма.

Ўқир бўлсанг, ўк ур нафсинг кўзига,  
Чин кўз билан қара китоб юзига,  
Алданиб, кирмагил шайтон сўзига,  
Яхшиликни ҳеч вақт қўювчи бўлма.

Агар енгил бўлсин десанг оғирлар,  
Ёмон сўзлаб, оғритмагил бағирлар.  
Йўлиқса кўзингга гунгу сағирлар,  
Уларнинг ҳолига кулувчи бўлма.

Топсанг-да дунёда мулки Искандар,  
Қоруннинг моли ҳам бўлса муясеар,  
Охири бўларсан ерга баробар,  
Кўнглингда манманлик сотувчи бўлма.

Мақол бор: «Йиртиқ тўн кўрса, ит қопар»,  
Феъли ёмон банди худодан топар,  
Охири бир куни қиларсан сафар,  
Тор кўнгуллик ишни этувчи бўлма.

Агарчанд бўлсангки, соҳиб мансаб,  
Сўзин тингла, адолатни бўл тенглаб,  
Сўз топсанг сўзлагил, тополмасанг бўл ҳап,  
Қўлдан келмас ишни этувчи бўлма.

Қариллик келгуси бир кун офати,  
Йиғитнинг келгуси бир кун қуввати,  
Ҳанимат бил, ғофил одам, фурсатни,  
Ўликдек узатиб этувчи бўлма.

Мақсад: бу сўзларга бергил эътибор,  
Чин одамга ҳар вақт одамлик даркор,  
Уйламай сўзлама: «Томда кулоқ бор»  
Ич сириг кишига айтувчи бўлма.

Тонг отарда сўфи айтади азон,  
Бузилмасмиш ҳаргиз қисматда ёзган,  
Йигитлик бўстондир, қарилик хазон,  
Бўстонни хазонга сотувчи бўлма.

Китоб очиб ўқиганни мулла дер,  
Кўқарар ёмғирнинг суви билан эр,  
Олқишу фотиҳа, дуо билан эр,  
Мазлумга ситамлар қилувчи бўлма.

Давлатли ўғиллар ёшда бош бўлар,  
Яшаганда, бадавлатлар ёш бўлар,  
Раҳмсиз золимлар бағритош бўлар,  
Борар ерга кесак отувчи бўлма.

Эр йигитда молу давлат пур бўлар,  
Қамчиси қўлида, ёмон зўр бўлар,  
Маърака кўрмаган йигит хўр бўлар,  
Бўлар-бўлмас сўзни айтувчи бўлма.

Эй кўнгил, кел энди ҳақни топайлик,  
Насиба отини миниб чопайлик,  
Дейдилар: Ҳақ эмиш меҳру вафолик,  
Ҳаргиз ўз сўзингдан қайтувчи бўлма.

Мен айтдим бир неча панду насихат,  
Билсанг, насихатдир, йўқса фасихат,  
Фасихат билмагил, барча насихат,  
Ёлғон-яшиқ сўзни айтувчи бўлма.

Махтумжули, кўнглингдадир кўп армон,  
Топмадинг дардингга оқибат дармон,  
Етишар бир кун Ҳақдан бу фармон,  
Ғафлат тўшагида ётувчи бўлма.

## БЎЛМАС

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,  
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас,  
Ғусса билан дона-дона кўзингдан  
Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,  
Тамаъ қилиб сарғайтирма юзингни,  
Ҳар номардга раво кўрма сўзингни,  
Сўзингни биноси йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,  
Дуч бўларсан бир кун хазон елига,  
Юз йил яшаб тушсанг ажал кўлига,  
Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,  
Юқар ундан турли-туман қасофат,  
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,  
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули ҳаргиз топмади омон,  
Ёмон тигнинг захри тиглардан ёмон,  
Ёмон тил ёнида захри кўп илон —  
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.

## САВОЛУ ЖАВОБ

- Махтумқули** — У нимадир, қизил ва кўк ўсади?  
У нимадир, оёғи йўқ, босади?  
У нимадир, етти дарё кезади?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У ёқиндир, қизил ва кўк ўсади,  
У илондир, оёғи йўқ, босади,  
У балиқдир — етти дарё кезади,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумқули** — У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?  
У нимадир, қаноти бор, қони йўқ?  
У нимадир, одам ютар, жони йўқ?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У кафандир — ёқаси бор, ёни йўқ,  
Капалақдир — қаноти бор, қони йўқ,  
Қора ердир — одам ютар, жони йўқ,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

- Махтумкули — У нимадир, дарвозасиз қалъадир?  
 У нимадир, деразасиз бинодир?  
 У нимадир, бир-биридан аълодир?  
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир — У кўнгилдир — дарвозасиз қалъадир,  
 У қабрдир — деразасиз бинодир,  
 У ой-кундир — бир-биридан аълодир,  
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумкули — У нимадир, емадилар — тўйдилар?  
 У нимадир, улуг кунга қўйдилар?  
 Ул ким эди, товонидан сўйдилар?  
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир — У дийдордир — емадилар, тўйдилар,  
 У намоздир — қиёматга қўйдилар,  
 Насимийни товонидан сўйдилар,  
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумкули — У нимадир, етти ўлка кезади?  
 У нимадир, белин бир зот эзади?  
 У нимадир, одам каби сезади?  
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир — У чўпондир — етти ўлка кезади,  
 У куюндир — дарахт белин эзади,  
 Бедов отлар одам каби сезади,  
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумкули — У нимадир, тупроқ узра суринмас?  
 У нимадир, одамларга кўринмас?  
 У нимадир, ҳеч бир тўнга бурканмас?  
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир — Эранлардир, хор-зор бўлиб суринмас,  
 У балодир — келса кўзга кўринмас,  
 Ёлгон гурунг ҳеч бир тўнга бурканмас,  
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

## МУНДАРИЖА

Тузувчилардан.....	3	Фазаллар.....	252
XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср адабиёти		Шермуҳаммад Мунис.....	261
<b>Алишер Навоий</b> .....	5	Фазаллар.....	262
Фазаллар.....	8	Мустазод.....	280
Рубойлар.....	13	Мухаммаслар.....	282
Қитъалар.....	15	Рубойлар.....	284
Туюқлар.....	17	Туюқлар.....	285
Фардлар.....	18	<b>Жаҳон Отин Увайсий</b> .....	286
Достонлар.....	19	Фазаллар.....	286
Хамса.....	19	Чистон.....	292
Ҳайрат ул-аброҳ.....	19	<b>Нодира</b>	
Фарҳоду Ширин.....	26	Фазаллар.....	293
Лайлоу Маъжнун.....	107	<b>Муҳаммадризо Огаҳий</b> .....	299
Саъбаи сайёра.....	116	Фазаллар.....	301
Сади Искандарий.....	124	Мустазод.....	320
Лисон ут-тайр.....	129	Мухаммас.....	321
Турли асарларидан		Қитъалар.....	322
слинган ҳикматли		Рубойлар.....	325
сўзлар.....	132	Огоҳнома (қасида).....	327
Насрий асарлар.....	141	Саъдийнинг «Гулистон»	
Муҳокамат ул-дугатайн.....	141	асаридан Огаҳий тар-	
Мезон ул-авзон.....	144	жимасидаги тўққизин-	
<b>Муҳаммад Солиҳ</b> .....	150	чи боб.....	336
Шайбонийнома.....	152	<b>XIX асрнинг иккинчи ярми</b>	
<b>Заҳриддин Муҳаммад</b>		ўзбек адабиёти	
<b>Еобур</b> .....	181	Чоризм истилоси. Тош-	
Фазаллар.....	182	кентлик Солиҳбек охун-	
Рубойлар.....	188	нинг генерал Черняевга	
Туюқлар.....	190	жавобидан.....	344
Фард.....	191	<b>Исҳоқхон Жунайдуллаҳо-</b>	
«Еобурнома»дан.....	191	жа ўғли Ибрат.....	345
<b>XVII—XVIII асрлар ва XIX</b>		Таврихи Фарғона.....	345
<b>асрнинг биринчи ярми ўзбек</b>		<b>Муҳаммад Юсуфбек Баёний</b> .....	347
<b>адабиёти</b>		«Шажарайи Хоразмшо-	
<b>Турди Фароғий</b> .....	202	ҳий» китобидан.....	347
Фазаллар.....	203	<b>Қовил Хоразмий</b> .....	350
Муҳаммаси туркийи		Фазаллар.....	350
Турдий.....	213	<b>Муҳаммад Амин Муқимий</b> .....	354
<b>Бобораҳим Маъраб</b> .....	216	Фазаллар.....	354
Фазаллар.....	216	Ҳажвиёт.....	357
Мурабба.....	239	Мутоийба.....	360
«Шоҳ Маъраб» (Қис-			
садан парча).....	240		
<b>Ҳужаназар Хувайдо</b> .....	252		

«Саёҳатнома»лардан.....	361	Жаҳон адабиёти намуналари	
Алмайи.....	364	Мухаммад Сулаймон ўғли	
Ғазаллар.....	364	Фузулий.....	389
«Калила ва Димнайн» туркий»дан.....	366	Ғазаллар.....	389
Зокиржон Фурқат.....	372	Лайлоу Мажнун.....	390
Ғазаллар.....	373	Махтумқули.....	392
Мусаддас.....	376	Шеърлар.....	392
Маснавийлар.....	377		
Саргузаштнома.....	381		

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

### МАЖМУА

(XV асрнинг иккинчи ярми — XIX аср)

10-синф учун

ИККИНЧИ НАШРИ

Тузувчилар: *Бегали Косимов, Нусратулло Жумаев, Султонмурод Олим*

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Мухаррир *Х. Хайитметов*  
 Бадий муҳаррир *Б. Жураев*  
 Техн. муҳаррир *Т. Зологилова*  
 Мусоҳиҳ *М. Минаҳмедова*

ИБ № 7158

Дипозитгадан босишга рухсат этилди 24.06.96. Формати 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Кегли 10 шпони.  
 Литературная гарантияси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 21.0. Шартли кр.-...  
 21.31. Нашр б. в. 19.58. 307000 нусхада. 37-буортма.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент 129. Навоий кўчаси. 30. Шартнома 13—95—96

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгиёул ижара матоб фабрикаси Янгиёул  
 Самарқанд кўчаси, 44. 1996.